

Шри Шримад А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада

Мундарижа

## Чайтанья таъли- МОТИ

Ҳақиқий руҳий ҳаёт ҳақида

Москва-Ленинград-Калькутта-Бомбей-Нью-дели

Шри Гуру ва Гаурангага шон-шарафлар бўлсин!

Шри Шримад А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада  
Кришнани англаш Халқаро жамиятининг асосчи-ачарйаси

## Шри Чайтанья таълимоти

Ҳақиқий руҳий ҳаёт ҳақида рисола

1896-йил, мен туғилган йилда ғарбий давлатларда (Канада-нинг Мак Гилла Университетида)

Шри Чайтанья Махапрабху таълимотини тарғибот қилишни бошлаб берган Шрила Саччидананда Бхактивинода Тхакура-нинг муқаддас фаолиятига бағишланади.

Индира Гандининг Шри Чайтанья фаолиятини муносиб баҳолаши

Сўзбоши

Пролог...

Парвардигор Чайтаньянинг мақсади.....

Кириш.....

1-боб. Парвардигорнинг Рупа Госвамига берган насиҳатлари

2-боб. Санатана Госвами .....

3-боб. Парвардигорнинг Санатана Госвамига берган насиҳатлари

4-боб. Донишманд

5-боб. Қандай қилиб Худога яқинлашиш мумкин?

6-боб. Худонинг барча қиёфалари аслида бир

7-боб. Худонинг чексиз қиёфалари

8-боб. Аватаралар

9-боб. Кришнанинг бойликлари

10-боб. Кришнанинг гўзаллиги

11-боб. Худога хизмат қилиш

12-боб. Содик хизматкор

13-боб. Худога муҳаббат билан боғланган ҳолда хизмат қилиш

14-боб. Парвардигор ва Унинг содикларининг лаззати

15-боб. "Шримад Бхагаватам"даги атмарама шлокини тушунтириш

16-боб. Парвардигор Чайтаньянинг Санатана Госвамига берган насиҳатларининг давоми.....

17-боб. Парвардигор Чайтанья - бошланғич Худо Шахси..

18-боб. Пракашананда билан суҳбат

19-боб. Пракашананда билан бўлиб ўтган суҳбатнинг давоми

20-Боб. Ведантани ўрганишдан мақсад

21-боб. Майавади-файласуфларнинг вайшнавларга айланиши

22-боб. "Шримад Бхагаватам"

23-боб. "Веданта-сутра"ни ўрганиш нимага керак?

24-боб. Сарвабхаума Бхаттачарйа билан суҳбат

25-боб. Парвардигорнинг шахсий ва шахсиятсиз аспектларини англаб етиш

26-боб. Бхаттачарйанинг вайшнав бўлиши

27-боб. Парвардигор Чайтанья ва Рамананда Рай

28-боб. Парвардигор билан ўзаро муносабатлар

29-боб. Кришнага нисбатан соф муҳаббат

30-боб. Радха ва Кришнанинг илоҳий эрмаклари

31-боб. Баркамолликнинг олий поғонаси

32-боб. Хулоса

## Индира Гандининг Шри Чайтанья фаолиятини муносиб баҳолаши

(Бош вазир жамиятнинг ҳозирги даврдаги муаммоларини ҳал қилиш учун руҳий ҳаёт ва *бхакти* зарурлигини алоҳида таъкидлайди)

Нью-дели. 1983 йил. Индира Ганди Шри Чайтанья Махапрабхунинг 500 йиллик юбилей маросимида иштирок этди. У Шри Чайтанья Махапрабху тасвири чизилган расмга шамчирок ва гулчамбар таклиф этиб, юбилей маросимини очиб берди. Ҳиндистон Парламенти аъзоси, Шри Чайтанья Махапрабхунинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш комиссияси раиси, доктор Карана Сингхнинг бевосита раҳбарлиги остида уюштирилган бу маросимда Дехли шаҳрининг кўплаб аҳолиси иштирок этди.

Доктор Сингх кириш сўзида Ҳиндистонда муҳаббат ва садоқат муҳитини яратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади ва Шри Чайтанья Махапрабхунинг ҳаётидан Унинг муҳтожларга қандай ёрдам берганини кўрсатадиган бир неча мисоллар келтирди. У бир неча лавҳаларни гапириб, таъкидлаб айтдики, Ҳиндистонда яшайдиган миллионлаб кишилар Шри Чайтанья Махапрабхуни Парвардигор Кришнанинг бу дунёда намоён бўлган киёфаси, аватараси деб биладилар. Шундан сўнг Индира Ганди анжуман иштирокчилари олдида гапирган нутқида жуда муҳим гапларни айтди: "...Мен одамлар қалбидан *бхакти*(Худога муҳаббат) туйғусини тортиб олиш мумкинлигига ишонмайман. *Бхакти* ҳеч қачон йўқолмайди. Биз қандай шароитга тушиб қолишимиздан қатъий назар *бхакти* ҳамиша мавжуд бўлиб қолаверади. Мен яқинда Тинчлик Конгрессида гапирган гапларимни мана шу мамлакат халқига мурожаат қилган ҳолда яна бир бор такрорламоқчиман: ҳаётни қандайдир бўлақларга бўлиб чеклаб қўйиш мумкин эмас. Бу дин, бу илм, бу эса таълим, деб ҳамма нарсани алоҳида тоқчаларга тахлаб қўйишнинг иложи йўқ. Агар биз ҳаётнинг бўлинмас тўла бир бутун эканини тан олмасак, ҳаёт ҳақидаги сийқаси чиқиб кетган "бирор гуноҳ ёки зулм қилган киши Гангада ювиниш ёки эҳромга бориб Худога ёлвориш билан гуноҳларидан покланади" деган нотўғри тасаввурнинг қурбони бўлиб қолаверамиз. Менимча, биз қилаётган ҳар қандай ишнинг оқибати ўзимизнинг ортимиздан узлуксиз эргашиб юради. Шу боис биз ҳамиша ўйлаб ҳаракат қилишимиз лозим: тўғри қарор қилдикми, тўғри йўлдан боряпмизми?..

Мен Шри Чайтанья Махапрабхуни қандай гаплар билан таърифлаш мумкинлиги ҳақида кўп ўйладим... Бизнинг мамлакатимиз жаҳонга кўплаб авлиё зотларни етиштириб берган. Биз ғофиллигимиз сабабли уларнинг баъзиларини ҳақорат қилдик. Уларнинг кўпларининг бошига жуда кўп мусибатлар тушди, кўпларини қийнадик, азоб-уқубатларга дучор этдик, уларнинг кўплари ҳатто улар тарғибот қилаётган таълимотни қабул қилган-қилмаганимизни ҳам билмасдан ҳаётдан кўз юмдилар. Лекин, бизларнинг уларга қарши қилаётган бу ишларимиз уларни ўз мақсадига эришиш йўлида интилишни тарк этишга мажбур қила олмади. **Фақат пасткаш ва нодон одам ҳар хил таъқиблардан, тазийқ ва ҳақоратлардан қўрқиб ўзи танлаган буюк йўлдан қайтиб кетиши мумкин.** Лекин, ўз фаолиятининг муҳимлигини англаб етган инсонлар ғофил одамларнинг уларга етказётган ҳар қандай мусибатларидан ўзларига илоҳий қувват оладилар. Уларнинг танасига бирор зарар етказиш ёки яқсон

қилиш мумкин, лекин уларнинг ғояларини ва уларнинг эзгу фаолиятини яқсон қилишнинг иложи йўқ.

Шри Чайтанья Махапрабху ҳеч қачон бундай қийин аҳволга тушиб қолмаган. Унинг ғоялари халқ томонидан қабул қилинган эди. Биз ҳиндистонликлар ўзимизни руҳий миллат деб биламиз, лекин аслида биз бошқа халқлардан тақводорроқ эмасмиз. Бойлик ва бошқа дунёвий нарсаларга интилиш туйғуси бошқа халқлар сингари ҳиндистонликларга ҳам хос бўлган хусусият. Лекин шунга қарамай, халқимизда бизларни бошқа халқлардан ажратиб турадиган ягона бир хусусият бор. Бу хусусият шундан иборатки, гарчи биз кундалик турмушимизда диний қоидаларга унчалик жиддий амал қилмасак ҳам динни, диндорларни қаттиқ ҳурмат қиламиз. Биз улғувор кадриятлар олдида бош эгамиз. Дунёвий ҳаётни тарк этган, умрини руҳий изланишларга бағишлаган, моддий ҳаёт билан қизиқмайдиган кишилар халқ орасида, айниқса камбағал одамлар орасида жуда катта обрў-этиборга эга. *Бхакти*, Худога муҳаббат туйғусининг айнан бизнинг ватанимизда сақланиб қолишининг асосий сабабларидан бири ҳам шунда.

Мана шунга ўхшаган руҳий учрашувларнинг моҳияти шундан иборатки, биз қандай қилиб *бхакти* амалда ўзини намоён этишини, у қандай қилиб ҳар бир инсон қалбидан жой олиши мумкинлигини аниқлашимиз лозим. Айнан шунинг учун мен ҳам бугунги тантанادا иштирок этапман. Менинг бу ерда иштирок этишим ёки иштирок этмаслигим одамлар қалбида Худога бўлган имон-этиқодни кучайтирмайди. Лекин, мен бу ерга ҳозирги даврда одамлар ҳеч қандай қулайликлар ва моддий тараққиёт билан қондиришнинг иложи бўлмаган маънавий, руҳий очлик ва чанқоклик азобидан азият чекаётганига ишончим комил эканини билдириш учун келганман...

Биз бу ерда юксак кадриятлар олдида бош эгиш учун, Худога илтижо қилиш ҳамда ишларимизга дуои-фотиҳа олиш учун тўпланганмиз, шунда мангу порлоқ руҳий нур бизни мусибатлардан халос этиб, буюк миллат даражасига кўтаради. Биз халқимиздан қашшоқлик илагани биратўла кўтарилишини, шу билан бирга бойлар ва камбағаллар орасидаги фарқ ва бошқа муаммолар ҳам йўқолишини чин дилдан орзу қиламиз, лекин айни пайтда биз ҳамиша шуни эсда тутишимиз лозимки, **руҳий кадриятлар ва олий мақсадлар муҳимлиги жиҳатидан бу ўткинчи нарсалардан анча устун туради.** Фақат шундагина биз ўзимизнинг инсоний бурчимизни адо этган бўламиз".

## Сўзбоши

Бу ерда баён этиладиган Парвардигор Чайтаньянинг таълимоти билан Парвардигор Кришнанинг "Бхагавад-гита"даги таълимоти бир-биридан умуман фарқ қилмайди. Парвардигор Чайтанья таълимоти - Парвардигор Кришна таълимотининг амалда татбиқ этилишидир. Парвардигор Кришнанинг "Бхагавад-гита"даги охириги насиҳати шундан иборатки, ҳар бир инсон Унга, Парвардигор Кришнага ўзини топшириши лозим. Ўз ихтиёрини Унга топширган кишига бевосита ғамхўрлик қилишни Кришна Ўз зиммасига олади. Парвардигор, Худонинг Олий Шахси Ўзининг тўлиқ экспансияси бўлган Кширодакашайи Вишну орқали шундоқ ҳам бу оламнинг мавжудлигини таъминлаб туришни ўз зиммасига олган, лекин У буни бевосита Ўзи амалга оширмайди. Аммо Парвардигор Ўзининг асл содиқ хизматкорига ғамхўрлик қилишни Ўз зиммасига олганини айтганида, У ҳақиқатан ҳам унинг ҳаёти учун зарур бўлган эҳтиёжларини бевосита Ўзи қондиришини назарда тутди. **Худонинг асл содиқ хизматкори** - худди ёш бола ўзининг ота-онасига, уй ҳайвони ўзининг эгасига суянгани сингари, ҳамиша, **ҳар бир ишда фақат Парвардигорга таваккал қиладиган рух(жон)дир.** Ўзини бутунлай Худонинг амрига топшириш жараёнида содиқ хизматкор: 1) Худода садоқат билан хизмат қилишга ёрдам берадиган ҳамма нарсани қабул қилиши; 2) бунга халақит берадиган ҳамма нарсани инкор этиши; 3) Парвардигор уни ҳамиша ҳимоя қилиб юришига тўлиқ ишониши; 4) ўзининг ҳаёти бутунлай Парвардигорнинг марҳаматига қарам эканини ҳамиша ҳис қилиб юриши; 5) Парвардигорнинг манфаатидан бошқа бирор манфаат кўзламаслиги; 6) ҳамиша ўзини ҳокисор, итоаткор ва камтар ҳис қилиб юриши лозим.

Парвардигор ҳар бир инсондан ана шу олти кўрсатма асосида ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширишини талаб қилади, лекин бу дунёда ўзларини билимдон деб ҳисоблаб юрган бефаросат олимлар бу талабларни нотўғри тушунадилар ва одамлар оммасини уларни инкор этиш лозимлигига ишонтиришга уринадилар. "Бхагавад-гита"нинг тўққизинчи бобига яқун ясар экан Парвардигор Кришна очикдан-очиқ шундай дейди: "Ақлинг ҳамиша Мен ҳақимдаги ўйлар билан банд бўлсин, Менинг олдимда сажда қил, Мени эъзозла ва Менга сиғин. Шу тарзда бутунлай Менга ғарқ бўлиб, ҳеч шубҳа йўқки, сен Менга эришасан"(9,34). Аммо, дунёвий таҳлим олган имонсиз иблислар одамларни Худо Шахсига эмас, балки шахсиятсиз, намён бўлмаган, мангу, туғилмаган ҳақиқатга йўналтириб, уларни тўғри йўлдан адаштирадилар. Имперсоналист-файласуф майвадилар Мутлақ Ҳақиқатнинг энг олий

кўриниши Худонинг Олий Шахси эканини тан олмайдилар. Куёшни тўлалигича ўрганиб олишни истаган киши аввалига куёш нурини ўрганиш билан шуғулланиши, кейин - Куёш сайёраси билан, шу сайёрага боргандан кейин эса, куёш сайёрасини бошқарадиган илоҳ билан юзма-юз учрашиши керак бўлади. Илми саёзлиги сабабли майвади-файласуфлар Куёш нурига қиёслаш мумкин бўлган Брахманнинг нуридан нарига ўта олмайдилар. Упанишадларнинг тасдиқлашига кўра, инсон Брахманнинг кўзни камаштирадиган ёғдусидан ўтиши керак, фақат шундан кейин у Худо Шахсининг ҳақиқий сиймосини кўра олади.

Шунинг учун Парвардигор Чайтанья одамларга бевосита, бу дунёда Ўзини Ваджа шоҳининг асраб олган ўғли қиёфасида намён этган Парвардигор Кришнага сиғиниш лозимлигини тарғибот қилади. Шунингдек, У бизни шундай фикрга олиб келдики, Вриндаван деб аталадиган жой, аслида Парвардигор Кришна билан бир, чунки Парвардигор Кришнанинг шахсан Ўзи билан Унинг номи, сифати, қиёфаси, эрмаклари, Унинг атрофидагилар ва бошқа анжомлари орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Мутлақ Ҳақиқатнинг мутлақ табиати ана шундай.

Шунингдек Парвардигор Чайтанья руҳий баркамолликнинг олий поғонасида Худода сиғинишнинг энг олий турини ҳам тавсия қилган, бу усулдан Ваджалик қизлар фойдаланганлар. Бу қизлар(гопилар, яъни подачи қизлар) Кришнани холис, беғубор пок муҳаббат билан, ўзларига бирор моддий ёки руҳий манфаат кўзламасдан севганлар. Шунингдек Парвардигор Чайтанья "Шримад Бхагаватам"ни "илоҳий илм баён этилган бенуксон асар" деб атаган ва таҳкидлаганки, **инсон ҳаётининг олий мақсади - Кришнага, Худонинг Олий Шахсига соф муҳаббатга эришишдан иборат.**

Парвардигор Чайтаньянинг таълимоти санкхья-йога тизимини, санкхья фалсафа тизимини биринчи бўлиб таърифлаб берган Парвардигор Капила таълимотидан фарқ қилмайди. Йоганинг мана шу ишончли тизими Парвардигорнинг илоҳий қиёфасига муроқабани қилишни тавсия қилади. Қандайдир шахсиятсиз зотга ёки бўшлиққа муроқабани қилиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Парвардигор Вишнунинг илоҳий қиёфасига ҳатто ҳар хил йога ҳолатларида ўтирмасдан ҳам муроқабани қилиш мумкин. Ана шундай муроқабани мукаммал *самадхи* деб аталади. Ана шу мукаммал *самадхининг* ҳақиқий эканлиги "Бхагавад-гита"нинг олтинчи бобининг охирида тасдиқланади, унда Парвардигор Кришна шундай дейди: "Барча йоглар орасида чуқур ишонч билан ҳамиша Менга бўладиган ва илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб ҳамиша Менга сиғиниб юрган киши Менга ҳаммадан яқинроқ боғланган бўлади ва ҳаммадан устун туради"(6.47).

Парвардигор Чайтанья одамларга *санкхья* фалсафасини *ачинтия-бхедабхеда-таттва* кўринишида ўргатган, бунда айтилганки, Парвардигор Ўзи яратиб қўйган олам билан бир, айна пайтда ундан фарқ қилади. Парвардигор Чайтанья бу фалсафани одамларга Худонинг муқаддас номларини такрорлаш ва куйлаш ёрдамида ўргатган. У айтадики, Парвардигорнинг муқаддас номи Унинг товуш кўринишидаги инкарнация(қиёфа)си бўлиб, Парвардигор мутлақ тўла бутун Зот бўлгани боис Унинг номи ва илоҳий қиёфаси ора-

сида ҳеч қандай фарқ йўқ. Шундай қилиб, инсон Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилиш билан товуш тебранишлари орқали Парвардигор билан бевосита боғланган бўлади. Ана шу товуш тебраниши орқали Парвардигор билан боғланиб юрган киши руҳий юксалиш жараёнида уч босқичдан ўтади: ҳақоратлаш босқичи, покланиш босқичи ва илоҳий босқич. Ҳақоратлаш босқичида ҳали инсонда моддий бахтнинг барча турларига эришиш истаги сақланиб қолиши мумкин, лекин иккинчи босқичда у барча моддий иллатлардан покланади. Илоҳий босқичга кўтарилгандан кейин инсон ўзи орзу қилиб юрган энг юксак поғонага - **Худого муҳаббат поғонасига** эришади. Парвардигор Чайтанья айтганки, мана шу - **руҳий баркамолликнинг инсон эриша олиши мумкин бўлган энг юксак поғонасидир**.

Аслини олганда йога машғулоти сезгиларни жиловлаб олиш, назорат қилиш учун мўлжалланган. Сезгиларни назорат қиладиган асосий унсур ақл ҳисобланади, шунинг учун инсон биринчи навбатда ҳамиша ақлини Кришна онгида машғул қилиб, уни назорат қилишни ўрганиши лозим. Ақлнинг қўпол фаолияти ташқи сезгилар орқали намоён бўлади. Бу фаолият ё илм ўрганишда, ё сезгиларнинг инсоннинг ўз истагига мос бўлган фаолиятида намоён бўлади. Ақлнинг нафис фаолияти фикрлашдан, ички ҳис-туйғулардан ва ҳар хил истаклардан иборат. Инсон ўзининг онгига қараб ё нопок, ё пок ҳолатда бўлади. Агар инсоннинг ақли Кришнада (Унинг номида, сифатларида, киёфасида, эрмаклариди ва бошқа нарсаларида) мужассам бўлса, унинг қилаётган ҳар қандай амали - хоҳ нафис, хоҳ қўпол фаолияти бўлсин - унга фақат бахт-саодат келтиради. "Бҳагавад-гита"да тавсия қилинган покланиш усули - Парвардигорнинг илоҳий фаолиятини муҳокама қилиш, Унинг эҳромларини ювиш, Унинг эҳромларига бориш, Парвардигорнинг муносиб равишда безатилган илоҳий киёфаларини томоша қилиш, Унинг илоҳий шон-шухрати ҳақидаги ҳикояларни тинглаш, Унга тақдим этилган таомдан татиш, Унинг содиқлари билан ҳамсухбат бўлиш, Унга тақлиф этилган туласи барглари хидлаш, Худо номидан, Худони мамнун қилиш йўлида кўрсатиладиган фаолиятда иштирок этиш ва бошқа амаллар орқали ҳамиша ақлини Кришнада мужассам қилишдан иборат. Ақл ва сезгиларни фаолият кўрсатишдан ҳеч ким тўхтатишга қодир эмас, лекин инсон ўзининг онгини ўзгартириб, ана шу фаолиятни поклаши мумкин. Ана шундай ўзгариш "Бҳагавад-гита"да кўрсатилган: "Эй Партха, сенинг амалларингни ана шундай комил тафаккур бошқариб турган бўлса, сен ўз фаолиятинг қули бўлиб қолишдан халос бўласан"(2.39). Касаллик, ёки бошқа қандайдир ёқимсиз нарсалар сингари малум бир ҳолатлар баъзан инсоннинг ҳиссий лаззатланишини чеклаб қўйиши мумкин, лекин бу "Бҳагавад-гита"да тавсия қилинган усул эмас. Ўзининг ақли ва сезгиларини жиловлаб олишга ёрдам берадиган ҳақиқий усулни билмаганлари сабабли калтафаҳм одамлар ақли ва сезгиларининг фаолиятини куч билан тўхтатишга уринадилар ёки уларга бўйсуниб, ҳиссий лаззатлар тўлқинида сарсон бўлиб юрадилар.

Йога жараёнининг сезгиларни ҳар хил нарсалардан тийиб туриш ниятида бажариладиган ҳар хил қоида ва чеклашлари, турли позаларда қимирламай ўтириш

ва нафас олиш машқлари асосан инсон ҳаётини тана жиҳатидан, моддий тасаввур қилишга фарқ бўлган кишилар учун мўлжалланган. Кришна онгига эга бўлган оқил киши ўзининг сезгиларини фаолият кўрсатишдан куч билан тўхтатиб қўйишга уринмайди. Аксинча, у ўзининг сезгиларини Кришнага хизмат қилишда машғул қилади. Ёш болани тинч ўтиришга мажбур қилиш билан уни шўхлик қилишдан тўхтатиб қўйишнинг иложи йўқ, лекин уни бирор фойдали фаолият билан машғул қилиб шўхлик қилишдан тўхтатиш мумкин. Сезгиларнинг фаолиятини йоганинг саккиз қоидаси ёрдамида куч билан тўхтатиб туриш руҳий юксалишнинг пастки босқичларида юрган кишилар учун тавсия қилинади. Руҳий юксалишда анча юқори поғонага кўтарилган кишилар Кришна онгидаги фаолият билан шуғулланиб, паст даражадаги моддий фаолиятдан табиий равишда четлашадилар.

Парвардигор Чайтанья Кришнани англаш таълимотини ана шундай ўргатади. Ақлини куруқ фалсафий изланишларда машғул қилиб юрган кишилар моддий боғланишлардан халос бўлишга интиладилар, лекин одатда маълум бўладиги, уларнинг ақли жиловлаш қийин бўлган даражада кучли бўлиб чиқади, натижада у инсонни яна сезгилар фаолиятига тортиб кетади. Кришна онгидаги кишида бундай муаммо йўқ. Инсон ўзининг ақли ва сезгиларини Кришна онгидаги фаолиятда машғул қилиши лозим, Парвардигор Чайтанья буни кундалик турмушда қандай амалга ошириш мумкинлигини ўргатади.

Парвардигор Чайтанья санныаси(таркидунёлик) турмуш-тарзини қабул қилмасдан аввал Унинг исми Вишвамбхара эди. *Вишвамбхара* ибораси "бутун коинотни сақлаб турадиган ва барча тирик мавжудотларни бошқариб турган Зот" деган маънони англатади. Ана шу ҳимоячи ва барча тирик мавжудотларнинг йўлбошчиси инсониятга мана шу улуғвор таълимотни бериш учун Парвардигор Шри Кришна Чайтанья Махапрабху киёфасида намоён бўлди. Парвардигор Чайтанья - инсонга у ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ муҳтож бўлган нодир илмни ўргатадиган намунали руҳий ус-тоздир. У ҳаммадан ҳам кучлироқ саховат билан одамларга Худого муҳаббат туйғусини тарқатади. У барча бахт-саодатлар ва омадлар маконидир. "Шримад Бҳагаватам", "Бҳагавад-гита", "Маҳобҳорат" ва Упанишадларнинг тасдиқлаши бўйича У - Худонинг Олий Шаҳси, Парвардигор Кришнанинг Ўзи бўлиб, ҳозирги биз яшаётган ўзаро жанжаллар даврида ҳар бир инсон сиғиниши лозим бўлган ҳақиқий Илоҳ, қиблагоҳдир. Унинг *санкиртана* ҳаракатига ҳар қандай инсон қўшилиши мумкин. Бунинг учун ҳеч қандайдир алоҳида сифатларга эга бўлиш шарт эмас. Шунчаки Унинг таълимотига амал қилиб яшаш билан ҳар қандай одам ҳам комил инсон даражасига эриша олади. Омади келиб, Унинг сифатларига махлиё бўлган ҳар қандай киши ҳаётда албатта муваффақиятга эришиб, ўзининг бу дунёда инсон танасида яшаш бурчини тўлиқ адо этган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор Чайтаньянинг марҳамати билан руҳий ҳаётга эришиш-ни истаган кишиларнинг ҳаммаси осонлик билан майа чангалидан озодликка чиқа оладилар. Мазкур китобда баён этилган бу таълимот Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайди.

Моддий танага қамалган шартланган руҳ моддий фаолиятнинг ҳар хил турлари билан шуғулланиб инсоният тарихининг янгидан-янги саҳифаларини тўлдириб юради. Парвардигор Чайтанья таълимоти инсониятга ана шу бефойда ва ўткинчи фаолиятни тарк этишда ёрдам беришга қодир. Бу таълимот ёрдамида инсоният руҳий фаолиятнинг энг юқори поғонасига кўтарила олади. Аслида инсоннинг ҳақиқий руҳий фаолияти у моддий олам тутқунлигидан озодликка чиққанидан кейин бошланади. Кришна онгидаги ана шундай эркин фаолият инсоннинг баркамолликка интилиш йўлидаги энг олий мақсади ҳисобланади. Моддий табиат устидан ҳукмрон бўлишга интилиш давомида инсон эришадиган сохта обрў - шунчаки арзимаган ўткинчи нарса. Парвардигор Чайтанья таълимотида инсон ғафлат зулматини ёритадиган илмга эга бўлади, ана шу илм ёрадида руҳий юксалишга эришиш мумкин.

Ўз фаолиятининг натижаларига мос равишда ҳар бир инсон бу дунёда табиий равишда лаззатланишга ёки азият чекишга мажбур: буни бошқариб турган моддий табиат қонунларига тўсқинлик қилиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Токи инсон кармали фаолият билан машғул экан, унинг инсон ҳаётининг якуний мақсадига эришиш йўлидаги уринишлари бекор кетавериши аниқ. Одамларга пок руҳнинг фаолиятини ошқор этиб берадиган Парвардигор Чайтанья таълимотини тушуниб, инсонлар жамияти руҳий ҳаётнинг янги тажрибасига эга бўлади деб чин юракдан ишонч билдираман.

оум тат сат

А.Ч. Бхактиведанта Свами  
14 март 1968 йил. Нью-Йорк.  
Шри-Шри-Радха-Кришна эҳроми.  
Парвардигор Чайтанья бу дунёга келган кун.

## Пролог

(Бхактивинода Тхакур)

(Бу очерк биринчи марта Шрила Бхактивинода Тхакурнинг "Шри Чайтанья Махапрабхунинг таълимоти ва насихатлари" номли кичик асари сифатида 1896 йил 20 августда чоп этилган)

Чайтанья Махапрабху Надиянинг Майапури шаҳрида, Шакабда ҳисоби бўйича 1407 йил Пхалгуна ойининг 23 кунда, Христиан календари бўйича 1486 йил 18 феврал куни кечқурун кун ботгандан кейин дунёга келган. У туғилган пайтда ой тутилган бўлиб, бутун Надия аҳолиси бундай ҳолларда ўзларига одат бўлган удумга кўра чор-атрофни баланд овозда янграган "Харибол!" деган хитобларга тўлдириб, Бхагиратхи дарёси сувлари ичида турардилар. Унинг отаси, Ведалар маданиятига мансуб қашшоқ браҳман Жаганнатха Мишра ҳамда онаси, намунали покдомон аёл Шачидеви иккови ҳам Силхет вилоятдан чиққан браҳманлар хонадонига мансуб зотлар эдилар. Чайтанья Махапрабху жуда чиройли чақалоқ эди, уни томоша қилиш учун шаҳарнинг барча аёллари ҳар куни турли совғалар билан келардилар. Унинг онасининг

отаси, машҳур астролог(мунажжим) Пандит Ниламбара Чакраварти вақти келиб бу бола буюк инсон бўлиб этишишини башорат қилди, шунинг учун Унинг исмини Вишвамбхара деб қўйдилар. Унинг танаси олтинранг бўлгани учун қўшни аёллар чақалоқни Гаурахари(олтинранг) деб, онаси эса, У нимба дарахти яқинида туғилгани шарафига Нимаи деб атади. Болакай шунчалик чиройли эдики, одамлар Унга қараб тўймасдилар. Ўсиб улғайгач У шўх ва қатъиятли, қувноқ ва қайсар ўспиринга айланди. Беш ёшга тўлганда Уни патхаша-ла(мактаб)га беришди, шу ерда У қисқа вақт ичида бенгал тилини ўрганди.

У билан бирга яшаган замондошлари Унинг кўрсатган мўъжизалари сифатида Унинг ҳаётининг бир хил лавҳаларни келтирадилар. Уларнинг айтишларига кўра, У ҳали эмизикли бола пайтида тинмасдан йиғлар, аммо қўшни аёлларнинг "Харибол!" деган хитобларини эшитган заҳоти йиғлашдан тўхтаб қолар экан. Шунинг учун Унинг ота-онасининг уйида ҳаммаша "Харибол!" деган хитоблар эшитилиб, Унинг келажакда бу дунёда бажарадиган вазифасини, буюк миссиясини башорат қилиб тураркан. Яна айтадиларки, бир куни онаси унга конфет берган экан, У конфет ўрнига лой ея бошлабди. Онасининг: "Нимага бундай қилипсан?" - деган саволига жавобан У: "Аслида лой билан конфет бир нарса - конфет ҳам шунчаки шакли ўзгарган лой, шунинг учун лойни ҳам бемалол конфет ўрнида ейиш мумкин!" - деб жавоб берибди. Лекин билимдон пандитнинг хотини бўлган онаси Унга ҳар бир нарса маълум ҳолатда маълум вазифани бажаришини тушунтириб берибди. Кўза шаклидаги лойдан сув ташишда фойдаланиш мумкин, аммо ғишт кўринишидаги лойдан бу мақсадда қўлланиб бўлмайди. Худди шундай, конфет кўринишидаги лойни еса бўлади, аммо бошқа кўринишидаги лойни еб бўлмайди. Онасининг бу гапларини эшитиб, болакай адашганини тушунибди, У конфет ўрнида лойни ейиш аҳмоқлик эканини тан олиб, бошқа бундай адашмасликка сўз берибди. Яна бир мўъжиза ҳақида гапирдилар. Бир сайёҳ браҳман уларникига меҳмон бўлиб келибди. У овқат тайёрлаб, уни Илоҳга таклиф этиш учун Кришнанинг олдига қўйиб муроқабага берилиб мантра ўқий бошлабди. Шу пайт Нимаи келиб тайёрланган таомдан ея бошлабди. Боланинг бу қилиғи браҳманни ҳайратга солибди, Жаганнатханинг илтимоси билан у яна таом тайёрлабди. Браҳман уни Кришнага тақдим қилаётган пайтда яна болакай келиб таомни еб қўйибди. Кейин уйдагилар браҳманни учинчи марта таом тайёрлашга кўндирибдилар. Овқат тайёр бўлган пайтга келиб бутун оила аъзолари уйқуга кетган эди, шунда болакай сайёҳ Браҳман олдида Кришна киёфасида намоён бўлиб уни дуои-фотиҳа қилибди. Ўзи шунча вақтдан бери сиғиниб юрган Илоҳни кўриб, браҳман жазавали лаззат оғушига ғарқ бўлибди. Яна айтадиларки, икки ўғри боланинг устидаги тақинчоқларини ечиб олиш ниятида Уни уйдан ўғирлаб олиб кетишибди. Йўл бўйи улар болани ширинликлар билан меҳмон қилибди. Болакай Ўзининг алдамчи қувватини ишга солибди ва ўғрилари йўлдан адаштириб, уларни яна ота-онасининг уйи олдига олиб келибди. Ўғрилари уларни одамлар кўриб қолишларидан қўрқиб, болани ташлаб қочиб қолибдилар. Яна бир мўъжизани айтадилар, унга кўра болакай Хираниа ва Джагадишадан талаб қилиб, уларнинг Экадаши куни

Кришнага сиғиниш учун тайёрлаган барча эҳсонларини тортиб олган. Атиги тўрт ёшга тўлган пайтларида У бир куни ойиси нопок нарсалар сифатида ошхонадан чиқариб ташлаган синиқ кўзалар уюми устига ўтириб олган экан. У онасига овқат тайёрлаб бўлгандан кейин ташлаб юбориладиган кўзалар ҳалол ҳам, ҳаром ҳам бўлмаслигини тушунтириб берибди. Бу воқеаларнинг ҳаммаси ҳали у беш ёшга тўлмаган даврида рўй берган экан.

Саккиз ёшга тўлганида Уни Майапури яқинидаги Гангананагари қишлоғидаги Гангадас Пандитнинг толаси(мактаби)га қабул қилишибди. Икки йил давомида У санскрит грамматикаси ва риторика илмини яхши ўзлаштириб олибди. Кейинчалик У уйда пандит отасига тегишли бўлган жуда кўп китобларни топиб, Ўзи мустақил ҳолда ўқув машғулотларини давом эттирибди. У Ўзи мустақил ҳолда *смрити* ва *нйайа* илмини ўрганган ва бу борада машҳур Пандит Рагхунатха Широманидан таҳлим олиб юрган ўртоқлари билан тез-тез беллашиб юрган.

Шундай қилиб, ўн ёшга тўлганида У грамматика, риторика, смрити ва нйайа илмини мукамал эгаллаган эди. Айнан ўша даврда Унинг акаси Вишварупа уйини тарк этиб, саннийаси(таркидунё қилган зоҳид) турмуш тарзини қабул қилади. Гарчи ҳали жуда ёш бола бўлса ҳам, Чайтанья: "Худони рози қилиш учун сизларга хизмат қиламан" - деб, Ўзининг чуқур қайғуга ботган ота-онасини овутади. Шундан кейин кўп ўтмай Унинг отаси бу дунёни тарк этади. Онаси бу дардан қаттиқ азият чекади, ҳамиша ҳаётдан мамнун юрадиган Чайтанья Махапрабху бева қолган онасини овутади.

14-15 ёшга кирганида Чайтанья Махапрабху ўша Надида туғилиб ўсган Валлабхачарянинг қизи Лакшмидевига уйланади. Бу пайтга келиб У нйайа ва санскрит донишмандлик илмининг ҳамма тан олган маркази бўлмиш Надининг энг билимдон олимларидан бири ҳисобланарди. Смарта пандитлар нари турсин, ҳатто нйайа илмининг билимдонлари ҳам У билан грамматика бўйича баҳслашишдан қочардилар. Уйланган оилани киши бўлгани учун У бойлик орттириш мақсадида Шарқий Бенгалияга, Падма соҳилига йўл олди. Шу ерда У Ўзининг билимдонлигини намойиш этиб, анча бойликка эга бўлди. Бу пайтларда У вишнуизм қоидаларини вақти-вақти билан тарғибот қиларди. Тапанамитрага вишнуизм қоидаларини ўргатиб, У унга Бенаресга бориб жойлашишни буюради. У шарқий Бенгалияда юрган пайтида Унинг хотини Лакшмидеви илон чақиши сабабли ҳалок бўлади. Уйига келиб У онасини қаттиқ изтиробга тушган ҳолатда учратади. У бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи эканини эслатиб, онасини овутади. Онасининг илтимоси билан У Раджа Пандит Санатана Мишранинг қизи Вишнуприяга уйланади. У *праваса*, яъни вақтинчалик сафардан келгандан кейин дўстлари яна Унга ҳамроҳ бўлдилар. Энди У шу қадар машҳур бўлиб кетган эдики, ҳамма Уни Надининг энг яхши пандити сифатида тан олган эди. Ўзининг Буюк Дигвиджайя деб ҳисоблаган кашмирлик Кешава Мишра шу ердаги маҳаллий пандитлар билан беллашиш учун Надида келади. Енгилмас пандит билан баҳслашишдан кўрққан надиялик олимлар кимдандир қандайдир таклифнома олганларини баҳона қилиб, шаҳарни ташлаб кетдилар. Кешава Чайтанья Махапрабхуни Майапурдаги Баракона-гхат ёнида уч-

ратди, Нимай озгина вақт ораллиғида бўлиб ўтган ўзаро баҳс давомида Кешаванинг устидан тўла ғалаба қозонди. Пандит уялганидан қочгани жой топа олмай қолди. Энди Нимай Пандит ўз даврининг энг буюк пандити бўлиб олган эди.

Гайага саёхатга чиққан ва шу ерда машҳур Мадхавендра Пурунинг шогирди, саннийаси-вайшнава Ишвара Пуридан фотиҳа олган пайтда Нимай Пандит 16-17 ёшда эди. Надида қайтиб келгандан кейин Нимай Пандит дин тарғиботчисига айланди, унинг диний табиати шунчалик ёрқин намоён бўла бошлаган эдики, ҳали Чайтанья Махапрабху туғилмасдан олдин ҳам вайшнавлар таълимотига амал қилиб юрган Адвайта Прабху, Шриваса ва бошқалар бу ёш ўспириндаги ўзгаришларни кўриб ҳайратга тушдилар. Энди У истаган пайтда бўйича баҳсга берилиб кетадиган аввалги нйайа билимдони эмас, смарта бўйича баҳслашишни яхши кўрадиган аввалги пандит эмас, баҳсда енгилмас аввалги мағрур риторик эмасди. У Кришнанинг номини эшитган заҳоти жазавага тушиб қолар, руҳий ҳистуйғулари таҳсири остида Ўзини бутунлай Худонинг ҳукми остидаги кишидай тутарди. Буларнинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган Мурари Гупта Унинг Шривас Пандитнинг уйда, Ўзининг асосан билимдон пандитлардан иборат юзлаб издошлари олдида кўрсатган илоҳий кароматларини таърифлаб ёзади. Айнан ўша даврда У Шривас Пандит ва унинг самимий издошлари билан биргаликда кечки киртана мактабини очди. Шу ерда У тарғибот қилар, куйлар, рақсга тушар ва турли хил руҳий ҳис-туйғуларини намоён этарди. Ана шу даврда Унинг даврасига шу пайтгача вишнуизмни тарғибот қилиб юрган, бу пайтга келиб бутун Ҳиндистон бўйлаб сафарини тугатган Нитйананда Прабху қўшилади. Самимий ва қалби беғубор пок пандитлар - вишнуизм таълимотини тарғибот қилиб юрган кўплаб содиқлар Бенгалиянинг ҳамма жойларидан келиб Унга қўшила бошладилар. Натижада Надида мақсади "инсониятни вишнуизм таълимоти асосида улғувор руҳий поғонага кўтариш"дан иборат бўлган вайшнавларнинг кўплаб ачарйалари тез-тез тўпланиб турадиган жойга айланди.

Чайтанья Махапрабхунинг Нитйананда Прабху билан Харидасга берган биринчи буйруғи шундай эди: "Дўстларим, шаҳар кўчаларига чиқинглар, эшикмаэшик юриб одамлар билан танишинглар ва улардан Парвардигор Харининг муқаддас номини зикр қилишни, кундалик турмушда тақводор инсонлардай яшашни илтимос қилинглар. Ҳар куни кечкурун келиб Менга қилган тарғиботларингиз натижаси ҳақида гапириб беринглар". Ана шундай буйруқ олган бу икки тарғиботчи шаҳарга чиқиб, икки энг ярамас киши, Жагай ва Мадхайни учратдилар. Улар тарғиботчиларнинг айтган гапларини эшитиб уларни ҳақорат қила бошладилар, аммо орадан сал вақт ўтмасдан қалбларида Парвардигор уйғотган бхакти таҳсири остида улар самимий тавба қилиб, ҳақиқий вайшнавларга айландилар. Бу воқеа бутун Надида аҳолисини ҳайратга солди. Надиликлар энди ўзаро суҳбатларида Нимайни олқишлаб гапира бошладилар: "Нимай Пандит шунчаки билимдон даҳо эмас; шубҳасиз, У - Худонинг элчиси!" Ана шу пайтдан бошлаб то йигирма уч ёшигача Чайтанья Махапрабху Ўзининг диний қонун-қоидаларини фақат Надида эмас, балки шаҳар атрофидаги барча муҳим

кишлоқ ва шаҳарчаларда тарғибот қилиб юрди. У Ўз издошларининг уйида ҳар хил мўъжизалар кўрсатар, уларга бхактининг илохий сирларини очиб берар, бошқа бхакталар билан биргаликда санкиртана куйларди. Унинг надиялик издошлари Парвардигор Харининг муқаддас номларини шаҳар кўчаларида, бозорларида куйлай бошладилар. Бу катта шов-шувга сабаб бўлиб, турли хонадонларда турлича ҳис-туйғуларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бундан бхакталар жуда мамнун эдилар, аксинча смарта Браҳманлар эса Нимаи Пандитнинг эришган бундай муваффақиятларига ҳасад қила бошладилар ва Унинг устидан Чханд Қозига шикоят қилиб, Уни ҳиндуизм таълимотига зид фаолият билан шуғулланаётганликда айбладилар. Қози Шривас Пандитнинг уйига келиб, шу ерда мридангани синдириб, агар Нимаи Пандит Ўзининг мана шу шубҳали дини билан шовқин солишни тўхтатмаса, Уни ҳам, Унинг издошларини ҳам мусулмончиликка ўтказиб юборишини айтди. Қозининг бу гапларини Чайтанья Махапрабҳуга етказдилар. Чайтанья Махапрабҳу шаҳар аҳолисига кечкурун қўлларига машҳалалар олиб шу ерга тўпланишни буюрди. Шаҳарнинг кўп сонли аҳолиси тўпланди, Нимаи 14 гуруҳга бўлинган катта оломон билан биргаликда санкиртана куйлаб, намойишни бошқариб борди. Қозининг уйига бориб, узоқ ват у билан баҳс мунозара қилди, суҳбат охирида қўлини Қозининг бошига қўйиб, унинг қалбига Ўзининг илохий таҳсирини ўтказди. Қози кўзларидан тинмай ёш оқиб, чуқур руҳий кечинмаларни бошидан кечираётганини, барча гумонларидан покланганини, унга ғайритабиий жазавали лаззат бераётган руҳий туйғуга ғарқ бўлганини тан олди. Шундай қилиб, қози ҳам санкиртана ҳаракатига қўшилди. Парвардигор Чайтаньянинг руҳий қудратидан бутун жаҳон ҳайратга тушган, шу ҳодисадан кейин кўплаб имонсизлар Худога имон келтириб, Вишвамбхара томонга ўтган эдилар.

Ана шу воқеадан кейин Кулияда яшайдиган бир неча ҳасадгўй ва онги чекланган браҳманлар Чайтанья Махапрабҳу билан жанжаллашиш баҳонасида Унга қарши рақобат уюштира бошладилар. Гарчи диний қоидаларда жуда талабчан ва қаттиққўл бўлса ҳам, Нимаи Пандит табиатан жуда кўнгилчан инсон эди. У айтдики, бошбошдоқлик(ажралиб чиқишга интилиш) ва сектантлик(оқимларга бўлиниб кетиш) руҳи - руҳий юксалиш йўлидаги икки катта душмандир, шу боис токи маълум бир табақага мансуб Надиянинг фуқароси бўлиб қолар экан, У бу дунёда бажариши лозим бўлган вазифасини муваффақият билан адо этолмайди. Шундан сўнг У Ўзининг оиласи, табақаси, ватани ва дини билан бўлган ҳар қандай алоқани узиб, бутун олам фуқароси бўлишга аҳд қилди, шу қарор асосида У 24 ёшида Катва шаҳрида шу шаҳарда яшайдиган Кешава Бхаратадан саннийаси турмуш тарзига фотиҳа олди. Онаси ва хотини Ундан айрилиқ азобидан қаттиқ азият чекдилар, аммо бизнинг қаҳрамон гарчи табиатан жуда кўнгилчан бўлса ҳам, Ўзининг қарорида қатъий турарди. У Кришнанинг барча одамлар билан бирга бўладиган чексиз руҳий олами эвазига Ўз оиласининг кичкина оламини тарк этган эди.

Саннийаси қабул қилгандан кейин Ундан Шантипурда Адвайта Прабҳунинг уйида меҳмон бўлишни илтимос қилдилар. Адвайта бу ерга Чайтанья Махапрабҳунинг Надиядаги барча издош ва

хамроҳларини, шунингдек ўғли билан охириги марта учраша олиши учун Унинг онаси Шачидевини ҳам таклиф қилган эди. Ўғлини саннийаси либосида кўриб, онасининг қалби бир вақтнинг ўзида ҳам руҳий лаззат, ҳам қаттиқ хижрон азобига ғарқ бўлган эди. Кришна Чайтанья Махапрабҳунинг устида фақат *каупина*(белга ўраладиган кичик ёпинчик) ва бахирваса(кичкина чадра) бор эди. Сочи қирилган, қўлида *данда* ва *камандалу*(сув идиш) бор эди. Авлиё фарзанд сеvimли онасининг оёқларига бошини қўйиб шундай деди: "Онажон! Менинг бу танам сеники, Мен сенинг ҳар қандай амрингни бажо келтираман. Руҳий юксалишим учун Вриндаванга йўл олишимга руҳсат бер!" Унинг онаси Адвайта ва бошқа содиқлар билан маслаҳатлашиб, ўғлидан Пури(Жаганнатха шаҳри)да қолишни илтимос қилди. Шунда онаси ҳам Унинг ҳолидан хабардор бўлиб тура оларди. Чайтанья Махапрабҳу онасининг бу илтимосига рози бўлди ва бир неча кундан кейин Шантипурни тарк этиб, Ориссага йўл олди. Кришна Чайтаньянинг Шантипурдан Пурига қилган саёҳати унинг ҳаётини ёритган издошлари томонидан барча тафсилотлари билан баён этилган.

Пурига келиб У эҳромда Жаганнатхани кўрди ва Сарвабҳаума Бхаттачарьянинг илтимоси билан унинг уйида турди. Сарвабҳаума ўз даврининг буюк пандити бўлиб, унинг билимдонлигининг чеки йўқ эди. У ўша даврда нйайа фалсафаси бўйича энг яхши олим бўлиб, энг билимдон файласуф, Шанкарачарья мактабида Веданта фалсафасининг билимдони эди. У Надияда туғилган, шу ерда ўз мактабида сон-саноксиз шогирдларга илм ўргатган эди. У Нимаи Пандит туғилишидан анча илгари Пурига кўчиб ўтган эди. Унинг куёви, Гопинатха Мишра Сарвабҳаумани янги саннийаси билан таништирди. Сарвабҳаумани Унинг гўзаллиги ҳайратга солган эди. У бу келишган ёш йигит бутун умри давомида саннийаса-дхарма қоидаларига риоя қилишда анча қийинчиликларга дуч келишидан чўчиди. Чайтанья Махапрабҳуни ҳали Надиялик даврдан биладиган ва Уни қаттиқ ҳурмат қиладиган Гопинатха Сарвабҳаумага айтдики, бу саннийаси - оддий инсон эмас. Бу борада Сарвабҳаума билан Гопинатха иккиси баҳслашиб қолдилар. Шундан сўнг Сарвабҳаума Чайтанья Махапрабҳуга ундан "Веданта-сутра" илмини ўрганишни таклиф қилди, Чайтанья Махапрабҳу унинг бу таклифини камтарлик билан қабул қилди. Чайтанья Махапрабҳу етти кун давомида бир оғиз ҳам гапирмасдан Сарвабҳауманинг ўзини жиддий тугган ҳолда "Веданта-сутра"ни изоҳлаб гапирган гапларини тинглаб ўтирди. Еттинчи кун охирида Сарвабҳаума шундай деди: "Кришна Чайтанья! Менимча Сен "Веданта-сутра"ни умуман тушунмайсан, чунки етти кун давомида менинг изоҳларимни тинглаб ўтириб битта ҳам савол бермадинг". Бунга жавобан Чайтанья Махапрабҳу айтдики, У сутраларни жуда яхши тушунади, лекин Шанкарачарья ўзининг изоҳларида нима демоқчи эканини сира тушуна олмайди. Бундай жавобдан ҳайрон бўлган Сарвабҳаума Бхаттачарья деди: "Қандай қилиб Сен сутраларни тушунасан-у, шу сутраларни тушунтирадиган изоҳларни тушунмайсан? Майли, агар Сен сутраларни тушсанг, менга ўз тушунчаларингни гапириб бер". Бунга жавобан Чайтанья Махапрабҳу ҳамма сутраларни Ўзича, Шанкаранинг пантеистик изоҳларига эътибор бермасдан изоҳлаб берди. Сарваб-

хаума Чайтанья Махапрабхунинг ҳақиқий, чиройли ва бир бирига мос келадиган изохларини тинглар экан, ўткир ақли уни "Веданта-сутра"ларни ана шундай осон ва раво тушунтиришга қодир бўлган зотни биринчи бор учратиб турганини тан олишга мажбур қилди. Яна у шуни тан олдики, Шанкарачарьянинг изохлари таркибида унинг Чайтанья Махапрабхудан "Веданта-сутра"лар бўйича олган табиий тушунчалари ҳеч қачон бўлган эмас. Натижада у ўзини бутунлай мағлуб бўлганини тан олди ва Чайтанья Махапрабху томонга ўтиб, Унинг издошига айланди. Бир неча кун ичида Сарвабхаума ўз даврининг энг яхши ваишнавларидан бирига айланди. Бу хабарни эшитган Орисса аҳолиси Кришна Чайтаньяни олқишлай бошладилар. Юзлаб одамлар Унинг олдига келиб, Унинг издошларига айланардилар. Аини пайтда Чайтанья Махапрабху Жанубий Ҳиндистонга боришга қарор қилди ва бу саёхатга Кришнадас Браҳман деган киши ҳамроҳлигида йўл олди.

Унинг ҳаётини ёзган тарихчилар бу сафар тафсилотларини тўла баён этганлар. Аввал У Курмакшетрага борган, шу ерда Васудева деган кишини мохов касалидан даволаб мўъжиза кўрсатган. Годавари дарёси соҳилида У Видьянагара ҳокими Рамананда Рай билан учрашган ва улар орасида према-бхакти ҳақида фалсафий суҳбат бўлиб ўтган. У яна бир мўъжиза кўрсатган: Унинг қўли тегиши билан еттита тала дарахти ғойиб бўлган. Бу дарахтлар орқали бир пайтлар Дашаратхanning ўғли Рамачандар пайкон йўллаб, иблис Бали раджани ўлдирган эди. Бутун саёхати давомида У вишнуизм ва нама-санкиртана таълимотини тарғиб қилиб борган. У кузги ёмғир палласини ўтказиш учун Рангакшетрада Венката Бхаттанинг уйида тўхтаган. Шу ерда У Венката Бхаттанинг бутун оиласини Кришна-бхактиларга, вишнуизмнинг Рамануджа таълимоти издошларига айлантирган, улар орасида Венкатанинг ўн яшар ўғли Гопала ҳам бор эди. Ана шу болакай кейинчалик Вриндаванга келади ва олти госваמידан, яъни Шри Кришна Чайтанья бошчилиқ қилган олти пайғамбардан бири бўлиб етишади. Тоғаси Прабодхананда Сарасватидан санскрит тилини ўрганиб, Гопала вишнуизм бўйича бир неча асар ёзади.

Чайтанья Махапрабху Жанубий Ҳиндистоннинг Коморин бурнигача бўлган бир неча жойларга боради, икки йилдан кейин Бхима дарёси бўйидаги Пандепур орқали Пурига қайтиб келади. Ана шу шаҳарда У Тукарам деган бир кишига фотиҳа беради, шундан кейин Тукарамнинг ўзи буюк тарғиботчи бўлиб етишади. У бу ҳақда ўзининг абхангаларида ёзиб қолдирган, уларни Бомбей Фуқаролик Хизмати ишчиси м-р Сатйендра Натх Тагор бир китобга тўпланган. Ана шу саёхат давомида У буддистлар, жайнизм ва майавада издошлари билан учрашган ва ўзининг рақибларини вишнуизм издошларига айлантирган.

У Пурига қайтиб келгандан кейин Чайтанья Махапрабху байроғи остига Пратапарудра-дева Раджа ва бир неча пандит-браҳманлар кирдилар. Шунда У 27 ёшда эди. 28 ёшида У Бенгалия бўйлаб саёхатга чиқиб, Малда вилоятидаги Гауда шаҳригача борди. Шу ерда У икки буюк инсонни - Рупа ва Санатанани топди. Бу икки ака-ука, гарчи карнатакалик браҳманлар хонадонига мансуб бўлсалар ҳам, кейинчалик Гауданинг императори бўлган Ҳусайн Шоҳ билан ҳамсуҳбат бўлиб

юрганлари сабабли деярли мусулмон бўлиб қолган эдилар. Император уларнинг исмларини ўзгартириб Дабир Кхас ва Сакара Маллик деб атаган эди. Ҳукмдор уларга самимий меҳр қўйган эди, чунки улар иккиси ҳам форс, араб ва санскрит тилини яхши билар ва ҳукуматга садоқат билан хизмат қиларди. Ана шу икки олижаноб кишининг ҳиндулар жамиятига қайтиш йўли бекилган бўлиб, улар руҳий жиҳатдан уларни қўллаб-қувватлашни илтимос қилиб, ҳали Чайтанья Махапрабху Пурида пайтидаёқ Унга хат йўллагандилар. Чайтанья Махапрабху уларга жавоб йўллаб, уларнинг олдига бориб руҳий муаммоларини албатта бартараф этишга ваҳда берди. У Гаудага келганида икки ака-ука ҳам аввалги илтимоси билан Унинг олдига келдилар. Чайтанья Махапрабху уларга Вриндаванга йўл олиб, шу ерда У билан яна учрашишни буюрди.

Чайтанья Махапрабху Пурига Шантипур орқали келди, У шу ерда сеvimли онаси билан яна бир марта учрашди. Пурида биров вақт тургандан кейин У Вриндаванга йўл олди. Бу гал Унга Балабхадра Бхаттачарья деган киши ҳамроҳ эди. У Вриндаванга борди, кейин Прайагга ўтди. Шу ерда Қурҳондан мисоллар келтириб, кўпчилик мусулмонларни вишнуизм тарафдорларига айлантирди. Ана шу мусулмонларнинг авлодлари Патана-вайшнавлар деган ном билан ҳозир ҳам вишнуизмга эҳтиқод қиладилар. Шрила Рупа Госвами У билан Аллоҳободда учрашди. Ўн кун давомида Чайтанья Махапрабху унга руҳий илмдан сабоқ берди, кейин бир неча вазифалар тайинлаб уни Вриндаванга жўнатди. Унинг биринчи вазифаси соф бхакти ва премани тушунтириб руҳий асарлар ёзиш эди. Иккинчи вазифаси Парвардигор Кришнанинг Двапара-юга охирида барча такводдор зотларнинг бахтини ўйлаб бу сайёрада намоён этган илоҳий эрмакларини ўтказган жойларни қайта тиклаш эди. Шрила Рупа Госвами Аллоҳободдан Вриндаванга кетди, Чайтанья Махапрабху эса жанубга, Банорасга йўл олди. Бу ерда У Чандрашекхаранинг уйида турди, *бхикша*(таом)ни эса ҳар куни Тапана Мишранинг уйида қабул қиларди. Шу ерда Унга Санатана Госвами ҳамроҳ бўлиб, икки ой давомида Унинг руҳий мавзудаги насихатларини тинглади. Биографлар, айниқса Кришнадас Кавираж Парвардигор Чайтаньянинг Рупа ва Санатанага берган насихатларини батафсил ёзиб қолдирганлар. Кришнадас Чайтанья Махапрабхунинг замондош-биографи бўлмаган, лекин у барча маълумотларни Чайтанья Махапрабхунинг бевосита шогирдлари бўлган Госвамилардан олган. Санатана ва Рупа Госвамининг жиъни бўлган ва бизга "Шат-сандарбха" асарини ёзиб қолдирган Джива Госвами ўзининг буюк устозининг насихатларини фалсафий жиҳатдан асослаб берди. Биз Чайтанья Махапрабхунинг ана шу буюк зотларнинг китобларида баён этилган насихатларини тўплаб уларни мазкур асарда қисқача баён этдик.

Чайтанья Махапрабху Банорасда бўлган пайтида барча саннийасиларни таклиф қилган Маратхилик бир браҳманнинг уйида шу шаҳарнинг билимдон саннийасилари билан учрашди. Ана шу учрашув пайтида Чайтанья Махапрабху бир мўъжиза кўрсатиб, уларнинг диққатини ўзига жалб қилди. Кейин ўзаро суҳбат бошланиб кетди. Саннийасиларга ўзининг билимдонлиги билан машхур бўлган Пракашананда Сарасвати бошчи-



лик қиларди. Биров суҳбатлашгандан кейин улар ўзларининг мағлубиятини тан олиб, Шанкарачарянинг изоҳлари сабабли адашиб юрганини тушундилар. Ҳатто энг билимдон олимлар ҳам узоқ вақт давомида Чайтанья Махапрабхунинг гапларига эътироз билдира олмасдилар, чунки Унда одамларнинг қалбининг тўридаги туйғуларини уйғотадиган ва уларни кўз ёши тўкиб руҳий юксалишга ундайдиган бир илоҳий сеҳр қудрати бор эди. Банораслик саннийасилар сал вақт ўтмай Чайтанья Махапрабхунинг оёқларига йиқилиб, марҳамат кўрсатишини тилаб Унга илтижо қила бошладилар. Кейин Чайтанья Махапрабху уларга соф бхакти таълимотини тарғибот қилди ва аста-секин уларнинг қалбига Кришнага муҳаббат туйғусини жойлаб қўйди, ана шу туйғу уларни сектантлик руҳини тарк этишга мажбур қилди. Натижада Банораснинг бутун аҳолиси ваишнавлар қаторига қўшилиб, ўзлари топган Парвардигор билан биргаликда ажойиб санкиртана ўтказдилар. Санатана Госвамани Вриндаванга жўнатар экан, Чайтанья Махапрабху ҳамроҳи Балабхадра билан бирга қалин ўрмон орқали Пурига йўл олди. Балабхадра Чайтанья Махапрабху йўлда жуда кўп мўъжизалар кўрсатганини гапириб берган. Масалан, У Кришнанинг муқаддас номлари товуши таҳсирида йўлбарс ва филларни биргаликда рақсга тушишга мажбур қилган.

Ана шу вақтдан бошлаб, яъни 31 ёшидан то 48 ёшида Тота-Гопинатха эҳромида бўлиб ўтаётган санкиртана пайтида бу дунёни тарк этиб кетгунга қадар, Чайтанья Махапрабху ҳеч қаерга чиқмасдан Пурида, Каши Мишранинг уйида яшаган. 18 йил давомида ўтган Унинг умрининг ана шу қисми доимий муҳаббат ва тақводорлик йўлида кўрсатилган юксак қаҳрамонлик тимсоли эди. У ҳамиша кўплаб издошлари даврасида юрарди. Унинг издошлари оддий одамлардан ўзларининг поклиги, билимдонлиги, диний қондаларга қатъий амал қилиши ҳамда Радха-Кришнага нисбатан чуқур руҳий муҳаббати билан ажралиб турадиган олий поғонадаги вайшнавлар эди. Чайтанья Махапрабхунинг Надияда бўлган пайтида исми Пурушоттамачарйа бўлган Сварупа Дамодара Банорасдан Пурига келиб, Унга ҳамроҳ бўлди ва Унинг шахсий котиби вазифасини ўз зиммасига олди. Бирор фалсафий ва шеърый асар агар Сварупа уларнинг поклигини ва фойдалилигини тан олмаса, Чайтанья Махапрабхунинг олдига бормасди. Унинг яна бир ҳамроҳи Рамананда Рай эди. Чайтанья Махапрабху Худога сиғинишнинг бирор жиҳати билан боғлиқ ҳис-туйғуларини намоён этар экан, Рамананда Рай билан Сварупа қўшиқ куйлардилар. Парамананда Пури дин ишларини олиб борарди. Чайтанья Махапрабхунинг биографлари у билан боғлиқ юзлаб воқеаларни келтирганлар. Чайтанья Махапрабху жуда оз ухлаган. Туну-кун ҳис-туйғулари Уни руҳий оламга олиб кетарди, Унинг кўп сонли издошлари ва шогирдлари ҳамиша Уни кузатиб юрардилар. У эҳромда Илоҳларга сажда қилар, Вриндаванлик миссионерлари билан алоқада бўлар, олдига биринчи марта келган диндорлар билан шахсан суҳбатлашарди. У қўшиқ куйлар ва рақсга тушар, Ўзига бутунлай эътибор бермас, руҳий лаззат оғушига ғарқ бўлиб бутунлай Ўзини унутиб юборарди. Унинг олдига келган ҳар қандий инсон ҳақиқатан ҳам У - бутун инсониятга бахт-саодат келтириш учун бу дунёга ташриф буюрган Парвардигор эканига ишонч ҳосил қиларди. Бутун умри давомида У

онасини севар, Надияга борадиган одамлар орқали унга маха-прасад юбориб турарди. Ўзининг табиатига кўра у олий даражада меҳрибон, раҳмдил зот эди. У итоаткорлик, камтарлик тимсоли эди. Унинг бекиёс гўзал ташқи кўриниши У билан учрашган ҳар бир инсонга чексиз шодлик бағишларди. У Нитянанда Прабхуни Бенгалиядаги миссионерлик фаолиятига маъсул қилиб тайинлади. У мамлакатнинг шимолида Худога муҳаббат илмини тарғибот қилиш учун Ўзининг олти шогирдини Вриндаванга юборди. У авлиёларга хос тақводор ҳаёт кечириш қондаларидан четга чиқадиган шогирдларини қаттиқ жазолаган. Айниқса у кичкина Харидасни бошқаларга сабоқ бўлсин деб қаттиқ жазолаган. У илтимос билан олдига келган одамларга руҳий насихат беришдан ҳеч қачон бош тортмасди. Бу Унинг Рагхунатха дас Госвамига берган маслаҳатларида яққол кўриниб турибди. Катта Харидас билан бўлган ўзаро муносабатларидан Унинг ҳақиқатан ҳам руҳий ҳаёт кечираётган кишиларни қанчалик севиши, одамларнинг ижтимоий келиб чиқишларига умуман эътибор бермаслиги яққол кўриниб турибди.

## Парвардигор Чайтаньянинг бу дунёдаги вазифаси

Парвардигор Чайтанья Ўзининг шогирдларига Кришна ҳақидаги илм бўйича китоблар ёзишни буюрган, Унинг ана шу топширигини Унинг издошлари ҳали ҳозиргача бажаришда давом этиб келяптилар. Аслини олганда, шогирдлар силсиласи тизими шарофати билан Парвардигор Чайтанья ўргатиб кетган фалсафанинг изоҳлари ҳали ҳозиргача ҳар томонлама чуқур, аниқ ва изчил бўлиб келяпти. Гарчи ёшлигида Парвардигор Чайтанья буюк билимдон олим сифатида шуҳрат қозонган бўлса ҳам, аслида Унинг Ўзи фақат саккизта шеър ёзиб қолдирган, улар "Шикшаштака" деб аталади. Ана шу шеърларда Унинг вазифаси ва насихатларининг моҳияти яққол намоён бўлган. Бу ерда ана шу олий даражада муҳим бўлган илтижоларнинг таржимаси келтирилган.

1. Инсон қалбини узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган иллатлардан поклайдиган ҳамда тақрор ва тақрор туғилиш ва ўлишлардан иборат шартланган ҳаёт ёнғинини ўчирадиган Шри-Кришна-санкиртанага шон-шарафлар бўлсин. Бу санкиртана ҳаракати бутун инсониятга чексиз бахт-саодат келтиради, чунки у ой сингари саодатли нурини таратади. У - илоҳий илмга асосланган ҳаётдир. У илоҳий лаззат уммонини кенгайтиради ва бизларга ўзимиз ҳамиша интилиб юрган ширин нектар мазасидан тўйиб лаззатланиш имкониятини беради.

2. Эй Парвардигор, фақат Сенинг муқаддас номларинг тирик мавжудотларга барча бахт-саодатларни ато этишга қодир, шунинг учун Сенинг Кришна, Говинда сингари юзлаб ва минглаб илоҳий номларинг бор. Ана шу илоҳий номларингга Сен Ўзининг бутун илоҳий қудратингни жойлаб қўйгансан, уларни зикр қилиш учун бажариш қийин бўлган қоида ва талаблар ҳам мавжуд эмас. Эй Худойим, Сен чексиз меҳрибонлик кўрсатиб бизларга муқаддас номларинг орқали Сенга яқинлашиш имконини жуда осон қилиб қўйибсан, ле-

кин Мен шунчалик омадсизманки, улар мени ўзига жалб қилмайди.

3. Муқаддас номни инсон ўзини йўлда ётган хасдан ҳам паст деб билган ҳолда, ақлининг камтарин, ҳокисор ҳолатида зикр қилиши керак. Дарахтдан ҳам сабрлироқ, сохта манманлик туйғусидан бутунлай пок бўлиш, бошқаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга ҳамиша тайёр бўлиш лозим. Ақлнинг ана шундай ҳолатида Парвардигорнинг муқаддас номини ҳамиша зикр қилиб юриш мумкин.

4. Эй ҳар нарсага қодир Парвардигор, менинг бойлик тўплаш ниятим йўқ, менга чиройли аёллар ҳам, кўплаб издошлар ҳам керак эмас. Менинг ягона истагим - умрлар оша Сенга садоқат билан ҳолис хизмат қилишдан иборат.

5. Эй Махараж Нанданинг ўғли, о Кришна, мен Сенинг мангу хизматкорингман, лекин қандайдир сабаблар билан мен мана шу туғилиш ва ўлишлар уммонида тушиб қолганман. Сендан илтимос, мени бу ажал уммонидан қутқариб ол ва мени нилуфар қадамларинг пойида бир зарра қилиб қўй.

6. Эй Худойим, қачон менинг кўзларим Сенинг муқаддас номларингни куйлаганда бетиним оқадиган кўз ёшлар билан безанар экан? Сенинг номингни тилга олганимда қачон менинг овозим бўғилиб, танамда тукларим тикка бўлиб кетар экан?

7. О Говинда! Сенсиз ўтган ҳар бир лаҳза мен учун ўн икки йилдан ҳам узокроқ бўлиб туюлади. Кўзларимдан бетиним ёшлар оқиб, Сен бўлмасанг бутун олам бўм-бўш бўлиб хувиллаб қолганини ҳис қиламан.

8. Мен учун Кришнадан бошқа Илоҳ йўқ, ҳатто У мени кўполлик билан бағрига босса ҳам, ёки кўзларимга кўринмай қийнаб, қалбимни тилка-пора қилса ҳам барибир У менинг ёлғиз Худойим бўлиб қолаверади. У Ўзи истаган ишни қилиши мумкин, чунки У ҳамиша ва ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган ҳолда мен сиғинадиган ягона Парвардигор бўлиб қолаверади.

## Кириш

(Биринчи марта Кришнани англаш Халқаро жамиятининг Нью-Йоркдаги марказида 1967-йил 10-14 апрел кунлари "Чайтанья Чаритамрита" (Парвардигор Чайтанья Махапрабхунинг Кришнада Кавирадж Госвами ёзган ишончли биографияси) бўйича қилинган эрталабки беш маҳруза сифатида ўқилган)

*Чайтанья* ибораси "ҳаёт кучи" деган маънони англатади. Тирик мавжудот бўлган ҳолда бизлар ҳаракатлана оламиз, лекин стол бунга қодир эмас, чунки унда ҳаёт кучи йўқ. Ҳаракат ёки фаолиятни ҳаёт кучининг аломати ёки намоён бўлиши деб ҳисоблаш мумкин. Аслини олганда ҳаёт кучи бўлмаса ҳеч қандай фаолият кўрсатишнинг иложи йўқ деб айтиш мумкин. Гарчи ҳаёт кучи моддий шароитларда мавжуд бўлса ҳам, у бу ерда амрита эмас, яъни мангу барҳаёт эмас. Демак, *чайтанья-чаритамрита* иборасини "ҳаёт кучининг мангуликдаги аломатлари" деб таржима қилиш мумкин.

Аммо, ана шу ҳаёт кучи қандай қилиб мангуликни намоён этади? Уни на бирор инсон, ёки на бу моддий коинотда яратилган бошқа бирор мавжудот намоён эта олмайди, бу таналарда бизларнинг бирортамыз мангу қололмаймиз. Бизлар ҳаёт кучига эгамиз, қандайдир фаолият кўрсатамиз, асл табиатимизга ва тузилишимизга кўра мангумиз, лекин биз ҳозир жойлашган моддий шароитлар ана шу мангуликнинг намоён бўлишига имкон бермайди. "Катха упанишад"да айтилганки, мангулик ва ҳаёт кучи бизларга ҳам, Худога ҳам бир хилда хос бўлган хусусиятлардир. Гарчи ҳақиқатан ҳам шундай - бизлар ҳам, Худо ҳам мангу тирик бўлсак ҳам - бизлар билан Худо орасида катта фарқ бор. Тирик мавжудот бўлган ҳолда бизлар ҳар хил фаолият билан машғулмиз, лекин бизларда моддий табиатга қулашга мойиллик бор. Худода эса ана шундай мойиллик йўқ. Ҳар нарсага қодир бўлган ҳолда У ҳеч қачон моддий табиат ҳукми остига тушиб қолмайди. Бундан ташқари моддий табиат - шунчаки Унинг англаб бўлмас қувватларидан бирининг намоён бўлишидир.

Ерда туриб биз фақат осмондаги булутларни кўра оламиз, лекин булутлардан юқори кўтарилсак, биз чарақлаб турган қуёшни кўраемиз. Осмондан қараганда баланд иморатлар ва шаҳарлар жуда кичкина бўлиб кўринади, худди шундай Парвардигорнинг назарида бу моддий олам ҳам арзимас даражада кичик нарса. Шартланган тирик мавжудотнинг табиатида ҳамма нарса ўзларининг ҳақиқий кўринишида аниқ кўринадиган ана шу юксак даргоҳдан пастга қулашга мойиллик бор. Аммо Парвардигорнинг Ўзида ана шундай мойиллик йўқ. Худди қуёшда булутлар остига қулашга мойиллик бўлмагани сингари, Парвардигорда ҳам майага (алданиш таҳсирига тушиб қолишга) қулашга мойиллик йўқ. Парвардигор ҳеч қачон алданиш(майа) домига тушиб қолмагани туфайли У шартланган эмас. Бизлар, чекланган тирик мавжудотлар эса, алданиш домига тушиб қолишга мойилмиз, шунинг учун бизлар шартланган тирик мавжудот деб аталамиз. Имперсоналист файласуф(майавади)лар айтадиларки, тирик мавжудот ҳам, Парвардигор ҳам бу дунёга келганида майанинг ҳукми остида бўладилар. Тирик мавжудотга нисбатан шундай деб айтиш мумкин, аммо Парвардигор ҳақида бундай деб бўлмайди, чунки моддий қувват ҳар қандай вазиятда ҳам Унинг назорати остида ҳаракат қилади. Парвардигор ҳам моддий табиат таҳсири остига тушиб қолади деб ҳисоблайдиган кишиларни Парвардигор Кришнанинг Ўзи "Бхагавад-гита"(9.11)да ақлсиз нодонлар деб атайди.

*Аваджананти мам мудха манушим танум ашритам парам бхавам аджананто мама бхута-махешварам*  
"Мен инсон қиёфасида келганимда ақлсиз нодон одамлар Менинг устимдан қуладилар. Улар Менинг илоҳий табиатимни ва бутун борлиқнинг олий ҳукмдори эканлигини билмайдилар".

Парвардигор Чайтанья Махапрабхуни ўзимизга ўхшаган оддий инсонлардан бири деб ҳисобламаслик керак. У - Кришнанинг Ўзи, олий тирик мавжудот, шунинг учун ҳеч қачон Уни майа булутини қоплаб ололмайди. Кришна, Унинг экспансиялари ва ҳатто Унинг комил содиқлари ҳам ҳеч қачон алданиш чангалига тушиб қолмайдилар. Парвардигор Чайтанья ер юзига фақат Кришна-бхакти, Худога муҳаббат илмини тарғибот қилиш учун ташриф буюрган. Бошқача қилиб

айтганда, Парвардигор Чайтанья - тирик мавжудотларни Парвардигорга яқинлаштирадиган тўғри йўлга бошлаб юрган Кришнанинг Ўзидир. У худди бирор амални нотўғри бажараётган ўқувчининг кўлидан қаламни олиб: "Мана бу А, бу Б. Уларни бундай ёзиш керак!" - деб гапириб илм ўргатаётган ўқитувчига ўхшайди. Унинг бу ҳаракатларини кўриб, ўқитувчининг ўзи алфавитни энди ўрганиб юрибди, дея аҳмоқона хулоса чиқармаслик керак. Гарчи У содиқ хизматкор киёфасида келган бўлса ҳам, биз ҳамиша эсимизда сақлашимиз лозимки, Парвардигор Чайтанья - ягона Парвардигор Кришнанинг Ўзи. У бизларга Ўз мисолида қандай қилиб Кришна онгида яшаш мумкинлигини ўргатади, биз Унга ҳамиша айнан шундай муносабатда бўлишимиз лозим.

Парвардигор Кришна "Бхагавад-гита"(18.66)да ҳақиқий диннинг олий қонунини шундай ифодалайди:

*сарва-дхарман паритїаджїа  
мам экам шаранам враджя  
ахам твам сарва-напेбхїо  
моکشайшїїами ма шучаҳ*

"Динларнинг ҳар қандай турини тарк эт, ўз ихтиёрингни бутунлай Менга топшир. Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан халос этаман. Ҳеч нарсадан кўрқма!"

Бир қараганда Парвардигорнинг бу кўрсатмасига амал қилиш қийин эмасдай туюлади, лекин биз унга ҳамиша бир хилда жавоб берамиз: "Ўзи ихтиёрини Унга топшириш? Ҳамма нарсани тарк этиш? Ахир менинг шунча вазифаларим бор-ку!" Майа бизга шипшитиб туради: "Бундай қилма, акс ҳолда сен менинг чангалимдан чиқиб кетасан. Менинг чангалимда қол, мен эса сени тепиб ҳар тарафга югуртиришда давом этаман!" Ҳеч шак-шубҳа йўқки, худди эшакнинг эркаги урғочисига яқинлашган захоти ундан тепки егани сингари, майа ҳам ҳамиша бизларни тинмасдан тепиб туради. Итлар ва мушуклар ҳам бир-бирларига яқинлашган пайтда акиллаб, миёвляб бир-бири билан жанжаллашадилар. Буларнинг ҳаммаси моддий табиатнинг ҳунарлари ҳисобланади. Ҳатто катта филларни ҳам махсус ўргатилган урғочи фил ёрдамида алдаб қопқонга туширадилар. Майанинг жуда кўп воситалари бор, инсонни моддий оламда ушлаб туриш учун унинг аёл зотидан ҳам кучлироқ, ишончлироқ қопқони йўқ. Албатта, биз аслида аёл ҳам эмасмиз, эркак ҳам эмасмиз - буларнинг ҳаммаси фақат бизларнинг ташқи қобиғимизга, танамизга тааллуқли бўлган нарсалардир. Аслида бизлар ҳаммамиз Кришнанинг хизматкорларимиз. Лекин, шартланган ҳаётда бизлар ҳаммамиз чиройли аёл киёфасига кириб олган темир қопқонлар исканжасига тушиб қолганмиз. Ҳар бир эркак зоти жинсий муносабатларга боғланиб қолган, шунинг учун агар инсон моддий олам тутқунлигидан халос бўлишга ҳаракат қилмоқчи бўлса, у биринчи навбатда ўзининг жинсий алоқадан лаззатланиш истагини жиловлаб олиши лозим. Ҳеч қандай қонун-қоида билан чекланмаган жинсий ҳаёт инсонни алданиш чангалига ташлаб, мустаҳкам боғлаб қўяди. Парвардигор Чайтанья Махапрабху ана шундай алданиш домидан расмий равишда 24 ёшида халос бўлганида Унинг хотини ҳали энди 16 ёшда, онаси эса - етмиш ёшида, Унинг Ўзи - оиланинг таянчи бўлган ягона эркак эди. Гарчи Ўзи браҳман, оиласи камбағал бўлса ҳам, У санний-

си(таркидунёлик) турмуш тарзини қабул қилди ва шу билан оилавий боғланишлар чангалидан озодликка чиқди.

Агар биз ҳақиқатан ҳам Кришна онгида яшамоқчи бўлсак, майа чангалидан халос бўлишимиз керак, ёки биз майа билан бирга яшамоқчи бўлсак, шундай яшашимиз лозимки, унинг алдаш домига тушиб қоладиган бўлмайлик. Оилани тарк этиш шарт эмас, чунки ҳатто Парвардигор Чайтаньянинг яқин ҳамроҳлари орасида ҳам жуда кўп оилали кишилар бор эди. **Биз тарк этишимиз шарт бўлган нарса - моддий лаззатланишга бўлган интилиш туйғуси.** Гарчи Парвардигор Чайтанья оилали кишиларнинг никоҳда турган хотини билан чекланган миқдорда жинсий алоқа қилиш ҳуқуқини тан олса ҳам, У жинсий алоқа қилмасликка қасам ичиб, саннийаси турмуш тарзини қабул қилган кишиларга нисбатан жуда қаттиққўл эди. Ҳатто у саннийаси қабул қилган кичик Харидас бир ёш аёлга шунчаки шахвоний эхтирос билан қарагани учун Ўз даврасидан ҳайдаб юборган эди. Бунинг маъноси шундан иборатки, инсон руҳий юксалишга эришиш учун маълум бир йўлни танлаб, унга кириши, унинг барча қонун-қоидаларига қатъий амал қилиб, ҳеч қачон ундан четга чиқмаслиги керак. Парвардигор Чайтаньянинг вазифаси шундан иборат эди - У одамларга Кришнани англаш йўлини ўргатиш билан уларга мангу руҳий ҳаётга эришиш имконини берди.

"Чайтанья Чаритамрита"дан қандай қилиб Парвардигор Чайтанья одамларга мангуликка эришиш йўлини ўргатганини билиб олиш мумкин, шунинг учун бу китобнинг номини "Ҳаёт кучининг мангу табиати" деб таржима қилиш мумкин. Олий ҳаёт кучи - Худонинг Олий Шахси. Шунингдек У олий тирик мавжудот ҳамдир. Сон-саноксиз тирик мавжудотлар бор бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида мавжуд. Буни тушуниш осон: бизларнинг ҳар биримиз алоҳида шахс сифатида мавжудмиз, ҳар биримизнинг фикрларимиз, истакларимиз фақат ўзимизга хос, Парвардигор ҳам алоҳида шахс. Лекин, Парвардигор бошқа тирик мавжудотларнинг ҳаммасидан шуниси билан фарқ қиладики, У - тирик мавжудотларнинг Биринчиси, Ундан ҳеч ким устун бўлолмайди. Яратилган тирик мавжудотлар орасида бир тирик мавжудот бошқасидан бирор хусусияти билан устун бўлиши мумкин. Парвардигор эса тирик мавжудот сингари алоҳида шас бўлиш билан бирга У билан тирик мавжудот орасидаги фарқ шундаки, У - Олий Шахс. Бундан ташқари Парвардигор бегуноҳ, "Бхагавад-гита"да Аржун Унга Ачйута деб мурожаат қилади, бу ибора "ҳеч қачон адашмайдиган Зот" деган маънони англатади. "Бхагавад-гита" айнан Парвардигорнинг мана шу хусусиятига эътиборимизни қаратади, чунки Аржун алданиш домига тушиб қолганди, Кришна эса - йўқ. Биз "беайб Парвардигор" деган гапни тез-тез эшитиб тураемиз, "Бхагавад-гита"да ҳам Парвардигор Кришна шундай дейди:

*нанїам гунебхїаҳ картарам  
їада драїтанупашїати  
гунебхїаш ча парам ветти  
мад-бхавам со"дхїгаччхати*

"Сен ҳар қандай фаолиятни моддий табиат гуналари бошқариб турганини, Парвардигор бу гуналарнинг ҳаммасига нисбатан илоҳий муносабатда эканини

кўрганинга, сен Менинг илохий табиатимни англаб ета оласан".

Биз "Кришна моддий оламда юрганида моддий кувват Кришнадан устун туради" деб ўйламаслигимиз лозим. Кришна ва Унинг инкарнациялари моддий табиат ҳукмига бўйсунмайдилар. Улар мутлақо эркин ва мустақил. Ҳақиқатан ҳам, "Шримад Бхагаватам"да "моддий табиат гуналари ўз таҳсирини ўтказа олмайдиган киши илохий табиатли зотдир" деб айтилган. Агар ҳатто Худонинг содиқ хизматкори ҳам ана шундай эркинликка эриша олса, Парвардигор ҳақида нима дейиш мумкин?

Ҳақиқий муаммо шундан иборатки, қандай қилиб бир вақтнинг ўзида бу моддий оламда яшаш ва айна пайтда моддий иллатга ботмаслик мумкин? Буни Шрила Рупа Госвами тушунтириб беради. У айтадики, агар биз Кришнага хизмат қилишни мақсад қилиб олсак, ҳатто бу дунёда юрсак ҳам унинг иллатига ботиб қолмаймиз. Шундай савол туғилиши мумкин: "Мен Кришнага қандай хизмат қилишим керак?" Кўриниб турибдики, бу ерда гап фақат муроқабани қилиш ҳақида бораётгани йўқ, чунки муроқабани - шунчаки ақлнинг фаолияти, бу ерда гап амалий фаолият ҳақида борапти. Инсон ўзининг қалбида Кришнага хизмат қилишга муҳаббат туйғусини фақат Кришна учун бирор амалий хизмат қилиш орқали уйғотиши мумкин. Ана шундай фаолиятда бирор имконият қолдирмасдан ҳар қандай имкониятдан фойдаланиш керак. Нима бўлишидан қатъий назар, биз бор нарсамизнинг ҳаммасидан Кришнага хизмат қилиш учун фойдаланишимиз лозим. Биз Кришнага хизмат қилишда ҳамма нарсдан фойдаланишимиз мумкин: компютер, машина, самолёт, ракета ва ҳоказо. Агар биз шунчаки одамларга Кришна ҳақида гапирсак, шунинг ўзиёқ Кришнага хизмат қилиш бўлади. Агар биз ақлимиз, сезгиларимиз, нутқимиз, пулларимиз ва қувватимиздан шу тарзда Кришна учун хизмат қилишда фойдаланиб юрган бўлсак, "моддий табиат чангалида юрибмиз" деб хавотирга тушмасак ҳам бўлади. Ана шундай руҳий онг, яъни Кришна онги ёрдамида биз моддий табиат сатҳидан юқори поғонага кўтариламиз. Ҳеч шубҳа йўқки, Кришна, Унинг экспансиялари ва Кришнанинг содиқлари, яъни Кришна учун ишлаб, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган зотларнинг моддий табиатга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Албатта, илми саёз калтафаҳм одамлар буни тушуна олмайдилар.

"Чайтанья Чаритамрита" ўргатадики, руҳий табиатга эга бўлган жон мангу тирик, бизнинг руҳий оламдаги фаолиятимиз ҳам мангу. "Мутлақ Ҳақиқат шахсиятсиз ва шакл-шамойилга эга эмас" деб ҳисоблайдиган майвадилар айтадиларки, ўзини англаб етган жоннинг гапиришига ҳеч қандай зарурат йўқ. Лекин ваишнавларнинг, Кришнанинг содиқларининг фикрига кўра, инсон фақат руҳий ўзлигини англаб етгандан кейин ҳақиқатан ҳам гапира бошлайди. "Мен шу пайтгача фақат бемаҳни гапларни гапириб юрган эдим - дейди ваишнавлар, - энди ҳақиқатан гапиришни, Кришна ҳақида гапиришни бошлайман!" Майвадилар бу борада сув тўла кўзани мисол келтирадилар: кўза ичида сув йўқ пайтда овоз чиқаради, сувга тўла кўзадан овоз чиқмайди. Нима, бизлар кўзамизми? Қандай қилиб бизни кўза билан таққослаш мумкин? Мисол келтириш учун қиёсланаётган нарсалар иложи борича бир-бирига

ўхшаши керак. Кўза фаолият кўрсатишга қодир бўлган ҳаёт кучига эга эмас, умуман унинг бизларга ўхшаган жойи йўқ. Балки сув тўла кўза учун жим туриб муроқабани қилиш афзалдир, лекин бу иш бизга тўғри келмайди. Ҳақиқатан ҳам, инсон Кришна ҳақида бирор нарсани гапиришга қодир эканини англаб етганида Кришна ҳақида гапириш учун унга 24 соат ҳам камлик қилиб қолади. Фақат аҳмоқ одамни то у оғзини очмай жим турган пайтда мақтаб гапириш мумкин, аммо у оғзини очиб гапира бошлаши билан аслида ким экани, илмсиз экани ҳаммага маълум бўлади. "Чайтанья Чаритамрита" бизларга Парвардигорни олқишлаганда қанчалик ажойиб нарсалар юзага чиқишини намоён этади.

"Чайтанья Чаритамрита"да Кришнада Кавираж Госвами шундай дейди: "Мен руҳий устозларимга чуқур эҳтиром билан ҳурмат билдираман!" Бу ерда у шогирдлар силсиласини назарда тутган ҳолда атайлаб кўп раб руҳий устозларга ҳурмат билдиради. У фақат ўзининг руҳий устози олдида бош эгмасдан бутун парампара, Парвардигор Кришнанинг Ўзидан бошланадиган руҳий устозлар силсиласи олдида бош эгади. Шундай қилиб, у барча ваишнавларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш учун кўпчиликни назарда тутган ҳолда руҳий устози олдида сажда қилади. Шогирдлар силсиласига ҳурмат билдиргандан кейин муаллиф Худонинг барча содиқлари, ўзининг руҳий оғалари, Худонинг экспансиялари ва Кришнанинг қуввати намоён этган биринчи қиёфа олдида бош эгади. Парвардигор Чайтанья Махапрабху мана шуларнинг ҳаммасининг тимсолидир: У - Парвардигор, гуру, содиқ хизматкор ва Худонинг экспансияси. Ўзининг ҳамроҳи Нитйананда сифатида У Худонинг қувватининг намоён бўлган биринчи қиёфаси; Адвайта сифатида У - Худонинг инкарнацияси; Гададхара сифатида У - Парвардигорнинг ички қуввати; Шриваса сифатида эса У - оралик қувват, тирик мавжудот. Шундай қилиб, "Кришна ҳаммаша ёлғиз юради" деб ўйламаслик керак. Рамануджачарья таърифлаганидек, "У ҳаммаша Ўзининг намоён бўлган кўринишлари билан бирга" деб билиш лозим. Вишиштадвайта фалсафасига биноан Худонинг қувватлари, Унинг экспансиялари ва инкарнациялари "ранг-барангликдаги бирлик" деб аталади. Бошқача қилиб айтганда, Худо мана шуларнинг ҳаммасидан четда турадиган қандайдир Зот эмас; буларнинг ҳаммаси биргаликда Худо деб аталади.

Аслини олганда "Чайтанья Чаритамрита" руҳий ҳаётни энди бошлаган кишилар учун мўлжалланмаган, чунки бу асар руҳий илмнинг энг олий поғонаси ҳисобланади. Аслида руҳий юксалиш йўлига энди кирган киши руҳий илм ўрганишни "Бхагавад-гита"дан бошлаши лозим, кейин у "Шримад Бхагаватам"ни ўрганишга киришиши керак, кейин у "Чайтанья Чаритамрита"ни ўрганишга ўтса бўлади. Гарчи бу муқаддас китобларнинг ҳаммаси бир мутлақ поғонада турган бўлса ҳам, қиёсий ўрганиш, ўзлаштириш мақсадида "Чайтанья Чаритамрита" энг олий поғонадаги асар ҳисобланади. Унинг ҳар бир шеъри мукамал. Парвардигор Чайтанья ва Нитйананда қуёш ва ойга қиёсланади, чунки улар бу моддий оламнинг ғофиллик туманини тарқатиб юборадилар. Бу ерда қуёш билан ой бир вақтда чиққан, шунинг учун ҳурмат-эҳтиром билан бир вақтнинг ўзида ҳам Парвардигор Чайтанья олдида, ҳам Нитйананда олдида бош эгиш лозим.

Парвардигор Чайтаньянинг шон-шухрати нисбатан номаълум бўлган ғарбий давлатларда яшайдиган одамларда шундай савол туғилиши мумкин: "Кришна Чайтанья дегани ким?" Муқаддас китобларда бу саволга шундай жавоб берилган: У - Худонинг Олий Шахси. Одатда Упанишадаларда Олий Мутлақ Ҳақиқат қандайдир шахсиятсиз зот сифатида таърифланади, аммо Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий жиҳати "Ишопанишада"да кўрсатилган. Унда Парвардигорнинг ҳамма жойни қамраб олган жиҳати таърифлангандан кейин шундай шеър бор(15):

*хиранмайена патрена  
сатйасйапихитам мукхам  
тат твам пушанн апаврину  
сатйа-дхармайа дриштайе*

"Эй барча тирик мавжудотларни қўллаб-қувватлаб турган Парвардигор, Сенинг жамолинг Сендан таралиб турган кучли ёғду билан тўсилган. Марҳамат қилиб ана шу пардани кўтар ва Ўзингни асл содиқ хизматкорингга намоён эт".

Имперсоналистлар Парвардигордан таралиб турган ёғдудан четга чиқиш ва ана шу ёғду таралиб турган шахсга яқинлашиш имконига эга эмаслар. Лекин "Ишопанишад"нинг охирида Худонинг Олий Шахсини олқишлайдиган мадҳия бор. Бу, шахсиятсиз Брахман бутунлай инкор этилади, дегани эмас, у ҳам таърифланади, аммо бу Брахман аслида Чайтаньянинг танасидан таралаётган ёрқин нур ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, Кришна Чайтанья шахсиятсиз Брахманнинг асоси ҳисобланади. "Бхагавад-гита"(14.27)да Парвардигор Кришна ҳам буни тасдиқлаб шундай дейди: *Брахмано хи пратиштхахам*. Параматма, яъни ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ва коинотнинг ҳар бир атомида мавжуд бўлган Олий Руҳ шунчаки Чайтаньянинг қисман намоён бўлишидир. Шунинг учун Парвардигор Кришна Чайтанья - Брахманнинг асоси ва Худонинг Олий Шахси. Парвардигор бўлган ҳолда У олти фазилатга мукамал эга: бойлик, шон-шухрат, куч, гўзаллик, илм ва боғланмаслик. Қисқаси, биз У - Кришна, ягона Парвардигор эканини ва Унга тенг ёки устун бўладиган бирор зот йўқлигини билишимиз лозим. Англаш лозим бўлган Ундан буюроқ бирор зот мавжуд эмас. У - Олий Шахс.

Парвардигор Чайтанья бошқа ҳаммадан ҳам кўпроқ ишонч билдирган, Ўзи бевосита ўн кундан кўпроқ бетиним насихат берган Шрила Рупа Госвами шундай деб ёзади:

*намо маха-ваданйайа кришна-према-прадайя те  
кришнайя кришна-чаитанья-намне гаура-твише намах*  
"Мен Кришнанинг бошқа ҳар қандай аватарасидан, ҳатто Кришнанинг Ўзидан ҳам олийҳимматроқ бўлган Парвардигор Чайтанья олдида эҳтиром билан бош эгаман, чунки У то Унгача ҳеч ким, ҳеч қачон бермаган нарсани - Кришнага соф муҳаббатни саховат билан ҳаммага улашяпти".

Чайтанья Махапрабху одамларни Худони англашнинг узоқ ва жиддий ишлаб чиқилган усулига ўргатяпти деб ҳисобласак нотўғри бўлади. У бутунлай руҳий табиатга эга бўлиб, инсон Кришнага ўзини бутунлай топширган пайтдан бошлайди. У *карма-йога*, *дженана-йога* ёки *хатха-йога* йўлларида бормайди, аксинча У моддий тирикчилик тамом бўлиб, инсон моддий боғланишлардан бутунлай халос бўлган поғонадан

бошлайди. Парвардигор Кришна "Бхагавад-гита"да Ўз таълимотини руҳ билан модданинг бир-биридан фарқини таърифлашдан бошлайди, ўн саккизинчи бобни жон бутунлай ўзини Унга топшириши лозимлиги билан яқунлайди. Майавадилар мана шу ерда гапини тугатган бўлардилар, лекин аслида, ҳақиқий муҳокама мана шу жойдан бошланади. "Веданта-сутра" *атхато Брахма-джджнаса* иборасидан, яъни: "Энди Мутлақ Ҳақиқат ҳақида савол беришни бошлаймиз" - деган гапдан бошланади. Шунинг учун Шрила Рупа Госвами Чайтанья Махапрабхуни Парвардигорнинг энг олийҳиммат киёфаси сифатида олқишлайди, чунки У Худого садоқат билан хизмат қилишнинг энг олий турини кўрсатиб, одамларга бебаҳо неҳмат улашади. Бошқача қилиб айтганда, У инсон ўзининг олдига қўйиши мумкин бўлган энг муҳим саволга жавоб беради.

Худонинг англашнинг ва Худого садоқат билан хизмат қилишнинг турли босқичлари бор. Аслини олганда Худонинг борлигини тан олган ҳар қандай инсон Худого садоқат билан хизмат қилаётган бўлади. Парвардигорнинг улуғворлигини тан олиш ҳам катта гап, лекин бу ҳали унчалик катта ютуқ эмас. Ачарйя, яъни буюк руҳий устоз сифатида тарғибот қилган Парвардигор Чайтанья айтадики, биз Парвардигор билан ўзаро шахсий муносабат ўрнатишимиз, ҳақиқатан ҳам Худонинг дўсти бўлишимиз мумкин. "Бхагавад-гита"да Парвардигор Кришна Аржунга Ўзининг фазовий киёфасини намоёиш этади, чунки Аржун Унинг "энг яқин дўсти". Лекин аслини олганда, Кришна бутун оламлар Парвардигори эканини кўрганида, Аржун Ундан аввал Унинг дўсти сифатида айтган гаплари учун кечирим сўрай бошлади. Чайтанья Махапрабху бундан юқорироқ поғонага кўтарилади. Парвардигор Чайтаньянинг марҳамати билан биз Кришнанинг дўсти бўла оламиз ва бу дўстликнинг ҳеч қандай чегараси бўлмайди. Биз Кришнанинг дўсти бўлишимиз, бунда Унга нисбатан қалбимизда кўрқув аралаш ҳаяжон ва ҳурмат-эҳтиром эмас, балки тўла эркинлик ҳис қиламиз. Биз ҳатто Парвардигорга нисбатан, худди отанинг ўз ўғли билан бўладиган ўзаро яқин муносабати сингари яқин муносабатда бўлишимиз мумкин. Бу фалсафа фақат "Чайтанья Чаритамрита"да эмас, балки "Шримад Бхагаватам"да ҳам баён этилади. Бутун жаҳонда содиқнинг Парвардигор билан худди отанинг ўз ўғлига бўлган муносабатидай муносабатда бўлишини таърифлайдиган бошқа бирор муқаддас китоб йўқ. Одатда Парвардигорга худди ўз фарзандларининг барча талабларини бажарадиган ҳар нарсага қодир қудратли Ота сифатида мурожаат қиладилар. Аммо буюк содиқлар Худого садоқат билан хизмат қилиш жараёнида баъзан Парвардигорга худди ўзларининг ўғли сифатида қарайдилар. Ўғли талаб қилади, отаси эса унинг истагини бажаради; Кришнанинг истагини бажариш билан содиқ хизматкор баъзан Унинг отаси ролини ўйнайди. Парвардигордан бирор нарса олиш ўрнига биз Парвардигорга берамиз. Парвардигор билан ана шундай муносабатда бўлган Йашода, Кришнанинг онаси, Кришнага шундай дейди: "Мана буни еб ол, бўлмаса оч бўлиб қоласан. Яхшилаб тўйиб ол!" Шу маънода, гарчи бутун борлиқнинг эгаси бўлса ҳам, Кришна Ўзининг содиқ хизматкорининг марҳаматига қарам бўлиб қолади. Мана шу ўзига хос, нодир руҳий

дўстликнинг энг юксак поғонасидир, бунда содиқ хизматкор ҳақиқатан ҳам ўзини Кришнанинг отаси деб ҳисоблайди.

Лекин, Парвардигор Чайтанья таълимотининг энг бебаҳо неҳмати шундан иборатки, бунда содиқ хизматкор Парвардигор Кришнага ўз севгилиси сифатида муносабат билдириши мумкин. Ўзаро ана шундай муносабатларда Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкори га шунчалик боғланиб қолганки, ҳатто Ўзини унинг хис-туйғуларига муносиб жавоб беришдан ожизлигини тан олади. Кришна гопилардан, Виндаванлик подачилардан шунчалик миннатдор эдики, Ўзини уларнинг муҳаббатига муносиб жавоб беришга қодир эмас деб ҳисоблайди. "Мен сизларнинг бундай самимий муҳаббатларингизга муносиб жавоб бера олмайман - дейди Кришна уларга - Менда сизларнинг бу муҳаббатингизга жавобан сизларга таклиф қилишга арзигулик бирор нарса йўқ". Рухий баркамолликнинг энг юксак поғонасида Худога садоқат билан хизмат қилиш шундай бўлади. Содиқ хизматкор билан Парвардигор Кришнанинг ошиқ-маъшуклар сифатидаги ўзаро муносабати ҳақидаги илмни Чайтанья Махапрабху Ўзининг таълимотида бериб кетган. Аввалги инкарнацияларнинг ёки ачарйаларнинг бирортаси бундай илмни бермаган. Шунинг учун Шрила Рупа Госвами Чайтанья Махапрабху ҳақида шундай деб ёзади: "Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ўзи инсон фаолиятининг энг юксак, улуғвор поғонаси ҳисобланади, мана шу неҳматни Сен, танаси сарик рангда бўлган Кришна, Шачинандана, она Шачининг ўғли олиб келдинг. "Чайтанья Чаритамрита"ни тинглаган одамлар Сени ўзларининг қалбида сақлайдилар. Сен орқали осонлик билан Кришнага эришадилар".

Шундай қилиб, Чайтанья Махапрабху бу дунёга одамларга Кришнани бериш учун келган. У Кришнани одамларга муруқоба усули билан, кармали фаолият ёки муқаддас китобларни тинглаш йўли билан берган эмас. Унинг йўли - муҳаббат йўлидир.

Биз "Худога муҳаббат" деган гапни тез-тез эшитиб турамыз. Ана шу муҳаббатни қанчалик чуқур ривожлантириш мумкинлигини биз вишнуизм фалсафасидан билиб оламиз. Худога муҳаббат ҳақидаги назарий илмни жуда кўп халқларнинг муқаддас китобларидан ўрганиш мумкин, аммо ваишнавларнинг муқаддас китобларидан Худога муҳаббат ўзи нима экани ва инсон ўзининг қалбида уни қандай ривожлантириши мумкинлигини билиб оламиз. Чайтанья Махапрабху бизга инсон қалбида Худога нисбатан ривожлантириш мумкин бўлган муҳаббатнинг мана шундай энг улуғвор, тенгсиз поғонасини кўрсатиб кетган.

Ҳатто моддий оламда ҳам биз муҳаббат туйғусини озгина ҳис қилишимиз мумкин. Қандай қилиб? Парвардигорда мавжуд бўлган муҳаббат туфайли. Биз шартланган ҳаётимизда ҳис қиладиган туйғуларнинг ҳаммаси барча сабабларнинг сабабчиси бўлган Парвардигорда мавжуд. Бизларнинг Парвардигор билан бўлган азалий муносабатларимиз муҳаббатга тўла, ана шу муҳаббат бузилган ҳолда ҳозирги моддий шароитларда акс этади. Бизларнинг ҳақиқий муҳаббатимиз ўзгармас ва чексиз, лекин моддий оламда ана шу муҳаббат бузилган кўринишда акс этади, шунинг учун у ўзгарувчан ва бизга маст қиладиган таҳсир кўрсатади. Агар биз ҳақиқий илоҳий муҳаббатга эга бўлишни ис-

тасак, биз қалбимиздаги муҳаббат туйғусини ҳар қандай муҳаббатнинг маркази бўлган зотга - Худонинг Олий Шахсига қаратишимиз лозим. Кришнани англашнинг асосий қоидаси ана шундан иборат.

Моддий онг ёрдамида биз умуман муҳаббатга лойиқ бўлмаган нарсаларни севишга ҳаракат қиламыз. Биз ўз муҳаббатимизни ит ва мушукларга қаратамыз, бу билан ажалимиз етганда уларни ўйлаб, кейинги ҳаётимизда ит ёки мушук танасида туғилиш хавфи остида қоламыз. Шундай қилиб, **Кришнадан бошқа нарсага қаратилган муҳаббат бизни тубанликка юз тутишга мажбур этади.** Кришна, яъни Худо қандайдир англаб бўлмас мавҳум Зот, ёки Худога фақат бир гуруҳ танланган одамларгина эриша оладилар, деган гаплар мутлақо асоссиз. Чайтанья Махапрабху айтадики, ҳар қандай халқда, ҳар қандай муқаддас китобда ҳам албатта Худога муҳаббат ҳақида айтилган. Лекин афсуски, аслида Худога муҳаббат нима эканини ҳеч ким билмайди. Ведавий муқаддас китобларнинг бошқа китоблардан фарқи шундаки, улар инсонга қалбида Худога муҳаббат туйғусини уйғотадиган тўғри йўлни кўрсатадилар. Бошқа муқаддас китобларда инсон қандай қилиб қалбида Худога муҳаббат уйғотиши ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган; уларда Худо дегани аслида ким ёки нима эканлиги ҳам ёзилмаган. Гарчи уларда расмий равишда Худога муҳаббат ҳақида ёзилган бўлса ҳам, буни қандай амалга ошириш ҳақида уларда ҳеч нарса айтилмаган. Аммо Чайтанья Махапрабху Парвардигор билан ўзаро ошиқлар муносабатидаги муҳаббат қандай бўлишини амалда намойиш этади. Ўзи Радхарани ролини ўйнаб, Чайтанья Махапрабху Кришнани худди Шримати Радхаранидай севишга ҳаракат қилади. Кришна ҳамisha Шримати Радхаранининг муҳаббатидан хайратга тушарди. "Қандай қилиб Шримати Радхарани Менга шунчалик лаззат бағишлайди?" - хайрон бўларди У. Шримати Радхаранини англаб етиш учун Кришна унинг ролига кирди ва Ўзини Унинг ўрнида қўйиб Ўзини "Ўзи" тушунишга ҳаракат қилди. Кришнанинг Парвардигор Чайтанья кўринишида келишининг сири мана шундай. Чайтанья - Кришнанинг Ўзи, аммо У бизларга Кришнани қандай севиш кераклигини кўрсатиш учун Шримати Радхарани ролини ўйнаган, Унинг ҳаракатларини қилган. Шунинг учун Унга шундай сўзлар билан муружаат қиладилар: "Мен Шримати Радхаранининг ўй-фикрларига фарқ бўлган Парвардигор олдида бош эгаман".

Бундан "Шримати Радхарани ким, Радха-Кришна дегани нима?" - деган савол туғилади. Аслида Радха-Кришна - ўзаро муҳаббат алмашиш деганидир. Бу оддий муҳаббат эмас; Кришнанинг сон-саноксиз қувватлари бор, улардан асосий уч турини ажратиб кўрсатиш мумкин: ички, ташқи ва оралиқ қувватлар. Парвардигорнинг ички қуввати қувватнинг уч тоифасига бўлинади: *самвит*, *хладини* ва *сандхини*. *Хладини* - лаззатланиш қуввати. Барча тирик мавжудотлар ана шундай қувватга, яъни "лаззатланишга интилиш қуввати"га эга, шунинг учун уларнинг ҳаммаси лаззатланишга интиладилар. Тирик мавжудотнинг чуқур рухий табиати ана шундай. Ҳозирги шароитда биз лаззатланишга интилиш қувватидан танамиз ёрдамида атрофимиздаги моддий нарсалардан лаззатланиш учун фойдаланамиз. Танамиз ёрдамида сезгиларга таҳсир

киладиган моддий нарсалар билан кўшилиб, биз улардан лаззат олишга ҳаракат қиламиз. Лекин, ҳамиша руҳий табиатга эга бўлган Кришна ҳам худди бизларга ўхшаб моддий нарсалардан лаззатланишга интилади деб ўйламаслик керак. Кришна моддий оламни "ҳамма нарса ўткинчи ва мусибатларга тўла бўлган жой" деб таърифлайди. Шундай дегандан кейин У моддий оламдаги нарсалардан лаззат излаши мумкинми? У Олий Рух, Унинг лаззатлари ҳам лаззат ҳақидаги моддий тасаввурлар чегарасидан ташқарида.

Қандай қилиб Кришнанинг лаззатларига эга бўлишни тушуниб олиш учун биз "Шримад Бхагаватам"нинг Ўнинчи Кўшиғини ўқишимиз лозим. Унда Кришнанинг лаззатланиш қуввати Унинг Шримати Радхарани ҳамда Ваджаллик бошқа подачи қизлар билан биргаликда ўтказган эрмакларига намоён бўлади. Афсуски, бекфаросат одамлар дарров "Шримад Бхагаватам"нинг Ўнинчи Кўшиғи(Дашама-скандха)да баён этилган Кришнанинг эрмакларини тинглай бошлайдилар. Одатда оддий одамлар Кришнанинг подачи қизлар билан ўтказган раса-рақсини ёки Унинг Шримати Радхарани билан кучоклашганини тушунмайдилар, чунки улар Парвардигорнинг бу эрмакларига дунёвий эҳтирос нуқтаи-назаридан қарайдилар. Улар Кришнани ҳам ўзларига ўхшаган одамлардан биттаси, Кришна ҳам худди оддий йигит ўзининг севган кизини кучгани сингари кучоклайди деб ўйлаб адашадилар. Бу ҳатто баҳзи одамларни Кришнага жалб этади, чунки улар бунда "Кришнанинг динида жинсий эркинлик қўллаб-қувватланар экан" деб ўйлайдилар. Аммо бундай ўйлаш Кришна-бхакти, яъни Худога муҳаббат эмас, аксинча пракрити-саҳаджийа, дунёвий эҳтиросдир.

Ана шундай хатога йўл қўймаслик учун биз аслида Радха-Кришна нима эканини яхши тушуниб олишимиз лозим. Радха ва Кришна Ўзларининг эрмакларини Кришнанинг ички қуввати ёрдамида намоён этадилар. Кришнанинг ички қувватининг лаззатланиш қуввати - тушуниш жуда қийин бўлган мавзу, токи инсон Кришна аслида ким эканини тўғри тушуниб олмас экан, у бу қувватни тушуна олмайди. Кришна бу моддий оламда ҳеч қандай лаззат ҳис қилмайди, лекин Унинг лаззатланиш қуввати бор. Бизлар ҳаммамиз Кришнанинг таркибий қисми бўлганимиз туфайли, бизларда ҳам лаззатланиш қуввати бор, аммо бизлар ана шу лаззатланиш қувватини моддада намоён этишга уринамиз. Аммо Кришна ҳеч қачон амалга ошмайдиган бундай бемаҳни ишларга уринмайди. Кришнанинг лаззатланиш қуввати Шримати Радхаранига қаратилган, Кришна Ўзининг ана шу қувватини Радхарани кўринишида намоён этади, кейин У(билан биргаликда)ндан муҳаббат билан лаззатланади. Бошқача қилиб айтганда, Кришна бу ташқи қувватдан лаззат олмайди, лекин Ўзининг ички қувватини, лаззатланиш қувватини Радхарани кўринишида намоён этади. Шундай қилиб, У ички лаззатланиш қувватини намойиш этиш учун Ўзини Шримати Радхарани кўринишида намоён этади. Парвардигорнинг барча сон-саноксиз экспансиялари, намоён бўлган қиёфалари ва инкарнациялари ичида мана шу лаззатланиш қуввати биринчи ва энг муҳими ҳисобланади.

Радхаранини Кришнадан ажралган деб ҳисобламаслик керак. Радхарани ҳам Кришна, чунки қувват ва қувват манбаи бир-бирдан фарқ қилмайди.

Қувват бўлмаса қувват манбаининг маъноси бўлмайди, қувват манбаи бўлмаса қувват ўзи бўлмайди. Худди шундай Радхасиз Кришнанинг маъноси йўқ, Кришна бўлмаса Радханинг маъноси бўлмайди. Шунинг учун вишнуизм фалсафаси биринчи навбатда Парвардигорнинг лаззатланиш қувватига ҳурмат-эҳтиром билан сажда қилади. Шундай қилиб, Парвардигор ва Унинг қуввати ҳақида ҳамиша Радха-Кришна деб гапирадилар. Худди шундай Парвардигор Нарайанага сиғинадиганлар биринчи бўлиб Лакшмини тилга оладилар - Лакшми-Нарайана, Парвардигор Рамага сиғинадиганлар эса, биринчи бўлиб Ситани тилга оладилар. Ҳар қандай вазиятда ҳам - Сита-Рама, Радха-Кришна, Лакшми-Нарайана - лаззатланиш қуввати биринчи ўринда туради.

Радха ва Кришна - бўлинмас бирлик, Кришна лаззатланишни истаганида Ўзини Радхарани кўринишида намоён этади. Радха билан Кришна орасидаги ўзаро руҳий ишқий муносабатлар ички лаззатланиш қувватининг ҳақиқий намоён бўлишидир. Гарчи биз "Кришна лаззатланишни истаганида" десак ҳам, биз қачон У лаззатланишни истаганини аниқ айтолмаймиз. Биз фақат шартланган ҳаётда ҳамма нарсанинг боши ва охири бўлгани учун шундай деймиз; аммо муғлак, яъни руҳий ҳаётнинг боши ҳам, охири ҳам йўқ. Лекин барибир, Радха билан Кришна бўлинмас бирлик, тўла бутун эканини, аммо айни пайтда улар биридан бошқача эканини тушуниш учун, ақлимизда табиий равишда "қачон?" деган савол юзага келади. Кришна лаззатланиш қувватидан лаззатланишни истаганида У Ўзини алоҳида Радхарани кўринишида намоён этади, У Ўзини Радха ёрдамида тушунишни истаганида эса, Радхарани билан бирлашади, ана шу бирлик Парвардигор Чайтанья деб аталади.

Нима сабабдан Кришна Чайтанья Махапрабху қиёфасига кирган? Буни шундай тушунтириш мумкин: Кришна Радханинг муҳаббатининг улғуворлигини англаб етишни истади. "Нимага У Мени шунчалик севади? - деди У - Менда Уни шунчалик махлиё қиладиган нима бор? Аслида У Мени қандай севади?" Ҳар нарсага кодир бўлган Парвардигор Кришнани кимнингдир муҳаббати ўзига жалб этиши ғалати туюлиши мумкин. Биз эркак ёки аёлнинг муҳаббатини излаймиз, чунки бизлар мукамал эмасмиз, бизга нимадир етишмайди. Аёлнинг муҳаббати - қувват, эркакда ана шу лаззат(қувват) етишмайди, шунинг учун эркак аёлга интилади, лекин мукамал, Ўзига тўла бутун Кришна ҳақида бундай деб бўлмайди. Шунинг учун Кришна ҳайратга тушади: "Нимага Радхарани Мени шунчалик Ўзига жалб этади? Менинг муҳаббатимни сезганида Радхарани Ўзида қандай туйғу ҳис қилади?" Ана шундай ишқий муносабатларнинг таъминини татиб кўриш учун Кришна худди денгиз устида пайдо бўладиган Ойдаи бу дунёда пайдо бўлади. Худди Ой денгизни чайиш натижасида пайдо бўлгани сингари, Чайтанья Махапрабху Ойи ҳам руҳий муҳаббат уммонини чайиш натижасида пайдо бўлади. Ҳақиқатан ҳам, Чайтанья Махапрабхунинг танасининг олтин ранги худди Ой нуруни эслатади. Гарчи бу шунчаки ўхшатиш бўлса ҳам, бунда Чайтанья Махапрабхунинг бу дунёга келишининг маъноси акс этган. Унинг пайдо бўлишининг барча сабаблари кейинги бобларда тушунтирилади.

Шунингдек "Чайтанья Чаритамрита"да Парвардигорнинг намоён бўлган турли кўринишлари тушунтирилади. Парвардигор Чайтаньяга хурмат-эҳтиром кўрсатгандан кейин Кришнада Кавираджа Нитйанандага хурмат билдиради. У айтадики, Нитйананда Маха-Вишнунинг манбаи бўлган Санкаршананинг намоён бўлган кўринишидир. Кришнанинг биринчи намоён бўлган кўриниши Балорам, кейин Санкаршана, Санкаршанадан кейин У Прадйумна кўринишида намоён бўлади. Шундай қилиб, сон-саноксиз экспансиялар юзага келади. Лекин, сон-саноксиз экспансиялар мавжуд бўлса ҳам, "Брахма-самхита" тасдиқлаганидай, Парвардигор Кришна уларнинг ҳаммасининг ягона манбаидир. У худди биринчи шамчирокқа ўхшайди, ундан минглаб, миллионлаб бошқа шамчирокларни туташтириш мумкин. Гарчи ундан чексиз шамчирокларни ёқиш мумкин бўлса ҳам, бошланғич шамчирок уларнинг ҳаммасининг манбаи бўлиб қолаверади. Шундай қилиб, Кришна сон-саноксиз оловлар манбаи бўлиб Ўзини кўпайтиради, ана шу экспансияларнинг ҳаммаси Вишну-татвалар деб аталади. Вишну - катта гулхан, бизлар эса - кичкина учқунлармиз, лекин бизлар ҳаммамиз Кришнанинг экспансияларимиз.

Моддий коинотни яратиш зарурати пайдо бўлганида Вишну Маха-Вишнунинг намоён этади. Маха-вишну Сабаблар Уммонида ястаниб ётади ва ўзининг бурнидан коинотларни чиқаради. Шу тарзда Маха-Вишну ва Сабаблар Уммонидан коинотлар пайдо бўлади, ана шу коинотлар Сабаблар Уммони юзида сузиб юрадилар. Бу борада уч қадам босиб, кейин оёғининг учи билан коинотнинг қобиғини тешиб юборган Парвардигор Вамана ҳақида бир ривоят бор. Сабаблар Уммонидаги сув Парвардигор юзага келтирган ана шу тешикка интилади. Ана шу сув оқими Ганга дарёсига айланган. Шунинг учун Ганга Вишнунинг энг муқаддас сувлари ҳисобланади, Ҳимолай тоғларидан то Бенгал бўғозигача бўлган ҳиндуларнинг барчаси муқаддас Гангага сиғинадилар.

Сабаблар Уммонида ястаниб ётган ана шу Маха-Вишну аслида Кришнанинг биринчи экспансияси бўлган Балорамнинг экспансияси бўлади. Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре/Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре маха-мантра таркибидаги Рама иборасида Балорам назарда тутилган. Нитйананда Балорамнинг экспансияси бўлгани учун Рама номи Парвардигор Нитйанандани ҳам ифодалайди. Шундай қилиб, Ҳаре Кришна, Ҳаре Рама - фақат Кришна билан Балорамга эмас, балки Парвардигор Чайтанья ва Нитйанандага ҳам мурожаат қилишдир.

"Чайтанья Чаритамрита" биринчи навбатда бу моддий оламдан ташқаридаги нарсалар ҳақида хабар беради. Парвардигорнинг моддий фазовий экспансияси *майа*(сароб, алдамчи) деб аталади, чунки у мангу эмас. Баъзан у намоён бўлган ҳолатда бўлади, баҳзид а эса - намоён бўлмаган ҳолатда, шу жиҳатдан у алдамчи. Аммо мана шу вақтинчалик намоён бўладиган оламдан ташқарида олий табиат мавжуд, буни "Бхагавад-гита" ҳам тасдиқлайди(8.20):

*нарас тасмат ту бхаво "нйо  
"вйакто "вйактат санатанах  
йах са сарвешу бхутешу  
наийатсу на винашйати*

"Аммо намоён бўлган ва намоён бўлмаган моддага нисбатан илоҳий бўлган бошқа мангу табиат ҳам мавжуд. Ана шу олий табиат ҳеч қачон яқсон бўлмайди. Бу оламда ҳамма нарса яқсон бўлганда ҳам ана шу мангу табиат ўзгармай қолаверади".

Ана шу олий табиат намоён бўлган(вйактах) ва намоён бўлмаган(авйактах) табиатдан ташқарида жойлашган. Яратиш ва яқсон қилишдан устун бўлган ана шу олий табиат барча тирик мавжудотларнинг танасида намоён бўладиган ҳаёт кучидир. Тананинг ўзи қуйи табиатдан, моддадан таркиб топган, аммо танани ҳаракатга келтириб турган нарса олий табиатга мансуб. Ана шу олий табиатнинг белгиси, аломати "онг" ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳамма нарса олий табиатга эга бўлган руҳий оламда ҳамма нарсанинг онги бор. Моддий оламда жонсиз нарсаларда онг бўлмайди, аммо руҳий оламда ундай эмас. У жойда стол, ер, дарахтлар - ҳамма нарсанинг онги бор.

Бу намоён бўлган моддий олам қанчалик бепоён эканини тасаввур қилиш қийин. Моддий оламда ҳамма нарса тасаввур ёки бошқа номукамал усуллар билан баҳоланади, аммо Ведавий муқаддас китобларда мана шу моддий оламдан ташқарида бўлган нарсалар ҳақида маълумотлар берилган. Илм ўрганишнинг тажриба усулига ишонадиган кишилар ведавий муқаддас китобларнинг хулосаларига ишонмасликлари мумкин, чунки улар мана шу коинот қанча бепоён эканини баҳолай олмайдилар ёки шу коинот ичидаги узокроқ жойларга боролмайдилар. Ҳар қандай тажриба усули мана шу моддий коинотдан ташқаридаги бирор нарса ҳақида маълумот беришга ожизлик қилади. Бизнинг тасаввуримизга сиғмайдиган нарсалар ачинтйа, яъни "англаб бўлмас" деб аталади. Англаб бўлмас нарса ҳақида тахмин қилиш ёки бу ҳақда баҳслашиш мутлақо бемаҳни иш. Агар бу ҳақиқатан ҳам англаб етиш мумкин бўлмаган нарса бўлса, у бизларнинг тахминларимизга ёки тажрибаларимизга асос бўлолмайди. Бизнинг қувватимиз ҳам, сезиш қобилиятимиз сингари чекланган, шунинг учун англаб бўлмайдиган нарсалар ҳақида гап борганда биз фақат Ведаларнинг хулосаларига таянишимиз лозим. Олий табиат ҳақидаги илм ҳеч қандай исботсиз қабул қилиниши лозим. Ўзимиз билмайдиган нарса ҳақида қандай қилиб баҳслашишимиз мумкин. Илоҳий тушунчаларни англаб етиш йўлини Парвардигор Кришнанинг Ўзи "Бхагавад-гита"(4.1)да таърифлаб берган:

*имам вивасвате йогам проктаван ахам авйайам  
вивасван манаве праха манур икшвакаве "бравит*  
"Мен бу мангу йога илмини қуёш фариштаси Вивасванга ўргатганман, Вивасван уни инсоният бобокалони Мануга ўргатган, Ману эса ўз навбатида уни Икшвакуга ўргатган".

Мана шу *парампара*, яъни шогирдлар силсиласи йўли. Худди шундай "Шримад Бхагаватам"да Кришна илмини коинотдаги биринчи яралган мавжудот Браҳманинг қалбига жойлаган. Браҳма бу илмини шогирди Нарадага ўргатган, Нарада эса - ўзининг шогирди Вйасадевага ўргатган. Вйасадева бу илмини Мадхвачарйага ўргатган, бу илм Мадхвачарйадан Мадхавендра Пурига, ундан Ишвара Пурига ўтган, ундан эса - Чайтанья Махапрабҳуга ўтган.

Шундай савол туғилиши мумкин: агар Чайтанья Махапрабҳу Кришнанинг Ўзи бўлса, Унга руҳий устоз-



нинг нима кераги бор эди? Албатта, Унга руҳий устоз танлашнинг ҳожати йўқ эди, лекин, *У ачарйа*, яъни "ўзининг амаллари билан бошқаларга таҳлим берадиган устоз" бўлгани учунгина руҳий устоз қабул қилган. Ҳатто Кришнанинг Ўзи ҳам руҳий устоз қабул қилган, чунки илм ўрганиш тартиби шундай. Парвардигор шу тарзда одамларга ўрнак кўрсатади. Лекин, "Худонинг Ўзи ҳам руҳий устоз қабул қилади, чунки Унинг Ўзига илм етишмайди", деб ўйламаслик керак. Ўзининг бу иши билан У фақат илм ўрганишда шогирдлар силсиласининг муҳимлигини таҳкидлайди. Аслида шогирдлар силсиласи орқали ўрганиладиган илм Парвардигорнинг Ўзидан чиқади, агар ана шу илм ўзгаришларсиз авлоддан-авлодга ўтиб келса, у мукамал илм бўлади. Гарчи биз ўзимиз бевосита илм чиқаётган Зот билан мулоқотда бўла олмасак ҳам, илмнинг устоздан шогирдга ўтиши тизими орқали бу илмни мукамал ўрганиб олишимиз мумкин. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки Кришна, Мутлак Ҳақиқат, Худо Шахси илохий илмни Браҳманинг қалбига жойлаган. Бу илм ўрганишнинг яна бир йўли - юрак орқали ўрганиш йўли. Шундай қилиб, инсон икки йўл билан илм ўрганиш мумкин: биттаси ҳар бир тирик мавжудот қалбида Олий Рух қиёфасида мавжуд бўлган Худонинг Олий Шахси орқали, иккинчи йўл - Кришнанинг экспансияси бўлган гуру, ҳақиқий руҳий устоз орқали. Шундай қилиб, Кришна бизга ичдан ҳам, сиртдан ҳам бериши мумкин. Биз фақат шу илмни олишимиз керак, холос. Агар илм ана шу йўлларнинг бирортаси орқали олинган бўлса, унинг англаб бўлиши ёки бўлмаслиги ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолади.

"Шримад Бхагаватам"да моддий олам чегарасидан ташқарида жойлашган Ваикунтха сайёралар тизими ҳақида жуда кўп маълумотлар берилган. "Чаитанья Чаритамрита"да ҳам англаб бўлмас илм ҳақида жуда кўп маълумотлар бор. Ана шу ахборотни олишга тажриба йўли билан уриниш ҳеч қандай фойда бермаслиги аниқ. Ведалар усулига кўра *шабда*, яъни "илохий товуш"нинг ўзи далил, исбот ҳисобланади. Ведалар тизими бўйича илм ўрганишда товуш жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки агар у соф бўлса, ишончли манба ҳисобланади. Ҳатто моддий оламда ҳам биз радио ва телефон орқали минглаб чақирим узоқ бўлган жойлардан жуда кўп хабар эшитамиз. Шундай қилиб, биз кундалик турмушда ҳам товушни исбот(ишонарли манба) сифатида тан оламиз. Гарчи биз хабар бериб турган кишини кўрмасак ҳам, шунчаки товушини эшитганимиз асосида унинг хабарини ишонч билан қабул қиламиз.

Ведаларда берилган хабарга асосан намоён бўлган космик оламдан ташқарида руҳий осмон ва сон-саноксиз сайёралар мавжуд. Мана шу намоён бўлган моддий олам бутун борлиқнинг арзимаган бир қисми ҳисобланади. Моддий олам фақат бу коинотни эмас, бошқа сон-саноксиз коинотларни ҳам ўз ичига олади, ана шу коинотларнинг ҳаммаси биргаликда бутун борлиқнинг арзимаган қисмини ташкил этади. Борлиқнинг катта қисми руҳий осмонга тўғри келади, ана шу осмонда Ваикунтхалар деб аталадиган сон-саноксиз руҳий сайёралар сузиб юради. Ҳар бир Ваикунтхалокада Ўзининг Санкаршана, Прадйумна, Анируддха ва Васудева сингари тўрт қўлли экспансиялари қиёфасида Парвардигор Нарайана ҳукмронлик қилади.

Юкорида айтиб ўтганимиздек, моддий коинотларни Маха-Вишну қиёфасига кирган Парвардигор яратади. Худди зурёд қолдириш учун эр билан хотин қўшилгани сингари, Маха-Вишну ҳам Ўзининг хотини Майа, яъни моддий табиат билан қўшилади. Бу ҳам "Бхагавад-гита"(14.4)да тасдиқланади:

*сарва-йоншшу каунтейа муртайах самбхаванти йах тасам Браҳма махад йонир ахам биджа-прадах нита*

"Эй Кунтининг ўғли, шуни тушуниб олишинг керакки, ҳаётнинг барча турларини мана шу моддий табиат дунёга келтиради, Мен эса - уруғлантирувчи отаман".

Вишну шунчаки нигоҳини ташлаб, Майани, яъни моддий табиатни уруғлантиради. Бу руҳий усул. Моддий оламда уруғлантириш учун биз танамизнинг маълум бир аъзосидан фойдаланишимиз лозим, аммо Парвардигор, Кришна, яъни Маха-Вишну танасининг ҳар қандай аъзоси ёрдамида уруғлантира олади. Шунчаки нигоҳини ташлаш билан Парвардигор моддий табиат қорнида сон-саноксиз тирик мавжудотларни дунёга келтира олади. "Браҳма-самхита"да ҳам айтилганки, Парвардигорнинг руҳий танаси шу қадар мукамал ва қудратлики, Унинг танасининг ҳар қандай аъзоси бошқа ҳар қандай аъзосининг вазифасини бажара олади. Биз фақат қўлларимиз ёки теримиз билан бошқаларга тегишимиз мумкин, аммо Кришна ҳатто нигоҳи билан ҳам тегиб билади. Биз фақат кўзларимиз билан кўра оламиз, лекин улар билан биз бировга тегишга ёки ҳид билишга қодир эмасмиз. Лекин Кришна кўзлари билан ҳид билиши ёки овқат ейиши мумкин. Кришнага овқат таклиф қилганда биз Унинг қандай қилиб овқат еганини кўролмаймиз, лекин У шунчаки таомга кўз ташлаш билан овқатдан ея олади. Биз ҳамма нарса руҳий табиатга эга бўлган руҳий оламдаги нарсалар қандай эканини тасаввур қила олмаймиз. Бу "Кришна овқат емайди, шунчаки биз Уни овқатланди деб тасаввур қиламиз" дегани эмас; У ҳақиқатан ҳам овқатдан ейди, лекин У бизларникидан бошқача қилиб ейди. Биз ҳам бутунлай руҳий поғонага кўтарилганимизда худди Кришнадай овқатлана оладиган бўламиз. Руҳий поғонада тананинг ҳар бир аъзоси бошқа ҳар қандай аъзонинг ишини бажара олади.

Оламни яратиш учун Вишнуга ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Браҳмани дунёга келтириш учун Унга равнақ фариштасининг кераги йўқ, чунки Браҳма Вишнунинг қорнида ўсиб чиқадиган нилуфар гулидан дунёга келади. Равнақ фариштаси Лакшми Вишнунинг оёқ учида ўтириб Унга хизмат қилади. Бу моддий оламда эр киши фарзанд кўриш учун хотини билан жинсий алоқа қилиши керак, аммо руҳий оламда хотиннинг ёрдами-сиз истаганча фарзандни дунёга келтириш мумкин. Руҳий қувват билан ишлаш тажрибамиз бўлмагани туфайли бизга Браҳманинг Парвардигор Вишнунинг қорнида ўсиб чиққан нилуфар гулидан дунёга келиши худди эртақдай бўлиб туюлади. Руҳий қувват шунчалик қудратлики, унинг ҳар қандай ишни қандай амалга оширишга қодир экани бизга номаълум. Моддий қувват маълум қонуниятларга бўйсунди, аммо руҳий қувват мутлақо мустақил ҳаракат қилади.

Браҳма Маха-Вишнунинг қисман намоён бўлган қиёфаси бўлмиш Гарбходакашайи Вишнунинг киндигидан туғилади. Маха-Вишнунинг тери тешиқларида сон-саноксиз коинотлар жойлашган, У нафас чиқарганида ана шу коинотларнинг ҳаммаси намоён

бўладилар. Моддий оламда биз бунга ўхшаган нарсани учратмаганмиз, лекин бизга ана шу жараённинг бузилган акси бўлган терлаш жараёни таниш. Биз Маха-Вишнунинг бир нафас олишининг қанча вақт давом этишини ҳатто тасаввур қила олмаймиз, чунки Унинг бир нафас чиқариши ва нафас олиши мобайнида барча коинотлар пайдо бўлиб яна яқсон бўладилар. Брахма фақат Унинг битта нафас чиқариши давомида яшайди, бизларнинг ҳисоб бўйича 4.320.000.000 йил Брахманинг атиги ўн икки соатини ташкил этади, Брахма юз йил умр кўради. Брахманинг шунча узок умри Маха-Вишнунинг бир марта нафас чиқариши вақтига тенг. Шундай қилиб, биз Парвардигорнинг нафаси қанчалик қудратли эканини ҳатто тасаввур ҳам қила олмаймиз. Ана шу Маха-Вишну Кришнанинг шунчаки қисман намоён бўлган қиёфаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, Кришнада Кавираджа Парвардигор Чайтаньяни Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришнанинг Ўзи деб, Парвардигор Нитйанандани эса - Балорам, Кришнанинг биринчи экспансияси деб таърифлайди. Парвардигор Чайтаньянинг бошқа бир асосий шогирди Адвайтачарья ҳам Парвардигор, аниқроғи, Парвардигорнинг экспансияси. Адвайта ибораси "зиддиятсиз" деган маънони англатади. У Парвардигордан фарқ қилмагани учун шундай деб атайдилар. Уни ачарья, устоз деб ҳам атайдилар, чунки У Кришнани англаш илмини тарғибот қилади. Шу маънода У ҳақиқатан ҳам Чайтанья Махапрабҳуга ўхшайди. Гарчи Чайтанья Шри Кришнанинг Ўзи бўлса ҳам, барча одамларга Худони қандай севиш кераклигини ўргатиш учун У бу дунёга Худонинг содиқ хизматкори бўлиб келган. Худди шундай Адвайтачарья ҳам оламга Кришнани англаш таълимотини тарқатиш учун келган. Демак, У ҳам содиқ хизматкор қиёфасида бу дунёга ташриф буюрган Парвардигорнинг Ўзи. Кришна Ўзини беш турли экспансияда намоён этади, Унинг Ўзи ҳам, Унинг барча ҳамроҳлари ҳам Худонинг содиқлари сифатида Шри Кришна Чайтанья, Нитйананда, Адвайтачарья, Гададхара, Шриваса ва бошқалар қиёфасида келадилар. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Чайтанья Махапрабҳу Ўзининг барча содиқ хизматкорлари учун қувват манбаи бўлиб қолаверади. Шундай экан, агар биз Кришнани англаш йўлида муваффақият қозониш учун Чайтанья Махапрабҳу паноҳи остига кириб олсак, албатта ўз мақсадимизга эришишимизга шубҳа қилмасак ҳам бўлади. Садоқат билан битилган шеърларининг бирида Бхактивинода Тхакур шундай деб ёзади: "Эй азиз Парвардигор Чайтанья, мендан Ўз марҳаматингни дариг тутма. Сендан ҳам олийҳимматроқ бирор зот йўқ. Мен сендан бунини илтимос қиламан, чунки Сен бу дунёга адашган бандаларни қутқариш учун келгансан, бутун оламда эса, мендан ҳам адашганроқ одам топилмайди. Шунинг учун Сендан менга бошқалардан кўра кўпроқ марҳамат кўрсатишингни илтимос қиламан".

"Чайтанья Чаритамрита"нинг муаллифи Вриндаванда яшаган ва Худонинг буюк содиғи эди. Шунгача у оиласи билан Бенгалиянинг Бурдван вилоятидаги Катва шаҳрида яшарди. Унинг оила аъзолари ҳам Радха-Кришнага сиғинарди, бир куни оиласида Худого садоқат билан хизмат қилиш борасида бўлиб ўтган кичкина келишмовчиликдан кейин, Кришнада Кавиражнинг тушига Нитйананда Прабҳу кириб, унга уйини

тарк этиб, Вриндаванга боришни маслаҳат берди. Жуда қариб қолганига қарамай, у Вриндаванга бориб яшаш учун шу туннинг ўзидаёқ йўлга тушди. Вриндаванда яшаган даврида у шу ердаги Госвамилар, Парвардигор Чайтаньянинг яқин шогирдлари билан танишди. Вриндаванлик содиқлар ундан "Чайтанья Чаритамрита" асарини ёзишни илтимос қилдилар. Гарчи у бу ишга жуда кексайиб қолган пайтида киришган бўлса ҳам, Парвардигор Чайтаньянинг марҳамати билан у ана шу асарни тугаллаб улгурди. Ҳозирги кунгача бу китоб Парвардигор Чайтаньянинг ҳаёти ва фалсафаси бўйича энг ишончли асар ҳисобланади.

Кришнада Кавираж Госвами Вриндаванда яшаган даврда ҳали бу ерда ҳозиргидай эҳромлар кўп эмасди. Ўша даврда уч асосий эҳром - Мадана-Мохананинг, Говиндаджининг ва Гопинатханинг эҳромлари эди. Вриндаванда яшайдиган одамлар сингари, у ҳам ана шу эҳромлардаги Илоҳларга сиғинарди. У шундай илтижо қилганди: "Мен руҳий юксалиш йўлидан жуда секин боряпман, шунинг учун Сендан ёрдам сўраб илтижо қиляпман". "Чайтанья Чаритамрита"да Кришнада Кавираж биринчи навбатда **Мадана-Мохана виграхага**, бизларга **Кришнани англаб етишда ривожланишимизга ёрдам берадиган Илоҳга** сажда қилади. Кришна онгида фаолият кўрсатиб юрган кишилар биринчи навбатда Кришнани ва Кришна билан ўзаро шахсий муносабатини англаб етиши лозим. Ана шу муносабатларни Мадана-Мохана виграхага сиғиниш жараёнида англаб етиш мумкин бўлгани учун Кришнада Кавираж биринчи навбатда Кришна билан ўзининг муносабатларини ўрнатиб олади.

Ўзаро муносабатларини тиклаб олгандан кейин Кришнада Кавираж фаол Илоҳ Говиндага сажда қилади. Говинда Вриндаванда мангу яшайди. Вриндаваннинг руҳий оламида бинолар фалсафий тошлардан тикланган, сероб сут берадиган сигирлар эса *сурабхи* деб аталади, у даргоҳда дарахтларнинг ҳаммаси - орзулар дарахти, чунки улар истаган нарсани бера оладилар. Вриндаванда Кришна *сурабхи* сигирларини боқиб юради, юзлаб, минглаб гопи, подачи қизларнинг саждаларини қабул қилади, бу қизларнинг ҳаммаси - омад фаришталаридир. Кришна моддий оламга ташриф буюрганида, худди катта лавозимдаги кишининг атрофида ҳаммиша яқин ҳамроҳлари юргани сингари, ана шу Вриндаван ҳам Кришна билан бирга руҳий оламдан бу дунёга келади. Кришна бу оламга келиши билан Вриндаван ҳам Ерга тушади, шунинг учун моддий оламда Вриндаван йўқ деб ўйламаслик керак. Шунинг учун Кришнанинг содиқлари Ҳиндистоннинг Вриндаван шаҳридан паноҳ топадилар, чунки бу Вриндаван азалий Вриндаваннинг аниқ нусхаси ҳисобланади. У ерда *калта-врикиша*, истаклар дарахти йўқ, аммо Госвамилар шу ерда яшаган пайтларда, *калта-врикиша* дарахлари бўлган. Албатта, истаган киши бу дарахтларнинг олдида бориб, ундан ўзига бирор нарса талаб қилиши мумкин эмас; инсон биринчи навбатда Худонинг содиқ хизматкори бўлиши лозим. Госвамилар ҳар куни янги дарахт соясида тунаганлар, дарахтлар уларнинг барча истакларини амалга оширган. Оддий инсонлар учун бу бир мўъжиза бўлиб кўриниши мумкин, аммо руҳий

жихатдан юксала бориш жараёнида буларнинг ҳаммаси амалга оша боради.

Аслида ҳақиқий Вриндаван фақат моддий лаззатлардан хузурланишни бутунлай тарк этган кишига очилади. "Мен ҳам ҳақиқий Вриндаванни кўра олишим учун қачон менинг ақлим моддий лаззатларга интилиш истагидан покланар экан?" - деган эди бир буюк содиқ. Биз қай даражада Кришна онгида бўлсак, руҳий юксалишда қанчалик ривожлана борсак, бутун борлиқнинг руҳий табиати бизга шунчалик кўпроқ очила боради. Шу боис Кришнада Кавираж Госвами Ҳиндистондаги Вриндаван руҳий оламдаги Вриндавандан фарқ қилмайди, деб ҳисоблайди, "Чайтанья Чаритамрита"да у Радха ва Кришнани Вриндавандаги орзулар дарахти ёнига кўйилган, қимматбаҳо тақинчоқлар билан безалган тахтиравонда ўтирган ҳолда тасвирлайди. Кришнанинг энг яқин дўстлари, подачи болалар қизлар, Радха ва Кришнага кўшиқлар куйлаб, рақсга тушиб, Уларга бетел ёнғоғи, оромбахш ичимликлар таклиф қилиб, Уларни гуллар билан безатиб хизмат қиладилар. Ҳатто ҳозирги даврда ҳам Ҳиндистонда, июль ойида одамлар тахтиравонларни безаб ана шундай манзарани яратадилар. Одатда бу пайтда одамлар Илоҳларга сажда қилиш учун Вриндаванга борадилар.

Кришнада Кавираж Госвами айтадики, Радха ва Кришнанинг муртиси бизларга Радха ва Кришнага қандай хизмат қилиш кераклигини кўрсатади. Мадана-Мохана Илоҳи инсон онгида мангу ҳақиқатни тиклайди: "Мен Сенинг мангу хизматкорингман!" **Говинда эса содиқларнинг хизматини қабул қилади**, шунинг учун бу Илоҳ "ҳаракат(амал)даги Илоҳ" деб аталади. Гопинатх Илоҳи - гопиларнинг ҳукмдори ва эгаси бўлган Кришнанинг тимсоли. У барча гопиларни, подачи қизларни Ўзининг най наволари билан жалб этиб, улар билан рақсга тушади. Буларнинг ҳаммаси "Шримад Бхагаватам"нинг Ўнинчи Кўшиғида баён этилган. Гопилар Кришнанинг болаликдаги дўстлари бўлиб, уларнинг ҳаммаси эрга чиққан, чунки Ҳиндистонда қизлар ўн икки ёшдан эрга чиқади, йигитлар эса ўн саккизга тўлгунча уйланмайдилар. Шунинг учун бу пайтда ҳали 15-16 ёшда бўлган Кришна уйланмаган эди. Шунга қарамай, У бу қизларни уйларида чакириб олиб, улар билан рақсга тушарди. Ана шу рақс *раса-лила* деб аталади ва Парвардигорнинг Вриндавандаги эрмаклари ичида энг улуғвори ҳисобланади. Шунинг учун Кришнани Гопинатха деб атайдилар, чунки У - гопиларнинг суюкли ҳукмдори.

Кришнада Кавираж Госвами Парвардигор Гопинатхадан дуои-фотиҳа сўрайди. "Ана шу Парвардигор, гопиларнинг ҳукмдори Кришна сени дуои фотиҳа қилсин! Гопинатха сизларга бахт-саодат келтирсин!" Кришна Ўзининг ширин най наволари билан гопиларни жалб қилгани сингари "Чайтанья Чаритамрита"нинг муаллифи ҳам илтижо қиладик, Кришна Ўзининг илоҳий товуш тебранишлари билан шу тарзда китобхоннинг ақлини Ўзига жалб қилсин. Мазкур китоб – "Шри Чайтанья таълимоти"ни ёзишдан мақсадимиз ҳам шу - ана шу товуш тебранишларини осон тушунадиган тилда, китобхоннинг қалбига бориб етадиган ҳолда қисқача баён қилиш.

## 1-боб. Парвардигор Чайтаньянинг Рупа Госва-мига берган насиҳатлари

Шрила Рупа Госвами, Санатана Госвамининг укаси укаси Валлабха билан бирга Прайаг(Аллахабад)га келди. Ака-укалар Парвардигор Шри Чайтанья Махапрабху шаҳарда эканини эшитиб жуда хурсанд бўлдилар ва Уни кўриш учун йўл олдилар. У пайтларда Парвардигор хар куни Биндумадхава эҳромга бир йўлдан борарди. Эҳромга борар экан Парвардигор йўл бўйи куйлаб рақсга тушиб борар, минглаб одамлар Унга эргашарди. Уларнинг баҳзилари йиғлар, баъзилари кулардилар. Бировлар Унга жўр бўлиб куйлар, баъзилари рақсга тушар, баъзилари Парвардигорга ҳурмат билдириб эрга узала йиқилардилар - уларнинг ҳаммаси баланд овозда Кришнанинг муқаддас номини такрорлардилар. Айтишларига қараганда, Прайаг Ганга ва Ямуна дарёларининг бирлашган жойида жойлашган бўлса мҳам, барибир то Чайтанья Махапрабху дунёга келиб, шаҳар Кришнага муҳаббат уммонига фарқ бўлмагунча ҳеч қирғоқдан қачон тошиб кетмаган экан.

Икки ака-ука Рупа Госвами ва Валлабха четда, одам камроқ жойда катта оломонга ва ана шу ажойиб манзарага қараб турардилар. Парвардигор рақсга тушганида қўлларини осмонга кўтарар ва баланд овозда "Харибол! Харибол!" деб қичқирарди. Атрофидаги одамлар Унинг ҳаракатларини кўриб ҳайратга тушардилар. Эҳромга кириб чиққандан кейин Парвардигор Жанубий Деканлик бир брахманнинг уйида прасад тановул қиларди. Парвардигор брахманнинг уйида пайтида Унинг олдида Шрила Рупа Госвами ва Валлабха келди. Унга яқин бормай туриб ака-укалар эрга узала тушиб, муқаддас китоблардан кўплаб санскрит матнларни зикр қилиб, сажда қилдилар. Олдида узала тушиб сажда қилган Шрила Рупа Госвамининг кўриниши Парвардигорни жуда мамнун қилди. У Шрила Рупа Госваидан ўрнидан туришни илтимос қилди, кейин унга Кришнанинг унга кўрсатган буюк марҳаматини айтди, чунки Кришна уни ҳаёт ҳақидаги фақат пулга асосланган моддий тасаввурлардан халос этди.

Парвардигор ака-укаларни худди Ўзининг содиқ хизматкорларидай қабул қилди ва муқаддас китоблардан бир мисол келтирди. Унда айтилганки, Парвардигор хатто барча тўрт Ведани мукамал ўрганган брахманни ҳам Ўзининг содиқ хизматкори деб билмаслиги мумкин, айна пайтда, Худонинг асл содиқ хизматкори энг пасткаш оиладан чиққан бўлиши ва Парвардигор уни қабул қилиши мумкин. Кейин Парвардигор ака-укаларни бағрига босди ва уларга бесабаб марҳамат кўрсатиб, уларнинг бошига оёғини кўйди. Ана шундай саодатга эришган ака-укалар Парвардигорга илтижо қилдилар. Бу илтижоларда айтилганки, Парвардигор Шри Чайтанья Махапрабху - Парвардигор Кришнанинг Ўзи, У танаси сариқ рангли Чайтанья киёфасига кирган, шу боис У Гауранга - "олтинранг" деган ном билан машхур. У - Кришнанинг энг олийҳиммат киёфасидир, чунки У одамларга Кришнага муҳаббат туйғусини тарқатади. Шрила Рупа Госвами ҳам бир шеър айтди, кейинчалик бу шеър "Говинда-лиламрита"(1,2) китобидан жой олди:

*йо "дженана-маттам бхуванам дайалуру  
уллаххайанн ати акарот праматтам*

*свапрема-сампат-судхайадбхутехам  
ири-Кришна-чаитаньям амум прападиё*

"Мен энг олий ҳимат Худо Шахси Шри Кришна Чайтанья Махапрабхунинг нилуфар қадамлари пойи олдидан бош эгаман. У адашиб ғофиллик ботқоғига ботган рухларни озодликка чиқаради ва уларга энг олий неъмат - Кришнага муҳаббат туйғусини инҳом этади, бундан улар Кришна онгига ғарқ бўлиб ақлини йўқотиб кўядилар".

Шундан кейин Валлабха Бхатта Парвардигорни Ганганинг нариги қирғоғига таклиф қилди, Парвардигор у билан бирга кетди. Ана шу вақтдан бошлаб Парвардигор қаерга борса ҳам Шрила Рупа Госвами ҳамини У билан бирга бўлди. Парвардигор одам гавжум жойларда юришни ёқтирмагани сабабли У Рупа Госваמידан Ганга қирғоғидаги Дашашвамедха-гхат деб аталадиган жойгача Унга ҳамроҳ бўлишни илтимос қилди. Ўн кун давомида Парвардигор Шрила Рупа Госвамига насиҳат қилиб, Кришна ҳақидаги Ҳақиқатни очиб берди, Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларини гапириб, Кришна билан ўзаро илоҳий муносабатларни таърифлаб берди. Кейинчалик Шрила Рупа Госвами ўзининг "Бхакти-расамрита-синдху" асарида Кришна ҳақидаги илми кенг тарқата олиши учун Парвардигор буларнинг ҳаммасини унга батафсил тушунтириб берди. Ҳақиқатан ҳам, Шрила Рупа Госвами бу ҳақда "Бхакти-расамрита-синдху" асарининг унга Парвардигорнинг кўрсатган бесабаб марҳамати таърифланган биринчи шеърда гапириб берган.

Парвардигор ҳар нарсадан хабардор ва ҳар нарсага қодир, Ўзининг бесабаб марҳамати билан У тирик мавжудотга Ўзининг марҳаматини олиш имкониятини беради. Шартланган ҳаёт домига тушиб қолгани боис одамларнинг аксарият кўпчилиги Худога садоқат билан хизмат қилишга ва Кришна онгида яшашга мойил эмаслар. Аслида, одамларнинг аксарият кўпчилигига Худонинг Олий Шахси билан ўзаро шахсий муносабатларимизни, инсон ҳаётининг ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтишдан иборат бўлган якуний мақсадни таърифлаб берадиган Кришнани англаш таълимоти нотаниш. Одамлар руҳий оламга қайтиб боришга ёрдам берадиган усул ҳақида ҳам ҳеч нарса билмайдилар. Ана шу муҳим нарсалар шартланган руҳга номаълум бўлгани сабабли Парвардигор Чайтанья Ўзининг бесабаб марҳамати билан Шрила Рупа Госвамига Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидалари ҳақида насиҳатлар қилди. Кейинчалик, Шрила Рупа Госвами барча одамларнинг бахт-саодатини ўйлаб Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги ана шу илми кенг тарқатди.

"Бхакти-расамрита-синдху"га ёзган прологда Шрила Рупа Госвами шундай дейди:

*хриди йасйа преранайа правартито "хам варака-рупо  
"ни/ тасйа харех нада-камалам ванде чаитаньяде-  
васйа* - "Мен Парвардигор Чайтаньядева номли Худонинг Олий Шахсининг нилуфар қадамлари пойи олдидан эхтиром билан сажда қиламан, чунки Ундан илҳом олганим туфайли мен қалбимда Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида бирор нарса ёзиш истагини ҳис қиляпман. Шу боис мен Худога садоқат илми ҳақидаги "Бхакти-расамрита-синдху" деб аталадиган бу китобни ёзишга киришдим".

Парвардигор Чайтанья Шрила Рупа Госвамига берган насиҳатларини шундай гаплар билан бошлайди: "Азизим Рупа, Худога садоқат билан хизмат қилиш илми худди катта уммонга ўхшайди, сенга унинг бутун кенглиги ва чуқурлигини таърифлаб беришнинг умуман иложи йўқ. Аммо, Мен ундан фақат бир томчигина олиб, сенга бу уммоннинг табиатини тушунтириб беришга ҳаракат қиламан. Шунда сен унинг таъминини ҳис қилишинг ва Худога садоқат билан хизмат қилиш уммони аслида нима эканини тушуна олишинг мумкин".

Кейин Парвардигор тушунтирдикки, мана шу *Брахман*, коинот ичида сон-саноксиз тирик мавжудотлар жойлашган бўлиб улар ўзларининг кармали фаолияти туфайли, ҳаётнинг бир туридан иккинчи турига, бир сайёрадан иккинчи сайёрага кўчиб юрадилар. Шундай қилиб, уларнинг моддий тирикчилик зиндонидеги ҳаёти қадим замонлардан бери давом этиб келяпти. Аслида, атомар ўлчамли тирик мавжудотлар олий рухнинг таркибий қисмларидир. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, алоҳида рухнинг узун ва эни тахминан соч толаси учининг ўн мингдан бир бўлагига тенг. Бошқача қилиб айтганда, у шунчалик кичкинаки, уни кўз билан кўришнинг иложи йўқ. "Шветашватара Упанишад" ҳам буни тасдиқлайди. "Шримад Бхагаватам"нинг Ўнинчи Кўшиғида тўрт Кумардан биттаси, Санандана буюк қурбонлик маросими бошланишидан олдин шундай дейди: "Эй Олий Ҳақиқат! Агар тирик мавжудотлар Олий Рухнинг чексиз кичик зарралари бўлмаса, ҳар бир кичик зарра ҳамма жойга сингиб кетадиган ва уни назорат қилишнинг иложи бўлмаган бўларди. Аммо, агар тирик мавжудотни Парвардигорнинг кичкина таркибий қисми деб қабул қилсак, у ўздан ўзи олий куч ёки қувватнинг назорати остида бўлиб қолади. Мана шу ҳолат унинг табиий ҳолати, агар у ана шу ҳолатда қолса, тўла эркинликка эриша олади"(шб.10.87.30). Агар инсон адашиб ўзини Худонинг Олий Шахси билан бир хил поғонада турган зот деб ҳисобласа, демак у зиддиятсизлик назарияси билан захарланган ва шу боис, илоҳий ҳаёт соҳасидаги уринишлари унга муваффақият келтирмайди.

Парвардигор Чайтанья "Шримад Бхагаватам"нинг ана шу насиҳатини батафсил тушунтириб айтганки, тирик мавжудотлар икки тоифа бўлади - **мангу озод** ва **мангу шартланган**. Мангу шартланган тирик мавжудотлар ҳам икки турга бўлинади - **қўзғалувчан** ва **қўзғалмас**. Қўзғалишга қодир бўлмаган тирик мавжудотлар, масалан, дарахтлар, ҳамини бир жойда турадилар ва қўзғалмас тирик мавжудотлар тоифасига киради. Қушлар ва ҳайвонлар сингари ҳаракатлана оладиган тирик мавжудотлар *жангама* - қўзғалувчан тирик мавжудотлар деб аталади. Улар ҳам ўз навбатида уч тоифага бўлинади: **осмонда учадиган**, **сувда** сузадиган ва **қуруқликда** юрадиган. Қуруқликда яшайдиган миллион ва триллионлаб тирик мавжудотлар ичида одамлар жуда озчиликни ташкил этадилар. Ана шу оз сонли одамларнинг аксарият кўпчилиги руҳий ҳаёт ҳақида ҳеч нарса билмайдилар, нопок, бемаъни одатлари кўп, Худонинг Олий Шахсининг борлигига ишонмайдиган одамлар. Бошқача қилиб айтганда, одамларнинг аксарият қисми ҳаётда ҳайвонларга ўхшаб яшайдилар. Ҳаётнинг маданийлашган, яъни ҳақиқий инсоний қадриятларга асосланиб яшайдиган одамлар сонини кўриб шундай хулосага келиш мумкин. Ҳозирги кунда

одамлар орасидан муқаддас китобларга, Худонинг борлигига ишонадиган ва шунга асосланиб яшайдиган бир неча кишини топиш ҳам амри маҳол. Ана шу кадрятларнинг муҳимлигига ишонадиган кишилар арийлар деб аталади. Бу ибора руҳий юксалишга ишонадиган одамларни билдиради. Муқаддас китобларнинг каддини ва инсоният маданиятининг ривожланишини тушунадиган одамлар икки тоифага бўлинади - такводорлар ва такводор эмаслар. Такводор инсонлар одатда ўзларининг сезгиларини лаззатлантириш йўлида бирор яхши натижаларга эришиш учун фойдали кармали фаолият билан шуғулланадилар. Ўз нафсини қондириш учун такводорлик фаолияти билан шуғулланиб юрган кўплаб одамлар орасидан фақат биргина киши Мутлақ Ҳақиқат англаб етади. Шундай кишилар джнани(ғйани), эмпирик файласуфлар деб аталади. Ана шундай юзлаб ва минглаб эмпирик файласуфлар орасидан камдан кам одам ҳақиқатан ҳам руҳий озодликка эришади. Руҳий озодликка эришгандан кейин инсон назарий жиҳатдан аслида тирик мавжудот моддий унсурлардан таркиб топмаганини, балки у моддадан бутунлай фарқ қиладиган рух, жон эканини тушуниб етади. Руҳий озодликка эришган зот деб аталиш учун кишига ана шу ҳақиқатни назарий жиҳатдан тушуниб етишнинг ўзи кифоя, лекин, аслида *мукта* - озодликка чиққан рух - ўзининг асл ҳолати Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини тушуниб етган инсондир. Ана шундай озод руҳлар чуқур имон ва садоқат билан Худога садоқат билан хизмат қиладилар ва улар *кришна-бхакти*, яъни Кришнани англаб етган ёки Кришна онгидаги кишилар деб аталадилар.

*Кришна-бхакти* ҳар қандай моддий истаклардан пок инсонлардир. Тирик мавжудот моддий табиатга эга эмаслиги ҳақидаги илмни эгаллаб, назарий жиҳатдан озодликка эришган кишилар расмий равишда озодликка эришган зотлар деб аталсалар ҳам, уларда ҳали қандайдир моддий истаклар бўлиши мумкин. Уларнинг асосий истаги - Худонинг Олий Шахси билан бир бўлиш. Одатда шундай одамлар ўзларининг моддий фаровонликдан лаззатланиб яшаш мақсадида бажариб юрган ведавий урф-одатларга ва савоб ишларга қаттиқ боғланиб қолган бўладилар. Уларнинг баъзилари ҳатто моддий лаззатлардан юқори сатҳга кўтарилсалар ҳам барибир Парвардигорнинг борлигига кўшилиб, руҳий оламдан лаззатланишга бўлган интилишни тарк этолмайдилар. Уларнинг баъзилар сеҳрли йога билан шуғулланиб, қандайдир мўъжизавий сеҳр кучига эга бўлишга интиладилар. Токи инсон қалбида шунга ўхшаган истаклар сақланиб қолар экан, у Худога соф садоқат билан хизмат қилишнинг табиатини тушуна олмайди. Ҳамиша ана шундай истакларга интилиб юрган киши ҳеч қачон хотиржам, осойишта ҳолатга эриша олмайди. Токи инсон қалбида тарикча бўлса ҳам моддий баркамолликка эришиш истаги бор экан, у осойишталикка эриша олмайди. Кришнанинг содиқлари ҳеч қандай моддий истакларга интилмагани сабабли, улар бу дунёдаги ҳақиқий осойишталик нима эканини биладиган ягона инсонлардир. Бу "Шримад Бхагаватам"да шундай тасдиқланади:

*муктанам апи сиддханам нарайана-парайанах  
судурлабхах пращантатма котивш апи махамуне*  
**"Эй буюк донишманд, озодликка эришган ёки сеҳрли йогада муваффақият қозонган миллионлаб**

**одамлар ичида ўзини Худонинг Олий Шахсига бутунлай топширган ва тўла осойишталикка эришган кишини учратиш жуда қийин".**

Шу тарзда Парвардигор Чайтанья тушунтириб бердики, бу дунёда адашиб юрган кўп минг-миллионлаб одамлар орасида Парвардигор Кришнанинг ва руҳий устознинг марҳамати билан Худога садоқат билан хизмат қилиш имкониятига эга бўлган нодир бахт эгалари жуда ва жуда кам учрайди. Такводор, яъни диндор одамлар одатда турли эҳромларда Илоҳларга сиғинадилар, аммо, агар тасодифан, ҳатто ўзлари билмаган ҳолда улар Парвардигор Вишну олдида сажда қилсалар ёки бирор ваишнавининг, Худонинг содиқ хизматкорининг марҳаматига эришсалар, шунда улар Худонинг Олий Шахсига яқинлашиш имкониятини берадиган бебаҳо неъматни қўлга киритган бўладилар. Бу "Шримад Бхагаватам"да баён этилган буюк донишманд Нарада Мунининг ҳаёти мисолида яққол кўриниб турибди. Ўзининг аввалги ҳаётида ваишнавларга хизмат қилгани шарофати билан Нарада Муни Худонинг содиқларининг марҳаматига эришиб, буюк донишманд ва Худонинг содиқ хизматкори бўлиб етишди. Бунинг устига, у барча донишмандлар ичида энг буюги ҳисобланади.

Ваишнавлар, яъни Худонинг содиқлари одатда шартланган руҳларга жуда меҳрибон ва ҳамдард бўладилар. Ҳеч кимнинг таклиф қилишини кутиб ўтирмасдан Худонинг содиқ хизматкори одамларга илм ўргатиш ва уларни ғофиллик зулматидан чиқариш учун эшикма-эшик юриб, уларнинг қалбига **тирик мавжудот асл табиатига кўра Парвардигор Кришнанинг мангу хизматкори** экани ҳақидаги илмни жойлаб юради. Ана шундай содиқларга Парвардигорнинг Ўзи одамлар орасида Худони англаш илмини, яъни Кришна онгини тарқатишга ваколат берган бўлади. Улар одатда Парвардигорнинг ваколатини олган руҳий устозлар сифатида маълум бўлиб, фақат уларнинг марҳамати билан шартланган тирик мавжудот Худога садоқат билан хизмат қилиш уруғини олиш имкониятига эга бўлади. Инсон биринчи марта Парвардигорнинг бесабаб марҳамати нима эканини шартланган руҳни Худога садоқат билан яшашнинг олий поғонасига кўтара оладиган ҳақиқий руҳий устоз билан учрашганида билиб олади. Шунинг учун Парвардигор Чайтанья айтадики, руҳий устознинг марҳамати билан Парвардигорнинг бесабаб марҳамати, Худонинг Олий Шахсининг марҳамати билан эса, ҳақиқий руҳий устознинг марҳаматига эришиши мумкин.

Шундай қилиб, руҳий устознинг ҳамда Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан инсон Худога садоқат билан хизмат қилиш уруғини олади. У энди ана шу уруғни худди боғбон нодир дарахт уруғини ерга қадагани сингари, ўзининг қалби ўтказиши керак бўлади. Ана шу уруғни ўрнатиб, инсон Парвардигорнинг муқаддас номини такрорлаш ва тинглаш ёки Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини Худонинг асл содиқлари даврасида муҳокама қилиш орқали уни озиклантириб туриши лозим. Садоқат уруғи ниш ура бошлаганида нав-ниҳол эркин ўсиб ривожлана бошлайди. Худога садоқат билан хизмат қилиш ниҳоли тўлиқ ривожлана бошлаганда у коинотнинг бўйига ҳам, энига ҳам айланиб ўтиб, ҳамма нарса *брахмажйоти* нурига ботган илоҳий осмонга кириб боради. Нав-ниҳол ҳатто

брахмажйотидан ҳам ўтиб, аста-секин Голока Вриндаван деб аталадиган сайёрага етиб боради. Ана шу жойда садоқат ниҳоли Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топади. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг якуний мақсади ана шундан иборат. Ана шундай ҳолатга етганда нав-ниҳол “Худога муҳаббат” деб аталадиган мева бера бошлайди. Аммо содиқ, илоҳий боғбон, ана шу ниҳолни ҳар куни Худонинг муқаддас номларини такрорлаш ва тинглаш билан озиклантириб туриши лозим. Агар ниҳолга такрорлаш ва тинглаш суви қуйилмай қолса, у қуриб қолиши мумкин.

Парвардигор Чайтанья Шрила Рупа Госвамини огоҳлантириб айтганки, Худога садоқат ниҳолининг иллизини озиклантириш жараёнида инсон маълум бир хавф-хатарларга дуч келиши мумкин. Ниҳол озгина қад кўтарганида баъзи бир ҳайвонлар келиб уни янчиб ёки еб кетиши мумкин. Агар ниҳолни бирор ҳайвон босқилаб ёки шоха, барглари еб кетса, одатда у қуриб қолади. Ҳайвонлар орасида энг ёмони қутурган фил ҳисобланади, чунки агар қутурган фил бокқа кириб қолса, у ўсимлик ва дарахтларга жуда катта зарар етказди. Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорини ҳақорат қилиш *ваишнава-апарадха* деб аталади ва у қутурган филга қиёсланади. Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқ хизматкорни ҳақорат қилиш инсон қалбини вайрон қилади. Шунинг учун содиқларни ҳақорат қилишдан жуда эҳтиёт бўлиб ва диққат билан парваришлаб *бхакти* ниҳолини эҳтиётлик билан авайлаб-асраш керак. Агар инсон эҳтиёткор бўлса, Худога садоқат ниҳоли бемалол ривожлана олади.

Муқаддас ном зикр қилганда унга нисбатан ҳақорат ҳисобланадиган ўн турли ҳақорат бор. Биринчиси - Худонинг муқаддас номлари шухратини бутун жаҳонга тарқатишга уриниб юрган Худонинг буюк содиқ хизматкорини хафа қилиш. Муқаддас ном Кришнанинг Ўзидан фарқ қилмайди, шу боис муқаддас номни бутун жаҳонга тарқатишга интилиб юрган киши Парвардигор учун жуда азиз. Парвардигор Кришна Ўзининг асл содиқ хизматкорини ҳақорат қилган кишини кечирмайди. Иккинчиси - Парвардигор Вишнунинг Мутлақ Ҳақиқат эканини инкор этиш. Парвардигорнинг номи, сифатлари, қиёфаси, эрмак ва кароматлари бир-биридан фарқ қилмайди, уларни бир-биридан ажратадиган киши муқаддас номга нисбатан ҳақорат содир қилган бўлади. Парвардигор ягона Худо, Унга тенг келадиган ёки Ундан устун турадиган бошқа бирор Зот мавжуд эмас. Демак, агар инсон Парвардигорнинг номи фаришталарнинг номидан фарқ қилмайди, деб ўйласа, у муқаддас номга нисбатан ҳақорат содир қилган бўлади. Ҳеч қачон ягона Парвардигорни фаришталарга тенгламаслик керак.

Учинчи ҳақорат - ҳақиқий руҳий устозни оддий инсон деб ҳисоблаш. Тўртинчиси - ведавий муқаддас китобларни ва Пураналар сингари ишончли битикларни инкор этиш. Бешинчиси - Парвардигорнинг муқаддас номларига хос бўлган шон-шухратни муболаға деб ҳисоблаш. Олтинчиси - Худонинг муқаддас номлари ҳақида сохта таълимотлар яратиш. Еттинчиси - Худонинг муқаддас номларини зикр қилишнинг поклаш қудратига ишонган ҳолда онгли равишда гуноҳ ишлар қилиш. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш

инсонни аввал қилган гуноҳлари оқибатидан халос этади, лекин бу, зикр қилишнинг поклаш қудратига ишониб бемалол гуноҳ ишлар қилишда давом этавериш керак, дегани эмас. Саккизинчиси - диний урф-одат ва удумларни, риёзат ва қурбонлик маросимларини ва таркидунёликнинг бошқа турларини Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш билан бир, деб ҳисоблаш. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш - Худонинг Олий Шаҳси билан бевосита мулоқот қилиш демакдир. Бошқа барча диний удум ва савоб ишлар эса, шунчаки инсоннинг Худонинг Олий Шаҳсига яқинлашишига ёрдам берадиган амаллар ҳисобланади, инсон уларни бирор моддий манфаат кўзлаб ҳам амалга ошириши мумкин. Тўққизинчиси - муқаддас номнинг шухрати ҳақида Худо билан қизиқмайдиган имонсиз одамларга гапириш. Охирги, ўнинчи ҳақорат - Худонинг муқаддас номларини такрорлаб ва тинглаб юриб ҳам ўзининг моддий боғланишларини тарк этмаслик. Бунинг маъноси шундан иборатки, Худонинг муқаддас номларини ҳақоратларсиз зикр қилиш орқали инсон руҳий озодликка эришади. Озодликка эришиш поғонасида инсон ҳар қандай моддий боғланишлардан озод бўлади. Демак, агар инсон Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрган бўлса-ю, лекин барибир унинг қалбида моддий боғланишлар сақланиб қолган бўлса, демак, у қандайдир ҳақоратлар содир қилаётган бўлади.

Худога садоқат ниҳолининг нормал ўсиб ривожланишига тўсқинлик қиладиган бошқа сабаблар ҳам бор. Бу ниҳол билан бирга инсон қалбида моддий истаклар ниҳоли ҳам ўсиб ривожланади. Инсон қалбида *бхакти* ривожлана бошлаганида табиий равишда унинг олдига жуда кўп одамлар ундан шогирдликка олишни илтимос қилиб келадилар ва албатта улар унга қандайдир моддий фойда келтирадилар. Агар инсон кўплаб шогирдларига ва уларнинг ўзи учун яратиб бераётган қулай шароитларига боғланиб қолса ва бунинг натижасида ўзининг ҳақиқий руҳий устозлик вазифаларини эсдан чиқарса, бу албатта унинг қалбида *бхакти* ниҳолининг ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунчаки моддий қулайликлардан роҳатланиб яшаш билан инсон ўзининг қалбида ана шу моддий қулайликлардан лаззатланишга мойиллик туйғусини ривожлантиради.

Озодликка интилиш истаги ҳам *бхакти* ниҳоли учун зарарли ҳисобланади. Содиқ хизматкор исташи лозим бўлган ягона истак фақат хизмат қилиш истаги бўлиши лозим. Шунингдек, баъзи амалларни таъқиқловчи ва чекловчи қонун-қоидаларга риоя қилмаслик ҳам зарарли. Ишончли муқаддас китобларда куйидаги таъқиқлар келтирилган: ноқонуний жинсий алоқа қилиш, маст қилувчи нарсалар ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш, қимор ўйнаш. Худога садоқат билан хизмат қилишга интилиб юрган кишиларга мана шундай ишлар билан шуғулланиш таъқиқланган. Агар инсон ана шу қоидаларга қатъий риоя қилиб юрмаса, улар Худога садоқат билан хизмат қилишда катта хатоларга олиб келиши мумкин.

Ҳатто Худога садоқат ниҳоли озиклантириб турилган бўлса ҳам, озгина эҳтиётсизлик бўлса, унинг ёнида кераксиз ёввойи ниҳоллар ўсиб, *бхактининг* ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Бу ерда шу назарда тутилганки, агар *бхакти* ниҳоли ўсаётган боғ яхши озиклантирилса, ундаги керакли ўсимликлар би-

лан бирга кераксиз ниҳоллар ҳам жадал ривожлана бошлайди. Агар боғбон ана шу зарарли ўсимликларни кўриб, вақтида уларни йўқотиб турмаса, улар садоқат ниҳолини бўғиб, ривожлантирмай қўйишлари мумкин. Лекин, агар инсон диққат билан ана шу кераксиз ўсимликларнинг ўсиб, илдиз отишига йўл қўймай юрган бўлса, садоқат ниҳоли барқ уриб ривожланади ва якуний мақсадгача - Голока Вриндаванга етиб боради. Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган тирик мавжудот қалбида Худога муҳаббат мевасининг таъмини ҳис қилгандан кейин ҳар қандай диний урф-одатларга, шунингдек, ўзининг иктисодий аҳволини яхшилашга умуман қизиқмай қўяди. Унда ўзининг сезгиларининг талабини қондириш истаги ҳам, Браҳмажйотига кириб Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетиш истаги ҳам йўқолиб кетади.

Рухий илмнинг ва илоҳий лаззатнинг кўплаб хилма-хил поғоналари бор. Ведаларда тавсия қилинган қурбонлик маросимлари, риёзат, савоб ишлар қилиш ва сеҳрли йога билан шуғулланиш бир хил поғонада турган амаллардир. Буларнинг ҳаммаси инсонни ҳар хил натижалар билан мукофотлайди, ана шу мукофотлар инсон учун фақат токи у Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилгунча жозибали, мафтункор бўлиб кўриниши мумкин. Худога муҳаббат туйғуси мудроқ ҳолда ҳар бир инсон қалбида мавжуд, худди илон чаққанда ҳушидан кетган кишини нашатир спирти ҳидлатиш билан ҳушига келтириш мумкин бўлгани сингари, Худога муҳаббат туйғусини фақат Худога соф садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида уйғотиш мумкин.

Кейин Парвардигор Чайтанья Шрила Рупа Госвамига Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнини ва унинг аломатларини таърифлай бошлайди. У тушунтирадики, Худога садоқат билан хизмат қилишда Кришнани англаш йўлида юксалишдан бошқа бирор истақ бўлиши мумкин эмас. Кришна онгида қандайдир фаришталарга ёки Кришнанинг бошқа қиёфаларига сиғинишга ҳам, эмпирик фалсафий сафсаларга ҳам, кармали фаолиятга ҳам ўрин йўқ. Худонинг содиқ хизматкори мана шу иллатларнинг ҳаммасидан озод бўлиши лозим. У фақат танасини жон сақлаб туриш учунгина зарур бўлган нарсаларни қабул қилиши, тананинг эҳтиёжларини қучайтиришга олиб келадиган нарсаларнинг ҳаммасидан воз кечиши лозим. Фақат танани нормал ҳолатда сақлаб туриш учун энг зарур нарсалар билан қаноатланиб яшаш керак. Тананинг барча эҳтиёжларини иложи борича қамайтириб, инсон ўз умрининг катта қисмидан Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ёрдамида қалбида Кришна онгини ривожлантириш йўлида фойдаланиши мумкин. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш тананинг барча сезгилари Худога хизмат қилиш билан машғул бўлишини билдиради. Ҳозир бизнинг барча сезгиларимиз шартланган, чунки бизнинг танамиз шартланган. Шу боис биз танамизни маълум бир жамиятга, миллатга ёки оилага мансуб деб ҳисоблаймиз. Шундай қилиб, танамиз кўплаб атамаларга боғланиб қолади. Сезгиларимиз тананики бўлгани туфайли, танамиз шу тарзда шартланганида уники бўлган сезгилар ҳам шартланиб қолади. Бу шунга олиб келадик, сезгиларимиз оила, жамият, миллат ва шу каби нарсаларнинг манфаатини кўзлайдиган ишлар билан машғул бўлади. Шу тарзда

машғул бўлиб юрган сезгилар бизга Кришнани англашда ёрдам бера олмайди. Сезгилар покланиши лозим, бунга фақат инсон ўзи ҳам, унинг ҳаёти ҳам аслида Кришнаники эканини охиригача тушуниб етганда эришиш мумкин. Худонинг содиқ хизматкори ўз табиатига кўра Кришнанинг мангу хизматкори эканини тушуниб етиши лозим. Шундай қилиб, у ўз сезгиларини Худога хизмат қилишда машғул қилиши мумкин, ана шу Худога соф садоқат билан хизмат қилиш деб аталади.

Асл содиқ илоҳий муҳаббат билан Худога хизмат қилишни қабул қилади, лекин озодликнинг шахсий лаззат келтирадиган барча турларини инкор этади. "Шримад Бхагаватам"(3.29.11-13)да Парвардигор Капила тушунтирадики, содиқ хизматкор ҳар кимнинг юрагидан жой олган Худонинг Олий Шахсининг улуғворлиги ва илоҳий сифатлари ҳақида эшитган заҳоти, худди Ганга сувлари ҳамиша денгизга интилгани сингари, унинг ақли ҳам дарров Парвардигорга интилади. Ана шундай, Худонинг Олий Шахсига хизмат қилишга ўздан-ўзи юзага келадиган боғланиш туйғуси - Худога соф садоқат билан хизмат қилишда энг муҳим ҳисобланади. Инсон Парвардигорга ҳеч қандай шахсий манфаат кўзламасдан, ҳар қандай тўсиқларга эътибор бермасдан хизмат қила бошлаганида Худога садоқат билан хизмат қилиш соф садоқат поғонасига кўтарилади. Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорида Парвардигор билан бир сайёрада яшаш истаги ҳам, Парвардигор эга бўлган бойликларга эга бўлиш истаги ҳам, Парвардигорники сингари илоҳий қиёфага эга бўлиш истаги ҳам, Парвардигор билан ҳамиша ёнма-ён яшаш истаги ҳам, Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетиш истаги ҳам йўқ. Агар содиқ хизматкорга ана шу мукофотларни ҳатто Парвардигорнинг Ўзи таклиф қилса ҳам, у бу мукофотларни рад этган бўларди. Гап шундаки, содиқ хизматкор Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга шунчалик ғарқ бўлиб кетганки, унинг қандайдир манфаат ҳақида ўйлаб ўтиришга умуман вақти йўқ. У фақат ўзининг Худога садоқат билан хизмат қилишдаги бевосита вазифалари ҳақида ўйлайди. Худди оддий дунёвий бизнесмен бирор иш билан машғул бўлганида ўзининг ишидан бошқа нарса ҳақида ўйлаб олмасини сингари, Худога хизмат қилишда банд бўлиб юрган содиқ хизматкор ҳам ўзининг вазифаларидан бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйламайди.

Инсон Худога бевосита қилаётган хизматига шундай ғарқ бўлиб юрган бўлса, у бхактининг энг олий поғонасида турган бўлади. Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишнинг ана шундай биргина ўзи билан майанинг таъсирини енгил ва Худога бўлган соф муҳаббатнинг ширин таъмини ҳис қилиш мумкин. Токи инсон алданишга маҳкум этадиган икки ялмоғиз ҳисобланадиган моддий бойликка ёки озодликка чиқишга интилар экан, у Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишнинг ширин таъмини ҳис қила олмайди.

Худога садоқат билан хизмат қилишнинг уч босқичи бор. Биринчи босқич - Худога садоқат билан хизмат қилишни тиклаш, юксалтириш, иккинчи босқич - хизмат қилиш, учинчи босқич - Худога муҳаббатга эришиш. Худога садоқат билан хизмат қилишни ривожлантиришнинг тўққиз турли усули бор - тинглаш,

такрорлаш, эслаш ва хоказо - бу усулларнинг ҳаммаси биринчи босқичда қўлланилади. Агар инсон чуқур имон ва садоқат билан Худонинг муқаддас номларини такрорлаб ва зикр қилиб юрса, у аста-секин ўзининг барча моддий шубҳаю-гумонларидан халос бўлади. Унинг имони ва Худого садоқат билан хизмат қилиши юксала борган сари унда руҳий баркамолликнинг олий поғонаси ҳақиқатан ҳам мавжудлигига шубҳа қолмайди. Шу тариқа у Худого садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам туриб олади, унинг Худого садоқат билан хизмат қилишга ихлоси ортади, унга боғланиш ҳамда жазавали лаззат ҳолатлари пайдо бўлади. Ана шундай жазавали лаззатлар Худого муҳаббат уйғонишининг бошланғич поғоналарида кузатилади. Инсон Худого садоқат билан хизмат қилиш орқали ана шундай ҳолатга эришади. Агар содиқ Худонинг муқаддас номларини тинглаш ва такрорлашда давом этаверса, унинг бу жараёнга боғланиши кучаяди, ана шу боғланиш Худого муҳаббат деб аталади.

Учинчи поғонага, Худого илоҳий муҳаббат поғонасига кўтарилгандан кейин юксалишда давом этиб, илоҳий ошиқлик, илоҳий лаззатлар, илоҳий жазавали ва кучли, қаттиқ боғланиш деб аталадиган босқичларга кўтарилади. Ана шу ҳолатлар махсус терминлар билан ифодаланади: *рага*, *анурага*, *бхава* ва *махабхава*. Худого муҳаббат туйғусининг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишини шакар шарбатининг куюлишига ўхшатиш мумкин. Биринчи босқичда шакар шарбати сувдай суяқ бўлади. Буғланиш жараёнида у тобора қуюқлашиб боради ва "патока"га айланади. Кейин у кристаллашиб шакарга ва сўроққандга айланади. Худди шакар шарбати ўзгариб бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтгани сингари, Парвардигорга бўлган илоҳий муҳаббат туйғуси ҳам босқичма-босқич ривожланиб боради.

Инсон ҳақиқатан ҳам илоҳий поғонага эришганида у ўзгармас қатъиятга эга бўлади. Токи у ана шундай поғонага кўтарилмагунча унинг ҳолати етарлича мустаҳкам бўлмаслиги, шу боис у бу ҳолатини йўқотиши мумкин. Инсон ҳақиқатан ҳам илоҳий поғонага кўтарилганда у адашишдан кўрқмаса ҳам бўлади. Ана шундай поғона учун махсус ибора ишлатилади - *стхайи-бхава*. Лекин, ҳатто бундан ҳам юқори бўлган илоҳий поғоналар бор, улар *вибхава*, *анубхава*, *сатвика* ва *вйабхичари* деб аталдилар. Инсон руҳий юксалишда фақат ана шу поғоналарга кўтарилгандан кейин Парвардигор билан *раса* алмашиш, яъни Парвардигор билан ўзаро муносабатда бўлиб, илоҳий фаолият билан шуғулланиш бошланади. Севган(ошиқ) ва севилган(маъшук)лар орасидаги ана шундай ишқий муносабатлар *Кришна-бхакти-раса* деб аталади. Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида айтилганидек, илоҳий муҳаббатга асосланган муносабатлар ишончли мустаҳкам асос стхайи-бхава ҳолатига таянган ҳолда ўрнатилади. Вибхаванинг асосий қондаси - стхайи-бхава, бошқа ҳар қандай фаолият эса, илоҳий муҳаббатни ривожлантириш учун ёрдамчи вазифани бажаради.

Жазавали илоҳий муҳаббат икки таркибий қисмдан иборат - вазият ва муҳаббатнинг юзага келиш сабаби. Вазият ҳам икки қисмга бўлинади - восита ва мақсад. Ўзаро садоқат билан хизмат алмашиш - восита, Кришна эса - мақсад. Илоҳий сифатлар - муҳаббатни

юзага келтирувчи сабаблар. Демак, Кришнанинг илоҳий сифатлари содиқни Унга хизмат қилишга ундайди.

Импресоналист-файласуф(майвади)лар Мутлақ Ҳақиқат алоҳида, ортиқча сифатларга эга эмас(ниргуна), деб айтадилар, файласуф-вайшнавларнинг фикрига кўра Мутлақ Ҳақиқат моддий сифатларга эга бўлмагани учун ниргуна(сифатларга эга эмас) деб аталади. Лекин бу Парвардигор илоҳий сифатларга эга эмас дегани эмас. Аксинча, Парвардигорнинг илоҳий сифатлари шунчалик кўп ва ажойибки, улар ҳатто озодликка чиққан зотларни ҳам ўзига махлиё қилади. Бу ҳақиқат "Шримад Бҳагаватам"нинг атмарама-шлокасида тушунтирилади. Унда айтилганки, ҳатто руҳий ўзлигини англаб етган зотлар ҳам Кришнанинг ҳаммани ўзига жалб этувчи ажойиб сифатларига махлиё бўлиб қоладилар. Бу эса, Кришнанинг сифатларимоддий эмас, балки соф ва илоҳий табиатга эга.

Жазавали лаззат ҳолатининг энг олий кўриниши фаолиятнинг қуйидаги 13 шаклида намоён бўлиши мумкин: 1) рақс, 2) ерда юмалаш, 3) куйлаш, 4) қарсақ чалиш, 5) танадаги тукларнинг хурпайиши, 6) қийқириқлар, 7) эснаш, 8) чуқур хўрсинишлар, 9) ижтимоий шароитларга умуман эътибор бермаслик, 10) сўлак оқиши, 11) кулги, 12) узлуксиз оғрикнинг пайдо бўлиши, 13) йўтал. Бу аломатларнинг ҳаммаси бирданга уйғонмайди; улар Парвардигор билан илоҳий муносабатларга мос равишда намоён бўлади. Баъзан ана шу илоҳий белгиларнинг қайсидир бири намоён бўлиши мумкин, баъзида эса - бошқаси.

Илоҳий расалар, яъни муносабатларни беш турга бўлиш мумкин. Бошланғич ҳолат шанта-рати деб аталади. Бу поғонада турган, моддий иллатлардан пок киши Худонинг Олий Шахсининг улуғворлигини англаб етади. Аслини олганда, ана шу поғонага эришган киши ҳали Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилмайди, чунки бу ҳали султ босқич ҳисобланади. Дасйа-раса деб аталадиган иккинчи поғонада тирик мавжудот ўзининг табиий ҳолатига кўра ҳамиша Парвардигорнинг ҳукми остида деб ҳисоблайди ва ҳамиша Худонинг Олий Шахсининг бесабаб марҳаматига қарам эканини тушунади. Айни пайтда унда табиий боғланиш юзага келади, бу боғланиш туйғусини худди ўсиб улғайган бола отасининг олдида қанчалик қарздор эканини тушуна бошлагандан кейин отасига боғланиб қолишига ўхшатиш мумкин. Бу поғонада тирик мавжудот майа, алданишга хизмат қилгандан кўра Парвардигорга хизмат қилишни истайди. Сакхйа-рати деб аталадиган учинчи поғонада инсон қалбида илоҳий муҳаббат ривожлана бошлайди, шунда инсон Парвардигор билан Унга нисбатан тенг миқдорда ҳам муҳаббат, ҳам ҳурмат ҳис қилиб ўзаро тенг муносабат ўрнатади. Ўзаро муносабатларнинг бу босқичи тобора ривожлана бориб, уларнинг ўзаро муносабатларида ҳазил-мутойиба ва кулги сингари ҳолатлар пайдо бўлади. Парвардигор билан оға-иниларга хос бўлган бундай ўзаро яқин муносабатларда инсон ўзини ҳар қандай дунёвий ришта(чеклаш)лардан эркин ҳисоблайди. Бунда у тирик мавжудот бўлган ҳолда Парвардигорга қарам ҳолатда эканини бутунлай унутиб юборади, аммо айни пайтда у қалбида Парвардигорга нисбатан чуқур ҳурмат-эҳтиром ҳис қилади.



Ватсалия-рати деб аталадиган тўртинчи поғонада аввалги поғонада юзага келган оға-иниларга хос муносабатлар энди ота-оналарникига ўхшаган муҳаббатга айланади. Ана шунда тирик мавжудот Парвардигорнинг отаси ёки онаси бўлишга интилади. Парвардигорга сиғиниш ўрнига тирик мавжудот худди Парвардигорнинг отаси ёки онаси сингари Худош Шахси сиғинадиган зотга айланади. Бу поғонада Парвардигор Ўзининг асл содиқ хизматкорига қарам бўлиб қолади ва Уни парваришлаши учун Ўзини бутунлай асл содиқ хизматкори ҳукмига топшириб қўяди. Ана шу поғонага кўтарилган содиқ хизматкор Парвардигорни кучоклаши, ҳатто Унинг бошидан ўпиши мумкин. Мадхура-рати деб аталадиган бешинчи поғонада ошиқлар орасида ҳақиқий ишқий муносабатлар бошланади. Бу поғонада Кришна ва Враджалик подачи қизлар бир бирларига худди кўзлари билан ютиб юборгудай бўлиб қарардилар, чунки бу поғонада ўзаро муҳаббат тўла нигоҳ алмашишлар, кўз ўйнатишлар, ширин сўзлар, мафтункор табассум алмашишлар бўлади.

Ана шу асосий раса, яъни ўзаро муносабатлардан ташқари яна иккинчи даражали етти хил муносабатлар бор: кулги, ғаройиб кўринишлар, ўзаро олижаноб муносабатлар, ачиниш, ғазабланиш, даҳшатга тушиш ва бутунлай тушкунликка тушиш. Масалан, Бхишманинг Кришна билан муносабатлари - икки жангчининг олижаноблик расасидаги муносабатлардир. Хиранякашипу ўзида даҳшат ва бутунлай тушкунликка тушиш расасини ҳис қилган. Биринчи беш раса Худонинг асл содиқ хизматкорининг қалбида ҳамиша мавжуд бўлади, иккинчи даражали етти раса эса, асосий расаларнинг маънаси ва лаззатини кучайтириш учун гоҳида пайдо бўлиб, гоҳида ғойиб бўлиб туради. Биринчи расаларни кучайтириб, бойитгандан кейин улар ғойиб бўладилар.

Шанта-бхакта, Парвардигор билан ўзаро сушт муносабатда бўлган содиқларга Кави, Хави, Антарикша, Прабуддха, Пиппалайана, Авирхотра, Дравида деган етти йог ёки Друмила, Чамаса ва Карабхаджана сингари донишмандлар мисол бўлиши мумкин. Тўрт Кумар (Санак, Санандана, Санаткумара ва Санатана) ҳам ана шу поғонага мисол бўлади. Иккинчи поғонада турган содиқларга эса Гокула-расадаги Рактака, Читрака ва Патракалар мисол бўлади. Булар Парвардигорнинг хизматкорлари вазифасини бажарадиган содиқлар. Дваракада Дарука, Ваикунтхалокаларда - Хануман ва бошқалар бор. Учинчи, дўстлик поғонасидаги содиқлар - Вриндаванда Шридам, Дваракада ва Курукшетра жанг майдонида Бхима ва Аржун ва бошқа кўплаб содиқлар ҳисобланади. Кришна билан ўзаро ота-она ва фарзанддай муносабатда бўлган содиқлар Ёшода ва Нанда Махараж, яъни Кришнанинг ота-онаси, тоғаси ва бошқа қариндошлари ҳисобланади. У билан ўзаро ошиқ-машуқлар муносабатида Враджа, Вриндаванлик подачи қизлар, шунингдек Дваракадаги маликалар ва равнақ фаришталари бўлган. Парвардигор билан бу поғонадаги расада бўлган содиқ хизматкорларнинг сон-саногини ҳеч ким билмайди.

Кришнага боғланиш ҳам икки тоифага бўлиниши мумкин. Бир поғонада бу боғланиш ҳаяжон аралаш кўрқув билан бўялган бўлади. Боғланишнинг бу тоифаси маълум даражада эркинликнинг етишмаслиги билан фарқ қилади ва Матхурада ҳамда Ваикунтха сайёраларида намоён бўлади. Парвардигорнинг ана шу

даргоҳларида Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш руҳи баъзи бир рамкалар билан чекланган. Аммо Гокула Вриндаванда гарчи подачи йигит-қизлар Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини билсалар ҳам, ўзаро ишқий муносабатлар ҳеч қандай рамка билан чекланмаган, улар ҳеч қандай ҳаяжон аралаш кўрқув ёки даҳшат ҳис қилмайдилар - уларнинг Парвардигор билан ўзаро муносабатлари шунчалик яқин. Биринчи беш илоҳий муносабатларда кўрқув ва ҳаяжон баъзан Парвардигорнинг улғворлигини асл ҳолида кўришга халақит берадиган тўсиқ бўлиши мумкин, баъзида эса улар Худога хизмат қилишга ҳақиқатан ҳам халақит беради. Лекин дўстлик, ота-оналарча боғланиш ва эр-хотинларнинг ўзаро муҳаббати кўрқув ва ҳаяжонни сусайтирадилар. Масалан, Кришна Васудева ва Девакининг ўғли сифатида пайдо бўлганида Унинг ота-онаси Парвардигорга кўрқув ва ҳаяжон тўла илтижолар билан мурожаат қилдилар, чунки улар Парвардигор Кришнанинг Ўзи яъни Вишну уларнинг олдида ўғли сифатида турибди. Бу "Шримад Бхагаватам" (10.44.51) да тасдиқланади. Гарчи Парвардигор уларнинг олдида уларнинг фарзанди сифатида пайдо бўлган бўлса ҳам, Деваки билан Васудева Унга илтижо қила бошладилар. Аржунда ҳам шундай ҳолат рўй берганди: у Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўрганида шунчалик кўрқиб кетдики, Кришнадан Унга худди ўз дўстидай мурожаат қилгани учун кечирим сўрай бошлади. Унинг дўсти сифатида Аржун баъзида Парвардигор билан ўзининг тенгидай муносабатда бўларди, лекин Парвардигорнинг кишини даҳшатга соладиган фазовий қиёфасини кўриб Аржун шундай дейди: "Мен авваллари Сенинг бунчалик улғворлигини билмасдан Сенга: "Ҳой Кришна! Ҳой Ядава! Ҳой дўстим!" деб мурожаат қилардим. Илтимос, Сени севганимдан ёки ақлимни йўқотганимдан қилган ишларим учун мени кечир. Мен бирга дам олганимизда, бирга овқатланганимизда жуда кўп марта Сенинг обрўйингни туширганман. Мен баъзан ёлғиз пайтимизда, баъзан дўстларим олдида шундай қилганман. Илтимос, ана шу ҳақоратларим учун мени кечир" (Бг.11.41-42).

Рукминида ҳам шунга ўхшаш ҳолат рўй берганди. Кришна у билан ҳазиллашмоқчи бўлганди, у эса Кришна ҳақиқатан ҳам уни ташлаб кетиши мумкин деб, шунчалик кўрқиб кетдики, Кришнани елпиш учун ушлаб турган елпигичи қўлидан тушиб, ҳушидан кетган ҳолда полга йиқилди. Кришнанинг Вриндавандаги онаси Ёшода ҳақида эса "Шримад Бхагаватам" (10.8.45) да шундай дейилган:

*траййа чопанишадбхши ча  
санкхйа-йогашш ча сатватаиу  
упагййама-махатмйам  
харим саманйататмаджем*

Барча Ведалар ва Упанишадалар билан, санкхья фалсафаси ва бошқа барча ишончли муқаддас китоблар билан ҳамма сиғиниб юрган Худо Шахси унинг қорнидан дунёга келади. Яна айтилганки (шб.10.9.12), Ёшода она Кришнани худди ўзининг танасидан дунёга келган оддий боладек арқон билан келига боғлаб қўйди. Кришнага Унинг содиқлари худди оддий инсондай муносабатда бўлгани ҳақида бошқа кўплаб мисоллар ҳам бор (10.18.24). Бундан ташқари, Ўзининг дўстлари, подачи болалар билан бирга ўйнаганида Кришна уларга

ютказар, шунда уларни, айниқса Шридамни Ўзининг елкасида олиб юарди.

Гопиларнинг Кришна билан Вриндавандаги ўзаро муносабатларига келсак, "Шримад Бхагаватам"(10.30.36-40)да Кришна раса рақсидан фақат Шримати Радхаранини олиб кетгани ёзилган. Шунда У Кришна бошқа гопиларнинг ҳаммасини ташлаб кетди деб ўйлаган. Гарчи гўзалликда улар Ундан қолишмасалар ҳам, Кришна бу билан Унга чексиз лаззат бағишлаган эди, шунда У фахр билан шундай ўйлади: "Азизим Кришна ажойиб гопиларнинг ҳаммасини тарк этиб фақат Мен билан лаззатланяпти". Ўрмонда У Кришнага шундай дейди: "Азизим Кришна, Мен энди ўрнимдан кўзгала олмайман. Энди Сен Мени истаган жойингга олиб боришинг мумкин". Кришна Унга шундай жавоб берди: "Елкамга суяниб ол!" - шундай дедию, бирдан ғойиб бўлди, шунда Шримати Радхарани ўз тақдирдан нолиб каттиқ куюна бошлади.

Раса рақси бўлаётганда бирдан Кришна ғойиб бўлганида гопиларнинг ҳаммаси куюниб гапира бошладилар: "Азизим Кришна! Бизлар эрларимизни, ўғилларимизни, кариндошларимизни, ака-укаларимизни ва дўстларимизни ташлаб бу ерга келдик. Уларнинг гапларига қулоқ солмасдан бизлар Сеннинг олдинга келдик, нимага бундай қилганимизни Сен бизлардан яхшироқ биласан. Бунга бизларни Сеннинг найда чалаётган ширин наволаринг мажбур қилганини Сен яхши биласан. Аммо Сен шунчалик маккор, шафқатсиз экансанки, шундай коронғу тунда ўрмонда ёш қиз-жувонларни ёлғиз ташлаб кетдинг! Бу Сенга ярашмайди!"

шама ибораси ақли назорат қилиш ва уни Худонинг Олий Шахсида жамлаб, бошқа нарсалардан четлатиб туришни англатади. Ақли Парвардигорда мужассам бўлган киши шама ҳолатига эришган инсон деб аталади. Ана шу ҳолатда содиқ хизматкор бизнинг сезиш доирамизга қирадиган ҳамма нарсанинг ортида турган янгона Зот Кришна эканини англаб етади. Бу "Бхагавад-гита"(7.19)да ҳам тасдиқланади. Шундай инсон Кришна ҳамма нарсада мавжуд эканини, бутун космик олам қамраб олганини тушуна олади. Гарчи ҳамма нарса Парвардигорнинг назорати остида ва Унинг қуввати ичида бўлса ҳам, барибир ҳамма нарса Кришнанинг шахсий қиёфасидан ажралган ва фарқ қилади. "Бхакти-расамрита-синдху"да ҳам айтилганки, шуни англаб етган ва тафаккури Кришнада мужассам бўлган киши шама поғонасига эришган бўлади. Яна Худонинг Олий Шахси айтадики: шамо манништхатат буддхех: токи инсон шантa-рати, Кришнанинг улғворлигини ва барча намоён бўлган нарсаларнинг сабабчиси бўлмиш турли қувватларининг тарқалганини англаш поғонасига кўтарилмас экан, у Парвардигорда мустаҳкам қоламайди. Бу "Шримад Бхагаватам"(11.19.36)да ҳам тушунтирилади:

*шамо манништхата буддхех  
дама индрийа-самйамаҳ  
титикша духкха-саммаршо  
джихвопастха-джеййо дхритих*

Худонинг Олий Шахси бутун борлиқнинг бошланғич манбаи деган хулосага келган киши ақлининг мустаҳкам хотиржамлигига эриша олади. Инсон ўзининг сезгиларини назорати остида ушлаб туришга қодир бўлганида у шама поғонасига эришади.

Инсон ўзининг сезгиларини назорат қилиш ва ақлининг хотиржамлигини сақлаб туришга эришиш учун ҳар қандай қийинчиликка тайёр бўлганда, унинг ҳолати титикша, сабр-тоқат, чидам деб аталади. Инсон тилининг ва жинсий аъзоларининг хуружини жиловлашга қодир бўлганида унинг ҳолати дхритих деб аталади. Дхритих шунга олиб келадик, инсон дхира, хотиржамликка, мамнуниятга эришади. Ўз ҳолатидан тўла мамнуният ҳосил қилган киши ҳеч қачон тили ва жинсий аъзоларининг хуружи сабабли ташвишга тушмайди.

Агар инсон ақлини бошқа бирор нарсага чалғитмасдан Кришнада мужассам қилиб юра олса, у Кришна онгида мустаҳкам ҳолатга, шантa-раса поғонасига эришади. Шантa-раса поғонасига кўтарилган кишининг қалбида барча моддий истаклар йўқолиб, Кришнага ўзгармас ишонч пайдо бўлади. Мана шу шантa-расага хос бўлган хусусиятлардир - Кришнага бўлган ўзгармас ишонч ва Кришна билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай истаклардан халос бўлиш. Худди осмонда пайдо бўлган товуш бошқа унсурлар(ҳаво, олов, сув, ер)да ҳам бўлгани сингари, бу хусусиятлар қолган бошқа барча расалар учун ҳам тегишли. Худди шундай шантa-расанинг бу икки хусусияти дасйа, сакхйа, ватсалйа ва мадхура-раса сингари бошқа илохий муносабатларда ҳам мавжуд.

Биз Кришнадан бошқа яъни Кришна билан боғлиқ бўлмаган нарсалар ҳақида гапирганимизда, бу Кришнадан ташқарида ҳам бирор нарса мавжуд дегани эмас. Аслини олганда Кришна билан боғлиқ бўлмаган бирор нарса бўлиши мумкин эмас, чунки ҳамма нарса Кришнанинг қувватларининг маҳсули ҳисобланади. Кришна ва Унинг қувватлари бир биридан фарқ қилмагани сабабли, ҳамма нарса билвосита Кришна ҳисобланади. Масалан, ҳамма тирик мавжудотларда онг бор, аммо онгнинг марказида фақат Кришна(Кришна онги) турганда у пок бўлади, онг Кришнадан бошқа бир нарсада мужассам бўлганда ёки у ҳиссий лаззатларга қаратилганда уни Кришна онги эмас деб аташ мумкин. Лекин соф, пок онгда Кришна онгидан бошқа ҳеч нарса бўлмайди.

Кришна билан фаол қизиқиш - Кришна меники эканини ёки мен Кришнаники эканини, шу боис менинг бурчим - Кришнанинг ҳиссиётини лаззатлантириш эканини тушуниш шантa-расадаги дахлсиз муносабатлардан анча юқори поғоналарга хос бўлган хусусият. Шунчаки Кришнанинг улғворлигини тушунишнинг ўзи шантa-раса поғонасига кўтарилиш учун етарли, бунда инсон шахсиятсиз Браҳманга ёки Параматмага сиғиниши мумкин. Шахсиятсиз Браҳман ёки Параматмага эмпирик фалсафий изланишлар билан ёки сеҳрли йога билан шуғулланадиган кишилар сиғинадилар. Аммо, Кришна онгининг ёки руҳий тушунчаларнинг тобора ривожлана бориши жараёнида инсон Параматма, яни Олий Руҳ сиғиниш лозим бўлган мангу Зот эканини англай бошлайди ва ўзини бутунлай Унга топширади. Бахунам джанманам анте джанаван мам прападйате(бг.7.19): "Браҳманга ёки Параматмага сиғинишга бағишланган кўплаб умрлардан кейин инсон Всудевани олий ҳукмдор сифатида, ўзини эса Васудеванинг мангу хизматкори сифатида қабул қилганида у илохий илми англаб етган буюк зот бўлиб етишади". Ана шунда Олий Муглак Ҳақиқатга садоқати туфайли инсон Худонинг Олий Шахсига илохий муҳаббат билан

хизмат қилишнинг бирор тури билан шуғуллана бошлайди. Шундай қилиб, Худога нисбатан шанта-раса деб аталадиган суст муносабат дасйа-расага, фаол хизмат қилиш муносабатига айланади.

Дасйа-раса поғонасида Парвардигор олдида хаяжонли кўрқув ва сажда қилиш олий даражада намоён бўлади, яъни дасйа-расада инсон Парвардигорнинг улуғворлигини англаб етади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, *шанта-раса* поғонасида ҳали руҳий фаолият бошланмаган бўлади, аммо *дасйа-раса* поғонасида хизмат қилиш бошланади. Шундай қилиб, *дасйа-раса* поғонасида *шанта-раса* сифатлари намоён бўлади ва уларга Худога хизмат қилишнинг илоҳий мазаси кўшилади.

Албатта, *шанта-раса* ва дасйа-расада илоҳий сифатлар мавжуд, аммо буларнинг ҳаммасидан юкорида яна бир сифат бор - соф илоҳий муҳаббат бўлган ички боғланиш. Олий Шахсга муҳаббат асосида ана шундай яқинлашишни ифодалаш учун алоҳида ибора ишлатилади - *вишрамбха*. *Вишрамбха*, қариндошлик муносабатлари поғонасида кўрқув аралаш хаяжонга ёки даҳшатга тушишга, Худонинг Олий Шахси олдида эҳтиром билан эгилиб туришга ўрин йўқ. Шундай қилиб, *сакхйа-раса* деб аталадиган илоҳий қариндошлик муносабатлари уч хусусият билан белгиланади: Парвардигорнинг улуғворлигини англаш, хизмат қилишни англаш, хаяжонли кўрқув ва бош эгиш туйғуси бўлмаган ички яқинлик. Шундай қилиб, *сакхйа-раса*, қариндошлик муносабатларида илоҳий сифатлар сони орта боради.

Худди шундай Парвардигорга ота-она сифатида боғланиш, *ватсалйа-раса* поғонасида илоҳий сифатлар тўртта бўлади. Аввал айтиб ўтилган уч сифатга Парвардигорнинг Ўз содиқ хизматкорининг марҳаматига боғлиқлигини англаш сифати кўшилади. Парвардигорнинг отаси ёки онаси ҳолатида бўлиб, содиқ хизматкор баъзан Уни жазолайди ва Ўзини Парвардигорнинг химоячиси деб ҳисоблайди. Ўзини Олий Ҳукмдорнинг посбони деб англашдан иборат илоҳий туйғу содиқ хизматкорнинг ўзига ҳам, Парвардигорга ҳам чексиз лаззат бағишлайди.

Парвардигор Шрила Рупа Госвамига "Бхакти-расамрита-синдху" деб аталадиган, Худога садоқат билан хизмат қилиш илми баён этилган илоҳий асар ёзишни ва унда Парвардигор билан бўладиган ана шу ўзаро беш илоҳий муносабатларни таърифлаб беришни топширди. Ана шу буюк асарда Кришнага бўлган ўзгармас ишонч шаклини олган илоҳий *шанта-раса* муносабатлари ривожланиб хизмат қилиш руҳи билан тўла *дасйа-раса*га, кейин *сакхйа-раса*га, яъни ҳар қандай шартланганликдан холи бўлган қариндошлик муносабатларига, кейин эса, содиқ хизматкор Парвардигор унинг қўллаб-қувватлашига муҳтожлигини ҳис қиладиган ота-оналик муҳаббатига айланиши тушунтириб берилган. Бу муносабатларнинг ҳаммаси ўзининг энг юкори поғонасига ошиқ-маъшуклар муносабатида эришади, унда бу илоҳий муносабатларнинг ҳаммаси бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлади.

## 2-боб. Санатана Госвами

ванде "нантадбхугаишварйам  
шри-чаитанья-махапрабхум  
ничо "пи йат-прасадат сйад  
бхакти-шастра-павартаках

*Мен Парвардигор Чайтанья Махапрабху олдида эҳтиром билан бош эгаман, Унинг марҳамати билан ҳатто ҳаётнинг энг тубан шаклидаги мавжудотлар ҳам Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда ўзларига раҳнамо топа оладилар.*

*Саннйаса*(таркидунёлик турмуш тарзи) қабул қилгандан кейин Парвардигор Чайтанья бутун Ҳиндистон бўйлаб сафарга йўл олди. Ана шу сафари чоғида У Бенгалия вилоятининг Малдах шахрига келди. Ана шу вилоятда Рамакели қишлоғи жойлашган бўлиб, шу ерда Навваб Ҳусайн Шоҳ ҳукуматининг икки вазири яшарди. Бу вазирларни ўша пайтда Дабир Кхас ва Сакара Маллик деб атардилар, кейинчалик улар Санатана Госвами ва Рупа Госвами деган ном билан машхур бўлдилар. Парвардигор Чайтанья илҳомлантир-гани шарофати билан улар ҳукуматда эгаллаб турган лавозимини тарк этиб, Унинг *санкиртана* ҳаракатига кўшилишга қарор қилдилар.

Шундай қарорга келиб ака-ука дарров ўзларининг моддий ишларини тарк этиш чораларини кўра бошладилар ва икки билимдон брахманни чақириб, уларга Кришнага садоқат билан хизмат қилиш учун тўла эркинликка эришиш имконига эришишга ёрдам берадиган ведавий диний маросим ўтказдилар. Ана шундай ҳозирлик маросими *пураишчарйа* деб аталади. Бу удумга кўра инсон ҳар куни уч марта ўзининг аждодларига хурмат-эҳтиром кўрсатиб сажда қилиши, оловга эҳсон қилиши ва билимдон брахманга хурмат билан таом таклиф қилиши лозим. Шундай қилиб, *пураишчарйа* беш таркибий қисмдан иборат - вақт, сифиниш, хурмат билдириш, оловга эҳсон қилиш ва брахманга таом таклиф этиш. Мана шу ва бошқа маросимлар ишончли муқаддас китоблар "Хари-бхакти-виласа"да келтирилган.

Ана шу диний маросимларни ўтказиб бўлиб, уларнинг кичиги Сакар Маллик(Рупа Госвами) ҳукумат таркибида хизмат қилишда ишлаб топган катта бойлиги билан уйига келди. У келтирган олтин ва кумуш тангалар катта лайиққа зўрға жойлашарди. Уйига келиб, у авал бутун бойлигини тенг иккига бўлди ва бир бўлагини брахманларга ва ваишнавларга тарқатди. Шундай қилиб, у ишлаб топган мол дунёсининг тенг ярмини Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган одамларга бериб Худони мамнун қилиш йўлида сарфлади.

Брахманларнинг вазифаси Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишдан иборат, улар шу ҳақиқатни англаб етгандан кейин ҳақиқатан ҳам Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қила бошлаганида уларни ва-

*ишнавлар* деб аташ мумкин. Аслини олганда брахманлар ва ваишнавлар бутун вақтини Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга бағишлашлари лозим, Шрила Рупа Госвами уларнинг жамиятдаги ана шундай илоҳий ҳолатининг муҳимлигини эътиборга олиб, уларга ўзининг бутун бойлигининг ярмисини берди. Бойлигининг қолган ярмисини ҳам у тенг иккига бўлди ва бир қисмини қариндошларига ва ўзининг қарамоғидаги одамларга улашди, қолган ярмини эса, зарур бўлган пайтда ишлаш учун ўзига сақлаб қўйди.

Рухий илм эгаллашда юксак поғонага кўтарилишга интилиб юрган кишилар учун ўзининг шахсий бойлигини ана шу тарзда таксимлаш намуна бўлиши лозим. Одатда инсон ўзининг умр бўйи ишлаб топган бойлигининг ҳаммасини оила аъзоларига қолдириб, ўзи рухий илм эгаллаш учун оилавий ташвишларни тарк этади. Лекин бу ерда биз Шрила Рупа Госвамининг ўртак олса арзийдиган намунали ишини кузатишимиз мумкин: топган бойлигининг ярмисини у Худо йўлида холис хизмат қилиш учун сарфлади. Ундан рухий юксалишга жиддий интилиб юрган ҳар бир инсон ўртак олиши лозим. Унинг топган бойлигининг ўзи учун сақлаб қўйган чорак қисми ишончли савдо уйига омонат тарзида бериб қўйилди, чунки у пайтда ҳали банк тизими йўқ эди. Ўн минг олтин тангани у акаси Санатана Госвамининг харажатлари учун ажратилди.

Ана шу пайтда Шрила Рупа Госвами Парвардигор Чайтанья Махапрабху Жаганнатха Пуридан Вриндаванга жўнашга ҳозирлик кўраётгани ҳақида хабар олди. Шрила Рупа Госвами Парвардигорнинг қайси йўлдан юриши ҳақида ишончли маълумот олиб келиш учун икки чопар юборди ва Матхурада Парвардигор билан учрашиш учун қайси йўлдан боришни аниқ режалаштира бошлади. Шрила Рупа Госвами Парвардигор Чайтаньяга қўшилиш учун рухсат олган, Санатана эса, рухсат олмаган бўлса керак. Шунинг учун Санатана Госвами ўзининг ҳамма ишларини биринчи ўринбосари зиммасига юкладида ўзи уйда қолиб "Шримад Бхагаватам"ни ўрганишга киришди. У уйига 10-12 брахманни таклиф қилиб, уларнинг даврасида "Шримад Бхагаватам"ни жиддий ўргана бошлади. Унинг бу ишига ҳеч ким халақит бермаслиги учун у ҳукмдори Наввобга касаллиги сабабли уйда қолгани ҳақида хабар юборди. Лекин ҳукмдор ҳукуматни бошқариш ишлари бўйича Санатана Госвамининг маслаҳатларига шу қадар муҳтож эдики, қутилмаганда унинг уйига шахсан ўзи кириб келди. Наввоб бошқа брахманлар даврасида "Шримад Бхагаватам" ўрганиб ўтирган Санатана Госвамининг уйига кириб келганида улар ҳукмдорга ҳурмат билдириб ўринларидан турдилар ва унга ўтиришга жой кўрсатдилар.

Наввоб Санатана Госвамига мурожаат қилиб шундай деди: "Сен касалман деб хабар юборибсан, лекин сени даволаш учун юборган шахсий табибим сени бутунлай соппа-соғ деб айтди. Нима сабабдан касалман, деб хабар юбориб, ўзинг ишга чиқмай уйда ётганингни билолмаганим учун сени кўриш учун ўзим келдим. Аслида сенинг бу ҳатти-ҳаракатларинг мени ташвишга соляпти. Ўзинг биласанки, мен бутунлай сенга ва сен ҳукуматда бажариб турган маъсулиятли ишларга қаттиқ боғланиб қолганман. Сенга ишонганим учун ўзим

бошқа ишлар билан шуғулланиб юрардим, лекин агар сен ишга чиқмасанг, аввалги садоқатингнинг сарик чақалик қадри қолмайди. Шундай қилиб, сен бундан кейин нима қилмоқчисан? Илтимос, менга очигини айтчи".

Шоҳнинг бу гапларини тинглаб туриб, Санатана Госвами энди ҳукумат таркибидаги хизматини давом эттира олмаслигини айтди. Наввобдан унинг вазифаларини бошқа бир ишончли кишига топширишни илтимос қилди. Унинг гапларини эшитиб, Наввобнинг қаттиқ жаҳли чиқди ва шундай деди: "Сенинг оғанг(Наввоб) худди овчилардай кун кечиради, агар сен ҳукуматни бошқариш ишларидан четлашсанг, ҳаммаси барбод бўлади". Наввоб Санатана Госвамига худди укасидай муносабатда эди. Наввоб ўзининг кўп вақтини ов қилишда ва давлат чегараларини кенгайтириш учун турли ҳарбий юришларда ўтказгани учун у ҳукумат ишларини бошқаришда Санатана Госвамига қаттиқ боғланиб қолган эди. Шунинг учун у Санатана Госвамига шундай деди: "Агар сен ҳукумат ишларини тарк этсанг, ҳукуматни ким бошқаради?"

"Сен Гауданинг ҳукмдорисан, - жиддий жавоб берди унга Санатана Госвами, - сен ҳар хил жинойтчиларни турлича жазолайсан. Шунинг учун ҳар кимни ўз қилмишига яраша қандай жазолашни ўзинг яхши биласан". Бу гаплари билан Санатана Госвами, ҳукмдор ҳайвонларни овлаш ва давлат чегараларини кенгайтириш учун уруш қилиб одамларни ўлдириш билан шуғулланганини назарда тугган ҳолда унга айтмоқчи эдики, ҳар ким бу дунёда ўзининг қилган иши учун жавоб беради.

Наввоб фаросатли киши эди, у Санатана Госвамининг ниятини тушунди ва ғазаб билан унинг уйини тарк этди. Орадан кўп вақт ўтмай у Ориссага қарши ҳарбий сафарга отланди. Санатана Госвамини эса, ҳибсга олиб қамоққа ташлашни, то у сафардан қайтмагунча уни озодликка чиқармасликни буюрди. Унинг акасини Наввоб қамаб қўйганидан хабар топган Шрила Рупа Госвами акасига, унга атаб Гаудиядаги бир савдогарда ўн минг олтин танга қолдиргани ва шу пуллардан фойдаланиб у қамоқдан чиқиб кетиши мумкинлиги ҳақида хабар берди. Санатана Госвами ўзи ётган қамоқхона назоратчисига беш минг танга таклиф қилди. У назоратчини олдига чақириб мана шу беш минг тангани олиб дарров уни қамоқдан чиқариб юборишни илтимос қилди, у бу пулларни олиш билан фақат моддий бойликка эмас, балки Худога хизмат қилиш учун озодликка интилаётган Санатана Госвамига ёрдам бериш билан катта савоб иш қилишини айтди.

"Албатта, мен сени қўйиб юборишим мумкин, - деди назоратчи, - чунки сен менга жуда кўп яхшилик қилгансан, бунинг устига ҳукумат ишида ишлайсан. Аммо мен Наввобнинг ғазабидан қўрқаман. Сени қўйиб юборганимни эшитса у нима қилади? Мен буларнинг ҳаммасини унга тушунтиришим керак бўлади. Мен сенинг таклифингга қандай рози бўлишим мумкин?" Шундан кейин Санатана Госвами назоратчи Наввобга айтиб бера олиши учун ўзи қамоқдан қандай қочганини тушунтирадиган баҳона ўйлаб топди ва унга ўн минг танга таклиф қилди. Нафсини жиловлаб олишга кучи етмаган назоратчи пулни олиб уни қўйиб юборди. Айни пайтда Шрила Рупа Госвами ўзининг укаси Шри Вал-

лабха билан биргаликда Чайтанья Махапрабху билан учрашиш учун Вриндаванга йўл олган эди.

Шундан сўнг Санатана Госвами Парвардигорни учратиш учун йўлга тушди. У очик йўлдан кетмасдан, Бихар вилоятидаги Патада деган жойгача қалин ўрмон орқали юрди. Шу ерда у бир меҳмонхонада тунаб қолишга қарор қилди. Аммо меҳмонхона хўжайини ўзида хизмат қиладиган бир асртролог(фолбин) орқали Санатана Госвамининг ёнида олтин тангалар борлигидан хабар топди. У ана шу пулларни қўлга киритиш ниятида Санатана Госвамига ясама хурмат-эҳтиром билан мурожаат қилди: "Меникида тунаб қолинг, эртага эрталаб мен сизларнинг бу қалин ўрмондан чиқиб кетишингизга ёрдам бераман". Лекин Санатана Госвамига унинг бундай сермулозаматлиги ғалати кўринди, у хизматкор Ишанадан ёнида қанча пули борлигини сўради. Ишана унга ёнида етти олтин танга борлигини айтди. Хизматкорнинг ёнида шунча пул бўлиши Санатана Госвамига ёқмади. У жаҳли чиқиб Ишанага шундай деди: "Нимага сен йўлга мана шундай ҳалокатли нарсани олиб чиқасан?"

Санатана Госвами дарров унинг олтин тангаларин олиб, меҳмонхона эгасига таклиф қилди. Кейин ундан бу қалин ўрмондан чиқиб кетишда ёрдамлашишни илтимос қилди. У жуда зарур ҳукумат топшириғи билан кетиб бораётганини айтиб, очик йўлдан юролмаслигини, шу боис агар у уларга қалин ўрмон орқали мана шу тоғни кесиб ўтишга ёрдамлашса, жуда катта савоб иш қилишини айтди.

"Мен сенда саккиз олтин танга борлигини билган ва уларни олиш учун сени ўлдирмоқчи эдим - деди меҳмонхона эгаси, - Аммо энди, сенинг қанчалик яхши инсон эканингни кўриб турибман, шунинг учун менга бу пулларни таклиф қилишинг шарт эмас".

"Агар бу пулларни сен олмасанг, уларни бошқа биров мандан тортиб олади - деди Санатана Госвами - Бошқа биров шу пуллар учун мени ўлдириб кетади, яхшиси уларни сен ол. Мен уларни сенга эҳсон қиламан". Шундан кейин меҳмонхона эгаси пулни олиб, унга ҳар томонлама ёрдам бериб, шу кечасиёқ тоғдан ошиб ўтишга ёрдамлашди. Тоғдан тушгандан кейин Санатана Госвами қолган бир тангани хизматкорига бериб, уни орқасига қайтариб юборди ва қолган йўлни ёлғиз ўзи босиб ўтишга қарор қилди. Хизматкор кетгандан кейин Санатана Госвами ўзини бутунлай эркин ҳис қилди. Жулдур кийимда, қўлида фақат сув идиши билан у Парвардигор Чайтанья Махапрабху билан учрашиш учун йўл олди. Йўлда у ўзининг ҳукуматда катта лавозимда ишлайдиган бадавлат қайнисини учратди. Қайниси унга жундан тўқилган жуда яхши чадра эҳсон қилди, унинг самимий илтимосини рад этаолмаган Санатана Госвами уни ноилож қабул қилди. Кейин у билан хўшлашиб, ёлғиз ҳолда Чайтанья Махапрабху билан учрашиш учун Банорасга йўл юришни давом эттирди.

Банорасга етиб борганда у Парвардигор шу ердалигини тушуниб жуда хурсанд бўлди. Одамлардан у Парвардигор Чандрашекхара ачаряннинг уйида меҳмон эканини аниқлаб, шу ерга йўл олди. Гарчи Чайтанья Махапрабху уйда ўтирган бўлса ҳам, у Санатана Госвами эшик олдида турганини дарров сизди ва Чандрашекхардан эшик олдида турган кишини уйга таклиф қилишни илтимос қилди. "У - ваишнав, Парвардигор-

нинг буюк содиқ хизматкори" - деди У. Чандрашекхар ташқарига қараб, эшик олдида ҳеч қандай ваишнавага кўзи тушмади. У кўринишидан шунчаки тиланчи гадойни эслатадиган бир кишини кўрди, холос. Шунда Парвардигор ана шу гадойни кўришни истаётганини айтди. Санатана ичкарига кирганида Парвардигор унга пешвоз чиқиб, уни кучоқлаб бағрига босди. Парвардигор Санатанани кучоқлаган пайтда у чуқур илохий жазавага тушиб кетди ва шундай деди: "Эй азиз Худойим, илтимос, менга яқинлашма!" Лекин улар яна кучоқлашдилар ва иккиси ҳам жазавага тушиб йиғлаб юбордилар. Чандрашекхара ҳайратдан оғзини очиб қолди. Ниҳоят Чайтанья Махапрабху Санатанадан ўзининг ёнига ўтиришни илтимос қилди. У Санатананинг танасига қўлини текқизди, шунда Санатана яна Ундан илтимос қилди: "Эй азиз Худойим, илтимос, менга яқинлашма!" "Мен покляниш учун Сени кучоқладим - деди Парвардигор - чунки сен Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкорисан. Сен Парвардигорга қилган хизматинг билан бутун коинот аҳлини озодликка чиқариб, уларга Худонинг даргоҳига эришиш имконини беришга қодирсан". Шундан кейин Парвардигор "Шримад Бхагаватам"дан бир мисол келтирди, унда айтилганки, ўзини Худога топширган ва Унга садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ҳамма муқаддас китобларни ўрганган, лекин Худога садоқат билан хизмат қилиб юрмаган браҳмандан анча устун туради. Содиқ Парвардигорни хизматкор ҳамиша ўзининг қалбида олиб юргани сабабли у ҳамма жойни ва ҳаммани поклашга қодир.

Ведавий муқаддас китобларда яна айтилганки, Парвардигор Ведаларнинг ҳаммасини яхши биладиган кишини тан олмаслиги мумкин, аммо ҳатто паст табақадан чиққан бўлса ҳам, ихтиёрини бутунлай Унга топширган кишини ундан афзал кўриб, албатта қабул қилади. Худога содиқ бўлмаган браҳманга берилган садақани Парвардигор қабул қилмайди, аммо у ўзининг содиқ хизматкорига эҳсон қилинган нарсаларни албатта қабул қилади. Бошқача қилиб айтганда, агар инсон Худо йўлида нимадир эҳсон қилмоқчи бўлса, у буни Худонинг содиқларига бериши керак. Чайтанья Махапрабху шунингдек, "Шримад Бхагаватам"дан яна бир шеърни мисол келтирди, унда айтилганки, агар браҳман ўзини Худога топширмаган бўлса, ҳатто унда браҳманларга хос бўлган ўн икки фазилатнинг ҳаммаси бўлиб, олий табақадан чиққан бўлса ҳам, у энг пасткаш одамлардан ҳам тубан бўлади. Ит гўшти ейдиган ҳароми чандал оиласидан чиққан содиқ хизматкор ўз хизмати билан ўзининг юз авлодгача бўлган барча қариндошларини озодликка чиқара олади, аммо Худонинг содиқ хизматкори бўлмаган браҳман ҳатто ўзини ҳам озодликка чиқара олмайди. "Хари-бхактисудходайа"(13.2)да шундай дейилган:

*акшнаҳ пхалам твадриша-даршанам хи  
таноҳ пхалам твадриша-гатрасангаҳ  
джихва-пхалам твадриша-киртанам хи  
судурлабха бхагавата хи локе*

**"О Худонинг содиқ хизматкори, сени кўриш - кўзларнинг баркамоллиги, сенинг тананга тегиш - тананинг баркамоллиги, сенинг сифатларингни олқишлаш - тилнинг баркамоллигидир, чунки Парвардигорнинг сенга ўхшаган асл содиқ хизматкорини учратиш жуда қийин".**

Кейин Парвардигор Санатанага айтдики, Парвардигор Кришнанинг марҳамати жуда кенг, У адашган рухларни озодликка чиқаради. "У сени Махараурава деган дўзахдан қутқариб олди" - деди У. Махараурава деган дўзах "Шримад Бҳагаватам"да ҳайвонларни ўлдириб гўшттини еб юрган одамлар жазоланадиган жой сифатида таърифланган, чунки унда айтилганки, ҳайвонларни ўлдириб уларнинг гўшттини еб юрган кишилар ана шу дўзахга равона бўлиши айтилган.

"Мен Парвардигор Кришнанинг марҳаматни билмайман, - деди Санатана, - лекин мен аниқ биламанки, Сенинг менга кўрсатаётган бесабаб марҳаматинг чексиз. Сен мени дунёвий ҳаёт чангалидан халос этдинг".

Кейин Парвардигор сўради: "Қандай қилиб камоқхонадан қочиб қутулдинг? Сен камоқда эканингни билардим". Кейин Санатана бошидан кечирганларни гапириб берди. "Мен сенинг икки акангни учратдим - деди Парвардигор унга - уларга Вриндаванга йўл олишни маслаҳат бердим".

Шундан кейин Парвардигор Санатанани Чандрашекхара ва Тапанамийшра билан таништирди, Тапанамийшра хурсанд бўлиб Санатанадан у билан бирга овқатланиб олишни илтимос қилди. Парвардигор Чандрашекхарадан Санатанани сартарошнинг олдига олиб боришни, у ерда уни ваишнавларга хос кўринишга келтиришни илтимос қилди, чунки Санатананинг сочсоқоли жуда ўсиб кетган, бу эса Чайтанья Махапрабхуга ёқмасди. Парвардигор Чандрашекшарадан Санатана фақат соч-чоқолини олишига эмас, балки ювиниб кийимларини алмаштиришига ҳам ёрдам беришни илтимос қилди.

Санатана ювиниб поклангандан кейин Чандрашекхара унга яхши либослардан берди. Парвардигор Чайтаньяга Санатана янги либосларни олганини, қаттиқ илтимос қилгани учун Тапанамийшрадан фақат эски кийимларни олганини айтганларида Парвардигор ундан жуда мамнун бўлди. Парвардигор Тапанамийшранинг уйига овқатлангани кетди ва ундан Санатана учун бирор егулик олиб қўйишни илтимос қилди. Тапанамийшра Санатанага дарров овқат таклиф қилмади, Чайтанья Махапрабху овқатланиб бўлгандан кейин У дам олгани ётган пайтида Унинг овқат қолдиқларидан Санатанага берди.

Парвардигор Чайтанья дам олиб бўлгандан кейин Санатанани Махараштралик бир брахман, Ўзининг содиқ хизматкори билан таништирди, ана шу брахман Санатанадан, токи у Банорасда экан, ҳар куни унинг уйида овқатланишни таклиф қилди.

"Мен Банорасда ҳар куни эшикма-эшик юриб садақа сўрайман - деди Санатана. - Аммо Парвардигор шунчалик меҳрибонки, сенинг таклифингни рад этмай, ҳар куни Сеникида овқатланади".

Санатананинг ўзини бундай тутиши Парвардигор Чайтаньяни жуда мамнун қилди, аммо Унинг эътиборини Санатанага йўлда қайниси эҳсон қилган кимматбаҳо жун чадар ўзига тортди. Гарчи Парвардигор бу чадарга шунчаки бир нигоҳ ташлаб қўйган бўлса ҳам, Санатана Парвардигор унинг устида ана шундай кимматбаҳо либос бўлишини ёқтирмаганини дарров пайқайди, шунинг учун Санатана ундан халос бўлишга қарор қилди. У шу заҳотиёқ Ганга соҳилига йўл олди, шу ерда у ўзининг эски жулдур чадрасини ювиб ўтирган бир гадоини учратди. Санатана ундан ўзининг

эски чадрасини янги жун чадарга алмашишни илтимос қилганида гадоий қаландар Санатана унинг устидан кулиб масхара қиляпти деб ўйлади. "Бу нима деган гап? - деди у хафа бўлиб Санатанага - кўринишингдан тарбия кўрган кишига ўхшайсан, аммо шунча виждонсизлик билан менинг устидан куляпсан!"

"Мен сенинг устингдан кулаётганим йўқ - деди унга Санатана - мен жиддий айтяпман, илтимос, эски жулдур чадарингни менинг жундан тўқилган чадарим билан алмаш". Ниҳоят гадоий унинг илтимосини қабул қилди, кейин Санатана Чайтанья Махапрабхунинг олдига қайтди.

"Устингдаги янги чадаринг қани?" - деб сўради дарров Парвардигор. Санатана Унга чадарини алмаштирганини гапириб берди, Парвардигорнинг унга меҳри яна ҳам ортиб, бу иши учун У Санатанага миннатдорчилик билдирди. "Сен жуда фаросатли экансан, энди сен моддий бойликларга бўлган барча боғланишларингдан халос бўлдинг". Бошқача қилиб айтганда, **Парвардигор фақат ҳар қандай моддий нарсаларга бўлган боғланишларидан бутунлай покланган кишининг хизматини қабул қилади.** Кейин Парвардигор Санатанага шундай деди: "Агар сен устингда янги чадар бўла туриб, эшикма-эшик юриб садақа сўрасанг яхши бўлмасди. Бу бир-бирига мос келмайдиган нарсалар, агар сен шундай қилсанг, одамлар сенга нафрат билан қараган бўлардилар".

"Барча моддий боғланишларимдан қутулиш учун қилаётган ишларимнинг ҳаммаси - Сенинг бесабаб марҳаматинг билан бўляпти" - деди Санатана. Парвардигор ундан жуда мамнун бўлди ва улар иккиси руҳий юксалиш ҳақида суҳбатлаша бошладилар.

Санатана билан учрашишдан олдин Парвардигор Чайтанья Рамананда Рай деган *грихастха* билан учрашган эди. Кейин баён этиладиган ана шу учрашув пайтида Парвардигор Чайтанья Рамананда Райга саволлар берди, Рамананда Рай эса, худди Унинг устозидай Унинг саволларига жавоб берди. Лекин бу ерда саволларни Санатана берди, Парвардигор эса, уларга жавоб берди.

Парвардигор Чайтаньянинг насихат ва ўғитлари барча инсонлар учун жуда муҳим аҳамиятга эга. У одамларга барча тирик мавжудотларнинг табиий фаолияти бўлган Худога садоқат билан хизмат қилишни ўргатган, зеро руҳий илм сирларини англаб етиш - ҳар бир инсоннинг асосий бурчидир. Санатана Госвами билан Парвардигор Чайтанья орасида бўлиб ўтган суҳбатларда жуда кўп саволлар батафсил муҳокама қилинган эди. Парвардигор Чайтаньянинг марҳамати билан Санатана Унга муҳим саволлар беришга қодир бўлди ва уларга ҳар томонлама мукамал жавоблар олди.

Санатана Госвами билан Парвардигор Чайтаньянинг учрашувидан шундай хулоса чиқариб олиш мумкин: руҳий мавзуларни тушуниб етиш учун инсон Парвардигор Чайтанья Махапрабху сингари руҳий устозга мурожаат қилиши ва унга камтарин ҳолда саволлар бериши лозим. Буни "Бҳагавад-гита"(4.34) ҳам тасдиқлайди - ишончли руҳий устозга мурожаат қилиш ва унинг раҳбарлиги остида руҳий ҳаёт илмини эгаллаб олиш лозим.

### 3-боб. Парвардигорнинг Санатана Госвамига берган насиҳатлари

Парвардигор Чайтаньянинг Санатана Госвамига берган саволларидан биз Худо ҳақидаги илми Парвардигорнинг қиёфаси, Унинг бойликлари ва Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ ҳолда тушуниб олишимиз мумкин. Ҳақиқатан ҳам бу мавзуларнинг ҳаммасини Санатана Госвамига Парвардигорнинг Ўзи ўргатган. Ўша пайтда Санатана Госвами Парвардигорнинг оёқларига йиқилиб, чуқур камтарлик билан Ундан ўзининг асл моҳияти нима экани ҳақида сўради: "Мен пасткаш хонадонда дунёга келганман - деди Санатана - мен пасткаш одамлар билан дўстлашиб юрибман, мен адашган ва одамлар орасида энг кўримсиз ярамас одамман. Мен моддий лаззатланишнинг чуқур қудуғига йиқилиб қийналиб қолган ва ҳеч қачон ҳаётда яшашимдан ҳақиқий мақсад нима эканини билмаган эдим. Аслида мен ҳатто ўзим учун ҳақиқий манфаат, бахт-саодат нима эканини ҳам билмайман. Гарчи мен, одамлар бу дунёда кўп нарсани биладиган кишилар деб ҳисоблайдиган инсонлар тоифасига кирсам ҳам, аслида шунчалик ғофилманки, ҳатто ўзимни билимдон олим деб биламан. Сен мени Ўз хизматкоринг ўрнида қабул қилдинг ва мени моддий ҳаёт исканжасидан қутқариб олдинг. Энди эса, илтимос, мана шу озодликка чиққан ҳолатимдаги бурчим нимадан иборат эканини гапириб бер".

Унинг бу илтимосидан билиб олиш мумкинки, озодликка чиқиш - баркамолликнинг охириги чегараси эмас. Озодликка чиққандан кейин қандайдир фаолият билан машғул бўлиш лозим. Санатана аниқ айтди: "Сен мени моддий ҳаёт чангалидан қутқариб олдинг. Энди, озодликка чиққандан кейинги бурчим нимадан иборат?" Санатана савол беришда давом этди: "Мен кимман? Нимага уч турли азоб-уқубатлар ҳамиша мени таъқиб қилиб юради? Ва ниҳоят, менга айтчи, мен бу моддий қопқон чангалидан қандай қилиб озодликка чиқишим мумкин? Мен Сенга руҳий юксалиш ҳақида қандай саволлар бериш кераклигини ҳам билмайман, лекин Сендан илтижо қилиб сўрайман, илтимос, менадан Ўз марҳаматингни дариг тутма, менга мен билишим лозим бўлган нарсаларнинг ҳаммасини гапириб бер".

Руҳий устоз қабул қилиш жараёни шундай. Инсон камтарин ҳолда унинг амрига бутунлай итоат қилиб

руҳий устоз олдиға бориши ва унга ўзининг руҳий юксалиши борасида саволлар бериши лозим.

Парвардигор Санатананиннг ўзини шундай камтарин, итоаткор тутишидан жуда мамнун бўлди ва унга шундай жавоб берди: "Сен Парвардигор Кришнаниннг марҳаматига эришиб қўйгансан, шунинг учун ҳамма нарсани биласан ва моддий оламнинг барча мусибатларидан озодсан". Кейин Парвардигор айтдики, Санатана Кришна онгида юргани туфайли, у табиий равишда, Кришнаниннг марҳамати билан ҳамма нарсани билади. "Лекин, сен жуда камтар содиқ бўлганиннг учун - давом этди Парвардигор - сен Мендан ўзингга шундоқ ҳам маълум бўлган нарсаларни тасдиқлашимни илтимос қиляпсан. Бу жуда яхши". Мана шу хусусияти билан Худонинг асл содиқ хизматкори бошқалардан ажралиб туради. "Нарада-бхакти-сутра"да айтилганки, қалбида Кришна онгини ривожлантиришга жуда жиддий эътибор берадиган киши Худонинг марҳамати билан тезда ўзининг Парвардигорни тушуниб олиш ниятига эришади.

"Сен айнан шундай, Худога садоқат билан хизмат қилишни ҳимоя қила оладиган инсонсан, - давом этди Чайтанья Махапрабху. - шу боис, Худо ҳақидаги илмдан сенга насиҳатлар бериш - Мениннг бурчим, Мен сенга ҳаммасини навбат билан батафсил тушунтириб бераман".

Руҳий устозга мурожаат қилган ҳар бир шогирдининг бурчи - ўзининг асл, ҳақиқий ҳолати қандай эканлиги ҳақида саволлар бериш. Санатана берган саволлар ана шу руҳий жараёнга тўла мос келади: "Мен ўзи кимман, нима сабабдан уч хил азоб-уқубатлар мени бетиним қийнайди". Уч турли азоб-уқубатлар *адхйатмика*, *адхибхаутика* ва *адхидаивика* деб аталади. Ақл ва тана келтирадиган азоб-уқубатлар *адхйатмика* деб аталади. Баъзан тирик мавжудот ўзининг танасидан азият чекади, баъзида эса, азоб-уқубатларига унинг ақли сабаб бўлади, бу икки тур азоб ҳам *адхйатмика* ҳисобланади. Биз бундай азоб-уқубатларга ҳатто онамизнинг қорнида ётган пайтда ҳам дучор бўламиз. Ҳаммамиз яхши биламизки, инсон танасининг нозик, сезгирлигидан фойдаланиб ҳар хил касалликлар бизларга азоб беради. Бошқа тирик мавжудотлар келтирадиган азоб-уқубатлар *адхибхаутика* деб аталади. Бунинг учун тирик мавжудот ҳатто катта бўлиши ҳам шарт эмас, чунки бурга, пашша сингари жуда кўп тирик мавжудотлар борки, улар ҳатто тинчгина ухлаб ётганимизда ҳам бизни азият чекишга мажбур қилади. Баъзида бизга турли азоб-уқубат келтирадиган бургалар сингари жуда кўп тирик мавжудотлар бор, шунингдек, ҳар хил сайёраларда дунёга келган турли тирик мавжудотлар бўлиб, улар ҳам бизларга турли мусибатлар келтиради. *Адхидаивика* - учинчи тур азоб-уқубатлар бўлиб, уларни олий сайёралардаги фаришталар юзага келтиради. Масалан, баъзида бизлар қаҳратон қиш совуғидан ёки ёзнинг жазирама иссиғидан, яшин уришидан, зилзила, тўфон, курғоқчилик ва бошқа табиий офатлардан қийналамиз. Ҳар қандай вазиятда ҳам биз уларнинг бир туридан ёки уларнинг қандайдир аралашмасидан қийналамиз.

Шундай қилиб, Санатана Парвардигорга жуда чуқур маъноли саволлар берди. "Тирик мавжудотнинг асл ҳолати қандай? - деди у. - нима сабабдан улар ҳамиша мана шу уч турли мусибатларга дучор бўлиб

юрадилар?" Санатана ўзининг бутунлай ночор ахволда эканини тан олганди. Гарчи кўпчилик одамларга у жуда билимдон олимдай бўлиб кўринишига, ҳатто ўзи ҳам шу фикрда бўлишига қарамай, аслида у ўзининг асл ҳолати қандай эканини, нима сабабдан ана шу уч турли азоб-уқубатларга дучор бўлиб юрганини билмасди.

Рухий устоз танлаш - шунчаки урф эмас, балки ўзининг бу дунёда мусибат чекиб юрганини аниқ англаб етган ва улардан халос бўлишга интилаётган киши учун ҳақиқий заруратдир. Ана шундай инсоннинг бурчи - рухий устозга мурожаат қилиш. Бу борада "Бхагавад-гита"да баён этилган шунга ўхшаш вазиятни келтириб ўтиш мумкин. Аржун бошига ҳаётда кўп муаммоларга дуч келиб, боши гангиб жангда иштирок этиш керакми ёки йўқлигини билмай қолганида Парвардигор Кришнани ўзининг рухий устози қилиб танлади. Шунда ҳам олий рухий устоз тирик мавжудотнинг асл ҳолатини таърифлаб бериб, Аржунга тўғри насиҳатлар берган эди.

"Бхагавад-гита"дан биз биламизки, ўзининг азалий табиий ҳолатига кўра тирик мавжудот мангу тирик рух(жон)дир. У модда эмас. Рухий табиатга эга бўлган жон бўлгани сабабли у олий рухнинг, Мутлак Ҳақиқат, Худо Шахсининг ажралмас тақрибий қисмидир. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, рухий табиатли **жоннинг бурчи - ўзини Худога топшириш**, чунки фақат мана шу ҳолат уни бахтли қила олади. "Бхагавад-гита"нинг охириги насиҳати шундан иборатки, жон олий рухга ўзини бутунлай топшириши ва шу тарзда ҳақиқий бахт нима эканини англаб етиши лозим.

Бу ерда Санатананинг саволларига жавоб берар экан, Парвардигор Чайтанья ҳам ана шу ҳақиқатни такрорлайди. Лекин улар орасида озгина фарқ бор. Бу ерда Парвардигор Чайтанья "Бхагавад-гита"да берилган нарсаларни такрорламайди. У ўзининг насиҳатларини Парвардигор Кришнанинг берган насиҳатлари тамом бўлган жойдан давом эттиради. Буюк содиқлар Парвардигор Чайтаньяни Кришнанинг ўзи эканини тан оладилар, шу нуқтаи назардан У Санатанага берган насиҳатларини "Бхагавад-гита"да Аржунга берган насиҳатлари тамом бўлган жойдан бошлаб давом эттиради.

"Ўзининг асл табиатингга кўра сен пок тирик жонсан, - деди Парвардигор Санатанага. - Бу моддий танани сенинг ҳақиқий моҳиятига қиёслаб бўлмайди; на сенинг ақлинг, на тафаккуринг, на сохта ўзлигинг, сенинг ҳақиқий "мен"инг эмас". Асл моҳиятига кўра сен Парвардигор Кришнанинг мангу хизматкорисан. Сенинг асл ҳолатинг илоҳий табиатга эга. Кришнанинг олий қуввати рухий табиатга эга, унга бўйсунган куйи қувват эса – моддий сифатга эга. Сен моддий ва рухий қувват оралиғида жойлашганинг туфайли сен оралик ҳолатни эгаллаб турибсан. Кришнанинг оралик қувватига мансуб бўлганинг сабабли сен бир вақтнинг ўзида ҳам Кришна билан бир, ҳам Кришнадан фарқлисан. Сен рухий табиатга эга бўлганинг учун Кришнадан фарқ қилмайсан, лекин сен, аслида Кришнанинг арзимас кичик заррачаси бўлганинг учун Кришнадан фарқ қиласан".

Ҳамма нарсанинг мана шундай бир вақтнинг ўзида Парвардигор билан бирлиги ва фарқ қилиши тирик мавжудотлар билан Парвардигорнинг ўзаро муносабатларида ҳам иштирок этади. Мана шу "бирлик ва

фарқ қилиш" таълимотини тирик мавжудотнинг оралик ҳолати нуқтаи-назаридан тушуниш мумкин. Тирик мавжудот худди қуёш нурунинг молекуляр заррачасига ўхшайди, Кришнани эса, порлаб турган қуёшнинг ўзига ўхшатиш мумкин. Парвардигор Чайтанья тирик мавжудотларни ёниб турган оловдан учиб чиққан порлок учкунларга, Парвардигорни эса, - қуёшнинг порлаб турган оловига ўхшатган. Бу борада Парвардигор "Вишну-пурана"(1.22.52)дан бир шеър келтиради:

*эка-деша-стхитасйагнер  
джйотсна вистарини йатха  
парасйа Браҳманаҳ шактис  
татхедам акихлам джагат*

**"Бу космик оламда намоён бўлган нарсаларнинг ҳаммаси - шунчаки Парвардигорнинг қувватларидир. Худди бир жойдан чиқиб турган олов атрофга иссиқлик ва нур таратгани сингари Парвардигор ҳам, гарчи ўзи рухий оламда бир жойда турган бўлишига қарамасдан, ўзининг ҳар хил рухий қувватларини ҳамма жойда намоён этади. Ҳақиқатан ҳам бутун космик олам Унинг намоён бўлган турли қувватларидан таркиб топган".**

Парвардигорнинг қуввати илоҳий ва рухий, тирик мавжудотлар эса, ана шу қувватнинг таркибий қисмларидир. Лекин, "моддий қувват" деб аталадиган бошқа қувват ҳам мавжуд бўлиб, у ғофиллик пардаси билан қопланган. Моддий табиат ҳисобланган ана шу қувват уч турли сифатга эга бўлган кучга, гуналарга бўлинади(эзгулик, эҳтирос ва ғафлат). Парвардигор Чайтанья "Вишну-Пурана"(1.3.2)дан бир шеър келтирди, унда айтилганки, англаб бўлмайдиган қувватларнинг барчаси Худонинг Олий Шахсида жойлашган, намоён бўлган бутун космик олам Парвардигорнинг англаб бўлмас қуввати туфайли ҳаракат қилади.

Шунингдек, Парвардигор айтдики, тирик мавжудотлар *киштраджна*, яъни "фаолият майдонини биладиган зотлар" деб аталадилар. "Бхагавад-гита"нинг ўн учинчи бобида тана *киштра*, фаолият майдони деб, тирик мавжудот эса - *киштраджна*, ана шу "майдонни билувчи" деб таърифланади. Гарчи тирик мавжудот ўзининг тузилишига кўра рухий қувватни билса ҳам, аниқроғи, рухий қувватни англаш қобилиятига эга бўлса ҳам, у моддий қувват билан қопланган, шунинг оқибатида танасини "ўзим" деб билади. Ўзини ана шундай сохта қиёслаш "сохта ўзлик" деб аталади. Ана шу сохта ўзлик йўлдан адаштирган, адашган тирик мавжудот моддий дунёда ҳар хил таналарни алмаштириб юради ва турли мусибатларга дучор бўлади. Тирик мавжудотларнинг ҳар хил турлари тирик мавжудотнинг асл ҳолати ҳақидаги илмга турли даражада эга бўладилар.

Бошқача қилиб айтганда, шуни тушуниш лозимки, тирик мавжудот Парвардигорнинг рухий қувватининг таркибий қисми ҳисобланади. Моддий қувватга бўйсунган ҳолатда бўлгани сабабли инсон ана шу моддий қувват қатламидан халос бўлиши ва рухий қувватдан фойдаланиши мумкин. "Бхагавад-гита"да айтилганки, куйи қувват олий қувватни қоплаб олади, бунинг натижасида ана шу моддий қувват сабабли тирик мавжудот моддий оламдаги мусибатларга дучор бўлиб, эҳтироси ва ғофиллигига мос равишда турли даражада уларни бошидан кечиради. Онги анча покланган тирик



мавжудотлар камроқ азият чекадилар, лекин умуман олганда, моддий қувват билан қоплангани сабабли ҳамма моддий муносибатларга дучор бўлади.

Чайтанья Махапрабху "Бхагавад-гита"нинг еттинчи бобидан мисол келтирди, унда айтилганки, ер, сув, олов, ҳаво, эфир, ақл, тафаккур ва сохта ўзлик ҳаммаси биргаликда Парвардигорнинг қуйи қувватини ташкил этади. Лекин, тирик мавжудотнинг асл моҳияти олий қувват, айнан ана шу қувват сабабли бутун моддий олам ҳаракатга келиб туради. Моддий унсурлардан таркиб топган космик моддий олам, токи уни олий қувват, яъни тирик мавжудот ҳаракатга келтирмагунча, ўзи мустақил ҳолда ҳаракат қилишга қодир эмас. Аслини олганда айтиш мумкинки, тирик мавжудотнинг шартланган ҳаёти - у Парвардигор билан руҳий қувват ичида бўладиган ўзаро мангу муносибатларини унутгани оқибатидир. Ана шу муносибатлар эсдан чиқарилганда тирик мавжудотнинг шартланган ҳаёти бошланади. Инсон фақат ўзи аслида Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини англаб етиб, ўзининг ҳақиқий ўзлигини жонлантирганидагина ҳақиқий озодликка эришади.

#### 4-Боб. Донишманд

Тирик мавжудот қачон моддий қувват билан аралашиб қолганини ҳеч ким аниқлай олмагани учун Парвардигор бунинг аввали йўқ деб айтган. Бундан шуни назарда тутиш лозимки, шартланган ҳаёт хали олам бошланмай туриб мавжуд; шартланган ҳаёт олам яратилганда ва ундан кейин, шунчаки, ўзини намоеън этади. Гарчи руҳий табиатга эга бўлса ҳам, тирик мавжудот ўзининг асл табиатини эсидан чиқаргани сабабли моддий оламда ҳар хил азоб-уқубатларга дучор бўлиб юради. Лекин шуни тушуниб олиш лозимки, моддий қувват чангалига тушиб қолмаган тирик мавжудотлар ҳам бор бўлиб, улар руҳий оламда яшайдилар. Улар озод руҳлар деб аталадилар ва ҳамиша Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиб яшайдилар.

Моддий табиат билан шартланиб қолган зотларнинг бутун фаолияти ана шу фаолиятга мос равишда ҳисобга олинади ва кейинги ҳаётида уларнинг шу фаолиятига мос келадиган моддий тана берилади. Моддий оламда шартланган, лекин ўзи руҳий табиатга эга бўлган жон ҳар хил мукофотларнинг ва жазоларнинг натижасини бошидан кечириб юради. У ўзининг такводорлик фаолияти учун мукофотланганида жаннатий сайёраларга кўтарилиб, шу ердаги фаришталардан бири бўлиб яшайди, у ўзининг қилган гуноҳ ишлари учун жазоланганида эса, дўзахий сайёралардан бирига тушиб, моддий ҳаётнинг энг изтиробли азобларидан азият чекади. Чайтанья Махапрабху ана шундай жазони тушунтириш учун ажойиб бир мисол келтиради. Авваллари шоҳ жиноятчиларни одатда қуйидагича жазолар экан: жиноятчини сувга чўктириб ушлаб туришар, кейин у зўрға бир марта нафас ола билиши учун калласини сувдан чиқариб, яна сувга тикар эмишлар. Моддий

табиат ҳам тирик мавжудотни худди шундай йўл билан жазолайди. Тирик мавжудот жазоланганида уни моддий азоб-уқубатлар сувига ғарқ қиладилар, у мукофотланганида эса, уни қандайдир вақт мобайнида сувдан чиқарадилар. Олий сайёраларга кўтарилиш ёки ҳозирги ҳаётда юқориқоқ мартабани эгаллаш ҳеч қачон узоқ давом этмайди. Тирик мавжудот барибир яна сувга(муносибатга) ғарқ бўлишга мажбур бўлади. Моддий ҳаётда буларнинг ҳаммаси ҳамиша рўй бериб турадиган нарсалардир; тирик мавжудот ё олий саёралар тизимига кўтарилади, ё яна моддий ҳаётнинг дўзахий сайёраларига тушиб қолади.

Бу борада Чайтанья Махапрабху "Шримад Бхагаватам"дан бир шеърни мисол келтиради, унда Нарада Мунининг Васудевага берган насиҳати келтирилган:(11.2.37)

*бхайам двитийабхивешатах сйад  
йшад апетасйа випарйайо "смритих  
тан-майайато будха абхаджат там  
бхактйаикайешам гуру-девататма*

Тўққиз донишманднинг Ними Махаражга айтган гаплари келтирилган бу мисолда *майя* ибораси "Кришна билан ўзининг муносибатларини унутиш" деб таърифланган. Ҳақиқатан ҳам, *майя* ибораси "мавжуд бўлмаган нарса" деган маънони англатади. Аслида йўқ нарса. Шундай қилиб, тирик мавжудот Парвардигор билан боғланмаган деб айтиш - алданишдир. Тирик мавжудот Парвардигорнинг мавжудлигига ишонмаслиги ёки ўзининг Парвардигор билан ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб ўйлаши мумкин, аммо буларнинг ҳаммаси алданиш, сароб яъни *майя* ҳисобланади. Инсон ҳаёт ҳақида ана шундай нотўғри тасаввурларга ғарқ бўлгани сабабли ҳамиша қўрқув ва хавотирга тушиб юради. Бошқача қилиб айтганда, ҳаёт ҳақида имонсизларча Худо йўқ деган тасаввурга эга бўлиш *майя* деб аталади. Ведалар адабиётини ҳақиқатан ҳам яхши биладиган киши Парвардигорни ҳаётининг олий мақсади қилиб, бунга ўзини бутунлай бахшида қилиб ўз ихтиёрини Худога топширади. Тирик мавжудот ўзининг Парвардигор билан бўлган азалий муносибатларининг табиатини эсдан чиқарганида уни дарров ташки қувват мағлуб қилади. Мана шу унда сохта ўзлик пайдо бўлишига, у ўзини танасига қиёслаб бошлашига сабаб бўлади. Аслида унинг моддий коинот ҳақидаги барча тасаввурлари унинг ўзини моддий танасига ана шундай қиёслашидан келиб чиқади, чунки у ўз танасига ва тана фаолиятининг маҳсули бўлган нарсаларга боғланиб қолади. Ана шу қопқондан кутулиш учун у фақат ўз бурчини ҳалол бажариши ҳамда Кришнани чуқур тафаккур ва садоқат билан самимий англаб етган ҳолда ўзини бутунлай Худога топшириши лозим.

Шартланган руҳ адашгани сабабли ўзини бу дунёда "бахтли" деб алданиб юради, лекин унинг омади келиб, Худонинг асл содиқ хизматкорининг насиҳатларини тинглаш шарафига муяссар бўлса, у моддий жиҳатдан лаззатланиб яшашга бўлган барча истакларини тарк этади ва Кришна онгидаги комил инсон онгига эга бўлади. Инсон Кришна онгида ҳаракат қила бошлаган захоти ундаги моддий лаззатланишга бўлган истаклар ғойиб бўлади, куёш бор жойда зулматга ўрин йўқ, Кришна онги эса - дунёвий моддий лаззатланиш зулматини ёритиб юборадиган куёшдир.

Кршнани англаб етган киши ҳеч қачон ҳаёт ҳақида ўзини Худо билан бир деган тасаввур тузоғига илиниб қолмайди. У фақат ўзи учун меҳнат қилиш билан бахтга эриша олмаслигини билган ҳолда ўзининг бутун куч-қувватини Парвардигорга хизмат қилиш учун сарфлайди ва бунинг натижасида алдамчи моддий қувват чангалидан озодликка чиқади. Бу борада Чайтанья Махапрабху "Бхагавад-гита"дан бир шеър келтиради(7.14):

*даиви хй эша гунамайй мам майа дуратйайа  
мам эва йе прападийанте майам этам таранти те*

**"Моддий табиатнинг уч гунасидан таркиб топган Менинг бу илохий қувватимни енгиш жуда қийин. Аммо, ўзини Менга топширган киши осонлик билан унинг ҳукми остидан чиқиб кетади".**

Чайтанья Махапрабху насиҳатларини давом эттириб айтдики, тирик мавжудот қандайдир кармали фаолият билан машғул бўлишга кетказган ҳар бир лаҳзасида ўзининг ҳақиқий "мен"ини эсдан чиқаради. Вақти-вақти билан, моддий фаолиятдан чарчаб, қийналган пайтда у озодликка чиқишга интилади ва худди Парвардигордай эркин бўлишга ҳаракат қилади, лекин бошқа вақтда у, "агар ҳиссий лаззатланиш ниятида оғир меҳнат қилсам, албатта бахтиёр бўламан" деб ўйлайди. У ҳар икки ҳолатда ҳам моддий қувват пардаси билан қопланган бўлади. Ана шундай адашган шартланган жонларга илм ўргатиш ниятида Парвардигор жуда кўп ведавий муқаддас китобларни нозил қилган: Ведалар, Пураналар ҳамда "Веданта-сутра". Уларнинг ҳаммаси инсонларга Худонинг даргоҳига қайтиб бориш йўлини кўрсатиш учун мўлжалланган. Ўзининг кейинги насиҳатларида Чайтанья Махапрабху тушунтирадики, шартланган руҳ руҳий устознинг марҳамати билан қалбидаги Олий Руҳ ва турли ведавий муқаддас китоблар кўрсатмаси асосида руҳий ўзликини англаш йўлидан юксала боради. Парвардигор Кришна ҳамisha Ўзининг содиқ хизматкорларига жуда меҳрибонлик билан ғамхўрлик қилгани туфайли ана шу ведавий муқаддас китобларнинг ҳаммасини нозил қилган, улар ёрдамида инсон ўзининг Парвардигор билан ўзаро муносабатларини тушуниб, шунга асосан ҳаракат қила олади. Шу тарзда инсонга ҳаётнинг олий мақсади инъом этилади.

Аслини олганда ҳар бир тирик мавжудотнинг тақдирига эртами-кечми Худонинг даргоҳига эришиш ёзилган. Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай инсон ҳам ўзининг Парвардигор билан бўлган ўзаро муносабатларини англаб ета олади. Инсоннинг руҳий баркамолликка эришишга қаратилган ўз бурчини бажариши **Худога садоқат билан хизмат қилиш** деб аталади, ана шундай хизмат қилиш мукамал ҳолатга етганида Худога муҳаббатга айланади, мана шу - ҳар бир тирик мавжудотнинг якуний мақсадидир. Аслида тирик мавжудотнинг вазифаси диний урф-одатларни бажаришда, иқтисодий ривожланишда ёки ҳиссий лаззатланишда баркамолликка эришиш эмас. Тирик мавжудот дин, иқтисод ёки ҳиссий лаззат нари турсин, ҳатто озодликка эришишда ҳам муваффақият қозонишга интизмаслиги керак. Инсон аслида битта нарсани исташи, орзу қилиши лозим - Худога соф садоқат ва илохий муҳаббат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилиш. Парвардигор Кришнанинг ҳаммани ўзига мафтун этадиган сифатлари ана шундай илохий хизмат поғонасига

кўтарилиш имконини беради, фақат Кришна онгидаги ана шундай хизмат қилиш орқали инсон ўзининг Парвардигор Кришна билан қандай муносабатда эканини англаб ета олади.

Инсоннинг бу дунёда яшашдан ўзининг якуний мақсадини излаши ҳақида гапирар экан, Чайтанья Махапрабху Мадхвачарьянинг "Шримад Бхагаватам"(5.5.10-13)га берган изоҳида келтирилган бир воқеани гапириб беради. Унда Сарваджна деган мунажжимнинг келажагини билиш учун олдига келган бир гадоёга берган насиҳатлари келтирилган. Сарваджна у кишининг гороскопини қараб кўрди ва унинг бунчалик кашшоқлигидан хайрон бўлиб шундай деди: "Нимага сен бунчалик изтироб чекапсан? Тақдирингдан кўриниб турибдики, сен учун отанг катта ҳазина яшириб кетган. Лекин, отанг сенга шу ҳазина ҳақида гапира олмай қолган, чунки у бошқа бир давлатда вафот этган. Лекин сен энди ана шу ҳазинани излаб топишинг ва бахтли яшашинг мумкин". Мунажжим ҳақидаги бу ҳикояни гапиришдан мақсад шуки, тирик мавжудот унга Олий Ота. Парвардигор Кришна ваъда бериб қўйган тенгсиз ҳазинадан беҳабар бўлгани сабабли тирик мавжудот бу дунёда азоб чекиб юрибди. Ана шу ҳазина - Худога муҳаббат бўлиб, барча ведавий муқаддас китоблар инсонга ана шу бахтни излаб топишни маслаҳат берадилар. "Бхагавад-гита"да айтилганки, гарчи тирик мавжудот ҳаммадан бадавлат бўлган Зот - Худо Шахсининг ўғли бўлса ҳам, ўзи буни тушунмайди. Шунинг учун ведавий асарлар унга ўзининг отасини ва ўша отасига тегишли бўлган нодир бойликни излаб топишда ёрдам берадилар.

Шундан кейин мунажжим Сарваджна кашшоқ одамга шундай маслаҳат беради: "Сен бу ҳазинани топиш учун уйингнинг жануб томонини қовлама, чунки бунда сенга заҳарли ари хужум қилади ва сен ўз мақсадинга эриша олмайсан. Сен ҳазинани шарқ томондан изла. Худога садоқат билан хизмат қилиш, яъни Кришнани англаш деб аталадиган ҳақиқий нур ана шу тарафда. Жанубий томонда ведавий урф-одатлар, ғарб томонда эса - мушоқабат қилиш йогаси жойлашган".

Ҳар бир оқил инсон мунажжим Сарваджнанинг насиҳатларига жиддий қулоқ солиши лозим. Агар инсон диний урф-одатларга риоя қилиб яшаш орқали инсон ҳаётининг олий мақсадига эришаман деса, у муваффақиятга эриша олмайди. Бу усулди киши пул тўлаш эвазига бирор руҳоний ёллаб, унинг раҳбарлиги остида диний маросимларни ўтказиши лозим. Инсон ўзининг ўтказган ана шу маросимлари унга бахт келтиради, деб ўйлаши мумкин, лекин аслида, ҳатто бу йўлда у қандайдир натижаларга эришса ҳам, улар вақтинчалик нарсалар бўлади. Унинг моддий оламдаги бахтсизликлари давом этаверади. Шундай қилиб, у диний маросимларни ўтказиш ёрдамида ҳеч қачон ҳақиқий бахтга эриша олмайди. Бунинг устига унинг моддий мусибатлари тобора кўпайиб бораверади. Ҳазинани уйнинг шимол тарафидан излаш, яъни, инсон ҳаётининг олий мақсадига мушоқабат қилиш йогаси ёрдамида эришиш ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу жараёнда инсон Парвардигорнинг борлигига қўшилиб кетишга интилади, аммо тирик мавжудот учун Парвардигорнинг борлигида йўқ бўлиб кетиш - катта илоннинг оғзига кириб кетиш демакдир. Баъзида катта илон кичкина илонни ютиб юборади, Парвардигорнинг руҳий

борлигига сингиб кетишни ҳам шунга ўхшатиш мумкин. Кичкина илон баркамолликка интилиб юрганида уни ютиб юборадилар. Албатта, бу унинг муаммоси хал бўлганини билдирмайди. Ғарб тарафда ҳам *йакша*, хазинани кўриқлаб турган ёвуз руҳ бор. Хазина излаб топишда ёрдам сўраб яқшага мурожаат қилган киши ҳеч қачон мақсадига эриша олмайди. Бунинг оқибатида у фақат ҳалокатга учрайди, холос. Бу ерда *йакша* - ҳар хил фикр-мулоҳазаларга бериладиган ақл, фалсафий изланишлар ёрдамида руҳий ўзлигини англаб етишга интилиш, яъни, *джнана* йўли ҳам кишини ҳалокатга олиб келади.

Шундай қилиб, муваффақият қозонишнинг ягона йўли - яширинган хазинани шарқ тарафдан излаш, яъни, тўлиқ Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилишдан иборат. Ҳақиқатан ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли - чексиз хазина, инсон ана шу хазинани эгаллаганида тенгсиз бойликка эга бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилишда қашшоқ бўлган киши ҳамиша қандайдир моддий бойликларга интилиб юради. Баъзан у заҳарли мавжудотлар чакишидан изтироб чекади, баъзан эса, орзу-умидлари пучга чиққанидан мусибатга тушади; баъзан у монизм фалсафасини ўрганиб, ўзининг алоҳида мавжудлигини йўқотади, баъзида эса, уни катта илон ютиб юборади. Инсон фақат буларнинг ҳаммасини тарк этган ҳолда Кришна онгида, Худога садоқат билан хизмат қилишда мустақкам ўрнашиб олсагина инсон ҳаётининг мукамал поғонасига кўтарила олади.

## 5-Боб. Инсон қандай қилиб Худога яқин бўла олади

Аслида ведавий муқаддас китобларнинг ҳаммаси инсонга Худога садоқатнинг мукамал поғонасига эришиш йўлини кўрсатади. Кармали фаолият, фалсафий изланиш ва мураккаб йўллари инсонни руҳий баркамолликка эриштира олмайди, аммо Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали инсон ҳақиқатан ҳам Худога яқинлашади. Шунинг учун ведавий муқаддас китобларнинг ҳаммаси инсонга ана шу йўлга киришни маслаҳат беради. Чайтанья Махапрабху "Шримад Бхагаватам"дан Парвардигор Кришнанинг Уддхавага берган насиҳатини келтиради(11.14.20):

*на саттвайати мам його  
на санкхйам дхарма уддхава  
на свадхйайас тапас тйаго  
йатха бхактир мамордждита*

**"Азизим Уддхава, на фалсафий изланишлар, на мураккаб йогаси, на тавба-тазаррулар Менга тирик мавжудотларнинг садоқат билан қилаётган хизмати сингари мамнуният келтира олмайдилар".** Парвардигор Кришна фақат Ўзининг содиқ хизматкорлари учун азиз ва Унга фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали эришиш мумкин. Агар паст табақадан чиққан киши Худонинг содиқ хизматкори бўлса, у ўзидан-ўзи барча иллатлардан озод бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилиш - инсон Худонинг Олий Шахсига эриша олиши мумкин бўлган ягона йўл. Мана шу - барча ведавий муқаддас китобларда тан олинган

ягона баркамолликдир. Худди, қандайдир хазинага эга бўлган гадоё бахтга эришгани сингари, инсон Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириши билан унинг бу дунёдаги барча мусибатлари ўзидан-ўзи ғойиб бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида юксала бориб, инсон қалбида Худога муҳаббат уйғонади, ана шу муҳаббат туйғуси ривожлана борган сари, инсон моддий олам тутқунлигидан озод бўла бошлайди. Лекин, қашшоқликдан қутулиш ва моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиш Кришнага бўлган муҳаббатнинг якуний натижаси, деб ўйламаслик керак. Кришнага муҳаббат туйғуси содиқнинг қилган хизмати-га жавобан Кришнанинг берган лаззатида яшайди. Барча ведавий муқаддас китобларда кўришимиз мумкинки, Худога садоқат билан хизмат қилишдан мақсад тирик мавжудот билан Парвардигор орасидаги муҳаббатга асосланган ана шундай лаззатли муносабатлардир. **Бизларнинг асосий вазифамиз - Худога садоқат билан хизмат қилиш, якуний мақсадимиз эса - қалбимизда Худога муҳаббат уйғотиш.** Барча ведавий муқаддас китобларнинг хулосаси шундан иборатки, Кришна - ҳамма нарсанинг якуний маркази, чунки Кришнани англаб етиш билан инсон ҳаётининг барча муаммолари хал бўлади.

Чайтанья Махапрабху айтадики, гарчи турли фаришталарга сиғинишни тавсия қиладиган муқаддас китоблар мавжуд бўлса ҳам, бундай кўрсатмалар одамларни йўлдан адаштиради, чунки бунда одамлар фаришталарни олий ҳукмдор деб ўйлай бошлайдилар. Лекин шунга қарамай, агар инсон Пураналарни синчковлик билан жиддий ўрганиб чиқса, у Кришна, Худонинг Олий Шахси - сиғиниш лозим бўлган ягона Зотдир, деган хулосага келади. Масалан, "Маркандея Пурана"да Девига, яъни фаришта Дургага ёки Калига сиғиниш тавсия қилинган, лекин, худди шу чандикада айтилганки, барча фаришталар, - хатто Дурга ёки Кали киёфасидаги фаришталар ҳам, Парвардигор Вишнунинг ҳар хил қувватлари тимсолидир. Шундай қилиб, Пураналарни ўрганиш сиғиниш лозим бўлган ягона Зот сифатида Худонинг Олий Шахси Парвардигор Вишнунинг моҳиятини очиб беради. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, сиғинишнинг барча турлари бевосита ёки билвосита у ёки бу даражада Худонинг Олий Шахси Кришнага қаратилган. "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланадики, фаришталарга сиғиниб юрган кишилар ҳам аслида фақат Кришнага сиғинадилар, чунки фаришталар Парвардигор Вишну ёки Кришнанинг танасининг турли қисмларидир. "Бхагавад-гита"(7.20-23,9.23)да айтилганки, фаришталарга ана шундай сиғиниш нотўғри. Бундай амалнинг нотўғрилигини тасдиқлаб, "Шримад Бхагаватам" шундай савол беради: "Турли фаришталарга сиғинишдан мақсад нима ўзи?" Ведавий муқаддас китобларда урф-одатлар билан боғлиқ бўлган бир неча бўлим бор. Улардан биттаси - *карма-канда*, яъни фақат урф-одатлардан таркиб топган фаолият, яна бир бўлим - *джнана-канда* - олий Мутлақ Ҳақиқат ҳақида фикрлаш. Унда Ведаларнинг урф-одатларга бағишланган бўлимининг, турли фаришталарга сиғинишни кўрсатадиган мантра ва мадҳияларнинг мақсади нимада? Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги турли фалсафий изланишлардан мақсад нима? "Шримад Бхагаватам" бунга жавоб бериб айтадики, аслида

Ведаларда кўрсатилган бу усулларнинг ҳаммаси Парвардигор Вишнуга сиғинишни кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг ҳаммаси Худонинг Олий Шахсига сиғинишнинг билвосита йўллари ҳисобланади. Муқаддас китобларнинг урф-одатлар бўлимида кўрсатилган қурбонлик маросимлари Парвардигор Вишнуни мамнун қилиш учун мўлжалланган. Ҳақиқатан ҳам, *йаджна*, қурбонлик маросими Парвардигор Вишнуни мамнун қилиш учун мўлжаллангани сабабли, Парвардигор Вишнунининг номларидан бири Йаджнешвара, қурбонлик маросимларининг Худоси.

Ҳамма ғофил одамлар бир хил руҳий поғонада турмагани сабабли уларга моддий табиатнинг турли гуналари таъсири остида бўлган ҳолатига мос равишда турли фаришталарга сиғиниш тавсия қилинади. Бунинг мазмуни шундан иборатки, шу йўл билан ана шундай ғофил одамлар ҳам аста-секин илоҳий поғонага кўтарилиб, Худонинг Олий Шахси Парвардигор Вишнуга хизмат қилиш билан шуғуллана оладилар. Масалан, гўштли овқатларга боғланиб қолган баъзи ғофил одамларга Пураналар фақат аввал Кали фариштасига таклиф қилгандан кейингина гўшт ейишни тавсия қиладилар.

Ведавий мадҳияларнинг фалсафий бўлимининг мақсади шундан иборатки, улар инсонга Парвардигорни майадан ажрата билиш имкониятини берадилар. Майанинг ҳолатини тушуниб, соф садоқат билан хизмат қилиш орқали инсон Худога яқинлаша олади. Фалсафий изланишлардан асосий мақсад шундан иборат, бу "Бҳагавад-гита"да ҳам тасдиқланади(7.19):

*бахунам джанманам анте  
джнанаван мам прападиате  
васудеваҳ сарвам ити  
са махатма судурлабхаҳ*

**"Кўплаб туғилиш ва ўлишлардан кейин, ҳақиқий илмга эга бўлган киши бутун борлиқнинг барча сабабларининг сабабчиси Мен эканимни анлаб, ўзини Менга топширади. Аммо, бу дунёда бундай буюк зотни учратиш жуда қийин".**

Шундай қилиб, кўриш мумкинки, барча ведавий урф-одатлар, сиғинишнинг ҳар хил турлари ва ҳар хил фалсафий изланишлар оқибат-натияжада бир мақсадга - Парвардигор Кришнага қаратилган.

Кейин Чайтанья Махапрабху Санатана Госвамига Парвардигор Кришнанинг турли қиёфалари ва Унинг чексиз бойликлари ҳақида гапириб берди. Шунингдек, У руҳий олам, намоён бўлган моддий олам ва тирик мавжудотларни таърифлаб берди. У Санатана Госвамига айтдики, руҳий оламдаги *Вайкунтҳа* деб аталадиган сайёралар ва моддий оламдаги сайёралар, аслида намоён бўлишнинг турли кўринишларидир, чунки бу оламлар аслида бир бирига ўхшамаган икки хил қувватга - моддий ва руҳий қувватга мансубдир. Парвардигор Кришнанинг Ўзи эса, бевосита Ўзининг руҳий қувватида, аниқроғи, ўзининг ички қувватида мавжуд. Моддий ва руҳий қувватлар орасидаги мана шу фарқни тушуниб олишимизга ёрдам бериш учун "Шримад Бҳагаватам"нинг иккинчи кўшиғида ана шу икки қувват батафсил таҳлил қилиб таърифланган. Улар Шриддхара Свамийнинг "Шримад Бҳагаватам"нинг Ўнинчи Кўшиқ биринчи шеърига берган изоҳида аниқ таҳлил

қилинган. Парвардигор Чайтанья Шриддхара Свамийни "Шримад Бҳагаватам"ни мукаммал изохлаб берган ишончли донишманд сифатида тан олган. У унинг асарларидан мисоллар келтириб, тушунтирадики, "Шримад Бҳагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида Парвардигор Кришнанинг ҳаёти ва қароматлари таърифланган, чунки Кришна намоён бўлган бутун борлиқнинг нажот маконидир. Шуни билган ҳолда, Шриддхара Свами Парвардигор Кришнага сиғинган ва Кришнага бутун борлиқнинг нажот макони сифатида хурмат-эҳтиром кўрсатган.

Бу дунёда икки мезон ҳукмрон: биринчи мезон - манба ва бутун борлиқнинг нажот макони, иккинчи мезон - ана шу биринчи, бошланғич мезоннинг ҳосиласи. Олий Ҳақиқат намоён бўлган ҳамма нарса-нинг нажот макони: У *ашрайа* деб аталади. Бошқа ҳамма мезонлар *ашрайа-таттва*, яъни Мутлақ Ҳақиқат назорати остида бўлиб, *ашрита*, яъни "бўйсунган бевосита оқибат ёки таъсирлар" ҳисобланади. Намоён бўлган моддий оламнинг мақсади - шартланган руҳнинг озодликка чиқишиги ва *ашрайа-таттва*га, яъни Мутлақ Ҳақиқатга қайтиш имконини бериш. Бутун космик оламда ҳамма нарса ашрайа-таттвага - яратишнинг намоён бўлиши, яъни Вишнунинг намоён бўлишига боғлиқ, унга қарам бўлгани учун турли фаришталар ва қувватнинг намоён бўлган кўринишлари, тирик мавжудотлар ва барча моддий унсурлар Кришнага қарам, чунки Кришна Олий Ҳақиқатдир. Шундай қилиб, "Шримад Бҳагаватам" кўрсатадики, Парвардигор Кришна бутун борлиқнинг бевосита ёки билвосита паноҳ макони бўлиб хизмат қилади. Бундан келиб чиқадики, "Бҳагавад-гита"да тасдиқланганидай, фақат Кришнани таҳлилий жиҳатдан ўрганиш орқали мукаммал илмга эришиш мумкин.

Кейин Парвардигор Чайтанья Санатана Госваидан диққат билан тинглашни илтимос қилиб, Кришнанинг Ўзига хос бўлган турли хил хусусиятларини таърифлаб берди. Шундан сўнг У айтдики, Кришна, Махараж Нанданинг ўғли Мутлақ - Олий Ҳақиқат, барча сабабларнинг сабаби ҳамда Парвардигорнинг барча эманация ва мужассам бўлган қиёфаларнинг манбаидир. Шунга қарамай, У ҳамшиша Враджда, яъни Голока Вриндавандаги ёш болага ўхшайди ва Нанда Махаражнинг ўғли бўлиб юради. Унинг ана шу қиёфаси мангу, лаззат ва илоҳий илмга тўла. У - бутун борлиқнинг эгаси ва нажот макони.

Шунингдек, Чайтанья Махапрабху "Брахма-самхита"дан мисол келтиради, унда Парвардигор Кришнанинг танасининг илоҳий сифатлари ҳақида айтилган(5.1):

*шивараҳ парамаҳ кришнаҳ  
сач-чид-ананда-виграхаҳ  
анадир адир говиндах  
сарва карана каранам*

**"Ҳамма Говинда деб чақирадиган Кришна ягона Парвардигордир. Унинг илоҳий танаси мангу ва лаззатга тўла. У ҳамма нарсанинг бошланғич манбаи. Унинг бошқа манбаи йўқ ва У барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси".**

Чайтанья Махапрабху шу тарзда Парвардигор Кришна олти жиҳатга мукаммал эга бўлган азалий Худо Шахси эканини исботлайди. Голока Вриндавана

деб аталадиган, рухий оламнинг олий сайёралар тизими - Унинг даргоҳидир.

Шунингдек, Парвардигор Чайтанья "Шримад Бхагаватам"дан бир шеър келтирди(1.3.28):

*эте чамша-калаҳ пумсаҳ  
кришнас ту бхагаван свайам  
индрари-вйакулам локам  
мридайанти йуге йуге*

Инкарнацияларнинг ҳаммаси ё Кришнанинг бевосита экспансиялари, ё Кришнанинг экспансиясининг билвосита экспансияларидир. Аммо "Кришна" ибораси бошланғич Худо Шахсини билдиради. Мана шу коинотда, мана шу Ер сайёрасида ёки бошқа бирор коинотда ҳамиша фаришталарнинг ҳокимиятига қаршилиқ қилиб юрадиган имонсиз иблислар сабабли тартибсизликлар юзага келганда рухий оламдан ташриф буюрадиган ягона Парвардигор ана шу Кришна бўлади.

Кришнани тушуниб олиш мумкин бўлган уч йўл бор: фалсафий изланишларнинг эмпирик(тажриба) йўли, мурукаба йўли, Кришнани англаш, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли. Фалсафий изланишлар усули ёрдамида Кришнанинг шахсиятсиз жиҳати - шахсиятсиз Брахманни англаб етиш мумкин. Мурукаба, яъни сеҳрли йога усули ёрдамида Олий Рух, яъни Кришнанинг ҳамма жойда мавжуд бўлган экспансияси англаб етилади. Тўлиқ Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиш эса, азалий Худо Шахсини англаб етиш имконини беради. Парвардигор Чайтанья "Шримад Бхагаватам"дан мана бу шеърни ҳам келтиради(1.2.11):

*ваданти тат таттва-видас  
таттвам йадж джнанам адвайам  
брахмети параматмети  
бхагаван ити шабдйате*

**"Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган кишилар Мутлақ Ҳақиқатни уч кўринишда таърифлайдилар: шахсиятсиз Брахман, ҳамма жойга сингиб кетган: ҳамма жойда мавжуд Параматма ва Худонинг Олий Шахси, Кришна".** Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг намоён бўлган шахсиятсиз кўриниши Брахман, унинг ҳамма жойда мужассам бўлган кўриниши Параматма ва Худонинг Олий Шахси Бхагаван - аслида бир Зот. Лекин, Уни англаб етишда қайси йўлдан боришни танлашга қараб, Уни ё шахсиятсиз Брахман, ё Параматма ёки Бхагаван кўринишида англаб етиш мумкин.

Шахсиятсиз Брахманни англаб етган киши, шунчаки Кришнанинг илохий танасидан таралиб турган ёғдуни англаб етган бўлади. Бу ёғдуни куёшнинг нурига ўхшатиш мумкин. Куёш фариштаси бор, куёшнинг ўзи бор ва бошланғич куёш фариштасидан таралиб турган ёғду бўлган куёш нури бор. Худди шундай, рухий ёғду (*брахмажйоти*), шахсиятсиз Брахман Кришнадан таралиб турган ёғду ҳисобланади. Ана шу таҳлилни тасдиқлаш учун Парвардигор Чайтанья "Брахмасамхита"дан муҳим бир шеърни келтиради, унда Тангри Брахма шундай дейди:

*йасйа прабха прабхавато джагаданда-коти-  
котшив ашеша-васудхади-вйбхути-бхиннам  
тад-браҳма нишкалам анантам ашеша-бхутам  
говиндам ади-пурушам там ахам бхаджам*

**"Мен Худонинг Олий Шахсига сиғинаман, Ундан таралиб турган ёғду чексиз Брахмажйотини намоён этади. Ана шу брахмажйотида сон-саноксиз**

**коинотлар жойлашган, уларнинг ҳар бирида сон-саноксиз сайёралар бор".**

Парвардигор Чайтанья таъкидлаб айтдики, Параматма, Парвардигорнинг ҳамма жойда мавжуд, ҳар кимнинг қалбида жойлашган кўриниши Кришнанинг экспансияси, яъни қисман намоён бўлган жиҳатидир, лекин Кришна барча руҳларнинг руҳи(жони) бўлгани туфайли У Параматма, яъни, Олий "Мен" деб аталади. Бу борада Парвардигор Чайтанья "Шримад Бхагаватам"даги Махараж Парикшит билан Шукадева Госваманинг суҳбатидан яна бир шеърни келтиради. Кришнанинг Вриндавандаги илохий эрмаклари ҳақида тинглаб туриб, Махараж Парикшит рухий устози Шукадева Госвамидан нимага Вриндаванликлар Кришнага шунчалик қаттиқ боғланиб қолганлар, деб сўради. Унинг бу саволига Шукадева Госвами шундай жавоб берди:(10.14.55)

*кришнам энам авехи твам  
атманам акхилатманам  
джагаддхитайа со'нй атра  
дехивабхати майайя*

**"Кришнани барча руҳ(жон)ларнинг руҳи деб тушуниш керак, чунки У - барча алоҳида руҳларнинг ҳам, ҳамма жойда мавжуд Параматманинг ҳам жонидир. Одамларни Ўзига жалб қилиш ҳамда Унинг ҳам танаси борлигини кўрсатиш учун Вриндаванда У худди оддий инсондай яшади".**

Парвардигор ҳам худди бошқа тирик мавжудотлар сингари алоҳида шахс сифатида мавжуд, аммо У бошқалардан шуниси билан фарқ қиладики, У Олий Шахс, бошқаларнинг ҳаммаси Унга қарам. Тирик мавжудотларнинг ҳаммаси У билан бир даврада мангу илмга тўла рухий лаззатдан мангу роҳатланиб яшаши мумкин. Парвардигор Чайтанья "Бхагавад-гита"дан бир шеър келтирди, унда Парвардигор Кришна Аржунга Ўзининг турли бойликлари ҳақида гапириб, Унинг Ўзи бу коинотга Ўзининг қисман намоён бўлган экспансияси Гарбходакашайи Вишну кўринишида киришини, шунингдек, ҳар бир коинот ичига Кширодакашайи Вишну қиёфасида кириб, Ўзини ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбига кирадиган Олий Рух кўринишида тарқатишини айтади. Парвардигор Кришнанинг Ўзи айтадики, Олий Мутлақ Ҳақиқатни мукамал ҳолда тушунишни истаган киши тўлиқ Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнини қабул қилиши лозим. Фақат шунда у Мутлақ Ҳақиқатнинг якуний сўзини мукамал англаб ета олади.

6-боб

## Парвардигорнинг барча қиёфалари бир

Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида тушуниб олиш мумкинки, Кришна аввалига Ўзини *свайам-рупа*, Ўзининг шахсий қиёфаси сифатида намоён этади, кейин - *тадекатма-рупа* сифатида, кейин - *авеша-рупа* сифатида намоён этади. Ўзининг илохий қиёфасида намоён бўлганида, У айнан мана шу

уч кўринишда намоён бўлади. Унинг *свайам-рупа* аспекти - Парвардигорнинг шундай кўринишики, Унинг бу аспекти ёрдамида ҳатто Унинг бошқа аспектларини тушунмайдиган кишилар ҳам Кришнани англаб ета оладилар. Бошқача қилиб айтганда, Кришнани бевосита англаб етиш мумкин бўлган қиёфа *свайам-рупа*, яъни Унинг шахсий қиёфаси деб аталади. *Тадекатма-рупа* - свайам-рупага жуда ўхшаш бўлган, аммо танасининг тузилиши бўйича ундан анча фарқ қиладиган қиёфаси. *Тадекатма-рупа* - намоён бўлган икки экспансияга бўлинади - шахсий экспансия(*свамши*) ва эрмак экспансия(*виласа*). *Авеша-рупа* эса, Кришна бирор муносиб тирик мавжудотга Ўз номидан ҳаракат қилиш ваколатини берганда намоён бўлган жиҳати бўлиб, ана шу тирик мавжудот *авеша-рупа* ёки *шактйавеша-аватара* деб аталади.

Кришнанинг шахсий қиёфаси *свайам-рупа* ва *свайам-пракашага* бўлинади. Унинг *свайам-рупа*(эрмак қиёфа)си - Унинг ҳамшиша Вриндаванда Ўзининг ҳамроҳлари билан бирга мангу қоладиган қиёфасидир. Унинг мана шу шахсий қиёфаси(*свайам-рупа*) ўз навбатида *прабхава* ва *вайбхава* қиёфаларига бўлинади. Масалан, *раса* ракси пайтида рақса иштирок этаётган ҳар бир гопи билан алоҳида рақсга тушиш учун Кришна Ўзини кўплаб қиёфаларда намоён қилди. Худди шундай, Дваракада У Ўзининг 16.108 хотинини мамнун қилиш учун Ўзини 16.108 қиёфада намоён этди. Буюк сеҳргарлар ҳам ўзларини турли қиёфаларда кўпайтиргани ҳақида бир неча мисоллар бор, лекин Кришна Ўзини турли қиёфаларда намоён қилганида бирор йога усулидан фойдаланмаган. Кришнанинг ҳар бир қиёфаси алоҳида мустақил шахслар бўлган. Ведалар тарихидан маълумки, Саубхари Муни йога усули ёрдамида ўзини саккиз қиёфада кўпайтирган, аммо бунда Саубхари Муни битта бўлиб қолаверган. Кришна эса, Ўзини турли қиёфаларда намоён этганида уларнинг ҳар бири алоҳида мустақил шахс бўлиб ҳаракат қилган. Нарада Муни Кришнани Унинг Дваракадаги ҳар хил саройларида кўргани борганида, буни кўриб ҳайратга тушган эди. Йогнинг намоён этган таналарининг кўриниши эса, уни заррача ҳайратга сололмайди, чунки унинг ўзи йоганинг бу усулларини яхши билади. Шунга қарамай, "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, Нарада Муни Дваракадаги саройларда Кришнанинг турли экспансияларини кўриб ҳақиқатан ҳам ҳайратга тушганди. У Кришна қандай қилиб бир вақтнинг ўзида Ўзининг 16.108 маликасининг ҳар бири билан алоҳида бирга бўлишини кўриб қаттиқ ҳайратга тушганди. У Кришнани ҳар бир малика билан бирга кўрганида ҳар гал У бошқа қиёфада ва бошқача ҳаракат қиларди. Бир қиёфасида У болалар билан ўйнаб юрган бўлса, бошқа қиёфасида оиланинг бошқа ишлари билан машғул эди. Парвардигор ана шундай турли фаолиятларни Ўзининг *вайбхава-пракаша* деб аталадиган "ҳис-туйғу" қиёфаларида бажаради. Худди шундай Кришнанинг қиёфасининг сон-саноксиз бошқа кўринишлари ҳам бор, лекин ҳатто улар ўзлари чексиз кўпайганларида ёки бўлинганларида ҳам барибир ўша бир ва ягона Парвардигор бўлиб қолаверадилар. Парвардигорнинг у ёки бу қиёфалари бир биридан мутлақо фарқ қилмайди. Худонинг Олий Шахсининг мутлақ табиати ана шундай.

"Шримад Бхагаватам"да айтилганки, Акрура Кришна билан Балорамни Гокулдан Матхурага кузатиб бораётганида йўлда Йамуна дарёсининг сувига кирганида унда руҳий оламнинг барча сайёраларини кўрган. Шунингдек, у Парвардигорни Вишну қиёфасида кўрган, Унга сажда қилиб турган Нарада Муни ва тўрт Кумарни кўрган. Бу "Шримад Бхагаватам"да шундай тасдиқланади (10.40.7):

*анйе ча самскритатmano  
вибхинабхикитена те  
йаджанти тван-майас твам ваи  
бахумуртй-эканамуртикам*

Худога сиғинишнинг турли кўринишлари ёрдамида қалби покланган ваишнавлар ва арийлар сингари жуда кўп такводор зотлар бор, уларнинг ҳаммаси ягона Парвардигорга ўзларининг руҳий **юксалиш даражаси ва ишончига мос равишда сиғнадилар**. Худога сиғинишнинг ҳар бир усули Парвардигорнинг муқаддас китобларда кўрсатилган турли кўринишларини, турли қиёфаларини англаб етишни назарда тутади, лекин бу сиғинишларнинг ҳаммасидан кўзланадиган якуний мақсад - ягона Парвардигорнинг шахсан Ўзига сиғинишдан иборат.

*Вайбхава-пракаша* қиёфасида Парвардигор Ўзини Балорама сифатида намоён этади. Парвардигорнинг Балорама кўриниши аслида Кришнанинг Ўзи; улар орасидаги ягона фарқ шундан иборатки, Кришнанинг танасининг ранги қора, Балорамники эса - ок. Кришна бу дунёга ташриф буюрганида биринчи бўлиб онаси Девакининг олдида тўрт қўлли Нарайана қиёфасида пайдо бўлганида У Ўзининг *вайбхава-пракаша* қиёфасини намоён этганди. Ўзининг шахсий қиёфасида Кришна подачи болага ўхшайди, у Ўзи ҳақида айнан шундай деб ўйлайди. Аммо, У Васудева қиёфасида бўлганида У Ўзи ҳақида қшатрийнинг ўғли деб ўйлайди ва Ўзини худди ҳукмронлик қилаётган ҳукмдордай тутади.

Кришна Ўзининг улуғворлигини, қиёфасини, гўзаллигини, бойлигини, мафтункорлигини ва эрмакларини Ўзининг Нанда Махаражнинг икки қўлли подачи ўғли қиёфасида мукамал равишда тўлиқ намоён этади. Ҳақиқатан ҳам ваишнавлар адабиётида баён этилишича, У Ўзининг Васудева қиёфасида баъзан Вриндавандаги Говинда қиёфасига мафтун бўлиб бўлиб қараб туради. Шундай қилиб, гарчи подачи бола Говинда билан Васудева аслида бир Зот бўлса ҳам, У Васудева қиёфасида баъзан, худди подачи-бола Говинда қиёфасидагидай лаззатланишни истайди. Бу борада "Лалаита-мадхава"(4.19)да бир шеър бор, унда Кришна Уддхавага шундай сўзлар билан мурожаат қилади: "Эй азиз дўстим, подачи бола Говинданинг кўриниши Мени Ўзига мафтун этади. Ҳақиқатан, Мен ҳам Говинданинг қиёфаси Ўзига мафтун этадиган Враджалик қизлардай бўлишни истайман". Худди шундай, шу асарнинг саккизинчи бобида ҳам Кришна шундай дейди: "О, Қандай ажойиб! Бу ким? Унинг кўриниши Мени Ўзига шунчалик мафтун этдики, Мен Уни худди Радхика қилганидай кучоклаб бағримга босишни истайман".

Шунингдек, Кришнанинг бир биридан бироз фарқ қиладиган қиёфалари ҳам мавжуд. Парвардигорнинг бундай қиёфалари *тадекатма-рупа* деб аталади. Улар ҳам ўз навбатида *виласа* ва *свамши* қиёфаларига бўлинади. Ўз навбатида улар ҳам турли кўринишларда

бўлиб, *прабхава* ва *ваибхава* тоифаларига бўлинади. Парвардигорнинг *виласа* қиёфалари сон-саноксиз *прабхава-виласа* қиёфаларига бўлинади, улар орқали Кришна Ўзини Васудева, Санкаршана, Прадйумна ва Анируддха кўринишида намоён этади. Баъзан Парвардигор Ўзини подачи бола деб, баъзан Васудеванинг ўғли, шахзода-қшатрий деб тасаввур қилади. Унинг ана шундай "тасаввур"лари Унинг "эрмак"лари деб аталади. Аслини олганда ваибхава-пракашада ҳам, прабхава-виласада ҳам У бир қиёфада бўлади, аммо бунда У Кришна ва Балорам сифатида турлича кўринишга эга бўлади. Парвардигорнинг Васудева, Санкаршана, Прадйумна ва Анируддха экспансиялари бошланғич *чатурвйуха*, яъни тўрт қўлли қиёфага эга.

Ҳар хил сайёраларда ва турли жойларда Парвардигорнинг сон-саноксиз намоён бўлган тўрт қўлли қиёфалари мавжуд, улар Дварака ва Матхурада мангу намоён бўлган. Ана шу тўрт асосий тўрт қўлли қиёфадан *ваибхава-виласа* деб аталадиган йигирма тўртта асосий қиёфа намоён бўлади; улар қўлларига ушлаган турли анжомлар(сур, гурзи, нилуфар гули ва халқа)нинг жойлашиш тартибига қараб, турлича номларга эга бўлади. Кришнанинг намоён этган асосий тўрт қиёфаси руҳий оламдаги ҳар бир сайёрада мавжуд, ана шу сайёралар Нарайаналока ёки Ваикунтхалока деб аталади. Ваикунтхалокада У тўрт қўлли Нарайана қиёфасида намоён бўлади, ҳар бир Нарайанадан Васудева, Санкаршана, Прадйумна ва Анируддха қиёфалари намоён бўлади. Шундай қилиб, Нарайана - марказ, тўрт қиёфа - Васудева, Санкаршана, Прадйумна ва Анируддха - Нарайананинг қиёфасини ўраб туради. Ана шу тўрт қиёфанинг ҳар бири ўз навбатида уч қиёфага кўпаядилар, уларнинг ҳаммаси Кешавадан бошлаб турли номлар билан аталадилар. Бу қиёфаларнинг ҳаммаси йигирмата бўлиб, анжомларнинг жойлашиш тартибига қараб турли номлар билан аталади.

Васудеванинг қиёфаларига келсак, У намоён эгадиган уч экспансия - Кешава, Нарайана ва Мадхава. Санкаршананинг намоён этган қиёфалари Говинда, Вишну ва Шри Мадхусудана деб аталади. Худди шундай Прадйумна ҳам Тривикрама, Вамана ва Шридхара деб аталадиган уч қиёфада намоён бўлади. Анируддха намоён эгадиган қиёфалар эса, - Хришикеша, Падманабха ва Дамодара деб аталади.

7-боб.

## Парвардигорнинг чексиз қиёфалари

Ваишнавларнинг календарига биноан йилнинг ўн икки ойи Парвардигор Кришнанинг Ваикунтхадаги ўн икки қиёфасининг номи билан аталади ва Парвардигорнинг ана шу қиёфалари йилнинг ўн икки ойининг ҳимоячи-Илохлари ҳисобланади. Ваишнавларнинг йили октябрнинг охири, Ноябрьнинг бошига тўғри келадиган Маргаширша ойидан бошланади. Ваишнавларнинг календариди ноябрнинг қолган қисми Кешава деб аталади. Декабрь - Нарайана, январь - Мадхава, февраль - Говинда, март - Вишну, апрель - Шри Мадхусудана, май - Тривикрама, июнь -

Вамана, июль - Шридхара, август - Хришикеша, сентябрь - Падманабха, октябрнинг боши - Дамодара деб аталади(Кришнани онаси Уни арқон билан боғламоқчи бўлганда Дамодара деб атаганлар. Лекин, октябр ойининг Илохи Дамодара Кришнанинг бошқа қиёфасининг номи). Йилнинг ўн икки ойи Кришнанинг ўн икки номи билан аталгани сингари, инсон танасининг ўн икки қисми(мучаси) ҳам ваишнавларда ана шу номлар билан аталади. Масалан, пешонага қўйилган тилака Кешава деб аталади, қоринга, кўкракка ва қўлларга қўйиладиган тилакалар бошқа номлар билан аталади. Улар ҳам ойларга қўйилган номлар билан бир хил.

Парвардигорнинг тўрт қиёфаси Васудева, Санкаршана, Прадйумна ва Анируддха ҳам виласамуртиларга тарқалади. Парвардигорнинг бу қиёфалари саккизта бўлиб, улар Пурушоттама, Ачйута, Нрисимха, Джанардана, Хари, Кришна, Адхокшаджа ва Упендра деб аталади. Бу саккиз қиёфа ичида Адхокшаджа ва Пурушоттама - Васудеванинг *виласа*-қиёфаларидир. Худди шундай Упендра ва Ачйута - Санкаршананинг қиёфаси; Нрисимха ва Джанардана - Прадйумнанинг қиёфалари; Хари ва Кришна эса, - Анируддханинг *виласа*-қиёфаси. (Бу Кришна бошланғич Кришнадан фарқ қилади).

Парвардигорнинг бу йигирма тўрт қиёфаси *виласа-прабхава*(тўрт қўлли)қиёфалари бўлиб, улар рамзий анжомлар(гурзи, халқа, нилуфар гули ва сур)нинг жойлашиш тартибига қараб, турлича номлар билан аталадилар. Парвардигорнинг ана шу йигирма тўрт қиёфаси ичида *виласа* ва *ваибхава* қиёфалари ҳам бор. Бу ерда номлари келтирилган Парвардигорнинг Прадйумна, Тривикрама, Вамана, Хари ва Кришна сингари қиёфалари ҳам Ўзининг кўринишлари билан бир биридан фарқ қилади. Кейин, Кришнанинг *прабхава-виласа* қиёфаларига ўтганда, умуман олганда уларнинг йигирма турли вариантлари бор. Бу қиёфаларнинг ҳаммаси руҳий оламда ўзларининг алоҳида Ваикунтха сайёраларига эга бўлиб, улар саккиз турли йўналишда жойлашган. Гарчи уларнинг ҳаммаси руҳий оламда мангу бўлсалар ҳам, уларнинг баъзилари моддий оламда ҳам намоён бўладилар.

Руҳий оламдаги Парвардигорнинг Нарайана қиёфасининг ҳукми остида бўлган барча сайёралар мангу. Руҳий оламдаги олий сайёра Кришналока деб аталади, у ҳам уч қисмга бўлинади: Гокула, Матхура ва Дварака. Матхурада ҳамшиша Кришнанинг Кешава қиёфаси бўлади. У мана шу сайёрада ҳам намоён бўлган. Ҳиндистондаги Матхурада Кешава-муртига сифинадилар, худди шундай, Ориссадаги Джаганнатха Пурида Парвардигорнинг Пурушоттама қиёфаси бор. Анандаранйида Парвардигорнинг Вишну қиёфаси, Майапурда, Парвардигор Чайтаньянинг туғилган жойида эса, Парвардигорнинг Хари қиёфаси намоён бўлган. Мана шу Ер сайёрасининг турли жойларда Парвардигорнинг бошқа кўплаб қиёфалари намоён бўлган. Парвардигор Кришнанинг турли қиёфалари фақат бу коинотда эмас, балки бошқа барча коинотларда ҳам тарқалган. Муқаддас китобларда айтилганки, Ер сайёраси етти оролга бўлинган бўлиб, улар етти континент деб аталади, албатта, ҳар бир континентда Парвардигорнинг шундай қиёфалари намоён бўлган, лекин ҳозирги кунда улар фақат Ҳиндистонда сақланиб

колган. Гарчи ведавий муқаддас китобларда Парвардигорнинг қиёфалари оламнинг бошқа жойларида ҳам намоён бўлгани ҳақида ёзилган бўлишига қарамай, ҳозир биз уларнинг қаерда жойлашгани ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз.

Худонинг содиқ хизматкорларини мамнун қилиш учун Кришнанинг турли қиёфалари бутун коинот бўйлаб тарқалган. Кришнанинг содиқлари фақат Ҳиндистонда дунёга келадилар деб ўйламаслик керак. Кришнанинг содиқлари жаҳоннинг ҳамма жойларида бор, лекин улар шунчаки ўзларининг ҳақиқий ҳолатини, асл табиатини вақтинча эсдан чиқариб қўйганлар. Парвардигорнинг ана шу қиёфалари фақат Кришнанинг содиқларини мамнун қилиш учун эмас, балки Худога садоқат билан хизмат қилишни қайта тиклаш ҳамда Худонинг Олий Шахсига зарур бўлган бошқа ишларни амалга ошириш учун намоён бўладилар. Ана шу қиёфаларнинг баъзилари муқаддас китобларда кўрсатиб ўтилган, масалан, Парвардигорнинг Вишну инкарнацияси, Тривикрама, Нрисимха ва Вамана инкарнацияси.

"Сиддхартха-самхита"да Парвардигор Вишнунинг йигирма тўрт қиёфасининг таърифи келтирилган, ана шу қиёфаларнинг ҳар бири уларнинг тўрт қўлида рамзий анжомларнинг жойлашиш тартибига мос равишда номланган. Вишну-муртининг қўлларидаги анжомларни таърифлашда ўнг томондаги пастки қўлдаги анжомдан бошлаш керак, кейин, ўнг тарафдаги юқори қўлга, чап томондаги юқори қўлга, кейин эса, чапки пастки қўлдаги анжомни айтиш керак. Ана шу тартибда Васудеванинг қўлларида гурзи, сур, нилуфар ва халқа жойлашган. Анируддханинг қўлларида халқа, гурзи, сур, нилуфар. Рухий осмонда Нарайананинг намоён бўлган йигирма қиёфаси бор бўлиб, улар қуйидагича таърифланадилар:

Шри Кешава - нилуфар гули, сур, халқа ва гурзи;  
 Нарайана - сур, гул, гурзи, халқа;  
 Шри Мадхава - гурзи, халқа, сур, гул;  
 Шри Говинда - халқа, гурзи, сур, гул;  
 Вишну-мурти - гурзи, гул, сур, халқа;  
 Мадхусудана - халқа, сур, гул, гурзи;  
 Тривикрама - гул, гурзи, халқа, сур;  
 Шри Вамана - сур, халқа, гурзи, гул;  
 Шридхара - гул, халқа, гурзи, сур;  
 Хришикеша - гурзи, халқа, гул, сур;  
 Падманабха - сур, гул, халқа, гурзи;  
 Дамодара - гул, халқа, гурзи, сур;  
 Пурушоттама - халқа, гул, сур, гурзи;  
 Ачйукта - гурзи, гул, халқа, сур;  
 Нрисимха - халқа, гул, гурзи, сур;  
 Джанардана - гул, халқа, сур, гурзи;  
 Шри Хари - сур, халқа, гул, гурзи;  
 Шри Кришна - сур, гурзи, гул, халқа;  
 Адхокшаджа - гул, гурзи, сур, халқа;  
 Упендра - сур, гурзи, халқа, гул.

"Хайаширша-панчаратра"га асосан ўн олти қиёфа мавжуд бўлиб, ана шу қиёфалар халқа ва гурзининг жойлашув тартибига қараб турлича номлар билан аталади. Бундан хулоса шундан иборатки, Худонинг бошланғич Олий Шахси - Кришна. У *лила-пурушоттама* деб аталади ва асосан Нанда Махаражнинг ўғли қиёфасида Вриндаванда яшайди. "Хайаширша-панчаратра" дан биз яна биламизки, Парвардигор-

нинг яна тўққиз қиёфаси бўлиб, улар Матхура Пури ва Дварака Пури деб аталадиган икки шаҳарнинг бирини ҳимоя қилиб туради: Васудева, Санкаршана, Прадйумна, Анируддхалар бир шаҳарни ҳимоя қиладилар, Нарайана, Нрисимха, Хайагрива, Вараха ва Брахма эса, бошқа шаҳарни ҳимоя қилади. Буларнинг ҳаммаси Парвардигор Кришнанинг намоён бўлган турли кўринишлардаги *пракаша* ва *виласа* қиёфаларидир.

Шунингдек, Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамига тушунтирдикки, Парвардигорнинг яна *свамша* қиёфалари мавжуд бўлиб, улар икки тоифага бўлинадилар: Санкаршана қиёфалари ва инкарнация тоифалари. Биринчи тоифа қиёфалар пуруша-аватараларни намоён этадилар - Каранодакашайи Вишну, Гарбходакашайи Вишну, Кширодакашайи Вишну; иккинчи тоифа эса, - лила-аватараларни намоён этади, масалан, Парвардигорнинг балиқ, тошбақа кўринишидаги қиёфалари.

Инкарнацияларнинг олти тури мавжуд: 1) пуруша-аватаралар, 2) лила-аватаралар, 3) гуна-аватаралар, 4) манвантара-аватаралар, 5) йуга-аватаралар, 6) шактйавеша-аватаралар. Парвардигор Кришнанинг намоён бўлган олти *виласа* қиёфаси Унинг ёшига қараб икки тоифага бўлинади ва *балйя* ҳамда *пауганда* деб аталади. Нанда Махаражнинг ўғли сифатида Кришна Ўзининг бошланғич қиёфасида болаликнинг ҳар икки - *балйя* ва *пауганда* кўринишидан ҳам лаззатланади.

Шундай қилиб, тўлиқ ишонч билан хулоса қилиш мумкинки, Парвардигор Кришнанинг инкарнация ва экспансияларининг сон-саногии йўқ. Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамида Парвардигор Кришна Ўзини қандай қилиб тарқатиши ва У қандай қилиб лаззатланиши ҳақида озгина бўлса ҳам тасаввур ҳосил қилиш учун уларнинг баъзиларини унга тушунтириб беради. Бу хулоса "Шримад Бҳагаватам"(1.3.26)да ҳам тасдиқланади. Унда айтилганки, худди океандаги сув тўлқинларининг сон-санғи бўлмагани сингари, Парвардигорнинг инкарнацияларининг ҳам сон-саногии йўқ.

Аввалига Парвардигор Кришна уч *пуруша-аватара* кўринишида мужассам бўлади - Маха-Вишну, яъни Каранодакашайи Вишну, Гарбходакашайи аватаралар ҳамда Кширодакашайи аватаралар. Бу "Сатвата-тантра"да тасдиқланади. Парвардигор Кришнанинг кувватларини ҳам уч турга бўлиш мумкин: фикрлар куввати, сезиш(ҳис қилиш) куввати ва ҳаракат қилиш куввати. У Ўзининг фикрлаш кувватини намоён этганида У - Парвардигор; У Ўзининг ҳис қилиш кувватини намоён этганида У - Васудева; ҳаракат қилиш кувватини намоён этганида У - Санкаршана Балорама. Фикрлашсиз, ҳис қилишсиз ва фаолиятсиз олам бунёд бўлмаган бўларди. Гарчи, рухий оламнинг барча сайёраларининг бошланиши йўқ бўлгани сабабли рухий оламда яралиш бўлмаса ҳам, моддий оламда яралиш жараёни бор. Лекин, ҳар икки ҳолатда ҳам, рухий ва моддий оламлар Парвардигорнинг фаолият кувватининг намоён бўлиши бўлиб, унда Кришна Санкаршана ва Балорам бўлиб ҳаракат қилади.

Ваикунтха ва Кришналока сайёраларидан таркиб топган рухий олам Парвардигор Кришнанинг фикрлаш кувватида жойлашган. Гарчи мангу табиатга эга бўлган рухий оламда яралиш мавжуд бўлмаса ҳам, *ваикунтха* сайёралари Парвардигорнинг фикрлаш кувватига қарам. Унинг фикрлаш куввати "Брахма-



самхита"(5.2)да таърифланган бўлиб, унда айтилганки, Голока деб аталадиган ана шу даргоҳ, худди юзлаб гулбарглари бўлган нилуфар гулига ўхшаб намоён бўлади. У жойдаги ҳамма нарсани Балорам, яъни Санкаршананинг қиёфаси бўлган Ананта яратади. Моддий олам ва унинг турли коинотлари *майя*, яъни моддий қувват ёрдамида намоён бўлади. Лекин моддий қувват, яъни моддий табиат космик моддий оламнинг яралишининг бошланғич сабабчиси деб ўйламаслик керак. Аксинча, унинг яралиш сабабчиси - Ўзининг турли экспансияларини моддий табиат воситасида ишлатадиган Парвардигордир. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг назоратисиз ҳеч қандай яралиш жараёни амалга ошмайди. Моддий табиатнинг олам яралишига сабаб бўладиган қувватининг тимсоли Санкаршана деб аталади, шундай экан, бундан моддий олам Парвардигорнинг назорати остида яралиши аниқ равшан кўриниб турибди.

"Шримад Бхагаватам"(10.46.31)да айтилганки, Балорам ва Кришна барча тирик мавжудотларнинг манбаи бўлиб, бу икки шахс ҳамма нарсанинг ичига киради. "Шримад Бхагаватам"(1.3)да Парвардигор Кришнанинг инкарнацияларининг рўйхати келтирилган. 1) Кумарлар, 2) Нарада, 3) Вараха, 4) Матсйа, 5) Ёаджна, 6) Нара-нарайана, 7) Кардами Капила, 8) Даттатрейя, 9) Хайаширша, 10) Хамса, 11) Дхруваприйя, яъни Пришнигарбха 12) Ришабха, 13) Притху, 14) Нрисимха, 15) Курма, 16) Дханвантари, 17) Мохини, 18) Вамана, 19) Бхаргава(Парашурама), 20) Рагхавендра, 21) Вйаса, 22)Праламбари Баларама, 23) Кришна, 24) Буддха, 25) Калки. Мана шу 25 лила-аватараларнинг деярли ҳаммаси Тангри Брахманинг *калта* деб аталадиган бир кунни давомида намоён бўлгани учун баъзан уларни калпа-аватаралар деб атайдилар. Улар орасида Хамса ва Мохини аватаралари ўзгармас эмас, лекин Капила, Даттатрейя, Ришабха, Дханвантари ва Вйаса - Парвардигорнинг беш мангу ва кўпроқ машхур қиёфаларидир. Тошбақа кўринишидаги Курма, балиқ кўринишидаги Матсйа, Нара-нарайана, Вараха, Хайаширша, Пришнигарбха ва Балорама *-ваибхава* инкарнациялар деб аталади. Шунга ўхшаган яна уч гуна-аватаралар, яъни табиатнинг уч сифатли таркибий қисмлари бор, улар - Брахма, Вишну ва Шива.

Манвантара-аватаралар 14 та: 1) Ёаджна, 2) Вибху, 3) Сатйасена, 4) Хари, 5) Ваикунтха, 6) Аджита, 7) Вамана, 8) Сарвабхаума, 9) Ришабха, 10) Вишвакшена, 11) Дхармасету, 12) Судхама, 13) Йогешвара, 14) Брихадбхану. Мана шу 14 манвантара-аватарадан Ёаджна ва Вамана айни пайтда лила-аватаралардир, колганлари эса, фақат манвантара-аватаралар.

"Шримад Бхагаватам"да Парвардигорнинг тўрт юга-аватараси ҳам кўрсатилган. Сатйа-йугада Парвардигорнинг инкарнацияси оқ рангда, Трета-йугада - кизил рангда, Двапара-йугада - қора рангда, Кали-йугада - сариқ рангда. Шактйавеша-аватараларга қуйидагилар киради: Капила ва Ришабха, Ананта, Брахма, Чатухсана(илм тимсоли), Нарада(садоқатли хизмат тимсоли), шоҳ Притху(ижройи ҳокимият тимсоли) ва Парашурама(Парвардигорнинг золимларни мажбуран бўйсундирадиган қиёфаси).

## 8-боб. Аватаралар

Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамига тушунтиришда давом этиб, айтадики, Парвардигор Кришнанинг бу моддий оламга келадиган экспансиялари аватаралар ёки инкарнациялар деб аталади. Аватара ибораси "тушиб келган Зот" деган манони билдиради ва бу ибора аниқ равишда руҳий оламдан тушиб келган Зотни ифодалаб турибди. Руҳий оламда сон-саноксиз Ваикунтха сайёралари мавжуд, Худонинг Олий Шахсининг экспансиялари бу коинотга ўша сайёралардан тушиб келади.

Худонинг Олий Шахсининг Санкаршана экспансиясидан чиққан биринчи аватара пуруша Маха-Вишну инкарнациясидир. "Шримад Бхагаватам"(1.3.1)да тасдиқланганки, Худонинг Олий Шахси моддий оламнинг биринчи пуруша инкарнацияси кўринишида келганида У дарров ўн олти таркибий қувватни намоён этади. У Маха-Вишну деб аталади ва Сабаблар Уммонидида ястаниб ётади, айнан У моддий оламдаги бошланғич инкарнация ҳисобланади. У замон, табиат, сабаб ва оқибат, ақл, эго(ўзлик), беш унсур, моддий табиатнинг уч гунаси, сезгилар ва фазовий қиёфанинг Парвардигоридир. Гарчи моддий оламдаги барча кўзгалувчан ва кўзгалмас нарсаларнинг ҳукмдори бўлса ҳам, У бутунлай мустақил.

Моддий табиатнинг таъсир кучи Вираджа, яъни Сабаблар Уммонидан ташқари чиқа олмайди, бу "Шримад Бхагаватам"да тасдиқланган(2.9.10). Моддий табиат гуналари ҳам, худди моддий замон сингари Ваикунтха сайёраларига таъсир қила олмайди. Ана шу сайёраларда Кришнанинг озод ҳамроҳлари мангу яшайдилар, уларга фаришталар ҳам, иблислар ҳам сажда қиладилар.

Моддий табиат икки сифатда ҳаракат қилади: *майя* ва *прадхана*. *Майя* - бевосита сабаб, *прадхана* эса - моддий оламнинг таркибий унсурлари. Биринчи *пуруша-аватара*, Маха-Вишну моддий қувватга Ўз нигоҳини ташлаганида моддий қувват ҳаракатга келади. Шундай қилиб, *пуруша-аватара* моддий оламни тирик мавжудотлар билан уруғлантиради. Онг шунчаки Маха-Вишнунинг нигоҳи билан юзага келади, ана шу онг *махат-таттва* деб аталади. Махат-таттвага ҳомийлик қиладиган Илоҳ Васудева. Ана шу яратилган онг кейин моддий табиатнинг сифат кучлари, яъни гуналарига мос равишда фаолият шаклларига бўлинади. Эзгулик гунасидаги онг "Шримад Бхагаватам"нинг Ўн Биринчи Қўшиғида таърифланган. Эзгулик гунасига ҳомийлик қиладиган Илоҳ Анируддха деб аталади. Эҳтирос гунасидаги онг тафаккурни юзага келтиради, бу ерда ҳомий Илоҳ Прадйумна ҳисобланади. У - барча сезгиларнинг ҳукмдори. Ғафлат гунасидаги онг эфир(осмон) ва эшитиш сезгисининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Моддий олам ана шу гуналарнинг аралашмаси бўлиб, шу тарзда сон-саноксиз коинотлар яратилади. Коинотларнинг сонини ҳеч ким билмайди.

Ана шу сон-саноксиз коинотлар Маха-Вишнунинг тана терисидаги тешиқлардан чиқади. Худди элакдаги тешиқлардан сон-саноксиз чанг заррачалари ўтгани

сингари Маха-Вишнунинг тана терисининг тешиклари-дан сон-саноксиз коинотлар чиқади. У нафас чиқарганда сон-саноксиз коинотлар пайдо бўлади, У нафас олганида эса, улар яксон бўладилар. Маха-Вишнунинг барча қувватлари руҳий табиатга эга, уларнинг моддий қувватга ҳеч қандай алоқаси йўқ. "Брахма-самхита"да айтилганки, ҳар бир коинотнинг ҳомий Илоҳи бўлган Браҳма Маха-Вишнунинг фақат биргина нафас чиқариши мобайнида яшайди. Шундай қилиб, Маха-Вишну барча коинотларнинг бошланғич Олий Руҳи ҳамда уларнинг ҳукмдори.

Парвардигор Вишнунинг иккинчи инкарнацияси Гарбходакашайи Вишну ҳар бир коинот ичига киради, Ўзининг танасидан сув ажратиб чиқариб, коинотнинг ярмини сув билан тўлдиради ва ана шу сувлар устига ётади. Унинг киндигидан нилуфар гули ўсиб чиқади, ана шу нилуфар гулидан биринчи тирик мавжудот Браҳма туғилади. Ана шу нилуфар гулининг поясида Тангри Браҳма яратадиган сайёралар тизимининг 14 таркибий қисми жойлашган. Ҳар бир коинотда Парвардигор Гарбходакашайи Вишну сифатида мавжуд бўлади. У мана шу коинотнинг мавжудлигини таъминлаб, эҳтиёжларини қондириб туради. Гарчи У ҳар бир моддий коинот ичида жойлашган бўлса ҳам, моддий қувват Унга таъсир қилмайди. Зарурат туғилганда ана шу Маха-Вишну Тангри Шива қиёфасига киради ва космик оламни яксон қилади. Уч иккиламчи инкарнация - Браҳма, Вишну ва Шива - моддий табиатнинг уч гунасининг ҳомий Илоҳларидир. Лекин, коинотнинг ҳомий Илоҳи Гарбходакашайи Вишну бўлиб, Унга Олий Руҳ Хираньягарбха сифатида сиғинадилар. Ведавий муқаддас китобларда У минг бошли илон кўринишида таърифланган. Гарчи У моддий табиат ичида жойлашган бўлса ҳам, моддий табиат Унга таъсир ўтказа олмайди.

Вишнунинг учинчи инкарнацияси Кширодакашайи Вишну ҳам эзгулик гунасининг инкарнацияси ҳисобланади. У ҳам барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳи бўлиб, ана шу коинотдаги сут уммонида ястаниб ётади. Чайтанья Махапрабху пуруша-аватараларни шу тарзда таърифлаб берган.

Кейин Чайтанья Махапрабху лила-аватараларни, яъни Парвардигорнинг "эрмак" аватараларини таърифлаб беради. Парвардигор айтадики, уларнинг сон-санокси йўқ, шунинг учун У уларнинг баъзиларини таърифлаб беради, масалан, Матсйа, Курма, Рагхунатха, Нрисимха, Вamana ва Варахаларни.

Гуна-аватарлар, яъни Вишнунинг сифат аватаралари учта бўлиб, улар Браҳма, Вишну ва Шива. Браҳма - тирик мавжудотлардан бири, лекин ўзининг Худога садоқат билан қилган хизматлари шарофати билан у жуда қудратли. Бу биринчи тирик мавжудот, моддий эҳтирос гунасининг ҳомийси; Гарбходакашайи Вишну унга бевосита сон-саноксиз тирик мавжудотларни яратиш ваколатини берган. "Брахма-самхита"(5.49)да Тангри Браҳма куёш нури таъсиридаги қимматбаҳо гавҳартошга ўхшатиш билан, куёш эса, Парвардигор Гарбходакашайи Вишнуга қиёсланган. Агар бирор калпада Тангри Браҳма вазифасини бажаришга муносиб тирик мавжудот топилмай қолса, Гарбходакашайи Вишнунинг Ўзи Ўзини Тангри Браҳма қиёфасида намоён этади ва шу лавозимни ўзи эгаллайди.

Худди шундай, коинотни яксон қилиш зарурати туғилганда Парвардигор Тангри Шива қиёфасига кириб шунга мос равишда ҳаракат қилади. Тангри Шива *майа* билан бирлашиб жуда кўп қиёфаларга эга бўлади. Одатда улар ўн битта деб ҳисобланади. Тангри Шива тирик мавжудотлардан битаси эмас; У қайсидир маънода Парвардигор Кришнанинг Ўзи. Буни тушунтириш учун одатда сут билан қатик мисол келтирилади - қатик сутдан тайёрланади, лекин шунга қарамай, уни сут деб бўлмайди. Худди шундай Тангри Шива Кришнанинг экспансияси, лекин, У Кришнадай ҳаракат қила олмайди, у Кришна сингари тирик мавжудотни руҳий озодликка чиқара олмайди. Улар орасидаги асосий фарқ шундан иборатки, Тангри Шива моддий табиат билан боғланган, Вишну, яъни, Парвардигор Кришна эса, моддий табиат билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. "Шримад Бхагаватам"(10.88.3)да айтилганки, Тангри Шива *вайкарика*, *таиджаса* ва *тамаса* деб аталадиган уч турли ўзгарган онг бирикмасидир.

Вишну инкарнацияси, гарчи ҳар бир коинотдаги эзгулик гунасининг ҳомийси бўлса ҳам, ҳеч қачон моддий табиат таъсирига берилмайди. Гарчи Вишну Кришнага тенг бўлса ҳам, Кришна бошланғич манба ҳисобланади. Вишну - қисм, Кришна - бутун. Ведавий муқаддас китобларда берилган маълумот шундай. "Брахма-самхита"да бошқа шамчирок туташтирилдиган бошланғич шамчирок мисол келтирилган. Гарчи икки шамчирок ҳам бир хил ёруғлик таратса ҳам, уларнинг биттаси бошланғич манба, иккинчиси эса биринчисидан ёқилган бўлиб қолаверади. Вишну экспансияси худди иккинчи шамчирокка ўхшайди. У ҳам худди Кришнадай қудратли, лекин барибир бошланғич Вишну - Кришна. Тангри Браҳма ва Тангри Шива Парвардигорнинг итоаткор хизматкори, Вишну қиёфасидаги Парвардигор эса, Кришнанинг экспансияси.

Лила ва гуна-аватараларни таърифлаб бўлгандан кейин Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамига манвантара-аватараларни таърифлаб беради. Бир *калта*, яъни Тангри Браҳманинг бир куни давомида 14 Ману намоён бўлади. Тангри Браҳманинг бир куни 4.320.000.000 йилга тенг, Тангри Браҳма ана шу ҳисоб бўйича юз йил умр кўради. Шундай қилиб, агар Тангри Браҳманинг бир куни давомида 14 Ману келса, Тангри Браҳманинг бир оғи давомида 420 Ману келиб кетади, Браҳманинг бир йилида эса, 5040 Ману келиб кетади. Тангри Браҳма ана шундай 100 йил умр кўрадиган бўлса, унинг бутун умри давомида 504.000 Ману келиб кетар экан. Коинотлар сон-саноксиз кўп бўлгани учун Парвардигорнинг манвантара-аватараларининг умумий сонини ҳеч қим аниқлай олмайди. Барча коинотлар Маха-Вишну нафас чиқарганда бир вақтнинг ўзида пайдо бўлгани туфайли, бир вақтнинг ўзида пайдо бўладиган Манулар сонини ҳатто тахминан ҳам ҳисоблашнинг иложи йўқ. Бунинг устига ҳар бир Манунинг ўз номи бор. Биринчи Ману Свайамбхува Ману деб аталади, у Тангри Браҳманинг ўғли. Иккинчи Ману - Сварочиша, - оловга ҳомий Илоҳнинг ўғли, учинчи Ману - Уттама, шох Приявратанинг ўғли, тўртинчи Ману - Тамаса, Уттаманинг укаси, бешинчи Ману Раивата, олтинчи Ману - Чакшуша, уларнинг иккиси ҳам Тамасанинг укаси бўлади, Чакшуша - Чакшунинг ўғли. Еттинчи Манунинг исми Вавасвата, у куёш фаришта-сининг ўғли. Саккизинчи Манунинг исми Саварни, у

хам куёш фариштасининг Чхайа деган хотинидан бўлган ўгли. Тўққизинчи Ману - Дакшасаварни, Варунанинг ўгли. Ўнинчи Ману - Браҳмасаварни, Упашлоканинг ўгли. Қолган тўрт Манунинг исмлари - Рудрасаварни, Дхармасаварни, Девасаварни ва Индрасаварни.

Манунинг инкарнацияларини таърифлаб бўлиб, Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамига йуга-аватарларни тушунтириб берди. Тўрт йуга бор - Сатйа, Трета, Двапара ва Кали. Парвардигор ана шу йугаларнинг ҳар бирида намоён бўлади, қайси йугада келишига қараб Унинг танасининг ранги турлича рангда бўлади. Сатйа-йугада Парвардигорнинг асосий инкарнациясининг ранги оқ, Трета-йугада - қизил, Двапара-йугада - қора(Кришна), Кали-йугада асосий инкарнациянинг ранги сариқ(Чайтанья Махапрабху). Буни "Шримад Бхагаватам"(10.8.13)да астролог(мунажжим) Гаргамуни Нанда Махаражнинг уйида Парвардигор Кришнанинг гороскопини ҳисоблаган пайтда тасдиқлайди.

Сатйа-йугада руҳий ўзликни англаш усули муҳофаза қилиш бўлган, одамларга ана шу усулни Парвардигорнинг оқ рангли инкарнацияси ўргатган. Ана шу инкарнация Кардама Мунига фотиҳа берган, шу боис, у Худонинг Олий Шахсининг инкарнацияси бўлган ўғилга ота бўлди. Сатйа-йугада ҳамма Парвардигор Кришнага муҳофаза қилганлар, барча тирик мавжудотлар тўлиқ илмга эга бўлган. Ҳозирги Кали-йуга даврида одамлар тўлиқ илмга эга эмаслар, шунга қарамадан улар ўтган давр учун мўлжалланган муҳофаза усули билан шуғулланишга уринадилар. Трета-йугада яшаган одамлар учун тавсия қилинган руҳий ўзликни англаш усули - қурбонлик маросимлари ўтказиш, бу усулга одамларни Парвардигорнинг қизил рангли инкарнацияси ўргатган. Двапара-йугада Парвардигор Кришнанинг Ўзи ер сайёрасига келган, шунда ҳар бир инсон Унга куйидаги мантрани зикр қилиш билан сажда қилган:

*намас те васудевайа  
намаҳ санкаршанайа  
прадйумнайа а нирудхайа  
тубхйам бхагавате намаҳ*

**"Мен Худонинг Олий Шахси Васудева, Санкаршана, Прадйумна ва Анируддха олдида эхтиром билан сажда қиламан".** Двапара-йугада руҳий ўзликни англаш йўли шундай эди. Навбатдаги йуга, ҳозирги Кали-йуга даврида Парвардигор Кришнанинг муқаддас номларини шарафлаб куйлашни тарғибот қилиш учун Ўзи бу дунёда намоён бўлади. Ҳозирги даврда келган Парвардигорнинг танаси сариқ рангда, У одамларга Кришнанинг муқаддас номларини такрорлаш ва куйлаш ёрдамида қалбида Худога муҳофаза уйғотиш усулини ўргатади. Кришнанинг шахсан Ўзи шу таълимотга амал қилади ва Унга эргашган юзлаб одамлар билан биргаликда Кришнанинг номларини такрорлаш, куйлаб рақсга тушиш билан Худога муҳофаза туйғусини намоён этади. Худонинг Олий Шахсининг ана шу инкарнацияси "Шримад Бхагаватам"(11.5.32)да башорат қилинган:

*кришна-варнам твишакринам  
сангапангастра-паршадам  
йаджнаиҳ санкиртана-прайаир  
йаджанти хи сумедхасаҳ*

**"Кали даврида Парвардигор сарғимтир танли содиқ хизматкор қиёфасида келади, У ҳамшиша Ҳаре**

**Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре** деб куйлаб юради. Гарчи У Кришнанинг Ўзи бўлса ҳам, Унинг танаси Двапара-югадаги Кришнаники сингари қора рангда эмас, балки олтин рангда бўлади. Фақат Кали-йуга даврида Парвардигор *санкиртана* ҳаракати орқали одамларга Худога муҳофаза имлини тарғибот қилади. Етарли ақл-фаросатга эга бўлган тирик мавжудотлар руҳий ўзликни англашнинг ана шу усулини қабул қилиб, **Унга эргашадилар".**

Шунингдек, "Шримад Бхагаватам"(12.3.52)да шундай дейилган:

*крите йад дхйайато вишнум  
третайам йаджато макхаиҳ  
двапаре паричарйайам  
калау таддхари-киртанат*

**"Одамлар Сатйа-йугада муҳофаза усули ёрдамида, Трета-йугада ҳар хил қурбонлик маросими ўтказиш ёрдамида, Двапара-йугада эҳромларда Парвардигор Кришнанинг Илоҳига сиғиниш ёрдамида руҳий ўзликни англашга эришган бўлса, Кали-йуга даврида бунга Парвардигорнинг Ҳаре Кришна номларини такрорлаш орқали эриша оладилар".**

Бу "Вишну-пурана"(6.2.17)да ҳам тасдиқланади:

*дхйайан крите йаджан йаджнаиҳ  
третайам двапаре "рчайан  
йад апноти тад апноти  
калау санкиртйа кешавам*

**"Ҳозирги даврда на муҳофаза қилиш, на эҳромларда Худога сиғиниш бирор фойда келтирмайди. Руҳий ўзликни англашда фақат Кришнанинг муқаддас номини зикр қилиш орқали муваффақиятга эришиш мумкин: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре".**

Парвардигор Чайтанья Парвардигорнинг ҳозирги даврда келадиган инкарнациясини таърифлаб берганида, ҳукуматда вазир лавозимида ишлаган ва тўғри хулоса чиқаришни яхши биладиган Санатана Госвами дарров Унга шундай савол берди: "Парвардигорнинг инкарнациясини қандай аниқлаш, бошқалардан ажрата билиш мумкин?" Парвардигорнинг Кали-йугада келадиган инкарнациясининг таърифини тинглаб туриб, Санатана Госвами тушундики, келажакда Парвардигор Чайтаньяга тақлид қилишга уринадиган одамлар кўп бўлади, чунки Худонинг содиқлари У ҳақиқатан ҳам Парвардигорнинг инкарнацияси эканини тан олган бўлсалар ҳам, Чайтанья Махапрабху оддий браҳман ролини ўйнаётган эди. Санатана Госвами келажакда ҳар хил одамлар ўзларини Худо деб эълон қилиши мумкинлигини сезиб, Чайтанья Махапрабхундан: "Парвардигорнинг инкарнацияси-ни қайси аломат, белгиларига қараб бошқалардан ажратиш олиш мумкин?" - деб сўради.

Парвардигор унга шундай жавоб берди: "Парвардигорнинг Кали-йугада келадиган инкарнациясини ҳам Унинг бошқа даврларда келадиган инкарнацияларини аниқлагандай ведавий муқаддас китоблардаги исботлар ёрдамида билиб олиш мумкин". Бу билан Парвардигор ишончли муқаддас китобларга таяниш муҳимлигини таъкидлади. Бошқача қилиб айтганда, кимнидир ҳар ким ўзи истагани учун Худо деб билиши керак эмас,

бунинг учун аввало Парвардигорнинг муқаддас китобларда келтирилган белгиларини билиб олиш керак. Парвардигорнинг инкарнацияси ҳеч қачон Ўзини Худонинг инкарнацияси деб эълон қилмайди, лекин Унинг издошлари ишончли муқаддас китоблар асосида ким ҳақиқий инкарнация, ким алдоқчи қаллоб эканини аниқлаб олишлари лозим.

Бошқалардан ажралиб турадиган икки белгини - шахс деб аталадиган асосий белгини ва иккиламчи белгиларни тушунган ҳар қандай ақл-фаросатли киши аватаранинг аломатларини тушуна олади. Муқаддас китобларда инкарнациянинг танасининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда унинг кўрсатадиган фаолияти башорат қилинади. Танасининг белгилари уни бошқалардан ажратиб турадиган, уни таниб олиш мумкин бўлган белгилар ҳисобланади. Инкарнациянинг кўрсатадиган фаолияти уни бошқалардан ажратиб турадиган қўшимча аломатлар бўлади. Бу "Шримад Бхагаватам"нинг бошида(1.1.1) айtilган бўлиб, унда аватараларнинг алоҳида белгилари жуда яхши таърифланган. Ана шу шеърда жуда муҳим икки ибора ишлатилган - *парам* ва *сатйам*. Чайтанья Махапрабху айтадики, ана шу икки ибора Кришнанинг асосий белгиларини ифодалаб берган. Кришнанинг қўшимча белгилари шундан иборатки, У Тангри Браҳмага Ведалар илмини ўргатган, космик оламни яратиш учун Ўзини *пуруша-аватара* қиёфасида намоён этган. Бу Унинг тасодифий белгилари бўлиб, қандайдир аниқ мақсадни амалга ошириш учун намоён бўлади. Аватараларнинг асосий ва қўшимча аломатларини тушуниш ҳамда бир биридан ажрата билиш лозим. Ана шу икки аломатни ўзида намоён этмай туриб ҳеч ким ўзини Худонинг аватараси деб эълон қилишга ҳаққи йўқ. Фаросатли киши Парвардигорнинг аватарасининг ана шу икки аломатини яхшилаб ўрганмай туриб ҳеч кимни Худо деб тан олмайди. Санатана Госвами Чайтанья Махапрабхуга Унинг сифатлари Кали-йугада келадиган аватаранинг аломатларига ўхшаб кетади, деб айтишга уринганида, Парвардигор Чайтанья: "Бу гапни ҳозирча четга қўйиб турамизда, суҳбатимизни шактйавеша-аватараларни таърифлаш билан давом эттирамиз" - деб, унинг гапларини қисман тасдиқлади.

Кейин Парвардигор Чайтанья айтдики, шактйавеша-аватараларнинг сон-саногии йўқ, уларнинг ҳисобига етиб бўлмайди. Лекин, мисол тариқасида уларнинг бир-иккисини айтиб ўтиш мумкин. *Шактйавеша* инкарнациялари икки тоифа бўлади: бевосита ва билвосита. Парвардигорнинг Ўзи тушиб келганда бу аватара *сакшат*, яъни бевосита *шактйавеша-аватара* деб аталади. У бирор тирик мавжудотга Ўзининг номидан ҳаракат қили ваколатин берганда эса, ана шу тирик мавжудот Унинг билвосита инкарнацияси ёки *авеша* инкарнацияси деб аталади. Парвардигорнинг билвосита инкарнацияларига тўрт Кумар, Нарада, Притху ва Парашурама мисол бўлиши мумкин. Аслида улар тирик мавжудот, лекин Парвардигор уларга Ўзининг маълум бир қудратини ато этган. Бирор тирик мавжудотга Парвардигорнинг бойликларидан маълум бир тури ато этилгандаўша тирик мавжудот *шактйа-авеша-аватара* деб аталади. Масалан, Кумарларда Парвардигорнинг илм бойлиги намоён бўлган. Нарада Муни ўзида Худого садоқат билан хизмат қилишни намоён этган. Худого садоқат билан хизмат қилиш, шунингдек, Худого

садоқат билан хизмат қилишнинг тўлиқ тимсоли ҳисобланган Чайтанья Махапрабхуда ҳам намоён бўлган. Тангри Браҳмага Парвардигорнинг яратиш қуввати ато этилган, шоҳ Притхуга эса - барча тирик мавжудотларнинг мавжудлигини таъминлаб туриш қудрати ато этилган. Худди шундай Парашурамага золимларни яқсон қилиш қудрати ато этилган. *Вибухути*, яъни Худонинг Олий Шахсининг алоҳида марҳаматига келсак, "Бхагавад-гита"нинг ўнинчи бобида айtilганки, агар тирик мавжудот алоҳида қудратга эга бўлса, ёки бошқаларни ўзига мафтун қиладиган даражада чиройли бўлса, Парвардигор унга алоҳида марҳамат кўрсатган, деб ҳисоблаш керак.

Бевосита, яъни сакшад-аватараларга Шеша ва Ананта инкарнациялар мисол бўлади. Анантага барча сайёраларни ушлаб туриш қудрати ато этилган, Шеша инкарнациясига эса, Парвардигорга хизмат қилиш қуввати ато этилган.

Чайтанья Махапрабху *шактйавеша* инкарнацияларни таърифлаб бўлиб Парвардигорнинг ёши ҳақида гапира бошлади. У айтдики, Парвардигор Кришна ҳамиша ўн олти ёшли ўспиринга ўхшайди, У бу коинотга тушишни истаганида, аввалига У Ўзининг асл содиқлари орасидан бу дунёга Ўзининг бўлғуси отонасини юборади, кейин Ўзи инкарнация сифатида ёки шахсан Ўзи келади. Унинг иблис Путанани ўлдиришдан бошлаб кўрсатган барча кароматлари сон-саноксиз коинотларда намоён бўлади, уларнинг сон-санғи йўқ. Ҳар бир лаҳзада, ҳар бир дақиқада Унинг намоён бўлган қиёфалари ва кароматлари турли коинот(*Брахманда*)ларда амалга ошиб туради. Шундай қилиб, Унинг кароматларини худди Ганганинг тўлқинларига ўхшатиш мумкин. Ганга сувларининг тўлқинлари сон-саноксиз бўлгани сингари, Кришнанинг турли коинотлардаги инкарнациялари оқими ҳам бетўхтов давом этаверади. Болалик пайтидан бошлаб У то раса-раксигача бўлган Ўзининг кўплаб ўйинларини намоёйиш этади.

Айtilганки, Кришнанинг барча эрмаклари мангу, бу барча муқаддас китобларда тасдиқланади. Одатда одамлар Парвардигор Кришна қандай қилиб Ўз эрмакларини намоён этишини тушуна олмайдилар, аммо Парвардигор Чайтанья бунинг Ер сайёрасининг Куёш атрофида айланишига қиёслаб, тушуниш учун осон қилди. Ведавий астрологик ҳисоб-китобларга кўра, суткани ташкил этадиган 24 соат, олти дандага бўлинади. Сутканинг кейинги бўлаклари 3600 пал. Куёш шари ҳар олтмиш пал, бир дандага тенг вақтда бошқача кўринишда бўлади. Саккиз данда бир прахарани ташкил этади, куёшнинг чиқиши ва ботиши орасидаги вақт тўрт прахарадан иборат. Худди шундай тун, яъни куёшнинг ботиши билан чиқиши орасидаги вақт ҳам тўрт прахара бўлади. Шунга ўхшаб, худди Куёшнинг 3600 пал давомида қилган ҳар бир ҳаракати давомида кўриш мумкин бўлгани сингари, Парвардигор Кришнанинг ҳамма эрмакларини коинотларнинг ҳар бирида кўриш мумкин.

Парвардигор Кришна бу сайёрада фақат 125 йил давомида қолади, лекин Унинг ана шу давр давомида амалга оширган барча эрмаклари ҳар бир коинотда намоён бўлади. Бу эрмаклар Унинг бу дунёда пайдо бўлишидан, Унинг болаликдаги эрмакларидан, Унинг ёшлигидан, то Унинг Дваракада амалга оширган каро-

матларигача бўлган эрмакларидан иборат. Ана шу эрмакларнинг ҳаммаси ҳозир сон-саноксиз коинотларнинг бирортасида бўлиб ўтаётгани сабабли улар мангу деб аталдилар. Гарчи биз сайёрада жойлашган жойимизга мос равишда куёшнинг чиқишини, анча вақт осмонда турганини ва кейин ботишини кўриб юрсак ҳам, Куёш мангу мавжуд. Худди шундай, гарчи Парвардигор Кришнанинг эрмаклари мана шу коинотда, шу сайёрада, вақтнинг маълум бир бўлагида бўлиб ўтганини кўрсак ҳам, Парвардигорнинг эрмаклари мангу давом этаверади. Унинг даргоҳи - Голока-Вриндаван деб аталадиган олий сайёра, Унинг хоҳиши билан ана шу сайёра бошқа коинотлардаги сингари бу коинотда ҳам намоён бўлади. Шундай қилиб, Парвардигор ҳамиша Ўзининг олий даргоҳида, Голока-Вриндаванда яшайди, Унинг олий амри ва истаги билан Унинг кароматлари сон-саноксиз коинотларда намоён бўлади. Ҳар гал у бу дунёда намоён бўлганида У аниқ бир жойда намоён бўлади, ҳар гал У билан бирга Унинг олти хил бойлиги ҳам намоён бўлади.

## 9-Боб. Кришнанинг бойликлари

Парвардигор Чайтанья бегуноҳ ва қалби пок самимий одамларга жуда меҳрибон бўлгани учун Уни *Патита-навана*, яъни “энг пасткаш шартланган руҳларни кутқарувчи Зот” деб атайдилар. Шартланган руҳ ҳатто тубанликнинг энг чуқурига қулаган бўлса ҳам, агар у бегуноҳ бўлса, руҳий юксалишга эриша олади. Ҳиндуизм ижтимоий нуктаи-назаридан Санатана Госвами тубанликка қулаган киши эди, чунки у сигир гўшти ейдиган пасткаш ҳукмдор ҳукуматида хизмат қиларди. Ҳақиқатан ҳам, у шу сабабли ҳатто браҳманлар тоифасидан четлатилган эди. Лекин, у **самимий** руҳ бўлган учун Парвардигор Чайтанья унга руҳий илм бойлигини ато этиб, алоҳида марҳамат кўрсатган эди.

Парвардигор унга ўргатган навбатдаги илм **руҳий оламдаги турли сайёраларнинг жойлашиш тартиби** эди. Руҳий сайёралар ваикунтҳалар деб ҳам аталади. Моддий оламдаги коинотларнинг эни ва бўйи чекланган, Ваикунтҳа сайёралари эса, ўлчами бўйича чексиз, чунки улар руҳий табиатга эга. Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамига айтдики, ҳар бир Ваикунтҳа сайёрасининг эни ва бўйи миллион–миллиард километрга чўзилади. Бу сайёраларнинг ҳар бири чексиз кенгайиб боради ва улардаги ҳар бир тирик мавжудот бойликларнинг ҳар олти турига тўлалигича эга бўлади - бойлик, куч, илм, гўзаллик, шон-шухрат ва боғланмаслик. Бу сайёраларнинг ҳар бирида Кришнанинг бирор экспансиясининг Кришналока ёки Голока-Вриндаван деб аталадиган мангу даргоҳи жойлашган.

Бу коинотда ҳатто энг катта сайёралар ҳам ташқи фазода кичкина жойни эгаллаб туради. Гарчи Куёш Ер сайёрасидан минг марта катта бўлса ҳам, у барибир ташқи оламда кичкина жойни эгаллаб туради. Худди шундай, гарчи руҳий сайёралар узун ва энига чексиз чўзилган бўлса ҳам, *браҳмажйоти* деб аталадиган руҳий осмонда кичкина жойни эгаллаб турадилар.

"Брахма-самхита"да ана шу браҳмажйоти *нишкалам анантам аиеша-бхутам*, яъни "бўлинмас, чексиз ҳамда моддий табиат гуналаридан асар ҳам бўлмаган" деб аталади. Барча Ваикунтҳа сайёралари нилуфар гулбаргларига ўхшайди, ана шу гулнинг Голока-Вриндаван деб аталадиган асосий қисми эса, барча Ваикунтҳаларнинг маркази ҳисобланади. Шундай қилиб, бу ерда таърифланганидек, Кришнанинг турли киёфаларга эга бўлган экспансияларининг, шунингдек, Унинг руҳий сайёралардаги ва руҳий осмондаги турли даргоҳларининг сон-саногии йўқ. Бу "Шримад Бхагаватам"(10.14.21)да тасдиқланади: "Барча Ваикунтҳа сайёраларининг бўйи ва энини ўлчашга ҳеч ким қодир эмас". Шу ерда яна айтилганки, бунга нафақат Тангри Браҳма ва Тангри Шива сингари фаришталар, ҳатто Парвардигорнинг бойликларидан бири - Унинг кучининг тимсоли бўлган Ананта ҳам Парвардигорнинг қувватининг чегараларини ёки Ваикунтҳа сайёралари жойлашган майдон кенчилиги аниқлашга қодир эмас.

Буни Тангри Браҳманинг "Шримад Бхагаватам"(10.14.21)да келтирилган илтижоси ҳам тасдиқлайди, унда Тангри Браҳма шундай дейди:

*ко ветти бхуман бхагаван паратман  
йогешваротир бхаватас три-локйам  
ква ва катхам ва кати ва кадети  
вистарайан кридаси йога-майам*

"Эй азиз Парвардигор, эй Худонинг Олий Шахси, эй Олий Руҳ, эй барча сеҳр қудратининг ҳукмдори, ҳеч ким Сенинг йогамайа ёрдамида намоён этадиган экспансияларининг аниқлаб етишга ёки тушунтириб беришга қодир эмас. Бу экспансияларинг бутун уч олам бўйлаб тарқалган". Тангри Браҳма ўзининг илтижосида яна шундай дейди(шб.10.14.7):

*гунатманас те "пи гунан виматум  
хитаватирнасиа ка йишире "сиа  
калена йаир ва вимитаҳ сукалтаир  
бху-памсавах кхе михика дйубхасаҳ*

"Билимдон ва илмли олим кишилар ҳатто битта сайёранинг атом таркибини ҳам аниқлай олмайдилар. Ҳатто улар осмондаги қорларнинг молекулаларини ёки осмондаги юлдузлар сонини аниқлай олсалар ҳам, улар Сен қандай қилиб мана шу Ер сайёрасига ёки бу коинотга Ўзининг илоҳий қувватларинг, сифат ва кучларинг билан бирга ташриф буюришинг ҳақида фикр юрита олмайдилар". Тангри Браҳма Нарада Мунига айтдики, буюк донишмандлардан бирортаси, шу жумладан, унинг ўзи ҳам, Парвардигорнинг қудратини ёки кучини аниқлашга қодир эмас. У тан оладик, ҳатто Ананта Ўзининг минг тили билан Парвардигорнинг қудратини таърифлашга уриниб кўрса, У ҳам барибир бунга эриша олмаган бўларди. Шунинг учун Ведалар тимсоли Парвардигорга шундай илтижо қиладилар(шб.10.87.41):

*дйупатйа эва те на йайур антам анантатайа  
твям апи йад антаранда-ничайа нану саваранаҳ  
кха ива раджамси ванти вайаса саха йач чхрутайас  
твайя хи пхалантй атаннирасанена бхаван-нидханаҳ*

"Эй Парвардигор, Сен чексизсан, ҳеч ким Сенинг қудратининг чеклаб қўя олмайди. Ўйлайманки, ўз қудратинг чегарасини ҳатто Ўзинг ҳам билмайсан. Чексиз катта сайёралар худди атомларга ўхшаб

осмонда сузиб юрадилар, Сени излаб юрган буюк ведантистлар биладиларки, бутун борлиқ Сендан фарқ қилади. Шу тарзда улар оқибат натижада аслида бутун борлиқ Сенда мужассам деган хулосага келадилар".

Парвардигор Кришна мана шу сайёрада бўлган пайтда, Вриндаванда подачи бўлиб юрган бу болакай аслида Парвардигор Кришнанинг Ўзи эканини тасдиқлаш учун Тангри Брахма Уни синаб, У билан ҳазиллашган эди. Ўзининг сеҳр қудратини ишга солиб, Тангри Брахма барча сигирларни, бузоқларни ва Кришнанинг дўстлари бўлган подачи болаларни ўғирлаб кетиб, яшириб қўйди. Лекин, Кришна ёлғиз нима қилиб юрганини кўриш учун қайтиб келганида у кўрдики, Кришна худди ҳеч нарса бўлмагандай, аввалгидай ўша болалар, ўша сигир ва бузоқлар билан бирга ўйнаб юрибди. Бошқача қилиб айтганда, Ўзининг Ваикунтха қуввати ёрдамида Парвардигор Кришна Ўзини кўпайтирди ва ўғирланган сигир, бузоқ ва подачи болаларнинг қиёфаларига кириб олди. Ҳақиқатан ҳам қайтиб келган Брахма миллион-миллиард сигир ва подачиларни кўрди, яна у миллион-миллион тонна шакарқамиш ва меваларни, нилуфар гулларини ва подачиларнинг сурларини кўрди. Подачи болалар турли либослар кийиб олган эдилар, улар қанча эканини ҳеч ким санаб чиқиша олмасди. Кейин Тангри Брахма подачи болаларнинг ҳар бири ҳар бир Брахмандадаги ҳукмдор Илох, тўрт қўлли Нарайана эканини, шунингдек, сон-саноксиз Брахмалар Парвардигор олдида эҳтиром билан бош эгиб турганини кўрди. Брахма уларнинг ҳаммаси Кришнанинг танасидан чиқиб турганини, бир лаҳзадан кейин яна Унинг танасига кириб турганини кўрди. Тангри Брахма ҳайратдан ёқасини ушлаб қолди, кейин ўзининг Парвардигор Кришнага қилган илтижоларида тан олдики, гарчи ҳар ким ўз билганича "мен Кришнани биламан" деб айтиши мумкин бўлса ҳам, аслида у Кришна ҳақида ҳеч нарса билмайди. "Эй азиз Худойим, - деди у, - ҳозир Сен намойиш этган қудрат ва бойлик менинг ақлимга сиғмайди".

Кейинчалик Парвардигор Чайтанья тушунтирдики, нафақат Кришналоқанинг, ҳатто Парвардигор Кришнанинг мана шу сайёрадаги даргоҳи бўлган Вриндаваннинг қудратининг чегарасини англаб етишнинг иложи йўқ. Бир қараганда Вриндаван 32 кв.км майдонни эгаллаган қишлоқдай кўринади, лекин шунга қарамасдан, ана шу майдонда ҳамма Ваикунтхалар жойлашган. Ҳозирги Вриндаван ўн икки ўрмондан иборат бўлиб, 84 крошага, яъни 168кв.км га чўзилган. Улардан Вриндаван шаҳри 16 крош, яъни 32кв.км ни эгаллайди. Моддий ҳисоб-китоблар ёрдамида қандай қилиб ана шу майдонда ҳамма Ваикунтхалар жойлашганини тушуниш қийин. Шунинг учун Чайтанья Махапрабху Кришнанинг барча қувват ва бойликларини чексиз деб атади. Унинг Санатана Госвамига айтганларининг ҳаммаси - шунчаки руҳий оламнинг бир қисми, лекин ана шундай қисман тасаввур орқали тўла бутунни тасаввур қилишга уриниб кўриш мумкин.

Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамига Кришнанинг бойликлари ҳақида гапирар экан, У чуқур илоҳий жазавага фарқ бўлганди, ана шундай илоҳий ҳолатда У "Шримад Бхагаватам"дан бир шеър келтиради, унда Кришна кетгандан кейин Уддхава Видурага шундай дейди(3.2.21):

*свайам тв асамйатишайас трийадхишах  
свараджйа-лакшмианпта-самаста-камаҳ  
балим харадбхиш чира-локапалаих  
кирита-котйедита-падапитах*

"Кришна барча фаришталарнинг, шу жумладан Тангри Брахма, Шива ва бу коинотдаги Вишну экспасиясининг ҳукмдори. Шунинг учун Унга тенг ёки Ундан устун бўлган бирор зот йўқ. У олти турли бойликларнинг ҳаммасига мукамал эга. Ҳар бир коинот(брахманда)ни бошқариб турган фаришталарнинг ҳаммаси Унинг олдида эҳтиром билан бош эгадилар. Ҳақиқатан ҳам, уларнинг бошидаги тожлари ажойиб, чунки уларда Парвардигорнинг нилуфар пойи қадамларининг изи қолган". "Брахма-самхита"(5.1)да ҳам шунга ўхшаш гаплар бор. Унда айтилганки, Кришна -Худонинг Олий Шаҳси, ҳеч ким Унга тенг ёки Ундан устун бўлолмайди. Гарчи Тангри Брахма, Шива ва Вишну - ҳар бир коинотнинг ҳукмдори бўлса ҳам, улар Парвардигор Кришнанинг хизматкорларидир. Якуний хулоса шундан иборат. Барча сабабларнинг сабабчиси бўлган ҳолда Парвардигор Кришна биринчи инкарнация ҳамда моддий оламнинг ҳукмдори бўлган Маха-Вишнунинг ҳам сабабчиси ҳисобланади. Маха-Вишну Гарбходакашайи Вишну билан Кширодакашайи Вишнуни намоён этади; шундай қилиб, Кришна Гарбходакашайи Вишнунинг ҳам, Кширодакашайи Вишнунинг ҳам хўжайини ҳисобланади. Шунингдек, У коинотдаги ҳар бир тирик мавжудотнинг Олий Руҳи. "Брахма-самхита"(5.48)да айтилганки, Маха-Вишнунинг нафаси билан сон-саноксиз коинотлар пайдо бўлади, ҳар бир коинотда сон-саноксиз Вишнутаъвалар мавжуд, лекин шуни тушуниш лозимки, Кришна уларнинг ҳаммасининг ҳукмдори, улар эса - шунчаки Кришнанинг қисман намоён бўлган экспансиялари.

Муқаддас китоблардан маълумки, Кришна уч илоҳий даргоҳда яшайди. Кришна яшайдиган энг муқаддас даргоҳ Голока-Вриндаван ҳисобланади. Айнан шу жойда У Ўзининг отаси, онаси ва дўстлари билан бирга яшайди, Ўзининг ўзаро илоҳий муносабатларини намойиш этади, Ўзининг мангу даврасига қирадиган ҳамроҳларига чексиз бахт-саодат келтиради. У жойда *йогамайа раса-лила* рақсининг хизматкори вази-фасини бажаради. Враджабхумида яшайдиган зотлар шундай ўйлайдилар: "Парвардигорнинг илоҳий марҳамати ва муҳаббатининг заррачалари Уни шарафлаб қуйлайдилар, бизлар, Вриндаванликлар эса, ҳеч қандай ташвиш, хавотирсиз яшаймиз, чунки У Ўз марҳамати билан шу ерда яшайди". "Брахма-самхита"(5.43)да айтилганидек, руҳий оламдаги Вишнулока деб аталадиган барча Ваикунтха сайёралари Кришналока, яъни Голока-Вриндаван деб аталадиган сайёрада жойлашган. Ана шу олий сайёрада Парвардигор Ўзининг илоҳий лаззатидан кўплаб қиёфаларда роҳатланиб яшайди, Ваикунтханинг барча бойликлари ана шу ягона сайёрада тўла мавжуд. Кришнанинг яқин ҳамроҳлари ҳам олти бойликка тўлиқ эга. "Падмоттаракханда"(225.57)да айтилганки, моддий ва руҳий қувват *Вираджа* деб аталадиган дарёнинг сувлари билан бир биридан ажралган. Ана шу дарё биринчи пуруша-инкарнациянинг терлаганида пайдо бўлган сув билан тўлган. Вираджа дарёсининг бир қирғоғида руҳий осмон деб аталадиган чексиз ва лаззатга тўла мангу таби-

ат жойлашган, ана шу жой рухий салтанат, яъни Худонинг даргоҳи ҳисобланади. Рухий сайёралар Ваикунт-халар деб аталади, чунки уларда афсус-надомат ҳам, кўрқув ёки ташвиш ҳам йўқ; у жойда ҳамма нарса мангу табиатга эга. Ҳисоб-китобларга кўра рухий оламга Парвардигорнинг қудратининг тўртдан уч қисми тўғри келади, моддий олам эса, Парвардигорнинг қудратининг чорак қисмини ташкил этади, лекин ҳеч ким ана шу тўртдан уч қисми нима эканини тушуниб етишга қодир эмас, чунки ҳатто Парвардигорнинг қудратининг чорак қисмини ташкил этадиган мана шу моддий оламни ҳам тўла таърифлашнинг иложи йўқ. Парвардигор Кришнанинг қувватининг чорак қисмининг қанчалик улуғвор эканини Санатана Госвамига қандайдир даражада тушунтириш учун Чайтанья Махапрабху "Шримад Бхагаватам"да ёзилган бир хикояни гапириб беради, унда мана шу коинотнинг ҳукмдори Тангри Брахма Дваракага Кришнанинг олди-га келади. Тангри Брахма Кришнанинг саройига яқин борганида дарвозабон Кришнага Брахма келганини айтди. Кришна ундан айнан қайси Брахма келганини билишни илтимос қилди. Дарвозабон Тангри Брахмага мурожаат қилиб деди: "Кришна қайси Брахма келганини сўрапти?"

Унинг гапидан Тангри Брахма жуда хайрон бўлди. Нимага Кришна бундай савол берган экан? У мулозимга шундай деди: "Кришнага бориб айт, Унинг олди-га тўрт Кумарнинг отаси, тўрт каллали Брахма келди".

Мулозим бу ҳақда Кришнага хабар берди, кейин Тангри Брахмани ичкарига таклиф қилди. Брахма узала тушиб Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилди. Кришна унга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, нима мақсадда келганини сўради.

"Мен нима мақсадда келганимни айтаман, - деди Брахма, - лекин, аввал Сендан менинг бир гумонимни тарқатиб юборишни илтимос қилмоқчийдим, Сенинг мулозиминг менга айтдики, Сен ундан қайси Брахма келганини аниқлашни сўрагансан, нима, менадан бошқа яна қандайдир Брахма борми?"

Унинг гапини тинглаб туриб, Кришна кулиб қўйди ва олди-га сон-саноксиз коинотлардан кўплаб Брахмаларни чақирди. Тўрт каллали Брахма Кришнага ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш учун келган кўплаб бошқа Брахмаларни кўрди. Уларнинг баъзиларида ўн калла, баъзиларида - йигирма, баъзиларида ҳатто миллион калла бор эди. Бунинг устига Тангри Брахма Кришнага ҳурмат билдириш учун неча Брахма келганини ҳам аниқлай олмади. Кейин Кришна турли коинотлардан бошқа кўплаб фаришталарни чақирди, уларнинг ҳаммаси келиб Кришна олдида сажда қилардилар. Мана шу хайратли манзарани кўриб тўрт каллали Брахманинг жаҳли чиқди. У ўзини худди сон-саноксиз филлар орасида турган пашшадай ҳис қиларди. Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига шунчалик кўп фаришталар келганини кўриб Тангри Брахма "Парвардигор Кришнанинг чексиз имкониятларини ўлчашнинг иложи йўқ" деган хулосага келди. Турли фаришта ва Брахмаларнинг бошидаги тожлар ана шу буюк мажлисда кучли ёғду таратиб порлаб турарди, фаришталарнинг Парвардигор Кришнага қилаётган илтижолари эса, кучли шовкинни юзага келтирганди.

"Эй азиз Парвардигор - деди фаришталар, - Бизларни бу ерга чақириб Сен бизларга чексиз марҳамат

кўрсатдинг. Бизларга қандайдир алоҳида топширигинг борми? Бизлар Сенинг ҳар қандай амрингга мунтазир-миз".

"Йўқ, Менга сизлардан ҳеч нарсанинг кераги йўқ, - деди Кришна, - Мен шунчаки сизларнинг ҳаммангизни бир жойда кўришни истаган эдим. Мен сизларга бахт тилайман. Иблислардан кўркманглар".

"Сенинг марҳаматинг билан бизларнинг ҳамма ишимиз жойида - деди фаришталар биргаликда жўр бўлиб, - Ҳозир бизларни ҳеч ким безовта қилаётгани йўқ, чунки Сен Ўзинг шу ерда иштирок этиясан, шу боис ҳамма ёқимсиз нарсалар устидан галаба қозондик".

Ҳамма Брахмалар Кришнани кўрганлари учун уларнинг ҳар бири Кришна айнан унинг коинотида иштирок этипти деб ўйларди. Ана шу воқеадан кейин Кришна барча Брахмалар У билан хайрлашишини истади, улар яна бир марта Унга сажда қилиб, ҳар қайси ўз коинотида йўл олди. Буларнинг ҳаммасини кўриб турган тўрт каллали Брахма Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига бошини қўйиб, шундай деди: "Аввал Сен ҳақингда ўйлаб юрганларим мутлако нодонлик экан. Ҳар ким Сени мукамал биламан, деб ўйлаши мумкин, лекин мен Сенинг қанчалик улуғвор, буюк эканингни ҳатто узоқдан ҳам тасаввур қила олмаймаман. Сен мен тасаввур қила олишим мумкин бўлгандан ҳам чексиз буюксан".

"Бу коинотнинг ўлчами фақат тўрт миллиард км - деди унга Парвардигор Кришна. - Лекин бу коинотдан жуда, жуда катта бўлган миллион-миллиард коинотлар бор. Уларнинг баъзилари триллион км га кўзилган, уларни бошқариш учун тўрт каллали эмас, балки анча қудратли Брахмалар зарур".

Кейин Кришна Тангри Брахмага шундай деди: "Бу моддий олам - Менинг яратиш қувватимнинг шунчаки чорак қисмининг намоён бўлишидир. Менинг яратиш қудратимнинг тўртдан уч қисми рухий салтанатда". Ҳурмат-эҳтиром билан бош эгиб, Тангри Брахма Парвардигор Кришна билан хайрлашди. Энди у "Парвардигорнинг қудратининг тўртдан уч қисми" нимани англатишини тушунган эди. Шунинг учун Парвардигорнинг номларидан бири - **Трийадишвара**. Кришнанинг бу номи Унинг уч асосий даргоҳини билдиради: Гокула, Матхура ва Дварака. Ана шу уч даргоҳ барча бойликларга тўлиқ эга, Парвардигор Кришна эса, ана шу бойликларнинг соҳиби ҳисобланади. Ўзининг илоҳий қувватида бўлган ҳолда Парвардигор Кришна барча илоҳий қувватларнинг ҳукмдори ҳисобланади ва У олти хил бойлик(фазилат)нинг тўлиқ соҳиби. Барча бойликларнинг эгаси бўлгани учун барча ведавий муқаддас китоблар Кришнани Худонинг Олий Шаҳси деб эълон қилардилар.

Кейин Парвардигор Чайтанья Кришнанинг бойликлари ҳақидаги ажойиб қўшиқни куйлади, Санатана Госвами Уни диққат билан тинглади. "Кришнанинг қиладиган ишларининг ҳаммаси худди одамларнинг қиладиган ишларига ўхшайди" - куйларди Парвардигор. "Шунинг учун тушуниш лозимки, Парвардигорнинг қиёфаси инсонникига ўхшайди. Ҳақиқатан ҳам, инсоннинг шакли Унинг шаклу-шамоилига ўхшайди. Кришна худди подачи болаларга ўхшаб кийиниб олган. У қўлларига най ушлаб олган, У худди ёш ўспиринларга ўхшайди. У ҳамшиша қувноқ ва

ҳазилкаш, У худди оддий болаларга ўхшаб шўхлик қилади".

Кейин Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамига Кришнанинг гўзаллиги нимада намоён бўлиши ҳақида гапириб берди. У айтдики, Парвардигорнинг ана шу ажойиб сифатларини тушунган киши лаззат уммонига ғарқ бўлади. Кришнанинг *йогамайа* деб аталадиган қуввати илохий ва моддий қувват билан аралашмайди, аммо Парвардигор фақат Ўзининг яқин содиқ хизматкорларини мамнун қилиш учун илохий қувватини ҳатто моддий оламда ҳам намоён этади. Шунинг учун У Ўзининг содиқ хизматкорларини мамнун қилиш ниятида моддий оламда пайдо бўлади, Унинг сифатлари шунчалик жозибадорки, ҳатто Кришнанинг Ўзи ҳам Ўзини англаб етишга зўр иштиёқ билан қаттиқ интила бошлайди. У Ўзининг чиройли либосларига бурканган ҳолда, танасини уч жойида эгиб, кўлларига най ушлаган ҳолда турганида, қошлари бетиним ўйнаб туради, кўзлари шунчалик мафтункорки, гопиларнинг ҳаммаси худди жодулангандай хайрат биан Унга махлиё бўлиб қараб қоладилар. Унинг илохий даргоҳи - рухий осмоннинг тепасида, У шу ерда Ўзининг ҳамроҳлари, подачи болалар, гопилар ва барча раванқ фаришталари билан бирга яшайди. Айнан шу ерда Уни Мадана-моҳана(Гўзаллик фариштасини мафтун этган Зот) деб атайдилар.

Парвардигор Кришнанинг Васудева ва Санкаршан киёфасидаги эрмаклари сингари хилма-хил эрмаклари бор, моддий оламда Унинг эрмакларини биринчи пуруша-инкарнация, моддий оламнинг яратувчиси давом эттиради. Шунингдек, Парвардигор балиқ ёки тошбақа киёфасида намоён бўладиган эрмаклар ҳам бор, шундай эрмаклар ҳам борки, уларда Парвардигор Тангри Браҳма ёки моддий сифатлар тимсоли бўлган Тангри Шива киёфасида намоён бўлади. Парвардигор Ўзини ваколат олган инкарнация сифатида намоён қилиб иштирок этадиган эрмакларда У шоҳ Притху киёфасига киради, бундан ташқари, У ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Олий Рух сифатида, шахсиятсиз Браҳман сифатида турли эрмакларини намоёиш этади. Гарчи Унинг сон-саноксиз эрмаклари бўлса ҳам, уларнинг энг муҳимлари - Кришнанинг инсон киёфасида, Вриндаванда турли шўхликлар қилиб юрган, гопилар билан рақсга тушадиган, Курукшетрада Пандузодалар билан ўтказган, Матхура ёки Дваракада ўтказган эрмакларидир. Унинг инсон киёфасида ўтказган муҳим эрмаклари орасида эса, Унинг подачи бола ролини ўйнаб, ёш кишлоқи болакай киёфасида най чалиб юрадиган эрмаклари энг муҳим ҳисобланади. Шунини тушуниб олиш лозимки, ҳатто Унинг Голока, Матхура ва Дваракадаги эрмакларининг қисман намоён бўлиши ҳам бутун коинот аҳолисини Худога муҳаббат туйғусига ғарқ қилишга қодир.

Унинг ички қуввати ҳатто Худонинг даргоҳида ёки Ваикунтха сайёраларида ҳам намоён бўлмайди, аммо У ана шу қувватини мана шу сайёрага шахсий даргоҳидан Ўзининг англаб бўлмас марҳамати билан ташриф буюрганида намоён этади. Кришна шунчалик ғаройиб ва жозибадорки, Унинг гўзаллиги ҳатто Унинг Ўзини ҳам мафтун этади, мана шунинг ўзиёқ Унинг англаб бўлмас имкониятларга эга эканини исботлайди. Кришнанинг безакларига келсак, У танасига уларни тақиб олганида, гўё улар Уни безаб турган эмас,

аксинча ўша тақинчоқларнинг ўзлари Унинг танасида тургани учун яна ҳам чиройлироқ бўлиб кетгандай бўлади. У илохий танасини уч жойида эгиб турганида, барча тирик мавжудотларни, шу жумладан фаришталарни ҳам мафтун этади. Ҳақиқатан ҳам, У ҳатто Парвардигорнинг барча Ваикунтха сайёраларида ҳукмронлик қиладиган Нарайана инкарнациясини ҳам Ўзига мафтун этади.

## 10-боб. Кришнанинг гўзаллиги

Кришнани Маадана-Моҳана деб атайдилар, чунки У Купидон(севги фариштаси)нинг ақлини лол қилади. У Мадана-моҳана деган ном билан яна шунинг учун машҳурки, У Ваджалик қизларнинг садоқат билан қилган хизматларини қабул қилади ва уларга бахт-саодат келтиради. Купидоннинг мағрурлиги устида ғалаба қозониб, Парвардигор худди янги Купидон сингари раса рақсига тушади. У Мадана-моҳана деган ном билан машҳур бўлишининг яна бир сабаби шундаки, У Ўзининг киёфа, таъм, ҳид, товуш ва тегиш деб аталадиган беш пайкони ёрдамида аёлларнинг ақлини Ўзига мафтун қилишга қодир. Унинг бўйнида осилиб турган маржон марваридлари худди ўрдақлардай оппоқ, Унинг бошини безаб турган товус патининг ранглари ҳам худди камалақдай турли рангларда товланади. Унинг сариқ либослари осмонда чакнаган яшинни эслатади, Кришнанинг Ўзининг ранги эса, энди тўпланган булутларга ўхшайди. Гопилар Унинг оёқларига осилган кўнғироқчаларга ўхшайдилар, булутлар бошоқли ўсимликлар ўсиб ётган далаларга ёмғир ёғдира бошлаганида эса, гўё Кришна гопиларга Ўз эрмаклари марҳаматини ёғдириб, уларнинг юракларига озуқа бераётгандай бўлади. Ҳақиқатан ҳам ўрдақлар осмонда ёмғир палласи даврида учиб ўтадилар, осмонда камалакни ҳам ана шу пайтда кўриш мумкин. Кришна худди Вриндаванлик подачи болакай сингари, дўстлари даврасида хотиржам айланиб юради, У найини чалганида барча кўзгалмас ва кўзгалувчан тирик мавжудотларнинг ҳаммаси жазавалаи лаззатга тушадилар. Уларнинг вужудлари титраб, кўзларидан бетиним ёшлар оқади. Кришнанинг турли туман бойлик-фазилатларининг ичида энг олийси Унинг эр-хотинларга хос ишқий муҳаббатидир. У барча ҳазиналарнинг, бутун куч-қудратнинг, бутун шон-шухратнинг, барча гўзалликларнинг, бутун илмнинг ҳамда мукаммал боғланмасликнинг ҳақиқий эгаси ва ана шуларнинг ҳаммасидан ҳам Унинг гўзаллигининг мукаммал ҳолати Унинг эркак зотига хос(яъни жинсий) мафтункорлигидир. Кришнанинг киёфаси, эрмакларга хос гўзаллиги, фақат Унинг Ўзида мангу мавжуд, Унинг қолган бошқа фазилатлари эса, Унинг намоён бўлган Нарайана киёфаларида ҳам бор.

Парвардигор Чайтанья Кришнанинг эрмакларга хос мафтункорлиги Унинг бошқа барча бойликларидан устун туришини таърифлаб берар экан Ўзи илохий жазавога тушди, У Санатана Госвамининг кўлларини ушлаган ҳолда Ваджалик қизларнинг қанчалик омадли эканини олқишлай бошлади ва "Шримад Бҳагаватам"дан бир шеър келтирди(10.44.14),



*гопйас тапаҳ ким ачаран йад амушйа рупам  
лаванийа-сарам асамордхвам ананийа-сиддхам  
дригбхиҳ пибантй анусавабхинавам дурапам  
эканта-дхама йошасаҳ шрийа ашварасйа*

"Ҳозир танасидан таралиб турган ёғду ўзида барча гўзалликлар мужассам қилган Кришнанинг бутун гўзаллик, бутун куч-қудрат, бутун бойлик, бутун шон-шухратдан иборат шарбатидан лаззатланиб юриш бахтига эришиш учун улар аввалги ҳаётларида қанчалик буюк риёзатларга берилиб яшаган эканлар?"

Кришнанинг ёшликнинг мангу гўзаллик уммони, гўзаллик тўлқинларида чайқалиб турган жозибадор танасини кўриш мумкин. Унинг най наволарида ўпқонлар эшитилади, ана шу тўлқинлар ва ана шу ўпқон гопиларнинг юракларини худди дарахтларнинг қуриган япроқларидай титрашга мажбур қилади, ана шу япроқлар Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига тушганида, яна қайта тикланишга уларнинг мажолли етмайди. Кришнанинг гўзаллигига тенг келадиган гўзаллик йўқ, чунки ҳеч ким Унинг гўзаллигидан устун ёки унга тенг гўзалликка эга эмас. У мужассам бўлган барча киёфаларнинг, шу жумладан Нарайананинг киёфасининг ҳам манбаи бўлгани учун, ҳеч қачон Нарайанадан ажралмайдиган раванқ фариштаси Нарайанани тарк этади ва Кришна билан учрашиш имкониятига эга бўлиш учун риёзат чека бошлайди. Кришнанинг ҳеч нарсага тенглаб бўлмайдиган, ҳар қандай гўзалликнинг туганмас манбаи бўлган гўзаллигининг улуғворлиги шундай. Оламдаги барча ажойиботлар айнан ана шу гўзалликдан бошланади.

Гопилар эгаллаб турган ҳолат, худди ҳар лаҳзада Кришнанинг гўзаллиги акс этишини кўриш мумкин бўлган ойнага ўхшайди. Кришна ҳам, гопилар ҳам ҳар лаҳзада ўзларининг илоҳий гўзаллигини кўпайтириб турадилар, улар ўртасида ҳамиша илоҳий мусобақа давом этади. На ўз бурчини ҳалол бажариш ёрдамида, на қаттиқ риёзатлар орқали, на сеҳрли йога қудрати билан, на илм ўрганиш орқали, на илтижолар ёрдамида ҳеч ким Кришнанинг гўзаллигини муносиб баҳолашга қодир эмас. Фақат Худога муҳаббатнинг илоҳий поғонасида турган ҳамда муҳаббат юзасидан Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқларгина Кришнанинг илоҳий гўзаллигини муносиб қадрлай оладилар. Ана шу гўзаллик Унинг барча фазилатларининг қаймоғи, уни бошқа бирор жойда эмас, балки фақат Голока-Вриндаванда эканини тушунадилар. Кришна марҳамат гўзаллигини, шон-шухрат гўзаллигини ва бошқа бойликларини Нарайана киёфасида мужассам қилган, аммо Нарайанада Кришнанинг улуғворлиги ва мулойим(юмшоқ)лиги йўқ. Уларни фақат Кришнанинг Ўзидан топиш мумкин.

Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамига тунтириб бераётган ҳар бир шеърдан илоҳий лаззат олиб, яна бир шеърни мисол келтирди(шб.9.24.65):

*йасйананам макара-кундала-чару-карна  
бхраджат-капола-субхагам савиласа-хасам  
нитийотсавам на татрипур дришибхиҳ пибантй  
нарйо нараш ча мудитаҳ купита нимеш ча*

"Одатда гопилар учун Кришнанинг гўзаллигидан лаззатланиш туганмас лаззат маросими эди. Улар Кришнанинг ажойиб жамолдан, Унинг ажойиб сирғалар осилган қулоқларидан, Унинг кенг пешонасидан, Унинг ширин табассумидан лаззатланардилар, Кришнанинг

гўзаллик мўъжизасидан лаззатланиб улар одатда кўзлари ёпилган онда Кришнани кўролмайд қолаётгани учун кўзларини очиб юмиладиган қилиб яратган Тангри Брахмадан нолирдилар".

*Кама-гайатри* деб аталадиган ведавий мадҳия Кришнанинг юзини барча ойланинг шоҳи деб таърифлайди. Қиёсий тил билан айтганда турли ойлари бор, уларнинг ҳаммаси Кришнада бирлашиб ягона ой бўладилар. Унинг оғзи қиёсланадиган ой бор, Унинг ёноқлари қиёсланадиган ой бор, Унинг танасига сурилган сандал пастаси қиёсланадиган ой зарралари бор, Унинг қўллари ва оёқларидаги бармоқ учлари қиёсланадиган ой бор. Шундай қилиб, Унинг гўзаллиги қиёсланадиган йигирма тўрт ярим бор, Кришна - уларнинг ҳаммасини бирлаштириб турган марказ.

*Раса* ракси пайтида Кришнанинг сирғалари, кўзлари ва қошларининг ҳаракатлари Ваджалик кизларни ўзига жуда мафтун этади. Худога садоқат билан хизмат қилишдаги фаолият Худога садоқат билан хизмат қилиш туйғусини кучайтиради. Икки кўзимиз бизларга Кришнанинг чиройли юзларини томоша қилишдан бошқа нимага бериб қўйилган? Кришнанинг гўзаллигини яхшилаб кўриб олишга икки кўз камлик қилаётгани учун инсон ўзининг мукамал эмаслигини ҳис қилади, шундай қилиб, у худди ўзини бирор нарсадан махрум бўлгандай ҳис қилади, қалбида ўзига нимадир етишмаётгандай бир туйғуни ҳис қилади. Ўзини яратган зотни айблай бошлаганида, ана шу туйғу бироз сусайгандай бўлади. Кришнанинг гўзал сиймосига қараб тўймаган киши шундай нолий бошлайди: "Нимага менда минглаб кўзлар йўқ, нимага фақат иккита кўзим бор, улар ҳам ҳамиша киприклари пирпираб менга халақит берадилар. Демак, менинг бу танамни яратган зот етарли ақл-фаросатга эга эмас. У жазавали лаззат санъатидан беҳабарлиги кўриниб турибди, демак, у шунчаки оддий яратувчи. У ҳамма нарсани инсон ҳамиша фақат Кришнани кўриб юра оладиган қилиб яратиш лозимлигини тушунмайди".

Гопиларнинг ақли ҳамиша Кришнанинг танасининг ширинлигидан лаззатланиб юради. Кришна - гўзаллик уммони, Унинг ажойиб юзи, табассуми ҳамда Унинг танасидан таралиб турган ёғду гопиларнинг ақлини лол қилади. "Кришна-карнамрита"да Унинг юзи, табассуми ва Унинг танасидан таралаётган ёғду "ширин", "ширинроқ" ҳамда "жуда ширин" деб таърифланади. Кришнанинг комил содиқ хизматкори ҳамиша Кришнанинг танасидан таралиб турган ёғдуни, Унинг жамолини ва табассумини томоша қилишдан қалби тўлиб юради, у илоҳий жазавали лаззатлар оғушига ғарқ бўлиб юради. Худди врач ҳатто бир култум сув бермасдан баъзи бир хуржларнинг давом этишига йўл қўйгани сингари, одатда Кришнанинг гўзаллиги олдида ана шу жазавали лаззатлар даволанмай қолади.

Содиқ хизматкор Кришнанинг йўқлигини тобора кучлироқ ҳис қила бошлайди, чунки Кришна сиз учун Унинг гўзаллиги нектаридан ичиб лаззатлана олмайди. Кришнанинг илоҳий най наволари эшитила бошлаганида, содиқ хизматкорнинг ана шу товушларни тинглашни давом эттириш истаги шунчалик кучли бўладики, бу истак уни моддий олам қобикларидан ўтиб, найнинг илоҳий товушлари гопиларнинг издошларининг қулоқларига кириб турган руҳий оламга кириб боришга

кодир кудратни ато этади. Кришнанинг най наволари гопиларнинг кулоқларида мангу янграб туради ва уларнинг жазавали лаззатини кучайтиради. Улар най наволарини тинглаётганида бошқа бирор товуш уларнинг кулоғига кирмайди, шунда, гарчи ўзларининг оила аъзолари орасида юрган бўлсалар ҳам, улар қариндошларининг саволларига тўғри жавоб бера олмайдилар, чунки ана шу ажойиб илоҳий товушлар хамиша уларнинг кулоқларида эшитилиб туради.

Парвардигор Чайтанья Кришнанинг илоҳий табиатини, Унинг экспансияларини, Унинг танасидан таралаётган ёғдуни ва Кришна билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани шундай тушунтириб берди. Қисқача қилиб айтганда, Парвардигор Чайтанья асл ҳолида Кришна қандай бўлса шундайлигича тушунтириб берди. Шунингдек, У Кришнага яқинлашиш имконини берадиган усулни ҳам тушунтириб берди. Бу борада Парвардигор Чайтанья **Кришнага садоқат билан хизмат қилиш - Кришнага яқинлашиш имконини берадиган ягона усул** эканини яна бир бор таъкидлаб ўтди. Ведалар адабиётининг якуний хулосаси шундан иборат.

Донишмандлар айтганидек: "Агар кимдир илоҳий ўзликни англаб етиш усули қандай, деган саволга жавоб излаб Ведалар адабиётига мурожаат қилса, ёки Пураналардан жавоб изласа, у амин бўладики, уларнинг ҳаммасининг ягона якуний хулосаси битта: Худонинг Олий Шахси, Кришна - сиғиниш лозим бўлган ягона Зот".

Кришна - Мутлақ Ҳақиқат, Худонинг Олий Шахси, "Бхагавад-гита"да таърифланганидек, У *сварупа-шакти*, яъни *атма-шакти* деб аталадиган Ўзининг ички қувватида бўлади. У Ўзини сон-саноксиз, ҳар хил киёфаларда кўпайтиради, уларнинг баъзилари Унинг шахсий киёфалари, баъзилари эса - ажралган киёфалари сифатида маълум. Шу тариқа У барча руҳий сайёраларда ва моддий коинотларда Ўздан лаззатланиб яшайди. Унинг ажралган киёфаларининг экспансиялари тирик мавжудотлар деб аталадилар, ана шу тирик мавжудотлар Парвардигорнинг қувватларига мос равишда тоифаларга бўлинади. Улар икки тоифа бўладилар - мангу озод ва мангу шартланган. Мангу озод тирик мавжудотлар ҳеч қачон моддий табиатга аралашмайдилар, шунинг учун уларда ҳеч қандай моддий ҳаёт тажрибаси йўқ. Улар Кришна онгида мангу, яъни улар Худога садоқат билан хизмат қилишда мангу машғул бўлиб юрадилар, улар Кришнанинг ҳамроҳлари сафида бўладилар. Уларга лаззат келтирадиган ягона амал, улар лаззатланадиган ягона иш - Кришнага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишдан иборат. Аксинча, мангу шартланган тирик мавжудотлар хамиша Кришнага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишдан ажралган ва шунинг учун моддий тирикчиликнинг уч турли азоб укубатларига дучор бўлиб юрадилар. Шартланган руҳ Кришнадан узоқлашган ҳолатида мангу қолгани сабабли моддий қувват жилвалари уни тананинг икки тури билан мукофотлайди - беш унсурдан таркиб топган кўпол тана ҳамда ақл, тафаккур ва сохта ўзликдан таркиб топган нафис тана. Ана шу икки тана билан қопланган шартланган жон моддий ҳаётнинг уч турли азоб-укубатлари деб аталадиган мусибатларга мангу дучор бўлиб юради. Бундан ташқари у (шахвоний эҳтирос, ғазаб ва ҳоказо сингари) ўзининг олти ашаддий душмани ҳукмига ҳавола қилиб қўйилган. Шарт-

ланган руҳларнинг сурункали касаллиги ана шундан иборат.

Касал ва шартланган тирик мавжудот бирин кетин тана алмашлаб бутун коинот бўйлаб саргардон бўлиб юради. Баъзан у олий сайёралар тизимига тушиб қолади, баъзида эса - қуйи сайёралар тизимига. Унинг шартланган ҳаёти шундай давом этади. Фақат ҳаёт йўлида бирор тажрибали врачни учратиб қолсагина ва унинг маслаҳатларига қулоқ солсагина у ўзининг бу касалидан халос бўлади. Шартланган руҳ ҳақиқий руҳий устознинг барча кўрсатмаларига аниқ амал қила бошласа, у моддий иллатга ботганлик касалидан тузала бошлайди ва у руҳий озодлик поғонасига кўтарилади, яна Кришнага садоқат билан хизмат қилишга эришади ва ўзининг уйига, Кришнанинг даргоҳига қайтиб боради. Шартланган тирик мавжудот ўзининг ҳақиқий ҳолатини билиб олиши ва Худога илтижо қилиши лозим: "Эй Парвардигор, мен яна қанча вақтгача моддий тананинг эҳтирос, ғазаб сингари талаблари ҳукми остида изтироб чекиб юраман?" Барча шартланган руҳларга ҳукмронлик қилиб юрган эҳтирос, ғазаб туйғулари шафқат нималигини билмайдилар. Ҳақиқатан ҳам шартланган руҳ ана шу шафқатсиз ҳукмдорларга хизмат қилишни тарк эта олмайди. Лекин у ўзининг ҳақиқий онгига, Кришна онгига эга бўлганида у бу золим ҳукмдорларини тарк этади ва ўзининг ишончли нажот маконини топиш учун очиқ ва пок қалби билан Кришнага самимий мурожаат қилади. Ана шу пайтда у Кришнадан уни Худога соф садоқат билан хизмат қилишда машғул қилишни илтимос қилади.

Баъзан ведавий муқаддас китобларда кармали фаолият, сеҳрли йога ва фалсафий изланишлар руҳий ўзликни англашнинг турли йўллари сифатида олқишланади, лекин, шунга қарамай, барча муқаддас китобларнинг якуний хулосаси шундан иборатки, руҳий ўзликни англашнинг энг буюк йўли - Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилиш - руҳий ўзликни англашга олиб борадиган энг олий ва мукамал йўл бўлиб, ҳаммага айнан шу йўл билан бевосита шуғулланиш тавсия қилинади. Кармали фаолият, сеҳрли муроқаб ва фалсафий изланишлар - руҳий ўзликни англашнинг қўшимча йўллари. Бу усулларнинг қўшимчалиги шундаки, Худога садоқат билан хизмат қилишсиз улар инсонни руҳий ўзликни англашнинг мукамал поғонасига эриштира олмайдилар. Ҳақиқатан ҳам, руҳий ўзликни англашнинг барча йўллари оқибат натижада Худога садоқат билан хизмат қилишга боғлиқ.

11-боб.

## Худога хизмат қилиш

Вйасадева Ведалар илми бўйича шунча кўп асар ёзгандан кейин ҳам қалбида мамнуният ҳосил қила олмай турганида, руҳий устози Нарада Муни унга тушунтириб айтдики, агар таркибида Худога садоқат билан хизмат қилиш зарурлиги ҳақида айтилмаган бўлса, бирор йўл билан инсон руҳий ўзлигини англаш йўлида ўз олдида қўйган мақсадига эриша олмайди.

Ўша пайтда Вйасадева Сарасват дарёси киргоғида ўтирган эди. Нарада Муни келмасдан олдин у чуқур тушкунликка тушган ҳолатда эди. Вйасадевани ана шундай тушкун аҳволда кўриб, Нарада Муни унга ёзган асарларининг камчилиги нимада эканини тушунтирди.

"Агар таркибида Худога садоқат билан илоҳий хизмат қилиш бўлмаса - деди Нарада Муни - ҳатто соф илмнинг ўзи ҳам ўзликни англаш учун етарли эмас. Худога садоқат билан хизмат қилиш билан аралаш бўлмаган кармали фаолият ҳам шундай. Қандай қилиб улар бу ишлар билан шуғулланиб юрган кишиларга бирор фойда келтириши мумкин?"

Риёзат чекишда жуда катта тажриба орттирган кўплаб донишмандлар бор; савоб ишларга жуда катта бойлигини сарфлаган кишилар бор; ведавий мадҳияларни қироат билан ўқишда шуҳрат қозонган жуда кўп машҳур олимлар, мутафаккирлар бор. Гарчи бу ишларнинг ҳаммаси инсоннинг руҳий юксалишига ёрдам берса ҳам, агар инсон ўзининг бор имкониятидан фойдаланиб, ўзининг бутун фаолиятини Худога садоқат билан хизмат қилиш учун бағишламаса, у ўзи интилиб юрган натижага эриша олмайди. Шунинг учун "Шримад Бҳагаватам"(2.4.17)да Шукрадева Госвами инсонга муваффақият ато этишга қодир бўлган ягона Зот сифатида Парвардигор олдида эхтиром билан бош эгади.

Барча файласуф ва илоҳиёт олимлари тан оладиларки, илмсиз киши моддий олам чангалидан қутула олмайди. Лекин барибир, агар Худога садоқат билан хизмат қилиш билан шуғулланмаса, фақат илмнинг ўзи уни озодликка чиқара олмайди. Бошқача қилиб айтганда, *джнана*, яъни, илм агар инсонни Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига олиб келса, фақат шунда ва фақат шундагина уни озодликка чиқара олади. "Шримад Бҳагаватам"да Тангри Брахма ҳам шунини тасдиқлайди:(10.14.4)

*шрейяҳ-срутим бхактим удася те вибхо  
клишйанти йе кевала-бодха-лабдхайе  
тешам асау клешала эва шиййате  
нанйад йатха стхула-тушавагхатинам*

**"Эй азиз Парвардигор, Сенга садоқат билан хизмат қилиш - ўзликни англашнинг энг яхши йўли. Агар кимдир бу йўлни ташлаб илм ўрганиш ёки фалсафий изланиш билан шуғуллана бошласа, у шунчаки жуда қийин йўлни танлаган бўлади ва истаган натижасига эриша олмайди. Қуруқ сомонни янчиш билан дон олиб бўлмайди. Худди шундай фалсафий изланишлар билан шуғулланиб юрган киши ҳам руҳий юксалишда кўзлаган натижасига эриша олмайди. Унинг бу йўлда топадиган ягона бойлиги - ташвиш ва муаммолар бўлади".**

"Бҳагавад-гита"да айтилганки, моддий табиат шунчалик қудратлики, оддий тирик мавжудот уни енгилга қодир эмас. Фақат ўз ихтиёрини Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига топширган кишиларгина моддий тирикчилик уммонини кечиб ўта оладилар. Тирик мавжудот ўзи аслида Кришнанинг мангу хизматкори эканини эсидан чиқариб қўяди. Ана шу унутувчанлик унинг шартланган ҳаётда тутқун бўлиб юришига ҳамда моддий табиатнинг унга шунчалик мафтункор бўлиб кўринишига сабабчи бўлади. Ҳақиқатан ҳам ана шу мафтункорлик - моддий қувватнинг кишанлари хисобланади. Токи инсон моддий табиат устидан

хукмронлик қилишга интилар экан, унинг озод бўлиши жуда мушкул бўлгани сабабли унга, уни Худога садоқат билан хизмат қилишга ўргата олишга ҳамда моддий табиат чангалидан халос бўлишга, Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига эришиш имконини беришга қодир бўлган руҳий устозга мурожаат қилиш тавсия қилинади.

Инсонлар жамияти уларга ҳаётда ўз бурчини бажариб яшашни осонлаштириш учун яратилган саккиз гуруҳ(брахманлар, кшатрийлар, вайшйалар, шудралар, Брахмачари, грихастха, ванапрастха ва саннийаса)га бўлинган, лекин, агар инсон қалбида Худога садоқат, яъни Кришна онги етишмаса, ҳатто у ўз бурчини мукамал бажариб юрган бўлса ҳам, моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқа олмайди. Аксинча, ҳатто ўзининг бурчини мукамал бажариб юриб ҳам у моддий онг билан яшаб юргани учун дўзахга равона бўлади. Шунинг учун ўз бурчини бажариб юрган ҳар бир инсон, агар моддий олам тутқунлигидан халос бўлишни истаса, бир вақтнинг ўзида Худога садоқат билан хизмат қилиш билан шуғулланиб қалбида Кришна онгини ривожлантириши лозим.

Парвардигор Чайтанья "Шримад Бҳагаватам"дан бир шеър келтиради, унда Нарада Муни бҳагаватанинг юксалиш йўлини кўрсатади. Нарада Муни айтадики, инсонлар жамияти бўлинган тўрт табақа ҳамда тўрт турмуш тарзини Парвардигорнинг бахайбат қиёфаси юзага келтирган. Брахманлар Парвардигорнинг фазовий қиёфаси-нинг оғзидан юзага келган, кшатрийлар - Унинг қўлларидан, вайшйалар - белидан, шудралар - оёғидан. Шу маънода Парвардигорнинг *вират-пуруша* қиёфаси ичида уларнинг сифатлари моддий табиатнинг турли гуналари билан аниқланади. Агар инсон Худога садоқат билан хизмат қилмаса, ўз бурчини бажариб юрган-юрмаганидан қатъий назар, ўзи эгаллаб турган ҳолатдан тубан тушади.

Парвардигор Чайтанья айтадики, майавади ёки имперсоналистлар мактабига мансуб кишилар ўзларини Худо билан бир ёки озодликка эришган зотлар деб ҳисоблайдилар, аммо Чайтанья Махапрабхунинг ва "Шримад Бҳагаватам"нинг хулосасига асосан, аслида улар озодликка эришмаганлар. Бу борада "Шримад Бҳагаватам"дан бир мисол келтиради(10.2.32):

*йе"нйе "равиндакша вимуктаманинас  
твайя аста-бхавад авишуддха-буддхайаҳ  
аруйя криччхрена парам падам татаҳ  
патантй адхо "надрита-йушмад-анграйаҳ*

**"Майавади фалсафасига кўра, ўзларини озодликка чиққан деб юрган, лекин Худога садоқат билан хизмат қилишга киришмаган кишилар, ҳатто энг қийин риёзатларга берилган бўлсалар, ҳатто вақт-вақти билан руҳий юксалишда энг юқори поғонага кўтарилишга эришган бўлсалар ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилмагани сабабли тубанликка қулайдилар".**

Чайтанья Махапрабху тушунтирадики, Кришна - қуёшга, *майа*, алдамчи моддий қувват эса, - зулматга ўхшайди. Ҳамиша Кришна қуёшнинг нури остида юрган кишини моддий қувватнинг қоронғу зулмати йўлдан адаштира олмайди. Бу "Шримад Бҳагаватам"нинг тўрт асосий шеърида аниқ тушунтирилган ва "Шримад Бҳагаватам"нинг бошқа бир жойида ҳам тасдиқланади(2.5.13), унда шундай дейилади:

"Алдамчи кувват, яъни майя, Парвардигорнинг олдида уялиб туради". Шунга карамай, ана шу алдамчи кувват тирик мавжудотларни ҳамиша адаштириб юради. Ўзининг шартланган ҳолатида тирик мавжудот майянинг чангалидан сохта озодликка чиқиш учун сонсаноксиз гапларни тўкиб чиқаради, лекин, агар у бир кун келиб: **"Азизим Кришна, энди мен бутунлай Се-никиман!"** - деган сўзлар билан ўзини бутунлай Кришнага топширса, у шу заҳотиёқ моддий кувват чангалидан озодликка чиқади. Бу Рамайанада ҳам тасдиқланади. Унда Парвардигор шундай дейди(18.33): *сакридева прापанна йас тавасмйити ча йачате абхайам сарвада тасмаи дадами этад вратам мама*

**"Ўзини бутунлай Менга топширган кишини ҳар томонлама ҳимоя қилишга Мен ваъда берганман ва бу Менинг бурчим"**. Кармали фаолият билан, озодликка чиқиш билан, илм ўрганиш билан ёки йога тизимининг мукамаллиги билан лаззатланиб яшаш мумкин, лекин инсон ҳақиқатан ҳам чуқур тафаккурга эга бўлганида буларнинг ҳаммасини тарк этади ва чуқур садоқат билан Парвардигорга самимий хизмат қила бошлайди. "Шримад Бхагаватам"(2.3.10)да ҳам тасдиқлана-дики, ҳатто инсон моддий ҳаётдан лаззатланишга ёки озодликка чиқишга интилаётган бўлса ҳам, у Худога садоқат билан хизмат қилиши лозим. Худога садоқат билан хизмат қилишдан моддий фойда унидиришга интилиб юрган кишилар Худонинг асл содиқлари эмаслар, лекин, барибир Худога хизмат қилиб юрганлари учун улар ҳам омадли инсонлар ҳисобланадилар. Улар Худога садоқат билан хизмат қилишдан мақсад моддий бойликка эришиш эмаслигини тушунмайдилар, лекин барибир улар Худога садоқат билан хизмат қилиб юргани сабабли охир-оқибатда улар ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишдан мақсад моддий лаззатланиш эмаслигини тушуниб етадилар. Парвардигор Кришнанинг Ўзи айтадики, Худога садоқат билан хизмат қилишдан бирор моддий манфаат кўзлаб юрган киши шубҳасиз, жуда аҳмоқ одам, чунки у ўзига ҳалокат келтирадиган заҳарга интилиб юрган бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилишдан асосий мақсад - Худога муҳаббатга эришиш, гарчи содиқнинг қалбида Кришнадан бирор моддий нарса ундириш истаги қолган бўлса ҳам, ҳар нарсага қодир Парвардигор унинг қандай ҳолатда эканини тушунади ва аста-секин уни дунёвий нарсаларга бўлган ҳар қандай интилиш туйғусидан халос этиб, Худога садоқат билан хизмат қилишда тобора кўпроқ машғул қилади. Инсон ҳақиқатан ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган бўлса, у ўзининг барча моддий истак ва интилишларини эсдан чиқариб юборади. Бу ҳам "Шримад Бхагаватам"(5.19.27)да тасдиқланади:

*сатйам дишати артхитам артхито нринам наивартхадо йат пунар артхита йатах свайам видхатте бхаджатам аничхантам иччха-пидханам ниджа-пада-паллавам*

**"Албатта, Парвардигор Кришна садоқат билан хизмат қилиб, илтимос билан олдида келган содиқларининг истакларини бажаради, аммо Кришна уларнинг янги мусибатларига сабаб бўладиган истакларини амалга оширмайди. Дунёвий нарсаларга интилишларига карамай, шундай содиқлар Худога илохий хизмат қилиб юриб, аста-секин моддий лаззатларга интилиш истакларидан**

**покланадилар ва Худога садоқат билан хизмат қилишдан лаззатланишни истай бошлайдилар"**.

Одатда одамлар ўзларининг моддий эҳтиёжларини қондириш учун Худонинг содиқлари билан алоқа ўрната бошлайдилар, лекин Худонинг асл содиқининг таъсири остида инсон барча моддий истакларидан покланади, шундай қилиб, охр-оқибатда у Худога садоқат билан хизмат қилишдан лаззатланиш қобилиятига эга бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилиш шунчалик ажойиб ва поклаш қудратига эгаки, у содиқнинг қалбини поклайди ва у Кришнага илохий хизмат қилишга ўзини бутунлай бағишлаган заҳоти ўзининг барча дунёвий орзу-истакларини эсдан чиқариб юборади. Бунга Кришнадан қандайдир моддий манфат ундирмоқчи бўлиб, Унга садоқат билан хизмат қилишга киришган Дҳрува Махараж воқеаси яққол мисол бўла олади. Парвардигор Ўзининг тўрт қўлли Вишну киёфасида Дҳруванинг олдида пайдо бўлганида Дҳрува Унга шундай деди: "Эй азиз Худойим, мен қаттиқ риёзатга берилиб, Сенга садоқат билан хизмат қилишга киришдим, шу боис ҳозир Сени кўриб турибман. Ҳатто буюк донишманд ва буюк фаришталар ҳам Сени кўришлари осон эмас. Энди мен Сендан бутунлай мамнунман ва барча истакларим рўёбга чиқди. Мен бошқа ҳеч нарсани истамайман. Мен уйдан бир неча шиша синиқларини излагани чиққан эканман, аммо бунинг ўрнига жуда қимматбаҳо гавҳар топиб олдим". Дҳрува Махараж шу тарзда тўла мамнуният ҳосил қилди ва Парвардигордан бирор нарса тилашни бас қилди.

Моддий оламда 8.400.000 ҳаёт шакли орқали ўтадиган тирик мавжудотни баъзан дарёда оқиб бораётган ёғочга ўхшатадилар. Баъзида ёғоч тасодифан қирғоққа чиқиб қолади, шунда у сувда оқиб юриш заруратидан халос бўлади. "Шримад Бхагаватам"(10.38.5)да шартланган руҳларга умид бағишловчи шундай шеър бор: **"Ҳеч ким "мен ҳеч қачон моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқа олмайман" деб тушқунликка тушмаслиги керак. Худди дарёда оқиб бораётган ёғоч истаган вақтда қирғоққа чиқиб қолиш имкониятига эга бўлгани сингари, ҳар қандай инсоннинг ҳам нажот топиш имконияти бор"**. Парвардигор Чайтанья ана шу бахтли имкониятни ҳам муҳокама қилади. Ана шундай бахтли тасодифлар шартланган ҳаётнинг тамом бўлишининг бошланиши ҳисобланади ва улар Парвардигорнинг асл содиқлари билан учрашганда рўй беради. Асл содиқлар билан учрашиш инсонда Кришна билан қизиқиш туйғусини ривожлантиради. Ҳар хил урф-одатлар ва фаолият турлари бор. Уларнинг баъзилари натижасида инсон моддий лаззатланишда юксалишга эришади, бошқа бирлари натижасида - озодликка чиқиш йўлида муваффақият қозонади, лекин агар тирик мавжудот қалбида соф бхактилар билан Худога соф садоқат билан хизмат қилишни ривожлантирадиган амалларни қила бошласа, Худога садоқат билан хизмат қилиш табиий равишда унинг ақлини бутунлай ўзига ром қилиб кўяди. Буни "Шримад Бхагаватам"(10.51.54)да Мучу-кунда ҳам тасдиқлайди:

*бхаванаварго бхрамато йада бхаведж джанасйа тархй ачйута сат-самагамаҳ сат-сангамо йархи тадаива сад-гатау паравареше твайи джайате матих*

"Эй азиз Худойим, бу моддий оламда ҳар хил ҳаёт турларида сарсон бўлиб юрар экан тирик мавжудот озодликка яқинлашиши мумкин. Лекин тасодифан Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори билан учрашиб қолса, у моддий қувват чангалидан ҳақиқатан ҳам халос бўлади ва Сенинг содиқ хизматкоринг, Худо Шахсининг содиғи бўлади".

Шартланган руҳлар Кришнанинг содиқ хизматкори бўлганида Парвардигор Ўзининг бесабаб марҳамати билан уни икки йўл билан ўргата бошлайди. У содиқ хизматкорни руҳий устоз орқали ташқаридан, Олий Рух орқали ичдан ўргатади. "Шримад Бхагаватам"(11.29.6)да айтилганидек: **"Эй азиз Худойим, ҳатто инсоннинг умри Тангри Браҳманинг умридай узун бўлганда ҳам у Сени эслаб юриш келтирадиган бахт учун Сенга муносиб миннатдорчилик билдира олмаган бўларди. Бесабаб марҳаматинг билан Сен Ўзингни руҳий устоз сифатида намоён этиб сиртдан, Олий Рух сифатида ичдан Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидаги барча ёқимсиз нарсаларни бартараф этасан"**.

Агар инсон қандайдир йўллар билан Худонинг асл содиғи билан ҳамсухбат бўлиб, қалбида Кришнага садоқат билан хизмат қилиш истагини ривожлантира бошласа, у аста-секин Худога муҳаббатга эришади ва шу тариқа моддий қувват чангалидан озодликка чиқади. Бу "Шримад Бхагаватам"(11.20.8)да ҳам тушунтирилади, унда Парвардигор шундай дейди: **"Ўз ихтиёри билан Менинг кўрсатган кароматларим билан қизиқа бошлаган, дунёвий ишларга боғланиб ҳам қолмаган, улардан хазар ҳам қилмайдиган кишига қалбида Худога мукамал муҳаббат уйғотишга қодир бўлган Худога садоқат билан хизмат қилиш йўллари очилади"**. Лекин ана шундай поғонага Парвардигорнинг асл содиғининг, *махатма*, яъни буюк зотнинг марҳаматисиз эришишнинг иложи йўқ. Буюк зотнинг марҳаматисиз Худога муҳаббатга эришиш нари турсин, ҳатто моддий олам чангалидан озодликка чиқишнингам иложи йўқ. Бу ҳам "Шримад Бхагаватам"(5.12.12)да, Сибирдаги бир вилоят шоҳи Синд Рахугана билан шоҳ Бхарата орасида бўлиб ўтган суҳбатда тасдиқланади. Шоҳ Бхаратанинг руҳий юксалишда эришган муваффақи-ятини кўриб шоҳ Рахугана хайратга тушганида Бхарата унга шундай дейди:

*рахуганаитат тапаса на йати  
на чеджйайа нирвапанад грихад ва  
на ччхандаса наива джсалагни-сурйаир  
вина махат-пада-радждо "бхишекам*

"Азизим Рахугана, буюк зотнинг яъни Худонинг асл содиғининг дуои-фотиҳасисиз ҳеч ким Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эриша олмайди. Шунчаки муқаддас китобларда берилган қонун-қоидаларга риоя қилиб юриш билан баркамолликка эришиб бўлмайди; бу йўлда таркидунёлик турмуш тарзини қабул қилиш ҳам, оилали киши сифатида ўз бурчини ҳалол бажариб яшаш ҳам, руҳий илмни чуқур эгаллаш ҳам, ўзликни англаш ниятида қаттиқ риёзатларга берилиш ҳам ёрдам бера олмайди". Худди шундай, имонсиз иблис Хираньякашипу ўғли Прахлад Махараждан қандай қилиб Худога садоқат билан хизмат қилиш уни ўзига жалб қилгани ҳақида сўраганида, ўғли унга шундай дейди: **"Токи Худонинг асл содиғининг гарди**

**пойи инсонни дуои-фотиҳа қилмас экан, у дунёвий ҳаётнинг барча муаммоларини биратўла ҳал қиладиган Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнига ҳатто яқинлаша олмайди"**(шб.7.5.32).

Шундай қилиб, Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамига айтдики, муқаддас китобларнинг ҳаммаси Худонинг асл содиғи билан ҳамсухбат бўлиш лозимлигини алоҳида таъкидлайдилар. Парвардигорнинг асл содиғи билан ҳамсухбат бўлиш имконияти - руҳий баркамолликка эришиш йўлидаги биринчи қадамдир. Бу "Шримад Бхагаватам"(1.18.3)да ҳам тасдиқланади, унда айтилганки, инсоннинг Худонинг асл содиғи билан ҳамсухбат бўлишдан эга бўладиган имкониятини бошқа ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. На жаннатга эришиш, на моддий қувват чангалидан озодликка чиқиш бунга тенглаша олмайди. Парвардигор Кришна ҳам буни "Бхагавад-гита"нинг энг муҳим насихатида тасдиқлайди (18.65)

*манмана бхава мад-бхакто  
мад-йаджей мам намаскуру  
мам эваисйаси сатйам те  
пратиджане прийо "си ме*

"Ҳамиша Мени ўйла, Менинг содиғим бўл. Менга сажда қил, Менга ҳурмат-эҳтиром кўрсат. Шунда сен албатта Менга келасан. Мен сенга буни ваъда қиламан, чунки сен Менинг энг яқин дўстимсан".

Парвардигор Кришнанинг бевосита Ўзининг оғзидан чиққан бундай кўрсатма Ведаларнинг ҳар қандай кўрсатмасидан ёки садоқат билан хизмат қилишнинг бошқа қоидаларидан анча муҳим туради. Албатта, Ведаларда жуда кўп кўрсатмалар, қурбонлик маросимлари, қонун-қоидалар, бурч-вазифалар, мувоқабат усуллари ва илм ўрганиш усуллари бор, лекин Кришнанинг бевосита **"Ҳамиша Мен ҳақимда ўйла, Менинг содиқ хизматкорим бўл!"** деган кўрсатмасини Худонинг якуний буйруғи деб қабул қилиб унга амал қилиш лозим. Агар инсон Парвардигорнинг ана шу буйруғига аниқ ишонса ва бошқа ишларни тарк этиб, Унга садоқат билан хизмат қила бошласа, у албатта муваффақиятга эришади. Ана шу ҳақиқатни тасдиқлаб, "Шримад Бхагаватам"(11.20.9)да айтилганки, фақат Парвардигор Кришнанинг бевосита кўрсатмасига чуқур ишонч пайдо бўлгунча ўзликни англашнинг бошқа йўлларидан бориш мумкин. "Шримад Бхагаватам" ҳам, "Бхагавад-гита" ҳам ягона бир хулосага келади: Парвардигорнинг Ўзи ҳамма нарсани ташлаб Худога садоқат билан хизмат қилишни буюради.

**Парвардигорнинг амрини бажаришга ўзгармас қатъият билан тайёр туриш ишонч, имон деб аталади.** Имони бутун киши аниқ ишонадики, Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилиш орқали инсон ўзидан ўзи бошқа барча фаолиятларни, шу жумладан урф-одатларга тааллуқли бўлган бурчини, қурбонлик маросимларини, йога машғулотларини ва фалсафий изланишларни амалга ошириб юрган бўлади. Агар Худога садоқат билан хизмат қилиш ўз ичига фаолиятнинг бошқа барча турларини олишига инсоннинг ишончи комил бўлса, бошқа ҳеч қандай фаолиятнинг кераги йўқ. "Шримад Бхагаватам"(4.31.14)да шундай дейилган:

*йатха тарор мула-нишечанена  
трипйанти тат-скандха-бхуджда-опашакха  
пранопахарач ча йатхендрианам*

*татхаива сарварханам ачйутеджйа*

"Дарахтнинг илдизини озиклантириш билан биз ўзидан ўзи шохаларни, барг ва меваларни озиклантирган бўламиз, қорнимизни овқат билан тўйдириш орқали биз танамизнинг барча аъзоларини қаноатлантираемиз. Худди шундай Кришнага садоқат билан хизмат қилиш ўзидан ўзи инсоннинг Худога сиғинишнинг бошқа барча турларига бўлган эҳтиёжини қондиради". Ана шунга ишончи комил бўлган киши Худога соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришган ҳисобланади.

Ишонч даражасига қараб Худонинг содиқлари уч тоифага бўлинади, биринчи нав содиқ хизматкор Ведалар адабиётининг ҳамма соҳаларини яхши билади, айна пайтда юқорида таърифланган чуқур имонга эга бўлади. У бошқа ҳаммани моддий ҳаёт мусибатларидан озодликка чиқара олади. Иккинчи нав содиқ хизматкор чуқур Худога ишончи комил, имони мустаҳкам, лекин муқаддас китоблардан мисоллар келтириб ишончини, имонини бошқаларга исботлаб бера олмайди. Учунчи тоифа содиқ хизматкор чуқур имонга эга эмас, лекин Худога садоқат билан хизмат қилишда аста-секин юксала бориб, охир-оқибатда иккинчи ва биринчи нав содиқ хизматкор даражасига эришади. "Шримад Бхагаватам"(11.2.45-47)да айтилганки, биринчи нав содиқ хизматкор барча тирик мавжудотнинг руҳи сифатида ҳамиша Парвардигорни кўриб юради. Ҳар қандай тирик мавжудотни кўрганда у Кришнани кўради, у Кришнадан бошқа ҳеч нарсани кўрмайди. Иккинчи нав содиқ хизматкор Худонинг Олий Шахсига қатъий ишонч билан ишонади, Худонинг асл содиқлари билан дўст тутинади, бегуноҳ одамларга яхши муносабатда бўлади, Худога садоқат билан хизмат қилишга тўсқинлик қиладиган атеистлар ва имонсизлардан узок юради. Учунчи нав содиқ хизматкор ё руҳий устоз раҳбарлиги остида, ё оиолавий урф-одатлар бўйича Худога садоқат билан хизмат қилади. Ундай содиқ хизматкор Илоҳ, Парвардигорнинг муртиси олдида сажда қилади, лекин у Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини мукамал билмайди, содиқларни бошқалардан ажрата олмайди. Ана шундай учунчи нав содиқ аслида Худонинг асл содиқ хизматкори ҳисобланмайди; у Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига деярли эришган, лекин унинг бу ҳолати ҳали жуда қалтис, ишончсиз бўлади.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, агар инсон қалбида Худога муҳаббат борлигини кўрсатса, Худонинг содиқлари билан дўст бўлса, бегуноҳ одамларга меҳрибонлик билан ғамхўрлик қилса, уни Худонинг асл содиғи деб аташ мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилишда юксала бориб ана шундай инсон барча тирик мавжудотлар ягона Парвардигорнинг ажралмас таркибий заррачалари эканини кўриши мумкин. Ҳар бир тирик мавжудотда у Парвардигорни кўра олади, шунинг учун у юксак даражада Кришна онгига эга бўлади. Ана шу поғонада у содиқларни имонсизлардан ажратишни бас қилади, чунки у аслида ҳамма Худога хизмат қилиб юрганини кўради. У Кришна онгига ва Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай ғарқ бўлиб, ўзида ажойиб фазилатларни ривожлантира боради. "Шримад Бхагаватам"(5.18.12)да айтилганидек:

*йасйастйи бхактир бхагаватй акинчана  
сарваир гунаис татра самасате сураҳ*

*харав абхактасйа кутто махад-гуна  
mano-ratхенасати дхавато бахих*

"Парвардигорга бенуксон соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришган киши ўзида фаришталарнинг барча яхши фазилатларини ривожлантиради, аксинча, Худога хизмат қилмай юрган киши, қанчалик буюк дунёвий фазилатларга эга бўлмасин, албатта тўғри йўлдан адашади, чунки у ўзи ақлининг ҳукми остида юрган бўлади". Шундай қилиб, агар инсон Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган бўлмаса, унинг барча дунёвий фазилатларининг сарик чақалик кадри бўлмайди.

12-боб.

## Худонинг содиқ хизматкори

Кришнани англаб етган, Худога соф садоқат билан илоҳий хизмат қилишга ўзини бутунлай бағишлаган киши ўзида фаришталарнинг барча яхши фазилатларини ривожлантиради. Жуда кўп илоҳий фазилатлар бор, аммо Чайтанья Махапрабху Санатана Госвамига улардан баъзиларини таърифлаб берган. Худонинг содиқ хизматкори ҳамиша ҳаммага меҳрибон ва жанжаллашиш учун баҳона қидириб юрмайди. Уни фақат аслида руҳий табиатга эга бўлган ҳаётнинг асл моҳияти қизиқтиради. У ҳаммага бир хил муносабатда бўлади, ҳеч ким ундан бирор нуқсон топа олмайди. Унинг олижаноб акли ҳамиша пок, янги ва дунёвий ишларга ундайдиган ҳар хил ўткинчи бемаъни фикрлардан озод. У барча тирик мавжудотларга бахт-саодат келтиради, ҳамиша хотиржам ва ҳамиша Кришнага содиқ ҳолда ўзини Унга топшириб юради. Унинг ҳеч қандай моддий истаги йўқ. У жуда камтар ва ўзининг тўғри қарориди қатъий туради. У шахвоний эҳтирос ва ғазаб сингари олти моддий сифатлар таъсиридан ҳамиша ғолиб келади ва ҳеч қачон танасида жон саклаб туриш учун зарур бўлганидан **ортиқча овқат емайди**. У ҳамиша соғлом фикрлайди ва у ҳамиша бошқаларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатади, лекин бунинг эвазига ҳеч қачон ўзига ҳеч **кимдан илтифот кутмайди**. У **жиддий, раҳмдил**, ҳаммага **дўстона** муносабатда бўлади, **тили ширин**, ҳамма ишга **эпчил** ва **индамас**.

"Шримад Бхагаватам"(3.25.21)да ҳам Худонинг содиқ хизматкори таърифланган бўлиб, унда айтилганки, у ҳамиша сабр-тоқатли ва раҳмдил, барча тирик мавжудотларнинг дўсти, у ҳеч кимни ўзига душман деб билмайди. У ҳамиша хотиржам ва барча яхши фазилатларга эга. Булар Кришна онгида яшаб юрган киши эга бўлган яхши фазилатларнинг шунчаки бир қисми, холос.

"Шримад Бхагаватам"да яна айтилганки, агар инсон буюк зот - махатмага хизмат қилиш имкониятига эга бўлса, унинг олдида руҳий озодликка чиқиш эшиклари очилади. Лекин, дунёвий одамларга боғланиб қолган кишилар зулмат йўлидан бораётган бўладилар. Ҳақиқатан ҳам табаррук авлиё зотлар изидан бораётган киши илоҳий табиатли, босиқ, хотиржам бўладилар, барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўладилар, қаттиқ ғазабланмайдилар. Ана шундай авлиё инсон билан шунчаки ҳамсуҳбат бўлиш шарофати билан Кришнани англаш йўлига кириш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, қалбида Худога муҳаббат уйғотиш учун

инсон Худонинг табаррук авлиё содиқлари билан ҳамсухбат бўлиши лозим. Ана шундай авлиё инсон билан ҳамсухбат бўлган ҳар бир инсон руҳий юксалиш йўлига кира олади, ана шундай содиқнинг изидан бориб, инсон албатта ўзини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаб, қалбида Кришна онгини ривожлантиради.

"Шримад Бхагаватам"(11.2.28)да Кришнанинг отаси Васудева Нарада Мунига барча тирик мавжудотларнинг бахт-саодати ҳақида савол беради, унга жавобан Нарада Муни Махараж Ними билан тўққиз донишманд орасида бўлиб ўтган суҳбатдан бир парча келтиради. "Эй табаррук авлиё донишмандлар, - деди шоҳ Ними - Мен шунчаки барча тирик мавжудотларга бахт-саодат келтирадиган йўлни излаб топишга интилиб юрибман. **Авлиё зот билан бирга ўтказилган ҳар бир сония - ҳаётдаги энг қадрли бойликдир, чунки ана шу сония инсон олдида руҳий ҳаётда баркамолликка эришиш йўлини очиб беради**". "Шримад Бхагаватам"нинг бошқа жойида ҳам бу ҳақиқат тасдиқланади(3.25.25). Авлиё зотлар билан учрашиш, улар билан илоҳий мавзуларда суҳбатлашиш инсонни аслида **инсон ҳаёти руҳий фаолият билангина қадрли** эканига ишонтиради. Тез вақт ичида Кришна ҳақида тинглаш кишининг қалбини қувонтириб, қулоқларига лаззат бағишлай бошлайди. Агар авлиё зотлардан ёки Худонинг содиқларидан мана шу руҳий хабарни эшитгандан кейин инсон уни ўзининг шахсий ҳаётига татбиқ қилишга урина бошласа, Кришнани англаш йўли табиий равишда ривожланиб имонга, илоҳий боғланишга ва Худога садоқат билан хизмат қилишга айланади.

Кейин Парвардигор Санатана Госвамига содиқнинг хулқ-атвори ҳақида гапириб берди. Бунда асосий эътибор **нопок одамлар билан ҳамсухбат бўлишдан эҳтиёт бўлишга** қаратилиши лозим. Мана шу содиқнинг хулқ-атворидаги энг муҳим жиҳат. Нопок одамлар суҳбати нима ўзи? Аёлларга қаттиқ боғланиб қолган ҳамда Парвардигор Кришнанинг содиқ хизматкори бўлмаган имонсиз кишилар билан ҳамсухбат бўлиш. Ана шулар нопок одамлар ҳисобландилар. Инсон Парвардигорнинг авлиё содиқлари билан ҳамсухбат бўлиши ҳамда имонсиз нопок одамлар билан ҳамсухбат бўлишдан иложи борича узоқ юриши лозим. Кришнанинг асл содиқлари имонсиз одамларнинг ана шу икки тоифаси билан учрашишдан иложи борича узоқ юрадилар. "Шримад Бхагаватам"(3.31.33-35)да айтилганки, инсон аёлларга қаттиқ боғланиб қолган кишилар билан ҳамсухбат бўлишни тарк этиши лозим, чунки шундай имонсиз нопок одамлар билан ҳамсухбат бўлиш оқибатида инсон Худонинг содиғига ўзидан-ўзи келадиган ростгўйлик, поклик, раҳмдиллик, жиддийлик, чуқур мулоҳаза юритиш, уятчанлик, гўзаллик, обрў-эътибор, олижаноблик, ақли ва ҳиссиёт (сезгилар)ини жиловлай олиш сингари, бошқа барча бойликлардан маҳрум бўлиб қолишга олиб келади. Инсоннинг руҳий юксалишига аёлларга қаттиқ боғланиб қолган кишилар билан ҳамсухбат бўлишдан ҳам ҳалокатлироқ салбий таъсир кўрсатадиган бошқа бирор амал йўқ.

Бу борада Парвардигор "Катйайана-самхита"дан бир шеърни мисол келтиради: **"Худонинг содиқлари бўлмаган имонсиз одамлар билан бирга бўлгандан ичида олов ёниб турган қафасга қамалиб ўтиришни**

**афзал билиш керак"**. Ҳатто имонсиз, қалбида Худога садоқат йўқ кишиларнинг юзига боқмаслик тавсия қилинади. Парвардигор Чайтанья ана шундай ёқимсиз одамлар билан алоқа қилишни бутунлай тарк этишни ва ягона Парвардигор Кришнадан паноҳ излашни тавсия қилади. "Бхагавад-гита"нинг охириги шеърда ҳам худди шундай насиҳат берилади, унда Парвардигор Кришна Аржунга шундай дейди: **"Ҳамма нарсани тарк эт, ўзингни Менга топшир, Мен Ўзим сенга ғамхўрлик қиламан ва сени барча гуноҳларинг оқибатидан ҳимоя қиламан"**(18.66). Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорига жуда меҳрибон. У жуда олижаноб, қудратли ва миннатдор. **Парвардигорнинг айтган гапларига ишониш - бизнинг бурчимиз**, агар биз етарли ақл-фаросатга эга бўлсак ва етарли таълим-тарбия олган бўлсак Унинг амрига ҳеч иккиланмасдан бўйсуниб яшаймиз. "Шримад Бхагаватам"(10.48.26)да Акрура Парвардигор Кришнага шундай дейди:

*каҳ пандитас твад апарам шаранам самиййад  
бхакта-прийад рита-гираҳ сукхридах крита-дженат  
сарван дадати сукхридо бхаджато "бхикаман  
атманам апи упачайапачайау на йасйа*

**"Ким ҳам Сендан бошқа кимгадир ўзини топшириши мумкин? Ким ҳам Сендан ҳам азиз, ростгўй, дўст ва миннатдор бўла оларди? Сен шунчалик мукамал ва Ўзингга тўла бутунсанки, ҳатто содиқ хизматкорингга Ўзингни бутунлай топшириб ҳам тўла бутун ва мукамал бўлиб қолаверасан. Сен содиқ хизматкорингнинг ҳамма истакларини бажаришга ва ҳатто Ўзингни унга инъом этишга қодирсан"**. Ақл-фаросатга эга, Кришнани англаш фалсафасини тушунишга қодир бўлган киши табиий равишда ҳамма нарсани тарк этади ва Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топади. Бу борада Парвардигор Чайтанья "Шримад Бхагаватам"дан Уддхава айтган бир шеърни келтиради(3.2.23): **"Кришнадан бошқа яна кимдан паноҳ топиш мумкин? У шунчалик меҳрибон. Бакасураининг опаси(Путана) Кришна ҳали гўдак пайтида, ўзининг захар суртилган кўксини Кришнани эмизиш учун тутиб, Уни ўлдирмоқчи бўлган бўлишига қарамасдан, барибир ана шу дахшатли аёлга нажот берди ва Кришнанинг онаси мартабасига эриштирди"**. Бу ерда иблис Путана Кришнани ўлдирмоқчи бўлгани ҳақида гап боради. Кришна бу иблис аёлнинг захарланган кўксини оғзига олиб, унинг сути билан бирга иблиснинг жонини ҳам сўриб олди. Шунга қарамай, Парвардигор Кришнанинг бесабаб марҳамати билан Путана Кришнанинг онаси эгаллаб турган поғонага кўтарилган.

Ўзини бутунлай Кришнага топширган жон билан таркидунё қилган *саннийаси* орасида деярли фарқ йўқ. Улар орасидаги ягона фарқ шундан иборатки, ўзини бутунлай Кришнага топширган киши фақат Кришнага таваккал қилади. Қалбида Худога садоқат туйғусини ривожлантиришга интилиб юрган кишиларга тавсия қилинадиган **олти қонда** бор. 1)Инсон Худога садоқат билан хизмат қилишга ёрдам берадиган ҳамма нарсани қабул қилиши ва ҳеч иккиланмасдан бу йўлга кириши лозим; 2)инсон Худога садоқат билан хизмат қилишга ҳалақит берадиган ҳамма нарсадан юз ўгириши ва улардан қутулиш учун қатъият билан ҳаракат қилиши лозим; 3) инсон уни фақат Кришна ҳимоя қила олишига ишончи комил бўлиши ва Кришна албатта уни ҳимоя

килишига ишониши лозим; Имперсоналистнинг фикрига кўра унинг ҳақиқий ўзлиги Кришна билан бир бўлишда, Кришнанинг содиғи унга ўхшаб ўзининг шахсини яқсон қилмайди. У Кришна уни ҳар қандай вазиятда ҳам ҳар томонлама ҳимоя қилишига тўлиқ ишонч билан яшайди. 4) содиқ Кришнани ҳамиша ўзини ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаб турадиган Зот деб билиши лозим; ўз фаолиятининг натижаларига интилиб юрган кишилар одатда фаришталардан паноҳ излайдилар, аммо Кришнанинг содиғи ҳимоя қилишини тилаб бирор фариштага мурожаат қилмайди. У Кришна уни ҳар қандай оғир ҳолатлардан албатта ҳимоя қилишига тўлиқ ишонади. 5) содиқ ҳамиша шуни яхши англаб юрадики, унинг истаклари ҳали ўзидан-ўзи ҳеч қандай муаммони ҳал қилмайди: токи Кришна уларни амалга оширмагунча улар шунчаки истаклигича қолаверади. 6) инсон ҳамиша ўзини энг пасткаш зот деб билиши лозим, у фақат Кришна унга ғамхўрлик қилишидан умидвор бўлиб яшаши лозим.

Ўзини Худога бутунлай топширган ана шундай зотлар Вриндаван, Матхура, Дварака, Майапура ва ҳок. сингари муқаддас саждагоҳлардан паноҳ топадилар. Улар шундай сўзлар билан ўзларини Парвардигорга топширишлари лозим: **"Эй Парвардигор, энди мен бутунлай Сеникиман. Истасанг Сен мени ҳимоя қилишинг ёки ўлдириб юборишинг мумкин"**. Шу тарзда содиқ Кришнанинг паноҳига киради, Кришна бунинг учун ундан шунчалик миннатдорки, уни ҳамма жойда ҳимоя қилиб юради. Бу "Шримад Бхагаватам"(11.29.34)да тасдиқланади, унда айтилганки, агар инсон ажали етган пайтда бутунлай Худонинг паноҳига кирса ва ўзини бутунлай Унга топширса, у ҳақиқий мангу ҳаётга эришади ва Парвардигор билан бирга руҳий оламда илоҳий бойликлардан лаззатланиб яшаш ҳуқуқига эга бўлади.

Кейин Парвардигор Санатана Госвамига Худога садоқат билан хизмат қилиш амалларининг ҳар хил тур ва белгиларини таърифлаб берди. Худога ўзимизнинг ҳозирги сезгиларимиз ёрдамида садоқат билан хизмат қилишимиз Худога амалда хизмат қилиш деб аталади. Аслида Худога садоқат билан хизмат қилиш тирик мавжудотнинг мангу ҳаёти, у ҳар кимнинг қалбида мудраб ётибди. Ана шу мудраб ётган садоқатни уйғотишга қаратилган жараён **Худога амалда хизмат қилиш** деб аталади. Бунинг маъноси шуки, тирик мавжудот ўзининг тузилишига кўра Парвардигорнинг ажралмас таркибий зарраси ҳисобланади; Парвардигорни куёшга ўхшатиш мумкин, тирик мавжудотларни эса - куёш нурларининг майда заррачаларига. Алдамчи кувватга алданиб қолган руҳий учкун деярли ўчиб қолган, аммо Худога амалда хизмат қилиш ёрдамида у ўзининг аввалги табиий ҳолатига қайтишга қодир бўлади. Инсон Худога амалда хизмат қилиб юганида у ўзининг азалий, бошланғич, табиий озод ҳолатига қайтиш йўлига кирган бўлади. Инсон руҳий устоз раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қилишни амалда қўллаши мумкин.

Кришна онгида юксалишга қаратилган руҳий фаолият тинглашдан бошланади. Тинглаш руҳий юксалишнинг энг муҳим усули ҳисобланади, инсон Кришна ҳақида тинглашга ихлос билан интилиши лозим. Ҳар хил фалсафий изланишларни, кармали фаолиятни тарқ

этиб, инсон шунчаки Худога сиғиниши ва қалбида Худога муҳаббат уйғотишга интилиши лозим. Худога муҳаббат туйғуси ҳар кимнинг қалбида азалдан мавжуд; фақат уни тинглаш усули ёрдамида уйғотиш лозим. Тинглаш ва такрорлаш - Худога садоқат билан хизмат қилишнинг икки асосий усули.

Худога садоқат билан хизмат қилиш икки турли бўлади: тартибга солинган ва муҳаббат юзасидан. Ҳали қалбида Кришнага нисбатан илоҳий муҳаббат уйғотмаган киши ўз ҳаётини муқаддас китобларнинг қонун-қоидалари ва руҳий устознинг кўрсатмалари асосида тартибга солиши лозим. "Шримад Бхагаватам"(2.1.5)да Шукадева Госвами Махараж Парикшитга шундай маслаҳат беради:

*тасмад бхарата сарватма*

*бхагаван шваро хариҳ*

*шротавйах киртитавйаи ча*

*смартавйаи чеччхатабхайам*

**"Эй Бхаратлар аҳлоси, кўркмас, жасур бўлишга интилиб юрган кишининг биринчи вазифаси - Худонинг Олий Шаҳси, Хари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш, Худо ҳақида эшитганларини такрорлаш ва ҳамиша Уни эслаб юриш. Ҳамиша Парвардигор Вишну ҳақида ўйлаб юриш лозим; ҳақиқатан ҳам, ҳатто бир лаҳза ҳам Уни эсдан чиқармаслик керак. Мана шу барча қоидаларнинг асл маъносидир"**. Бунга яқун ясаб шуни айтиш мумкинки, агар муқаддас китобларда тавсия қилинадиган ва таъқиқлана-диган барча қонун-қоидаларни бир жойга тўпласак, уларнинг ҳаммасини ягона бир қоида билан ифодалаш мумкин: **ҳамиша Худони эслаб юриш**. Ҳамиша қалбида Худони эслаб юриш Худога садоқат билан хизмат қилишнинг мақсади ҳисобланади. Агар инсон қалбида Худога муҳаббат билан хизмат қилиб юрган бўлса, тартибга солувчи қоидалар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолатда ҳеч қандай қонданнинг ҳождати йўқ.

Лекин, инсон Худога садоқат билан муносиб хизмат қилиш учун одатда қуйидаги қоидаларга риоя қилиши лозим: 1) ҳақиқий руҳий устоз паноҳи остига кириш; 2) руҳий устоздан фотиҳа олиш; 3) руҳий устозга хизмат қилиш; 4) унга саволлар бериш ва ундан Худони севишни ўрганиш; 5) қалбида илоҳий муҳаббат билан Худога хизмат қилиб юрган авлиё зотларнинг изидан бориш; 6) Кришна учун шахсий лаззат ва мусибатларнинг барча туридан воз кечишга тайёр туриш; 7) Кришнанинг эрмаклари бўлиб ўтган жойларда яшаш; 8) Танада жон саклаб туриш учун Кришна юборган нарса билан қаноатланиш ва бошқа ҳеч нарсага интилмаслик; 9) Экадаши кунлари рўза тутиш; 10) Худонинг содиқларига, сигирларга ва банъян сингари муқаддас дарахтларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш.

Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига энди кирган содиқ учун мана шу ўн қоидага риоя қилиш жуда муҳим. Худога хизмат қилишда ва муқаддас номларни зикр қилишда ҳақорат содир қилиб қўймасликка ҳаракат қилиш лозим. Худонинг муқаддас номларини зикр қилишда юз бериши мумкин бўлган ҳақоратнинг ўн тури бор, уларни содир қилмасликка интилиш керак: 1) Худонинг содиқ хизматкорини ҳақорат ёки ғийбат қилиш; 2) Парвардигор билан фаришталар бир бирига тенг, ёки Худолар кўп деб ҳисоблаш; 3) руҳий устознинг кўрсатмаларига амал қилмаслик; 4) муқаддас



китоб(Веда)ларнинг кўрсатмаларини тан олмаслик; 5) Худонинг муқаддас номларини ўзича талкин қилиш; 6) муқаддас номнинг поклаш қудратига ишониб онгли равишда гуноҳ иш қилиш; 7) Худонинг муқаддас номларининг шуҳрати ҳақида имонсиз одамларга гапириш; 8) муқаддас ном зикр қилишни дунёвий савоб ишларга тенглаш; 9) муқаддас ном зикр қилиш пайтида паршонхотир бўлиш; 10) Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юриб ҳам дунёвий нарсаларга боғланишда давом этиш.

Бунга қўшимча яна ўн қоида бор: 1) Худога хизмат қилишда ва муқаддас ном зикр қилишда ҳақорат қилмасликка интилиш лозим; 2) нопок, имонсиз одамлар даврасидан узоқ юришга интилиш; 3) кўплаб шогирдлар орттиришга интилмаслик; 4) кўплаб китобларнинг маъносини тушунишга интилмаслик ёки қайсидир китобнинг мазмунини тўла тушунмай қўймаслик керак, шунингдек, ҳар хил таълимотларни муҳокама қилишдан қочиш лозим; 5) ҳар хил ютуқ ва йўқотишларга бир хилда хотиржам муносабатда бўлиш лозим; 6) бирор нарсдан афсусланмаслик керак; 7) фаришталарга ва бошқа муқаддас китобларга ҳурматсизлик қилмаслик керак; 8) бошқаларнинг Парвардигор ва Худонинг содиқларини ҳақорат қилишларига йўл қўймаслик керак; 9) дунёвий асарларда муҳокама қилинадиган оддий мавзулар билан қизикмаслик керак(янгиликлар бундан мустасно); 10) бирор тирик мавжудотга, ҳатто кичкина ҳашаротга ҳам озор бермаслик керак.

Шрила Рупа Госвами ёзган "Бхакти-расамрита-синдху" асарида айтилганки, содиқнинг хулқ-атвори жуда олижаноб бўлиши, у ҳар қандай номуносиб фаолиятдан узоқ юриши лозим. Барча қоидалар ичида ҳақиқий руҳий устоз қабул қилиш, ундан фотиҳа олиш ва унга хизмат қилиш энг муҳимлари ҳисобланади.

Юқорида айтилганларга қўшимча равишда Худога садоқат билан хизмат қилишнинг яна 35 таркибий қисми бор, уларни қуйидагича ифодалаш мумкин: 1) тинглаш; 2) тақрорлаш; 3) эслаш; 4) сажда қилиш; 5) илтижо қилиш; 6) хизмат қилиш; 7) ўзини хизматкор деб билиш; 8) дўст бўлиш; 9) ҳамма нарсани қурбон қилиш; 10) Илоҳ олдида рақсга тушиш; 11) қуйлаш; 12) ахборот бериш; 13) бош эгиш; 14) содиқларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб ўрнидан туриш; 15) содиқ кетаётганда кузатиб қолиш; 16) Парвардигорнинг эҳромларига бориш; 17) эҳромни айланиб тавоф қилиш; 18) илтижолар ўқиш; 19) мадҳиялар қуйлаш; 20) санкиртана(Худонинг муқаддас номларини биргаликда қуйлаш) ўтказиш; 21) Илоҳга таклиф этилган мушк-анбар хидини ҳидлаш; 22) прасад қабул қилиш; 23) аратрика маросимида иштирок этиш; 24) муртининг жамолига қараб туриш; 25) Парвардигорга ширин таомлар таклиф этиш; 26) муруқабга билан шуғулланиш; 27) туласига сув таклиф этиш; 28) ваишнавларга ва улуғвор содиқларга эҳтиром кўрсатиш; 29) Матхура ёки Вриндаванда яшаш; 30) "Шримад Бхагаватам"ни ўрганиш; 31) Кришнага эришишга бор кучи билан интилиш; 32) Кришнанинг марҳаматини кутиш; 33) Кришнанинг содиқлари билан биргаликда маросимлар ўтказиш; 34) ўзини бутунлай Кришнага топшириш; 35) Худога сиғинишнинг ҳар хил удумларига риоя қилиш.

Бу қоидаларга яна тўрт қоида қўйиш мумкин: 1) ўзининг ваишнава эканини бошқаларга билдириш

учун танасига сандал пастасидан белги(тилака) қўйиб юриш; 2) танасига Худонинг муқаддас номларини ёзиб юриш; 3) Илоҳнинг либосларидан қолган матодан тикилган либос кийиб юриш; 4) чаранамрита(Илоҳ ювинтирилган сув)дан ичиш.

Мана шу тўрт қоида билан ҳаммаси бўлиб, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг 39 таркибий қисми бор. Улар ичида энг муҳимлари бешта: 1) Кришнанинг содиқлари билан ҳамсухбат бўлиш; 2) Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш; 3) "Шримад Бхагаватам" тинглаш; 4) Матхура ёки Вриндаван сингари муқаддас саждагоҳда яшаш; 5) Илоҳга чуқур садоқат билан хизмат қилиш. "Бхакти-расамрита-синдху" асарида Шрила Рупа Госвами ана шу қоидаларни алоҳида таъкидлаб ўтади. Юқоридаги 39 қоидага бу 5 қоида қўшсак, ҳаммаси 44 қоида бўлади. Агар уларга аввалги йигирма тўрт турли фаолиятни қўшсак, Худога садоқат билан хизмат қилиш 64 таркибий қисмдан иборат бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ана шу 64 таркибий қисмини бажаришга тана, ақл ва сезгилар билан киришиб, инсон аста-секин ўзининг Худога садоқат билан хизмат қилишини поклаши мумкин. Бу қоидаларнинг баъзилари бир биридан фарқ қилади, баъзилари бир бирига ўхшаш, баъзилари эса, бошқа икки қоида билан бирикмасига ўхшайди.

Шрила Рупа Госвами бизга ўзимиз билан бир хил фикрлайдиган кишилар билан бирга яшашни тавсия қилади, шунинг учун Кришна онгида яшайдиган одамлар жамиятини ташкил этиш ҳамда Кришна ва Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги илмимизни ошириш учун Кришнанинг содиқлари билан биргаликда яшаш жуда муҳим. Ана шундай жамиятда яшашнинг энг муҳим жиҳати "Бхагавад-гита" ва "Шримад Бхагаватам" илмини биргаликда англаб етиш ҳисобланади. Инсон қалбида Худога муҳаббат ва садоқат туйғуси ривожлана бошланганида улар Илоҳларга сиғинишга, муқаддас ном зикр қилишга ва Матхура ва Вриндаван сингари муқаддас саждагоҳларда яшашга айланади.

Ўттиз тўққиз қоидадан кейин эслатилган беш асосий қоида жуда муҳим ва аҳамиятли ҳисобланади. Агар инсон ана шу беш қоидага амал қилиб юрса, у ҳатто уларга мукамал амал қила олмаса ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилишда энг юқори поғонага кўтарилган олади. Кимдир ўзининг имкониятига қараб, бу беш қоида билан фақат биттасига ёки бир нечтасига амал қилишга қодир бўлиши мумкин, лекин асосийси - уларга амал қилиш, чунки мана шу - инсонни руҳий юксалишга мажбур этадиган Худога садоқат билан хизмат қилишга боғланишнинг асосий йўли ҳисобланади. Инсоният тарихида мана шу асосий қоидаларнинг фақат биттасига изчил амал қилиб руҳий баркамолликка эришган кишилар ҳам, Амбариша Махараж сингари уларнинг ҳаммасига риоя қилиб баркамолликка эришганлар ҳам бор. Қуйида ана шу қоидаларнинг фақат биттасига риоя қилиш билан баркамолликка эришган содиқлар келтирилган: озодликка ва руҳий баркамолликка эришган Махараж Парикшит ўз мақсадига фақат тинглаш орқали эришди; Шукадева Госвами фақат тақрорлаш орқали Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эришди; Прахлад Махараж фақат эслаб юриш билан баркамолликка эришган;

Лакшми фақат Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш билан; шоҳ Притху фақат сажда қилиш билан, Акрура фақат илтижо қилиш билан; Хануман Парвардигор Рамнинг хизматкори бўлиб; Аржун Кришнанинг дўсти бўлиб; Бали Махараж бор дунёсини эхсон қилиш билан баркамолликка эришган. Амбариша Махараж эса, Худога садоқат билан хизмат қилиш таркиб топган ҳамма амалларни бажариб яшаган. Биринчи навбатда у ақлини Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи ҳақидаги фикрлар билан банд қилди. Нутқини у Худонинг Олий Шахсининг илоҳий сифатларини таърифлаш билан машғул қилди. У қўлларини Парвардигорнинг эхромини ювиш билан машғул қилди, кулоқлари билан - Парвардигорнинг гапларини тинглади, кўзлари билан эхромдаги Илоҳларни томоша қилди. Тана билан сезиш қобилятидан ваишнаварларга хизмат қилишда фойдаланди, бурни билан Кришнага таклиф қилинган гуллар атрини ҳидлади. Унинг тили Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига таклиф этилган туласи баргларидан лаззатланарди, унинг оёқлари оёқлари уни эхромга олиб борарди, калласи Илоҳлар олдида эгиларди. Унинг барча истак ва интилишлари шу тарзда Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлгани учун, Амбариша Махараж бор имкониятини ишга солиб Худога садоқат билан хизмат қилишга энг яхши мисол бўла олади.

Мукамал Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши одатда ҳар бир инсон қарздор бўлган донишмандлар, фаришталар ва аждодлар олдидаги ўзининг барча бурчларидан озод бўлади. Бу "Шримад Бхагаватам"(11.5.41)да тасдиқланади:

*деварши-бхутанта-ринам питринам  
на кинкаро найам рини ча раджеан  
сарватмана йах шаранам шаранам  
гато мукундам парихритиа картам*

**"Эй шоҳ, Худога садоқат билан хизмат қилишга ўзини бутунлай бағишлаган кишининг на фаришталар олдида, на донишмандлар олдида, на бошқа бирор тирик мавжудотлар, на қариндошлари, на аждодлари ёки бошқа бирор тирик мавжудот олдида қарзи қолмайди".**

Инсон дунёга келган заҳоти жуда кўп одамлар олдида қарздор бўлиб қолади, ана шу қарздан қутулиш учун у маълум бир маросимларни ўтказиши лозим бўлади. Лекин, агар инсон ўзини бутунлай Кришнага топширган бўлса, унинг бошқалар олдида ҳеч қандай қарзи қолмайди. Инсон ўзининг барча қарзларидан озод ҳисобланади.

Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон ўзининг барча амалларини тарк этиб Кришнага илоҳий хизмат қилишни бошласа, унда гуноҳ ишлар билан шуғулланишга зарурат ҳам, истак ҳам қолмайди, унинг гуноҳ қилиш эҳтимоли ҳам жуда камайиб кетади. Агар у барибир қандайдир гуноҳ содир қилиб қўйса, Кришна унинг бу гуноҳи оқибатидан уни тўлиқ ҳимоя қилади. У гуноҳи оқибатидан покланиш учун бошқа бир усулларни кўллаб юришининг ҳожати йўқ, бу "Шримад Бхагаватам"(11.5.42)да тасдиқланади: "Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга бутунлай ғарқ бўлган содиқ хизматкор Олий Шахсининг ҳимояси остида бўлади, агар у билмасдан қандайдир гуноҳ иш қилиб қўйса ёки гуноҳ қилишга мажбур бўлса, унинг қалбида

мавжуд бўлган Парвардигор бу гуноҳи оқибатидан уни тўла ҳимоя қилади".

Фалсафий изланиш ва таркидунёлик йўли аслида Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эришишнинг асосий таркибига кирмайди. Гарчи ўзликни англашнинг бошқа йўлларида беозор яшаш ва сезгиларни жиловлаш учун махсус қоидалар бўлса ҳам, содиқ бу қоидаларга амал қилишининг ҳожати йўқ. Содиқ хизматкор ҳатто уларга риоя қилмаса ҳам, шунчаки Худога садоқат билан хизмат қилиб юргани шарофати билан ўзида барча яхши фазилатларни ривожлантиради. "Шримад Бхагаватам"(11.20.31) да Парвардигор Кришнанинг Ўзи айтадики, агар инсон ҳақиқатан ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган бўлса, унинг илм ўрганиши ёки таркидунё қилиши шарт эмас.

13-боб.

## **Худога муҳаббат билан боғланган ҳолда садоқат билан хизмат қилиш**

Баъзи бир илоҳиёт одамларининг фикрига кўра, Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилиш учун илм ўрганиш ва таркидунёлик қилиш керак, лекин бу мутлақо нотўғри. Балки, инсон ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларига қарши ўзининг руҳий табиатини англаб етиши учун илм ўрганиш ҳамда қармали фаолиятни тарк этиш зарурдир, лекин улар Худога садоқат билан хизмат қилишнинг зарурий таркибий қисми ҳисобланмайди. Илм ва қармали фаолият мос равишда руҳий озодликка ва моддий лаззатларга олиб келади. Демак, улар Худога садоқат билан хизмат қилишнинг таркибий қисми бўлиши мумкин эмас, аксинча, айтиш мумкинки, Худога садоқат билан хизмат қилиш учун уларнинг кераги йўқ. Инсон фақат илм ва қармали фаолият келтирадиган натижаларга бўлган боғланиш туйғусидан озод бўлгандан кейингина Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига эриша олади. Парвардигор Кришнанинг содиқ хизматкори табиатан мулоим ва раҳмдил, унинг ақли ва сезгилари жиловланган, шунинг учун у илм ўрганиш ва қармали фаолият билан шуғулланиш натижасида келадиган яхши фазилатларга эга бўлиш учун қўшимча куч сарфлаб юришининг ҳожати йўқ.

Удхжава, Кришнадан Ведаларда қандай қонун-қоидалар берилгани ҳақида тинглаш ниятида Унга шундай савол берди: "Қандай қилиб бир вақтнинг ўзида ведавий мадҳиялар дунёвий лаззатни олқишлайдилар ва айна пайтда Ведалардаги кўрсатмалар инсонни барча алданишлардан халос этади ва уни руҳий озодлик йўлига киришга ундайди?" Маълумки, ведавий

кўрсатмаларни Худонинг Олий Шахси нозил қилган, лекин улардаги зиддият яққол кўриниб турибди, шу боис Уддхава ана шу зиддиятларни қандай тушуниш кераклигини билишни истарди. Унга жавобан Парвардигор Кришна унга Худога садоқат билан хизмат қилишнинг афзаллигини тушунтириб берди.

**"Менга садоқат билан хизмат қилиб юрган, ақли Менда мужассам бўлган кишининг илм ўрганишга ва таркидунё қилишга интилишининг ҳожати йўқ"**. Парвардигорнинг хулосаси шундай: Худога садоқат билан хизмат қилиш бошқа бирор жараёнга боғлиқ(қарам) эмас. Аввал бошида илмни ривожлантириш, таркидунё қилиш ва мууроқабат биров ёрдам бериши мумкин, аммо уларни Худога садоқат билан хизмат қилиш учун зарур деб ҳисобламаслик керак. Бошқача қилиб айтганда, илм ва таркидунёликка боғлиқ бўлмаган ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш мумкин. Бу ҳақда "Сканда-пурана"да ҳам айтилган, унда Парвата Муни овчилар қабиласидан чиққан кишига шундай дейди: "Сен ҳозир эга бўлган беозорлик ва бошқа эзгу фазилатларнинг хайратла-нарли жойи йўқ, чунки Парвардигорга хизмат қилиб юрган киши ҳеч қандай вазиятда ҳам бирор тирик мавжудот учун ташвиш, муаммолар манбаи бўлмайди".

Ана шу саволларни ёритиб, Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамига шундай деди: "Шу пайтгача Мен сенга қонун-қоидалар асосида Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида гапириб бердим. Энди эса, Мен сенга Худога садоқат билан хизмат қилишни илоҳий боғланиш нуқтаи назаридан тушунтираман".

Вриндаван аҳолиси, Враджавасилар - Худога садоқат билан хизмат қилишга жонли мисол бўла оладилар. Уларнинг Худога қилаётган намунали хизмати Худога муҳаббат билан боғланиш ҳолатида бўлади. Бундай садоқатни фақат Враджабхумида, Вриндаванда учратиш мумкин. Агар инсон қалбида Худога садоқат билан хизмат қилиш ва Худога муҳаббат билан боғланиш туйғусини Враджавасиларнинг изидан бориб ривожлантирса, у *рага-марга-бхактига*, яъни Худога боғланиш ҳолатида садоқат билан хизмат қилиш поғонасига эришади. "Бхакти-расамрита-синдху"(1.2.270)га асосан: "Худога содиқ учун табиий бўлиб қоладиган жазавали боғланиш ҳолатида хизмат қилиш *рага*, яъни илоҳий боғланиш деб аталади". Худога ана шундай боғланиш ҳолатида садоқат билан хизмат қилиш *рагатмика* деб аталади. Севган зотига бутун диққатини жамлаб қаттиқ боғланиш *рагатмика* деб аталади. Бунга Враджабхуми аҳолисининг ҳаракатлари мисол бўлиши мумкин. Албатта, уларнинг Кришнага қаттиқ боғлангани ҳақида тинглаб, Кришнанинг жозибадорлигини тушуна бошлаган киши жуда омадли инсондир. Враджабхуми аҳолисининг Кришнага бўлган садоқати инсон қалбига жуда кучли таъсир қилса ва у улардан ўрнак олишга интила бошласа, у муқаддас китобларда берилган чеклаш ва қоидаларнинг барчасига эътибор бермай қўяди. Худога садоқат билан хизмат қилишда *рага-бхакти* поғонасига эришган киши бошқалардан шуниси билан фарқ қилади.

Боғланиш ҳолатида Худога садоқат билан хизмат қилиш - табиий ҳолат бўлиб, шундай хизмат мафтун қилган киши унга эътироз билдириб юрган кишилар билан ҳатто улар муқаддас китобларнинг кўрсатмаларини мисоллар келтира бошласалар ҳам,

бахслашиб ўтирмайди. Худога садоқат билан хизмат қилишга табиий боғланиш ҳам муқаддас китобларда берилган кўрсатмаларга асосланган, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ана шу турига боғланган кишининг муқаддас китоблардан келтирилган далиллар асосида уни тарқ этишининг ҳожати йўқ. Бу борада таъкидлаш лозимки, сохта содиқ(*пракрита-саҳаджия*)лар ўзлари ўйлаб топган қоидаларга амал қиладилар ва ўзларини Кришна ва Радха деб билиб, айш-ишратга бериладилар. Бу албатта сохта боғланиш ва сохта хизмат, бундай ишлар билан шуғулланиб юрган кишилар аслида дўзахга равона бўладилар. Бу рагатмика, яни садоқат поғонаси эмас. Аслида *пракрита-саҳаджия* жамиятининг аъзолари алданган, адашган кишилардир, уларни жуда омадсиз одамлар деб ҳисоблаш мумкин.

Боғланиш ҳолатида Худога садоқат билан хизмат қилишни икки йўл билан амалга ошириш мумкин: ташқи ва ички. Ташқаридан қараганда содиқ тинглаш ва такрорлашдан бошланадиган барча қонун-қоидаларга қатъий риоя қилади, айни пайтда қалбида у ҳамиша уни Парвардигорга хизмат қилишга ундайдиган боғланиш ҳақида ўйлаб юради. У ўзининг алоҳида хизмати ва муҳаббат билан боғланиши ҳақида фикр юритишдан бир лаҳза ҳам тўхтамайди. Ана шундай боғланиш Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қонун-қоидаларига риоя қилишга тўсқинлик қилмайди, ҳақиқий содиқ ана шу қоидаларга қатъий риоя қилади, лекин у ҳамма вақт ўзининг шахсий боғланиши ҳақида ўйлаб юради.

Враджабхуми, Вриндаван аҳолисининг барчаси Кришна учун жуда азиз бўлгани сабабли, агар содиқ Кришнага шахсан хизмат қилишда муваффақият қозонмоқчи бўлса, улардан бирини танлайди ва унинг издан боради. Парвардигорга қаттиқ боғланган асл содиқ ҳамиша Враджабхуми аҳолисидан бирининг издан боради. "Бхакти-расамрита-синдху"(1.2.294)да Худога садоқат билан хизмат қилишга боғланган асл содиққа, ҳатто унинг ўзи Вриндаванда яшаш имкониятига эга бўлмаса ҳам, ҳамиша Враджалик бирор содиқнинг амалларини эслаб юриш тавсия қилинади. Шунда у ҳамиша Вриндаван ҳақида ўйлаб юра олади.

Унга хизмат қилишга боғланиб қолган Кришнанинг яқин содиқлари бир неча тоифага бўлинадилар: баъзилар Унинг хизматкори, баъзилари - дўстлари, яна бирлари - ота-онаси, яна бирлари - Парвардигор билан ўзаро эр-хотинлардай ишқий муносабатда бўладилар. Худога муҳаббат билан боғланиш ҳолатида садоқат билан хизмат қилишда инсон ана шу тоифалардан бирига мансуб бўлган Вриндаванлик бирор содиқнинг издан бориши лозим. "Шримад Бҳагаватам"(3.25.38)да Парвардигор шундай дейди:

*на кархичин мат-парах шанта-рупенанкишанти но ме<sup>2</sup>нимшишо ледхи хетиху йешам ахам прийа атма сутаи ча сакха гурух сукхидо даивам иштам*

**"мат-пара ибораси фақат Менинг издошларим бўлгани ҳақида ўйлаган заҳоти қалбида тўла мамнуният ҳосил қиладиган кишиларга нисбатан ишлатилади. Улар Мени ўзларининг жони, Мени ўзларининг дўсти, Мени ўзларининг ўғли, Мен - уларнинг саодатманди, Худоси ва ҳаётдаги олий**

мақсади деб биладилар. Эй азиз она, ана шундай содиқларга замон ўз ҳукмини ўтказма олмайди".

"Бхакти-расамрита-синдху"(1.2.308)да Шрила Рупа Госвами чуқур эҳтиром билан ҳамиша Кришнанинг асл ҳолатида У ҳақда ва У билан ўғил, саодатманд, қариндош, ота, дўст ва ҳоказо сифатидаги ўзаро муносабатлари ҳақида ўйлаб юрган киши олдида хурмат билан бош эгади. Худога муҳаббат билан боғланиш ҳолатида Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларига амал қилиб юрган ва Враджабхумилик содиқларнинг бирортаси изидан бораётган ҳар бир инсон албатта Худога муҳаббатнинг энг юқори поғонасига эришади.

Худога муҳаббат уруғининг ўсиб-ривожланишига ёрдам берадиган икки сифат бор, улар *рати*, боғланиш ва *бхава*, Худога муҳаббат туйғусидан бевосита олдин келадиган туйғу. Айнан ана шундай боғланиш ёрдамида содиқ Парвардигор Шри Кришна мағлуб қилиши мумкин. Ана шу сифатлар ҳали Худога муҳаббатнинг биринчи аломатлари пайдо бўлмасдан аввал иштирок этади. Буларнинг ҳаммасини Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамига тушунтириб беради. Парвардигор Чайтанья унга айтдики, У шунчаки баъзи мисолларни келтириб ўтишни истайди, чунки Худога муҳаббат билан боғланиш ҳолатида садоқат билан хизмат қилиш тизимини таърифлашда чексиз давом этавериш мумкин. Кейин Парвардигор Худога садоқат билан хизмат қилишнинг руҳий баркамолликка эришишга интилиб юрганлар учун мўлжалланган якуний мақсадини таърифлаб берди. Инсоннинг Кришнага бўлган боғланиши жуда кучли бўлганида у "Худога муҳаббат" деб аталадиган ҳолатга эришади. Кришнанинг содиғи ҳамиша мавжудликнинг ана шундай ҳолатида бўлади, деб ҳисобланади. Шунинг учун Кавираджа Госвами Парвардигор Чайтанья Ўзи билан бирга Худога муҳаббатнинг ана шу илмини олиб келгани учун Унинг олдида эҳтром билан бош эгади. "Чайтанья Чаритамрита"да шундай ёзилган: "Эй Худонинг Олий Шахси, Худога ана шундай соф садоқат билан хизмат қилишни Сендан бошқа бирор зот инъом этишга қодир бўла оладими? Эй Худо Шахсининг энг Гаура-Кришна сифатида машҳур бўлган олийҳиммат тимсоли, мен Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгаман".

"Бхакти-расамрита-синдху"(1.3.1)да Худога муҳаббат ҳолати куёшдан таралиб турган ёғдуга киёсланади. Ана шу ёғду содиқнинг қалбини Кришнани яна ҳам кучлироқ севадиган қилади. Ана шундай содиқнинг қалби илоҳий поғонада, ҳатто эзгулик гуна-сидан ҳам юқорида бўлади. Содиқнинг қалби куёш нурлари билан яна ҳам кучлироқ покланадиган жараён *бхава* деб аталади. Бхаванинг таърифини Шрила Рупа Госвами келтиради. *Бхава* тирик мавжудотнинг мангу сифати ҳисобланади, *бхава* ривожланишининг энг баланд(критик) чўққиси эса, Худога муҳаббатнинг оралик ҳолати деб аталади. *Бхава* ҳолати тобора чуқурлашиб бориш ҳолатини билимдон содиқлар Худога муҳаббат деб атайдилар. "Нарада-панчаратра"да шундай дейилган:

*ананья-мамата вшинау*

*мамата према-сангата*

*бхактир итй учйате*

*бхишма-прахладоддхава-нарадаиҳ*

"Инсон Парвардигор Вишну - сиғиниш ва севиш лозим бўлган ягона Зот, ҳатто фаришталар орасида ҳам Унга тенг келадиган ва садоқат билан хизмат қилишга муносиброқ зот йўқ эканига чуқур ишонч ҳосил қилганида у Парвардигор билан ўзининг муҳаббатга асосланган ўзаро муносабатларида ички чуқур яқинлик ҳис қиладилар, ва буни Бхишма, Прахлада, Уддхава ва Нарада сингари шахслар тан оладилар".

Агар Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ривожланишига ёрдам берадиган қандайдир савоб ишлар шарофати билан хизмат қилиш жараёни кишига ижобий таъсир қила бошласа ва у Кришнанинг асл содиқлари даврасидаги саодатли суҳбатдан паноҳ топса, унда тинглаш ва такрорлашга боғланиш туйғуси ривожлана бошлайди. Тинглаш ва такрорлашни ривожлантира бориб, қонун-қоидалар асосида Худога садоқат билан хизмат қилишда тобора юксала бориш мумкин. Инсон бу йўлдан қанчалик юксала борса, унинг қалбида Худога садоқат билан хизмат қилишга нисбатан шубҳа-гумонлар шунчалик камайиб, моддий оламга боғланиш туйғуси шунчалик сусая боради. Тинглаш ва такрорлаш содиқнинг ишончини кучайтиради ва ундаги ана шу ишонч шунчалик ривожланадики, унда Худога садоқат билан хизмат қилишга ихлос пайдо бўлади, ана шу ихлос ривожланиб, аста-секин Худога боғланишга айланади. Боғланиш туйғуси покланганида унда икки сифат - *бхава* ва *рати* пайдо бўлади. *Рати* туйғуси ўсиб ривожланганида Худога муҳаббат деб аталади. **Худога муҳаббат эса - инсон ҳаётининг энг олий мақсадидир.**

Мана шу жараённи Шрила Рупа Госвами ўзининг "Бхакти-расамрита-синдху" асарида қисқача ифодаланган(1.4.15-16): "Биринчи навбатда зарур бўлган нарса - ишонч; айнан ана шу ишонч туйғуси инсонни Худонинг асл содиқлари билан учрашишга олиб келади, бу учрашув шарофати билан у Худога садоқат билан хизмат қила бошлайди. Худога садоқат билан хизмат қилишда юксала борган сари, унинг шубҳа-гумонлари йўқола боради. Кейин унда комил ишонч(имон) пайдо бўлади, ана шу ишончдан Худога садоқат билан хизмат қилишга ихлос юзага келади, ихлос ривожланиб боғланишга айланади, боғланиш Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларига риоя қилиб яшаш имконини беради. Бу поғонадан юқори кўтарилиб, инсон *бхава* деб аталадиган поғонага эришади, ана шу поғонада у ўзгармас ҳолатга эришади. *Бхава* туйғуси ривожланиб инсон Худога муҳаббатнинг энг олий поғонасига эришади".

Санскрит тилида ана шу олий поғона *према* деб аталади. *Према* ибораси Худони эвазига бирор манфаат таъма қилмасдан ва ўзининг туйғуга яраша жавоб кутмасдан холис муҳаббат билан севишни билдиради. Аслида *према* билан муҳаббат ибораси синоним эмас, лекин барибир айтиш мумкинки, *према* - муҳаббатнинг энг олий поғонаси. Бу "Шримад Бхагаватам"(3.25.25)да тасдиқланади: Фақат асл содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлиш ёрдамида инсон ўзининг қалбида Кришна онгига ихлос уйғотиши мумкин, агар у Кришна онги билан яшашни ўзининг ҳаётида қўллай бошласа, у ҳаётда ҳамма нарсага, ҳатто *бхава* ва *према*га, Худога муҳаббат поғонасига эриша олади.

Парвардигор Чайтанья ана шу йўлни ишонч поғонасидан то *бхава* поғонасигача бошидан охиригача босиб ўтган кишининг белгиларини таърифлар экан, айтадики, шундай инсон ҳеч қачон, ҳатто безовта бўлиш учун аниқ сабаб бўлса ҳам, ўзининг хотиржам ҳолатини йўқотмайди ҳамда ўзининг бир дақиқа вақтини ҳам бекор ўтказмайди. У ҳамиша Кришна учун бирор хизмат қилишга интилади. Ҳатто унинг қиладиган бирор иши бўлмаса ҳам, у Кришнани мамнун қилиш учун ўзига бирор машғулот ўйлаб топади. Шундай инсон Кришна билан боғлиқ бўлмаган бирор нарсани ёқтирмайди. Гарчи у энг юқори мартабани эгаллаб турган бўлса ҳам, у на шон-шухратга, на обрў-эътиборга, на ўзини хурмат қилишларига интилмайди. Шундай инсон ўзининг қилаётган иши тўғри эканига ишончи комил ва ҳеч қачон ҳаётининг олий мақсадига - Худонинг даргоҳига олиб борадиган йўлдан бораётганига шубҳа қилмайди. У бу йўлдан олға бораётганига ишонгани учун танлаган йўлидан ҳамиша комил ишонч билан боради ва олий мақсад сари олиб борадиган фаолиятини бир лаҳза ҳам тарк этмайди. У Парвардигорни лаззатлантиришга, Парвардигор ҳақида тинглаш ва тақрорлашга, Парвардигорнинг илоҳий сифатларини таърифлашга қаттиқ боғланиб қолган. Шунингдек, у Матхура, Вриндаван ёки Дварака сингари муқаддас жойларда яшашни маъқул кўради. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини то *бхава* поғонасигача бошидан охиригача босиб ўтган кишининг аломатлари шундан иборат.

Бхавага мисол бўла оладиган намунали хулқ-атворни Махараж Парикшит намоён этади. Ганга қирғоғида ўз ажалини кутиб ўтириб, у шундай дейди: **"Шу ерда иштирок этаётган барча брахманлар, шунингдек, она Ганга билиб олсинларки, мен - ўзини бутунлай Кришнага топширган жонман. Ёш брахманнинг қарғиши билан мени чақиб ўлдиришга юборилган илон ҳозироқ келиб мени чақиб ўлдиришига ҳеч қандай қаршилигим йўқ. Ўша илон истаган пайтда мени чақиб ўлдирсин. Агар шу ерда иштирок этаётган сиз брахманлар Кришнанинг хабарини тақрорлашда бетиним давом этсанглар мен жуда хурсанд бўлардим"**. Ана шундай содиқ ҳамиша ўзининг бир дақиқа вақти ҳам Кришнага алоқаси бўлмаган нарсаларга бекорга сарфланганини билишни истайди. Шунинг учун у кармали фаолият, йога усулида муруқба қилиш ёки илм ўрганиш натижасида келадиган бойликларга интилмайди. У фақат Кришна билан ижобий равишда боғлиқ бўлган нарсалар ҳақида тинглашни истайди. Шундай содиқлар ҳамиша кўзлари тўла ёш билан Кришнага илтижо қиладилар; уларнинг ақли ҳамиша Парвардигорнинг кўрсатган кароматларини эслаш билан, таналари эса - сажда қилиш билан банд. Бу уларга чексиз мамнуният олиб келади. Худога садоқат билан хизмат қилишга ғарқ бўлган ҳар қандай содиқ ўз умрини ва танасини **Парвардигорнинг режасини амалга оширишга бағишлайди**.

Ҳиндистон Бхарата-варша деб атала бошлашига сабаб бўлган шох Бхарата ҳам Парвардигорнинг асл содиғи эди, у худди бир нопок нарсаларни ташлагандай, ёшлигидан оилавий турмушни, садоқатли чиройли хотинини, ўғлини, дўстларини ва салтанатини тарк этиб кетди. Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали

қалбида Худога муҳаббат, *бхава* туйғусини ривожлантирган киши шундай бўлади. Ундай инсон ўзини энг ачинарли ва кўримсиз одам деб ҳисоблайди, унга мамнуният олиб келадиган ягона нарса – "қачон бўлса ҳам Кришна мени Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул қилиб менга Ўз марҳаматини кўрсатади", деган фикр. "Падма пурана"да Худога бўлган соф садоқатнинг яна бир мисоли келтирилади. Унда гарчи одамлар орасида энг юксак мартаба эгаллаб турганига қарамай, эшикма-эшик юриб, ҳатто жамиятда энг тубан мартаба эгаллаб турган пасткаш чандаллардан ҳам садақа сўраб юрган шох ҳақида ҳикоя қилинади. Санатана Госвами кейинчалик шундай шеър ёзди:

*на према шраванади-бхактир  
ати ва його "тхава вашинаво  
джнанам ва шубха-карма ва кийад  
ахо саджджатир ати асти ва  
хинартхадхика-садхаке  
твайи татхатй аччхедйа-мула сати  
хе гопиджанаваллабха вйатхайате  
ха ха мадашаива мам*

**"Мен Худога муҳаббатдан қашшоқман. Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида тинглаш учун қалбимда ҳеч нарса йўқ. Мен Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини ҳам, илм ўрганишнинг фойдасини ҳам, менга обрў келтирадиган савоб ишларни ҳам тушунмайман. Ҳатто келиб чиқишим билан ҳам фахрлана олмайман. Лекиншунга қарамай, эй Ваджаллик қизларнинг севгилиси, барибир Сени англаб етишимга умид қиламан, ана шу умидворлик менга бир лаҳза ҳам тинчлик бермайди"**. Ана шундай кучли интилишга эга бўлган содиқ ҳамиша муқаддас ном зикр қилиб юради: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре/Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Бу борада Билвамангаланинг "Кришна-карнамрита"(32)да ёзган шеърини келтириш мумкин: *твач чхаишавам три-бхуванадбхутам итй авехй  
мач чапалам ча тава ва мама вадхигамйам  
тат ким кароми виралам мураливиласи  
мугдхаҳ мукхамбуджам удикшишум икшанабхйам*

**"О Кришна, о ғаройиб найчи, Сенинг болаликдаги мафтункор шўхликларинг гўзаллиги бу дунёда ажойиб. Ақлимнинг қанчалик тўлқинланиши Сенга маълум, мен эса, Сен аслида ким эканингни билман. Биз бир-биримизга қанчалик яқин эканимизни ҳеч ким билмайди. Гарчи кўзларим Сени ва Сенинг жамолингни кўриш иштиёқида ёнаётган бўлса ҳам, мен Сени кўра олмайман. Илтимос, айтчи, мен нима қилишим керак?"**

"Бхакти-расамрита-синдху"(1.3.38)да ҳам шунга ўхшаган шеър бор:

*родана-бинду-маранда-сийанди  
-дригиндйиварадйя говинда  
тава мадхура\*свара-кантхй  
гайати намавалим бала*

**"О Говинда! Анави ёш қизнинг кўзларида ёш. У Сени олқишлаб қуйлаган ҳолда ёқимли овозда йиғлайди"**. Ана шундай асл содиқлар ҳамиша Кришнанинг шон-шухратини олқишлаб қуйлаш ва Кришна Ўзининг ўйинларини намойиш этган жойларда яшаш иштиёқида ёнадилар. "Кришна-карнамрита"(92)да шунга ўхшаган яна бир шеър бор: **"Кришнанинг танаси**

шунчалик ғаройиб, Унинг юзи шунчалик ажойибки! Кришна билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммаси ширин ва муаттар хид таратиб туради".

"Бхакти-расамрита-синдху"(1.2.156)да шундай дейилган: "Эй нилуфар кўзли Парвардигор, қачон мен Сенинг муқаддас номингни бетиним куйлаб юра олар эканман, бундан илҳомланиб қачон мен Йамуна қирғоқларида рақсга тушар эканман?"

Худого садоқат билан хизмат қилишнинг *бхава* деб аталадиган поғонасини таърифлайдиган мана шу гапларнинг ҳаммасини Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамига гапириб берди. Кейин Парвардигор Чайтанья Кришнага ҳақиқий муҳаббат туйғусининг аломатларини таърифлашда давом этди. У Санатана Госвамига айтдики, қалбида Кришнага муҳаббат туйғусини ривожлантирган кишини ҳеч ким тушуна олмайди. Ҳеч ким унинг гапларини, ишларини ёки унинг аломатларини тушунишга қодир эмас. Ҳатто жуда кучли илмга эга билимдон донишманд ҳам қалби Кришна муҳаббат туйғусига тўлган Худонинг асл содиқ хизматкорини тушуна олмайди. Буни "Бхакти-расамрита-синдху" ҳам тасдиқлайди.

Худого садоқат билан хизмат қилиб юрган киши Парвардигорнинг шон-шухратини куйлаганида ўзини бахтсиз ҳис қилади. Парвардигор унинг учун жуда азиз бўлгани сабабли у Парвардигорнинг муқаддас номини, Унинг улугворлигини ва бошқа жиҳатларини куйлаганида, худди ақлдан озганга ўхшаб қолади. Ана шу ҳолатда у гоҳ кулади, гоҳ йиғлайди, ё бирданига рақсга тушиб кетади. Бунда у ҳатто ўзининг қаерда, кимлар орасида эканига ҳам эътибор бермай кўяди. Қалбида Худого муҳаббат туйғуси ривожлана борган сари унинг Худого боғланиши, ички кечинмалари ва жазавали лаззати тобора орта боради. Ана шундай боғланиш, *махабхава*, садоқатли муҳаббатнинг энг олий кўринишидир. Уни шақарнинг энг қуйуқ бирикмаси бўлган сўроққандга ўхшатиш мумкин. Ҳақиқий содиқнинг қалбида Худого муҳаббат то илоҳий жазавали лаззат туйғуси энг олий даражага етгунча тобора ривожланиб бораверади.

## 14-боб.

### Парвардигор ва Унинг содиқларининг жазавали лаззати

Баъзан, аслида ўзлари Худонинг асл содиқ хизматкорлари бўлмаган кишилар ҳам, асл содиқларга тақлид қилиб, уларда намоён бўладиган Худого садоқат билан хизмат қилишнинг энг юқори поғоналарининг аломатларини кўрсата бошлайдилар. Бу аломатлар "Бхакти-расамрита-синдху"да таърифланган. Ўзининг Кришнага садоқат билан хизмат қилишга ҳеч қандай алоқаси бўлмай туриб, қандайдир ниятлар билан баъзи бир кишилар ана шу аломатларни намойиш эта бошлайди, лекин, булар аслида сохта аломатлар эканини тушуна билиш керак. Баъзан, Худого садоқат билан хизмат қилиш илмидан беҳабар одамлар жазавали илоҳий лаззат(экстаз) ҳолатини намойиш эта бошлайдилар, лекин бу илмдан хабари бор кишилар Худого

садоқат билан хизмат қилишдан мақсад бундай аломатларни кўрсатиш эмаслигини яхши биладилар. Бу аломатлар фақат Худого садоқат билан хизмат қилишнинг бошланганини билдиради - билимдон содиқлар буни шундай тушунадилар.

Худонинг содиқларининг турлари ва даражаларига қараб Худого садоқат билан хизмат қилишдаги ўзгармас ҳолат беш тоифага бўлинади: 1) хотиржамлик, 2) Кришнага хизмат қилиш, 3) Кришна билан дўст бўлиш, 4) Кришнага ота-оналик меҳри билан боғланиш, 5) Кришнанинг ошиғи бўлиш. Ана шу беш муносабатнинг ҳар бирининг фақат ўзига хос бўлган алоҳида мазаси ва лаззатланиш тури бор, маълум бир тоифага мансуб содиқ ўзи эгаллаб турган поғонада ўзини тўлиқ бахтиёр ҳис қилади. Асл содиқлар намоён этадиган аломатлар одатда кулги ва йиғи; содиқ ижобий ҳис-туйғуларни бошидан кечираётганда кулади, салбий ҳис-туйғуларни бошидан кечираётганда эса - йиғлайди.

Ана шу икки турли туйғудан *стхайибхава* деб аталадиган ўзгармас муҳаббат туйғуси устун туради. Бошқача қилиб айтганда, Кришнага боғланиш туйғуси ўзгармас бўлади. Муҳаббатнинг ана шу ўзгармас ҳолатига баъзан лаззатнинг *вибхава*, *анубхава* ва *вйабхичари* деб аталадиган турли кўринишлари кўшилади. *Вибхава* - Кришнага боғланишнинг алоҳида лаззати бўлиб, у ўз навбатида икки турган бўлинади - *аламбана* ва *уддипана*. "Агни-пурана" ва бошқа ишончли муқаддас китобларда *вибхава* деб инсоннинг Кришнага бўлган муҳаббатини кучайтирадиган нарсага айтилади, мақсад Кришна бўлганда *вибхава* кучайиб *аламбанага* айланади. *Уддипанани* Кришнанинг илоҳий сифатлари, Унинг кароматлари, Унинг кулиб турган юзи ва муаттар хид таратиб турган танаси, Унинг найидан таралаётган ёқимли оҳанглар, Унинг нилуфар қадамлари пойидаги белгилар, У яшайдиган жой ва Кришнага садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммаси(туласи барглари, содиқлар, маросимлар ва Экадаши кунлари) юзага келтиради. *Анубхава* инсоннинг ҳис-туйғулари ва ички кечинмалари ташқарига чиққанида юзага келади. *Анубхава* ҳолатида инсон рақсга тушади, баъзан ерга йиқилади, баъзан баланд овозда куйлай бошлайди, лаззатдан титраб кетади, эснай бошлайди, бирдан оғир-оғир нафас ола бошлайди - бунда у атрофидаги муҳитга умуман эътибор бермай кўяди.

Содиқларнинг танасида пайдо бўладиган ташки аломатлар *удбхасвара* деб аталади. Ҳаммаси бўлиб 33 *вйабхичари* аломати бўлиб, улар ўз ичига энг аввало, содиқнинг гапирган гапларини ҳамда тана фаолиятининг турли кўринишларини олади. Тана фаолиятининг рақс, титраш ва кулги сингари аломатлари *вйабхичари* аломатлари билан кўшилиб кетганида, улар *санчара* деб аталади. *Бхава*, *анубхава* ва *вйабхичари* аломатлари кўшилганда улар содиқни мангулик уммонига ғарқ қиладилар. Ана шу уммон "Бхакти-расамрита-синдху", яъни "Худого соф садоқат билан хизмат қилиш лаззати уммони" деб аталади. Ана шу уммон ғарқ қилган киши ҳаммиша шу уммоннинг товушлари ва тўлқинларининг илоҳий лаззатига чўмилиб юради. Ана шу *бхакти-расамрита* уммонига ғарқ бўлган содиқлардаги аниқ расалар(хид ва таъмлар) дахлсиз(нейтрал) ҳолат, хизмат қилиш, ота-оналар муносабати ва ошиғона муҳаббат деб аталади. Ошиғона

мухаббат жуда аниқ-равшан намоён бўлади ва унга Кришнани жалб қилиш учун содиқнинг танасини безайди. Хизмат қилиш муносабатининг мазасига яқинлик, ғазаб, қариндошлик ва боғланиш туйғулари кўшилиб кучайиб боради. Дўстона муносабатлар лаззатига яқинлик, ғазаб, қариндошлик, боғланиш ва садоқат туйғулари кўшилиб Кришнага боғланиш кучаяди, ота-оналарча муносабатларга эса, Кришнага боғланиш туйғуси яқинлик, ғазаб, қариндошлик, боғланиш ва садоқат туйғулари кўшилиб кучаяди. Шунингдек, Парвардигор билан ўзаро дўстлик муносабатида бўлган содиқ ҳис қиладиган алоҳида туйғулар бор, улар Парвардигорнинг Субала сингари садоқати *бхава* поғонасига эришган дўстларида намоён бўлади. Ҳар хил расалар ҳам экстазнинг икки турига бўлинади - *йога* ва *вийога*, яъни учрашув ва айрилиқ. Дўстлик ва ота-оналик муносабатида бўлган кишиларнинг учрашув ва айрилиқ пайтида ҳис қиладиган туйғулари турлича бўлади.

Ошиғона мухаббат муносабатида *рудха* ва *адхирудха* деб аталадиган ҳолатлар бўлиши мумкин. Дваракадаги маликаларнинг намоёиш этган ошиғона мухаббати *рудха* деб аталади, Вриндавандаги Враджалик кизларнинг ошиғона мухаббати *адхирудха* деб аталади. Кришнага *адхирудха* тоифасидаги ошиғона мухаббат билан боғланишнинг энг юқори поғонаси ўз ичига учрашув (*мадана*)ни ва айрилиқ (*мохана*)ни ҳам олади. *Мадана* (учрашув) ҳолатидаги экстаз бўса (*ўпич*)да намоён бўлади. *Мохана*, айрилиқдаги экстаз эса - *удхурна* ва *читраджалпада* намоён бўлади. "Шримад Бхагаватам"да "Бхрамара-гита" деган бўлим бўлиб, унда читраджалпанинг ҳар хил тоифалари айтиб ўтилган. *Удхурна* - айрилиқ, ҳижрон аломати; бундан ташқари илоҳий жинни (аклсиз)лик деб аталадиган аломат ҳам бор. Илоҳий жинниликда инсон «Худонинг Олий Шаҳси бўлдим» деб ўйлай бошлайди. Ана шундай экстаз пайтида у ҳар хил усуллар билан Кришнанинг ташқи аломатларига тақлид қила бошлайди.

Ошиғона мухаббатнинг ана шу муносабатларининг икки турли пардаси бор бўлиб, улар *самбхога* ва *випраламбха* деб аталади. *Самбхога* поғонасида пардалар сони чексиз, *випраламбха* поғонасида эса, улар тўртта. Севишганларнинг учрашув олдида ҳис қиладиган экстази, уларнинг учрашувдан кейин ҳис қиладиган экстази, улар учраша олмаган пайтдаги ақлининг ҳолати ва уларнинг айрилиқ азобидан қўрқув ичида учрашган пайтидаги ақлининг ҳолати - буларнинг ҳаммаси *випраламбха* деб аталади. Ана шу *випраламбха* келажакдаги учрашувларни озиклантириб туради. Севишганлар қутилмаганда учрашиб, бир бири билан кучоклашганларида улар жазавали лаззат, экстаз бахт ҳис қилдилар, уларнинг ана шу лаззат пайтдаги ақлининг ҳолати *самбхога* деб аталади. Вазиятга қараб *самбхога* лаззати тўрт турли ибора билан ифодаланади: 1) *санкишпта*, 2) *санкирна*, 3) *сампанка*, 4) *самриддхиман*. Бу аломатларни тушда ҳам кўриш мумкин.

Учрашув олдида ақлнинг ҳис қилаётган кечинмалари *пурварага* деб аталади. Баъзан севишганларнинг учрашувига ҳалақит берадиган тўсиқлар *мана*, яъни «ғазаб» деб аталади. Бир биридан айрилиқда, ҳижрондаги ошиқларнинг ақлининг ҳолати *праваса* деб

аталади. Маълум бир вазиятларда, ҳатто севишганлар бирга бўлган пайтда ҳам юзага келадиган ҳижрон, айрилиқ туйғуси мухаббат ташвишлари (*према-вайचितтйя*) деб аталади. Ана шундай мухаббат ташвишлари "Шримад Бхагаватам" (10.90.15)да таърифланган, унда ухлаб ётган Кришнага тикилиб, тун бўйи ухламасдан ўтирган маликалар ҳақида ҳикоя қилинади. Улар Кришна билан бўладиган ҳижрон азобидан қўрқардилар ва тинмасдан бир бирларига қандай қилиб Кришнанинг табассумига, Унинг чиройли кўзларига маҳлиё бўлиб ўтирганларини гапириб берардилар.

Энг олий севгили - Кришна, У Вриндаванда, энг буюк ошиқ - Радхарани. Кришна энг муҳим 64 сифатга эга, Унинг содиқлари Унинг шу сифатлари ҳақида тинглаб илоҳий лаззат оғушига ғарқ бўладилар. Кришнанинг бу сифатлари "Бхакти-расамрита-синдху"да таърифланган: 1) Унинг тана тузилиши чиройли, 2) Унинг танасида шарофатли белгилар бор, 3) Унинг танаси ажойиб, 4) Унинг танаси ғаройиб, 5) Унинг танаси жуда кучли, 6) У ҳамиша ўн олти ёшли ўспириндай кўринади, 7) У ҳар хил тилларни яхши билади, 8) У ростгўй, 9) У ёқимли сўзлар ишлатади, 10) Унинг нутқи жуда гўзал, 11) У жуда билимдон, 12) У жуда ақлли, 13) У таъсирли, 14) У қувнок, 15) У маккор, 16) У ҳамма нарсада эпчил, 17) У миннатдор, 18) У ҳамма нарсада ишончи комил, 19) У ҳар хил вазиятда ўзини қандай тутишни билади, 20) У ҳар хил вазиятларда муқаддас китобларнинг буйруғини тушунади, 21) У пок, 22) У Ўзининг содиқларига бўйсунди, 23) У қатъиятли, 24) У Ўзини тута билади, 25) У илтифотли, 26) У жиддий, 27) У фикр-мулоҳазали, 28) У Ўзининг барча ишларида ҳалол, 29) У олийҳиммат, 30) У тақводор, 31) У буюк қахрамон, 32) У раҳмдил, 33) У иззатли, 34) У ҳамма нарса билади, 35) У мулойим, 36) У камтар, 37) У ўзини Унга топширган зотларнинг ҳимоячиси, 38) У халоскор, 39) У содиқларнинг дўсти, 40) У мухаббат шайдоси, 41) Унинг Ўзи ва У билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммаси ҳар жиҳатдан фойдали, 42) У энг қудратли Зот, 43) У машҳур, 44) У барча тирик мавжудотларга садоқатли, 45) Ҳамма Унга сиғинади, 46) У барча аёллар учун мафтункор, 47) У Ўзининг содиқларига бефарқ эмас, 48) У барча бойликлар соҳиби, 49) У олий ҳукмдор, 50) У барча олижаноблик эгаси.

Мана шу 50 сифат қисман барча тирик мавжудотларда бор. Улар руҳий жиҳатдан мутлақо озод бўлиб, ўзларининг бошланғич ҳолатига эришганида, арзимаган миқдорда ана шу сифатларнинг ҳаммасини инсон ҳаётида сезиш мумкин. Аммо Кришнада улар тўла равишда намоён бўлади. Парвардигор Вишнуда намоён бўладиган, шунингдек, Тангри Шива ҳам қисман намоён этадиган, лекин бошқа тирик мавжудотларда бўлмайдиган яна беш сифат бор. Улар қуйидаги сифатлар: 1) У ҳамиша Ўзининг азалий ҳолатида бўлади, 2) У ҳамма нарса билгувчи, 3) У мангу ёш ва янги, 4) У мангу лаззат ҳис қилиб юради, 5) У ҳамма нарсадан хабардор ва барча мукамалликлар эгаси.

Мана шу беш илоҳий сифатдан ташқари фақат руҳий оламда, айниқса ҳукмдор Илоҳ Нарайана бўлган Ваикунтға сайёраларида намоён бўладиган яна беш сифат бор: 1) У англаб бўлмас сифатлар соҳиби, 2) У сон-саноксиз коинотларнинг мавжудлигини таъминлаб туришга қодир, 3) У - барча инкарнациялар уруғи, 4) У

Ўзи ўлдирган душманларга рухий баркамоллик инъом этади, 5) У ўзлигини англаб етган шахслар ичида энг жозибадори.

Юқорида санаб ўтилган сифат ва хусусиятларнинг ҳаммаси жами олтмишга бўлиб, улар то Нарайана поғонасигача бўлган инкарнацияларда намоён бўлади. Аммо Парвардигор Кришнанинг Ўзи яна тўрт алоҳида сифатга эга: 1) У Ўзининг ғаройиб эрмакларини намоён этишга қодир, 2) У най чалиш илоҳий санъатини мукаммал эгаллаган, 3) У мангу ёшлик соҳиби, 4) У тенгсиз шахсий гўзаллик соҳиби.

Шундай қилиб, Парвардигор Кришна 64 илоҳий сифат соҳибидир. Шримати Радхарани 25 илоҳий сифатга эга, лекин ана шу сифатлари билан У ҳатто Кришнани ҳам Ўз ҳукмига бўйсундира олади. Унинг илоҳий сифатлари куйидагилар: 1) У - ширинлик тимсоли, 2) У яшнаб турган ёш қиз, 3) Унинг кўзлари ҳамиша ҳаракатда, 4) Унинг юзида ҳамиша табассум, 5) Унинг танасида барча шарофатли белгилар бор, 6) У Ўзининг алоҳида шахсий хусусияти билан Кришнани ҳаёжонлантира олади, 7) У қўшиқ куйлашда мохир, 8) Унинг нутқи жуда ёқимли ва ширин, 9) У аёлларга хос мафтункорликни жуда мохирлик билан кўрсата олади, 10) У камтар ва меҳрибон, 11) У ҳамиша жуда раҳмдил, 12) У илоҳий маккорлик соҳиби, 13) У чиройли кийинишни билади, 14) У ҳамиша уятчан, 15) У ҳамиша илтифотли, 16) У ҳамиша сабрли, 17) У жуда жиддий, 18) У Кришнадан лаззатланади, 19) У ҳамиша садоқатнинг энг олий поғонасида юради, 20) У - Гокула аҳолисининг муҳаббат даргоҳи, 21) У ҳар қандай содиқни Ўз паноҳига ола билади, 22) У буюк зотларга ҳам, пасткаш зотларга ҳам муҳаббат билан қарайди, 23) У ҳамроҳларининг Унга қилган хизматларидан ҳамиша миннатдор, 24) У - Кришнанинг барча дугоналари орасида энг буюги, 25) У ҳамиша Кришнани Ўз ҳукми остида ушлаб туради.

Шундай қилиб, ҳар иккиси, Кришна ҳам, Шримати Радхарани ҳам илоҳий сифатларга эга ва бир бирини мафтун этади. Лекин барибир, Ўзининг илоҳий мафтункорлиги билан Шримати Радхарани Кришнадан устун туради, чунки Шримати Радхаранининг мафтункорлиги - ошиғона муҳаббатнинг илоҳий лаззатли таъми, маззасидир. Худди шундай хизмат қилиш лаззати, дўстлик лаззати, Кришна билан бўладиган ўзаро бошқа муносабатларнинг лаззати бор. Уларни ҳам "Бхакти-расамрита-синдху" асари асосида таърифлаш мумкин.

Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида қалби покланган, юксак онг билан ҳамиша бахтиёр юрадиган, "Шримад Бхагаватам"ни ўрганишга қаттиқ боғланиб қолган, Кришнанинг содиқлари билан бирга бўлишдан ҳамиша хурсанд бўладиган, Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини ўзларининг охирига нажот макони деб биладиган, Худога садоқат билан хизмат қилишдаги барча амалларни ихлос ва қувонч билан бажарадиган кишиларнинг қалбида ҳамиша Кришнага боғланиш туйғусининг илоҳий жазавали лаззати бўлади. Ана шу жазавали ҳолат Кришнага муҳаббат ва илоҳий тажриба билан бойиганида инсон аста-секин рухий ҳаётнинг юксак поғонасига кўтарилади. Ана шундай рухий ҳаётга Кришна онгида бўлмаган ва Худога садоқат билан хизмат қилмаган кишилар эриша олмайдилар. Бу ҳақиқат "Бхакти-расамрита-синдху"да

тасдиқланади, унда шундай дейилган: **"Имонсиз киши Худога садоқат билан хизмат қилиш лаззатини тушуна олмайди. Фақат Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан нажот топган ва бутун ҳаёти Худога садоқат билан хизмат қилиш уммониға фарқ бўлган киши мана шу илоҳий лаззатни тушуна олади"**.

Шундай қилиб, Парвардигор Чайтанья илоҳий ҳолатни ва ҳаётда рухий жиҳатдан лаззатланиб яшашни қисқача тушунтириб берди. У айтганки, баркамолликнинг биринчи поғонаси моддий оламдаги кишилар тушунчаси бўйича одатдагидай **такводор** инсон бўлиш. Баркамолликнинг иккинчи поғонасида инсон моддий **бойликка** эришади. Учинчи поғонада инсон роҳат-фароғатда **лаззатланиб** яшайди, тўртинчи поғонада инсон рухий **озодликка** чиқиш ҳақидаги илмга эга бўлади. Рухий озодликка эришган ва Кришна онгида мустаҳкам турган зотлар, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқлар ундан кейинги, бешинчи поғонада турадилар. Рухий баркамолликнинг олий поғонасида, яъни Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилишнинг энг юқори поғонасида инсон рухий жазавали лаззат таъмини хис қилади.

Кейин Парвардигор Санатана Госвамига аввал Прайагда унинг укаси Шрила Рупа Госвамига ўргатган нарсаларини гапириб берди. Парвардигор Санатана Госвамига айтдики, У Рупа Госвамига Ўзи ўргатган илмни тарғибот қилиш ваколатини берди. Санатана Госвами ҳам Парвардигор Чайтаньядан ана шундай буйруқ олди: Парвардигор унга Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш ҳақида китоблар ёзишни ва Парвардигор Кришнанинг Матхура атрофида намоён этган эрмаклари бўлиб ўтган жойларни излаб топишни буюрди. Парвардигор Санатана Госвами Вриндаванда эҳром қуришни ҳамда вишнуизм ҳақида Унинг Ўзи гапириб берган мазмунда китоблар ёзишни буюрди. Санатана Госвами Парвардигорнинг барча истакларини бажарди: у Вриндаванда Мадана-моҳана эҳромини курди, Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида "Хари-бхакти-виласа" сингари китоблар ёзди.

Кейин Чайтанья Махапрабху Санатана Госвамига қандай қилиб инсон моддий оламда ҳам Кришна билан ўзаро муносабатларини бир лаҳза ҳам узмасдан яшаши мумкинлиги ҳақида гапириб берди. Шунингдек У айтдики, шунчаки таркидунёликнинг умуман ҳожати йўқ. Парвардигорнинг бу насиҳатларининг мазмуни шундан иборатки, ҳозирги даврда жуда кўп одамлар рухий жиҳатдан етарлича юқори поғонага кўтарилмай туриб таркидунёлик турмуш тарзини қабул қилдилар. Парвардигор Чайтанья Кришнани англаш илмини мукамал эгалламаган кишининг саннийаси турмуш тарзини қабул қилишини маъқулламаган. Ҳақиқатан ҳам, ўзини ҳатто оддий одамлардан ҳам ёмон тутадиган, лекин ўзини таркидунё қилган киши деб биладиган жуда кўп саннийасиларни учратиш мумкин. Парвардигор Чайтанья ана шундай иккиюзламачиликни тан олмаган. Шунинг учун У Санатана Госвамига ўзининг турли асарларида Худога садоқат билан хизмат қилишни батафсил тушунтириб беришни буюрди.

Ҳатто моддий оламда яшаб туриб ҳам эришиш мумкин бўлган рухий ҳаётнинг мукамал поғонаси "Бхагавад-гита"нинг ўн иккинчи бобида куйидагича таърифланган(13-20): **"Ҳеч кимга ҳасад**



қилмайдиган ва барча тирик мавжудотларга дўстона муносабатда бўладиган, бирор нарсага эга бўлиш туйғусидан, сохта ўзлик таъсиридан халос бўлган, қувончли кунларда ҳам, бошига мусибат тушганда ҳам ҳаловати бузилмай хотиржам қоладиган, сабр-тоқатли ва ҳаётдан ҳамиша мамнун, ҳиссиётини жиловлаб, ақлу-идрокини Менда мужассам қилиб, қатъий қарор билан ўзини Менга садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган инсон Мен учун жуда азиз. Ҳеч кимга бирор ташвиш келтирмайдиган, ўзи ҳам бошқалар дастидан ташвишга тушмай ҳамиша хотиржам юрадиган, қувончли дамларда ҳам, мусибат тушганда ҳам безовта бўлмай ҳаловатда яшайдиган, қўрқинч, хавотир нималигини билмайдиган киши - Мен учун жуда азиз. Ташқи муҳит таъсирига берилмайдиган, ҳамиша озода, пок юрадиган, эпчил, хотиржам, беташиш, ўз меҳнатининг натижасига интилмайдиган содиқ хизматкорим Мен учун жуда азиз. Ҳеч қачон қувончдан қаттиқ яйраб кетмайдиган, қаттиқ гам-ғуссага берилмайдиган, ҳеч нарсага ачинмайдиган, бирор дунёвий орзу-истаги қолмаган, бошига тушган воқеа-ҳодисаларни "яхши" - "ёмон"га ажратмайдиган содиқ хизматкорим Мен учун жуда азиз. Дўст ва душманларига бир хил муносабатда бўладиган, обрў-эътибор ва беобрўликни, иссиқ ва совуқни, бахт ва мусибатни, шон-шухрат ва шармандалиқни бир хилда қабул қиладиган, онгини булғайдиган нарсалардан ҳамиша четда юрадиган, ҳамиша сукут сақлаб, ҳаётдан мамнун яшайдиган, бошпана ташвишини қилмайдиган, мукамал илмга эга бўлиб, Менга садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқ хизматкорим Мен учун жуда азиз. Мени ҳаётининг олий мақсади деб билган ҳолда, Менга садоқат билан хизмат қилиш(ҳақиқий дин)нинг мангу йўлидан комил ишонч, чуқур иймон билан бораётган содиқ хизматкорим Мен учун жуда, жуда азиз".

Лекин, инсон ҳатто ана шундай илоҳий поғонага кўтарилмаган бўлса ҳам, агар у шунчаки ана шундай илоҳий ҳаётга яхши муносабатда бўлса, у ҳам Кришнага жуда азиз бўлади. "Шримад Бхагаватам"(2.2.5)да айтилганки, содиқ ҳамиша Парвардигорга таваккал қилиши, Ундан умидвор бўлиши лозим, моддий эҳтиёжлари жиҳатидан эса, у ортиқча уринишларсиз ўзидан-ўзи келадиган ризқ-насибасига қаноат қилиб яшаши лозим. Бу борада Шукрадева Госвами Кришнанинг содиқларига насиҳат қилиб айтадики, **ҳеч қачон дунёвий одамларга ёрдам сўраб мурожаат қилмаслик керак.** Тананинг эҳтиёжларини кондиришга келса, ташландиқ либослардан фойдаланиш, дарахт мевалари билан озикланиш, дарёнинг бе-миннат сувидан ичиш, табиат яратиб қўйган ғорлардан бошпана топиш мумкин. Лекин, ҳатто инсон бу тавсияларнинг ҳаммасини бажара олмаса ҳам, барибир, у Парвардигор ҳамиша ҳаммани озуқа ва бошпана билан таъминлашини англаган ҳолда, ҳамма нарсада фақат Худонинг марҳаматига таваккал қилиб яшаши лозим. Инсон шуни яхши тушуниб олиши лозимки, **Парвардигор ҳеч қачон ўзини бутунлай Унга топширган**

Ўзининг содиқ хизматкорининг тақдирини ўз холига ташлаб қўймайди. Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорини ҳар қандай вазиятда ҳам **албатта химоя қилади**, шунинг учун у тирикчилик ғамини еб, бекорга хавотирга тушмаслиги лозим.

Санатана Госвами Худоба садоқат билан хизмат қилишнинг барча поғоналари ҳақида саволлар берди, Парвардигор Чайтанья унга "Шримад Бхагаватам" сингари ишончли китоблардан олинган энг муҳим ва махфий маълумотларни ошкор этди. Парвардигор шунингдек, "Хари-вамша" деган ведавий муқаддас китобдан мисол келтирди, унда Парвардигор Кришнанинг илоҳий даргоҳи ҳақида маълумотлар берилган. Ана шу маълумотларни бир пайтлар, Кришнани аввал ўзи жангга чақириб, Кришнадан мағлуб бўлгандан кейин осмон шоҳи Индра Кришнага қилган илтижоларида ошкор этган эди. "Хари-вамша"да айтилганки, гарчи кушлар ҳам, самолет ҳам уча олгани билан, улар коинотнинг олий сайёралар тизимига етиб бора олмайдилар. Олий сайёралар тизими коинот марказида жойлашган куёш сайёрасидан бошланади. Куёшдан юқорида олий сайёралар тизими жойлашган, уларда буюк риёзатлари эвазига юксак руҳий поғонага эришган зотлар яшайди. Мана шу моддий коинот *Девидхама* деб аталади, ундан юқорида *Шива-дхама* жойлашган, унда Тангри Шива ва унинг рафикаси Парвати яшайди. Ана шу сайёралар тизимидан юқорида руҳий олам жойлашган, унда сон-саноксиз Ваикунтха сайёралари жойлашган. Ваикунтха сайёраларидан юқорида Кришнанинг Голока-Вриндаван деб аталадиган сайёраси жойлашган. Голока ибораси "сигирлар сайёраси" деган маънони билдиради. Кришна сигирларни жуда яхши кўргани туфайли, Унинг даргоҳи ҳам Голока деб аталади. Голока-Вриндаван барча руҳий ва моддий сайёралар биргаликда эгаллаган жойдан ҳам катта жойни эгаллаган. "Хари-вамша"да ёзилган илтижода Индра тан оладика, у ҳатто Тангри Брахмадан сўрагандан кейин ҳам, Голоканинг қаерда жойлашганини тушуна олмаган. Кришнанинг экспансияси бўлган Нарайананинг содиқлари Ваикунтха сайёраларига эришадилар, аммо Голока-Вриндаванга эришиш жуда қийин. Аслини олганда Голока-Вриндаванга фақат Парвардигор Чайтаньянинг, яъни Парвардигор Кришнанинг содиқлари эриша оладилар. Шунинг учун Индра Кришна олдида тан олади: "Сен руҳий оламдаги Голока сайёрасидан тушгансан, мен ўзим юзага келтирган муаммоларга сабаб эса, менинг нодонлигимдир". Шунинг учун Индра Парвардигор Кришнадан кечирим сўради.

Кришнанинг бу дунёдаги эрмакларининг охирги даври "Шримад Бхагаватам"да *маушала-тла* деб таърифланган. Унда Кришнанинг бу моддий оламдан кетиш сирини ёзилган. Ана шу эрмакларидан Кришна овчи ўлдирган оддий инсон ролини ўйнаган. Парвардигор Кришнанинг эрмакларининг мана шу охирги қисми ҳақида жуда кўп нотўғри талқинлар бор, аммо Парвардигор Чайтанья Парвардигор Кришнанинг ана шу эрмакларини аниқ таърифлаб берган ва уларни тўғри изоҳлаган. Кришнанинг соч толаси ҳақида эса, "Шримад Бхагаватам"да, "Вишна-пурана"да, "Махобҳорат"да ёзилган. Уларда ёзилишига кўра, Парвардигор бошидан оқ ва қора соч толасини узиб олади, ана шу икки соч толаси Йадавдалар хонадонининг икки

маликаси Рохини ва Девакиларнинг қорнига киради. Яна айтилганки, Парвардигор Кришна моддий оламга барча иблислар устидан ғалаба қозониш учун келган, лекин баъзиларнинг фикрига кўра, Кришна - мана шу коинот ичидага сут уммонида ястаниб ётган Вишнунинг инкарнацияси ҳисобланади. Шрила Рупа Госвами ўзининг "Лагху-Бхагаватамрита" асарида, шунингдек, унга изоҳ ёзган Шри Баладева Видйабхушана ана шу мавзуларни батафсил муҳокама қилиб, аниқ ҳақиқатни баён қилганлар. Шри Жива Госвами ҳам бу мавзуларни "Кришна-сандарбха" асарида муҳокама қилган.

Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамига насиҳат беришни тамомлаганида, бу насиҳатлардан илҳомланган ва онги покланган Санатана шунчалик кучли илоҳий лаззат ҳис қила бошладики, дарров Парвардигор Чайтаньянинг қадамлари пойига йиқилиб, шундай деди: "Мен жуда паст табақадан чиққанман, бунинг устига фақат пасткаш одамлар билан бирга юрганман, шунинг учун мен гуноҳкорлар ичида энг пасткашиман. Лекин, Сен шунчалик марҳаматлисанки, ҳатто бутун коинотда энг буюк тирик мавжудот бўлган Тангри Брахма тушуна олмаган илмни менга ўргатдинг. Сенинг марҳаматинг билан мен Сен ўргатган илмни муносиб кадрлай олдим, лекин мен шунчалик пасткашманки, ҳатто Сенинг насиҳатларинг уммонининг бир томчисига ҳам яқинлаша олмайман. Шунинг учун агар Сен мендай бир чўлок рақсга тушишини истасанг, илтимос, пой қадамларингни бошимга кўйиб мени шунга дуои-фотиҳа қил".

Шундай қилиб, Санатана Госвами Парвардигорга илтижо қилиб Унинг берган насиҳатлари, ўргатган таълимоти Худонинг марҳамати билан ҳақиқатан ҳам унинг қалбида ривожланишини тасдиқлашини тилади. Санатана, акс ҳолда у Парвардигор Чайтанья таълимотини баён эта олмаслигини яхши биларди. Бунинг маъноси шундан иборатки, ачарйалар, руҳий устозлар ўзларининг руҳий фаолиятига Олий Зотдан ваколат оладилар. Шунчаки насиҳатларнинг ўзи инсонни руҳий мавзуларни ҳал қила оладиган билимдон қила олмайди. Токи инсон руҳий устоздан ёки ачарйадан ваколат олмас экан, унинг қалбида бу таълимот тўла намоён бўлолмайди. Шу боис, руҳий устознинг насиҳатлари қалбида ривожлана олиши учун у руҳий устознинг марҳаматини излаши лозим.

Шундай қилиб, Парвардигор Худого муҳаббатнинг энг олий поғонасини таърифлаб берди. Парвардигор Чайтанья айтганки, бу мавзуни батафсил таърифлашнинг иложи йўқ, лекин У Санатана Госвамига иложи борича буни таърифлаб берган. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, диққат билан ана шу суҳбатларни ва Парвардигор Чайтаньянинг насиҳатларини ўрганган киши тез вақт ичида Кришна онгига эришади ва Худого садоқат билан хизмат қила бошлайди.

## 15-боб.

### "Шримад Бхагаватам"даги атмарама

## шлокини тушунтириш

Кейин Парвардигор Чайтанья "Шримад Бхагаватам"да келтирилган *атмарама-шлока* деб аталадиган машҳур шеърнинг мазмунини тушунтириб берди:

*атмарамаи ча мунайо  
ниргрантха апи урукраме  
курвантй ахаитуким бхактим  
иттхамбхута-гуно хариҳ*

Бу шеърда айтилганки, руҳий озодликка эришиб қалбида тўла мамнуният ҳосил қилган зотлар охиروқибатда Худонинг содикларига айланадилар. Бу хабар айниқса имперсоналистларга тааллуқли, чунки имперсоналистлар Худонинг Олий Шахси ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Улар шахсиятсиз Брахманни англаб етиш билан қаноатланиб қолишни истайдилар, аммо Кришна шунчалик мафтункор ва кучлики, уларнинг ақлини Ўзига бутунлай мафтун қилиб қўяди. Бу шеърнинг мазмуни шундай.

Парвардигор Чайтанья аввал бу шеърнинг мазмунини Сарвабхаума Бхаттачарйа деган буюк ведантистга тушунтириб берган эди. Парвардигор Чайтаньядан насиҳатлар олган Санатана Госвами унга бу ҳақда эсла-тиб, Ундан *атмарама* шлокини яна бир марта тушунтириб беришни илтимос қилди. Парвардигор атмарама шлокани қойил қилиб тушунтирганини тан олиб "Чайтанья Чаритамрита"нинг муалиифи Кавираджа Госвами ҳам ўзининг илтижоларида Парвардигор Чайтаньяни олқишлайди. Парвардигор Чайтаньянинг қадамлари пойига сажда қилиб Санатана Госвами Ундан бир пайтлар Сарвабхаума Бхаттачарйага тушунтирганидай, шу шлокани яна бир марта тушунтириб беришни илтимос қилади. Санатана Госвами ўз истагини бу унинг онги покланишига ёрдам бериши мумкинлиги билан изоҳлади. Санатана Госвамининг илтимосига жавобан Парвардигор шундай деди: "Билмадим, нимага Сарвабхаума Бхаттачарйа Менинг бу шлокани тушунтирганимни шунча юқори баҳолаган. Мен ҳатто унга нима-лар ҳақида гапирганимни ҳам эслай олмайман. Лекин сен илтимос қилганинг учун Мен нима эсимда қолган бўлса, ҳаммасини тушунтириб беришга ҳаракат қиламан. Бунда сенинг ёнимда бўлишинг Менга ёрдам беради".

Шундай қилиб, гапираётган киши билан уни тинглаётган киши бир бири билан чамбарчас боғланган бўладилар; тингловчилар гапираётган кишини илҳомлантириб турадилар. Гапираётган киши ёки ўқитувчи унинг гапларини тушунадиган самимий тингловчилар олдида илоҳий мавзуларда жуда яхши гапира олади. Шунинг учун Парвардигор Чайтанья айтадики, санскрит тилидаги бу шеърни қандай тушунтиришни билмайди, лекин У Санатана Госвами билан бирга бўлгани учун барибир уни тушунтиришга ҳаракат қилади.

Кейин Парвардигор *атмарама-шлока* таркиб топган ўн бир сўзни санаб ўтди: 1) *атмарамаҳ*, 2) *ча*, 3) *мунайаҳ*, 4) *ниргрантхаҳ*, 5) *апи*, 6) *урукраме*, 7) *курванти*, 8) *ахаитуким*, 9) *бхактим*, 10) *иттхамбхута-гунаҳ*, 11) *хариҳ*. Кейин У ана шу ибораларнинг ҳар бирини алоҳида тушунтириб берди. *Атмарама* ибораси ҳақида гапирар экан, У айтдики, *атма* ибораси 1) Олий Муглақ Ҳақиқат, 2) тана, 3) ақл, 4) интилиш, 5)

ишонганлик, 6) тафаккур, 7) табиатни ифодалашда қўлланилади. *Арама* ибораси "лаззатланувчи" деган маънони англатади; шунинг учун ана шу етти нарсани англаб етишдан лаззатланиб юрган киши *атмарама* деб аталади. Кейин Парвардигор *атмарама*, яъни илоҳиёт кишиларининг ҳар хил тоифалари ҳақида гапирди. *Мунайаҳ*, яъни *муни* ибораси буюк мутафаккирларга нисбатан қўлланилади. Баъзан *муни* ибораси жуда жиддий инсонни ифодалашда ҳам қўлланилади. Буюк донишмандларни, буюк риёзатчиларни, буюк сеҳргарларни ва катта олимларни ҳам *муни* деб атайдилар.

Навбатдаги, *ниргрантха* ибораси алданиш ҳукмидан озодликни билдиради. *Ниргрантха* ибораси шунингдек, "руҳий кўрсатмаларга умуман боғлиқ бўлмаган" деганни билдиради. *Грантха* ибораси "муқаддас китоблар"ни, *нир* - алоқа йўқлигини англатадиган қўшимча, ёки "яратиш" ёки "таъқиқлаш" маъноларини билдиради. Руҳий юксалиш учун зарур бўлган кўплаб кўрсатмалар бор, ана шу қоидалар билан умуман боғланмаган кишилар *ниргрантха* деб аталадилар. Муқаддас китоблардан, уларнинг кўрсатмаларидан умуман беҳабар бўлган аҳмоқ, пасткаш, тарбия кўрмаган одобсиз турли хил одамлар бор, шундай одамлар *ниргрантха* деб аталадилар. *Грантха* ибораси бойлик тўплашга интилишни ҳам ифодалагани учун ҳеч нарсаси бўлмаган, лекин бойлик тўплашга интилиб юрган қашшоқ одам ҳам *ниргрантха* ибораси билан ифодаланади.

*Урукрама* ибораси жуда қудратли кишини билдиради. *Крама* ибораси қадам ташлаш деганни, *урукрама* ибораси эса, жуда катта қадам ташлашга қодир бўлган зотни билдиради. Энг катта қадамни Парвардигор Вamanaдева ташлаган эди, У икки қадамда бутун коинотни босиб олган эди. Шунинг учун *урукрама* ибораси Парвардигор Vamanaдевани билдиради. Парвардигор Vamanaдеванинг ана шу ғайритабиий қобилияти "Шри-мад Бхагаватам"(2.7.40)да шундай тушунтирилган:

*вишнор ну вирйа-гананам катамо "рхатйха йах партхиванй апи кавир вимаме раджамси часкамха йаҳ сва-рамхасаскхалата три-приштхам йасмат три-самйа-саданад уру-камтайанам*

**"Парвардигор Вишнунинг барча англаб бўлмас қудратини ҳеч ким англаб етолмайди. Агар кимдир ҳатто бу моддий оламдаги атомларни санаб чиқишга қодир бўлса ҳам, барибир у Парвардигорнинг турли хил қувватларини санаб адоғига етолмайди. Vamanaдева қиёфасида Парвардигор шунчалик қудратга эга эдики, атиги икки қадам ташлаш билан, У Брахмалокадан то Паталалокагача бўлган бутун коинотни босиб ўтди".**

Парвардигорнинг англаб бўлмас қувватлари бутун борлиқни қамраб олган. У ҳамма жойда мавжуд, Ўз қуввати билан У барча сайёралар тизимининг мавжудлигини таъминлаб туради, айна пайтда, У Ўзининг лаззатланиш қуввати ёрдамида У Голока-Вриндаван деб аталадиган шахсий даргоҳида қолаверади. У барча Ваикунтха сайёраларида Ўзининг ғаройиботлигининг экспансияси бўлган Нарайана қиёфасида иштирок этади. Ўзининг моддий қувватини тарқатиб, У сонсаноксиз коинотларни яратади, уларнинг ҳар бирида сонсаноксиз сайёралар мавжуд. Шундай қилиб, Парвардигорнинг ғаройиб қароматларини ҳеч ким муносиб

бахолай олмайди, шунинг учун Парвардигорни *урукрама*, яъни "қароматлари ғаройиб Зот" деб атайдилар. *Вишвапракаша* лугатида *крама* ибораси "қувватини моҳирлик билан намоён этиш", яна "жуда тез юриш" деб ифодаланган.

*Курванти* ибораси "бошқалар учун ишлаш" деган маънода ишлатилади. Бунга ўхшаган, ҳаракат киши шахсан ўзи ҳиссий лаззатланиши учун амалга оширилганда ишлатиладиган бошқа ибора ҳам бор, аммо *курванти* ибораси бирор иш Парвардигорни мамнун қилиш учун бажарилганда ишлатилади. Шунинг учун мазкур шеърда келтирилган бу ибора фақат Худога илоҳий садоқат билан хизмат қилишни билдириши мумкин.

*Хету* ибораси сабаб ёки ниятни ифодалаш учун ишлатилади. Одатда одамлар уч турли мақсадда илоҳий фаолият билан шуғуллана бошлайдилар: бировлар моддий бахтга интиладилар, яна бирлари - сеҳр қудратига эга бўлишга интиладилар, учинчилари - моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга интиладилар. Моддий лаззатланиш турларига келсак, улар шунчалик кўпки, ҳеч ким уларни санаб чиқолмайди. Сеҳр қудратларига келсак, уларнинг 18 тури бор, моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишнинг эса, беш тури бор. Лаззатланишнинг ана шу турлари умуман бўлмаган тириклик ҳолати *ахаутуки* деб аталади. *Ахаутуки* сифати бу ерда шунинг учун алоҳида таъкидлаб кўрсатилганки, ана шундай ҳолатда Худога хизмат қилиш шарофати билан Парвардигорнинг марҳаматига эришиш мумкин.

*Бхакти* ибораси ўн турли мазмунда ишлатилиши мумкин. *Садхана-бхакти*, қонун-қоидалар асосида Худога садоқат билан хизмат қилиш. Қолган тўққиз тури *према-бхакти*, Худога муҳаббат деб аталади. Парвардигор билан ўзаро нейтрал муносабатда бўлган содиқларнинг баркамоллиги Худога муҳаббатга эришиш бўлади. Парвардигор билан ўзаро хўжайин ва хизматкор муносабатларида бўлган кишиларда Худога муҳаббат туйғуси Худога боғланиш поғонасига кўтарилади. Парвардигор билан ўзаро дўст бўлганларда Худога муҳаббат туйғуси қариндошлик ришталари поғонасига кўтарилади. Парвардигорни ота-оналарча меҳр-муҳаббат билан севадиганларнинг муҳаббати илоҳий туйғулар поғонасига кўтарилади. Лекин, фақат Парвардигор билан ўзаро ошиғона муҳаббат билан боғланган содиқлар энг олий жазавали илоҳий лаззат ҳис қила оладилар. Шундай қилиб, *бхакти* ибораси жуда кўп турли маъноларни англатади.

Кейин Парвардигор *иттхамбхута-гуна* иборасининг мазмунини тушунтириб берди. **Иттхам-бхута** ибораси тўлиқ илоҳий лаззатни англатади, у билан таққослаганда *браҳмананда* деб аталадиган илоҳий лаззат - арзимаган нарса бўлиб қолади. "Хари-бхактисудходайа"(14.36)да содиқ шундай дейди:

*тват-сакшат-каранахлада-вишуддхадхистхитасйа ме сукхани гошпадайанте Браҳманй апи джагад гуро*

**"Эй азиз Худойим, эй Парвардигор, шунчаки Сени томоша қилиш ёки англаш билан бизлар шунчалик лаззат оламизки, бу лаззат олдида браҳмананда лаззати арзимас нарса бўлиб қолади".**

Бошқача қилиб айтганда, Кришнани У аслида қандай бўлса шундайлигича, Уни барча лаззатлар манбаи сифатида, ҳаммани Ўзига жалб этувчи, лаззат бе-

рувчи барча таъмлар манбаи, барча илоҳий сифатлар соҳиби сифатида англаб етишдан оладиган лаззатимиз қалбимизда Кришнанинг содиқ хизматкори бўлиш истагини уйғотади. Ана шу истак шарофати билан инсон кармали фаолиятни, озодликка эришишга бўлган барча интилишларини, ҳатто сеҳрли йогада муваффақият қозонишга бўлган интилишларини ҳам тарқ этиши мумкин. Кришнанинг жозибадорлиги шунчалик буюкки, инсон руҳий ўзликни англашнинг қолган барча воситаларига бўлган қизиқишини тарқ этиши ва ўзини бутунлай Худонинг Олий Шаҳси топшириши мумкин.

Парвардигор шунингдек, *гуна* иборасини ҳам ҳар хил маъноларда тушунтирди. *Гуна* ибораси Кришнанинг чексиз илоҳий сифатларини, биринчи навбатда Унинг *сач-чид-ананда* қиёфасини билдиради. Парвардигор лаззат, илм ва мангуликда мутлақо мукамал, содиқ хизматкори Унга ғамхўрлик қила бошлаганида Унинг мукамаллиги оша боради. Парвардигор шунчалик марҳаматли ва меҳрибонки, содиқ хизматкорининг садоқат билан қилаётган хизмати эвазига унга бутунлай Ўзини топшириб қўяди. Унинг илоҳий сифатлари шундайки, Унинг комил гўзаллиги, У билан Унинг содиқлари орасидаги ўзаро муҳаббатга асосланган мукамал муносабатлар ҳамда Унинг илоҳий сифатларининг муаттар ҳидлари ҳар хил тоифадаги илоҳиёт кишиларини ва озод жонларни ўзига жалб этади. Масалан, Парвардигор фақат Унга таклиф этилган гуллардан таралаётган муаттар ҳид билан Санака Кумарнинг ақлини Ўзига жалб этган. Шукадева Госвамиини Парвардигор Кришнанинг илоҳий эрмаклари ўзига жалб этганди, Вриндаванлик қизларнинг ақлини эса, Унинг гўзаллиги лол қилганди. Рукминининг диққатини Унинг танасининг гўзаллиги ва Унинг илоҳий сифатлари ўзига тортганди, равнақ фариштасининг ақлини Унинг най чалиши ва бошқа илоҳий фазилатлари ўзига мафтун қилганди. Парвардигор Кришна Ўзини худди ёш боладай тугганида барча ёш қизларнинг ва катта аёлларнинг ақлини ўзига мафтун қилади. Дўстларининг ақлини У Ўзининг дўстлиги билан жалб этади. Кришна Вриндаванда пайдо бўлганида У ҳатто қушларни, ҳайвонларни ва дарахтларни ўзига мафтун этганди, ҳақиқатан ҳам, ҳамма Кришнага муҳаббат туйғусига ғарқ бўлганди.

*Хари* ибораси ҳам турли маъноларни англатади, улар иккитаси асосий ҳисобланади. *Хари* ибораси Парвардигор содиқнинг ҳаётдан барча ёқимсиз нарсаларни олиб кетишини ва унга Худога илоҳий муҳаббат туйғусини инъом этиб, унинг ақлини Ўзига жалб қилишини билдиради. Кришна шунчалик жозибадорки, ким бўлишидан қатъий назар, Уни эслаган киши тўрт турли моддий азоб-укубатлардан озод бўлади. Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорига алоҳида эътибор беради ва Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида ўтиб бўлмас тўсиқ бўладиган барча гуноҳ ишлардан уни халос этади. Мана шу ғофиллик таъсирини бартараф этиш деб аталади. Шунчаки Кришна ҳақида тинглаш билан инсон ўз қалбида Унга муҳаббат уйғотади. Мана шу Парвардигорнинг бебаҳо неъматидир. Бир томондан У барча халақит берадиган ёқимсиз нарсаларни олиб ташлайди, иккинчи томондан - энг яхши нарсаларни инъом этади. *Хари* иборасининг мазмуни шундай. Инсон қалбида Худога муҳаббат ривожлана

борганида унинг танаси, ақли ва бошқа сезгилари Парвардигорнинг илоҳий сифатларига мафтун бўлиб боғланиб қолади. Кришнанинг меҳр тўла кароматларининг ва илоҳий фазилатларининг қудрати шундай. У шунчалик мафтункорки, Унга илоҳий ришталар билан боғланиб қолган содиқ хизматкор руҳий ҳаётнинг барча тўрт асосини, айнан, тақводорлик, иқтисодий ривожланиш, ҳаётдан лаззатланиб яшаш қоидалари ва озодликка чиқишни ҳам тарқ этади.

*Ани* ва *ча* боралари боғловчи бўлиб, амалда ҳар қандай мақсадда ишлатилиши мумкин. *Ча*, яъни "ва, ҳамда" ибораси гапнинг тузилишига етти турли маъно бериши мумкин.

Шу тариқа Парвардигор Чайтанья атмарамашлоканинг ўн бир иборасининг маъноларини тушунтириб берди. Кейин У ҳар бир сўзнинг маъносини куйидагича тушунтира бошлади. *Брахман* ибораси ҳар томонлама энг буюк зотни англатади. Ҳар жиҳатдан энг буюк зот Парвардигор ҳисобланади. Бойлик, куч, шон-шухрат, гўзаллик, илм ва боғланмаслик жиҳатидан ҳеч ким Унга тенглаша олмайди. Шундай қилиб, *Брахман* ибораси Худонинг Олий Шаҳси, Кришнани билдиради. "Вишну-пурана"(1.12.57)да *Брахман* ибораси "ҳаммадан буюк" маъносида ишлатилган. Ҳаммадан буюк зот Парвардигор ҳисобланади, Унинг улуғворлигининг чегараси йўқ. Инсон Браҳманнинг улуғворлигини англаб етиши мумкин, лекин бу улуғворлик шундай ўсиб борадики, ҳеч ким Унинг аслида қанчалик буюклигини аниқлай олмайди.

Худонинг Олий Шаҳсини уч жиҳатдан англаб етиш мумкин, лекин уларнинг ҳаммаси бир ҳисобланади. Мутлақ Ҳақиқат, Худонинг Олий Шаҳси, Парвардигор Кришна мангу, "Шримад Бҳагаватам"(2.9.33)да айтилганки, У моддий олам яралмасдан аввал бор эди, бу олам мавжуд бўлиб турганда ҳам У бор ва бу олам яқсон бўлгандан кейин ҳам У мавжуд бўлиб қолаверади. Шунинг учун У барча буюкликнинг маркази, манбаи ҳисобланади. У ҳамма ерга сингиб кетган ва ҳамма нарсани билгувчи Зот. У бутун борлиқнинг энг олий кўриниши.

Ведавий муқаддас китобларда Мутлақ Ҳақиқатнинг мана шу олий мукамал жиҳатини англаб етиш ва эришиш имконини берадиган уч турли илоҳий жараён ҳақида гапирилади. Бу йўллар илм ўрганиш йўли, сеҳрли йога йўли, ҳамда Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли. Ана шу йўллардан борган кишилар Мутлақ Ҳақиқатнинг уч жиҳатини англаб етадилар. Илмий изланишлар йўлидан борган киши Уни шахсиятсиз Браҳман кўринишида англаб этади; йога йўлидан бораётган киши Уни тирик мавжудотлар қалбида мужассам бўлган Олий Рух кўринишида англаб этади; Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бораётган кишилар эса, Уни Худонинг Олий Шаҳси, Парвардигор Кришна сифатида англаб етадилар. Бошқача қилиб айтганда, "Брахман"ибораси бошқа бирор нарсани эмас, фақат Кришнани билдиради, лекин шунга қарамай, ҳар ким ўзининг танлаган йўлига қараб, ягона Парвардигорни уч турли кўринишида англаб етадилар.

Худога садоқат билан хизмат қилиш икки тоифага бўлинади. У *видхи-бхакти*, яъни Худога қонунқоидаларга асосида садоқат билан хизмат қилишдан бошланади. *Рага-бхакти*, яъни Худога соф муҳаббат

юзасидан хизмат қилиш ундан баландроқ поғонада туради.

Худонинг Олий Шахси Мутлақ Ҳақиқатдир, лекин У Ўзининг турли қувватларининг экспансияларида ҳам намоён бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қонун-қоидаларига риоя қилиб юрган кишилар оқибат-натижада руҳий оламдаги Ваикунтха сайёраларига эришадилар, аммо Худога садоқат билан хизмат қилишда муҳаббат қоидаларига амал қилиб юрганлар олий даргоҳга, руҳий оламнинг энг олий сайёрасига, Кришналока, яъни Голока-Вриндаванга эришадилар.

Илоҳиёт кишиларини ҳам уч тоифага бўлиш мумкин. Ҳеч қандай моддий истакларга эга бўлмаган кишиларни *акама* деб атайдилар, моддий азоб-уқубатлардан озодликка чиқишга интилиб юрган кишилар *мокша-кама*, моддий лаззатланиш истагида юрганлар эса - *сарва-кама* деб аталадилар. Илоҳиёт кишилари орасида энг оқил, доно кишилар ҳатто ҳали қалбида жуда кўп истаклари бўлса ҳам, барча йўлларни тарк этиб, ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлайдилар. Агар Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бирор тури кўшилган бўлмаса, илоҳий фаолиятнинг турларининг бирортаси ҳам - на кармали фаолият, на илмни ривожлантириш, на сеҳрли йога билан шуғулланиш - инсонни баркамолликнинг олий чўққисига эриштира олмайди. Лекин, Худога садоқат билан хизмат қилиш билан таққослаганда қолган бошқа илоҳиёт йўлларининг ҳаммаси худди эчкининг бўйнидаги эмчакни эслатади: уларни соғиш мумкин, лекин, сут олиб бўлмайди. Агар инсон ўз йўлида ҳақиқий баркамолликка интилиб юрган бўлса, у Кришнага садоқат билан хизмат қилиш йўлини танлаши лозим. "Бхагавад-гита"(7.16)да шундай дейилган:

*чатур-видха бхаджанте мам  
джанах сукритино "ржуна  
арто джиджнасур артхартхй  
джнанй ча бхаратаршабха*

**"Эй Бхаратлар аълоси(Аржун), такводор инсонларнинг тўрт тоифаси садоқат билан Менга хизмат қиладилар: ночор аҳволда қолганлар, бойлик излаб юрганлар, қизиқувчанлар ва Мутлақ Ҳақиқат ҳақида илм излаб юрганлар".**

Ана шу тўрт тоифага мансуб одамлар етарли миқдорда савоб тўплагандан кейин Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирадилар. Бу тўрт тоифа одамлар ичида ночор аҳволда қолган ва бойлик излаб юрган одамлар ҳали моддий истаклари бор содиқлар деб аталадилар, қизиқувчанлар ва донишмандлик илмини излаб юрганлар эса, озодликка чиқишга интиладилар. Уларнинг ҳаммаси Парвардигор Кришнага сиғиниб юрганлари учун уларнинг барчаси энг омадли инсонлардир. Агар вақт ўтиши билан улар ўзларининг дунёвий истакларини тарк этиб, қалби покланиб, Парвардигорнинг асл содиқлари бўлиб етишсалар, уларни моддий оламдаги энг омадли инсонлар деб аташ мумкин. Ана шундай бахтли инсонлар фақат Парвардигор Кришнанинг асл содиқлари билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан руҳий юксалишга эриша оладилар. Инсон Кришнанинг асл содиқлари билан ҳамсухбат бўлиб юрар экан, унинг ўзи ҳам Парвардигорнинг асл содиғига айланади. Бу "Шримад Бхагаватам"(1.10.11)да тасдиқланади:

*сам-санган мукта-духсанго  
хатум нотсахате будхах  
киртйаманам йашо йасйя  
сакрид акарнйя рочанам*

**"Ҳақиқатан ҳам оқил бўлган доно киши Худонинг асл содиқлари билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан Кришна ва Унинг кароматлари ҳақида тинглашга қодир бўлади".** Парвардигорнинг кароматлари шу қадар жозибадорки, улар ҳақида бир марта тингланган киши ҳеч қачон Парвардигор билан мулоқотда бўлишни тарк этолмайди.

Худонинг асл содиқлари даврасидан бошқа ҳар қандай давра *каитава*, яъни саробдир. Бу ҳақиқат "Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи Кўшиғида тасдиқланади, унда айтилганки, руҳий ўзликни англаб етишга тўсқинлик қиладиган барча сохта йўлларни тарк этиш керак. "Шримад Бхагаватам" ёрдамида ҳаёт ҳақидаги ҳақиқатни асл ҳолида англаб етиш мумкин, ҳаёт ҳақидаги ана шундай тасавур инсонга уч турли моддий азоб-уқубатлардан юқори поғонага кўтарилиш имконини беради. "Шримад Бхагаватам"ни буюк донишманд Вйасадева ёзган, бу асарда унинг бутун руҳий тажрибаси баён этилган. "Шримад Бхагаватам"ни ўрганиш ва Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида инсон осонлик билан ўзининг қалбидаги Парвардигорга эриша олади.

Кейин Парвардигор Чайтанья тушунтирдик, *проджхита* ибораси "озодликка чиқиш истаги"ни билдиради. Муқаддас китобларнинг буюк талқинчиларидан бири айтганки, озодликка чиқиш истаги Парвардигорни англаб етишда энг катта тўсиқ ҳисобланади. Лекин, агар қандайдир йўллар билан инсон Кришнага келиб, Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглай бошласа, Кришна унга шунчалик марҳамат кўрсатадики, унга Ўзининг нилуфар қадамлари пойини инъом этади ва улар унинг ҳаётининг марказига айланади. Дикқат-эътиборини уларда жамлаб, содиқ ёки илоҳиётчи киши қолган ҳамма нарсани эсдан чиқаради ва ҳаётини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлайди. Инсон Худога садоқат билан хизмат қилишда: яъни тўлиқ Кришна онгида Парвардигорга келганида унинг муқофоти Парвардигорнинг Ўзи бўлади. Бир куни Парвардигорга хизмат қилишни бошлагандан кейин у ночор аҳволда қолган ёки бойлик излаб юрган одамларга ўхшаб Худодан ҳеч нарса тиламайди. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли, хизмат қилишнинг ўзи, Худонинг асл содиқлари билан бирга бўлиш ва Парвардигорнинг бесабаб марҳамати - буларнинг ҳаммаси шунчалик ажойиб таъсир қиладик, инсон ким бўлишидан қатъий назар - ночор одамми, бойлик излаб юрган, қизиқувчан ёки илм излаб юрган донишмандми - ўзининг бошқа барча фаолиятини тарк этиб, бутунлай Кришнага ғарқ бўла олади.

Қисқача қилиб айтганда, *атмарама-шлока* таркибидаги барча сўзларнинг мазмуни - Кришна. Шу пайтгача Парвардигор Чайтанья бу шеърга шунчаки кириш сўзларини айтиб келган эди. Энди У шеърнинг ҳақиқий мазмунини тушунтиради.

Илм излаб юрган илоҳиёт кишилари икки тоифа бўлади. Уларнинг бир тоифаси шахсиятсиз Брахманга сиғинадилар, бошқалари эса - озодликка чиқишга интиладилар. Монистлар Брахманнинг шахсиятсиз аспектига сиғиниб юргани сабабли уларни Брахманга

сиғинадиганлар деб атайдилар. Брахманга сиғинадиганлар ўз навбатида уч тоифага бўлинадилар: тажрибасизлар, Брахманни ўрганишга ғарқ бўлганлар ва ўзини Брахман сифатида англаб етганлар. Агар бунга Худога садоқат билан хизмат қилиш қўшилса, Брахманни таниган киши озодликка эришган зот бўлади. Акс ҳолда озодликка чиқишнинг иложи йўқ. Шуни тушуниш лозимки, Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилишга ўзини бутунлай топширган киши Брахманни англаб етган бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилиш шунчалик қудратлики, ҳатто шахсиятсиз Брахманга сиғиниш поғонасидаги кишиларни ҳам Кришнага жалб этади. Парвардигор содиқ хизматкорига мукамал руҳий тана инъом этади, шунда у Кришнага хизмат қилишда мангу қолиб кетади. Фақат Кришнанинг илохий сифатларини ва уларнинг жозибадорлигини англаб етгандан кейингина содиқ Унга садоқат билан хизмат қилишга ўзини бутунлай бағишлайди. Масалан, тўрт Кумар ва Шукадева Госвами аввал озодликка эришган зотлар эдилар, лекин, кейинчалик уларни Кришнанинг эрмаклари ўзига мафтун этди ва улар Кришнанинг содиқларига айландилар. Санака Кумарни Кришнага таклиф этилган гулларнинг муаттар ҳиди жалб этди, бошқа Кумарларни Парвардигорнинг илохий сифатлари жалб этди, натижада улар Кришнага садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирдилар. "Шримад Бхагаватам"нинг Ўн биринчи Кўшиғида ҳикоя қилинган тўққиз сеҳрғар Кришнанинг илохий сифатлари ҳақида Тангри Брахма, Шива ва Нарادا Мунидан эшитганлари шарофати билан тўғилганидан бошлаб илохий зотлар эдилар.

Баъзан инсон шунчаки Кришнанинг илохий танасининг ажойиб гўзаллигига қараб туриб, Унга ва Унинг илохий фазилатларига маҳлиё бўлиб қолади; унда озодликка чиқиш истаги сакланиб қолади ва Худога садоқат билан хизмат қилишга киришади. Содиқ илм ўрганишга шунча вақтини сарфлаганидан афсусланади ва Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорига айланади.

Моддий танаси бўла туриб озодликка эришган зотлар икки тоифа бўлади: Худога садоқат билан хизмат қилиш туфайли озодликка эришганлар ва илм ўрганиш туфайли озодликка эришганлар. Худога садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан озодликка эришган зотлар Кришнанинг илохий сифатларига мафтун бўлиб тобора юксала борадилар, куруқ фалсафий изланишлар орқали озодликка эришганлар эса, шунчаки илмларини оширадилар ва ҳеч қандай садоқатга эга бўлмагани сабабли ўзлари содир қилган кўплаб ҳақоратлари туфайли тубанликка юз тутадилар. Бу "Шримад Бхагаватам"(10.2.32)да тасдиқланади:

*йе"нйе "равиндакша вимукта-манинас  
твайй астабхавад авишуддха-буддхайах  
арухйа криччхрена парам падам татах  
патантй адхо "надрита-йушмад-ангхрайах*

**"Эй Парвардигор, ўзларини озодликка эришган деб юрган, лекин қалбида садоқат бўлмаган кишиларнинг ақли нопок. Ҳатто улар қаттиқ риёзатлар эвазига озодликнинг энг юқори поғонасига кўтарилсалар ҳам, албатта яна бу моддий оламга қайтиб келадилар, чунки улар Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топмаганлар".**

Бу "Бхагавад-гита"(18.54)да ҳам тасдиқланади:  
*брахма-бхутах прасаннатма на шочати на канкшати*

*самах сарवेशу бхутешу мад-бхактим лабхате парам*  
**"Илохий ҳолатга эришган киши шу заҳотиёқ Олий Брахманни англаб этади. У ҳеч қачон тушқунликка тушмайди ҳеч нарсага интирмайди; у барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. Ана шу ҳолатда у Менга соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришади".**

Шундай қилиб, ҳақиқатан ҳам Брахманни англаш поғонасига эришган кишининг тушқунликка тушишига ёки бирор нарсага интилишига ҳожат қолмайди. У ҳаммага бир хил муносабатда бўлади, шунинг учун у Худога садоқат билан хизмат қилишга қодир бўлади. Буни умрининг охирида афсусланган Билвамангала Тхакур ҳам тан олади: **"Мен Парвардигор билан қўшилиб кетишга интилиб монизм йўлидан бораётган эдим, лекин қандайдир сабаблар билан Вриндаванлик шўх подачи болакайни учратиб қолдим ва Унинг мангу хизматкорига айландим"**. Бошқача қилиб айтганда, Худога садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан ўзининг руҳий табиатини англаб етган кишилар руҳий танага эга бўладилар ва Кришнанинг илохий сифатларига боғланиб қолиб, бутунлай Унга соф садоқат билан хизмат қилишга ғарқ бўладилар.

Кришна жалб қилмайдиган ҳар қандай кишини алдамчи қувват(май)нинг чангалига тушиб қолган деб ҳисоблаш лозим, аммо Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали озодликка эришишга уриниб юрган кишилар ҳақиқатан ҳам *майа* ҳукми остидан чиққан зотлардир. "Шримад Бхагаватам"нинг Ўн биринчи Кўшиғида қандай қилиб содиқлар шунчаки Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали озодликка эришгани ҳақида жуда кўп мисоллар келтирилган.

## 16-боб.

### Парвардигор Чайтаньянинг Санатана Госвамига берган насиҳатларининг охири

Ҳар хил тоифа одамлар бор: озодликка интилиб юрган одамлар бор, гарчи ҳали моддий тана ичида юрган бўлса ҳам, озодликка эришган одамлар бор, ҳақиқатан ҳам ўзининг руҳ эканини англаб етган одамлар бор. Бу дунёда озодликка интилиб юрган одамлар кўп, баъзан улар шу ниятига эришиш учун Худога садоқат билан хизмат қила бошлайдилар. "Шримад Бхагаватам"(1.2.26)да айтилганки, ҳақиқатан ҳам озодликка эришишга интилиб юрган кишилар фаришталарга сиғинишни тарк этиб, ҳасад қилишни бас қилиб, бутун ақл-идрокини Худонинг Олий Шахси, Нарайанага сиғинишда жамлайдилар. Ана шундай одамлар Худонинг асл содиғи билан учрашиб қолсалар, Кришнага садоқат билан хизмат қилишни бошлаб озодликка интилиш фикридан қайтадилар. "Хари-бхактисудходайа"да шундай дейилган:  
*ахо махатман баху-доша-душто  
"ни экена бхатй эша бхаво гунена  
сат-сангам акхйена сукхабахена  
критадйа но йена криша мумукша*

**"Эй буюк жон, гарчи мусибатларга тўла бу ҳаётда шунча камчиликлар бўлса ҳам, барибир унинг битта буюк фазилати бор - Худонинг асл содиқлари билан учрашиш. Сен ана шундай учрашувларни кўпайтир. Бунинг шарофати билан қалбимизда озодликка эришиш истаги камая боради".**

"Шримад Бхагаватам"(11.2.37)да айтилганки, инсонда кўрқув туйғуси унинг ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлгани ва Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатларини эсдан чиқаргани сабабли юзага келади. Бунинг натижасида унинг хотирасида фақат бузилган тасаввурлар сақланиб қолади. Бундай ҳолат моддий қувват таъсири остида юзага келади. Етарлича ақл-фаросатга эга бўлган киши фақат Худога садоқат билан хизмат қилиб яшайди ва Парвардигорни ўзининг ягона саждагоҳи ва рухий устози деб билади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлмай туриб, ҳеч ким ўзининг онгида ўзгариш ярата олмайди. Инсон фақат моддий иллатлардан биратўла халос бўлгандан кейин ҳаётини Кришна онгидаги фаолиятга бутунлай бағишлай олади.

"Шримад Бхагаватам"(10.14.4)да яна ҳам аниқроқ айтилганки, ҳаёт ҳақида аслида у қандай бўлса шундай тасаввурга эга бўлиш ниятида рухий ҳаётга қадам қўйган, лекин бунда Кришна онгидаги фаолият билан шуғулланишни истамайдиган киши ўз йўлида қийинчиликдан бошқа ҳеч нарса учрата олмайди. Унинг ҳаёти бутунлай бемаъни, мазмунсиз кечади. Ҳар бир тирик мавжудот Парвардигорнинг таркибий қисмидир, шунинг учун ҳар бир тирик мавжудотнинг бурчи - олий тўла бутун зотга хизмат қилиш. Ана шундай хизматсиз тирик мавжудот моддий иллатлар ботқоғига ботиб кетади.

Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамига берган насиҳатларини Кришнага садоқат билан хизмат қилишнинг бирор тури билан шуғулланиб юрган атмарамаларнинг олти тоифасини таърифлаб бериш билан яқунлади. Бошқача қилиб айтганда, эртами кечми, барча илоҳиёт кишилари Кришнага садоқат билан хизмат қилишнинг зарурлигини тушуниб етадилар ва Кришнани тўла англаб етган кишилар бўлиб етишадилар. Ҳатто инсон жуда илмли ёки ақлдан озган бўлса ҳам, барибир у Худога садоқат билан хизмат қила олади.

Илоҳиёт кишилари қуйидаги олти асосий тоифага бўлинадилар: тажрибасиз-илоҳиётчилар, экстазга ғарқ бўлган илоҳиётчилар, ҳақиқатан ҳам илоҳий даражага эришган кишилар, ҳақиқатан ҳам озодликка интилиб юрганлар, ҳақиқатан ҳам озодликка эришганлар, ҳақиқатан ҳам ўзларининг азалий мангу ҳолатига мос равишда ҳаракат қилиб юрганлар. Уларнинг ҳаммаси атмарамалар деб аталадилар. Инсон *атмарама*, Кришна онгидаги буюк мутафаккир бўлиб етишганида у Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа иш билан машғул бўлмайди. Грамматика қоидалари бўйича атмарамаларнинг жуда кўп турлари бўлиши мумкин, лекин унинг бошқа барча маънолари ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун бу иборанинг битта маъносини билиб олишнинг ўзи кифоя. Умумлаштириб айтганда, атмарамалар Парвардигор Кришнага сиғинишга мойил бўладилар.

Қалбида мавжуд бўлган Олий Рухга сиғиниб юрган сеҳргар ҳам *атмарама* деб аталади. *Атмарама* - йоглар икки тоифа бўлади: *сагарбха* ва *нигарбха*.

"Шримад Бхагаватам"(2.2.8)да шундай дейилган: "Баъзи бир йоглар ўзининг қалбида мавжуд бўлган ва қўлларида сур, гурзи, халқа ва нилуфар ушлаб турган тўрт қўлли Парвардигор Вишнуга муроқабани киладилар". Тўрт қўлли Вишну ҳақида ўйлаб юрган йог жававали рухий лаззатга ғарқ бўлади ва шу ҳолатга мос бўлган аломатларни намоеън этади. Баъзида у йиғлайди, баъзида эса ҳижрон азобида қийналади. Шу тариқа у илоҳий лаззатга ғарқ бўлиб, худди тўрга илинган балиқдай ундан чиқолмай қолади.

Сагарбха ва нигарбха йоглар уч тоифага бўлинадилар: йога билан шуғулланишни энди бошлаганлар, юксалиш йўлидагилар ва баркамолликка эришганлар. Бу йоглар "Бхагавад-гита"нинг олтинчи бобида таърифланган. Сеҳрли йога йўлига киришга интилиб юрган кишилар *арурукшу* деб аталадилар. *Арурукша* йога билан шуғулланиш ҳар хил ҳолатларда ўтириш машқларини бажариш ва ақлни бир нарсада жамлашни ўрганишдан иборат. Лекин, агар инсон йога йўлига кириб бўлган бўлса, унинг мақсади муроқабани ва таркидунёлик бўлади ва натижасидан лаззатланиш ниятида амалга ошириладиган фаолиятга бўлган боғланишларидан халос бўлганида у аста-секин озодликка эришади. Шу билан бирга у ана шу пайтда *йога арудха* деб аталадиган экстаз(жававали лаззат) ҳолатига эришади. Агар ана шу сеҳрли йоглар тасодифан ўз йўлида авлиё инсонни учратсалар, улар ҳам Кришнанинг содиқлари бўладилар. *Урукрама* ибораси Парвардигорни англатади. Атмарамаларнинг ҳаммаси Урукрамага садоқат билан хизмат қилишда машғулдирлар. Агар бу илоҳиёт кишилари ҳали Худога садоқат билан хизмат қилишга киришмаган бўлсалар, улар *шанта*, яъни мамнуният ҳосил қилганлар деб аталадилар. *Атма*, яъни "мен" ибораси баъзан "ақл" деб таржима қилинади. Баъзида фалсафий изланишларга мойил одамлар ҳар хил фалсафий таълимотларни турлича талқин қиладилар, лекин Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган авлиё зотлар билан учраша бошласалар, улар ҳам Кришнанинг содиқларига айланадилар.

"Шримад Бхагаватам"(10.87.18)да бу икки тоифа йоглар шундай таърифланган: **"Йоглар йога билан шуғулланиш жараёнини қорнига сиғинишдан бошлайдилар: улар диққат-эътиборини ошқозонидан жамлайдилар. Аста-секин уларнинг муроқабаси юраккача кўтарилиб, ақл ва юракка қаратилади. Кейин уларнинг диққати калласининг тепасига қаратилади, шунга эришган кишилар йогада баркамолликка эришган ҳисобланади; у бошқа тўғилиш ва ўлимга маҳкум бўлмайди"**. Лекин, ҳатто шундай йоглар ҳам Худонинг асл содиқлари билан учрашиб, Парвардигорга бесабаб садоқат билан хизмат қила бошлайдилар.

*Атма* ибораси "уришиш", "интилиш", "ҳаракат қилиш" деган маъноларни англатади. Ҳар қандай тажриба маълум даражада ҳаракат қилишни назарда тутаяди, охириги ҳаракат - Худога садоқат билан хизмат қилишнинг энг юқори поғонасига кўтарилишга бўлган интилишидир. "Шримад Бхагаватам"(1.5.18)да айтилганки, ҳақиқий инсон на олий, на қуйи сайёраларда эришиб бўлмайдиган олий мақсадга интилиб яшаши лозим. Бу ерда шу назарда тутилганки, моддий бахт ва моддий мусибатлар ўз навбатида инсонга барча сайёралар тизимида ҳам дуч келади, аммо энг юксак ютуққа,

Худого садоқат билан хизмат қилишга интилишсиз эришиб бўлмайди. Шунинг учун "Брихан-нарадия Пурана"да айтилганки, Худого садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эришишнинг энг юксак поғонасини тушунишга ҳақиқатан ҳам интилиб юрган киши шунчаки ана шу интилиши эвазига ҳамма нарсада муваффақият қозонади. Худого садоқат билан хизмат қилишнинг энг юксак поғонасига эришиш учун ҳар ким шахсан ўзи интилиши, ҳаракат қилиши лозим, бунинг бошқа иложи йўқ. "Бхагавад-гита"(10.10)да Парвардигор Кришна шундай дейди:

*тешам сатати-йуктанам бхаджантам прити-пурвакам  
одами буддхи-йогоам там йена мам упайанти те*

**"Ҳамиша Менга содик бўлган ва Менга муҳаббат билан сиғиниб юрган кишиларга Мен уларнинг Менинг олдимга келишига ёрдам бера оладиган ақл-фаросат бераман".**

*Атма* ибораси "сабр", "қатъият", "изчиллик" деган маънони ҳам англатади. Худого садоқат билан хизмат қилишнинг энг юқори поғонасига сабр, қатъият ва изчиллик ёрдамида эришиш мумкин.

Муни иборасининг кўшимча маънолари ҳам бор. Бу ибора билан қушларни ва катта қора қовоғариларни ифодалайдилар. *Ниргрантха* иборасининг яна бир маъноси "нодон". Шундай қилиб, агар Худонинг асл содиқлари меҳр назарини ташласалар, ҳатто қушлар, арилар ва нодонлар ҳам Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишга жалб этиладилар. Ҳақиқатан ҳам, "Шримад Бхагаватам"(10.21.14)да айтилганки, қушлар ўзини Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишга бағишлайдилар. Шу ерда(10.15.6) яна айтилганки, Кришна билан Балорам устида ҳаммиша қовоғарилар галаси учиб юрарди. Шуни назарда тутган ҳолда Шри Кришна ҳатто ана шу қушлар ва қовоғариларнинг Парвардигорга қандай садоқат билан хизмат қилишини таърифлайди. Парвардигор Кришна шундай дейди:

*эте "линас тава йашио "кхила-лока-тиртхам  
гайанта адипурушанупадам бхаджанте  
прайо ами муни-гана бхавадийа-мукхйа  
гудхам ване "пи на джахатй анахатма-даивам*

**"Эй эзгулик тимсоли, эй Худо Шахси(Балорам), қара, мана бу асалари ва қовоғарилар Сенинг илоҳий шон-шухратингни қуйлаб ва Сенга сиғиниб атрофингда айланиб юрибдилар. Аслида бу асалари ва қовоғарилар оддий жониворлар эмас: улар Олий Зотга сиғиниш имкониятидан фойдаланиб қолишга уринаётган буюк донишмандлардир. Гарчи Сен оддий инсонлар кўзидан бекиниб олган бўлсанг ҳам, бу арилар Сени яхши билдилар ва шунинг учун улар Сенга ҳамроҳ бўлиб Сени олқишлаб юрибдилар".** "Шримад Бхагаватам"(10.15.7)да Кришна билан Балорамни Вриндавандаги товуслар қандай кутиб олгани таърифланади. **"Эй сиғинишга муносиб Зот, қара, ўз уясига қайтиб келаётган товуслар Сени қандай мамнуният билан кутиб оляптилар. Бу товуслар худди Враджалик қизларга ўхшайдилар. Дарахтлардаги каккулар ҳам Сени ўзларича олқишляптилар. Вриндаванликлар шунчалик улугвор зогларки, уларнинг ҳар бири Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишга тайёр".** "Шримад Бхагаватам"нинг бошқа бир шеърида шундай дейилган(2.4.18): **"Ҳатто ёввойи одамлар ва Киратлар, Хуналар, Андралар, Пулиндалар, Пулкашалар,**

**Абхиралар, Шумбхалар, Йаванлар ва Кхасалар сингари маданиятсиз одамлар, шунингдек, қуйи турдаги одамсимон мавжудотлар Худонинг асл содиқлари паноҳига кириб бутунлай поклана оладилар".** Шунинг учун Шукадева Госвами содиқлари ана шундай мўъжиза кўрсата оладиган Парвардигор Вишну олдида эҳтиром билан бош эгади.

*Дхрити* иборасининг яна бир маъноси - "ўзини улугвор деб билиш". Инсон ўзининг улугворлигини англаб етганида у барча мусибатлардан озод эканини ва ҳаётнинг энг юксак поғонасига кўтарилганини ҳис қилади. Мукамал Кришна онгида бўлган содиқларнинг ҳаммаси моддий лаззат ва мусибатларнинг барчасидан озоддирлар. Улар Парвардигорга хизмат қилишга бутунлай ғарқ бўлганлар, Худого ана шундай илоҳий хизмат қилишда машғул бўлиш билан улар ҳаммиша бахтиёр яшайдилар. Улар ҳақиқий бахт нималигини билган инсонлардир. Ҳақиқатан ҳам, улар шунчалик бахтлиларки, ҳатто руҳий сайёраларга тушишни ҳам истамайдилар, чунки улар ҳар қандай вазиятда ҳам бахтиёр яшайдилар. Парвардигорга илоҳий хизмат қилишга ғарқ бўлиб, улар на бирор моддий нарсаларга эришишга, на моддий лаззатланишга интилмайдилар. Госвамирлар айтганидек: **"Ҳис-туйғулари Худого садоқат билан хизмат қилишда мужассам бўлган кишилар ҳаётдан тўла мамнуният ҳосил қилган кишилардир".**

Шундай қилиб, *атмарама* ибораси Парвардигор Кришнанинг илоҳий сифатлари ҳатто қушларни, ҳайвонларни ва нодонларни ҳам, қисқаси, истаган зотни ўзига жалб этишини ва улар ҳаммаси Унга хизмат қилиши мумкинлигини билдиради.

*Атма* иборасининг яна бир мазмуни - "тафаккур". Алоҳида турдаги тафаккур соҳиби бўлган киши ҳам *атмарама* деб аталади. Ана шундай атмарамалар икки тоифа бўлади: донишмандлар ва ҳеч қандай илмга эга бўлмаган нодонлар. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Худонинг асл содиқлари билан учрашиш имкониятига эга бўлишлари мумкин. Ҳатто нодон атмарамалар ҳам ҳамма ишларини тарк этиб, Худого илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишлари мумкин. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, Парвардигор ҳамма нарсанинг манбаи ва ҳамма нарса Ундан чиқади. Ҳақиқатан ҳам ақл-фаросатга эга бўлган ҳар қандай киши Парвардигор Кришна барча сабаблар сабабчиси эканини тушуна олади ва шуни билгандан кейин Унга хизмат қила бошлайди. "Шримад Бхагаватам"(2.7.45)да шундай гаплар бор: **Ҳатто аёллар, қора ишчилар, Хуналар, Шабарлар, қушлар, ҳайвонлар ҳам руҳий баркамолликнинг юксак поғонасига эриша оладилар, шундай экан, Ведаларни ўрганиш учун етарли ақл-фаросатга эга бўлган инсонлар ҳақида нима дейиш мумкин?"** Буни "Бхагавад-гита"нинг юқорида келтирилган шеъри ҳам тасдиқлайди(10.10).

Кейин Парвардигор Санатана Госвамига айтдики, Худонинг тақводор содиқлари билан учрашиб туриш, Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш, "Шримад Бхагаватам"ни ўрганиш, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш, Вриндаван ёки Матхура сингари муқаддас жойда яшаш - буларнинг ҳаммаси илоҳий поғонага кўтарилиш учун жуда муҳим. Бу беш тавсиянинг ҳаммасини бажариш шарт эмас. Ҳатто инсон уларнинг биттасини мукамал бажарса ҳам, у албатта



Худога муҳаббат даражасига эришади. Ҳақиқатан ҳам етарли ақл-қаросатга эга бўлган киши барча дунёвий истакларини тарк этиб Кришнага илоҳий хизмат қилиш билан машғул бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг содиққа кўрсатадиган таъсири шундайки, хизмат билан машғул бўлиб у ўзининг барча дунёвий орзуларини эсдан чиқариб юборади, Парвардигорнинг илоҳий сифатларидан илҳомланиб у Кришнага боғланиб қолади - Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорига ана шундай ажойиб, жозибадор бўлиб кўринади.

*Атма* иборасининг яна бир маъноси - "табиат".

Бунда *атмарама* ибораси шуни билдирадики, ҳар ким ўзи эга бўлган табиат билан лаззатланади. Лекин, тирик мавжудотнинг бошланғич, яъни мангу табиати Парвардигорга хизмат қилиш ҳисобланади. Ўзи аслида Худонинг мангу хизматкори эканини, ўзининг ана шу асл табиатини мукаммал англаб етган киши ҳаёт ҳақидаги ўзининг аввалги, ўзини танага қиёслаши сабабли юзага келган моддий тасаввурларини тарк этади. Ҳақиқий илм мана шундан иборат. Илм излаб юрган ва Худонинг асл содиғи билан учрашиш имкониятига эга бўлган киши ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишга киришади. Худога илоҳий хизмат қилиш билан тўрт Кумар сингари донишмандлар ҳам, нодонлар, ҳатто қушлар ҳам машғул бўла оладилар. Агар Парвардигор Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатса, ҳар қандай инсон ва ҳар ким Кришнани англаш даражасига эриша олади.

Инсонни Кришнанинг илоҳий сифатлари ўзига жалб этганида у Худога садоқат билан хизмат қила бошлайди. "Шримад Бҳагаватам"(10.15.8)да муқаддас Вриндаван замини шундай олқишланади: **"Сен пойи қадамларинг билан Враджабхуми заминини босиб юрасан - унга шон-шарафлар бўлсин! Сени бармоқларинг теккан майсалар олқишлайдилар. Сен мана шу адирларга, дарёларга ва турли жониборларга назар ташлайсан - уларга шон-шарафлар бўлсин! Сен илоҳий қўлларинг билан гопиларни қучоқлайсан - уларга шон-шарафлар бўлсин!"** Гопилар Вриндаванни шундай олқишлайдилар: **"Эй азиз дугоналар, Враджабхумининг бутун аҳолиси, ҳатто қушлар, ҳайвонлар ва дарахтлар ҳам, Ўзининг дўстлари ва Балорам билан бирга ўтлоқдан қайтиб келаётган Кришнага махлиё бўлиб қараб турганларида ҳар қандай олқишга сазовордирлар"**.

Атма ибораси "бу тана" деган маънони англатади. Жисмоний машқлар бажариш билан шуғулланадиган ва танасини ўзим деб биладиган йоглар ҳам, агар Худонинг асл содиқлари билан учрашсалар Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтариладилар. Ўзларини тана деб биладиган одамлар жуда кўп, улар ҳар хил кармали фаолият билан шуғулланадилар, бу фаолият таркибига муқаддас саждагоҳда ювиниб покланиш ва оддий дунёвий ишлар ҳам киради. Лекин, Худонинг асл содиқлари билан учрашиб, улар ҳам Худога садоқат билан хизмат қила бошлайдилар.

"Шримад Бҳагаватам"(1.18.12)да шундай дейилган: **"Азизим Сута Госвами, гарчи кармали фаолият гулханининг тутуни бизнинг ақлимизни ўраб олган бўлса ҳам, сен бизларга Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи нектарини бера олдинг"**. "Шримад Бҳагаватам"(4.21.31)да шундай дейилган: **"Ганга сувлари Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан**

**окиб келади, ана шу сувларда чўмилиб, ҳар қандай инсон, шу жумладан дунёвий одамлар ва барча донишмандлар ҳам ақлини барча иллатлардан поклай оладилар"**.

Ҳатто ўзини тана деб ҳисоблайдиган кишилар ва қалби дунёвий истакларга тўла кишилар ҳам, маълум даражада атмарамалар ҳисобланадилар. Парвардигорнинг асл содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиб, улар ўзларининг дунёвий истакларидан воз кечадилар ва Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эришадилар. "Хари-бхакти-судходайа"(7.28)да бунга ажойиб мисол бор, унда Дхрува Махараж шундай дейди: **"Эй азиз Худойим, мен Сенга сажда қилиш учун келдим, чунки ўзим учун мана шу сайёрадан бироз ер парчаси сўрамоқчи эдим, лекин омадим келди, мен Сени топдим, бунга ҳатто буюк донишманд ва авлиё зотлар ҳам эриша олмайдилар. Мен бир неча шиша синиқларини излаб чиққандим, уларнинг ўрнига энг қимматбаҳо гавҳар - Сени топдим. Мен бутунлай мамнунман, мен Сендан ҳеч нарса тиламайман"**.

*Ниргрантха* иборасининг бошқа мазмуни ҳам бор.

Бу ибора шунингдек, "нодон овчи", "бахтиқаро, ачинарли инсон" деган маъноларни англатади. Шунчаки Худонинг асл содиқ хизматкори Нарада Муни билан учрашгани шарофати билан нажот топиб, Худога садоқат билан хизмат қилишга киришган бир овчи ҳақида бир хикоя бор. Овчининг Нарада Муни билан қандай учрашиб қолгани ҳақидаги бу хикояни Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамига гапириб берди.

Бир замонларда ўрмонда бир овчи яшаган экан, унинг омади келиб бир куни Ваикунтҳада Парвардигор Нарайана билан учрашувдан қайтиб келаётган буюк донишманд Нарада Мунини учратиб қолибди. Нарада Муни Ганга ва Ямуна дарёлари қўшиладиган жойда чўмилиш учун Праягга бораётган эди. Ўрмон ичидан борар экан, у ерда ётган бир қушни кўриб қолди. Пайкон танасини тешиб ўтган қуш ҳали тирик бўлиб ачинарли аҳволда чирқираб ётарди. Яна анча юргандан кейин Нарада Муни ўлим талвасасида ётган кийикни, кейин худди шундай ачинарли аҳволда қийналиб ётган ёввойи тўнғизни, бошқа жойда бир қуённи учратди, уларнинг ҳаммаси овчининг пайкони келтирган жароҳат сабабли чидаб бўлмас оғрик дастидан титраб ётардилар. Буларнинг ҳаммаси Нарада Муни қалбида уларга нисбатан ачиниш, чуқур ҳамдардлик туйғусини уйғотди ва у ўйланиб қолди: "Шундай оғир гуноҳларни қилиб юрган нодон ким бўлди экан?" Худонинг содиқлари одатда тирик мавжудотларнинг бахтсизлигини кўриб, уларга ачиниш ҳамдардлик билдирадилар, шундай экан буюк донишманд Нарада Муни ҳақида нима дейиш мумкин? Бу даҳшатли манзара уни қаттиқ изтиробга солганди, сал юргандан кейин у қўлларига камон ушлаб турган овчини учратди. Овчининг танаси коп-қора рангда, кўзлари эса, кип-қизил эди. Қўлларига камон ва пайкон ушлаб турган бундай даҳшатли одамга қарашнинг ўзи хатарли эди. Ташқи кўриниши билан у ажал фариштасининг элчиларини эслатарди. Нарада Муни уни кузатиб туриб, унга яқинроқ бориш учун ўрмон ичкарасига кириб борди. Нарада Мунининг шовқинидан ҳуркиб овчининг овига илинган ҳайвонлар қочиб кетдилар. Бундан жажли чиққан овчи оғзини

Нарада Мунини ҳақоратлаш учун очмоқчи бўлдию, лекин олдида турган авлиё донишмандни кўриб, ҳақоратли гапларни гапиролмай қолди. У Нарада Мунига ҳурмат билан мурожаат қилди: “Эй ҳукмдор, сен нимага мен ов қилиб турган пайтда бу ерга келдинг? Балки адашиб қолгандирсан? Сенинг шовкинингдан қопқонга тушган ҳайвонларнинг ҳаммаси қочиб кетдилар”.

"Мени кечир, - деди Нарада Муни, - мен йўлни билиш ҳамда сендан яна бир нарсани илтимос қилиш учун келдим. Йўл бўйи мен кўплаб тўнғиз, кийик, куёнларни кўрдим. Улар ерда чалажон бўлиб, жон топшира олмасдан қийналиб ётган эканлар. Бундай оғир гуноҳни ким қилиб юрибди?"

"Сен айтаётган ишларни мен қилганман - деди овчи, - бунинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқ деб ўйлайман".

"Агар сен ана шу бечора жониворларни овлаб юрган бўлсанг, нимага уларни дарров биратўла ўлдирмайсан? - деди Нарада Муни, - сен уларни чала ўлик ҳолда ташлаб қўясан, улар жон талвасасида қийналиб ётадилар. Бу жуда оғир гуноҳ. Агар шу ҳайвонни ўлдирмоқчи бўлсанг, нимага уни бирдан ўлдирмайсан? Нимага уларни чалажон қилиб қийнайсан?"

"Эй ҳукмдорим, - деди овчи, - менинг исмим Мригари, яъни "ҳайвонлар душмани". Мен ҳайвонларни биратўла ўлдирмасдан чалажон қилиб ташлаб қўйишни отам ўргатган, мен шунчаки унинг насиҳатларига амал қиламан. Мен чалажон жониворнинг жон талвасасида изтироб чекишини кўриб чексиз лаззат оламан".

"Мен сендан бир нарсани илтимос қилмоқчиман, - деди Нарада Муни, - илтимос, рад этма".

"Албатта, эй ҳукмдор, мен сенга истаган нарсангни беришга тайёрман, - деди овчи, - Агар сенга ҳайвон териси керак бўлса, уйимга юр. Менда терилар жуда кўп, ҳатто йўлбарс ва кийик терилари ҳам бор. Мен сенинг истаган нарсангни бераман".

"Йўқ, йўқ, менга у нарсалар керак эмас, - деди Нарада Муни, - мен сендан бошқа бир нарсани илтимос қилмоқчиман. Агар рухсат берсанг айтаман. Энди бундан кейин, эртадан бошлаб, ҳайвонларни ўлдираётганингда, уларни биратўла ўлдир, илтимос. Уларни зинҳор чалажон қилиб қолдирма!"

"Эй ҳукмдор, мендан нимани илтимос қиляпсан? Чалажон ҳайвон билан ўлик ҳайвон орасида нима фарқ бор?"

"Сен ҳайвонларни чала ўлдириб қолдирганингда улар оғриқ азобидан қаттиқ изтироб чекадилар. - тушунтирди Нарада Муни, - бошқа тирик мавжудотларга азоб бериш эса, - жуда оғир гуноҳ. Ҳайвонларни ўлдиришининг ўзи оғир гуноҳ, жиноят, уларни чалажон қилиб озор бериш сабабли эса, бу гуноҳ яна ҳам оғирлашади. Кейинги ҳаётингга сен ана шу жонворларга берган азобларининг ҳаммасини ўзинг бирма-бир бошингдан кечиришинг керак бўлади. (Қайтар дунё бу, ҳар ким экканини ўради)".

Гарчи овчи буюк гуноҳкор одам бўлса ҳам, Нарада Муни сингари авлиё содиқ билан ҳамсуҳбат бўлиш шарофати билан унинг қалби юмшади, у ўзи қилган гуноҳлари оқибатидан кўркиб кетди. Одатда гуноҳларга ботиб кетган киши гуноҳ қилишдан кўркув туйғусини йўқотиб қўяди, лекин бу ерда биз кўряпмизки, Худонинг буюк содиғи Нарада Муни билан суҳбатлашиш шарофати билан овчининг қалби поклана бошлади, у

энди қилган гуноҳлари оқибатидан кўрқа бошлади. Шунинг учун овчи Нарада Мунига шундай деди: "Эй ҳукмдорим, ёшлигимдан мени ҳайвонларни шундай ўлдиришга ўргатганлар. Илтимос, менга айтчи, шунча вақтдан бери тўплаган гуноҳларим оқибатидан қандай нажот топишим мумкин? Мен сенинг нилуфар қадамларин пойига йиқиламан. Илтимос, мени аввал қилган гуноҳларим азобидан қутқар, менга озодликка олиб чиқадиган ҳақиқат йўлини кўрсат".

"Агар сен ҳақиқатан ҳам менинг насиҳатларимга амал қилмоқчи бўлсанг, мен сенга барча қилган гуноҳларинг оқибатидан халос этадиган озодликка чиқиш йўлини кўрсатаман".

"Мен сенинг айтганларининг ҳаммасини сўзсиз ба-жараман" - рози бўлди овчи.

Шунда Нарада Муни унга камонини синдириб ташлашни буюрди. Фақат шундан кейингина унга нажот йўлини кўрсатишга рози бўлишини айтди.

"Сен менга камонимни синдириб ташлашни буюряпсан, - эътироз билдирди овчи, - лекин, мен камонимни синдириб ташласам, нима билан тирикчилик қиламан?"

"Бундан хавотирланма, - деди Нарада Муни, - мен сенга ҳар куни етарлича овқат юбориб тураман".

Шундан кейин овчи камонини синдириб ташлаб Нарада Мунининг оёқларига бош қўйди. Нарада Муни унинг бошини кўтариб шундай маслаҳат берди: "Ҳозирок уйингга бор-да, бутун бойлигингни ва пулларингни браҳманларга ва Худонинг содиқларига улаштириб бер. Кейин, фақат биргина кийимингни олиб шу ерга кел ва мен айтган ишни қил. Дарё бўйида ўзингга бир кулба қуриб ол, унинг ёнига туласи дарахтини ўтказ. Ҳар куни туласи атрофини тавоф қилиб айлан, ҳар куни тушган баргларида биттасини е. Бундан ташқари тинмасдан мана бу маха-мантрани такрорлаб юр: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Тирикчилигингга келсак, мен сенга ҳар куни дон юбориб тураман, лекин сен ундан ҳар куни фақат шу куни ўзинг ва хотининг учун керак бўлган миқдорда олишинг, ундан ортиғини олмаслигинг керак".

Шундан кейин Нарада Муни чалажон ҳайвонларни тирилтирди ва уларни азобдан қутқариб озодликка қўйиб юборди. Нарада Мунининг кўрсатган бу мўъжизасини кўриб, овчи ҳайратдан қотиб қолди. Нарада Мунини кузатиб қолар экан, у яна унинг оёқларига бош қўйди.

Нарада Муни йўлига равона бўлди, овчи эса, уйига келиб Нарада Мунининг кўрсатмаларини бажаришга киришди. Айни пайтда “овчи Худонинг содиқ хизматкори бўлибди” деган хабар яқин-атрофдаги одамлар орасига тарқалибди. Қўшни қишлоқларнинг аҳолиси янги вайшнавни зиёрат қилиш учун кела бошладилар. Ведавий урф-одатларга кўра, авлиё зот олдига борган киши дон ва мева олиб бориши лозим. Барча қишлоқликлар овчининг Худонинг буюк содиғи бўлганини эшитиб, озиқ-овқат олиб уни кўришга борардилар. Улар ҳар куни овчига ўн-ўн икки кишига бемалол етадиган озиқ-овқат олиб келишарди, лекин овчи Нарада Мунининг кўрсатмаси бўйича фақат ўзига ва хотинига етарли бўлганинигина олиб, қолганини бошқаларга бериб юборарди.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин Нарада Муни ўзининг дўсти Парвата Мунига шундай деди: "Менинг

бир шогирдим бор. Юр, бориб унинг ишлари қандай эканини кўриб келамиз".

Икки донишманд, Нарада ва Парвата овчининг кулбасига яқинлашар экан, овчи руҳий устози келаётганини узокдан кўриб, чуқур эҳтиром билан унинг олдига пешвоз чикди. Буюк донишмандлар олдига бораётиб овчи йўлда юрган чумолиларни кўриб қолди. Улар унинг тез юришига халакит берардилар. Овчи донишмандлар олдига бориб, улар олдида сажда қилмоқчи бўлди, лекин ерда сон-саноксиз чумолилар юрганини кўрди, уларни босиб ўлдирмасдан сажда қилишнинг иложи йўқ эди. Шунда у чумолиларни яктаги билан аста суриб ташлади. Нарада Муни овчининг чумолиларга озор бермасликка ҳаракат қилаётганини кўриб, "Сканда-пурана"дан бир шеърни эслади: **"Бу жуда ажойиб эмасми, Худонинг содиқ хизматкори ҳеч кимга, ҳатто чумолига ҳам ҳеч қандай озор беришни истамайди"**.

Гарчи аввал бу овчи ҳайвонларни чалажон қилиб қолдириб, уларнинг изтироб чекаётганини томоша қилиб, лаззатланиб юрган бўлса ҳам, Худонинг буюк содиғи бўлгандан кейин, у ҳатто чумолига ҳам озор беришга ботина олмасди. Овчи донишмандларни ўзининг кулбасида муносиб ҳурмат билан кутиб олиб, қулай ўриндикқа ўтказди; сув обкелиб уларнинг оёқларини ювди, ичишга сув таклиф қилди. Кейин ўзи ва унинг хотини донишмандларнинг оёғи ювилган сувни бошларига суртдилар. Шундан кейин улар жазавали лаззатга ғарқ бўлиб куйлаб, рақсга туша бошладилар: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Улар кўлларини баланд кўтариб, либосларини хилпиратиб рақсга тушардилар.

Донишмандлар овчининг танасида намоён бўлган Худого муҳаббатнинг бундай жазавали лаззат аломатларини кўрганида, Парвата Нарада Мунига шундай деди: "Сен фалсафа тошисан. Сен билан суҳбатлашиш ҳатто буюк овчини ҳам Худонинг буюк содиғига айлангирди".

"Сканда-пурана"да бир шеър бор, унда шундай дейилган: "Азизим Нарада, сенга шон-шарафлар бўлсин! Сенинг марҳаматинг билан ҳатто энг пасткаш мавжудот, ҳайвонларни ўлдириб юрган овчи ҳам Худого садоқат поғонасига кўтарилди ва Кришнага илоҳий боғланишга эришди".

Ниҳоят, Нарада Муни овчи-содиқдан сўради: "Сен тирикчилигинг учун етарли озик-овқатни мунтазам олиб турибсанми?"

"Сен ҳар кун шунча одам юборяпсан, - деди овчи, - улар шунча кўп овқат олиб келадиларки, бизлар уларнинг ҳаммасини қабул қила олмаймиз".

"Ҳечқиси йўқ, - деди Нарада Муни - сенга қанча садақа берсалар ҳам яхши. Лекин сен, худди ҳозиргидай Худого садоқат билан хизмат қилишни давом эттиравер". Шу гаплардан кейин Нарада Муни ва Парвата Муни ғойиб бўлдилар.

Парвардигор Чайтанья бу ҳикояни қандай қилиб Худонинг асл содиқ хизматкорининг таъсири остида ҳатто овчи ҳам Кришнага садоқат билан хизмат қила бошлаши мумкинлигини тушунтириш учун гапириб берди.

Атмарама-шлокани тушунтиришда давом этиб, Парвардигор Чайтанья айтдики, *атма* ибораси Худо

Шахсининг намоён бўлган ҳар хил кўринишларини билдиради. Одатда Худо Шахси деб Худо Шахсининг ўзини, яъни Парвардигор Кришнани ҳам, Унинг турли экспансияларини ҳам айтадилар.

Худонинг Олий Шахсининг киёфаларидан ёки экспансияларидан бирига хизмат қилиб юрган киши ҳам *атмарама* деб аталади. Ана шундай содиқларнинг ҳаммаси ё хизмат қилишни тартибга соладиган қонун-қоидалар асосида, ё илоҳий муҳаббат асосида Худого садоқат билан хизмат қиладилар. Худонинг ана шундай содиқлари уч тоифага бўлинади: Парвардигорнинг ҳамроҳлари, Худого садоқат билан хизмат қилишда юксалаётган содиқлар, садоқат билан хизмат қилиш йўлига энди кирган содиқлар. Янги содиқларни қалбида Парвардигор Кришнага боғланиш туйғуси ҳосил бўлган ва ҳали боғланиш туйғуси ҳосил бўлмаган содиқларга ажратиш мумкин. Агар Худого садоқат билан хизмат қилишнинг икки тури борлигини ҳисобга олсак, Худонинг содиқларининг саккиз тоифаси ҳосил бўлади. Худого садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларига риоя қилиб, Парвардигорнинг комил ҳамроҳлари ўз навбатида тўрт синфга бўлинади: хизматкор, дўст, ота-она ва севгили(рафика)лар.

Худого садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида баркамолликка эришадиган содиқлар билан бир қаторда мангу комил содиқлар ҳам бор. Худого садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларига амал қиладиганлар орасида юксалганлар ва янги келганлар бўлади. Илоҳий муҳаббат билан боғланиш асосида Худого садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқлар ўн олти синфга бўлинади. Шундай қилиб, атмарамаларнинг ўттиз икки тури мавжуд. Агар *муни*, *ниргрантҳа*, *ати* ва *ча* ибораларини эътиборга олсак, унда Худонинг содиқларининг 58 турли тоифаси бўлади. Ана шу содиқларнинг ҳаммасини битта *атмарама* ибораси билан ифодалаш мумкин. Ўрмонда ҳар хил турга мансуб бўлган кўплаб дарахтлар бўлиши мумкин, лекин уларнинг ҳаммасини битта "дарахт" ибораси билан ифодаласа бўлади.

Шундай қилиб, Парвардигор Чайтанья *атмарама* иборасининг олтмиш турли маъносини келтирди. Бунга қўшимча қилиб У яна айтдики, *атма* ибораси коинотдаги биринчи тирик мавжудот Тангри Брахмадан то кичкина чумолигача бўлган тирик мавжудотни ифодалайди. У "Вишну-пурана"нинг олтинчи бобидан бир шеър келтирди, унда айтилганки, Парвардигорнинг барча қувватлари руҳий табиатга эга. Гарчи шундай бўлса ҳам, тирик мавжудотларни юзага келтирадиган қувват руҳий қувват деб аталади, ғофиллик билан қопланган ва моддий фаолиятда намоён бўладиган қувват моддий табиат деб аталади. Ҳатто моддий оламдаги тирик мавжудотлар сон-саноксиз. Агар тирик мавжудот тасодифан Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорини учратиш бахтига эга бўлиб қолса, у ҳаётини Кришнага садоқат билан хизмат қилишга бағишлай олади. "Аввал Мен атмарама иборасининг олтмиш турли маъноси ҳақида ўйлаган эдим, - деди Парвардигор, - лекин бу ерда, сен билан ҳамсуҳбат бўлганим шарофати билан унинг яна бир маъноси фикримга келди".

*Атмарама* иборасининг ҳар хил маъноларини тинглаб, Санатана Госвами ҳайратга тушган ва садоқатнинг жазавали лаззатига ғарқ бўлиб, Парварди-

гор Чайтаньянинг оёқларига йиқилди. "Мен тушунаманки, Сен - Худонинг Олий Шахси, Кришнанинг Ўзисан, - деди Санатана Госвами, - барча ведавий битиклар Сенинг нафасингда жойлашган. Сен - "Шримад Бхагаватам" илмини ўргатувчи устозсан, унинг шеърларининг мазмунини Сен Ўзинг ҳаммадан яхши биласан. Сен Ўзинг марҳамат кўрсатмасанг, ҳеч ким "Шримад Бхагаватам"нинг махфий сирини англаб ета олмайди".

"Мени бундай олқишлашга уринма, - деди Парвардигор Санатана Госвамига, - сен шунчаки "Шримад Бхагаватам"нинг ҳақиқий табиатини тушунишга ҳаракат қил. "Шримад Бхагаватам" - Парвардигор Кришнанинг товуш кийёфаси; демак, "Шримад Бхагаватам" Кришнанинг Ўзидан фарқ қилмайди. Кришна чексиз, шунинг учун "Шримад Бхагаватам"нинг ҳар бир ибораси, ҳар бир ҳарфи чексиз кўп маъноларга эга. Уларнинг ана шу маъноларини Худонинг содиқлари даврасида англаб етиш мумкин. Шунинг учун ҳеч қачон "Шримад Бхагаватам" - шунчаки савол-жавоблар тўплами деб ўйлама".

Наимишараняда тўпланган донишмандлар Сута Госвамига олти савол бердилар, Сута Госвами "Шримад Бхагаватам"да олти жавоб, яъни тушунча берган. Ведавий битикларда бир шеър бор, унда Тангри Шива шундай дейди: **"Шримад Бхагаватам"га келсак, мен балки уни биларман, Шукадева Госвами ва Вйасадева ҳам уни билишлари мумкин. Билмасликлари ҳам мумкин. Лекин шуниси аниқки, "Шримад Бхагаватам"ни инсон ўзининг тафаккури ёки дунёвий изохлар ёрдамида эмас, балки фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида ва Худонинг содиқ хизматкоридан ўрганиш мумкин**". "Шримад Бхагаватам"нинг бошида(1.1.23) Наимишаранядаги донишмандлар шундай савол берадилар: **"Эй ҳукмдор, марҳамат қилиб бизга айтчи, Парвардигор Ўзининг даргоҳига кетиши билан дин қонунлари ҳам ғойиб бўлдимиз? Парвардигор кетгандан кейин бизлар бу қонунларни қаердан излишимиз лозим?"**

Бу саволга жавоб шундай:(1.3.43) **"Барча дин қонунлари билан бирга юрадиган Кришна Ўзининг даргоҳига кетгандан кейин, ҳамма жойни ўзининг нури билан ёритиб турадиган қуёшга ўхшаган махапурана, "Шримад Бхагаватам" қолди**".

Кейин Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамига шундай деди: "Мана шу атмарама-шлокани турли жиҳатдан таърифлар эканман, Мен худди ақлдан озган кишига ўхшаб қолдим. Агар сенга бирор бемаъни гап гапирган бўлсам, эътибор берма. Лекин, агар кимдир Менга ўхшаб ақлдан озган бўлса, у "Шримад Бхагаватам"нинг Мен ҳозир сенга тушунтирган мазмунини тушуна олади".

Шунда Санатана Госвами қўлларини қовуштириб, Парвардигор Чайтаньянинг оёқларига йиқилди ва Унга шундай илтижо билан мурожаат қилди: "Эй азиз Худойим, Сен менга Худога садоқат билан хизмат қилишни тартибга соладиган кўрсатмаларни тайёрлашни буюрдинг, лекин мен жамиятнинг энг қуйи табақасидан чиққанман. Менда ҳеч қандай илм йўқ. Мен бундай муҳим топшириқни қандай бажаришим мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмайман. Агар Сен марҳамат қилиб менга Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги шу китобни қандай тайёрлаш керакли-

гини тушунтирсанг, балки шунда мен уни ёзишга қодир бўларман".

Шунда Парвардигор уни шундай гаплар билан дуо қилди: "Сен нима ёзсанг ҳам Кришнанинг марҳамати билан у сенинг қалбингдан чиқади ва сен истагандай қабул қилинади. Мен эса, сенга фақат сен эътибор қилишинг лозим бўлган бир-икки муҳим гапларни айтаман, холос. Биринчи ва энг муҳим шарт ҳақиқий руҳий устоз қабул қилишдан иборат. Мана шу руҳий ҳаётнинг бошланиши бўлади". Кейин Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамидан ҳақиқий руҳий устоз - гурунинг сифатларини ва ҳақиқий содиқнинг сифатларини таърифлаб беришни илтимос қилди. Содиқнинг белгилари "Падма пурана"да ёзилган: Брахманларга хос бўлган сифатларнинг барчасига эга бўлган ва содиқнинг ҳамма аломатлари бўлган киши жамиятдаги барча табақага мансуб одамлар учун руҳий устоз бўла олади. Ана шундай содиқ ва руҳий устозни худди Парвардигорнинг Ўзидай ҳурмат қилиш лозим. Ҳатто инсон энг юксак мартабали брахман оиласида туғилган бўлса ҳам, агар Худонинг содиқ хизматкори бўлмаса, у руҳий устоз бўла олмайди. Руҳий устоз албатта брахман оиласида туғилган бўлиши керак деб ўйламаслик керак. Руҳий устоз брахманнинг сифатларига эга бўлиши лозим, яъни руҳий устозга унинг амалига қараб баҳо берилади.

Бу "Шримад Бхагаватам"да ҳам, Нарада Муни жамиятнинг тўрт табақасига мансуб одамларни таърифлаганида тасдиқланади. Унда Нарада Муни хулоса қилиб айтадики, инсоннинг брахманлар, кшатрийлар, ваишьялар ва шудралар табақасига мансублиги унинг шахсий сифатларига қараб аниқланиши лозим. Шриддхара Свами буни изохлаб ёзадики, шунчаки брахман оиласида туғилишнинг ўзи хали инсон албатта брахман бўлади, дегани эмас. Брахман бўлиш учун инсон шастраларда кўрсатилган, брахманларда бўлиши лозим бўлган сифатларни ўзида намоён этиши лозим. Гаудия Ваишнава сампрадаё шогирдлар силсиласида икки буюк ачарйа(Нароттама дас Тхакур ва Шьямананда Госвами) бор, улар брахман оиласидан чиқмаганлар, лекин шунга қарамай, Ганганарайана, Рамакришна сингари машҳур брахманлар уларни руҳий устоз сифатида тан олганлар.

Шундай қилиб, ҳақиқий содиқ хизматкорни бошқалардан ажратиб турадиган аломатлар бор. Ана шу аломатларга қараб шогирд ҳам, устоз ҳам уларнинг ҳар бири ҳақиқий руҳий устоз, ҳақиқий шогирд бўлишга муносибми, йўқми аниқлай билишлари лозим. Кейин, ягона сиғиниш лозим бўлган Зот Худонинг Олий Шахси эканини яхши тушуниб олиш, ҳар хил мантраларни ва қўшиқларни ёдлаб олиш лозим.

Кейин Парвардигор Санатана Госвамига мантра қабул қилиш учун яроқли бўлган кишиларнинг аломатларини таърифлашни ва бу мантраларни қандай тушуниш лозимлигини ва маълум маросимлар ўтказиш орқали қандай қилиб уларни мукамал ҳолатга етказишни тушунтиришни буюрди. Кейин Парвардигор фотиҳа олиш, эрталаб бажариладиган амаллар, вазифалар, амал қилиш лозим бўлган гигиена тозалик қодалари, ишлаш, эрталаб ва кечкурун такрорланадиган илтижолар ҳақида гапириб берди. Шунингдек, Парвардигор руҳий устозга қандай сажда қилиш лозимлигини, танани *гопичандана* билан қандай безаш керакли-

гини таърифлаб берди. Туласи барглари қандай тўплаш, Парвардигор Кришнанинг хонасини ва эҳромини қандай ювиш, шунингдек, Кришнани уйқудан қандай уйғотиш ҳақида гапириб берди. Парвардигор Чайтанья Парвардигорга сиғинишнинг ҳар хил усуллари таърифлаб берди: беш анжом ёрдамида сиғиниш ва эллик анжом билан сиғиниш. У Илоҳга ҳар куни беш марта *арати* таклиф қилиб сиғиниш қоидаларини, Кришнага овқатни қандай таклиф қилиш, Уни қандай ухлагани ётқизиш кераклигини таърифлаб берди. Парвардигор Чайтанья Парвардигорнинг эҳромлари жойлашган муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиш ва шу эҳромларда ўрнатилган Парвардигорнинг Илоҳларини томоша қилиш қандай натижа беришини тушунтирди. У Парвардигорнинг илоҳий номларини шарафлаб қуйлаш ва сиғиниш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳақоратлар ҳақида гапирди. Худога сиғинишда баъзи анжомлар, масалан, сур, сув, муаттар гуллар ишлатилади, илтижолар, мадҳиялар, эҳромни айланиб ўтиш ва сажда қилиш амаллари бажарилади. *Пурашчарана* қоидаларига риоя қилиш ҳамда прасад қабул қилиш керак, Кришнага таклиф этилмаган таомдан емаслик керак. Бундан ташқари Парвардигор айтдики, ҳақиқий содиқнинг аломатлари бор бўлган ваишнави ҳақорат қилиб қўйишдан сақланиш лозим.

Парвардигор Чайтанья авлиё инсоннинг аломатлари қандай бўлишини ва уни қандай мамнун қилиш йўлини ҳамда ёқимсиз одамлар даврасидан қандай узоқ юриш кераклигини тушунтирди. Парвардигор ҳамиша "Шримад Бхагаватам"ни тинглаб, ўрганиб юриш лозимлигини таъкидлади. Содиқ ўзининг ҳар кунги кундалик вазифаларини, ҳар икки ҳафталик вазифаларини бажариб яшаши, Экадаши кунлари рўза тутиши, ойлик вазифаларни бажариб юриши, Парвардигор Кришнанинг туғилган куни сингари байрамларни нишонлаши, уч асосий муҳим экадаши - Джанмаштами, Вamanaдвaдаши, Шри Раманавами ва Нрисимхачатурдаши кунларини нишонлаши лозим. Агар ана шу рўза кунлари бошқа рўза кунлари билан бирга келиб қолса (*виддха*), Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалишга улар жуда катта ёрдам беради. Бундан ташқари Парвардигор Чайтанья Санатана Госвамига ҳар бир бундай кўрсатма учун Пураналардан мисол келтиришни буюрди. У Парвардигорнинг эҳромларини қандай қуриш лозимлигини, ваишнавининг хулқ-атворини, аломатларини, вазифаларини ва ишларини таърифлаб берди. Шу тарзда Парвардигор Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида китоб ёзиш учун билиш зарур бўлган нарсаларни қисқача гапириб берди.

Санатана Госвами Худонинг буюк содиғи эди, шунинг учун бевосита Парвардигорнинг Ўзи унга *бхакти* маданиятини одамлар орасида тарқатиш учун кўплаб китоблар ёзишни буюрди. "Чайтанья-чандрадойя"да Санатана Госвамининг шахси таърифланган, унда айтилганки, Санатана Госвами Навваб Хусайн ҳукуматида энг обрўли, ҳурматли кишилардан бири эди. Унинг укаси Шрила Рупа Госвами ҳам ана шу ҳукумат таркибида вазир эди. Лекин уларнинг иккиси ҳам, гадой девона бўлиб Худога садоқат билан хизмат қилиш учун ҳукуматдаги ўзлари эгаллаб турган катта лавозимни тарк этдилар. Ташқи кўринишидан бу ака-укалар оддий тиламчи гадойларга ўхшардилар, лекин уларнинг қалби Парвардигорга илоҳий хизмат

қилишлар ва Вриндаванлик подачи болакайга бўлган илоҳий муҳаббатдан тўла эди. Ҳақиқатан ҳам Санатана Госвами ўз даврининг ҳақиқий содиқлари учун жуда азиз бўлган буюк содиқ эди.

## 17-боб.

### Парвардигор Чайтанья - азалий Худо Шахси

Кришнада Кавираджа Говсвамидан ўртак олиб, биз ҳам Парвардигор Чайтаньянинг нилуфар қадамлари пойи олдига эҳтиром билан сажда қиламиз.

Парвардигор Чайтанья шундай таърифланади: У - энг пасткаш ва ночор зотларнинг ягона нажоткори. У - рухий илмдан мутлақо беҳабар бўлган ғофил одамларнинг ягона умиди. Унинг бу дунёда Худога садоқат билан хизмат қилишга қўшган буюк хиссасини муҳокама қилишга ҳаракат қиламиз.

Ҳар нарсага қодир бўлган Парвардигор Кришна Ўзини беш турли қувватларда намоён этади. Гарчи У ягона ва бетакрор бўлса ҳам, Ўзини беш хил усулда ва беш асосий рухий мақсадни кўзлаб намоён этади. Ягона бир хиллик ғоясига қарши, Парвардигордаги бу ранг-баранглик мангу ва лаззатга тўла. Ведавий муқаддас китоблардан билиб олиш мумкинки, Мутлақ Ҳақиқат, Худонинг Олий Шахси Ўзининг хилма-хил қувватлари билан бирга мангу мавжуд. Парвардигор Чайтанья бу дунёда Ўзининг беш турли хилма-хил қувватлари билан бирга намоён бўлди. Шунинг учун Парвардигор Чайтаньяни Ўзининг хилма-хил қувватлари билан бирга келган Кришна деб атайдилар. Парвардигорнинг Шри Чайтанья Махапрабху ва Унинг тўрт яқин ҳамроҳи Нитйананда Прабху, Адвайта Прабху, Гададхара ва Шриваса қиёфасида пайдо бўлишига келсак, бу ерда қувват ва қувват манбаи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Парвардигорнинг намоён бўлган ана шу беш турли қиёфалари орасида рухий жихатдан фарқ йўқ (худди Парвардигор билан Унинг инкарнациялари, экспансиялари ва қуввати орасида фарқ бўлмаганидай). Улар беҳиси ҳам ягона Мутлақ Ҳақиқатда мужассам. Лаззат(таъм, роҳат, маза)нинг илоҳий кўринишлари билан лаззатланш учун Мутлақ Ҳақиқатнинг намоён бўлган беш турли ҳар хил кўринишлари бор. Улар содиқнинг қиёфаси, содиқнинг табиати, содиқ мужассам бўлган қиёфа, асл содиқ ҳамда садоқат қуввати деб аталади.

Мутлақ Ҳақиқатнинг намоён бўлган мана шу беш тури ичида Парвардигор Чайтанья азалий Худо Шахси, Кришна. Парвардигор Нитйананда - Парвардигорнинг биринчи экспансияси, Адвайта Прабху - Парвардигорнинг инкарнацияси. Уларнинг уччаласи, Чайтанья, Нитйананда ва Адвайта ҳам Вишну-таттва, яъни Олий Мутлақ Ҳақиқат тоифасига қиради. Шриваса асл содиқ тимсоли, Гададхара - Парвардигорнинг соф садоқатни ривожлантирадиган ички қуввати тимсоли. Шунинг учун Гададхара ва Шриваса, гарчи Вишну-таттва тар-

кибига киритилган бўлсалар ҳам, Парвардигорга боғлиқ ва Ундан фарқ қиладилар. Бошқача қилиб айтганда, улар қувват манбаидан фарқ қилмайдилар, лекин илохий муносабатлардан лаззатланиш учун бошқача намоён бўладилар. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни сиғинувчи ва у сиғинаётган Зот орасида ўзаро илохий муносабатлар алмашишдан иборат. Ўзаро муносабатларда ана шундай ҳар хил илохий лаззатлар бўлмаса, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ҳеч қандай маъноси бўлмайди.

Ведавий муқаддас китоблар(Катха Упанишад)да айтилганки, Парвардигор барча тирик мавжудотлар ичида олий тирик мавжудотдир. Тирик мавжудотларнинг сон-саногӣ йўқ, лекин улар орасида фақат биттаси Олий Мутлак Парвардигордир. Ана шу ўзига хос ягона тирик мавжудот билан қолган сон-саноксиз тирик мавжудотлар орасидаги фарқ шундан иборатки, ана шу ягона мавжудот ҳамма нарсанинг ва ҳамманинг ҳукмдори, хўжайинидир. Ана шу олий тирик мавжудот - Ер сайёрасига сон-саноксиз тирик мавжудотларни кутқариш учун келган Парвардигор Чайтанья. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор Чайтаньянинг бу дунёга келишдан мақсади ер юзида Ведаларда ёзилган Ҳақиқатни ўрнатиш: сон-саноксиз тирик мавжудотларнинг, бошқа барча алоҳида шахсларнинг мавжудлигини таъминлаб турган ва уларнинг ҳаммасини бошқариб турган ягона Худонинг Олий Шахси бор. Имперсоналист-файласуф(майавади)лар шуни тушунмаганлари боис, Парвардигор билан сон-саноксиз тирик мавжудотлар орасидаги ўзаро муносабатларни тушунтириш учун Парвардигор Чайтанья Ўзини бу дунёда намоён этди.

Парвардигор Кришнанинг "Бхагавад-гита"даги охирги насихати шундан иборатки, ҳар ким бошқа барча ишларини тарк этиб, Унга садоқат билан хизмат қилиши лозим. Лекин Кришна кетгандан кейин бефаросат одамлар Унинг гапларини нотўғри тушуна бошладилар. Кўплаб сохта файласуфларни яратган майавада фалсафаси уларга ўзининг зарарли таъсирини ўтказди, натижада улар Мутлак Ҳақиқат билан тирик мавжудотнинг асл ҳолати қандай эканини эсдан чиқариб қўйдилар. Шунинг учун Парвардигор Кришна моддий оламдаги адашган зотларга Парвардигор Кришнага олиб борадиган йўлни кўрсатиш учун яна бу дунёда Парвардигор Чайтанья сифатида намоён бўлди. "Бхагавад-гита" ҳамма нарсани тарк этишга ва бу моддий боғланишлар оламини тарк этишга чакиради. Парвардигор Кришнанинг асл содиғи ва Парвардигор Чайтанья фалсафасининг издоши - бир биридан умуман фарқ қилмайди. Парвардигор Чайтанья фалсафасининг мазмуни шундан иборатки, инсон ҳамма нарсани тарк этиши ва Худога, Кришнага сиғиниши лозим. Худонинг Олий Шахси сифатида Кришна ҳам Ўзини Худо деб кўрсатиб, шундай деган эди. Лекин, майавади файласуфлар Унинг гапларини нотўғри тушундилар. Шунинг учун Парвардигор Чайтанья ҳақиқатни тўғри тушунтириш учун Парвардигор Кришнанинг гапларини тақрорлади: инсон ўзини Кришнага тенг деб билмаслиги лозим, аксинча Кришнага Худо ўрнида сажда қилиб сиғиниши лозим.

Агар биз Парвардигор Чайтаньяни шартланган рух деб ҳисобласак, жуда катта хато қиламиз. У - Олий Мутлак Ҳақиқат, Худо Шахси, Парвардигор Кришна-

нинг Ўзи эканини тушуниб олиш лозим. Шунинг учун "Чайтанья Чаритамрита"да Парвардигор Чайтанья ҳақида шундай дейилган: **"Парвардигор Кришна ҳозир ҳар турли беш киёфада намоён бўлган"**. Агар инсон соф эзгулик гунасида бўлмаса, унинг Парвардигор Чайтанья Худонинг Олий Шахси эканини тушуниши жуда кийин. Шу боис Парвардигор Чайтаньяни тушуниб олиш учун инсон Унинг бевосита шогирдлари - олти Госвами изидан, айниқса, Шрила Джива Госвами кўрсатган йўлдан бориши лозим.

Энг ҳайратланарлиси шундаки, Парвардигор Чайтанья Худонинг Олий Шахси бўлган ҳолда, ҳеч қачон Ўзини Кришна киёфасида намоён этмаган. Аксинча, Унинг фаросатли, зийрак содиқлари Унинг Парвардигор Кришна билан бир эканини сезиб қолиб, Унга Парвардигор Кришна деб мурожаат қилган пайтларида, У ҳар гал буни инкор этган. У Унга Парвардигор сифатида мурожаат қилишларига қаршилик кўрсатиб, ҳатто қўллари билан қулоғини бекитиб олган. Бу билан У майавади файласуфларга ўртак кўрсатганки, ҳеч ким ўзини Худо деб эълон қилмаслиги ва бу билан одамларни йўлдан адаштирамаслиги лозим. Бу билан У Ўзининг издошларига билдириб қўйдики, улар ўзларига учратган ҳар қандай зотни Худонинг Олий Шахси деб қабул қилавермаслиги лозим. Буни муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида текшириш ва кимнидир ёки ўзини ўзи Парвардигор деб эълон қилган кишининг ҳатти-ҳаракатларини зимдан кузатиш лозим. Лекин, Парвардигор Чайтанья ва Унинг намоён бўлган беш турли киёфасини оддий инсонлар деб қабул қилмаслик керак. Парвардигор Чайтанья - Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришнанинг Ўзи. Парвардигор Чайтаньянинг гўзаллиги шундаки, У аслида Парвардигор бўла туриб, бу дунёга барча шартланган рухларга қандай қилиб Худога садоқат билан хизмат қилиш кераклигини ўргатиш учун Худонинг буюк содиқ хизматкори бўлиб келган. Қандай қилиб Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали Кришнага эришиш мумкинлигини тушуниш учун шартланган рухлар Парвардигор Чайтанья изидан боришлари лозим. Шундай қилиб, Парвардигорнинг Ўзи шартланган рухларни қандай қилиб Унга Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали яқинлашиш лозимлигини ўргатади.

Парвардигорнинг намоён бўлган беш хил киёфасини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали биз Парвардигор Шри Чайтанья Махапрабху - Мутлак Ҳақиқат эканини, Парвардигор Нитьянанда эса - Олий Мутлак Ҳақиқатнинг бевосита экспансияси эканини тушуниб оламиз. Шунингдек, биз Шри Адвайта Прабху ҳам Худонинг Олий Шахси тоифасига мансуб эканини, лекин Парвардигор Чайтанья ва Парвардигор Нитьянандага нисбатан бўйсунган ҳолатда эканини англаб етамиз. Худонинг Олий Шахсига ва Унинг бўйсунган яқин экспансияларига бошқа икки қувват - ички қувват тимсоли ва оралиқ қувват тимсоли сажда қилади. Ички қувват тимсоли, Гададхара, Парвардигорнинг яқин содиғини ифодалайди, оралиқ қувват тимсоли эса, Худонинг асл содиғини ифодалаган. Уларнинг иккиси ҳам бошқа уч тоифага сиғинади, лекин уларнинг ҳаммаси Худонинг Олий Шахси Шри Чайтанья Махапрабхуга илохий хизмат қилиш билан шуғулланадилар.

Худонинг асл содиқ хизматкори ва Парвардигорнинг яқин содиғи орасида маълум фарқ бор. Парварди-

горнинг турли қувватлари Парвардигор билан турли илоҳий муносабатларда бўлиб Худога хизмат қилиш билан шуғулланади. Улар Парвардигор билан ўзаро ошиғона муҳаббат, ота-оналарча меҳр, дўст ва хизматкор муносабатда бўладилар. Буларни холис таҳлил қилиб шундай хулосага келиш мумкин: Парвардигор билан ошиғона муҳаббат муносабатида турган Унинг ички қуввати барча содиқлар орасида энг аълоси ҳисобланади. Шунинг учун ички қувват бўлган содиқларни ҳам, яқин содиқларни ҳам Олий Мутлақ Ҳақиқатга ошиғона муҳаббат кўпроқ ўзига жалб этади. Улар Парвардигор Чайтаньянинг энг яқин содиқларидир. Маълум даражада Шри Нитьянанда Прабху ва Адвайта Прабхуга боғланган бошқа асл содиқларни Парвардигор Чайтанья билан бўладиган ота-оналарча боғланиш, дўстлик ва хизмат қилиш сингари ўзаро илоҳий муносабатларнинг бошқа турлари жалб этади. Лекин ана шундай содиқлар Парвардигор Чайтанья қилиб юрган амалларга боғланиб қолганида, улар ҳам дарров Парвардигор билан ўзаро ошиғона муҳаббат муносабатда турган яқин содиқларга айланадилар.

Парвардигор Чайтаньядан бошланган устозлар силсиласида турган буюк содиқ ва ачарйя Шри Нароттама дас тхакур ёзган ажойиб бир кўшиқ бор. Унда шундай дейилган: "Қачон менинг бутун вужудим ҳам бир марта Гауранга деган ном товушини эшитган заҳоти илоҳий жазавали лаззатдан титраб кетар экан? Қачон Парвардигорнинг номини бир мартагина тилга олганимда менинг кўзларимдан шашқатор ёшлар оқиб кетар экан? Қачон Парвардигор Нитьянанда менга Ўз марҳаматини кўрсатар экан, қачон моддий лаззатга интилиш туйғуси шунчалик камайиб, мен уларни умуман сезмай қолар эканман? Қачон мен барча моддий лаззатлар иллатидан бутунлай халос бўлиб, покланар эканман? Қачон мен олти Госвамнинг насихатларини ҳаётимнинг энг асосий мазмуни деб қабул қилар эканман? Қачон мен Парвардигор Кришнага ошиғона муҳаббат нима эканини тушуна олар эканман?" Вриндаванлик олти Госвамидан таълим олмай туриб, ҳеч ким Парвардигор Кришнага ошиғона муҳаббат нималигини тушунишга интилмаслиги керак.

Парвардигор Чайтанья бошлаган санкиртана ҳаракати Парвардигорнинг илоҳий эрмагидир. "Мен фақат мана шу ҳаракатни моддий оламда тарғибот қилиш ва тарқатиш учун яшайман". Парвардигор Чайтаньянинг мана шу *санкиртана* ҳаракатида Нитьянанда ва Адвайта Унинг экспансиялари, Гададхара ва Шриваса - Унинг ички ва оралик қувватлари. Тирик мавжудотлар ҳам оралик қувват деб аталадилар, чунки аслида улар ҳар икки ҳолатда ҳам бўла оладилар: Кришнага ўзини топширишлари ҳам мумкин, ўзини Ундан мустақил деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Моддий лаззатларга боғланиб қолгани сабабли тирик мавжудот моддий олам иллатига булганиб қолади. Моддий лаззатланиш истаги тирик мавжудотни енгиб, моддий ҳаёт тўрига илиниб қолганида у моддий тирикчиликнинг уч турли мусибатларнинг қурбони бўлади. У худди ерга ўтказилган уруғликка ўхшайди. Агар уруғлик сувга чўкиб кетса, у ҳосил бермайди. Худди шундай инсон моддий лаззатларга боғланиб қолган бўлса ҳам, ҳатто ана шундай лаззатланиш уруғи шартланган руҳнинг калбига ўтказилган бўлса ҳам, уни Худога муҳаббат

юзасидан кўрсатиладиган илоҳий фаолият сувлари билан кўмиб ташлаш мумкин. Шунда, ҳиссий лаззатларнинг униб чиқмаган уруғи моддий тирикчиликнинг шартланган ҳаётига ҳосил бера олмайди. Бу дунёдаги шартланган руҳлар, айниқса, биз яшаб турган Калиюгада Парвардигор Чайтанья ва Унинг ҳамроҳлари бошлаб берган Худога муҳаббат оқимлари билан кўмилиб кетади.

Бу борада Ҳазрат Прабодхананда Сарасвати каламига мансуб "Шри Чайтанья-чандрарита"да бир шеър бор, унда ёзилганки, дунёвий одамлар ўз оиласини, хотини ва бола-чақасини таъминлаш ниятида куч-қувватини аямай меҳнат қиладилар, шунингдек, сеҳр кудратига эга бўлиш ниятида моддий ҳаёт мусибатларидан озодликка чиқиш ҳақида ҳар хил мулоҳазаларга бориб юрган ва шу мақсадда ҳар хил риёзатларга берилиб юрган файласуфлар бор, лекин, Шри Чайтанья Махапрабхунинг *санкиртана* ҳаракатининг бетакрор лаззатини тотиб кўрган кишилар ана шундай фаолиятларга умуман эътибор бермай кўядилар.

Худонинг Олий Шахси ва Унга садоқат билан хизмат қилиш қандайдир даражада модда билан булганган деб ўйлайдиган кишилар майвадилар деб аталадилар. Уларнинг номукамал фалсафий мулоҳазаларига кўра, моддий оламда фақат шахсиятсиз Брахман мавжуд. Худонинг Олий Шахси ҳақида гап борганда, улар Худо Шахсини *майя*, ташқи моддий қувват келтириб чиқарган деб айтадилар. Улар Парвардигорнинг инкарнациялари ана шу моддий табиат билан булганган деб биладилар. Уларнинг фикрига кўра моддий тана ва модданинг бир тирик мавжудотни бошқа тирик мавжудотдан ажратиб турадиган фаолияти - ҳаммаси шунчаки модданинг намоён бўлган кўринишлари, озодликка эришиш эса, уларнинг назарида алоҳида шахс сифатида мавжуд бўлишдан халос бўлишни, яъни пок тирик мавжудот бўлишни англалади. Бошқача қилиб айтганда, майвадилар айтадиларки, тирик мавжудот озодликка эришгандан кейин олий шахсиятсиз Брахман билан кўшилиб, бир бўлиб кетади. Ана шу фалсафага кўра, Худо Шахси Унинг даргоҳи, Унга садоқат билан хизмат қилиш ва Унинг бахтиёр содиқлари - ҳаммаси *майя*, алданиш домига тушиб қолганлар, демак, буларнинг ҳаммаси моддий шартланганликдир. Парвардигорнинг илоҳий табиатини, Унинг даргоҳини, Унга садоқат билан хизмат қилишни ва Унинг содиқларини эсдан чиқарган киши буларнинг ҳаммасини "модда фаолиятининг намоён бўлиши" деб билади. Илоҳий Зот ҳақида бахслашиш ёки фикр-мулоҳаза юритиш мумкин деб ҳисоблайдиган киши агностик деб аталади, ана шундай одам Илоҳий Зотни коралаш мумкин деб ўйласа, уни атеист деб атайдилар. Парвардигор Чайтанья ҳар хил агностикларни, атеистларни, гумонсираб юрганларни ва имонсизларни тўплаб, уларни Худога муҳаббат оқимига ғарқ қилишни истаган эди. Ана шу зотларнинг ҳаммасини Ўзига жалб этиш учун У таркидунёлик турмуш тарзини қабул қилди.

Парвардигор Чайтанья 24 ёшигача оилали турмуш кечирди, 26 ёшида У таркидунёлик турмуш тарзини қабул қилди. Саннийаси қабул қилгандан кейин У кўплаб саннийасиларни Ўзига жалб қилди. Парвардигор Чайтанья оилали киши сифатида *санкиртана* ҳаракатини тарқатганида кўплаб саннийаси-майвадилар

Унинг бу ҳаракатини жиддий қабул қилмадилар, лекин Парвардигор *саннийаси* қабул қилгандан кейин жуда кўп одамларни, фалсафий изланишларга берилган талабаларни, беъмани танқидга берилиб кетган атеистларни, кармали фаолиятга берилиб кетган дунёвий кишиларни озодликка чиқарди. Парвардигор шунчалик марҳаматли эдики, ана шу одамларнинг ҳаммасини қабул қилиб, уларнинг ҳаммасига энг муҳим, бутун оламда энг нодир неъмат - Худога муҳаббат туйғусини инъом этди.

Ўзининг олдида қўйган вазифасини - шартланган рухларга Худога муҳаббат туйғусини улашиш ниятида Парвардигор Чайтанья Худога муҳаббат изламай юрган одамларни жалб этиш учун кўплаб усулларни ўйлаб топди. У таркидунёлик турмуш-тарзини қабул қилгандан кейин барча агностиклар, скептиклар, атеистлар ва сафсатабозлар Унинг шогирдлари ва издошларига айландилар. Ҳатто индуизмни тан олмайдиган ва ведавий урф-одатларга амал қилмайдиган кишилар ҳам Парвардигор Чайтаньяни олий руҳий устоз сифатида тан олдилар. Шри Чайтанья Махапрабхунинг марҳаматини фақат Банорас мактабининг *майавади* файласуфлари қабул қилмадилар. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Тхакур ана шу файласуфларнинг ачинарли ҳолатини шундай таърифлайди: "Банораслик майавади-файласуфлар калтафаҳм одамлар эдилар, чунки улар ҳамма нарсани ўзларининг сезгиларига ишониб, калта ақли билан ўлчашни истардилар. Бизлар ҳамма нарсани моддий сезгиларимиз ёрдамида қабул қилиб билиб оламиз. Мутлақ Ҳақиқат илоҳий табиатга эга. Уларнинг фикрига кўра илоҳийликда ранг-баранглик йўқ, ранг-баранглик бўлган жой - *майа*, алданиш".

Чайтанья Махапрабху даврида Саранатхалик майавади-файласуфлар деб аталадиган имперсоналистлар ҳам бор эди. Саранатха - Банорас яқинидаги жой, у ерда одатда буддистлар яшаган. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам у жойда буддист-майавадиларнинг ступларини учратиш мумкин. Саранатхалик майавадилар Брахманнинг шахсиятсиз кўринишини қабул қиладиган имперсоналистлардан фарқ қиладилар. Уларнинг фикрига кўра руҳий олам умуман мавжуд эмас. Банораслик файласуфлар ҳам, Саранатхалик файласуфлар ҳам моддий табиат тўрларига илиниб қолган. Аслида уларнинг бирортаси Мутлақ Илоҳий Зотнинг табиатини билмайдилар. Ведавий муқаддас китобларни юзаки қабул қилиб, ўзларини илоҳиёт одамлари деб ҳисоблаган ҳолда Банораслик файласуфлар руҳий олам ранг-баранглигини тан олмайдилар. Улар Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида илмга эга бўлмагани сабабли, уларни имонсизлар, яъни Худога садоқат билан хизмат қилишга қарши одамлар деб атайдилар.

Имперсоналистлар Худонинг Олий Шахси ва Унинг содиқлари ҳақида мулоҳаза юритиб, уларни бевосита сезгилар орқали қабул қиладиган тажрибалар асосида тажриба қилиб ўрганадилар. **Лекин Парвардигор, Унинг содиқ хизматкори ва Худога садоқат билан хизмат қилиш - бевосита моддий сезгилар билан қабул қилиб ёки текшириб бўладиган нарсалар эмас.** Бошқача қилиб айтганда, майавади-файласуфлар руҳий ранг-баранглик нималигини билмайдилар. Шунинг учун, майавади-файласуфларнинг ҳаммаси ва саннийасилар Парвардигор Чайтанья Ўзининг *санкиртана* ҳаракатини тарқатганида Уни

танқид қилдилар. Лекин улар Парвардигор Чайтанья Кешава Бхаратадан саннийаси қабул қилганини кўриб хайрон бўлдилар, чунки Кешава Бхарата *майавади* мактабига мансуб бўлган *саннийаси* эди. Парвардигор Чайтанья ҳам саннийаси-майавадилар мактабига мансуб *саннийаси* бўлгани учун майавадилар У одатдагидай Ведантани ўқиш ва тинглаш ўрнига кўшиқ куйлаб рақсга тушиб юганини кўриб хайратга тушган эдилар. Майавади-файласуфлар "Веданта-сутра"ни жуда ёқтирадилар ва уни ўзларига мос кўринишда талқин қиладилар. Ўзларининг фикр-мулоҳазаларини чуқурроқ таҳлил қилиш ўрнига улар Парвардигор Чайтаньяни ишониш мумкин бўлмаган *саннийаси*, хис-туйғуларга берилиб югани учун Уни ҳақиқий *саннийаси* деб бўлмади, деб танқид қилардилар. Уларнинг қўяётган айблари ҳақида Парвардигор Чайтаньяга У Банорасда бўлган пайтида гапириб бердилар, лекин У бундан сира хайрон бўлмади. У ҳатто Ўзи ҳақида бундай янгиликларни эшитиб, кулиб қўярди. У саннийаси-майавадилар билан ҳамсуҳбат бўлмас, Ўзини улардан узоқ тугар ва Ўзининг олдида қўйган вазифани ижро этишда давом этарди.

## 18-боб.

### Пракашананда билан бўлиб ўтган суҳбат

Саннийаси-майавадиларнинг қонун-қоидаларига кўра куйлаш, рақсга тушиш, мусиқа асбобларида куй чалиш таъқиқланган, чунки улар гуноҳ ишлар ҳисобланади. Майавади-саннийасилар фақат "Веданта-сутра"ни ўрганиш билан шуғулланиши лозим. Шунинг учун саннийаси-майавадилар Парвардигор Чайтанья мусиқа асбобларида куй чалиб, рақсга тушиб, ҳаммиша Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре/Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре деб куйлаб юганини кўриб, Уни илмсиз, Ўзи хис-туйғуларга берилган бўлгани учун издошларини нотўғри йўлга бошлаб юрибди, деган қарорга келдилар. Шанкарачарья саннийасиларга ҳаммиша "Веданта-сутра"ни ўрганиш билан машғул бўлишни ва битта либосдан бошқа бирор нарсага эғалик қилмасликни буюрган. Парвардигор Чайтанья расман "Веданта-сутра"ни ўрганмагани, куйлаш ва рақсга тушишини тақр этмагани учун, Банорасдаги барча саннийасилар ва уларнинг оилали издошлари Уни танқид қилардилар.

Шогирдлари ва издошлари Унга уларнинг бундай танқидлари ҳақида хабар келтирганда, У шунчаки кулиб қўйди ва Матхурага ва Вриндаванга йўл олди. Парвардигор Матхурадан Жаганнатха Пурига келаётиб, яна Банорасга келганида Чандрашекаранинг уйида меҳмон бўлди, у бировнинг кўлида ишлагани учун *шудра* ҳисобланарди. Лекин шунга қарамай Парвардигор Чайтанья унинг уйида меҳмон бўлди. Парвардигор Чайтанья брахманлар билан шудраларни бир хилда қабул қиларди; У қалби пок самимий инсонларнинг ҳаммасини қабул қиларди. Одатга кўра *саннийаси* фақат брахманларнинг уйдан бошпана ва озиқ-овқат топиши мумкин, аммо Чайтанья Махапрабху мутлақо мустақил Худонинг Олий Шахси бўлгани учун Ўзи истаган ишни



киларди, шунинг учун У Чандрашекхаранинг уйида меҳмон бўлди.

Ўша даврда браҳманлар ўзларининг обрўсини суистеъмом қилиб, *браҳман* оиласида туғилмаган кишиларнинг ҳаммаси *шудра* ҳисобланади деган қонун қабул қилдилар, шу боис ҳатто кшатрийлар ва вайдйалар ҳам *шудра* ҳисобланардилар. Вайдйалар браҳманларнинг *шудра* аёлдан бўлган фарзандлари бўлгани сабаблибаъзан уларни шудралар деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун *ваидья* оиласида туғилган Чандрашекхара Ачарйани Банорасликлар *шудра* деб билардилар. Парвардигор Чайтанья Банорасда пайтида Чандрашекхаранинг уйида қолиб, Тапанамешранинг уйдан овқатланиб юрди.

Парвардигор Чайтаньяни Банорасда учратиб, Санатана Госвами У билан икки ой давомида тинимсиз учрашиб, Ундан Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларини амалда қўллаш йўлларини ўрганди. Парвардигор Чайтаньянинг Санатана Госвамига берган насиҳатлари ҳақида ушбу китобнинг биринчи қисмида баён этилган. Шундан кейин Парвардигор Санатана Госвамига "Шримад Бхагаватам" таълимотини ва Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларини тарғибот қилиб тарқатишни буюрди. Айнан ўша пайтда Тапанамешра ва Чандрашекхара Ачарйа, маҳаллий санньясиларнинг Шри Чайтанья Махапрабхуга душманларча муносабатда бўлаётганидан ҳафсаласи пир бўлиб, Унинг олдига келдилар ва Ундан санньяси-майвадилар билан учрашишни илтимос қилдилар.

"Санньясиларнинг Сен ҳақингда гапираётган бемаҳни гапларини тинглаш бизлар учун жуда оғир, - деди улар Парвардигор Чайтаньяга, - биз бунга ортиқ чидаб тура олмаймиз". Улар Парвардигордан бундай танқидларни бартараф этишнинг бирор чорасини топишни илтимос қилдилар. Шу пайт Парвардигор Чайтаньянинг олдига бир браҳман келиб Уни уйига таклиф қилди. Уни кига Чайтанья Махапрабхудан бошқа барча санньяси-майвадилар таклиф қилинган бўлиб, браҳман Чайтанья Махапрабхуни ҳам таклиф қилгани келганди. Чайтанья Махапрабху санньяси-майвадилар билан учрашмаслигини билган браҳман Унинг пойи қадамларига йиқилиб, илтимос қилди: "Сен ҳеч кимнинг таклифини қабул қилмаслигингни яхши биламан. Лекин барибир, Сендан меникига келиб бошқа санньясилар билан бирга прасад қабул қилишингни илтимос қиламан. Агар Сен таклифимни қабул қилсанг, менга энг буюк илтифот кўрсатган бўласан, деб биламан".

Парвардигор бу имкониятдан фойдаланиб, санньяси-майвадилар билан учрашиш учун браҳманнинг таклифини қабул қилди. Аслида буни Парвардигорнинг Ўзи уюштирган эди. Уни таклиф қилган браҳман Чайтанья Махапрабху ҳеч кимнинг таклифини қабул қилмаслигини жуда яхши биларди, лекин шунга қарамай негадир қалбида барибир Уни уйига таклиф қилиб кўришни жуда-жуда истаган эди.

Эртаси куни Парвардигор браҳманнинг уйига борди ва санньяси-майвадиларнинг ҳаммаси аллақачон шу ерга тўпланиб ўтирганини кўрди. У одатга кўра уларга хурмат-эҳтиром кўрсатди ва оёғини ювиш учун сув бўйига келди. Оёғини ювиб бўлиб, У санньяси-майвадилардан узоқроқда, оёқ ювадиган жойга яқин ерга ўтириб олди. Шу ерда ўтирар экан, санньяси-майвадилар Ундан кўзни қамаштирадиган

даражада кучли ёғду таралиб турганини кўрдилар. Ана шу порлаб турган ёғдудан ҳайратга тушган санньяси-майвадилар ўринларидан туриб Унга хурмат-эҳтиром кўрсатдилар. Уларнинг орасида Пракашананда Сарасвати деган санньяси, барча санньяси-имперсоналистларнинг сардори ҳам бор эди. У жуда камтарин ҳолда Чайтанья Махапрабхуга мурожаат қилиб, Уни ўзларининг даврасига таклиф қилди: "Эй азиз Хукмдорим, нимага Сен бу нопок жойда ўтирибсан? - деди у, - Илтимос, бу ёққа кел, бизлар билан бирга ўтир".

"О, Мен Мен санньясиларнинг энг паст тоифасига мансубман - деди Парвардигор Чайтанья, - шунинг учун Мен сизлар билан бирга ўтирмаслигим керак. Менга шу ерда ўтиришга рухсат беринг".

Шундай билимдон кишидан бундай гапларни эшитиб, Пракашананда хайрон бўлди. У Парвардигорнинг кўлидан ушлаб, Ундан келиб унинг ёнига ўтиришни илтимос қилди. Ниҳоят Парвардигор Чайтанья уларнинг даврасига келиб ўтиргандан кейин Пракашананда Сарасвати шундай деди: "Менимча, Сенинг исминг Шри Кришна Чайтанья, билишимча Сен ҳам бизларнинг *майвади* мактабига мансубсан, чунки Сен Шанкарачарйа сампрадаёсидаги Кешава Бхаратадан *санньяси* фотиҳасини олгансан?"

Шанкара мактабининг санньясилари ўн турли номдан бирига эга бўладилар. Улардан энг илмли ва билимдон ҳисобланган уч турига (Гиртха, Ашрама ва Сарасвати) *санньяси* унвони берилади. Парвардигор Чайтанья ваишнав сифатида табиатан итоаткор ва камтар эди, шунинг учун даврадаги энг хурматли жойни Сарасвати сампрадаёсига мансуб бўлган Пракашананда Сарасватига берганди. Шанкара қоидаларига кўра Бхарати мактабига мансуб Браҳмачариларни Чайтанья деб атайдилар. Шри Кришна Чайтанья Махапрабху санньяси қабул қилган бўлса ҳам, Ўзининг *Браҳмачари* номида қолган, Бхарати унвонини олмаган эди.

"Шундай қилиб, эй Хукмдорим, - давом этди Пракашананда Сарасвати - Сен бизларнинг Шанкара мактабига мансубсан, Банорасда яшайсан, шунга қарамай, нимага ҳамиша бизлардан Ўзингни олиб қочасан? Бунинг сабаби нимада? Яна бир гап. Сен санньясисан, сен фақат "Веданта-сутра"ни ўрганиб яшашинг керак, лекин кўриб юрибмизки, бунинг ўрнига Сен мусиқа чалиш, рақсга тушиш ва кўшиқ қуйлаш билан машғулсан. Бунинг сабаби нимада? Бундай ишлар билан фақат ҳис-туйғуга берилган, сезгиларини жиловлай олмайдиган одамлар шуғулланардилар, лекин Сен - ҳақиқий санньясисан. Нимага Сен "Веданта-сутра"ни ўрганиш билан шуғулланмайсан? Сендан худди Худо Шахси, Парвардигор Нарайананики сингари кучли ёғду таралиб турибди. Бизлар нимага Сен бундай ишлар билан машғул бўлиб юрганингни билишни истардик".

"Эй хукмдорим, руҳий устозим Мени тузалмас телба деб атаган - деди Парвардигор Чайтанья, - шунинг учун у Мени жазолаш учун Менга: "Нодон бўлганинг учун Сен "Веданта-сутра"ни ўрганишга қодир эмассан" - деди. Бунинг ўрнига у Менга мана шу мантрани такрорлашни буюрди: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Кейин руҳий устозим Сенга шундай деди: **"Ҳамиша Ҳаре Кришна мантрани такрорлаб**

**юр! Шунда Сен ҳар жиҳатдан комил инсон бўлиб етишасан".**

Аслини олганда Парвардигор Чайтанья телба ҳам эмасди, Веданта фалсафаси бўйича илмсиз ҳам эмасди. Унинг мақсади ҳозирги одамларга руҳий юксалиш йўлида каттиқ риёзатлар орқали ўтмаган тажрибасиз нодонлар, шунчаки, эрмак учун "Веданта-сутра"ни ўрганишга қўл урмасликлари кераклигини эслатиб қўйиш эди. "Шикшаштака"да Парвардигор Чайтанья ёзганки, инсон ўзининг ақлини ҳамиша камтарин ҳолда тутиши, ўзини йўлда ётган ҳасдан ҳам паст деб билиши, дарахтдан ҳам сабрлироқ бўлиши, қалбида бошқалардан ўзига салгина бўлса ҳам илтифот кутмаслиги ва бошқаларга илтифот кўрсатишга ҳамиша тайёр туриши лозим. Фақат ақлнинг ана шундай ҳолатидагина Веданта фалсафасини ёки Худонинг муқаддас номларини бетиним такрорлаб юриш мумкин. Шунингдек, Парвардигор бу билан таъкидламоқчи эдики, илоҳий илмни жиддий ўрганиб юрган киши руҳий устозининг ҳар қандай кўрсатмасига амал қилиши лозим. Руҳий устозига Парвардигор Чайтанья худди нодондай бўлиб кўринди, шунинг учун руҳий устози Унга "Веданта-сутра"ни ўрганишга берилиб кетмасликни, бунинг ўрнига фақат ҳамиша Харе Кришна мантрани такрорлаб юришни буюрди. Парвардигор Чайтанья руҳий устозининг ана шу кўрсатмасига сўзсиз амал қилиб юрди. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор Чайтанья майвадиларни ҳақиқий **руҳий устознинг барча кўрсатмаларига амал қилиб яшаш лозимлигига** ишонтирди. Шунда инсон ҳар жиҳатдан комил инсон бўлиб етиша олади.

"Веданта-сутра"да айтилганки, Ведалар илмининг якуний хулосаси Кришнани тушуниб етишдан ибора. "Барча ведаларнинг мақсади - Мени билиш. Аслида, Мен - Ведаларни яратган ва уларни билгувчи Зотман" (Бг.15.15). Ведантани ҳақиқатан ҳам тўғри тушуниб етган киши Кришнани ва У билан ўзи орасидаги ўзаро муносабатларни англаб етади. **Кришнани тушунган киши - ҳамма нарсани тушунади. Кришнани англаб етган киши ҳамиша Кришнага илоҳий хизмат қилиш билан банд бўлади.** Бу ҳақиқатни "Бҳагавад-гита"да Парвардигорнинг Ўзи тасдиқлайди(10.8): "**Мен - барча руҳий ва моддий оламларнинг манбаи ман. Ҳамма нарса Мендан чиқади, шунинг мукаммал билган донишмандлар Менга садоқат билан хизмат қиладилар ва бутун қалби билан Менга синадилар**".

Тирик мавжудот ҳамиша Кришна билан ўзаро хизматкор ва хўжайин муносабатида бўлади. Шунинг тушуниш лозимки, агар ҳали инсоннинг шундай хизмати бўлмаса, яъни, ҳали у Кришна онгида юрган бўлмаса, шунчаки "Веданта-сутра"ни ўрганишнинг ўзи етарли эмас. Тушуниш лозимки, инсон ҳали Кришнани тушунмаса, ёки Унга илоҳий хизмат қилиб юрмаган бўлса, у "Веданта-сутра"ни ўрганишга ва Худонинг Олий Шахсини англаб етишга қарши юрган бўлади. "Веданта-сутра"ни ўрганиш учун ҳамма Парвардигор Чайтанья кўрсатган йўлни танлаши лозим. Ўзининг билимдонлиги билан фахрланиб юрган, камтарликдан йироқ мағрур одам ҳақиқий руҳий устоз паноҳига киришга интилмайди. У менга руҳий устознинг кераги йўқ, ўз кучим билан ҳам руҳий баркамоллик чўққисига эриша оламан деб ўйлайди. Ундай одам "Веданта-

сутра"ни ўрганишга қодир эмас. Моддий қувватнинг ранг-баранглигига махлиё бўлиб қолган кишилар шогирдлар силсиласининг кўрсатмаларига амал қилмайдилар, аксинча, ўзлари бирор янгилик ўйлаб топишга интиладилар, шундай қилиб, "Веданта-сутра"ни ўрганиш йўлидан четга чиқиб кетадилар. Ҳақиқий руҳий устоз ҳамиша ана шундай мустақил фикрлайдиган файласуфларни қоралаши лозим. Агар ҳақиқий руҳий устоз шогирднинг аҳмоқлигини очик айтса, буни ҳақиқатан ҳам шундай деб ҳисобламаслик керак.

Худо ҳақидаги илмдан мутлақо беҳабар киши илмли, олим деб ҳисобланмаслиги керак. Кришна онгида бўлмаган ҳар қандай киши маълум даражада нодон одамдир. Баъзан бизнинг нодонлигимиз чаласавод кишини ўзимизга руҳий устоз қилиб олишимизда намоён бўлади. Нилуфар қадамлари пойига барча Ведалар сажда қиладиган **Худонинг Олий Шахсини тушуниб етиш - бизнинг асосий бурчимиз.** Уни англаб етмаган, лекин "Веданта-сутра"ни тушунаман, деб ҳисоблайдиган киши - нодонларнинг биринчисидир. Худодан ажралган ҳолда дунёвий илмларни ўрганишга уриниш нодонликнинг яна бир тури. Токи инсон бутун космик олам аслида моддий табиатнинг уч гунасининг бирикмаси эканини тушунишга қодир бўлмагунча уни бу моддий оламнинг зиддиятлари тўрига илиниб қолган ва адашган киши деб билиш лозим. Веданта илмини мукаммал биладиган киши бутун космик оламнинг эгаси ва ҳукмдори бўлган Парвардигорнинг содиқ хизматкори бўлади. Токи инсон чекланган нарсаларга хизмат қилишга нисбатан илоҳий поғонага қўтарилмас экан, у "Веданта-сутра" илмини эгаллаб олмайди.

Токи инсон кармали фаолиятнинг чекланган доирасида юрар экан ёки куруқ фалсафий изланишлар билан шуғулланар экан, балки у "Веданта-сутра"нинг назарий илмини ўрганишга ва уни бошқаларга ўргатишга қодир бўлар, лекин у Парвардигорнинг илоҳий товуш тебранишлари кўринишидаги мангу олий қиёфасини англаб ета олмайди - Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре/Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Лекин, Харе Кришна илоҳий товуш тебранишларини такрорлашда баркамолликка эришган киши "Веданта-сутра" фалсафасини алоҳида ўрганиб юриши шарт эмас. Ҳақиқий руҳий устоз Чайтанья Махапрабху таълимотига кўра, ана шу илоҳий товуш тебранишларини Парвардигордан фарқ қилади деб биладиган ва майвади-файласуф ёки "Веданта-сутра" билимдони бўлишга интилиб юрган кишилар - шунчаки ақлсиз одамлардир. Ўз кучи билан "Веданта-сутра"ни ўрганиш - нодонликнинг яна бир тури. Лекин, илоҳий товуш тебранишларининг мазасини тотиб, ҳис қилиб кўрган киши ҳақиқатан ҳам "Веданта-сутра"ни ўрганишнинг мақсадига эришган бўлади. Бу борада "Шримад Бҳагаватам"да келтирилган икки шеър жуда ўринли. Улардан бирида айтилганки, агар куйи табақадан чиққан пасткаш одам илоҳий товушлар(Ҳаре Кришна мантраси)ни такрорлаб юрган бўлса, демак, тушуниш лозимки, у аввал барча курбонлик маросимлари ва риёзатларни, таркидунёликни бошидан ўтказган ҳамда барча "Брахма-сутра"ларни ўрганиб чиққан. Фақат шулар шарофати билан у ҳозир Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишга қодир бўлган:

Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Яна бир шеърнинг мазмуни шундан иборатки, мана шу икки Ха-ри бўғинни такрорлаб юрган кишини барча Ведаларни Риг-, Атхарва-, Йаджур- ва Сама-ведаларни ўрганиб чиққан деб ҳисоблаш лозим. Аксинча, ўзини Кришнанинг содиқлари деб ҳисоблайдиган одамлар борки, улар "Веданта-сутра" Худонинг содиқлари учун мўлжаллан-маган деб ҳисоблайдилар. Улар ўзларининг ғофиллиги сабабли Худонинг асл содиқлари ҳамиша фақат "Веданта-сутра"га таянишларини билмайдилар. Вайшнавларнинг тўрт сампрадайасида турган буюк ачарйаларнинг ҳаммаси "Веданта-сутра"га изоҳ ёзганлар, аммо *пракрита-сахаджийа* деб аталадиган сохта содиқлар "Веданта-сутра"ни ўрганишдан қочадилар, Худонинг асл содиқларини ва вайшнавларнинг ачарйаларини куруқ файласуфлар ва дунёвий одамлар деб биладилар. Натижада улар ўзлари *майавади* қармоғига илиниб Худога садоқат билан хизмат қилишни тарк этиб кетадилар.

"Веданта-сутра"ни дунёвий усуллар ёрдамида назарий жиҳатдан ўрганиш ҳеч қачон инсонга илоҳий товуш тебранишларининг аҳамиятини тушунишга ёрдам бера олмайди. Худодан ажралган ҳолда илм ўрганишга алданиб юрган кишилар - "мен", "менга", "меники" деган гапларнинг асл маъносини тушунмайдиган ва бутунлай адашиб юрган шартланган руҳлардир. Натижада улар ўзларининг ақлини ташқи қувватдан ажратиб ололмайдилар. Инсон ҳақиқатан ҳам илоҳий илмга эга бўлганида у ҳар қандай зиддиятлардан халос бўлади ва Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қила бошлайди. Худога хизмат қилиш - инсонга моддий фаолиятга боғланиш туйғусидан халос бўлиш имкониятини берадиган ягона йўлдир. Ҳақиқий руҳий устоздан муносиб равишда фотиҳа олган ва Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре мантрасини такрорлаб юрган киши аста-секин "мен" ва "меники" деган тушунчалардан халос бўлади ва Парвардигор билан ўзаро беш турли муносабат(раса)ларнинг бирида калбида Унга садоқат билан хизмат қилишга боғланиш туйғусини ривожлантиради. Шунда унинг қандайдир грамматик қоидаларга амал қилиб юришига ҳожат қолмайди. Бундан кўра у кўпроқ Парвардигорга шундай илтижо билан мурожаат қилишни афзал билади: "Ҳаре Кришна - эй азиз Худойим, эй Худонинг қуввати, илтимос, мени Ўзингга хизмат қилиш билан машғул эт!"

Буларнинг ҳаммасини Парвардигор Чайтанья Ўзининг руҳий устозидан эшитганини айтиб, Пракашананда Сарасватига тушунтириб берди. У Пракашананда Сарасватига айтдики, Унинг руҳий устози Унга "Шримад Бхагаватам" - "Веданта-сутра"нинг табиий изоҳи эканини, буни "Шримад Бхагаватам"нинг муаллифи Вйасадеванинг ўзи ҳам тасдиқлашини тушунтирган.

Шогирд Худонинг муқаддас номи билан Парвардигор аслида бир эканини тушуниб етган бўлса, уни баркамолликка эришган деб ҳисоблаш керак. Ҳақиқатни англаб етган руҳий устознинг раҳнамолигисиз унинг эришган Худо ҳақидаги илми шунчаки нодонликдир. Лекин, илоҳий табиатли Парвардигорни хизмат қилиш ва садоқат ёрдамида тўлиқ англаб етиш мумкин. Парвардигор Чайтанья Ҳаре Кришна мантра-

сини ҳақоратларсиз такрорлаганида айтганки, мантра шартланган руҳни бир пасда моддий иллатлардан поклай олади. Ҳозирги Кали-юга даврида маха-мантрани такрорлашдан бошқа ҳеч қандай усул инсонни ана шундай натижага олиб кела олмайди. Барча ведавий муқаддас китобларнинг мазмуни Парвардигор Кришнанинг ана шу муқаддас номларини зикр қилишда жамланган: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Парвардигор Чайтанья яна Пракашананда Сарасватига шундай деди: **"Маха-мантра зикр қилиш - барча ведавий муқаддас китобларнинг мазмуни эканига Мени ишонтириш учун руҳий устозим Менга "Брихан-нарадия Пурана"дан бир шеърни кўрсатди(38.126):**

*Харер нама харер нама харер намаива кевалам калау насти эва насти эва насти эва гатир аниятха,* яъни, **"Ҳозирги жанжаллар ва иккиозламлилик даври бўлган Кали югада руҳий озодликка эришишнинг ягона йўли Худонинг муқаддас номларини қуйлашдир. Бунинг бошқа йўли йўқ. Бошқа йўли йўқ."**

Мавжуд тўрт даврнинг уч даврида(Сатъя, Трета ва Двапара-юга) одамлар шогирдлар силсиласи бўйича илм ўрганиб илоҳий мавзунини тушуниш учун етарлича тақводор бўлганлар. Лекин ҳозирги даврда, одамлар шогирдлар силсиласи билан умуман кизикмайдилар. Бунинг ўрнига улар ўзлари кўплаб мантикий далиллар ва исботлар ўйлаб топишга уринадилар. Олий илоҳий Зотни ҳар ким алоҳида ўрганадиган бу усул(пастдан юқорига қаратилган усул) Ведаларда маъқулланмайди. Мутлақ Ҳақиқат илми инсонга мутлақ оламдан тушиб келиши лозим. Мутлақ Ҳақиқат пастдан юқорига борадиган усул билан англаб етишнинг иложи йўқ. Парвардигорнинг муқаддас номи - Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре - илоҳий товуш тебранишларидир, чунки у илоҳий оламдан, Кришнанинг олий даргоҳидан келган. Кришна билан Унинг номи бир биридан фарқ қилмагани сабабли Кришнанинг муқаддас номи ҳам Кришнанинг Ўзи сингари пок, мутлақ ва эркин. Дунёвий олимлар қўлланадиган мантиқ ва бошқа далиллар билан Худонинг муқаддас номининг илоҳий табиатини тушуниб етишнинг иложи йўқ. Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре мантрасининг илоҳий табиатини тушунишнинг ягона йўли - бу номларни чуқур ишонч ва садоқат билан такрорлаш ҳисобланади. Муқаддас номни ана шундай такрорлаш инсонни кўпол ва нафис таналар таъсири остида юзага келадиган ўзини моддага сохта қиёслашлардан поклайди.

Ҳозирги мантиқ, исбот ва келишмовчилик даврида Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш инсоннинг руҳий юксалишига ёрдам берадиган ягона воситадир. Шартланган руҳни фақат мана шу илоҳий товуш тебранишлари озодликка чиқара олишга қодир бўлгани учун у бутун "Веданта-сутра"нинг мазмун-моҳияти ҳисобланади. Моддий тушунчаларга кўра шахснинг номи, қиёфаси, сифатлари, туйғулари ва ҳаракатлари шахснинг ўзидан фарқ қилади. Лекин, бу чеклашлар илоҳий тебранишларга тааллуқли эмас, чунки улар руҳий оламдан келади. Руҳий оламда

шахнинг ўзи билан унинг сифатлари орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Лекин моддий оламда албатта улар бир биридан фарқ қилади. Майавади файласуфлар шуни тушуна олмаганлари учун улар бу илохий товуш тебранишларини такрорлай олмайдилар.

Кейин Парвардигор Чайтанья Пракашананда Сарасватига айтдики, руҳий устозидан ана шундай буйруқ олгандан кейин, У тинмасдан такрорлай бошлади: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. "Ҳаре Кришна мантрасини узлуксиз, мунтазам зикр қилиб юришим натижасида - деди Парвардигор, - Мен баъзан жуда нотинч бўлиб қоламан, Мени ё қулиш ва рақсга тушиш ё йиғлаш ва қуйлаш истаги қамраб олади. Ҳақиқатан ҳам ана шундай пайтларда Мен худди телбага ўхшаб қоламан. Бу Менга жуда ғалати кўринди, шунда ўйланиб қолдим: "Мен Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш билан ақлдан озиб қолмадиммикан? Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре". Кейин Мен руҳий устозимга мурожаат қилиб айтдимки, Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре мантрасини зикр қилиш билан Мен ақлдан озиб қолдим. Кейин ундан аслида Менга нима бўлганини тушунтириб беришни илтимос қилдим".

"Нарада-панчаратра"да шундай дейилган:

*эшо ведах шад-ангани чхандамси вивидих сурах  
сарвам аштакшарантахстхам йач чанйад апи ванмайам  
сарва-веданта-сарартхаҳ самсарарнава-таранаҳ*

**"Барча ведавий урф-одатлар, мантралар ва барча ведавий илмлар мана шу саккиз иборада мужассам: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре".** "Калисантарана Упанишад"да шундай дейилган:

Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна,  
Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре  
Ҳаре Рама, Ҳаре Рама,  
Рама Рама Ҳаре Ҳаре

*ити шодашакам намнам  
кали-калмаша-нашанам  
натах паратаропайах  
сарва-ведешу дришйате*

**"Мана шу 16 ибора - Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре - атайлаб Кали юганинг салбий таъсирига қарши туриш учун мўлжалланган. Кали бюганинг зарарли иллатларига қарши туриш учун мана шу 16 иборани такрорлашдан яхшироқ йўл йўқ".**

Парвардигор Чайтанья Пракашананда Сарасватига айтдики, руҳий устози Унинг гапларини тинглаб туриб шундай деди: "Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре - Худонинг муқаддас номларининг илохий табиати шундай - улар инсонни илохий телба қилиб қўяди. Мана шу муқаддас номларни самимий зикр қилиб юрган киши тез вақт ичида қалбига Худога муҳаббатга эришади ва шу муҳаббат жинниси бўлиб қолади. Худога муҳаббатга асосланган ана шу телбалик инсон ҳаётининг олий баркамолликка эришиш йўлидаги биринчи босқичидир".

Одамлар асосан (дхарма)тақводорлик, (арт-ха)моддий тараққиёт, (кама)ҳиссий лаззатланиш ва (мокша)озодликка чиқишга интиладилар, лекин Худога муҳаббат буларнинг ҳаммасидан устун туради. Ҳақиқий руҳий устоз Худонинг муқаддас номларини зикр қилади: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре, кейин мана шу илохий товуш тебранишлари шогирдининг қулоғига қиради. Агар шогирд руҳий устозининг изидан бораётган бўлса ва у ҳам муқаддас номларни худди шундай эҳтиром билан зикр қилиб юрган бўлса, у ҳам албатта илохий номга сиғина бошлайди. Содик хизматкор Худонинг муқаддас номига сиғина бошлаганида, муқаддас номнинг ўзи содиқнинг қалбида ўзининг шон-шухратини тарата бошлайди. Содик муқаддас номнинг илохий товуш тебранишларини такрорлашда баркамолликка эришганида, унинг ўзи руҳий устоз бўлишга ва бутун олам аҳлини озодликка чиқаришга қодир бўлади. Худонинг муқаддас номларини такрорлаш шунчалик қудратлики, у аста-секин жаҳондаги ҳамма нарса устидан ўзининг ҳукмронлигини ўрнатади. Уни такрорлаб юрган содик илохий жазавали лаззатга фарқ бўлади, ана шу экстаз туфайли у ё қулади, ё йиғлайди, ё рақсга туша бошлайди. **Баъзан калтафаҳм, бекфаросат одамлар ана шу маха-мантрани зикр қилишга тўсқинлик қилдилар, лекин қалбида Худога муҳаббатга эришган киши Парвардигорнинг бу муқаддас номини баланд овозда баралла такрорлаб юради ва уларни излаб юрган омадли одамларга тарқатаверади.** Бунинг натижасида жаҳондаги ҳар бир одам Худонинг муқаддас номларини зикр қилишга фотиҳа олган бўлади - Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Парвардигор Кришнанинг муқаддас номларини тинглаш ва қуйлаш ёрдамида инсон Парвардигор Кришнанинг қиёфаларини ва сифатларини эслаб юра олади.

## 19-боб.

### Пракашананда билан бўлиб ўтган суҳбатнинг давоми.

Кришнанинг шахси билан Унинг номи бир биридан фарқ қилмаслигини тушуниб етиш натижасида юзага келадиган Кришнага илохий жазавали лаззат билан боғланиш туйғуси *бхава* деб аталади. *Бхава* ҳолатига эришган киши, шубҳасиз, моддий табиат иллатига булганмаган бўлади. *Бхава* хоалти унга ҳақиқий илохий лаззат келтиради, бхаванинг кучайиб кетган ҳолати Худога муҳаббат деб аталади. Парвардигор Чайтанья Пракашананда Сарасватига тушунтирдик, Кришнанинг маха-мантра, "буюк қўшиқ" деб аталадиган муқаддас номи уни такрорлаб юрган ҳар қандай инсонга шиддатли бхавага, яъни Худога муҳаббатга эришиш имконини беради. Ана шу Худога муҳаббат туйғуси - инсоннинг энг асосий зарурий эҳтиёжидир, чунки унинг бошқа барча эҳтиёжлари(тақводорлик(дхарма), моддий

фаровонлик(артха), ҳиссий лаззат(кама) ва озодлик(мокша) унинг олдида арзимас мато бўлиб қолади. Инсон ўзини моддага қиёслашига асосланган ўткинчи тирикчилик ташвишларига ғарқ бўлиб юрганида у ҳиссий лаззатланишга ва озодликка чиқишга интилади. Лекин, руҳнинг мангу табиати Худога муҳаббатдан иборат. У мангу ўзгармас ҳамда на боши ва на охири йўқ. Шунинг учун ўткинчи ҳиссий лаззатлар ва озодликка чиқиш истаги Худога муҳаббат туйғуси билан умуман тенглаша олмайди. Худога муҳаббат - инсон қалбидаги интилишларнинг бешинчи ўлчамидир. Шахсиятсиз Брахманга эришиш ғояси - Худога муҳаббат берадиган илоҳий лаззат уммони олдида бир томчи сувга ўхшаб қолади.

Кейин Парвардигор Чайтанья тушунтирдик, Унинг руҳий устози Унга Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш натижасида келадиган илоҳий лаззатни тасдиқлаган. Руҳий устози яна айтдики, **Худога муҳаббатга эришиш барча ведавий асарларнинг асл моҳиятидир.** Парвардигор Чайтаньянинг руҳий устози айтдики, У энг омади келган Зот, чунки қалбида Худога муҳаббатга эришган. Инсон ана шундай илоҳий муҳаббатга эришганида унинг қалбини Парвардигор билан шахсан мулоқот қилиш истаги қамраб олади. Ана шундай илоҳий туйғуларни хис қилиб, у гоҳида кулади, гоҳида йиғлайди, гоҳо худди телбалардай куйлаб рақсга тушади, гоҳида ўзини ҳар тарафга ташлайди. Шу тарика унда экстазнинг ҳар хил белгилари намоён бўла бошлайди: йиғи, танасининг ранги ўзгариши, телбалик, хижрон туйғуси, сукут, жиззакилик, ҳайратга тушиш, итоаткорлик. Қалбини Худога муҳаббат туйғуси қамраб олган киши баъзан рақсга туша бошлайди, бундай рақслар уни Кришнага муҳаббат уммонига ғарқ қилади.

Парвардигор Чайтанья айтдики, руҳий устози Унга шундай деган: "Сен Худога муҳаббатда ана шундай баркамолликка эришганинг жуда яхши. Мен бунинг учун Сендан жуда миннатдорман". Ўғлининг бирор жихатдан ўзидан устунликка эришиши отани жуда қувонтиради. Худди шундай руҳий устоз ҳам, шогирдининг руҳий юксалишга эришганини кўрганида, бундан ўзининг руҳий юксалишидан кўра кўпроқ чексиз лаззат олади. Шундай қилиб, Парвардигор Чайтаньянинг руҳий устози унга оқ фотиҳа берди: **"Рақсга туш, куйла, мана шу санкиртана ҳаракатини одамлар орасида кенг тарқат ва одамларга Кришна ҳақида илм ўргат, уларни ғофиллик иллатидан халос қилишга ҳаракат қил".** Унинг руҳий устози "Шримад Бхагаватам"дан бир шеър келтирди(11.2.40): **"Ҳамиша Кришнага садоқат билан хизмат қилиб, ҳамиша Унинг муқаддас номини такрорлаб юрган киши уларни зикр қилишга шунчалик илоҳий боғланиб қоладики, унинг қалби ўзидан ўзи эриб кетади, шунда у илоҳий жазавали лаззатга ғарқ бўлади. У гоҳида кулади, гоҳида йиғлайди, гоҳида эса, артист эмас, худди телбалардай куйлаб рақсга туша бошлайди".**

Кейин Парвардигор Чайтанья шундай деди: "Мен руҳий устозимнинг айтган гапларига ишончим комил, шунинг учун Мен ҳамиша куйлаб юраман: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Нимага Мен худди телбаларга ўхшаб қолганимни Ўзим ҳам билмайман, Менимча бунга сабаб Кришнанинг номи бўлса

керак. Шуни тушундимки, **Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре деб куйлашдан келадиган лаззат худди чексиз уммонга ўхшайди.** Бу лаззат олдида лаззатнинг бошқа барча турлари, шу жумладан шахсиятсиз Брахманни англаб етиш лаззати ҳам худди оқова сувлар оқадиган ариқ сувига ўхшаб қолади".

Парвардигор Чайтанья айтган гаплардан кўриниб турибдики, руҳий устозининг гапларига комил ишонч билан ишонмайдиган ва ундан мустақил ҳолда ҳаракат қиладиган киши Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишда кўзлаган мақсадига эриша олмайди. Ведавий муқаддас китобларда ёзилганки, барча муқаддас китобларнинг мазмуни фақат руҳий устозига ва Кришнага комил ишонч билан ишонган кишига очилади. Парвардигор Чайтанья руҳий устозининг гапларига чуқур ишонган ва ҳеч қачон унинг кўрсатмаларини инкор этмаган эди, шунинг учун У ҳеч қачон Ўзининг санкиртана ҳаракатини тўхтатмади. Шунинг учун муқаддас номнинг илоҳий қудрати Уни Ҳаре Кришна махамантрасини тобора кўпроқ такрорлашга илҳомлантирар эди.

Парвардигор Чайтанья Пракашанандага айтдики, ҳозирги даврдаги одамларнинг аксарият кўпчилиги у ёки бу даражада руҳий ақл-заковатдан маҳрум. Агар шундай одамлар то "Веданта-сутра"нинг энг сирли жойларини ўрганишга киришишдан олдин Шанкарачарьянинг *майавади* фалсафаси таъсирига берилиб кетсалар, уларнинг табиатидаги Худога бўйсунушга мойиллик туйғуси йўқолиб кетади. Бутун борлиқнинг олий манбаига бўлган эҳтиром туйғуси ҳар кимда табиатан бор нарса, лекин агар инсон Шанкаранинг имперсонал ғоясини қабул қилса, бу унинг ана шу табиий мойиллигига тўсқинлик қилади. Шунинг учун Парвардигор Чайтаньянинг руҳий устози Унга "Шарирака бхашья"ни ўрганишни таъқиқлаб қўйди, чунки одатда бу асар одамларга ҳалокатли таъсир кўрсатади. Ахир ҳозирги одамларнинг ақл-заковати ҳатто оддий жимжимадор гапларнинг маъзини чақиш учун ҳам етмайди. Шунинг учун уларга махамантрани такрорлаш ва куйлаб юриш тавсия қилинади: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Ҳозирги ўзаро душманлик ва жанжаллар даврида руҳий юксалишга эришишнинг бундан бошқа йўли йўқ.

Чайтанья Махапрабхунинг келтирган далиллари шу ерда иштирок этаётган барча саннийаси-майавадиларни қаноатлантирди ва улар Унга ҳурмат билан мурожаат қилдилар: "Эй азиз Ҳукмдор, Сен айтган гапларнинг ҳаммаси аниқ ҳақиқат. Қалбида Худога муҳаббат уйғота олган киши албатта, энг омадли инсондир, Сен жуда омадли инсонсан, чунки Сен ана шундай поғонага эришгансан. Лекин, "Веданта-сутра"нинг нимаси ёмон? "Веданта-сутра"ни ўқиш ва ўрганиш - саннийасининг вазифаси. Нимага Сен уни ўрганишни истамайсан?"

Саннийаси-майавдиларнинг фикрига кўра, Веданта деганда Шарирака-бхашьяни, яъни Шанкарачарьянинг "Веданта-сутра"га ёзган изоҳи назарда тутилади. Имперсоналист-файласуфлар Веданта ва Упанишадлардан далил келтирганда улар *майавади* фалсафасининг буюк устози Шанкарачарьянинг изоҳидан далил келтирадилар. Шанкарачарядан кейин Садананда-йоги келди, у

хам айтганки, "Веданта-сутра" ва Упанишадаларни фақат Шанкарачарйанинг изоҳлари асосида ўрганиш лозим. "Веданта-сутра" ва Упанишадаларга ваишнавлар ҳам жуда кўп изоҳ ёзганлар уларни Шанкарачарйанинг изоҳидан устун қўйиш лозим. Лекин *майавади* файласуфлар Шанкарачарйанинг кучли таъсири остида ваишнавларнинг изоҳларини тан олмайдилар.

Ваишнав ачарйаларнинг тўрт мактаби бор - Шуддхадваита, Вишиштадваита, Дваитадваита ва Ачинтйа-бхедаабхеда. Ана шу мактабларнинг барча ачарйалари "Веданта-сутра"га изоҳ ёзганлар, лекин, майавади-файласуфлар уларни тан олмайдилар. Майавадилар Кришна билан Унинг танаси бир-биридан фарк қилади деб биладилар, шунинг учун улар ваишнавларнинг Кришнага сажда қилиб сиғинишини тан олмайдилар. Саннийаси-майавадилар Парвардигор Чайтаньядан нимага У "Веданта-сутра"ни ўрганмаслини сўраганида Парвардигор шундай деди: "Эй азиз ҳукмдорлар, сизлар Мен нимага "Веданта-сутра"ни ўрганмаслигимни сўраяпсизлар. Мен бунга жавоб берардим, лекин жавобим сизларни хафа қилиб қўйишидан қўрқаман".

"Бизлар Сенинг гапларингни диққат билан тинглаймиз, - дедилар улар, - Кўринишингдан Сен худди Нарайанага ўхшайсан, Сенинг гапларинг эса, шунчалик ажойибки, бизларга чексиз лаззат бағишляпти. Бизлар Сенинг гапларингни тинглаш ва Сен билан учраши имкониятига эга бўлиб турганимиз учун Сендан жуда миннатдоримиз. Шунинг учун бизлар Сенинг гапларингни сабр билан тинглашга ва Сен айтган гапларнинг ҳаммасига рози бўлишга тайёримиз".

Кейин Парвардигор уларга "Веданта-сутра" фалсафаси ҳақида гапира бошлади: "Веданта-сутра"ни Парвардигорнинг Ўзи нозил қилган. Бу буюк фалсафий асарни Парвардигор Вйасадева киёфасида мужассам бўлиб ёзган. Вйасадева Парвардигорнинг инкарнацияси бўлгани учун уни моддий оламда юргани сабабли тўрт нуқсонга эга бўлган оддий инсон деб ҳисобламаслик керак. Шартланган руҳлар куйидаги тўрт нуқсонга эга бўладилар: 1) у хато қилмасликка қодир эмас, 2) у алданишга берилмасликка қодир эмас, 3) у бошқаларни алдамасликка мойил бўлолмайди, 4) у мукамал сезгиларга эга эмас. Шуни тушуниш лозимки, Парвардигорнинг инкарнацияси бу нуқсонларга нисбатан илохий ҳолатда бўлади. Шунинг учун Вйасадеванинг ёзган ва айтган гапларининг ҳаммаси мукамал. Упанишадалар ва "Веданта-сутра"нинг мақсади битта: Олий Мутлак Ҳақиқат. Агар биз "Веданта-сутра"да ва Упанишадаларда ёзилган гапларнинг мазмунини тўғри тушунсак, ҳар қандай олқишга лойиқ бўламиз. Лекин Шанкарачарйа уларни нотўғри талқин қилган, оддий одамнинг уни ўқиши жуда хатарли, чунки Упанишадаларнинг мазмунини ана шундай нотўғри тушуниш билан у амалда ўзининг руҳий юксалиш йўлини тўсиб қўйган бўлади.

Сканда ва Вайу Пураналарга асосан, *сутра* ибораси воқеа-ҳодисанинг мазмун-моҳияти жуда қисқа ва ғайритабиий куч билан бирор хато ва ўзгаришсиз мазмунда берилган асарни ифодалайди. *Веданта* ибораси "ведалар илмининг якуни" деган маънони англатади. Бошқача қилиб айтганда, барча Ведаларга оид мавзунини ўрганадиган ҳар қандай асар Веданта деб аталади. Масалан, "Бхагавад-гита" Веданта ҳисобланади, чунки унда Парвардигор айтганки, барча ведавий изланиш-

ларнинг якуний мақсади - Кришна. Шундай қилиб, фақат Кришна ҳақида гапирадиган "Бхагавад-гита" ҳам, "Шримад Бхагаватам" ҳам Веданта деб қабул қилиниши лозим".

Рухий ўзликни англаб етишда илмининг *прастхана-трайя* деб аталадиган уч бўлими бор. Ведалар илмининг Упанишадалар сингари ведавий насихатлар билан исботланадиган соҳаси *шрути-прастхана* деб аталади. Вйасадева сингари озодликка эришган зотлар ёзган ва якуний мақсадни кўрсатадиган ишончли асарлар *сморити-прастхана* деб аталади ("Бхагавад-гита", "Маҳобҳорат" Пураналар ва айниқса "Шримад Бхагаватам" - Маха-пурана). Ведавий асарлардан аниқлаб олиш мумкинки, Ведалар Нарайананинг нафасидан пайдо бўлган. "Веданта-сутра" (*ниайа-прастхана*)ни Нарайананинг инкарнацияси бўлган Вйасадева ёзган, лекин Шанкарачарйанинг фикрига кўра, Апантаратама Риши ҳам "Веданта-сутра"нинг афоризларини тузишда иштирок этган. Парвардигор Чайтаньянинг фикрига кўра, *Панчаратра* афоризмлари билан "Веданта-сутра"нинг афоризмларининг мазмуни бир хил. "Веданта-сутра"ни Вйасадева ёзгани учун уни Парвардигор Нарайананинг гаплари деб қабул қилиш лозим. "Веданта-сутра"га тааллуқли барча асарлардан маълумки, Вйасадева даврида ҳам "Веданта-сутра"ни ўрганган жуда кўп ришилар бўлган, масалан, Атрейя, Ашмаратхйа, Аудулома, Каршнаджини, Кашакритсна, Джаимини, Бадари ва Парашара, Карманда.

Аслида "Веданта-сутра"нинг биринчи икки бобида тирик мавжудотларнинг Парвардигор билан ўзаро муносабатлари таърифланади, учинчи бобида эса, қандай қилиб Худога садоқат билан хизмат қилиш лозимлиги тушунтирилади. Тўртинчи боб Худога садоқат билан хизмат қилишнинг натижаси бўлган ўзаро муносабатларни тушунтиради. "Шримад Бхагаватам" "Веданта-сутра"га ёзилган табиий изоҳ ҳисобланади. Ваишнавларнинг барча тўрт сампрадаyasi - Рамануджачарйа, Мадхвачарйа, Вишнусвами ва Нимбарка сампрадаyasiнинг ачарйалари "Шримад Бхагаватам" қондалари асосида "Веданта-сутра"га изоҳ ёзганлар. Ҳозирги даврга келиб, ана шу ачарйаларнинг издошлари ҳам "Веданта-сутра"нинг изоҳи бўлган "Шримад Бхагаватам" қондалари асосида кўплаб асарлар ёзганлар. Шанкарачарйанинг "Веданта-сутра"га ёзган "Шарирака-бхашйа" деб аталадиган изоҳи имперсоналистлар томонидан жуда юқори баҳоланади, лекин "Веданта-сутра"га моддий дунёқараш нуқтаи-назаридан ёзилган изоҳ Худога садоқат билан хизмат қилишни умуман тан олмайди. Шунинг учун Парвардигор Чайтанья айтдики, "Веданта-сутра" ва Упанишадаларга ёзилган тўғри изоҳлар ажойиб, лекин Шанкарачарйанинг "Шарирака-бхашйа" изоҳига амал қиладиганлар албатта йўлдан адашадилар.

Парвардигор Чайтанья Шанкарачарйа аслида Тангри Шиванинг инкарнацияси эканини тан оларди. Маълумки, Тангри Шива - Бхагавата мактабининг буюк содиқларидан, маҳажанлардан биттаси ҳисобланади. Ҳаммаси бўлиб Худога садоқат билан хизмат қилиш илмида 12 ишончли зот бор, улардан биттаси Тангри Шива ҳисобланади. Шундай экан, у нима сабабдан майавади фалсафаси йўлини танлади? Бунга жавоб "Падма пурана"да берилган: "*Майавади* фалсафаси - очик буддизмдир". Бошқача қилиб айтганда, гарчи

*майавади* файласуфлар Ведалар хулосасини тан оламиз деб айтсалар ҳам, Будда тарғибот қилган бўшлиқ фалсафаси майавадиларнинг имперсонал фалсафасида такрорланади. Лекин Тангри Шива ўзи тан оладики, бу фалсафани у Кали югадаги атеистларни чалғитиш учун атайлаб ўйлаб топган. "Аслида Худонинг Олий Шахсининг илоҳий танаси бор, - дейди Тангри Шива - лекин мен Парвардигорни шахсиятсиз деб таърифлайман. Майавадиларнинг ана шу қондаси бўйича мен "Веданта-сутра"ни тушунтириб бераман".

"Шива Пурана"да Парвардигор шундай дейди: "Двапара юганинг бошида кўпчилик донишмандлар Менинг амримга бўйсуниб одамларни майавада фалсафаси ёрдамида йўлдан адаштирадидилар".

"Падма пурана"да Тангри Шиванинг ўзи Бхагаватидевиға шундай дейди: "Азизим Деви, ғафлат гунасиға ботган кишиларға мен баъзан *майавади* фалсафасини ўргатаман. Лекин, бу фалсафани эзгулик гунасидаги киши тингласа, у тубанликка юз тутуди, чунки *майавади* фалсафасиға ўргатар эканман мен тирик мавжудот билан Парвардигор аслида бир деб айтганман".

Майавадиларнинг буюк ачарйаларидан бири Садананда-йоги "Веданта-сара" асарида шундай дейди: "Мангулик, илм ва лаззатнинг Мутлақ Ҳақиқати Брахмандир. Ғофиллик ва ғофилликдан келиб чиқадиган ҳамма нарса Брахман эмас. Моддий табиатнинг гуналари яратадиган нарсаларнинг ҳаммаси ғофилликдир ва буларнинг ҳаммаси олий сабаб ва оқибатдан бутунлай фарқ қилади. Ана шу ғофиллик алоҳида шахсда ҳам, бутун жамоада ҳам намоён бўлади. Бутун жамоанинг ғофиллиги *вишуддхасаттва-прадхана* деб аталади. Ана шу *вишуддхасаттва-прадхана* моддий табиатнинг ғофиллиги доирасида намоён бўлганида, у Парвардигор деб аталади, ана шу Парвардигор ғофилликнинг барча турини келтириб чиқаради. Шунинг учун Уни *сарваджна* деб атайдилар". Шундай қилиб, майавади фалсафасиға кўра Парвардигор мана шу моддий табиат келтириб чиқарган Зот. У - ғофилликнинг энг паст поғонасидаги тирик мавжудот. *Майавада* фалсафасининг бутун моҳияти ана шундан иборат.

Лекин, агар биз Упанишадалардаги гапларнинг маъносини тўғри қабул қиладиган бўлсак, маълум бўладики, Худонинг Олий Шахси - чексиз қудратға эга бўлган шахс. Масалан, "Шветашватара Упанишад"да айтилганки, Худонинг Олий Шахси - ҳамма нарсанинг боши, У сон-саноксиз қувватларға эга. Худонинг Олий Шахси бу моддий оламға нисбатан илоҳий табиатға эга. У барча динларнинг манбаи, олий халоскор, озодлик, барча бойликлар соҳиби. Худонинг Олий Шахси худди Куёш сингари, ўзи моддий олам булутлари ортида турган ҳолда, ўзининг қувватларини ҳамма жойға саховат билан тарқатиб туради. У - барча ҳукмдорлар ҳукмдори, барча олий зотлардан олий Зот. У - энг буюк Парвардигор, Худо Шахси сифатида машхур. Унинг қувватлари сон-саноксиз ва ҳамма жойға турлича тарқалган. Яна айтилганки(Гир-веда.1.22.20), Вишну - Парвардигор, авлиё зотлар ҳаммиша Унинг нилуфар қадамлари пойини кўришға интиладилар. "Антарейя Упанишад"(1.1.1-2)да айтилганки, Парвардигор моддий табиатға нигоҳ ташлаганида моддий оламнинг яралиши бошланади. Бу ҳақиқат "Прашна Упанишад"(6.3)да ҳам тасдиқланади.

Парвардигорни таърифлашда учрайдиган зиддиятлар, масалан *апани-падах*, шуни билдирадики, Парвардигор моддий танаға ҳам, моддий қиёфаға ҳам эга эмас. Лекин, У руҳий танаға ва илоҳий қиёфаға эга. *Майавади* файласуфлар Унинг илоҳий танасини нотўғри тушунганлари сабабли улар Парвардигорни шахсиятсиз деб ҳисоблайдилар. Парвардигорнинг номи, қиёфаси, сифатлари, атрофидагилар ва даргоҳи илоҳий оламда жойлашган. Қандай қилиб У моддий табиатнинг қандайдир бир кўриниши бўлиши мумкин? Парвардигор билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса мангу, лаззатли ва илмға тўла.

Шанкарачарйа атеистларнинг маълум бир тоифасини чалғитиш ниятида *майавади* фалсафасини тарғиб қилди. Аслини олганда унинг ўзи ҳеч қачон Парвардигорни, Худо Шахсини имперсонал, яъни шахсиятсиз, тана ва қиёфаси йўқ, деб ҳисобламаган. Шунинг учун ақл-фаросатли киши *майавади* фалсафаси бўйича маърузаларни тингламагани маъқул. Биз Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Вишну шахсиятсиз эмаслигини яхши тушуниб олишимиз лозим. У илоҳий шахс, бутун моддий олам Унинг қувватида жойлашган. *Майавади* фалсафаси Парвардигорнинг қувватини очик тушунтириб беришға кодир эмас, лекин барча ведавий муқаддас китобларда Парвардигорнинг қувватларининг намоён бўлган хилма-хил кўринишлари мавжудлиғиға даллиллар келтирилган. Парвардигор Вишну моддий табиат келтириб чиқарган зот эмас, аксинча, моддий табиатни Парвардигор Вишнунинг қуввати намоён этган. *Майавади* файласуфлар Вишнунинг моддий табиатнинг маҳсулоти деб биладилар, лекин, агар Вишну моддий табиатнинг маҳсули бўлса, Уни фақат фаришталар қаториға кўшиш мумкин. Парвардигор Вишнунинг фаришталарнинг биттаси деб ҳисоблаган киши катта хато қилади ва қаттиқ адашади. "Бхагавад-гита"(7.13-14)да айтилганки: **"Моддий табиатнинг уч гунаси адаштириб қўйган бутун олам Мени, ана шу гуналардан устун турадиган ва туганмас Зотни билмайди. Уч гунадан таркиб топган Менинг бу илоҳий қувватимни энгиш жуда қийин. Лекин, Менга ўз ихтиёрини топширган киши унинг таъсиридан осон қутулади"**.

## 20-боб.

### Ведантани ўрганишдан мақсад

Шундай хулоса чиқариш мумкин, Парвардигор Кришна ёки Парвардигор Вишну бу оламдан эмас, У руҳий оламға мансуб. Уни моддий фаришталардан биттаси деб ҳисоблаган киши - имонсиз атеист ва буюк иблис. Парвардигор Вишнунинг моддий сезгилар ёрдамида сезиб бўлмайди, Уни фалсафий изланишлар ёрдамида англаб бўлмайди. Гарчи моддий оламда ҳаммиша тирик мавжудотнинг танаси жонидан фарқ қилса ҳам, Парвардигор Вишнунинг танаси ва жони бир биридан фарқ қилмайди.

Тирик мавжудот моддий нарсалар билан лаззатланади, чунки тирик мавжудотлар олий қувват ҳисобланади, моддий табиат эса - сифат жиҳатидан паст туради. Шундай қилиб, сифат жиҳатидан олий қувват, тирик мавжудотлар сифат жиҳатдан паст қувват, модда билан лаззатланади. Парвардигор Вишну

ҳеч қачон модда билан аралашмагани учун У тирик мавжудотларга ўхшаб лаззатланиш учун моддий табиатдан фойдаланмайди. Ўзларининг куруқ фалсафий тахминларига берилиш одати билан лаззатланиб юрган тирик мавжудотлар Парвардигор Вишнуни англаб ета олмайдилар. Чексиз кичик тирик мавжудотлар Парвардигор Вишнудан лаззатланмайдилар, балки аксинча - улар Парвардигор Вишнуни лаззатлантириш учун мўлжалланган. Фақат энг ашаддий имонсиз киши Парвардигор Вишну фақат тирик мавжудотларни лаззатлантириш учун яратилган деб ўйлаши мумкин. Парвардигор Вишну ва тирик мавжудотларни бир поғонада турган зотлар деб ҳисоблаш - энг катта ғнуох, ширк.

Олий Мутлақ Ҳақиқат, Худо Шахсини ловуллаб ёниб турагн оловга, сон-саноксиз тирик мавжудотларни эса, - ана шу оловдан учиб чиқаётган учкунларга ўхшатиш мумкин. Гарчи Парвардигор ҳам, тирик мавжудотлар ҳам сифат жиҳатидан олов бўлса ҳам, барибир улар бир-биридан фарқ қилади. Вишну, Парвардигор чексиз буюк, шунчаки учкунлар бўлган тирик мавжудотлар эса, чексиз кичик. Кичик тирик мавжудотлар азалий чексиз руҳнинг эманациялари. Тирик мавжудотларнинг, кичик руҳий зарраларнинг табиатида модданинг хатто изи ҳам йўқ.

Тирик мавжудотлар бу моддий оламдан ташқарида бўлган Нарайана, Вишну сингари буюк эмаслар. Ҳатто Шанкарачарья тан оладики, Нарайана моддий оламдан ташқарида мавжуд. На Вишну, на тирик мавжудот бу моддий оламга мансуб бўлмагани учун шундай савол туғилиши мумкин: "Рухнинг майда заррачалари ўз нима учун яратилган?" бунга жавоб шундайки, Олий Мутлақ Ҳақиқат фақат бир вақтнинг ўзида ҳам чексиз катта, ҳам чексиз кичик бўлгандагина тўла мукамал бўлади. Агар У чексиз кичик бўлмасдан, фақат чексиз буюк бўлганда У мукамал бўлмаган бўларди. Рухнинг чексиз буюк қисми Вишнутапта, Худонинг Олий Шахси, чексиз кичик қисми эса, - тирик мавжудот.

Худонинг Олий Шахсининг чексиз истаклари шарофати билан руҳий оламдаги ранг-баранг мавжудлик, тирик мавжудотнинг арзимас кичик истаклари шарофати билан эса, моддий оламдаги мавжудлик бор. Арзимас кичик тирик мавжудотлар ўзларининг арзимас кичик истаклари билан шуғулланганларида - бу *дживашакти*, лекин улар чексиз Парвардигорнинг истакларига қўшилганларида улар озодликка чиққан руҳлар деб аталадилар. Демак, нимага Худо чексиз кичик заррачаларни яратиб қўйган, деб сўрамаслик керак; улар шунчаки Олий Рухнинг таркибий қисмлари холос. Чексиз катта Зот учун Олий Рухнинг ажралмас таркибий қисмлари бўлган чексиз кичик зарраларга эга бўлиши табиий ҳол. **Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг таркибий қисмлари** бўлгани туфайли, чексиз катта ва чексиз кичик зотлар орасида ўзаро муносабатлар бор, бунда улар бир бирига нисбатан ўзаро маълум ҳис-туйғуларга эга бўладилар. Агар чексиз кичик тирик мавжудотлар бўлмаса, Парвардигор фаолиятсиз бўлган бўларди, руҳий ҳаётда ранг-баранглик мавжуд бўлмасди. Агар фуқаролар бўлмаса, шохнинг ҳожати йўқ, чексиз кичик тирик мавжудотларсиз Парвардигорнинг маъноси бўлмасди. Агар ҳукмронлик қилиш имконияти бўлмаса Парвардигор, Худо деган сўзнинг қандай маъноси бўларди? Тирик мавжудотлар бўлмаса,

Парвардигор кимларга Худо бўларди? Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тирик мавжудотлар Парвардигорнинг қувватининг экспансияларидир, Парвардигор, Худо Шахси Кришна эса, - шу қувватнинг манбаи.

Барча ведавий муқаддас китобларда, шу жумладан "Бхагавад-гита" ва "Вишну-пурана"да қувват билан қувват манбаини бир-биридан ажрата билиш имконини берадиган жуда кўп далиллар келтирилган. "Бхагавад-гита"(7.4)да аниқ айтилганки, ер, сув, олов, ҳаво ва эфир - моддий оламнинг беш асосий кўпол унсурлари, ақл, тафаккур ва сохта ўзлик - уч нафис унсур. Бутун моддий табиат ана шу саккиз унсурга бўлинган бўлиб, уларнинг ҳаммаси биргаликда қуйи қувват, Парвардигорнинг қуввати деб аталади. Ана шу қуйи қувватнинг яна бир номи - *майа*, сароб, алданиш. Ана шу саккиз қуйи унсурдан юқорида *пара-пракрити* деб аталадиган олий қувват туради. Ана шу *пара-пракрити* тирик мавжудотлардир, моддий оламда улар сон-саноксиз. "Бхагавад-гита"(7.5)да улар ҳақида *джива-бхутам* деб аталган. Бунинг маъноси шундаки, Парвардигор - Мутлақ Ҳақиқат, қувват манбаи, демак, У Ўзининг қувватларига эгалик қилади. Ана шу қувват тўғри намоён бўлмаса, яъни у зулматга ботган бўлса, у *майашакти* деб аталади. Моддий космик олам ана шу майашактининг маҳсулидир.

Аслида тирик мавжудотлар зулмат қоплаган бу қуйи қувватдан ташқаридалар. Улар соф руҳий зотлар бўлиб, алоҳида руҳий шахс сифатида мавжуд, фаолият кўрсатишга қодир соф руҳий ақл сохибидирлар. Буларнинг ҳаммаси бу моддий оламдан ташқарида мавжуд. Гарчи тирик мавжудотнинг ақли, тафаккури ва соф ўзлиги бу моддий оламдан ташқарида бўлса ҳам, тирик мавжудот ўзининг модда устидан ҳукмрон бўлиш истаги сабабли бу моддий оламга тушиб қолади, шунда унинг азалий пок ақли, тафаккури ва руҳий танаси моддий қувват билан қопланади. У ана шу қуйи моддий қувват қобикларини ўзининг руҳий танаси, ақли ва тафаккури устидан олиб ташлаганида уни озодликка эришган зот деб атайдилар. Озодликка эришгандан кейин унда сохта ўзлик бўлмайди, унинг асл ўзлиги эса, яна ўзи учун табиий бўлган руҳий ҳаётга қайтади. Калтафаҳм сафсатабоз файласуфларнинг фикрига кўра, тирик мавжудот озодликка чиққандан кейин у алоҳида шахс сифатида йўқолиб кетади, лекин аслида бундай эмас. Тирик мавжудот Парвардигорнинг мангу таркибий заррачаси бўлгани учун озодликка чиққандан кейин у ўзининг мангу азалий алоҳида таркибий заррача бўлган табиий ҳолатига қайтади. Ўзи аслида руҳий табиатга эга жон эканини англаш - *ахам Брахмасми* - дегани, тирик мавжудот ўзининг шахс сифатида мавжудлигини йўқотади, дегани эмас. Ҳозир инсон ўзини моддий тана деб ҳисоблаши мумкин, лекин у озодликка чиққандан кейин у аслида моддий тана эмас, балки руҳий табиатга эга жон, чексиз тўла бутуннинг бир зарраси эканини англаб етади. Кришнани англаб етиш, ўзининг руҳий табиатини ва Кришнага муҳаббат билан хизмат қилишни англаб етиш, - мана шулар руҳнинг озодликка чиққанини билдирадиган белгилардир. "Вишну-пурана"(6.7.61)да аниқ айтилган: "Парварди-горнинг қуввати уч тоифага бўлинади: *пара, киетраджна, авидйа*". *Пара*-қувват - аслида Парвардигорнинг шахсан Ўзининг қуввати; *киетра-дждна* қуввати - тирик мавжудотлар; *авидйа*



қуввати - моддий олам яъни *майя*. Унинг *авидйя*, яъни ғофиллик деб аталашига сабаб шуки, ана шу моддий қувватга алданиб қолган тирик мавжудот ўзининг асл ҳолатини ҳамда Парвардигор билан ўзининг ўзаро муносабатларини эсдан чиқариб қўяди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тирик мавжудот Парвардигорнинг қувватларидан бири бўлиб, Парвардигорнинг чексиз кичик таркибий қисми сифатида улар *джива* деб аталадилар. Парвардигор ҳам, тирик мавжудот ҳам соф рух, Брахман бўлгани сабабли *джива* сунъий равишда Парвардигор билан бир қаторга қўйилса - бу албатта, чалкашликларга олиб келади.

Одатда ваишнавлар олимлар *майявади* файласуфларни дарров мот қилиб қўядилар, чунки майявадилар тирик мавжудотлар нима сабабдан моддий оламда асир бўлиб юрганини тушунтира олмайдилар. Улар шунчаки: "Бу ғофиллик сабабли юзага келади" - деб қўя қоладилар. Лекин, агар тирик мавжудот ҳам ҳар нарсага кодир қудратли Парвардигор бўлса, улар нима сабабдан ғофилликка ботиб қолишини тушунтира олмайдилар. Бунинг ҳақиқий сабаби шундаки, тирик мавжудот гарчи худди Парвардигор сингари соф рух бўлса ҳам, у чексиз буюк эмас, балки чексиз даражада кичик. Агар у чексиз катта бўлганида ғофиллик уни қоплаб ололмаган бўларди. Тирик мавжудот чексиз кичик бўлгани сабабли ғофиллик билан қопланиб қолади. Майявадиларнинг ғофиллиги ва нодонлиги улар қандай қилиб чексиз зот ғофиллик билан қопланиб қолишини тушунтиришга уринганида билиниб қолади. Чексиз Зотни ғофиллик домига тушиб қолади, деб ҳисоблаш - буюк ҳақорат ҳисобланади.

Гарчи Шанкара Парвардигорни ўзининг *майявади* фалсафаси билан бекитишга ҳаракат қилган бўлса ҳам, аслида бу билан у шунчаки Парвардигорнинг амрини бажарган эди. Шунини тушуниш керакки, унинг таълимоти ўша даврдаги вазият тақозо этган вақтинчалик зарурат бўлиб, мангу ҳақиқат эмасди. "Веданта-сутра"да энг бошиданок қувват ва қувват манбаи бир биридан фарқ қилиши тан олинади. "Веданта-сутра"нинг биринчи афоризми (*джанмадй асйя*) аниқ тушунтирганки, Олий Мутлақ Ҳақиқат барча эманацияларнинг манбаи ва бошланғич сабабчиси. Шундай қилиб, эманациялар - Парвардигорнинг қувватлари, Парвардигорнинг Ўзи эса, қувват манбаи. Шанкара шундай сохта далил келтиради: агар қувват ўзгаришини тан оладиган бўлсак, Олий Мутлақ Ҳақиқат ўзгармай қолиши мумкин эмас. Лекин бу нотўғри. Олий Мутлақ Ҳақиқат ҳамиша чексиз қувватлар тарқатиб турса ҳам, У ҳамиша Олий Мутлақ Ҳақиқат бўлиб қолаверади. Унинг чексиз қувватлар тарқатиб туриши Унинг Ўзига таъсир қилмайди. Шунинг учун Шанкара ўзининг алданиш таълимотини нотўғри асослаган.

Буни Рамануджачарйя жуда яхши муҳокама қилади: "Агар сиз бу моддий олам яралишидан олдин фақат битта Мутлақ Ҳақиқат мавжуд эди, деб айтсангиз, қандай қилиб Ундан тирик мавжудотлар юзага келиши мумкин? Агар У фақат битта бўлса, қандай қилиб У чексиз кичик тирик мавжудотларни пайдо қилди?" Бунга жавобан Ведаларда айтилганки, ҳамма нарсани Мутлақ Ҳақиқат яратади, ҳамма нарсанинг мавжудлигини Мутлақ Ҳақиқат таъминлайди, ҳаммаси озодликка эришгандан кейин Мутлақ Ҳақиқатга қиради. Бундан аниқ равшан бўладики, тирик мавжудотлар

озодликка чиққанларидан кейин улар олий мавжудликка қирадилар ва ўзларининг азалий ҳолатини ўзгартирмайдилар.

Биз ҳамиша шунини эсда сақлашимиз лозимки, Парвардигор ҳам яратиш қувватига эга, чексиз кичик тирик мавжудотлар ҳам ўзининг яратиш қувватига эга. Тирик мавжудотнинг ана шу яратиш қуввати унинг моддий танаси яқсон бўлиб, ўзи озодликка чиққандан кейин Олий борликка кирганидан сўнг ҳам йўқолиб кетмайди. Аксинча, фақат озод ҳолатида тирик мавжудотнинг яратиш қуввати тўлиқ намоён бўлади. Агар тирик мавжудот ҳатто моддий шартланган ҳолатида фаолият кўрсатиб юрган бўлса, қандай қилиб у озодликка эришгандан кейин ўз фаолиятини тарк этиши мумкин? Худди қуш дарахт шохалари орасига кирганидай, худди хайвон ўрмон ичига кирганидай, худди самолёт осмонга учганидай, тирик мавжудот ҳам озодлик ҳолатига эришади. Бу ҳолатларнинг бирортасида у ўзининг алоҳида шахс сифатини йўқотмайди.

"Веданта-сутра"нинг биринчи афоризмининг тушунтирар экан, Шанкара жуда қўпол равишда Брахман, яъни Олий Мутлақ Ҳақиқатни шахсиятсиз деб тушунтиришга уринади. Ҳар хил усуллардан фойдаланиб, у қўшимча маҳсулот ғоясини ўзгариш ғояси билан алмаштиришга уринади. Олий Мутлақ Ҳақиқат ўзгармас. Фақат Унинг англаб бўлмас қобилиятининг фаолияти натижасида қўшимча маҳсулотлар пайдо бўлади. Бошқача қилиб айтганда, нисбий ҳақиқатлар Олий Ҳақиқатнинг қўшимча маҳсулотларидир. Ёғочдан стул ясалганида қўшимча маҳсулот пайдо бўлди, деб айтадилар. Олий Мутлақ Ҳақиқат, Брахман ўзгармас, қўшимча маҳсулотлар - тирик мавжудотлар ёки моддий олам - трансформация, яъни Олий Зотнинг маҳсулидир. Бу худди қатикка айланган сугга ўхшайди. Шундай қилиб, агар моддий оламдаги тирик мавжудотни таҳлил қилсак, маълум бўладики, у бошланғич Мутлақ Ҳақиқатдан фарқ қилмайди, лекин ведавий муқаддас китоблардан биз биламизки, Мутлақ Ҳақиқатнинг ҳар турли қувватлари бор, тирик мавжудот ва моддий олам шунчаки Унинг қувватларининг намоён бўлиши, холос. Қувватлар ўзининг манбаидан ажралмаган; шунинг учун тирик мавжудот ва моддий олам ажралмас ҳақиқатлар, Мутлақ Ҳақиқатнинг таркибий қисмларидир. Мутлақ Ҳақиқат ва нисбий ҳақиқатлар ҳақидаги ана шундай тасаввурни ҳар бир соғлом фикрли киши қабул қила олади.

Олий Мутлақ Ҳақиқат англаб бўлмас қувватларга эга, ана шу қувватлар бу моддий оламни яратган. Бошқача қилиб айтганда, Олий Мутлақ Ҳақиқат бошланғич унсур, тирик мавжудот ва космик олам эса, - қўшимча маҳсулотлардир. "Таиттирийя Упанишад"да аниқ айтилган: *йато ва имани бхутани джжайанте*: "Мутлақ Ҳақиқат - барча таркибий қисмларнинг макони, моддий олам ва ундаги тирик мавжудотлар эса, ана шу таркибий қисмлардан келиб чиққан".

Қўшимча маҳсулот ғоясини тушуна олмайдиган калтафаҳм одамлар қандай қилиб моддий олам ва тирик мавжудот Мутлақ Ҳақиқат билан бир бўлишини ва айни пайтда Ундан фарқ қилишини англаб ета олмайдилар. Шунини тушунмагандан кейин, инсон қўрққанидан тирик мавжудот ҳам, моддий олам ҳам алдамчи, рўё, сароб, деган хулосага келади. Шанкарачарйя билмасдан илон деб қабул қилинган арқонни мисол келтиради,

баъзида билмасдан олтин деб қабул қилинган чиганокни мисол келтирадилар. Лекин буларнинг ҳаммаси шунчаки одамларни алдаш усули холос. "Мандукья Упанишад"да айтилганки, аркон билан илон, чиганок билан олтин мисоли ҳар хил нарсаларни кўрсатиш учун келтирилган, уларни шундай тушуниш керак. Тирик мавжудот ўзининг азалий асл ҳолатида соф рух. Инсон ўзини моддий тана деб қабул қилганида, тушуниш лозимки, у арконни илон деб, ёки чиганокни олтин деб қабул қилипти. Ўзгариш ғоясини фақат бирор нарсани адашиб иккинчи нарса ўрнида қабул қилганда қўллаш мумкин. Аслини олганда тана - тирик мавжудот эмас, лекин ўзгариш ғоясига кўра, тана тирик мавжудот деб қабул қилинапти. Аслида ҳар бир шартланган рух ана шу ўзгариш ғояси билан алданиб қолган.

Тирик мавжудотнинг шартланган ҳолати - унинг касал ҳолатидир. Азалий асл ҳолатида тирик мавжудот ва бу моддий оламнинг бошланғич сабабчиси ўзгариш ҳолатидан ташқарида. Лекин, шахс Парвардигорнинг англаб бўлмас қувватини эсдан чиқарганида, сохта фикрлар ва далиллар уни ўзига бўйсундириб олади. Бунга ҳатто моддий оламда ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қуёш қадим замонлардан бери чексиз қувват тарқатиб чексиз миқдорда қўшимча маҳсулот чиқарган, лекин шунга қарамай Қуёшнинг иссиқлиги камаймаган. Ҳатто моддий оламдаги унсур бўлган Қуёш ўзининг бошланғич ҳолатини саклаб қолган ҳолда шунча қўшимча маҳсулот яратишга қодир бўлса, нахотки, Олий Мутлақ Ҳақиқат учун Ўзининг англаб бўлмас қувватлари ёрдамида кўплаб қўшимча маҳсулотлар яратиш қийин бўлса? Шунинг учун ўзгармас Олий Мутлақ Ҳақиқатда қандайдир ўзгариш бўлиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ведавий асарларда фалсафа тоши деб аталадиган, шунчаки темирга тегиши билан уни олтинга айлантира оладиган моддий нарса ҳақида маълумот бор. Фалсафа тоши ўзи ўзгармаган ҳолда чексиз миқдорда олтин яратиши мумкин. Фақат ғофил одам майвадиларнинг моддий олам ва тирик мавжудотларнинг аслида мавжуд эмас, алдамчи деган хулосасига ишониши мумкин. Бирор соғлом фикрлайдиган киши ҳар жиҳатдан мутлақ бўлган Олий Мутлақ Ҳақиқатни алданиш ва ғофилликда айблай олмайди. Олий Брахман илохий табиатга эга ва барча моддий тасаввурлардан фарқ қилади. Олий Мутлақ Ҳақиқатда ҳар хил англаб бўлмас қувватлар жамланган. "Шветашватара Упанишад"да айтилганки, Худонинг Олий Шахси англаб бўлмас қувватларга тўла, Ундан бошқа ҳеч ким ундай қувватларга эга эмас.

Парвардигорнинг англаб бўлмас қувватларини нотўғри тушуниш натижасида Олий Мутлақ Ҳақиқат шахсиятсиз деган нотўғри хулосага келиш мумкин. Алданиш касали кучайганида тирик мавжудот ана шундай нотўғри хулосага келади. "Шримад Бхагаватам"да ҳам олий рух, *атма*, Парвардигор сон-саноксиз англаб бўлмас қувватларга эга, деган хулоса чиқариш мумкин бўлган гаплар бор(3.33.3). Олий рух турли-туман ва англаб бўлмас қувватларга эга экани "Брахма-самхита"да ҳам айтилган. Мутлақ Ҳақиқат қандайдир йўл билан ғофилликка ботиши ҳам мумкин, деб ўйламаслик керак. Ғофиллик ва илм - бу зиддиятлар оламига хос бўлган сифатлар, лекин Мутлақ оламда

зиддият йўқ. Мутлақ Ҳақиқат ғофилликка ботган деб ҳисоблаш шунчаки нодонликдир. Агар Мутлақ Ҳақиқатни қандайдир йўл билан ғофиллик қоплаб оладиган бўлса, қандай қилиб Уни Мутлақ Ҳақиқат деб аташ мумкин? Зиддият ҳақидаги бу масалани ҳал қилишнинг ягона йўли Мутлақ Ҳақиқатнинг англаб бўлмаслигида, чунки зиддият - Мутлақ Ҳақиқатнинг англаб бўлмас қувватининг маҳсули. Худди фалсафа тоши ўзи ўзгармай қолган ҳолда чексиз олтин ярата олгани сингари, Олий Мутлақ Ҳақиқат ҳам Ўзининг англаб бўлмас қувватлари ёрдамида ўзгармас бўлиб қолишга ҳамда барча тирик мавжудотлар билан тўла мана шу моддий оламни яратишга қодир. Мутлақ Ҳақиқат англаб бўлмас қувватларга эга бўлгани учун ғофилликнинг моддий сифатининг Унга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мутлақ Ҳақиқатда мавжуд бўлган ҳақиқий ранг-баранглик - Унинг англаб бўлмас қувватларининг фаолиятининг маҳсулидир. Ҳақиқатан ҳам, ишонч билан шундай хулоса қилиш мумкинки, бу космик олам Унинг англаб бўлмас қувватларининг қўшимча маҳсули. Биз Парвардигорнинг англаб бўлмас қувватлари борлигини тан олган заҳоти биламизки, аслида ҳеч қандай зиддият йўқ. Парвардигорнинг қувватининг экспансияси ҳам, худди Парвардигорнинг Ўзи сингари ҳақиқат. Унинг олий қувватининг намоён бўлган кўринишларига келсак, уларнинг шакл ўзгартириши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу ерда ҳам ўша мисол ўринли: чексиз олтин яратган ҳолда фалсафа тошининг ўзи ўзгармай қолаверади. Шунинг учун биз баъзи бир донишмандларнинг Парвардигор - бошланғич материал, яъни, мана шу космик оламнинг сабабчисидир, деган гапларни эшитиб қоламиз.

Парвардигорнинг товуш тебраниши билан Парвардигорнинг Ўзи бир биридан фарқ қилмаслиги аниқ ҳақиқат. Бу "Нарада-панчаратра"да ҳам тасдиқланади: *вйактам хи бхагаван эва сакшан-нарайанах свайам аштакшара-сварупена мукхешу паривартате* **"Шартланган рух илохий товуш тебранишларини зикр қилаётганида Парвардигор унинг тилининг устида бўлади"**.

"Мандукья Упанишад"да айтилганки, омқара талаффуз қилинганида, одатда моддий бўлиб кўринган нарсаларнинг ҳаммаси, ана шундай мукамал кўриш пайтида, рухий бўлиб кўринади. Рухий оламда, яъни оламга рухий назар билан қараганда, омқарадан бошқа ҳеч нарса йўқ, яъни фақат *оум* бўғинидан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас. Лекин, афсуски, Шанқарачарйа мана шу асосий ибора, омқарани четга қўйиб, ўз хоҳиши билан Ведаларнинг асосий товуш тебраниши сифатида *тат твам аси* сўзларини олган. Асосий товуш тебранишини четда қолдириб, ана шу иккинчи даражали сўзларни олиш билан у муқаддас китобларни тўғри талқинини ўзининг сохта талқинига алмаштирди.

Ведаларни тўғри талқин қилишдан юз ўгириб нотўғри қилиш билан Шрипада Шанқарачарйа "Пуруша-веданта-сутра"да таърифланган Кришна онгини одамлардан яшириб қўйди. Токи биз "Веданта-сутра"даги ҳамма гапларни исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат деб тан олмас эканмиз, уни ўрганиш ҳеч қандай натижа бермайди. "Веданта-сутра"нинг шеърларини ўзи билганча талқин қилиш - ҳеч қандай исботга

мухтож бўлмаган Ведаларни энг катта ҳақорат қилиш демакдир.

Омкара-пранавага келсак, у Худонинг Олий Шахсининг товуш шаклидаги инкарнациясидир. Омкара - олий, чексиз, илоҳий ва ҳамиша ўзгармас мангу товуш. Омкара борлиқнинг боши, ўртаси ва охири, айни пайтда Унинг аввали йўқ. Агар инсон омкарани шу тарзда тушуниб етса, у мангуликка эришади. Шунинг учун омкарада ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Парвардигорнинг қиёфасини кўриш лозим. Омкара билан Вишну бир биридан фарқ қилмаслигини, омкара ҳамма жойни қамраб олганини тушунган киши бу моддий оламда ҳеч қачон мусибатга тушмайди ва *шудра* бўлиб қолмайди.

Гарчи У(омкара) моддий қиёфага эга бўлмаса ҳам, У кенгайишда чегара билмайди ва чексиз қиёфага эга. Омкарани англаб етган инсон моддий оламнинг зиддиятларидан озод бўлади ва мутлақ илмга эга бўлади. Шунинг учун омкара - Парвардигорнинг энг саодатли қиёфасидир. "Мандкуйа Упанишад"да омкара ана шундай таърифланган. Упанишадаларда келтирилган гапларни ҳеч ким ўзининг онги даражасида талқин қилмаслиги ва Худонинг Олий Шахси бу дунёга ўзининг шахсий қиёфасида кела олмани учун бунинг ўрнига У бу дунёга ўзининг товуш қиёфасини юборади деб айтмаслиги керак. Ана шундай нотўғри талқин қилишлар шунга олиб келадик, омкарани қандайдир моддий нарса ўрнида қабул қиладилар ва омкарани нотўғри тушуниб, уни шунчаки Парвардигорнинг белгиси ёки тимсоли деб қабул қиладилар. Аслини олганда эса, омкара Парвардигорнинг бошқа ҳар қандай инкарнациясидан бирор жиҳатдан қолишмайди.

Парвардигорнинг сон-саноксиз инкарнациялари бор, омкара - улардан бири. "Бхагавад-гита"(9.17)да Кришна шундай дейди: "Товуш тебранишлари ичида Мен - *оум* бўғиниман". Демак, омкара Кришнадан фарқ қилмайди. Лекин, имперсоналистлар омкарани Худо Шахси Кришнадан ҳам юқори қўядилар. Лекин, аслида Парвардигорнинг ҳар қандай қиёфадаги ҳар қандай инкарнацияси, Унинг ўзидан фарқ қилмайди. Демак, омкара барча Ведаларнинг охирги сўзи. Аслида ведавий мантралар ва мадҳиялар илоҳий мазмунга эга, чунки улар *оум* бўғинидан бошланади. Ваишнавлар одатда омкарани қуйидагича тушунтирадилар: О харфи Худонинг Олий Шахси, Кришнани билдиради; У харфи - Кришнанинг мангу рафиқаси Шримати Радхаранини билдиради; М харфи - Парвардигорнинг мангу хизматкори, тирик мавжудотни билдиради. Шанкара омкарани бундай аҳамият бериб таърифламаган. Лекин Унинг муҳимлиги ҳақида Ведаларнинг, Рамаянанинг, Пураналар ва "Маҳобҳорат"нинг жуда кўп жойларида айтилган. Худонинг Олий Шахси, ягона Парвардигорнинг шон-шухрати ана шундай эълон қилинади.

## 21-боб.

### Майавади-файласуфларнинг ваишнавларга айланиши

Шундай қилиб, Парвардигор Чайтанья "Веданта-сутра"нинг нотўғри талқин қилишларини қоралади, шу ерда иштирок этаётган санниасиларнинг ҳаммаси Унинг изоҳларидан ҳайратга тушгандилар. Ундан Ведаларнинг ана шундай тўғри талқинини эшитиб, санниасилардан биттаси шу ерда шундай деди: "О Шрипада Чайтанья, - деди у, - омкарани нотўғри талқин қилишни қоралаб, ҳозир Сен айтган гаплардан ҳам кадрлироқ гапларни мен ҳеч кимдан эшитмаганман. Фақат энг омадли кишиларгина Сенинг изоҳларингни ягона тўғри талқин деб қабул қила олади. Ҳақиқатан ҳам, ҳозир ҳар биримиз Шанкаранинг изоҳлари сунъий ва нотўғри эканини кўриб турибмиз, лекин бизлар ҳаммамиз Унинг издошлари бўлганимиз учун унинг изоҳларини тўғри деб қабул қилиб юрибмиз. Биз "Веданта-сутра"ни тушунтиришда давом этишингни тинглашдан хурсанд бўламиз".

Унинг илтимоси билан Парвардигор Чайтанья "Веданта-сутра"нинг ҳар бир шеърини тўғри талқин қилиб тушунтириб берди. У *Брахман* иборасининг мазмунини тушунтирди: *брахман* дегани буюк зот, Худонинг Олий Шахси дегани билдиради. *Брахман* ибораси буюк зотнинг олти фазилатнинг мукамал соҳиби эканини билдиради: Худонинг Олий Шахси барча бойликлар, бутун шон-шухрат, бутун куч-қудрат, бутун гўзаллик, бутун илм ҳамда барча боғланмасликлар соҳибидир. Парвардигор Кришна шахсан Ер сайёрасида бўлганида, У ана шу олти фазилатни тўла намоён этди. Парвардигор Кришнадан бой ҳеч ким йўқ эди, ҳеч ким Ундан илмлироқ эмасди, ундан гўзалроқ, машхурроқ ва кучлироқ ҳеч ким йўқ эди, ҳеч ким Кришначалик боғланмаган эмасди. Шунинг учун Худонинг Олий Шахси, Кришна - Олий Браҳмандир. Буни "Бхагавад-гита"(10.12)да Аржун ҳам тасдиқлайди: *парам брахма парам дхама*: "Сен - Олий Браҳмансан, охирги, олий даргоҳсан". Демак, *Брахман* ибораси ҳаммадан буюк зотни англатади, ҳаммадан буюк Зот эса, Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришна. У - Мутлақ Ҳақиқат(*пара-таттва*) макони, чунки У *парам брахма*. Унинг фазилатларида, намоён бўлган кўринишларида, шон-шухратида, бойлигида, куч-қудратида, гўзаллигида, илм ва боғланмаслигида моддийликдан асар ҳам йўқ. Барча ведавий шеър ва мадҳиялар тасдиқлайдиларки, У билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса руҳий ва илоҳий табиатга эга. Ведаларда *Брахман* ибораси қаерда учрамасин, у албатта Худонинг Олий Шахси Кришнани назарда тутди, деб тушуниш лозим. Фаросатли киши дарров *Брахман* иборасини Кришна деган сўз билан алмаштиради.

Худонинг Олий Шахси табиатнинг моддий гуналарига нисбатан илоҳий табиатга эга, лекин Унинг ўзи тўлалигича илоҳий нарсаларда ифодаланади. Парвардигор шахсиятсиз деб ўйлаш, Унинг руҳий қувватларининг намоён бўлишини инкор этиш демакдир. Агар инсон фақат руҳий қувватнинг шахсиятсиз намоён бўлишини қабул қилса-ю, Худонинг Олий Шахсини инкор этса, у Мутлақ Ҳақиқатни тўла эмас, қисман қабул қилган бўлади. Парвардигорни тўла бутунлигича қабул қилиш - табиатнинг моддий гуналарига нисбатан илоҳий табиатга эга бўлган ранг-баранг руҳий оламни қабул қилиш демакдир. Худонинг Олий Шахсини кўрсата олмани сабабли имперсоналистлар ҳаёт ҳақида ўзларининг мукамал бўлмаган қисман

тасаввурлари билан қолаверадилар. Худонинг Олий Шахси Кришнани англаб етишнинг барча тан олган усули Худога садоқат билан хизмат қилиш усулидир, буни барча ведавий муқаддас китоблар тасдиқлайди. Худога садоқат билан хизмат қилиш Парвардигор ҳақида тинглашдан бошланади. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз асосий тури бўлиб, уларнинг энг асосийси тинглаш ҳисобланади. Тинглаш, такрорлаш, эслаш, сажда қилиш - буларнинг ҳаммасидан Худонинг Олий Шахсини англаб етишда олий баркамолликка эришиш йўлида фойдаланиш лозим. Худонинг Олий Шахсини англаб етишга ёрдам берадиган мана шу йўл *абхидхейя*, яъни шартланган шароитда Худога хизмат қилиш деб аталади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, бир марта Кришнани англаш йўлига кирган киши ундан ўзликни англашнинг бошқа йўлларига кетишни истамайди. Кришна онги билан яшаш - Худонинг Олий Шахси Кришнага муҳаббат уйғотиш, инсоннинг ҳаётдаги барча интилишларининг бешинчи ўлчамидир. Инсон ҳақиқатан ҳам Худога илоҳий хизмат қилиш йўлига кирганида у Кришна билан ўзининг ўзаро муносабатларидан бевосита лаззатлана бошлайди. Кришна билан бўлган ўзаро илоҳий муносабатлар кучая бошлаганида Кришна аста-секин содиқнинг ажралмас ҳамроҳига айланади. Шунда содиқ илоҳий лаззатга тўла ҳаётдан мангу лаззатланиб яшайди. Шу сабабли, "Веданта-сутра"нинг мақсади - тирик мавжудотнинг Парвардигор Кришна билан бир вақтлар йўқолиб кетган ўзаро муносабатларини қайтадан тиклаш ва унга Худога садоқат билан хизмат қилиш, оқибат-натижада инсон ҳаётининг олий мақсадига - Худога муҳаббатга эришиш имконини бериш. "Веданта-сутра"нинг ҳақиқий мақсади шундан иборат.

Парвардигор Чайтанья шеърларнинг мазмунини тўғри талқин қилиб "Веданта-сутра"ни тушунтириб бергандан кейин Пракашананда Сарасватининг бош шогирди ўрнидан турди ва Парвардигор Чайтаньяни Худонинг Олий Шахси, Нарайана деб олқишлай бошлайди. У фақат Унинг "Веданта-сутра"ни тўғри тушунтирганини олқишлаб қолмасдан, очикдан-очик эълон қилдики, "Упанишада" ва "Веданта-сутра"нинг маъноларини очик ва тўғри тушунтириш унга шунчалик лаззат бағишлагани сабабли, у аслида *майавади* мактабининг издоши эканини бутунлай унутиб юборган. У ўзининг бу гаплари билан Шанкарачарянинг Упанишада ва "Веданта-сутра"ларга берган изоҳлари нотўғри эканини тан олди. **Баъзан биз мактаблараро душманлик туйғусига берилиб кетиб, ана шундай нотўғри талқинларни қабул қиламиз, лекин аслида бу талқинлар бизни қониқтирмайди.** Шунчаки *саннийаси* бўлиш - ҳали моддий чалкашликлардан бутунлай халос бўлиш дегани эмас. Шунга карамай, агар биз Парвардигор Чайтаньянинг "Веданта-сутра"га берган изоҳларини тушунсак, бу бизларга руҳий юксалишда катта ёрдам беради. Масалан, Парвардигор Чайтанья *харер нама харер нама харер намаива кевалам* шеърининг мазмунини тушунтирганида, бундан ҳамма мамнун эди, чунки бу ҳақиқатан ҳам шундай - Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа йўл йўқ. Худога садоқат билан хизмат қилмай туриб ҳеч ким моддий олам чангалидан озодликка чиқа олмайди. Айниқса **хозирги даврда шунчаки, Ҳаре Кришна Ҳаре Криш-**

**на, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре** деб такрорлаб юриш билан инсон энг юксак озодликка эриша олади. "Шримад Бҳагаватам"(10.14.4)да айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини тарқ этиб, шунчаки илм ўрганиш йўлига кирган киши руҳ билан модданинг фарқини тушуниб етиш йўлида дуч келадиган ҳар хил ташвишлардан бошқа ҳеч қандай натижага эриша олмайди. Сомонни титиш билан дон олишга уриниш - бемаъни иш. Шунинг учун "Шримад Бҳагаватам"(10.2.32)да айтилганки, Парвардигорга илоҳий хизмат қилишни инкор этадиган ва асоссиз равишда ўзини озодликка чиққан деб ҳисоблайдиган киши ҳеч қачон озодликка эриша олмайди. Қаттиқ уринишлар, оғир риёзатлар эвазига у озодликка эришиш поғонасигача кўтарилиши мумкин, лекин Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топмагани учун у яна моддий оламга қайтиб келади.

Олий Брахманни шахсиятсиз деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки ундай ҳолда Унга Худонинг Олий Шахсига хос бўлган олти мукамал фазилатни хос деб бўлмасди. Барча Ведалар ва Пураналар Худонинг Олий Шахси руҳий қувватларга тўла эканини тасдиқлайди, лекин нодон одамлар буни инкор этиб, Унинг кароматлари устидан куладилар. Улар Кришнанинг илоҳий танасини моддий табиат юзага келтирган деб, нотўғри тушунадилар, бу эса, оғир ҳақорат ва катта гуноҳ ҳисобланади. Парвардигор Чайтаньянинг Пракашананда ва бошқа саннийаси-майавадиларга айтган гапларини тўлалигича қабул қилиш лозим.

Олий Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий сифатлари "Шримад Бҳагаватам"(3.9.3-4)да шундай таърифланади: "Эй Парвардигор, мен кўриб турган илоҳий қиёфа илоҳий лаззат тимсолидир. У мангу ва моддий гуналар билан булганмаган. У Мутлақ Ҳақиқатнинг намоён этган энг олий қиёфаси ва порлоқ нурга тўла. Сен - ҳар кимнинг жонисан, Сен - космик оламнинг ва барча моддий унсурларнинг яратувчисан. О Кришна! Эй энг саодатли коинот! Сен бизлар сажда қилиб сиғинишимиз учун Ўзингни азалий шахсий қиёфанга намоён этдинг. Сенга муроқабга қилиш ёки бевосита Сенга сажда қилиш билан бизлар Сени англаб етамиз. Моддий табиатга булғаниб қолган нодонлар Сенинг илоҳий қиёфанга ҳеч қандай аҳамият бермайдилар, натижада улар дўзахга равона бўладилар".

Бу ҳақиқат "Бҳагавад-гита"(9.11)да ҳам тасдиқланади: "**Мен бу оламга инсон қиёфасида келганимда нодон одамлар устимдан куладилар. Улар Менинг илоҳий табиатимни ва бутун борлиқнинг Олий Ҳукмдори эканимни билмайдилар.**"

Ана шундай нодонлар ва иблис табиатли кишилар дўзахга равона бўлиши ҳам "Бҳагавад-гита"(16.19)да тасдиқланади: "**Ана шундай ҳасадгўй, золим, пасткаш одамларни Мен моддий олам қаърига, ҳаётнинг иблисларга хос шаклларига ташлайман.**"

Паринома-вада, кўшимча маҳсулот ғояси "Веданта-сутра"нинг энг биринчи шеърларида айтилади. Лекин Шанкарачаря юзаки равишда уларни яширишга уриниб, *виварта-вада*, яъни қувватнинг шакл ўзгартириши ғоясини ўрнатишга ҳаракат қилган. У ҳатто Вйаса хатоланган деб айтишга журъат қилган. Барча ведавий муқаддас китоблар, Пураналар тасдиқлайдиларки, Парвардигор барча руҳий

кувватларнинг ва рухий ранг-барангликнинг маркази. Илмсиз ва димоғдор *майавади* файласуф рухий кувватнинг ранг-баранглигини тушуниб етишга кодир эмас. Бунинг оқибатида у рухий ранг-баранглик моддий ранг-барангликдан умуман фарқ қилмайди, деб ҳисоблайди. Ана шундай алданиш домига тушган майавадилар Худонинг Олий Шахсининг эрмакларини мазахлаб куладилар. Парвардигорнинг илохий кароматларини тушуна олмайдиган ана шундай нодонлар Кришнани моддий табиатнинг махсули деб ҳисоблайдилар. Бу - инсон содир қилиши мумкин бўлган энг оғир ҳақорат ҳисобланади. Шунинг учун Парвардигор Чайтанья бу ерда аниқ таърифляптики, Кришна - *сач-чид-ананда-виграха*, яъни мангулик, илм ва лаззат тимсоли, У ҳамиша Ўзининг илохий эрмаклари билан машғул бўлиб юради: рухий ранг-баранглик Унинг ана шундай илохий эрмакларида намоён бўлади.

Пракашананданинг шогирди Парвардигор Чайтаньянинг гапларини умумлаштириб, шундай хулосага келди: "Аслини олганда бизлар рухий юксалиш йўлидан адашиб юрган эканмиз. Биз шунчаки куруқ сафсата билан шуғулланиб келдик. Ҳақиқатан ҳам Парвардигорнинг марҳаматига эришишга интилиб юрган *майавади* файласуфлар Кришнага садоқат билан хизмат қилишлари лозим, лекин бунинг ўрнига улар мутлақо фойдасиз бемаъни сафсата, гап сотишлардан лаззат излаб юрибдилар. Шунинг учун Шанкарачарьянинг изоҳлари Ведавий муқаддас китобларнинг асл маъносини одамлардан яширади. Фақат Парвардигор Чайтаньянинг изоҳларини қабул қилиш мумкин. Бошқа барча изоҳлардан ҳеч қандай фойда йўқ".

Ўзининг фикр-мулоҳазаларини шундай ифодалаб бўлгандан кейин Пракашананданинг бош шогирди баланд овозда куйлай бошлади: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Буни кўрган Пракашананданинг Ўзи ҳам Шанкарачарьянинг хатолашганини тан олди ва шундай деди: "Шанкарачарья монизм доктринасини асослашга ҳаракат қилгани учун унинг "Веданта-сутра"нинг мазмунини бузиб кўрсатишдан бошқа иложи йўқ эди. Худонинг Олий Шахси мавжудлигини тан олиш билан монизм таълимотини тасдиқлашнинг иложи йўқ. Шунинг учун у дунёвий билимдонлик ёрдамида "Веданта-сутра"нинг асл мазмунини яширишга ҳаракат қилган. Буни фақат Шанкарачарья эмас, балки "Веданта-сутра"ни нотўғри талқин қилиб ўзининг фикрларини ўрнатишга уринганларнинг ҳаммаси шундай қилган".

Шундай қилиб, Парвардигор Чайтанья "Веданта-сутра"нинг асл маъносини баён қилиб берди. Ведавий муқаддас китобларни ҳар хил куруқ сафсаталар учун баҳона қилиб олмаслик керак. Шанкарачарьядан бошқа Капила, Гаутама, Аштавакра ва Патанжали сингари дунёвий файласуфлар ҳам бор эдилар, улар ҳам ўзларининг турли фалсафий ғояларини илгари сурганлар. Масалан, Жаймини ва унинг издошлари, маълум даражада мантик билан шуғулланиб, Ведаларнинг асл мазмуни - Худого садоқат билан хизмат қилишдан четга чиқиб кетдилар ва Мутлақ Ҳақиқат моддий оламга боғлиқ эмас, деб исботлашга уриндилар. Агар Худо бор бўлса, У ўзининг дунёвий бурчини ҳалол бажариб юрган инсондан мамнун бўлиши ва унга унинг истаган ҳамма нарсасини бериши лозим, - деган ғоя ана шулар-

дан чиққан. Атеист Капила моддий оламни яратган Худонинг йўқлигини исботлашга уринган. У оламнинг яралишига моддий унсурларнинг ўзаро ҳаракати сабаб бўлганини асослашга ҳаракат қилган. Гаутама ва Канада ҳам моддий олам моддий унсурларнинг маълум бир шароитда ўзаро бирикиши натижасида пайдо бўлган деб, оламнинг яралишига атом куввати сабаб бўлганини асослашга ҳаракат қилганлар. Аштавакра сингари имперсоналистлар ва монистлар ҳам шунга уриниб кўрганлар. Улар Парвардигор - шахсиятсиз нур (*Брахмажйоти*) эканини исботламоқчи бўлганлар. Патанжали, йога тизимининг энг йирик ишончли вакили, у Парвардигорнинг ҳар ким ўзи тасаввур қиладиган киёфасини англаб етишга уринган.

Қисқаси, шуни тушуниб олиш лозимки, бу дунёвий файласуфларнинг ҳаммаси ўзлари ўйлаб топган фалсафаларни илгари суриб, Худонинг Олий Шахсидан кочиб қутулишга уринганлар. Лекин, буюк донишманд ҳамда Парвардигорнинг инкарнцияси Вйасадева, ана шу куруқ фалсафий сафсаталарни ҳар томонлама ўрганиб чиққан ва уларга жавобан "Веданта-сутра"ни ёзган. Унда тирик мавжудотлар билан Худонинг Олий Шахсининг ўзаро муносабатлари таърифланган ва охир-оқибатда Худого муҳаббатга эришиш учун Худого садоқат билан хизмат қилишнинг муҳим ва зарурлиги тасдиқланган. "Веданта-сутра"нинг энг биринчи шеъри *джанмадй асйа йатах* бўлиб, унинг мазмунини Вйасадева "Шримад Бҳагаватам"да тушунтириб беради. "Шримад Бҳагаватам"да энг бошиданок Вйасадева эълон қилиб айтадики, бутун борлиқнинг олий манбаи - ҳамма нарсадан хабардор бўлган илохий шахс.

Имперсоналист Парвардигорнинг шахсиятсиз нури моддий табиат гуналаридан ташқарида эканини, айни пайтда Худонинг Олий Шахси моддий табиат гуналарига бўлганган эканини асослашга уринади. "Веданта-сутра"да айтилганки, Худонинг Олий Шахси шунчаки моддий табиат гуналарига нисбатан илохий табиатли бўлиб қолмасдан, сон-саноксиз илохий сифатларга ва кувватларга эга. Бу куруқ сафсатабозларнинг ҳаммаси бир нарсага - Парвардигор Вишнунинг мавжудлигини инкор этишга интиладилар. Улар ўзларининг таълимотларини зўр иштиёқ билан тарғибот қиладилар, баъзи одамларнинг уларни тан олиб қабул қилаётганини кўрсалар, бундан жуда қувонадилар. Омадсиз одамлар ана шу атеистик таълимотлардан илҳомланиб кетадилар, шунинг учун улар ҳеч қачон Мутлақ Ҳақиқатнинг асл ҳолатини тушуна олмайдилар. Бундан кўра, аввал яшаб ўтган буюк зот - *махажанлар* изидан борган маъқул. "Шримад Бҳагаватам"га асосан ўн икки маҳажан бор: 1)Брахма, 2)Шива, 3)Нарада, 4)Ваивасвата Муни, 5)Капила, 6)Кумарлар, 7)Прахлада, 8) Бхишма, 9)Джанак, 10)Бали, 11)Шукадева Госвами, 12)Йамараджа(Азроил). "Маҳобҳорат"га асосан, Мутлақ Ҳақиқат ҳақида баҳслашишнинг мутлақо ҳожати йўқ. Чунки ведавий муқаддас китоблар ва фалсафий тизимлар шунчалик кўпки, файласуфлар ҳеч қачон бир бири билан муроса қила олмайдилар. Ҳар ким ўзининг нуқтаи назарини олға суришга ва бошқаларнинг нуқтаи-назарини инкор этишга интилгани сабабли дин қонунларининг зарур эканини тушуниш жуда қийин. Шунинг учун, яхшиси буюк зотларнинг изидан борган маъқул: шунда албатта муваффақиятга

эришиш мумкин. Парвардигор Чайтаньянинг таълимоти худди ширин шарбат, нектарга ўхшайди ва инсон учун зарур бўлган ҳамма нарсани ўз ичига олган. Яхшиси - шу йўлга кириш ва унга амал қилиб яшаш керак.

## 22-боб.

### "Шримад Бхагаватам"

Санньяси-майавадилар Чайтанья Махапрабху йўлини қабул қилганларидан кейин, Унинг олдида кўплаб билимдон пандитлар ва Банорасдаги бошқа кизикувчан кишилар кела бошладилар. Истаганларнинг ҳаммаси Чайтанья Махапрабхунинг қароргоҳида Уни кўра олмагани сабабли, одамлар У Ўзи турган жойдан то Вишванатха ва Биндумадхава эхромигача бўлган йўл бўйида тизилиб турардилар. Бир куни Парвардигор Ўзининг ҳамроҳлари Чандрашекхара, Парамананда, Тапанамिशра ҳамда Санатана Госвами ва бошқалар билан бирга эхромга йўл олди. У йўл бўйи куйлаб борарди:

*Хари харайе намаҳ кришна йадавайя намаҳ  
гопала говинда рама шри-мадхусудана*

Куйлаб, рақсга тушиб бораётган Парвардигор атрофига минглаб одамлар тўпландилар, Парвардигор куйлаганда унинг атрофидагилар Унга жўр бўлиб биргаликда куйларди. Уларнинг овози шунчалик кучли эдики, шу ерга яқин жойда ўтирган Пракашананда дарров ўзининг шогирдлари билан бирга уларга кўшилдилар. У Ўзининг ҳамроҳлари билан бирга куйлаб рақсга тушиб бораётган Парвардигорнинг ажойиб танасини кўрган заҳоти уларга кўшилиб куйлай бошладди: "Хари! Хари!" Парвардигор Чайтаньянинг жазавали рақсини томоша қилиб Банораснинг бутун аҳолиси ҳайратга тушганди. Лекин, санньяси-майавадиларга кўзи тушган Парвардигор Чайтанья бирданга рақс тушишдан тўхтаб, Ўзининг ҳис-туйғуларини жиловлаб олди. Парвардигор Чайтанья рақсини тўхтатган заҳоти Пракашананда Сарасвати Унинг оёқларига йиқилди. Уни бундан тўхтатишга уриниб Чайтанья Махапрабху шундай деди: "Сен бутун олам руҳий устози, джагад-гурусан. Мен ҳатто сенинг шогирдларинг қаторида туролмайман. Сен Мендай бир паст поғонада турган кишининг оёғига йиқилмаслигинг керак. Сен худди Олий Браҳманга ўхшайсан, агар Мен сенинг оёғимга йиқилишингга йўл қўйсам, сени ҳақорат қилган бўламан. Гарчи сенинг амалларинг зиддиятлардан холи бўлса ҳам, сен бундай қилмаслигинг керак, чунки сен бу ишинг билан бошқаларга ёмон ўрнак кўрсатасан".

"Аввал мен Сен ҳақингда жуда кўп ёмон гапларни гапирган эдим, - деди Пракашананда Сарасвати, - энди, энди эса, шу қилган ҳақоратларим оқибатидан покла-ниш учун мен Сенинг оёқларингга йиқиялман".

Кейин у ведавий муқаддас китоблардан мисоллар келтирди, унда айтилганки, агар ҳатто озодликка эришган зот Парвардигорни ҳақорат қилса, у яна моддий иллат қурбонига айланиб қолади. Кейин Пракашананда Сарасвати "Шримад Бхагаватам"дан бошқа бир шеърни мисол келтирди(10.34.9), унда аввал Видйадхарарчита

бўлган илоннинг Нанда Махаражга ҳамла қилгани баён этилади. Илон Кришнанинг оёқларига тегиши билан ўзининг барча гуноҳларидан покланиб, аввалги фаришта ҳолатига қайтади. Уни Парвардигор Кришнага тенглаштираётганларини тинглаб туриб. Парвардигор Чайтанья бунга эътироз билдирди. У ҳамма одамларни бирор тирик мавжудотни Худонинг Олий Шахсига тенглаштирамасликка ўргатмоқчи эди. Гарчи У Парвардигорнинг Ўзи бўлса ҳам, У бизларнинг ҳаммамизга ўрнак кўрсатиш учун ана шундай тенглаштиришга эътироз билдирган эди. У айтдики, бирор тирик мавжудотни Парвардигор билан тенглаштириш - жуда оғир гуноҳ. Парвардигор Чайтанья тез-тез эслатиб турардики, Парвардигор Вишну, Худонинг Олий Шахси - чексиз катта, тирик мавжудот қанчалик буюк бўлмасин, Унинг олдида чексиз кичик заррача бўлиб қолаверади. Буни тушунтириш учун У "Падма пурана"дан бир шеърни келтиради, у Ваишнава-тантра("Хари-бхактивиласа"1.73)да келтирилган: **"Парвардигорни ҳатто Тангри Браҳма, Шива сингари энг буюк фаришталар билан тенглаштирган кишини ҳам энг ашаддий имонсиз атеист деб ҳисоблаш лозим"**.

"Сен - Худонинг Олий Шахси, Кришна эканингни тушуна оламан, - давом этди Пракашананда Сарасвати, - лекин, агар Сен содиқ хизматкоринг қиёфасига кириб олган бўлсанг ҳам, барибир сиғинишга муносиб Зотсан, чунки руҳий юксалиш ва билимдонлик бобида Сен ҳаммамиздан устунсан. Шунинг учун Сени ҳақорат қилиш билан бизлар жуда оғир гуноҳ қилиб қўйдик. Илтимос, бизларни кечир!" "Шримад Бхагаватам"(6.14.5)да Худонинг содиқ хизматкори қандай қилиб илоҳиёт одамлари ичида энг буюги бўлиши ёзилган: **"Кўплаб озодликка ва баркамолликка эришган зотлар бор, аммо уларнинг ҳаммасидан аълоси Худонинг Олий Шахсининг содиқларидир**. Худонинг содиқлари ҳамиша хотиржам, вазмин, руҳий баркамолликнинг ана шундай поғонасига эришган киши ҳатто миллионлаб одамлар орасида ҳам камдан-кам топилади".

Кейин Пракашананда "Шримад Бхагаватам"дан яна бир шеърни мисол келтирди(10.4.46), унда айтилганки, агар **кимдир Худонинг содиқ хизматкорини ҳақорат қилса, у ҳамма нарсасидан маҳрум бўлади: умри камаяди, бойлигидан маҳрум бўлади, обрўйдан, динидан ва олган дуои-фотиҳаларидан маҳрум бўлади**.

Кейин Пракашананда "Шримад Бхагаватам"дан яна бир шеър келтирди(7.5.32) унда айтилганки, Худонинг Олий Шахсининг нилуфар қадамлари пойига теккан заҳоти шартланган руҳнинг барча шубҳаю-гумонлари тарқалиб кетади. Лекин, инсон то Парвардигорнинг асл содиғининг марҳаматига эришмагунча Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига яқинлаша олмайди. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг асл содиғининг марҳаматисиз ҳеч ким Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори бўла олмайди. "Энди мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойи паноҳига кираман. - деди Пракашананда Сарасвати, - чунки мен ҳам Парвардигорнинг содиқ хизматкори бўлишни истайман".

Шундан кейин Парвардигор Чайтанья билан Пракашананда иккиси ёнма-ён ўтирдилар. "Майавади фалсафасининг зиддиятли томонлари ҳақида Сенинг айтганларинг бизларга ҳам маълум, - деди Пракаша-

нанда, - ҳақиқатан ҳам, майвадиларнинг "Веданта-сутра"га ёзган барча изоҳлари, айниқса Шанкарачарьянинг изоҳлари нотўғри. Унинг "Веданта-сутра" ҳақида ёзганлари - бутунлай унинг ўзи ўйлаб топган хом-хаёлларидан иборат. Лекин Сен "Веданта-сутра" ва Упанишадаларни Ўзининг фикрларингга асосланиб эмас, балки улар асл ҳолида қандай бўлса, шундайлигича тушунтириб бердинг. Шунинг учун бизлар Сенинг изоҳларингни тинглаганимиздан жуда мамнунмиз. "Веданта-сутра" ва Упанишадаларни Худонинг Олий Шахсидан бошқа ҳеч ким ана шундай тушунтириб бера олмасди. Сен Парвардигорнинг барча қудратига эга бўлганинг учун мен Сендан илтимос қиламан, "Веданта-сутра"ни тушунтиришда давом эт. Мен ҳам ўзимда унинг саодатли таъсирини ҳис қилиб лаззатланаман".

Чайтанья Махапрабху Уни Парвардигор деб аташларига эътироз билдирди. У шундай деди: "Эй ҳукмдорим, Мен оддий тирик мавжудотман, Мен "Веданта-сутра"нинг асл мазмунини билмайман. Лекин Нарайананинг инкарнацияси бўлган Вйасадева уни билади. Бирор тирик мавжудот "Веданта-сутра"нинг мазмунини ўзининг дунёвий тасаввурларига таянган ҳолда талкин қилмаслиги керак. Виждонсиз одамларнинг "Веданта-сутра"га ёзган ана шундай изоҳлари оқимини тўхтатиш учун муаллифнинг ўзи, Вйасадева, "Шримад Бхагаватам" асарини ёзиб "Веданта-сутра"ни изоҳлаб берган".

Бошқача қилиб айтганда, "Веданта-сутра"нинг мазмунини ҳеч ким уни ёзган муаллифдан яхшироқ тушунтириб бера олмайди. Агар муаллифнинг ўзи очиб бермаса, ҳеч ким муаллиф ўзининг ёзган асаридан қандай мақсад кўзлаганини аниқ айта олмайди. Шунинг учун "Веданта-сутра"ни фақат муаллифнинг ўзи ёзган изоҳ "Шримад Бхагаватам" ёрдамида ўрганиш лозим.

*Пранава*, яъни *омкара* - барча ведаларнинг илоҳий моҳияти. Омкара худди "Шримад Бхагаватам"да тушунтирилгандай қилиб, *гайатри* мантрасида ҳам батафсил таърифланган. Бу борада ёзилган тўрт шеър бор. Уларни Тангри Браҳмага Парвардигор Кришнанинг Ўзи тушунтирган. Ўз навбатида Тангри Браҳма уларни Нарада Мунига, Нарада Муни - Вйасадевага тушунтирган. Шу тарзда "Шримад Бхагаватам" шеърларининг мазмуни шогирдлар силсиласи бўйича руҳий оламдан тушиб келади. Истаган киши "Веданта-сутра"га ўзининг изоҳларини ёзиши ва бу билан одамларни йўлдан адаштиравериши мумкин, деб ўйламаслик керак. "Веданта-сутра"ни тушунишни истаган киши аввал "Шримад Бхагаватам"ни синчиклаб ўрганиб чиқиши лозим. Нарада Мунининг насихатларига амал қилиб, "Веданта-сутра"ни изоҳлаб бериш учун "Шримад Бхагаватам"ни Вйасадеванинг ўзи ёзган. Шундай қилиб, "Шримад Бхагаватам" - бутун ведалар илмининг асл мазмунидир. Упанишадаларда ёзилган, кейин "Веданта-сутра"да тасдиқланган гапларнинг ҳаммаси "Шримад Бхагаватам"да ажойиб тушунтирилган.

"Ишопанишад"даги бир шеър "Шримад Бхагаватам"даги бир(8.1.10) шеърни эслатади. )Унда айтилганки, бу оламда кўриниб турган нарсаларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг қуввати бўлиб, Ундан фарқ қилмайди. Демак, У - барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори, дўсти ва ҳимоячиси. Бизлар фақат Худонинг марҳамати билан яшашимиз ва фақат У бизларга ризк

қилиб берган нарсанигина олишимиз лозим. Шу тарзда, ҳеч кимнинг молига кўз тикмасдан ҳаётдан лаззатланиб яшаш мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, Упанишадалар, "Веданта-сутра" ва "Шримад Бхагаватам" ягона мақсадни кўзлайдиган асарлардир. Агар инсон "Шримад Бхагаватам"ни диққат билан ўрганса, у ундан барча Упанишадаларнинг ва "Веданта-сутра"нинг мазмунини тушуниб олади. "Шримад Бхагаватам" бизларга ўзимизнинг Парвардигор билан бўлган ўзаро мангу муносабатларимизни қандай қилиб қайта тиклашни, ана шу муносабатлар асосида қандай ҳаракат қилишни ва ниҳоят қандай қилиб бундан энг катта манфаат чиқариб олишни ўргатади.

*ахам эва* деган сўзлар билан бошланадиган тўрт шеърда бутун "Шримад Бхагаватам"нинг мазмуни жамланган: **Барча тирик мавжудотларнинг ўзаро муносабатларининг олий маркази - Менман. Менинг илмим - олий илм. Тирик мавжудотнинг Менга эришишига ёрдам берадиган усул *абхидхейя* деб аталади. Бу усул ёрдамида энг юксак баркамолликка - Худога муҳаббатга эришиш мумкин. Тирик мавжудот Худога муҳаббатга эришганида унинг ҳаёти мукамал бўлади**". Мана шу тўрт шеър "Шримад Бхагаватам"да тушунтирилган, Парвардигор Чайтанья ана шу шеърнинг мазмунини қисқача таърифлаб берди. У айтдики, ҳеч ким Парвардигорнинг асл ҳолатини, Унинг жойлашган жойини, Унинг илоҳий сифатларини, Унинг илоҳий амалларини ва Унинг олти фазилатини тушуна олмайди. На фалсафий изланишлар ёрдамида, на дунёвий билимдонлик ёрдамида буни тушуниб олишнинг иложи йўқ. Уларни фақат Парвардигорнинг Ўзининг марҳамати билангина тушуниб олиш мумкин. "Бхагавад-гита"да айтилганидек, омади келиб Парвардигорнинг марҳаматига эришган кишигина Унинг марҳамати билан буларнинг ҳаммасини тушуна олади.

Парвардигор моддий олам яралмасдан аввал мавжуд эди. Шунинг учун моддий унсурлар, моддий табиат ва тирик мавжудотлар Ундан чиққан, олам яқсон бўлганда яна Унга кирадилар. Олам намоён бўлганида Парвардигор унинг мавжудлигини таъминлаб туради. Аслида, биз кўриб турган оламнинг ҳаммаси - Унинг ташқи қувватининг намоён бўлган кўринишлари. Парвардигор ташқи қувватини ичига тортиб олганида ҳамма нарса Унинг ичига киради. Тўрт шеърнинг биринчисида, Худонинг Олий Шахси барча бойликлар ва мукамалликлар эгаси эканини таъкидлаш учун *ахам* ибораси уч марта такрорланади. *Ахам* ибораси Парвардигорнинг илоҳий табиатини ва қиёфасини тушунмайдиган ёки ишонмайдиган кишилар учун уч марта такрорланган.

Парвардигорнинг ички қуввати, ташқи қуввати, оралик қуввати ва нисбий қувватлари, намоён бўлган моддий олами ва тирик мавжудотлари бор. Ташқи қувват моддий табиатнинг сифат қувватлари(гуналар) ёрдамида намоён бўлади. Тирик мавжудотнинг руҳий оламдаги табиатини тушуниб олишга қодир бўлган киши ҳақиқатан ҳам *ведйам*, мукамал илмни тушуна олади. Шунчаки моддий қувватни ва шартланган руҳни кузатиш билан Парвардигорни тушуниб бўлмайди, лекин, мукамал илмга эга бўлган киши ташқи қувват таъсиридан озод бўлади. Ой куёш нуруни акс эттиради;

куёш бўлмаса, ой ҳеч нарсани ёрита олмайди. Худди шундай, бу моддий олам ҳам руҳий оламнинг акси. Инсон фақат ташки қувват чангалидан ҳақиқатан ҳам озодликка чиққандан кейингина Парвардигорнинг асл ҳолатини тушунишга қодир бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилиш - Парвардигорга эришиш имконини берадиган ягона восита ҳисобланади. Қандай вазиятда, қандай давлатда бўлишидан қатъий назар ҳар қандай инсон ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириши мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш диннинг тўрт асосидан ва озодликка чиқишдан келадиган тасаввурлардан устун туради. Ҳатто Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бошланғич поғонаси ҳам озодликка чиқиш ёки оддий динлар орқали эришиш мумкин бўлган тушунчаларга нисбатан илоҳий табиатга эга.

Шунинг учун табақаси, эътиқоди, танасининг ранги, ирки, фуқаролиги ва бошқа дунёвий шартларидан қатъий назар ҳар қандай инсон ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилиши ва ундан Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида илм ўрганиши лозим. **Инсон ҳаётининг асл мақсади - қалбида мудраб ётган Худога муҳаббат туйғусини уйғотишдан** иборат. Ҳақиқатан ҳам мана шу бизларнинг энг асосий эҳтиёжimiz. Ана шу асосий мақсадга - Худога муҳаббатга қандай эришиш мумкинлиги "Шримад Бхагаватам"да тушунтирилган. Назарий илм бор, алоҳида илм, яъни амалда синалган илм бор, аммо, инсон руҳий устозидан олган илмини амалда қўллаганидагина мукамал синалган ҳақиқий илмга эришади.

## 23-боб.

### Нима учун "Веданта-сутра"ни ўрганиш керак?

Билим - муқаддас китобларлардан олинган ахборот, фан эса, - ана шу илмни амалда қўллаш. Билим фақат ҳақиқий руҳий устоз орқали муқаддас китоблардан олинган бўлсагина илмий асосланган ҳақиқий илм бўлади. Лекин, у ўзининг ақлида пайдо бўлган фикрлар асосида талқин қилинса, у билим эмас, шунчаки хом-хаёллар бўлади. Муқаддас китобларда берилган ахборотни ҳақиқий руҳий устоз орқали илмий ўрганиш инсонга Худонинг Олий Шахсининг асл ҳолатини **шахсий тажрибаси орқали англаб етиш** имконини беради. Худонинг Олий Шахсининг илоҳий киёфаси намоён бўлган моддий кўринишлардан фарқ қилади ва модданинг таъсир доирасидан ташқарида туради. Агар инсон Худо Шахсининг руҳий киёфасини илмий равишда тушуна олмаса, у имперсоналист бўлиб қолади. Куёшнинг нури ўз ҳолича нур, лекин бу нур куёшдан фарқ қилади. Лекин, барибир куёш ва куёш нури алоҳида мавжуд эмас, чунки куёш бўлмаса куёш нури бўлмайди, куёш нури бўлмаса, "куёш" сўзининг ҳеч қандай маъноси бўлмайди.

Моддий қувватнинг таъсиридан халос бўлмай туриб Парвардигорни ва Унинг турли қувватларини

тушуниб етишнинг илоҳи йўқ. Моддий қувватга маҳлиё бўлиб қолган киши Парвардигорнинг руҳий киёфасини тушуна олмайди. Токи инсон Худонинг Олий Шахсининг илоҳий киёфасини англаб етмас экан, Худога муҳаббат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Агар инсон Парвардигорнинг илоҳий киёфасини англаб етолмаса, у ҳақиқатан ҳам қалбида Худога муҳаббатга эриша олмайди, **Худога муҳаббат бўлмаса, инсон ҳаёти мукамал бўлмайди.** Худди моддий табиатнинг беш қўпол унсур - ер, сув, олов, ҳаво ва осмон - барча тирик мавжудотларнинг ҳам ичида, ҳам ташқарисида мавжуд бўлгани сингари, Парвардигор ҳам бу моддий оламнинг ҳам ичида, ҳам ташқарисидан мавжуд, Худонинг содиқ хизматкори бўлган киши буни англаб ета олади.

Худонинг асл содиқлари уларнинг асосий вазифаси Худонинг Олий Шахсига хизмат қилиш эканини ва атрофида мавжуд бўлган ҳамма нарса Парвардигорга хизмат қилишга ёрдам берадиган восита бўла олишини яхши биладилар. Содиқ хизматкор ҳамма нарсада Парвардигорни кўра олади, чунки Парвардигор унинг қалбида туриб, содиқ хизматкорига Ўзи йўл кўрсатиб туради. Ҳақиқатан ҳам, содиқ Парвардигордан бошқа нарсани кўрмайди. Содиқ хизматкор ва Парвардигор орасидаги ўзаро муносабатлар "Шримад Бхагаватам"(11.2.55)да шундай таърифланган: **"Агар инсоннинг қалби Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи билан муҳаббат ришталари орқали ҳамиша боғланган бўлса, Парвардигор ҳеч қачон уни ташлаб кетмайди. Ҳақиқатан ҳам, ҳатто унинг ҳамиша Худони эслаб юриш қобилияти мукамал бўлмаса ҳам, уни барибир Парвардигорнинг олий поғонада турган содиғи деб ҳисоблаш лозим."** "Шримад Бхагаватам"(Даша-скандха, 10.30.4)да бунга мисол келтирилган. Гопилар Кришна билан рақсга тушиш учун тўпланганларида Кришна уларни тарк этди. Шунда гопилар Кришнанинг муқаддас номини такрорлай бошладилар ва ақлдан озиб, ўрмондаги дарахт ва буталардан Кришна ҳақида сўраб-суриштира бошладилар. Кришна худди осмонга ўхшайди, У - ҳамма жойда мавжуд.

"Шримад Бхагаватам"ни ўрганар эканмиз, биз ўзимизнинг Парвардигор билан ўзаро муносабатларимиз ҳақида ахборот оламиз, қайси йўл билан Худога эришиш мумкинлигини билиб оламиз ва Худога муҳаббатдан иборат бўлган якуний илмга эга бўламиз. Пракашананда Сарасватига қандай қилиб инсон Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали Худонинг Олий Шахсига эриша олишини тушунтирар экан, Парвардигор Чайтанья "Шримад Бхагаватам"дан бир шеърни мисол келтирди(11.14.21), унда Парвардигорнинг Ўзи айтадики, Уни фақат Худога чуқур имон ва муҳаббат билан хизмат қилиш орқали англаб етиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни содиқнинг қалбини поклайди ва уни якуний илм поғонасига кўтаради, шу илм асосида унинг имони мустаҳкам бўлади ва Худога садоқат билан хизмат қилади. Ҳатто инсон ит гўшти еб юрган, одамлар ҳазар қиладиган пасткаш чандал оиласида туғилган бўлса ҳам, у Худога муҳаббатнинг олий поғонасига кўтарилиб, ўзида илоҳий аломатларни намоён этиши мумкин. Бу илоҳий аломатлар "Шримад Бхагаватам"(11.3.31)да



таърифланган: "Худонинг содиқлари содиқ хизматкорининг қалбини қилган гуноҳлари оқибатидан поклашга қодир бўлган Парвардигор билан боғлиқ бўлган мавзуларни ўзаро муҳокама қилиб ўтирганларида улар жазавали илоҳий лаззатга ғарқ бўладилар, Худога ана шундай садоқат билан хизмат қилар экан, улар ўзларида ҳар хил илоҳий аломатларни намоён этадилар". "Шримад Бхагаватам"да яна айилганки(11.2.40): **"Парвардигорнинг муқаддас номларини шарафлаб куйлаб, улар Худога табиий равишда қаттиқ боғланиб қолганлари сабабли улар атрофидаги ижтимоий муҳитга умуман эътибор бермаган ҳолда гоҳида куладилар, гоҳида йиғлайдилар, куйлайдилар, рақсга тушадилар ва ҳоказо"**.

Биз шуни тушуниб етишимиз лозимки, "Шримад Бхагаватам" - "Брахма-самхита"нинг ҳақиқий изоҳи бўлиб, уни Вйасадеванинг ўзи ёзган. "Гаруда-пурана"да шундай дейилган: "Шримад Бхагаватам" - "Брахма-самхита"нинг муаллифининг ўзининг унга ёзган изоҳи ва "Маҳобҳорат"нинг давоми. У гайатри-мантранинг экспансияси ва барча ведавий илмларнинг асл моҳиятидир. 18 минг шеърдан таркиб топган мана шу "Шримад Бхагаватам" барча ведавий муқаддас китобларнинг мазмунини мукамал тушунтириб беради". "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида Наимисараняда тўпланган донишмандлар Сута Госвамидан қандай қилиб Ведалар адабиётининг асл мазмунини тушуниш мумкинлиги ҳақида сўрадилар. Уларга жавобан Сута Госвами **"Шримад Бхагаватам" - барча Ведаларнинг, Пураналарнинг ва бошқа ведавий муқаддас китобларнинг асл моҳияти** эканини айтади. "Шримад Бхагаватам"(12.13.15)нинг бошқа бир жойида аниқ айтилганки, **"Шримад Бхагаватам" - бутун Веданта илмининг асл мазмун-моҳияти** ва "Шримад Бхагаватам" илмининг таъмини тотиб, ҳис қилиб кўрган киши бошқа ҳар қандай асарларни ўрганишни истамай қўяди. "Шримад Бхагаватам"нинг энг бошида ҳам *гайатри* мантрасининг мазмуни ва вазифаси таърифланади: "Мен эҳтиром билан Олий Ҳақиқат" олдида бош эгаман". Бу - "Шримад Бхагаватам"да моддий оламни яратувчи, унинг мавжудлигини таъминлаб турувчи ва яқсон қилувчи сабаб, деб таърифланадиган Олий Ҳақиқатга тааллуқли бўлган биринчи кириш шеъри. Худо Шахси Васудевага эҳтиром кўрсатиш билан(*ом намो бхагавате васудевайа*), бу ерда бевосита Васудева билан Девакининг илоҳий ўғли Парвардигор Шри Кришна кўрсатилган. Кейин, "Шримад Бхагаватам"да бу ҳақиқат батафсилроқ таърифланади. Вйасадева тасдиқлайдики, Шри Кришна - азалий Худо Шахси, бошқа барча шахслар Унинг ё бевосита ёки билвосита пленар қисмлари, ё ана шу қисмларнинг таркибий қисмларидир. Кейинчалик, бу мавзу Шрила Жива Госвамининг "Кришна-сандарбха" асарида яна ҳам батафсилроқ таърифлаб берилган, биринчи тирик мавжудот Тангри Браҳма эса, ўзининг "Брахма-самхита" асарида Кришнани умумий кўринишда таърифлаб беради. Кришна Девакининг илоҳий ўғли эканини Сама-веда ҳам тасдиқлайди.

Ўзининг илтижосида "Шримад Бхагаватам"нинг муаллифи биринчи навбатда айтадики, Парвардигор Шри Кришна азалий Парвардигор, агар Мутлак Худо Шахсини ифодалаш учун қандайдир илоҳий сўз, ибора

ишлатиш мумкин бўлса, бу ибора "ҳаммани ўзига жалб этувчи Зот" деган маънони билдирадиган "Кришна" ибораси бўлиши лозим. "Бхагавад-гита"нинг жуда кўп жойларида Парвардигор Кришна, У - азалий Худо Шахси эканини эълон қилади. Бу ҳақиқатни Нарада Муни, Вйаса ва бошқа донишмандларнинг обрўсига таяниб Аржун ҳам тасдиқлайди. "Падма пурана"да ҳам, Парвардигорнинг барча номлари ичида "Кришна" - Унинг энг асосий ва бош номи тасдиқланган. Гарчи "Васудева" ибораси билан Худо Шахсининг билвосита қисми ифодаланса ва гарчи Парвардигорнинг барча киёфалари Васудева билан бир бўлса ҳам, бу ерда Васудева ибораси Васудева билан Девакининг илоҳий ўғли бўлган Кришнани билдиради. Шри Кришна ҳамиша парамаҳамсалар, яъни таркидунё қилиб яшашда энг юқори поғонага кўтарилган зотлар муроқабасида килиб юрадиган Зот. Васудева, яъни Парвардигор Шри Кришна - барча сабаблар сабабчиси, бутун борлиқ - Унинг эманацияси. Бу қандай қилиб амалга ошиши "Шримад Бхагаватам"нинг кейинги бобларида тушунтирилади. Чайтанья Махапрабху "Шримад Бхагаватам"ни бенуксон *пурана* деб таърифлаган, чунки унда Худонинг Олий Шахси, Шри Кришнанинг илоҳий эрмаклари баён этилган. "Шримад Бхагаватам"нинг яралиш тарихи ҳам ғаройиб. Вйасадева уни ўзнинг илоҳий илм бобидаги мукамал тажрибасига асосланиб, руҳий устози Нарада Мунининг насиҳатларига амал қилиб ёзган. Вйасадева барча ведавий муқаддас китобларни ёзган: тўрт Веда, "Веданта-сутра"(Брахма-сутра), пураналар ва "Маҳобҳорат". Лекин барибир, то "Шримад Бхагаватам"ни ёзмагунча унинг ўзи қилган ишларидан кўнгли таскин топмаган. Унинг бундай ички тушқун аҳволини руҳий устози дарров сезади. Шунинг учун Нарада Муни унга Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий кароматлари ҳақида асар ёзишни маслаҳат беради. Вйасадева Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий кароматларини алоҳида, "Шримад Бхагаватам"нинг Ўнинчи Кўшиғида ёзади, Ўнинчи Кўшиқда бутун "Шримад Бхагаватам"нинг бутун моҳияти таърифланган ҳисобланади. Лекин, ҳеч ким дарров "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшигини ўрганишга киришмаслиги керак, акснча, бу илоҳий имлни Вйасадева қандай тартибда ёзган бўлса, шу тартибда ўрганиб, аста-секин Ўнинчи Кўшиққача етиб бориш лозим.

Одатда инсоннинг фалсафий ақли бутун борлиқнинг манбаини англаб етишга интилади. Фалсафий фикрлашга қодир бўлган киши тунда осмонга қараганида унда табиий равишда юлдузлар нима экани, улар осмонда қандай жойлашган, уларда кимлар яшаши ва ҳоказолар ҳақида саволлар пайдо бўлади. Инсон ақлида бундай саволларнинг туғилиши мутлақо табиий ҳол, чунки инсон хайвонларга қараганда анча ривожланган онг соҳибидир. Инсоннинг ана шундай табиий ва мукамал саволларга жавоб бериб "Шримад Бхагаватам"нинг муаллифи айтадики, бутун борлиқнинг манбаи Парвардигор. Парвардигор фақат яратувчи эмас, балки унинг мавжудлигини таъминловчи ва уни яқсон қилувчи ҳам Зотдир. Намоён бўлиб турган бу космик олам маълум бир пайтда Парвардигорнинг амри, иродаси билан яратилади, маълум вақт давомида мавжуд бўлиб туради ва ниҳоят, Парварди-

горнинг ирода билан яксон бўлади. Шундай қилиб, У барча фаолиятлар ортида турган олий ирода.

Албатта, оламни яратган Зотнинг мавжудлигини инкор этадиган, Унга ишонмайдиган ҳар хил атеистлар ҳам бор, лекин бу шунчаки уларнинг илмсизлиги оқибатидир. Замоनावий олимлар ракеталар яратадилар, ана шу ракеталар қандайдир асбоблар ва уринишлар ёрдамида космик фазога кўтарилдилар ва уларни яратган, улардан анча олисда жойлашган олимларнинг бошқаруви остида коинотда анча вақт учиб юрадилар. Барча коинотлар ва уларнинг ичидаги барча сайёралар ҳам худди ана шу ракеталарга ўхшайди ва уларнинг ҳаммасини Худош Шахси бошқариб туради.

Ведавий муқаддас китобларда айтилганки, Мутлак Ҳақиқат, Худо Шахси - бошқа мавжуд барча шахслар ичида энг асосийси. Биринчи яралган тирик мавжудот Тангри Брахмадан то энг кичик ҳашаротгача алоҳида тирик мавжудотлардир. Лекин, ҳатто Тангри Брахмадан ҳам устун бўлган кўплаб бошқа тирик мавжудотлар ҳам бор, уларнинг барчаси ҳам алоҳида шахс сифатларига эга. Худо Шахси ҳам бошқа тирик мавжудотлар сингари алоҳида тирик мавжудот. Лекин Худо Шахси, Парвардигор - олий тирик мавжудот, У буюк ақл ва сонсаноксиз, англаб бўлмас қувватлар соҳиби. Агар инсон ақли ракета ва космик кемалар яратишга қодир бўлса, ўзидан ўзи тушунарлики, инсон ақлидан чексиз устун бўлган ақл анча мукамал нарсалар яратишга қодир. Фаросатли, оқил киши бундай далилларни қабул қилади, албатта, калтафаҳм нодон одамлар бундай гапларни ҳеч қачон қабул қила олмайдилар.

Шрила Вйасадева ана шу олий тафаккурни *парамешвара*, олий назоратчи деб қабул қилади. "Бҳагавад-гита" ва Шрила Вйасадева ёзган бошқа муқаддас китобларда айтилганидек, ана шу *парамешвара* Шри Кришнанинг Ўзи ҳисобланади. "Шримад Бҳагаватам"да мана шу ҳақиқат ҳар томонлама мукамал асослаб таърифланган. "Бҳагавад-гита"да Парвардигорнинг Ўзи айтадики, Ундан устун бўлган *парататтва*(суммум бонум)б Ундан бошқа Илоҳ йўқ. Шунинг учун муаллиф эхтиром билан ана шу *пара таттва*, илоҳий кароматлари "Шримад Бҳагаватам"нинг Ўнинчи Кўшиғида баён этилган Парвардигор Шри Кришна олдида бош эгади.

Виждонсиз кишилар дарров "Шримад Бҳагаватам"нинг Ўнинчи кўшиғини, айниқса унда Парвардигорнинг раса рақси баён этилган беш бобини ўрганишга киришадилар. Лекин "Шримад Бҳагаватам"нинг айнан мана уш қисми бу буюк илоҳий асарнинг энг махфий сирли жойи ҳисобланади, шу боис агар инсон Парвардигор ҳақида мукамал илоҳий илмга эга бўлмаса, ҳеч қандай шубҳа йўқки, у Парвардигорнинг *раса* рақсидаги муқаддас илоҳий эрмакларини ва Унинг гопилар билан ўзаро илоҳий ишқий муносабатларини нотўғри тушунади. Бу мавзу махфий сирли ва юксак даражада руҳий табиатга эга, фақат руҳий юксалиш йўлида аста-секин, поғонама-поғона *парама-хамса* даражасига кўтарилган зотларгина муқаддас *раса* рақсининг илоҳий лаззатини ҳис қила оладилар.

Шунинг учун Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий эрмакларидан бевосита лаззатланишга киришишдан олдин Шрила Вйасадева китобхонга ўзининг руҳий илмини поғонама-поғона ривожлантириб бориш имконини беради. Шундай қилиб, Вйасадева онгли

равишда гайатри мантрага мурожаат қилади: дхимахи. Бу *гайатри* мантра атайлаб руҳий юксалишда юксак поғонага кўтарилган зотлар учун мўлжалланган. *Гайатри* мантрани такрорлашда муваффақиятга эришган киши Парвардигор турган илоҳий поғонага кўтарилди олади. Лекин, *гайатри* мантрани такрорлашда муваффақият қозониш учун инсон аввал брахманларнинг сифатларига эга бўлиши ва эзгулик гунасида мустаҳкам туриб олиши лозим. Фақат шундан кейингина Парвардигорни, Унинг номини, шон-шухратини, сифатлари ва бошқа хусусиятларини англаб етиш мумкин. "Шримад Бҳагаватам" - Парвардигорнинг ички қуввати намоён этадиган *сварупа* (Парвардигорнинг қиёфаси) таърифланадиган асар. Парвардигорнинг ана шу қуввати Унинг бу биз кўриб турган ва билладиган моддий оламни намоён этадиган ташқи қувватидан фарқ қилади. "Шримад Бҳагаватам"нинг биринчи боб, биринчи шеърда Шрила Вйасадева Парвардигорнинг ички ва ташқи қувватлари бир биридан фарқ қилишини алоҳида таъкидлаб, уларни ажратиб кўяди. Бу шеърда у айтадики, Парвардигорнинг ички қуввати - ҳақиқий мавжудлик, моддий олам кўринишида намоён бўлган ташқи қувват - ўткинчи ва алдамчи. Унинг мавжудлиги худди чўлдаги саробнинг мавжудлигига ўхшайди. Чўлда сароб кўринганида худди сув бордай кўринади, лекин аслида ҳақиқий сув бошқа жойда мавжуд. Худди шундай бу космик олам ҳам - худди ҳақиқатан ҳам мавжуддай кўринади, лекин аслида у - руҳий оламдаги ҳақиқий мавжудликнинг акси, холос. Руҳий оламда сароб йўқ. Мутлак Ҳақиқат ана шу руҳий оламда. Бу моддий оламда Мутлак Ҳақиқат йўқ. Бу ерда ҳамма нарса нисбий ҳақиқатдан иборат; бу ерда бир ҳақиқат бошқа ҳақиқатга боғлиқдай кўринади. Бу космик олам моддий табиатнинг уч гунасининг ўзаро ҳаракатларининг натижасидир. Бу вақтинчалик намоён бўлган олам - адашган шартланган руҳнинг ақлига ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлиб кўриниш учун яратилган. Шунинг учун ҳаётнинг ранг-баранг ва турли туман турлари, шу жумладан Тангри Брахма, Индра, Чандра ва хоказоларнинг ҳаёт тури ҳам бордай бўлиб кўринади. Аслида эса бу моддий оламда ҳақиқий ҳаёт йўқ, лекин у ҳақиқий бўлиб кўринади, чунки ҳақиқий ҳаёт руҳий оламда, Парвардигор Ўзининг барча илоҳий сифатлари билан мавжуд бўлган оламда ҳақиқатан ҳам мавжуд.

Катта қурилишнинг бош муҳандиси шахсан ўзи қурилиш ишларида иштирок этмайди, лекин ана шу қурилишнинг барча иқир-чиқирлари фақат унинг ўзига маълум, чунки ҳамма ишлар фақат унинг кўрсатмалари асосида амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, у ўзининг қурилайтган иншооти ҳақида ҳамма нарсани бевосита ва билвосита билади. Худди шундай гарчи барча ишларни бошқа бировлар амалга ошираётгандай бўлиб кўринса ҳам, мана шу космик оламнинг бош муҳандиси бўлган Худо Шахси ҳам, моддий оламнинг ҳар бир бурчагида нима ишлар бўлаётганини жуда яхши билади. Аслида бу моддий оламда ҳеч қим мустақил эмас: ҳамма жойда Парвардигорнинг қўли сезилиб туради. Барча моддий унсурлар, руҳий учкун, заррачалар - Унинг эманацияларидан бошқа нарса эмас. Бу моддий оламда яратилган нарсаларнинг ҳаммаси фақат икки қувват - моддий ва руҳий қувватнинг ўзаро бирикиши натижасида яратилади.

Ана шу қувватлар эса, Мутлақ Ҳақиқат, Худо Шахси Парвардигор Шри Кришнанинг қувватларидир.

Лабораторияда кислород билан водородни ара-лаштириб, кимёгар сув яратиши мумкин, лекин аслида тирик мавжудот фақат Парвардигорнинг ҳукмронлиги остида ҳаракат қила олади. Ҳақиқатан ҳам, кимёгар ишлатаётган унсурларнинг ҳаммасин унга Парвардигор бериб қўйибди. Парвардигор ҳам бевосита, ҳам билвосита ҳамма нарсани билади, ва ҳамма икир-чикирларигача барча воқеа-ҳодисалардан хабардор. Бунинг устига У мутлақо мустақил. Уни худди тоғдаги олтин конига, бутун моддий оламни эса, - ана шу олтиндан ясалган тилло тақинчоқларга ўхшатиш мумкин. Узук ва маржонлар сифат жиҳатидан олтин кони билан бир хил, лекин миқдор жиҳатидан узукдаги олтин билан кондаги олтин бир биридан фарқ қилади. Парвардигор Чайтаньянинг Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги фалсафий тасаввурининг марказида шу нарса турадики, Парвардигор бир вақтнинг ўзида Ўзининг яратган олами билан бир, айни пайтда ундан мустақил ва фарқ қилади.

Коинот муҳандиси бўлган Браҳмадан бошлаб то кичкина ҷумолигача барча шартланган руҳлар ниманидир яратадилар, лекин уларнинг бирортаси Парвардигордан ажралган, тўла мустақил эмас. Дунёвий одам адашганидан унинг ўзидан бошқа яратувчи йўқ деб ўйлайди, мана шу *майя*, алданиш, сароб деб аталади. Илми саёзлиги сабабли дунёвий киши ўзининг сезгилари қабул қиладиган чегарадан ташқарига назар ташлай олмайди, шунинг учун у ўйлайдики, модда ўзидан ўзи, уни бошқариб турган ондан мустақил ҳолда қандайдир шаклга киради. Шрила Вйасадева буни "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи шеърдаёқ инкор этади. Аввал айтганимиздек, Вйасадева озодликка эришган зот. У бу асарни руҳий баркамолликка эришгандан кейин яратган. Тўла бутун, яъни Мутлақ Ҳақиқат - бутун борлиқнинг манбаи бўлгани учун, Ундан мустақил бўлган бирор нарса мавжуд эмас. Ҳамма нарса Мутлақ Ҳақиқатнинг ичида. Тананинг ҳар қандай аъзосининг ҳар қандай ҳаракати ёки унинг ҳаракатига кўрсатиладиган таъсир ана шу тана ичида мавжуд тўла бутунга маълум бўлади. Худди шундай бутун олам Мутлақ Ҳақиқатнинг танаси ичида мавжуд бўлгани учун ундаги бирор нарса Мутлақ Ҳақиқатга маълум бўлмай қололмайди. Мутлақ Ҳақиқат бевосита ёки билвосита ҳамма нарсадан хабардор.

*Шрути*-мантрада айтилганки, тўла бутун, Браҳман, бутун борлиқнинг бошланғич манбаи. Ундан ҳамма нарса чиқади, ҳамма нарсанинг мавжудлигини У таъминлаб туради, охир-оқибатда ҳамма нарса яна Унинг ичига киради. Табиат қонуни шундай. Бу ҳақиқат *смрити* мантрада ҳам тасдиқланади. Унда айтилганки, Мутлақ Ҳақиқат, Браҳман, Браҳма даври бошланганда ҳамма нарча чиқади манбадир, ана шу Мутлақ Ҳақиқат Браҳманинг даври тугаганда ҳамма нарса ичига кириб паноҳ топадиган даргоҳдир. Дунёвий олимлар ўйлаб ҳам ўтирмасдан бутун космик олам Куёшдан чиқади, деб айтадилар, лекин улар Куёшнинг ўзи қаердан пайдо бўлганини тушунтириб бера олмайдилар. Ведавий муқаддас китобларда бутун борлиқнинг азалий бошланғич манбаи тушунтирилади. Бу коинотнинг яратувчиси Браҳма, лекин, у коинотни яратиш учун илҳом олиш ниятида кимгадир муқоабани килгшани учун у бошланғич яратувчи эмас. "Шримад

Бхагаватам"нинг биринчи шеърда айтилганидек, Браҳмага Ведалар илмини Парвардигор ўргатган. Биринчи шеърда айтилганки, Парвардигор иккиламчи яратувчи бўлган Браҳмани яратишга илҳомлантирди ва унга ўзининг яратиш вазифасини бажариш учун куч ато этди. Шунинг учун ҳамма нарсани назорат қилиб турадиган бош муҳандис Парвардигорнинг Ўзи ҳисобланади; барча воситачи яратувчилар ортида турган ҳақиқий тафаккур - Мутлақ Худо Шахси, Шри Кришна. "Бхагавад-гита"да Парвардигор Кришнанинг Ўзи тан оладики, У, фақат Унинг Ўзи яратиш қуввати (*пракрити*)ни, барча моддаларнинг бирлашмасини назорат қилиб туради. Шунинг учун Шри Вйасадева Браҳмага эмас, Куёшга эмас, балки Браҳманинг ҳам, Куёшнинг ҳам яратувчилик фаолиятини бошқариб турган Парвардигорга сажда қилади.

"Шримад Бхагаватам"да келтирилган санскритча *абхиджна* ва *сварат* иборалари жуда муҳим аҳамиятга эга. Мана шу икки ибора Парвардигорни бошқа барча тирик мавжудотлардан ажратиб туради. Олий зот, Мутлақ Худо Шахсидан бошқа бирор тирик мавжудот абхиджна ҳам, *сварат* ҳам бўлолмайди, яъни, уларнинг бирортаси ҳамма нарсадан тўла хабардор ҳам, тўла мустақил ҳам бўлолмайди. Ҳар ким ўзидан илмироқ бўлган кишидан илм ўрганиши лозим. Ҳатто Тангри Браҳма, моддий оламдаги биринчи тирик мавжудот оламни яратиш учун Парвардигорга муқоабани қилиши ва Ундан илм ўрганиши лозим эди. Агар ҳатто Браҳма ва Куёш ҳам ўзидан устун турадиган Зотдан илм олмагунча яратишга қодир бўлмаса, шунча нарсага қарам бўлган дунёвий олимлар ҳақида нима дейиш мумкин? Джагадиш Чандра Боз, Исаак Ньютон, Альберт Эйнштейн сингари замонавий олимлар ўзларининг яратиш имкониятларига юксак баҳо беришлари мумкин, лекин уларнинг ҳаммаси ҳар жиҳатдан Парвардигорга қарам эдилар. Ана шу олимларнинг юксак ривожланган миясини бирор одам яратган эмасди. Мияни кимдир яратган. Агар одамлардан бирортаси Ньютон ёки Эйнштейнникига ўхшаган мия ярата олса, уларнинг дунёдан ўтганига аза тутиб юриш ўрнига, ундай олимларни кўплаб дунёга келтирган бўлардилар. Агар ҳатто шундай олимлар ҳам мия ярата олмас экан, Парвардигорнинг ҳокимлигига қарши чиқадиган ақлсиз атеистлар ҳақида нима дейиш мумкин?

Ҳатто Худо бўлдик деб ўзларини мактаб юрган имперсоналист майвадилар ҳам, гарчи на *абхиджна*, на *сварат*, на ҳар нарсадан хабардор, на мутлақо мустақил бўлмасалар ҳам шунга ишонадилар. Уларни Худо билан бир қилиб қўядиган илмга эришиш учун *майвади* монистлар муқаддас қасамлар ичиб, жуда қаттиқ риёзатларга берилдилар, лекин охир-оқибатда улар ўзларига катта монастир ва эҳром қуришга моддий ёрдам берадиган бадавлат хомийларига қарам бўлиб қоладилар. Равана ва Хираниякашипу сингари атеистлар Парвардигорнинг олий ҳокимиятига қарши чиқишдан олдин қаттиқ риёзатларга берилиб яшашлари лозим эди, лекин барибир, оқибат-натижада улар ҳам шунчалик ночор аҳволга тушиб қолдиларки, Парвардигор уларнинг олдида ажал киёфасида пайдо бўлганида ўзларини ҳимоя қила олмай қолдилар. Парвардигорнинг ҳокимиятига қаршилиқ қилиб юрган ҳозирги атеистларнинг тақдири ҳам албатта шундай бўлади. Бу

атеистлар ҳам Парвардигордан бир вақтлар Равана ва Хиранийакашипу олган мукофотни оладилар. Тарих такрорланаверади, аввал бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар агар зарурат бўлса яна такрорланаверади. Кимдир Парвардигорнинг ҳукмига. Амру-иродасига қарши чикса, моддий табиат қонунлари шу заҳотиёқ уни қилмишига лойиқ албатта жазолайди.

Худо Шахси, Парвардигор ҳар жиҳатдан мукам-мал эканини барча *шрути* мантралар тасдиқлайдилар. Шрути мантраларда айтилганки, ҳар жиҳатдан мукам-мал Парвардигор моддага Ўз нигоҳини ташлади ва шу билан барча тирик мавжудотларни яратди. Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг таркибий қисмларидир, Парвардигор чексиз моддий табиатни рухий зарралар учқуни билан уруғлантиради. Шундай қилиб, Парвардигорнинг яратиш қуввати ҳаракатга келади ва кўплаб ажойиб оламларни яратади. Бир атеист бизга эътироз билдириб, Парвардигор жуда кўп майда таркибий қисмлардан иборат соатни яратган кишидан ақллироқ эмас, деганида биз унга жавобан айтдикки, Парвардигор соатсоздан анча устун туради, чунки Парвардигор бир танани эркак, бир танани аёл қилиб яратади, кейин улар Парвардигорнинг аралашувисиз ўзаро кўшилиб ўзларига ўхшаган зотни ярата оладилар. Агар одам ҳам ўзлари инсоннинг аралашувисиз бошқа нарсаларни ярата оладиган механизмлар ярата олса эди, унда инсон ҳам яратишда Парвардигор билан тенг поғонага кўтарилди, деб ҳисоблаш мумкин эди. Албатта, бунинг иложи йўқ, инсон яратган ҳар қандай механизмни инсон ўзи бошқариши лозим. Ҳеч ким ақли-зковати бобида Парвардигорга тенглаша олмагани учун Парвардигорнинг номларидан бири - *асамурдха*, яъни "ҳеч ким тенглаша олмайдиган ёки устун бўла олмайдиган Зот". Ҳар қандай оқил кишига ақли жиҳатидан унга тенг ёки ундан устун одам топилади. Бунга ҳеч ким эътироз билдира олмайди. Лекин Парвардигор ҳақида бундай деб бўлмайди. *Шрути* мантраларда айтилганки, Парвардигор моддий олам яратилмасдан аввал бор бўлиб ҳамма нарсанинг ҳукмдори эди. Айнан Парвардигорнинг Ўзи Тангри Браҳмага ведалар илмини ўргатган. Шунинг учун биз ҳар жиҳатдан ана шу Парвардигорга бўйсунимиз лозим. Моддий олам чалкашликларидан озодликка чиқишни истаган киши ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириши лозим, бу "Бҳагавад-гита"да тасдиқланади.

Токи инсон Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойига ўзини топширмас экан, шубҳасиз, у ҳатто энг ақлли одам бўлса ҳам бу дунёда адашиб юради. Ана шундай буюк ақл эгаси қачон ўзини Васудеванинг нилуфар қадамлари пойига топширса ва Васудева барча сабабларнинг сабабчиси эканини тушуниб етсагина, "Бҳагавад-гита"(7.19)да тасдиқланганидек, у *махатма*, яъни ҳақиқатан ҳам очиқ ақл эгаси бўлган буюк до-нишманд бўла олади. Лекин очиқ ақл соҳиби бўлган бундай махатмалар жуда кам учрайди. Лекин, фақат уларгина Парвардигорни Худонинг Мутлақ Олий Шахси, бутун оламнинг бошланғич сабабчиси сифатида англай оладилар. У - *парама*, якуний ҳақиқат, чунки бошқа ҳақиқатларнинг ҳаммаси Унга қарам. У барча илмлар манбаи, У ҳар нарсдан хабардор; нисбий илмга эга инсондан фарқли равишда унинг учун алданиш йўқ.

Баъзи майавади-олимлар "Шримад Бҳагаватам"нинг муаллифи Шрила Вйасадева эмас деб исботлашга уринадилар, баъзилар ҳатто "Шримад Бҳагаватам" қандайдир Вопадаева ёзган замонавий асар деб айтадилар. Ана шундай асоссиз гапларни инкор этиш учун Шрила Шридхара Свами кўрсатиб берганки, кўплаб қадимги пураналарда "Шримад Бҳагаватам" эслаб ўтилган. "Шримад Бҳагаватам"нинг биринчи шлокаси гайатри-мантрадан бошланади, бу энг қадимий пурана "Матсья-пурана"да айтиб ўтилган. Унда шундай дейилган: "Рухий насихатлар ҳақида жуда кўп ҳикояларни ичига олган, *гайатри* мантрасидан бошланадиган, таркибига Вритрасура ҳақида ҳикоя киритилган асар "Шримад Бҳагаватам" деб аталади. Ана шу буюк асарни ой тўлишган кунда эҳсон қилган киши рухий баркамолликнинг юқори поғонасига эришади ва Худонинг даргоҳига қайтади". Бошқа пураналарда ҳам "Шримад Бҳагаватам" кўрсатилган, уларда айтилганки, бу асар ўн икки кўшиқ, ўн саккиз минг шлокдан таркиб топган. "Падма пурана"да Гаутама билан Амбариша Махаражнинг суҳбатида ҳам "Шримад Бҳагаватам" тилга олинган. Унда Амбариша Махаражга, агар у моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишни истаса, ҳамиша "Шримад Бҳагаватам"ни ўқиб юриш маслаҳат берилади. Охирги беш юз йил ичида кўплаб олимлар ғайритабиий билимдонлик ва иқтидорларини намоён этиб "Шримад Бҳагаватам"га батафсил изоҳ ёзганлар. Шунинг учун агар рухий юксалишга жиддий интилаётган шогирд "Шримад Бҳагаватам" хабаридан яна кўпроқ лаззат олиш учун уларни ўқишга уриниб кўрса, жуда ажойиб иш бўларди.

Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур айниқса жинси алоқа(*ади-раса*)нинг бошланғич ва соф психологиясини батафсил таҳлил қилган, унда моддий сархушликка мутлақо ўрин йўқ. **Жинсий ҳаёт - моддий оламни ҳаракатга келтириб турган асосий қонун.** Ҳозирги замонавий инсоният ҳаётида жинсий ҳаёт - атрофида инсоннинг бутун фаолияти амалга ошиб турган ўқ ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, қай тарафга назар ташласанг ҳам, ҳар тарафда албатта жинсий алоқа билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган бирор нарсага кўзинг тушади. Демак, жинсий ҳаёт қандайдир мавжуд бўлмаган ҳақиқат эмас. Унинг ҳақиқий тажрибасини рухий оламда кўриш мумкин. Моддий жинсий алоқа - ҳақиқий жинсий яқинликнинг бузилган акси. Ҳақиқий жинсий яқинлик Мутлақ Ҳақиқатда бўлади. Бу Мутлақ Ҳақиқатнинг шахс эканини яна бир бор тасдиқлайди, чунки Мутлақ Ҳақиқат шахсиятсиз бўлиши, айна пайтда соф жинсий алоқа туйғусига эга бўлиши мумкин эмас. Имперсоналистларнинг монизм фалсафаси инсонни жирканч моддий жинсий алоқага ундайди, чунки у якуний ҳақиқатнинг шахсиятсиз эканини алоҳида таъкидлайди. Бунинг оқибатида имлга эга бўлмаган киши жирканч моддий жинсий алоқани энг олий лаззат деб ҳисоблайди, чунки у жинсий алоқанинг ҳақиқий рухий шакли ҳақида ҳеч қандай илмга эга эмас. Моддий ҳаётнинг носоғлом шароитидаги жинсий алоқа билан рухий ҳаётдаги жинсий алоқа бир биридан тубдан фарқ қилади. "Шримад Бҳагаватам" самимий китобхонни аста-секин Илоҳийликнинг моддий фаолиятнинг уч гунасидан, кармали фаолиятдан, куруқ фалсафий изланишлардан ва Ведаларда кўрсатилган Илоҳларга сиғинишдан устун турадиган, энг олий му-

каммал поғонасига кўтаради. "Шримад Бхагаватам" - Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришнага Худога садоқат билан хизмат қилиш тимсолидир, чунки у бошқа барча ведавий асарлардан улуғворроқ мартабага эга.

Дин тўрт асосий қондани ўз ичига олади: 1) савоб ишлар, 2) моддий фаровонлик, 3) ҳиссий лаззат, 4) моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиш. Диний ҳаёт динсиз, имонсиз одамларнинг ёввойи ҳаётидан кескин фарқ қилади. Айтиш мумкинки, аслида **инсон ҳаёти диндан бошланади**. Ҳаётнинг барча тирик мавжудотларга хос бўлган тўрт таркибий қисми - озикланиш, ухлаш, ўзини ҳимоя қилиш ва насл қолдириш - ҳайвонлар учун ҳам, одамлар учун ҳам бирдай табиий зарурат, лекин шу ишларни дин қонунлари асосида бажариш - фақат инсонларга хос бўлган хусусият. **Диний муқаддас китоблар** ҳайвонлар учун эмас, **инсонлар учун нозил қилинган**. Агар дин бўлмаса одамларнинг ҳаёти ҳайвонларнинг ҳаётидан фарқи қолмайди, фақат инсонлар жамиятида қандайдир кўринишда албатта бирор диний қонунларга риоя қиладилар. Ҳар қандай жамиятда ҳақиқий диннинг, инсоннинг Худо билан ўзаро мангу муносабати ҳақида, руҳий юксалиш ҳақида хабар берадиган, инсонни руҳий ўзлигини англашга ундайдиган бирор кўринишдаги тури албатта мавжуд бўлади.

Инсонлар маданиятининг қуйи турларида одамлар орасида ҳамиша моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилишда ўзаро рақобат бўлади. Бошқача қилиб айтганда, одамлар ўзларининг сезгиларининг талабини қондириш учун албатта бир бири билан мусобақа ўйнаб юрадилар. Ҳиссий лаззатланишга интилиш туйғуси таъсири остида ҳаракат қилиб юрган ана шундай киши ҳар хил диний урф-одатларни ўрнатади. Шундай қилиб, савоб ишлар ва диний урф-одатлар қандайдир моддий манфаат кўзлаб амалга оширилади, агар ана шу мақсадга бошқа бирор йўл билан эришиш мумкин бўлса, одамлар дарров бундай мақсадни кўзлайдиган диндан юз ўгириб кетадилар. Буни ҳозирги одамлар ҳаётида ҳам кўриш мумкин. Одамларнинг моддий фаровонликка бўлган интилишини бошқа йўллар билан амалга ошириш мумкинлигини олимлар гўё исботлагандай бўлган заҳоти одамлар дин билан қизиқмай қўйдилар. Черковлар, масжидлар, эҳромлар деярли бўшаб қолган, одамларни ҳозир кўпроқ завод-фабрикалар, магазинлар кинотеатрлар қизиқтиради. Шунинг учун улар аждодлари қуриб кетган Худога сиғиниш жойларини тарк этдилар. Бу диний урф-одатлар асосан фақат моддий манфаат кўзлаб амалга оширилишини, моддий фаровонлик эса - фақат ҳиссий лаззатланиш учун кераклигини яна бир марта исботлаб турибди. Инсон сезгилари талабини биратўла қондиришга уринишдан ҳафсаласи пир бўлгандан кейин, тўла бутун билан бир бўлиб кетиш учун нажот йўлини излай бошлайди. Бундай фаолиятнинг ҳаммаси бир мақсадни - сезгиларни лаззатлантиришни кўзлайди.

Одамлар орасида сезгиларни лаззатлантириш борасида умуман кераксиз бўлган ўзаро мусобақа бўлмаслиги учун Ведаларнинг кўрсатмаларида уларнинг фаолиятининг юқорида кўрсатилган тўрт тури тартибга солинган. Лекин "Шримад Бхагаватам" моддий оламдаги ҳиссий лаззатланиш мақсадида кўрсатиладиган ҳар қандай фаолиятга нисбатан илоҳий

табиатга эга. Бу соф илоҳий асар бўлиб, уни фақат ҳиссий лаззатланиш учун бўлган ўзаро мусобақалардан бутунлай пок бўлган Худонинг содиқлари тушуна оладилар. Моддий оламда ҳайвонлар, одамлар, жамоалар ва ҳатто миллатлар орасида уларнинг ҳиссий лаззатланишга интилишларида ҳамиша қаттиқ рақобат, кураш бўлиб туради, асо Худонинг содиқлари буларнинг ҳаммасидан устун турадилар. Худонинг содиқлари дунёвий одамлар билан бирор нарса устида талашиб тортишмайдилар, чунки улар ҳамиша ҳамма нарса етарли, ҳамма нарса мангу, илм ва лаззатга тўла бўлган ўзларининг уйига, Худонинг даргоҳига олиб борадиган йўлдан кетаётган инсонлардир. Ана шундай илоҳиёт одамлари ҳеч кимга нисбатан мутлақо ҳеч қандай ҳасад қилмайдилар, шунинг учун уларнинг қалби мутлақо пок. Моддий оламда одамлар орасида рақобат пайдо бўлишига сабаб уларнинг ўзаро бир бирига ҳасад қилишида. Худонинг содиқлари эса, ҳар қандай ҳасад туйғусидан пок бўлиб қолмасдан ҳар бир тирик мавжудотга ҳамдардлик билан меҳрибонлик қилишга, шу мақсадда ҳар қандай рақобат, ўзаро курашдан пок бўлган, марказида Парвардигор турган мукаммал жамият қуришга интиладилар.

Социалистларнинг рақобатдан холи бўлган жамият қуриш ҳақидаги ғоялари ғайритабиий, чунки ҳатто социалистик жамиятларда ҳам ҳокимият учун кураш мавжуд. Албатта, ҳиссий лаззатланиш қондаси дунёвий ҳаётнинг асосий қонуни ҳисобланади, бунга Ведаларни ўқиб ёки шунчаки атрофимиздаги одамларнинг кундалик фаолиятини кузатиш билан ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ведалар одамларнинг жаннатий сайёраларга кўтарилишига ёрдам берадиган кармали фаолият билан шуғулланишни, шунингдек, бирор фариштанинг сайёрасига эришиш учун ўша фариштага сиғинишни тавсия қиладилар. Охир-оқибатда Ведалар Мутлақ Ҳақиқат билан бир бўлиш учун Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишга, Унинг шахсиятсиз аспектини англаб етишга ёрдам берадиган фаолият билан шуғулланишни тавсия қилади. Лекин Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз кўринишини англаб етиш хали руҳий юксалишнинг охири эмас. Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз аспектидан устун турадиган Параматма, яъни Олий Рух бор, ундан ҳам устун турадиган Олий Шахс бор. "Шримад Бхагаватам" Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий сифатлари ҳақида ҳикоя қилади, бу сифатлар Унинг шахсиятсиз аспектига тааллуқли эмас. Бу сифатларни муҳокама қилиш - қуруқ имперсонал фалсафий мавзулардан анча устун туради; демак, "Шримад Бхагаватам" Ведаларнинг *джнана-канда* деб аталадиган бўлимидан юқори поғонада туради. "Шримад Бхагаватам" Ведаларнинг *карма-канда* ва *упасана-канда* деб аталадиган бўлимларидан ҳам устун туради, чунки "Шримад Бхагаватам"да Худонинг Олий Шахси, Васудеванинг илоҳий ўғли Шри Кришнага сажда қилиш тавсия қилинади. *Карма-канда* бўлимида чуқурроқ ҳиссий лаззатланиш имкониятига эга бўлиш учун самовий сайёраларга эришиш учун рақобат пайдо бўлиш хавфи бор. Худди шундай рақобат Ведаларнинг *джнана-канда* ва *упасана-канда* бўлимларида ҳам бўлиши мумкин. Аммо "Шримад Бхагаватам" буларнинг ҳаммасидан устун туради, чунки унинг мақсади - барча тоифадаги мақсадларнинг илдизи бўлган Мутлақ Ҳақиқат.

Бошқача қилиб айтганда, "Шримад Бхагаватам"дан биз нисбий мақсад, ҳақиқатлар ва уларнинг келажаги бўлган субстанция ҳақида билиб оламиз. Субстанция - Мутлақ Ҳақиқат, Худонинг Олий Шахси, нисбий ҳақиқатлар эса - Мутлақ Ҳақиқатнинг қувватининг турли кўринишлари, Ундан чиқадиган эманациялар. Тирик мавжудотлар ҳам Унинг қуввати тоифасига киргани туфайли, субстанциядан фарқ қиладиган бирор нарса йўқ. Лекин айти пайтда қувватлар субстанциядан фарқ қилади. Моддий, дунёвий нуқтаи-назардан қараганда бу ғоя зиддиятли бўлиб кўринади. Лекин "Шримад Бхагаватам" мана шу бир вақтнинг ўзида бирлик ва фарқ қилиш ғоясини очик эълон қилади. Айнан шу фалсафани биз *джанмадй асия йатах* сутрасидан бошлаб "Веданта-сутра"да ҳам кўрамыз. Ҳар бир тирик мавжудот учун саодат келтириш мақсадида "Шримад Бхагаватам" Мутлақ Ҳақиқатнинг ана шу бир вақтнинг ўзида ҳам бир бўлиш ва бир биридан фарқ қилиш ғояси ҳақидаги илми батафсил очиб беради. Парвардигорнинг қуввати Мутлақ Ҳақиқат эканини исботлашга уриниб, қуруқ сафсата-бозлар одамларни тўғри йўлдан адаштирадилар, лекин инсон бир вақтнинг ўзида бирлик ва фарқ қилиш ғоясининг ҳақиқат эканини англаб етганида монизм ва дуализмнинг мукамал бўлмаган ғоялари уни қониқтирмай қўяди. Парвардигор Ўзининг яратган олами билан бир ва айти пайтда ундан фарқ қилишини тушунган киши шу захотиёқ ўзининг танаси ва ақли, бошқа тирик мавжудотлар ҳамда моддий табиат таъсири сабабли юзага келадиган уч турли азоб-қубатлардан халос бўла олади.

"Шримад Бхагаватам" тирик мавжудот ўз ихтиёрини Мутлақ Шахсга топширган пайтдан бошланади. Тирик мавжудотнинг ўз ихтиёрини Мутлақ Шахсга бундай топширишининг заминида унинг пок онги ва бир томондан Мутлақ Ҳақиқат билан бирлигини, айти пайтда ўзи Унинг мангу хизматкори эканини тушуниб етиши ётади. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга киши ўзини атрофидаги ҳамма нарсанинг эгаси деб ҳисоблайди, буннинг оқибатида у ҳаммиша уч турли азоб-қубатларга дучор бўлиб юради. Лекин, инсон Парвардигорга илоҳий хизмат қилишда машғул бўлиш ўрнини англаб етган захоти у мана шу азоб-қубатлардан халос бўлади. Ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлар Худога хизмат қилишни бутунлай бемаҳни қилиб қўяди. Тирик мавжудот моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилиб, нисбий моддий қувватга хизмат қилишга мажбур бўлади. Тирик мавжудот ўзининг Парвардигор билан бир хил руҳий табиатга эга эканини англаб етиб, ана шу хизматни Худога қила бошлаган захоти у барча моддий боғланишлар юкидан халос бўлади. Лекин, айти пайтда ва бунинг устига "Шримад Бхагаватам" "Веданта-сутра"га унинг муаллифи Вйасадеванинг ўзи руҳий ўзлигини англаб етишда баркамолликка эришган пайтида ёзган табиий изоҳидир. У бу асарни Нарада Мунининг марҳамати билан ёзган. Бунинг устига Вйасадева Худо Шахси, Парвардигор Нарайананинг инкарнацияси, демак, бу асарнинг ишончли манба эканига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Гарчи Вйасадева барча ведавий асарларнинг муаллифи бўлса ҳам, унинг ўзи айниқса "Шримад Бхагаватам"ни ўрганишни тавсия қилади. Бошқа пураналарда фаришталарга сиғинишнинг турли йўллари эслаб ўтилган, аммо

"Шримад Бхагаватам"да фақат Худонинг Олий Шахси ҳақида гап боради. Парвардигор тўла бутун тана, фаришталар эса - ана шу тананинг ҳар хил қисмлари. Шундай қилиб, агар инсон Парвардигорга сиғиниб юрган бўлса, унинг фаришталарга сиғиниб юришига ҳожат қолмайди, чунки Парвардигор барча фаришталарнинг қалбида мавжуд. Парвардигор Чайтанья "Шримад Бхагаватам"ни барча пураналар ичида ажратиб, уни бенуқсон *пурана* деб атаган.

"Шримад Бхагаватам"нинг илоҳий хабарини фақат камтарин ҳолатда тинглаш орқали қабул қилиш мумкин. Унга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш, ёки ундаги гапларга шубҳа-ғумон қилиш инсоннинг бу илоҳий хабарни қабул қилишига ёки уни англаб етишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун "Шримад Бхагаватам"нинг иккинчи шлокида *шушрушу* ибораси ишлатилган. Бу ибора шуни англатадики, инсон бу илоҳий хабарни тинглашга ҳаракат қилиши лозим. Ихлос ва иштиёқ билан тинглаш истаги - илоҳий илми ўзлаштириб олиш учун зарур бўлган биринчи асосий сифат. Афсуски, одамларнинг аксарият кўпчилиги "Шримад Бхагаватам" хабарини диққат ва сабр-тоқат билан тинглашга қизиқмайдилар. "Шримад Бхагаватам"ни ўрганиш усули осон, лекин уни амалда қўллаш қийин. Омадсиз одамлар сиёсий ва ижтимоий мавзудаги суҳбатларни тинглашга ҳаммиша етарлича вақт топадилар, аммо уларни "Шримад Бхагаватам"ни тинглашга таклиф қилсангиз, одатда улар бунга ҳеч қандай истак билдирмайдилар. Баъзан одамлар "Шримад Бхагаватам"нинг ўзлари ҳали тинглашга тайёр бўлмаган бўлимларини тинглашни истайдилар. "Шримад Бхагаватам"ни бошқаларга ўқиб беришни тирикчилик қилиш учун касб қилиб олган кишилар ҳали тайёр бўлмаган одамларга "Шримад Бхагаватам"нинг Парвардигорнинг эрмаклари ёзилган махфий қисмларини ўқиб беришга журъат қиладилар. "Шримад Бхагаватам"нинг бу қисмларини улар худди дунёвий ишқий асарлардек ўқийдилар. Лекин "Шримад Бхагаватам"ни бошидан бошлаб, поғонама-поғона тартиб билан бир четдан ўқиш лозим, "Шримад Бхагаватам"нинг бошида(1.1.2)да "Шримад Бхагаватам"нинг мазмунини англаб етиш учун уни тинглаётган киши қандай сифатларга эга бўлиши ёзилган: "Шримад Бхагаватам"ни тинглашга тайёр бўлиш учун инсон кўп савоб ишлар қилиши лозим. Чуқур ақл-заковатга эга бўлган киши буюк донишманд Вйасадеванинг унга айтмоқчи бўлган гапларига ишонади ва Худонинг Олий Шахсини бевосита англаб етиш учун "Шримад Бхагаватам" хабарини сабр-тоқат билан тинглайди. Бунинг учун руҳий юксалишнинг ҳар хил поғоналаридан кўтарилиб юришнинг ҳожати йўқ, чунки "Шримад Бхагаватам" хабарини сабр билан тинглашга рози бўлиш билан инсон дарров *парамахамса* поғонасига кўтарилади. Наимишаранья ўрмонидаги донишмандлар Сута Госвамига "Шримад Бхагаватам"ни тушуниб олишни жуда қаттиқ истаётганларини айтдилар. Улар Сута Госвамининг Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришна ҳақида айтган гапларининг ҳаммасини диққат билан тингладилар, лекин улар бу асарни тинглашдан сира тўймасдилар. Ҳақиқатан ҳам Кришнага қаттиқ боғланган кишилар ҳеч қачон Кришна ҳақида тинглашни тарк этишни истамайдилар.

Шунинг учун Парвардигор Чайтанья Пракашананда Сарасватига шундай маслаҳат берди: "Ҳамиша "Шримад Бхагаватам"ни ўрган, унинг ҳар бир шеърини тушунишга ҳаракат қил. Фақат шунда сен ҳақиқатан ҳам "Веданта-сутра"ни тушуниб оласан. Сен "Веданта-сутра"ни ўрганишни жуда исташингни айтдинг. Лекин сен "Шримад Бхагаватам"ни тушунмай туриб "Веданта-сутра"ни тушуна олмайсан". Бундан ташқари Парвардигор Чайтанья Пракашананда Сарасватига ҳамиша махамантрани такрорлаб юришни буюрди: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. "Шунда сен осонлик билан озодликка эришасан. Озодликка эришгандан кейин эса, сен инсон ҳаётининг энг олий мақсадига - Худого муҳаббатга эриша оласан".

Кейин Парвардигор Чайтанья "Шримад Бхагаватам", "Бхагавад-гита", ва "Нрисимха-тапани" сингари ишончли муқаддас китоблардан кўплаб мисоллар келтирди. Улар орасида "Бхагавад-гита"(18.54)нинг мана бу шеъри ҳам бор эди: **"Илоҳий поғонага кўтарилган киши шу захотиёқ Олий Брахманни англаб етади. У ҳеч қачон азият чекмайди, бирор нарсага эғалик қилишга интилмайди. У барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. Ана шундай ҳолатда у Менга соф садоқат билан хизмат қилишга эришади"**.

Инсон ана шу *браҳма-бхута* поғонасига кўтарилганида барча тирик мавжудотларга бир хил назар билан қарай бошлади ва Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори бўлади. "Нрисимха-тапани"(2.5.16)да айтилганки, инсон ҳақиқатан руҳий озодликка эришгандан кейингина Парвардигорнинг илоҳий эрмакларини тушуниб етишга ва шу тарзда Худого садоқат билан хизмат қилишга қодир бўлади. Парвардигор Чайтанья шунингдек "Шримад Бхагаватам"(2.1.16)дан мисол келтирди, унда Шукадева Госвами тан оладиди, у озодликка эришиб, *майя* чангалидан кутулган бўлса ҳам, барибир уни Кришнанинг илоҳий эрмаклари ўзига жалб этди, шунда у ўзининг буюк отаси Вйасадевадан "Шримад Бхагаватам"ни тинглади.

Парвардигор Чайтанья "Шримад Бхагаватам"дан Кумарлар ҳақида ёзилган бир *шлок* келтирди(3.15.43). Кумарлар Парвардигорнинг эҳромига кирганларида уларни Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига сандал пастаси билан бирга таклиф этилган гулларнинг ва туласи барглариининг муаттар ҳиди ўзига жалб этди. Кумарлар аллақачон озодликка эришган зотлар бўлишига қарамай, ана шу муаттар ҳидни хидлаганларидан кейин уларнинг ақли Худого садоқат билан хизмат қилишга киришди. "Шримад Бхагаватам"нинг бошқа жойида(1.7.10) айтилганки, моддий иллатлардан ҳақиқатан ҳам пок бўлган озод руҳлар ҳам ҳеч қандай сабабсиз Худого садоқат билан хизмат қилишга жалб қилинадилар. Шундай қилиб, Парвардигор ғайритабиий равишда жозибадор ва ҳаммани Ўзига жалб қилади, У шунчалик мафтункор бўлгани усун Уни Кришна деб атайдилар.

Парвардигор Чайтанья шу тариқа Пракашананда Сарасвати билан "Шримад Бхагаватам"нинг атмарама-шлокани муҳокама қилди. Парвардигор Чайтаньянинг издоши, Махараштралик бир браҳман айтадики, Парвардигор мана шу шеърни олтмиш бир усул билан таърифлаб берган. Шу ерда тўпланганларнинг ҳаммаси

Ундан атмарама-шлокани яна бир марта тушунтириб беришни илтимос қилишган, уларнинг илтимосига кўра Парвардигор Чайтанья худди Санатана Госвамига тушунтирганидек, уларга ҳам атмарама-шлокани тушунтириб берган. Атмарама-шлоканинг изоҳини тинглаш насиб этган ҳар бир киши хайратга тушган эди. Ҳақиқатан ҳам, шу ерга тўпланганларнинг ҳаммаси Парвардигор Чайтанья - Парвардигор Шри Кришнанинг ўзидан бошқа ҳеч ким эмас деб ҳисобладилар.

## 24-боб.

### Сарвабхаума Бхаттачарья билан бўлиб ўтган суҳбат

Парвардигор Чайтанья Джаганнатха Пурида Сарвабхаума Бхаттачарья билан танишганида ўз даврининг энг буюк мантиқшунос олимларидан бири бўлган Бхаттачарья ҳам Чайтанья Махапрабхуга "Веданта-сутра" илмини ўргатишни истади. Сарвабхаума Бхаттачарья ёши катта, Парвардигор Чайтаньянинг отаси тенги киши бўлгани учун у бу ёш санъасига ҳамдардлик билдирган ва Унга "Веданта-сутра" илмини ундан ўрганиб олишни таклиф қилиб, акс ҳолда Чайтанья Махапрабхунинг санъаси бўлиб қолиши осон бўлмаслигини айтди. Ниҳоят Парвардигор унинг таклифига розилик билдиргандан кейин, Бхаттачарья Джаганнатха эҳромида Унга "Веданта-сутра" илмини ўргата бошлади. Сарвабхаума Бхаттачарья "Веданта-сутра" илмини етти кун давомида тинмасдан тушунтирди, ана шу вақт мобайнида Парвардигор Чайтанья бир оғиз ҳам гапирмасдан унинг гапларини тинглаб ўтирди. Саккизинчи кун Сарвабхаума Бхаттачарья шундай деди: "Сен менинг гапларимни етти кундан бери тинглаб ўтирибсан, лекин шу пайтгача менга битта ҳам савол бермадинг, буни устига менинг гапларим Сенга хуш келаётганини ҳам билдириб қўймадинг. Шунинг учун хайронман, менинг гапларим Сенга тушунарлими ўзи?"

"Мен - ақлсиз нодонман. - деди Парвардигор Чайтанья - "Веданта-сутра" илмини ўрганишга қодир эмасман. Сен мендан гапларингни тинглашни илтимос қилганинг учун Мен тинглаб ўтиришга ҳаракат қиляпман. Мен сенинг гапларингни тинглаб ўтирибман, чунки сен "санъасининг бурчи - "Веданта-сутра"ни тинглаш" деб айтдинг. Сенинг гапларинг мазмунига келсак, Мен уларни умуман тушуна олмайман".

Бу билан Парвардигор билдириб қўймоқчи эдики, *майавади*-сампрадайасида ўзларини *саннийаси* деб юрган жуда кўп одамлар ўзлари саводсиз ва ақл-фаросатсиз бўлишига қарамай, худди ўзларининг бурчини бажараётган одамларга ўхшаб, ҳатто ҳеч нарсани тушунмасалар ҳам, расмиятчилик юзасидан руҳий устозидан "Веданта-сутра"ни тинглаш билан шуғулланидилар. Парвардигор Чайтанья айтдики, Сарвабхаума Бхаттачарьянинг изоҳларини тушуниш қийин бўлгани учун эмас, балки "Веданта-сутра"ни майавадиларнинг талқин қилишларини қўллаб-қувватламагани учун унинг гапларини тушунмайман деди.

Парвардигор Чайтанья Ўзини Бхаттачарьянинг изоҳларини тушунишга қодир бўлмаган саводсиз нодон деб айтганида Сарвабхаума Бхаттачарья унга эътироз билдирди: "Агар Сен менинг айтган гапларимни тушуна олмаётган бўлсанг, нимага савол бермайсан? Нимага шунчаки индамасдан ўтирибсан? Менимча Сен "Веданта-сутра"бўйича менинг айтганларим борасида бирор гап айтишни истаяпсан".

"Эй ҳукмдорим, - жавоб берди Парвардигор, - "Веданта-сутра"нинг ўзига, яъни унинг сутраларига келсак, Мен уларнинг мазмунини яхши тушунаман. "Веданта-сутра"нинг ўзининг мазмунини тушуниш қийин эмас, лекин, сен тушунтираётган усул унинг асл мазмунини бекитади. "Веданта-сутра"нинг мазмунини тўғри тушунтириш ўрнига, менимча сенинг изоҳларинг унинг асл мазмунини бекитиб қўйяпти. Ўйлайманки, "Веданта-сутра"нинг афоризмларини ниқоб қилиб олиб, сен аслида ўзингнинг алоҳида бир таълимотингни тушунтиришга ҳаракат қиляпсан".

"Муктика Упанишад"да келтирилганига кўра 108 Упанишад бор. Уларнинг баъзилари қуйидагилар: 1) Иша, 2) Кена, 3) Катха, 4) Прашна, 5) Мундака, 6) Мандукья, 7) Титтири, 8) Ангарейя, 9) Чхандогья, 10) Брихадараньяка, 11) Брахма, 12) Каивалья, 13) Джавала, 14) Шветашва, 15) Хамса, 16) Аруни, 17) Гарбха, 18) Нарайана. 108 Упанишадада Мутлак Ҳақиқат ҳақидаги бутун илм жамланган. Ваишнавларнинг тасбеҳидаги 108 дона мунчоқ Мутлак Ҳақиқат ҳақида тўлиқ илм берадиган ана шу 108 Упанишадни билдиради. Баъзи бир ваишнавлар тасбеҳидаги 108 мунчоқ Парвардигор Кришнанинг раса-раксида иштирок этган яқин содиқларини билдиради, деб ҳам айтадилар.

Парвардигор Чайтанья Упанишадаларнинг мазмунини нотўғри талқин қилишларига эътироз билдирди ва уларнинг маъносини тўла ва тўғри тушунтирмайдиган ҳар қандай изоҳларни инкор этган. Тўғри тушунтириш *абхидха-вритти* деб аталади, нотўғри изоҳлаш эса - *лакшана-вритти*. Нотўғри тушунтириш ҳеч қандай натижа бермайди. Билим олишнинг тўрт йўли бор: 1) бевосита ўрганиш(*пратйакша*), 2) тахминлар орқали ўрганиш(*анумана*), 3) тарихий ўрганиш(*аитихья*), 4) товуш орқали ўрганиш(*шабда*). Билим ўрганишнинг мана шу тўрт усули ичида Мутлак Ҳақиқатнинг товуш тимсоли бўлган Ведалар асос илм ўрганиш энг яхши усул ҳисобланади. Ведаларни ўрганиб юрган кишиларнинг ҳаммаси тан оладиларки, илм ўрганишнинг энг яхши усули товуш воситасида тинглаб ўрганишидир.

Ведавий битикларга кўра тирик мавжудотнинг ахлати ҳам, суяги ҳам нопок, ҳаром ҳисобланади, лекин шу битикларда яна айtilганки, сигирнинг ахлати ва денгиздаги чиғаноқнинг суяги, яъни, сур - пок, ҳалол

ҳисобланади. Албатта, бу гаплар бир бирига аниқ-равшан зид гаплардир, лекин Ведаларда сигирнинг ахлати ва сур ҳалол деб ёзилгани учун Ведаларга ишонадиган одамлар уларни пок деб биладилар. Агар биз бирор ҳақиқатнинг нотўғри талқинини тушунишга уринсак, Ведаларга қарши чиққан бўлаемиз. Бошқача қилиб айтганда, Ведаларда ёзилган гапларни биз ўзимизнинг мукамал бўлмаган изоҳларимиз ёрдамида тушуна олмаемиз. Улар қандай ёзилган бўлса, шундайлигича қабул қилишимиз лозим. Агар уларни шундай қабул қилмасак, бу Ведалардаги гапларни ишончсиз деган бўлаемиз.

Парвардигор Чайтаньянинг фикрига кўра, Ведаларнинг кўрсамаларини ўз билганича талқин қилишга уринадиган кишилар мутлақо нодон кишилардир. Улар ўзлари тўқиб чиқарган гаплари билан издошларини йўлдан адаштирадилар. Ҳиндистонда *арья-самодж* деб аталадиган бир гуруҳ одамлар бор. Улар фақат биринчи Ведаларни қабул қилишини, бошқа ведавий асарларни инкор этишларини айтадилар. Лекин улар фақат Ведаларни ўзларича талқин қилиш учун шундай деб айтадилар. Парвардигор Чайтанья Ведаларнинг ана шундай ўзбошимча талқинларини умуман қабул қилмаган. Бундай талқинлар Ведавий асарлар бўла олмади. Парвардигор Чайтанья айтганки, Ведаларнинг Упанишадаларда берилган илми худди Қуёшга ўхшайди. Қуёш порлаб турганда ҳамма нарса аниқ-равшан кўринади. Ведаларнинг кўрсатмалари ҳам шундай аниқ-равшан тушунарли. Лекин майавади-файласуфлар ана шу порлоқ нурни ўзларининг сохта изоҳлари булутли билан бекитишга уринадилар.

Кейин Парвардигор Чайтанья айтдики, Упанишадаларда берилган барча Ведавий кўрсатмалар Брахман деб аталадиган якуний ҳақиқатга қаратилган. Брахман ибораси "энг буюк" деган маънони англатади. Биз "энг буюк" деганда бевосита Худонинг Олий Шахсини, барча эманациялар манбаини назарда тутамиз. Агар ана шундай эн буюк Зот барча олти илоҳий хусусиятга тўла равишда эга бўлмаса, уни "энг буюк" деб бўлмайди. Барча хусусиятларга мукамал эга бўлган энг буюк зот - Худонинг Олий Шахсидир. Бошқача қилиб айтганда, Олий Брахман, шунингдек, Худонинг Олий Шахси ҳамдир. "Бхагавад-гита"(10.21)да Аржун Кришнанинг Олий Брахман(*парам брахма*) эканини тан олади. Худонинг Олий Шахсини тушуниб етиш ўз ичига шахсиятсиз Брахман концепциясини ҳам, жамланган Олий Рух концепциясини ҳам ўз ичига олади. Биз қачон Худонинг Олий Шахси ҳақида гапирсак, унга Шри иборасини қўшамиз, бу Унинг олти илоҳий фазилатга тўла эканини англатади. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор ҳаммаша Шахс. Агар У шахс бўлмаса, ана шу олти турли хусусият Унда тўлиқ равишда мавжуд бўлмаган бўларди. Олий Мутлак Ҳақиқат шахсиятсиз деб айтганимизда биз Унинг шахсий сифатлари моддий табиатга эга эмаслигини назарда тутамиз. Унинг илоҳий танасини моддий таналардан фарқ қилиш учун баъзи бир файласуфлар Уни моддий жиҳатдан шахсиятсиз деб таърифлаганлар. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг моддий шахси инкор этилади, лекин Унинг руҳий шахс экани тасдиқланади. Шветашватара Упанишада(3.19)да аниқ айtilганки, Мутлак Ҳақиқатнинг моддий қўл ва оёқлари йўқ, лекин шу битикнинг ўзида яна айtilганки, Унинг руҳий қўллари бўлиб, шу



кўллари билан Унга тақдим этилган ҳамма нарсани қабул қилади. Худди шундай Мутлақ Ҳақиқатнинг моддий кўзлари йўқ, лекин Унинг руҳий кўзлари бор, шу кўзлари билан У ҳамма жойда ҳамма нарсани кўра олади. Гарчи Унинг моддий кулоқлари бўлмаса ҳам, У ҳамма нарсани тинглай олади. Мукамал сезгиларга эга бўлган ҳолда У ўтмишни, ҳозирни ва келажакни билади. Ҳақиқатан ҳам, У ҳамма нарсани билади, лекин Уни ҳеч ким билмайди, чунки Уни моддий сезгилар ёрдамида билишнинг иложи йўқ. Барча эманацияларнинг манбаи бўлган ҳолда, У энг олий, энг буюк Зот, Худо Шахси.

Олий Мутлақ Ҳақиқат бу моддий оламга мансуб бўлмаган шахс эканлигини аниқ тасдиқлайдиган жуда кўп ведавий мадҳиялар бор. Масалан, Хайаширшапанчаратрада айtilганки, гарчи ҳар бир Упанишадада Олий Брахман аввалига шахсиятсиз Зот сифатида қараб чиқилса ҳам, уларнинг охирида Унинг шахсий қиёфаси тан олинади. Ана шундай шеър Шри Ишопанишадда ҳам бор(15): "Эй барча тирик мавжудотларнинг тириклигини таъминлаб турган Парвардигор, Сенинг асл қиёфанг Сендан таралиб турган порлоқ нур билан тўсиб қўйилган. Илтимос, ана шу пардани олиб ташла ва Ўзингни асл содигинга кўрсат".

Бу шеър ҳар ким бутун борлиқнинг мавжудлигини таъминлаб турган ягона Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиши лозимлигини кўрсатади. Ҳар ким фақат Унинг марҳамати билан тирик; шунинг учун Унга садоқат билан хизмат қилиш ҳақиқий дин ҳисобланади. Худонинг Олий Шахси *сач-чид-ананданинг* мангу қиёфасидир, худди қуёш нурлари бутун Қуёш тизимини қоплаб олгани сингари, Ундан порлаб турган ёғду бутун борлиқни қамраб олган. Худди қуёш сайёраси ундан порлаб турган ёрқин нур билан тўсилиб қолгани сингари, Парвардигорнинг илоҳий қиёфаси Ундан таралиб турган, *Брахмаджйоти* деб аталадиган ёғду пардаси билан тўсилган. Ҳақиқатан ҳам, мазкур шеърда айtilганки, Парвардигорнинг танасидан таралиб турган брахмаджйотининг ёрқин пардаси ортида Парвардигорнинг илм ва лаззатга тўла қиёфаси бор. Шундай қилиб, брахмаджйотининг манбаи - Парвардигорнинг шахсий танасидир, бу "Бхагавад-гита"(14.27)да ҳам тасдиқланади. Шахсиятсиз Брахман Олий Шахсга боғлиқ экани Хайаширшапанчаратрада ва бошқа барча Упанишадаларда ҳам, барча ведавий муқаддас китобларда ҳам тасдиқланади. Ҳақиқатан ҳам, аввалига шахсиятсиз Брахман ҳақида баён этилган асарнинг охирида Парвардигор Олий Шахс экани тасдиқланади. Масалан, Ишопанишадада ҳам айtilганки, Мутлақ Ҳақиқат ҳам шахсиятсиз сифатга, ҳам шахс сифатига эга. Лекин Унинг шахсий аспекти шахсиятсиз аспектдан кўра муҳимроқ.

Таиттирийа Упанишаданинг бир мантрасига кўра(*Йато ва имани бхутани джайанте*) намоён бўлган бу космик олам шунчаки, Олий Мутлақ Ҳақиқатнинг эманацияси бўлиб, у Олий Мутлақ Ҳақиқат ичида жойлашган. Мутлақ Ҳақиқатни уч қудратни - яратувчи, саба бўлувчи ва жамловчи қудратни Ўзида мужассам қилган ижрочи деб атайдилар. У - Худонинг Олий Шахсидир, чунки буларнинг ҳаммаси бу космик оламни яратувчи шахснинг аломатларидир. У фикрлаш, ҳис қилиш ва ирода фаолиятининг манбаидир. Фикрлашсиз, ҳис-ғуйғусиз ва ирода

билан интилишсиз бу космик оламда на тартиб, на бирор режа мавжуд бўлолмасди. У оламнинг бошланғич сабаби, чунки оламни яратиш фикри аввал Ундан чиққан. У жамловчи Зот; бу - ҳамма нарса Унинг қувватида жойлашганини билдиради. Ана шу белгиларнинг ҳаммаси аниқ шахснинг аломатларидир.

Чхандогйа Упанишада(5.2.3)да айtilганки, Худонинг Олий Шахси кўп бўлишни истаганида У Ўз нигоҳини моддий қувватга ташлайди. Буни Антатрейа Упанишад ҳам тасдиқлайди: *са аукушата*(1.1): "Парвардигор моддий табиатга нигоҳ ташлади". У Ўз нигоҳини ташлашдан аввал космик олам мавжуд эмасди; демак, Унинг нигоҳи модда билан булганган эмас. У ҳали моддий олам яралмасдан аввал кўриш қобилиятига эга эди; демак, Унинг танаси моддий эмас. Унинг фикрлаши, сезгилари ва ҳаракатлари бутунлай илоҳий табиатга эга. Бошқача қилиб айтганда, биз шундай хулоса чиқаришимиз лозимки, Парвардигор фикр юритадиган, ҳис қиладиган ва истайдиган ақл - илоҳий табиатга эга, Унинг моддий табиатга нигоҳ ташлайдиган кўзлари ҳам илоҳий. Парвардигорнинг илоҳий табиатли танаси ва сезгилари бу моддий олам яралмасдан аввал ҳам мавжуд бўлгани учун Унинг ақли, фикрлари, сезгилари ва истаклари ҳам илоҳий табиатга эга. Барча ведавий муқаддас китобларнинг хулосаси шундан иборат.

Упанишадаларда ҳамма жойда "Брахман" ибораси учрайди. "Шримад Бхагаватам"да Брахман, Параматма ва Бхагаван, Худонинг Олий Шахси биргалликда Мутлақ Ҳақиқат деб тан олинган. Брахман ва Параматмани англаб етиш Худонинг Олий Шахсини англаб етиш йўлидаги оралиқ поғоналар деб айtilган. Барча ведавий муқаддас китобларнинг аниқ хулосаси шундан иборат.

Шундай қилиб, турли хил Ведавий муқаддас китобларда келтирилган далилларга асосан Брахманни англаб етишнинг якуний мақсади - Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришна. "Бхагавад-гита"(7.7)да ҳам айtilганки, Парвардигор Кришнадан устун бирор зот йўқ. Тангри Брахмадан бошланган шогирдлар силсиласида турган буюк руҳий устозлардан бири Махвачарйа "Веданта-сутра"га ёзган изоҳида айтганки, ҳамма нарсага ведавий муқаддас китоблар нуқтаи-назаридан қараш мумкин. У "Сканда-пурана"дан мисол келтиради, унда айtilганки, Риг-, Сама-, Атхарва-веда, "Махобҳорат", Панчаратра ва бошланғич Рамайана - ҳақиқий ведавий муқаддас китоблардир. Ана шу муқаддас китоблардаги ҳамма гапларни ҳеч қандай исботсиз аниқ ҳақиқат ва якуний хулоса деб қабул қилиш лозим. Ана шу муқаддас китобларнинг барчасида Кришна Худонинг Олий Шахси деб эълон қилинган.

## 25-боб.

### Парвардигорнинг шахсий ва шахсиятсиз аспектларини англаб етиш

Пураналар қўшимча ведавий асарлар деб аталадилар. Баъзи пайтларда оддий одамларга бошланғич ве-

даларда айтилган гапларни тушуниш жуда кийин бўлгани учун Пураналар уларни ҳар хил тарихий воқеалар ва масаллар мисолида тушунтириб берадилар. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки(10.14.32), Нанда Махараж. Вриндаванлик подачилар ва унинг оддий аҳолиси жуда омадли инсонлардир, чунки Олий Браҳман, лаззатга тўла Худо Шахси уларнинг дўсти сифатида улар билан биргаликда Ўзининг мангу эрмакларини ўтказиб юрибди.

Шветашватара Упанишаддаги "*апани-падо джавано грахита*" мантрага асосан, Браҳманинг моддий кўл ва оёқлар йўқ, лекин шунга қарамай, У юра олади ва Унга тақдим этилган нарсаларни қабул қила олади. Демак, Унинг илоҳий кўллари ва илоҳий оёқлари бор, демак, У шахсиятсиз эмас. Ведавий қонун-қоидаларни тушунмайдиган киши шунчаки Олий Мутлақ Ҳақиқатнинг имперсонал моддий аспектларига алоҳида эътибор берадилар, шунинг учун адашганидан Мутлақ Ҳақиқатни шахсиятсиз деб биладилар. Имперсоналист файласуфлар, майвадилар Мутлақ Ҳақиқатни қандайдир шахсиятсиз бир Зот деб исботламоқчи бўладилар, лекин бу Ведалар адабиётида баён этилган ҳақиқатга зид тушунча. Гарчи ведавий асарларда Олий Мутлақ Ҳақиқат сон-саноксиз қувватларга эга экани тасдиқланса ҳам, имперсоналист майвадилар барибир Мутлақ Ҳақиқатнинг ҳеч қандай қуввати йўқ деб исботлашга уринадилар. Лекин ҳақиқат барибир ҳақиқат бўлиб қолаверади: Мутлақ Ҳақиқат қувватларга тўла ва шахс сифатига эга. Унинг шахсиятсиз эканини исботлашнинг иложи йўқ.

Вишну Пурана(6.7.61-63)га кўра тирик мавжудотлар Парвардигорнинг *кшетраджна* қуввати ҳисобланадилар. Гарчи тирик мавжудот Парвардигорнинг таркибий қисми бўлиб, тўла илмга эга бўлса ҳам, у барибир моддий иллатга ботиб қолади ва моддий ҳаётнинг ҳар хил азоб-уқубатларига дучор бўлади. Ана шундай тирик мавжудотлар моддий табиатга қай даражада аралашганига қараб турлича ҳаёт кечирадилар. Парвардигорнинг бошланғич қуввати руҳий табиатга эга ва Худонинг Мутлақ Олий Шахсидан фарқ қилмайди. Тирик мавжудот Парвардигорнинг оралик қуввати деб аталади, модда эса - Унинг қуйи қуввати. Оралик ҳолатни эгаллаб турган тирик мавжудот модданинг таъсирига берилиб, қуйи қувватга, моддага аралашиб қолади. Ана шу пайтда у ўзининг руҳий моҳиятини эсдан чиқаради, ўзини моддий қувватга киёслайди, шунинг учун моддий оламда уч турли азоб-уқубатларга дучор бўлади. Фақат ана шу моддий иллатлардан озод бўлгандагина тирик мавжудот ўзининг муносиб ўрнини эгаллай олади.

Ведавий муқаддас китобларнинг насиҳатларига кўра биз тирик мавжудотнинг асл ҳолатини, Парвардигорнинг ҳолатини ва моддий қувватнинг ҳолатини ҳамда уларнинг ўзаро муносабатларини тушуниб олишимиз лозим. Энг аввало Парвардигорнинг, Худо Шахсининг азалий асл ҳолатини тушуниб олишга ҳаракат қилиш лозим. Парвардигорнинг мангу, илм ва лаззатга тўла танаси бор, Унинг руҳий қуввати мангулик, илм ва лаззат сифатида таралиб туради. Унинг лаззатга тўла борлигида Унинг лаззатланиш қувватини кўриш мумкин. У мангулиги бутун борлиқнинг бошланғич сабабчиси эканини кўрсатади. Ўзининг илм аспектида У олий илмдир. Ҳақиқатан ҳам "кришна"

ибораси ана шу олий илмни англатади. Бошқача қилиб айтганда, Худонинг Олий Шахси, Кришна барча илмлар, лаззат ва мангулик манбаи. Кришнанинг олий илми ҳар хил турдаги уч қувватларда намоён бўлади: ички, оралик ва ташқи. Ўзининг ички қуввати ёрдамида У Ўзининг ичида барча руҳий муҳити билан биргаликда мавжуд; Ўзининг оралик қуввати ёрдамида У Ўзини тирик мавжудотлар кўринишида, Ўзининг ташқи қуввати ёрдамида эса, У Ўзини моддий қувват кўринишида намоён этади. Унинг қувватининг ана шундай ҳар бир кўринишида мангулик, лаззат, куч ва тўла илм бор.

Шартланган руҳ - ташқи қувват ҳукми остига тушиб қолган оралик қувватдир. Ана шу оралик қувват руҳий қувват ҳукми остига ўтганида у қалбида Худога муҳаббат уйғотиш учун тайёр бўлади. Парвардигор Ўзининг олти хил фазилати ёрдамида лаззатланади, ҳеч ким У ҳеч қандай киёфага эмас ва қувватлари йўқ, деб исботлай олмайди. Агар кимдир шундай деб эълон қилса, унинг гаплари Ведаларда баён этилган ҳақиқатга мутлақо зид бўлади. Аслида Худонинг Олий Шахси - барча қувватлар эгасидир. Фақат Унинг чексиз кичик таркибий зарралари бўлган тирик мавжудотлар моддий қувват таъсири остига тушиб қолишлари мумкин.

Мундака Упанишадда битта дарахтда ўтирган икки қуш ҳақида айтилган, уларнинг биттаси ана шу дарахт меваларидан ейди, иккинчиси эса, шунчаки унинг ҳаракатларини кузатиб туради. Дарахт меваларидан тоғиб юрган қуш фақат ҳамшиша ёнида юрадиган бошқа қушга назар ташлаганидагина барча ташвишлардан халос бўлади. Чексиз кичик тирик мавжудотнинг асл ҳолати шундай. Токи у ўзининг барча ҳатти-ҳаракатларини кузатиб юрган Худонинг Олий Шахсини эсламас экан, у бу дунёда уч турли азоб-уқубатларга дучор бўлиб юради. Лекин у ўз нигоҳини Парвардигорга қаратиб, Унинг содиқ хизматкори бўлса, у барча ташвиш ва моддий мусибатлардан озод бўлади. Тирик мавжудот Парвардигорга мангу тобе, бўйсунган. Парвардигор - барча қувватларнинг мангу ҳукмдори, тирик мавжудот эса, ҳамшиша Унинг қувватларининг ҳукми остида. Гарчи тирик мавжудот Парвардигор билан сифат жиҳатидан бир бўлса ҳам, унда моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга мойиллик бор. Лекин, чексиз кичик бўлгани сабабли аслида цунинг ўзини моддий табиат ҳамшиша назорат қилиб туради. Шунинг учун тирик мавжудотлар Парвардигорнинг оралик қуввати деб аталадилар.

Тирик мавжудот моддий табиат ҳукми остида бўлишга мойил бўлгани сабабли у ҳеч қачон, ҳеч қандай поғонада Парвардигор билан бир бўла олмайди. Агар тирик мавжудот Парвардигорга тенг бўлганда у моддий қувват ҳукми остига тушиб қолмаган бўларди. "Бхагавад-гита"да тирик мавжудот Парвардигорнинг қувватларидан бири деб таърифланади. Гарчи қувват ўзининг манбаидан ажралмас бўлса ҳам, у барибир қувват бўлиб қолаверади; у ҳеч қачон қувват манбаига тенг бўла олмайди. Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудот бир вақтнинг ўзида Парвардигор билан бир ва Ундан фарқ қилади. "Бхагавад-гита"(7.4-5)да аниқ айтилганки, ер, сув, олов, ҳаво, эфир, ақл, тафаккур ва сохта ўзлик - Парвардигорнинг бирламчи қувватининг саккиз таркибий қисми бўлиб, улар сифат жиҳатидан қуйи қувватга, тирик мавжудотлар эса, Парвардигор-

нинг олий қувватига мансубдир. Ведавий муқаддас китоблар Парвардигорнинг илохий қиёфаси мангу, илм ва лаззатга тўла эканини тасдиқлайдилар.

Парвардигорнинг моддий табиат гуналаридан ташқарида мавжуд бўлган қиёфаси бу моддий оламда мавжуд бўлган қиёфалардан фарқ қилади. Унинг қиёфаси бутунлай рухий ва уни моддий қиёфаларнинг бирортаси билан тенглаштириб бўлмайди. Ведалар адабиётига кўра Парвардигорнинг рухий қиёфасини тан олмайдиган киши атеист, имонсиз киши ҳисобланади. Парвардигор Будда мана шу ведавий принципни тан олмагани учун ведавий рухий устозлар уни атеист деб ҳисоблайдилар. Гарчи майавади-файласуфлар ўзларини Ведаларнинг издошлари деб айтсалар ҳам, улар аслида буддизм фалсафасини, яъни атеизм фалсафасини тарғибот қиладилар ва Худонинг Олий Шахсини тан олмайдилар. *Майавади* фалсафаси ҳатто Ведаларни очикдан очик инкор этадиган буддизм фалсафасидан ҳам ёмон. Майавадилар фалсафаси буддизм ва атеизм фалсафасидан хавфлироқ, чунки у Веданта фалсафаси никобини кийиб олган.

"Веданта-сутра"ни барча тирик мавжудотларнинг саодати учун Вйасадева ёзиб қолдирган. Айнан "Веданта-сутра" фалсафаси орқали *бхакти-йога* фалсафасини тушуниб олиш мумкин. Лекин афсуски, майавадиларнинг "Веданта-сутра"га ёзган изоҳи Шарирака-бхашья амалда "Веданта-сутра"ниг маъносини бутунлай бузиб юборган. Майавадиларнинг изоҳларида Худонинг Олий Шахсининг рухий, илохий қиёфаси инкор этилади, Олий Брахман эса, алоҳида брахман, яъни тирик мавжудот даражасига тушириб қўйилган. Гарчи Ведаларда Парвардигор ягона Олий тирик мавжудот, бошқа тирик мавжудотлар эса, - сон-саноксиз бўйсунган тирик мавжудотлардир, деб аниқ айтилган бўлса ҳам, майавадилар фалсафасида алоҳида Брахман ҳам, Олий Брахман ҳам алоҳида шахслар экани ҳам, уларнинг рухий қиёфаси борлиги инкор этилади. Шунинг учун майавадиларнинг "Веданта-сутра"га ёзган изоҳларини ўқиш ҳамиша хатарли. Энг асосий хавф шундан иборатки, бу изоҳларни ўқиган инсон тирик мавжудот Парвардигорга тенг деб ҳисоблай бошлайди. Шартланган тирик мавжудотни ана шу ногўғри йўлга бошлаш жуда осон, бу йўлга бир кирган киши эса, ҳеч қачон ўзининг асл ҳолатига қайта олмайди, яъни ҳеч қачон бхакти-йогада ўзининг мангу табиий фаолиятдан лаззатлана олмайди. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорни шахсиятсиз деб тасаввур қилишни қўллаб қувватлаш билан майавади файласуфлар инсониятга жуда катта зарар етказдилар. Шундай қилиб, *майавади* файласуфлар инсониятни "Веданта-сутра"нинг ҳақиқий саодат келтирувчи хабаридан маҳрум қиладилар.

"Веданта-сутра"да аввал бошидан бу моддий олам шунчаки Парвардигорнинг қувватининг намоён бўлиши деб қабул қилинади. "Веданта-сутра"нинг биринчи афоризмида - *джанмадй асйа йатах* - Олий Брахман - ҳамма нарса, бутун борлиқ чиқадиган Зот деб таърифланади. У ҳамма нарсанинг мавжудлигини таъминлаб туради, ҳамма нарса Унга бориб қиради. Шундай қилиб, Мутлак Ҳақиқат олам яралишининг, мавжудлигининг ва яксон бўлишининг сабабчисидир. Меванинг пайдо бўлишига дарахт сабабчи бўлади. Мева берадиган дарахтни шахсиятсиз деб бўлмайди. Битта дарахт юзлаб ва минглаб мевалар бериши ва ўзи ўзгармай

қолиши мумкин. Мева пайдо бўлади, ривожланади, бироз вақт дарахтда қолади, кейин бузилади ва йўқолади. Лекин, бу дегани у билан бирга дарахт ҳам йўқолиб кетади дегани эмас. Шундай қилиб, "Веданта-сутра" аввал бошидан иккиламчи махсулот ғоясини тушунтиради. Оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яксон қилиш билан боғлиқ фаолиятни Парвардигорнинг англаб бўлмас қуввати амалга оширади. Гарчи Парвардигорнинг қуввати ва Парвардигорнинг ўзи бир вақтнинг ўзида бир ва бир биридан фарқ қилса ҳам, намоён бўлган бу космик олам Парвардигорнинг қувватининг шакл ўзгаришидир. Фалсафа тоши темирга текканида кўплаб олтин яратиши мумкин, лекин бунда унинг ўзи ўзгармай қолаверади. Чексиз космик оламни яратса ҳам, Парвардигор ҳамиша ўзининг илохий қиёфасида қолаверади.

Майавадиларнинг фалсафаси Вйасадеванинг "Веданта-сутра"да тушунтирган мақсадини инкор этишга ва бошидан охиригача хом-хаёл бўлган ўзларининг шакл ўзгартириш ғоясини ўрнатишга журъат қиладилар. Майавадилар фалсафасига кўра бу космик олам шунчаки Мутлак Ҳақиқатнинг шакл ўзгарган кўриниши. Бунда Мутлак Ҳақиқат космик оламдан ташқарида, алоҳида мавжуд эмас. Лекин бу "Веданта-сутра"нинг хабари эмас. Майавади-файласуфлар шакл ўзгариши алдамчи деб тушунтирадилар, лекин аслида бундай эмас. У шунчаки ўткинчи. Майавади-файласуфларнинг фикрига кўра, ягона ҳақиқат Мутлак Ҳақиқат бўлиб, моддий олам деб аталадиган бу намоён бўлган моддий борлиқ алдамчи. Лекин, аслида бундай эмас. Моддий булғаниш том маънода алдамчи эмас; у нисбий ҳақиқат сифатида ўткинчи. Вақтинча деган сўз билан ўткинчи деган сўз бир биридан бутунлай фарқ қилади.

*Пранава*, яъни омкара - барча ведавий мадҳияларнинг энг асосий товуш тебранишидир. Омкара Парвардигорнинг товуш шаклидаги қиёфасидир. Барча ведавий мадҳиялар омкарадан чиққан, бутун борлиқнинг ўзи ҳам омкара товушидан чиққан. *Тат твам аси* ибораси ҳам ведавий мадҳияларда учрайди, лекин бу гаплар асосий товуш тебраниши эмас. Бу шунчаки тирик мавжудотнинг асл ҳолатини ифодаловчи тушунча, холос. *Тат твам аси* дегани шуни билдирадики, тирик мавжудот аслида олий руҳнинг рухий заррачаси, лекин бу "Веданта-сутра"нинг ёки ведавий асарларнинг асосий мавзуси эмас. Парвардигорнинг асосий товуш қиёфаси - омкара.

"Веданта-сутра"нинг мана шундай барча сохта изоҳлари атеистик тушунчалар ҳисобланади. Майавади-файласуфлар Парвардигорнинг мангу илохий қиёфасини тан олгани сабабли, улар Худога ҳақиқий садоқат билан хизмат қилишга қодир эмаслар. Шунинг учун улар Кришна онгидан ва Кришнага садоқат билан хизмат қилишдан мангу маҳрумдирлар. Худо Шахсининг асл содиқ хизматкори ҳеч қачон майавадиларнинг фалсафасини инсонни илохий ўзликни англашга олиб борадиган тўғри йўл деб қабул қилмайди. Майавади-файласуфлар ахлоқ ва ахлоқсизлик муҳити доирасидан ташқари чиқмайдилар, бунинг оқибатида улар моддий лаззат ва мусибатларни гоҳида қабул қиладилар, гоҳида инкор этадилар. Улар рухий ва рухий бўлмаган нарсаларни ногўғри қабул қилганлар, бунинг натижасида Худонинг Олий Шахсининг мангу рухий қиёфасини

хам, Унинг номини, сифатларини ва рухий муҳитини ҳам эсдан чиқариб юборганлар. Улар Парвардигорнинг илохий эрмаклари, номи, қиёфаси ва сифатларини моддий табиат яратган нарсалар деб биладилар. Моддий лаззат ва мусибатларни ё қабул қилиб, ё инкор этиб юрганлари сабабли майавади-файласуфлар моддий азоб-уқубатларга мангу маҳкумдирлар.

Парвардигорнинг асл содиқлари ҳамиша майавади-файласуфларнинг ғояларига қарши чиқадиладар. Имперсонализм ҳеч қачон инсонга мангулик, илм ва лаззат бағишлай олмайди. Озодликка чиқишни нотўғри тушуниб олган майавадилар мангулик, илм ва лаззатни материализм деб масхара қилиб куладилар. Худога садоқат билан хизмат қилишни инкор этганлари сабабли майавадилар ақл-фаросатсиз, Худога садоқат билан хизмат қилиш инсонга қандай бахт келтиришни тушуна олмайдиган калтафаҳм одамлардир. Уларнинг билиш, биладиган нарса ва билувчи зотларнинг бир биридан фарқини тушунтириш учун ишлатадиган жимжимадор чиройли гаплари уларнинг калтафаҳмлигини яна ҳам очикроқ ошкор этади. "Веданта-сутра"нинг бошининг ҳақиқий мазмуни - иккиламчи маҳсулот таълимоти дир. Парвардигорнинг сон-саноксиз чексиз қувватлари бор, шу боис У турли йўллар билан ана шу қувватларнинг иккиламчи маҳсулотларини намоён этади. Ҳамма нарса Унинг, олий ҳукмдор бўлган ва Ўзини сон-саноксиз қувват ва экспансияларда намоён этадиган Парвардигорнинг ҳукми остидадир.

## 26-боб.

### Бхаттачарянинг ваишнав бўлиши

Имперсоналист-файласуфлар ва бўшлиқ фалсафасининг издошлари учун нариги дунё - бемаъни мангулик ва лаззат олами. Бўшлиқ фалсафаси издошлари охир-оқибатда ҳамма нарса бемаъни эканини, имперсоналистлар эса, - нариги дунёда фақат ҳар қандай фаолиятдан маҳрум бўлган илм мавжудлигини исботлашга интиладилар. Шу тарзда руҳни кутқаришга интилиб юрган калтафаҳм одамлар мукаммал руҳий фаолият оламига номукаммал билимни киритишга уринадилар. Имперсоналист ўз тажрибасидан моддий фаолият турли азоб-уқубатларга олиб келишини яхши билгани учун руҳий ҳаётни ҳар қандай фаолиятдан маҳрум бўлган деб тасаввур қилишни асосламоқчи бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилишдаги фаолият ҳақида у ҳеч қандай тасаввурга эга эмас. Ҳақиқатан ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилишдаги руҳий фаолият ҳақида имперсоналистлар ҳам, бўшлиқ фалсафаси издошлари ҳам ҳеч қандай тушунчага эга эмаслар. Ваишнав-файласуфлар Мутлак Ҳақиқат, Худонинг Олий Шахси шахсиятсиз ҳам, бўшлиқ ҳам бўлиши мумкин эмаслигини яхши биладилар, чунки У сон-саноксиз қувватлар соҳиби. Ўзининг сон-саноксиз қувватлари ёрдамида У Ўзини ҳар хил қиёфаларда намоён этиши ва айни пайтда аввалгидай Мутлак Худонинг Олий

Шахси бўлиб қолаверади. Шундай қилиб, У Ўзини сон-саноксиз қиёфаларда намоён этиб тарқатишига ва Ўзининг сон-саноксиз қувватларини тартиб туришига қарамай, У Ўзининг ўзгармас илохий ҳолатини сақлаб қолаверади.

Шундай қилиб, Парвардигор Чайтанья майавадилар фалсафасидаги кўплаб нуқсонларни ошкор этди, гарчи Сарвабхаума Бхаттачарья мантиқ ва жимжимадор сўзлар билан ўзининг ғояларини ҳимоя қилишга қанчалик уринса ҳам, Парвардигор Чайтанья унинг барча ҳужумларини қайтарди. Парвардигор Чайтанья ведавий муқаддас китоблар уч мақсадга мўлжалланганини исботлади: 1) Худонинг Мутлак Олий Шахси билан ўзаро муносабатларимизни тушуниб олиш; 2) ана шу тушунчага асосланган фаолият; 3) Комил ҳаётнинг энг юксак поғонасига - Худога муҳаббатга эришиш. Ведавий китоблар қандайдир бошқа мақсадларни кўзлайди, деб исботлашга уринадиган ҳар қандай киши албатта ўзининг хом-хаёлларининг қурбони бўлиб юрган киши ҳисобланади.

Кейин Парвардигор Пураналардан бир неча мисоллар келтирди, улар асосида Шанкарачарья Худонинг Олий Шахсининг амри билан одамларга шу йўлни ўргатиш учун юборилганини исботлади. У "Падма пурана"(62.31)дан шеър келтирди, унда айтилганки, Парвардигор одамларни Ведаларнинг ҳақиқий мақсадидан четга олиб кетиш учун Махадева, Тангри Шивага одамларга ведавий илмнинг қандайдир сохта талқинини беришни буюрган. "Бу билан сен уларни атеистларга айланттиришга уринасан, - деди унга Парвардигор, - шунда улар аҳоли сонини кўпайтира оладилар". "Падма пурана"(25.9)да ҳам айтилганки, Тангри Шива рафикаси Парватига тушунтирадики, *майавади* фалсафаси деб аталадиган, аслида буддизм атеистик фалсафасининг янги тури бўлган ва Ведаларни номукаммал талқин қиладиган фалсафани тарғибот қилиш учун у Кали юга даврида браҳман бўлиб туғилади.

Сарвабхаума Бхаттачарья Парвардигор Чайтаньянинг бу гапларини тинглаб хайратга тушди. Парвардигор Чайтанья оғзидан *майавади* файласуфларининг фалсафасини тинглаб туриб, унинг тили калимага келмай қолди. Унинг жавобини кутиб турмасдан Парвардигор Чайтанья шундай деди: "Азизим Бхаттачарья, сен Менинг бу гапларимдан ташвишга тушма. Менга ишон, **Худога садоқат билан хизмат қилиш - ҳақиқатни англаб етишнинг инсон эриша олиши мумкин бўлган энг юксак поғонасидир. Ҳақиқатан ҳам, у шунчалик ажойибки, ҳатто руҳий озодликка эришган зотлар ҳам Худонинг Олий Шахсининг англаб бўлмас қудрати шарофати билан Худонинг содиқларига айланадилар**". Ведавий муқаддас китобларда одамлардаги ишончининг ана шундай ўзгаришларига жуда кўп мисоллар келтирилган. Масалан, "Шримад Бҳагаватам"даги машҳур *атмарама* шлоки(1.7.10) атайлаб барча моддий боғланишлардан озодликка чиққан ва руҳий ўзлигини англаш жал этган кишиларга мўлжалланган. Парвардигорнинг турли кароматлари ана шундай озод имперсоналист жонларни Худога садоқат билан хизмат қилишга жалб этади. Худонинг Олий Шахсининг илохий сифатлари ана шундай.

Аслини олганда тирик мавжудот ўзининг пок онгида у - Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини тушунади. Лекин, алданиш домига тушиб қолгандан кейин у ўзини кўпол ва нафис таналарга қиёслайди; ҳаёт ҳақида ана шундай тасаввурга эга бўлиш кўчиб юришлар таълимотининг асосини ташкил этади. Аслида Парвардигорнинг таркибий зарраси кўпол ва нафис таналарда яшашга мангу маҳкум этилмаган. Кўпол ва нафис таналар тирик мавжудотнинг мангу қиёфаси эмас; улар ўзгариб турадилар. Бошқача қилиб айтганда, азалий бошланғич ҳолатида соф руҳ бўлган тирик мавжудот кўпол ва нафис таналар билан шартланиб қолиши мумкин, ўзини ана шу кўпол ва нафис шартланганликдан озодликка чиқариб, у яна ўзининг соф руҳий ҳолатига қайтади. *Майавади* файласуфлар тирик мавжудот ўзини Парвардигорнинг таркибий қисми деб ҳисоблаш билан сохта тасаввур остида яшайдилар, деб, кўчиб юришларнинг бу таълимотидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланадилар. Улар айтадиларки, тирик мавжудот - Парвардигорнинг Ўзи. Лекин, бундай таълимотни тўғри деб тан олиш мумкин эмас.

Кейин Сарвабхаума Бхаттачарья Парвардигор Чайтаньядан унга "Шримад Бхагаватам"нинг машхур *атмарама* шлокини тушунтириб беришни илтимос қилди, чунки у буни бевосита Парвардигорнинг Ўзидан тинглашни истаган эди. Парвардигор Чайтанья айтдики, аввал Сарвабхаума Бхаттачарьянинг ўзи уни ўзининг мантиқ ва грамматика қоидалари асосида қандай тушинишини гапириб бериши лозим. Шунинг учун у *атмарама* шлокнинг мазмунини тўққиз усул билан тушунтириб берди. Унинг бу шлокани тушунтиришга кўрсатган билимдонлиги ва зийраклигини муносиб баҳолаб, Парвардигор Чайтанья шундай деди: "Азизим Бхаттачарья, Мен биламанки сен билимдон олим Брихаспатининг вакилисан, шу боис сен шастрларнинг ҳар қандай бўлимини жуда яхши тушутириб бера оласан. Лекин, сенинг бу талқинларинг маълум даражада фақат дунёвий илмга асосланган. Лекин бу шлоканинг бундай изоҳдан бошқа бошқа талқинлари ҳам бор".

Кейин Сарвабхаума Бхаттачарьянинг илтимоси билан Парвардигор Чайтанья *атмарама* шлоканини тушунтириб берди. Шлоканинг сўзларини Парвардигор Чайтанья куйидагича тартибда бўлиб чиқди: 1)атмарама, 2)ча, 3)мунайаҳ, 4)ниргрантхаҳ, 5)апи, 6)урукраме, 7)курванти, 8)ахаитуким, 9)бхактим, 10)иттамбхуга-гунаҳ, 11)харих. Бу шеър Парвардигор Чайтаньянинг Санатана Госвамига берган насихатларида тушунтирилган эди. Парвардигор Чайтанья Сарвабхаума Бхаттачарьянинг берган тўққиз изоҳини эсласдан, ана шу ўн бир иборани таҳлил қилиб шеърнинг мазмунини тушунтириб берди. Шундай қилиб, У бу шеърнинг 61 турли мазмунини очиб берди. Унинг айтган гапларининг моҳияти куйидагича эди: Худонинг Олий Шаҳси сон-саноксиз қувватларга тўла; Унинг қанча илоҳий сифатларга эга эканини ҳеч ким тасаввур қила олмайди; Унинг сифатларини англаб бўлмайди, руҳий юксалишнинг барча йўлларида Худонинг Олий Шаҳсининг қувватлари ва сифатлари ўрганилади. Лекин Худонинг содиқлари руҳий юксалишнинг аввал бошиданок Парвардигорни тўла англаш мумкин эмаслигини тан оладилар. Парвардигор Чайтанья тушунтирдки, Парвардигорнинг илоҳий сифатла-

ри ҳатто Кумарлар ва Шукадева Госвами сингари озодликка эришган буюк зотларни ҳам ўзига жалб этган. Сарвабхаума Бхаттачарья Парвардигор Чайтаньянинг изоҳларини муносиб баҳолади ва Парвардигор Чайтанья - Парвардигор Кришнанинг Ўзидан бошқа ҳеч ким эмас, деган хулосага келди. Шундан кейин у аввалига Парвардигор Чайтаньяни оддий инсон деб қабул қилгани ва бунинг оқибатида Уни ҳақорат қилиб қўйгани учун қаттиқ афсуслана бошлади. У Парвардигор Чайтаньянинг оёқларига бош қўйиб илтижо қилиб, ундан Ўзининг бесабаб марҳаматини аямасликни тилади. Бу буюк олимнинг шундай камтарлигини кўрган Парвардигор Чайтанья жуда мамнун бўлди, шунинг учун У унга Ўзининг илоҳий қиёфаларини намоён этди - аввал тўрт қўлли қиёфасини, кейин олти қўлли(*шадбхуджа*) қиёфасини.

Сарвабхаума Бхаттачарья такрор ва такрор Парвардигор Чайтаньянинг нилуфар қадамлари пойига йиқилди ва Унга ҳар хил илтижолар билан мурожаат қилди. Албатта, у буюк билимдон олим эди, Парвардигор Чайтаньянинг бесабаб марҳаматига эришиб у Парвардигорнинг илоҳий кароматларини ҳар тарафлама таърифлаб бериш ваколатини олган эди. Ҳақиқатан ҳам у Ҳаре Кришна мантрасини шарафлаб қуйлаш усулини таърифлаб беришга қодир бўлган инсон эди: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Айтишларига қараганда Сарвабхаума Бхаттачарья Парвардигорнинг кароматларини олқишлайдиган юз шлок шеър ёзган, улар шу қадар ажойиб эдики, ҳатто жаннатда яшайдиган буюк донишманд ва олим Брихаспати ҳам ундан яхшироқ шеър ёза олмасди. Парвардигор ана шу юз шеърни мамнуният билан тинглаган ва Сарвабхаума Бхаттачарьяни кучоқлаб бағрига босган. Парвардигорнинг танаси теккан заҳоти Сарвабхаума Бхаттачарья чуқур илоҳий жазавали лаззатга ғарқ бўлиб ҳушидан кетиб қолган, йиғлаб, бутун танаси титраб, тер босиб кетган, рақсга тушиб Парвардигорнинг оёқларига йиқилиб қуйлай бошлаган. Сарвабхаума Бхаттачарьянинг куёви Гопинатха Ачарья ва шу ерда иштирок этаётган бошқа содиқлар Сарвабхаума Бхаттачарьянинг қандай қилиб Худонинг буюк содиқ хизматкорига айланганини кўриб ҳайратга тушганлар.

Кейин Гопинатха Ачарья Парвардигорга миннатдорчилик билдира бошлаган: "Фақат Сенинг бесабаб марҳаматинг билан қалби тошдай қаттиқ бўлган Сарвабхаума Бхаттачарья ана шундай буюк содиққа айланди". Бунга жавобан Парвардигор Чайтанья айтдики, фақат **Худонинг содиқ хизматкорининг марҳамати билан ҳар қандай тошбағир инсон ҳам Худонинг қалби худди атиргулдай юмшоқ содиқ хизматкорига айлана олади.** Аслида Гопинатха Ачарья унинг қайноғаси Сарвабхаума Бхаттачарья Худонинг содиқ хизматкори бўлишини чин юракдан самимий истаган эди. У Парвардигор унга Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатишини самимий истаган эди, Парвардигор Чайтанья ўзининг бу истагини амалга оширганини кўриб у жуда хурсанд бўлди. Бошқача қилиб айтганда, Худонинг содиқ хизматкорлари Парвардигорнинг Ўзидан ҳам марҳаматлироқ. Худонинг содиқ хизматкори кимгадир ўз марҳаматини кўрсатишни истаса, Парвардигор дарров бу ишни ўз қўлига олади, шунда Унинг

марҳамати билан ҳар қандай инсон ҳам Худонинг содиқ хизматкорига айланади.

Парвардигор Чайтанья Сарвабхаума Бхаттачарьяни овутиди, ва ундан уйига боришни илтимос қилди. Лекин Бхаттачарья яна Парвардигорни олқишлашга киришди: "Бу моддий оламдаги барча шартланган рухларни озодликка чиқариш учун Сен Ўзинг ташриф буюргансан. Бу албатта Сен учун қийин иш эмас, лекин Сен мендай бағри тошдай қаттиқ инсонни содиқ хизматкорингга айлантирдинг, албатта мана шуни ҳақиқий мўъжиза деса бўлади. Гарчи мен Ведаларни мантиқ ва грамматика асосида ҳар хил талқин қилиб тушунтиришга жуда мохир бўлсам ҳам, қалбим худди метиндай қаттиқ эди. Лекин, қудратинг ва ҳароратинг шунчалик буюк эдики, Сен ана шу метинни ҳам эритиб юбординг".

Кейин Парвардигор Чайтанья уйига кетди, Сарвабхаума Бхаттачарья эса, Джаганнатха эхромидан Гопинатха Ачарья орқали Унга кўплаб прасад бериб юборди. Эртасига Парвардигор Чайтанья эрта тонгда *мангала арати* маросимида иштирок этиш учун Джаганнатха эхромига борди. Эҳром хизматчилари Унга Илоҳлардан олинган гулчамбар олиб келдилар, ҳар хил прасадлардан таклиф қилдилар. Парвардигор Чайтанья улардан мамнун бўлиб, гул ва прасадларни олди, кейин уларни Сарвабхаума Бхаттачарьяга инъом этиш учун унинг уйига йўл олди. Гарчи ҳали жуда эрта тонг бўлса ҳам, келиб эшигини таққиллатиб турган Парвардигор Чайтанья эканини Сарвабхаума Бхаттачарья дарров сезди. У шу заҳотиёқ ўрнидан сакраб туриб: "Кришна! Кришна!" деб қичқирди. Эшик олдида турган Парвардигор Чайтанья унинг бу гапларини эшитган эди. Сарвабхаума Бхаттачарья эшикни очиб, шу ерда турган Парвардигор Чайтаньяни кўрди. У шундай эрта тонгда Парвардигор Чайтаньяни кўришдан шунчалик хурсанд эдики, Уни муносиб ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олишга ҳаракат қилди. У Парвардигорга муносиб жой кўрсатди, иккиси ҳам ўрнашиб ўтириб олдилар. Парвардигор Чайтанья Сарвабхаума Бхаттачарьяга Джаганнатха эхромидан олиб келган прасадни таклиф қилди, Сарвабхаума Бхаттачарья бевосита Парвардигорнинг Ўз қўлидан прасад олганидан жуда хурсанд эди. У ҳатто ювинмасдан ва ўзининг эрталабки диний вазифаларини ҳам бажармасдан туриб, шу ернинг ўзидаёқ дарров прасадни ейишга тушди. Мана шунинг ўзи уни барча моддий иллатлардан ва турли боғланишлардан халос қилди. Прасадни еб бошлар экан у "Падма пурана"дан бир шеърни келтирди. Унда айтилганки, **агар инсонга кимдир прасад таклиф қилса, у шу заҳотиёқ уни еб олиши лозим** - ҳатто прасад куриб, эскириб қолган бўлса ҳам, ҳатто у узокдан келган бўлса ҳам, ҳатто инсон ҳали ўзининг кундалик вазифаларини бажариб улгурмаган бўлса ҳам. Гарчи шастраларда прасадни шу заҳотиёқ еб олиш лозимлиги кўрсатилган бўлса ҳам, прасад қабул қилиш учун ҳеч қандай чеклаш ва вақт кўрсатилмаган; Худонинг Олий Шахсининг амри бажарилиши лозим. Қандай одамлар қўлидан овқатланиш мумкинлиги борасида маълум чеклашлар бор, лекин прасадни ҳар кимнинг қўлидан олиб ейиш мумкин, бунга ҳеч қандай чеклаш йўқ. Прасад ҳамиша илоҳий табиатга эга, уни ҳар қандай вазиятда ҳам истеъмол қилиш мумкин. Парвардигор Чайтанья ҳамиша барча диний қонун-

қоидаларга қатъий амал қилиб юрган Сарвабхаума Бхаттачарья ҳеч қандай қонун-қоидаларга эътибор бермасдан прасадни қабул қилишга киришганини кўриб жуда мамнун бўлди. Парвардигор Чайтанья ундан шунчалик мамнун бўлдики, уни қучоқлаб бағрига босди, улар иккиси ҳам илоҳий жазавага ғарқ бўлиб рақсга туша бошладилар. Ана шундай жазавали лаззат оғушида Парвардигор Чайтанья шундай деди: "Менинг Джаганнатха Пуридаги режаларим амалга ошди! Мен Сарвабхаума Бхаттачарьядай инсонни имонга келтирдим. Энди албатта Ваикунтхага эриша олишимга ишончим комил".

**Содиқ хизматкорнинг** бу дунёда миссионерлик билан шуғулланишдан **мақсади - биргина кишини бўлса ҳам Худонинг содиқ хизматкорга айлантиришдан** иборат. Шунда унинг руҳий оламга кириши кафолатланган бўлади. Парвардигор Чайтанья Сарвабхаума Бхаттачарьядан шунчалик миннатдор эдики, уни такрор ва такрор дуои фотиҳа қила бошлади: "Азизим Бхаттачарья, энди сен Парвардигор Кришнанинг содиқ хизматкори бўлдинг. Бугундан бошлаб сен бу моддий оламнинг барча иллатларидан пок ва моддий қувватнинг барча кишанларидан озодсан. Энди сен ўзининг ҳақиқий уйингга, Худонинг даргоҳига кетишга тайёрсан".

Кейин Парвардигор Чайтанья "Шримад Бхагаватам"дан бир шеър келтирди(2.7.42): **"Чексиз деб аталадиган Парвардигор Унинг нилуфар қадамлари пойи паноҳига кирган ҳар бир инсонга меҳрибонлик билан ғамхўрлик қилади. Ана шундай инсонга ғофиллик уммонини кечиб ўтиш имкони берилади. Лекин ўзини мана шу ўткинчи тана деб юрган кишига Парвардигор ҳеч қачон Ўз марҳаматини кўрсатмайди"**.

Шундан кейин Парвардигор Чайтанья Ўзининг уйига қайтди, Сарвабхаума Бхаттачарья эса, Парвардигорнинг бенуқсон асл содигига айланди. Аввал у буюк назариётчи олим бўлгани учун унинг Худонинг содиқ хизматкори бўлиши фақат Парвардигор Чайтаньянинг бесабаб марҳамати шарофати билан амалга ошган эди. Шундан кейин Сарвабхаума Бхаттачарья ҳеч қачон ведавий муқаддас китобларни аввал Худога садоқат билан хизмат қилиш лозимлигини тушунтирмасдан талқин қилмади. Сарвабхаума Бхаттачарьянинг куёви, Гопинатха Ачарья Бхаттачарьянинг бундай ҳолатга тушганидан шунчалик хурсанд эдики, жазавага тушиб Худонинг муқаддас номларини зикр қила бошлади: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Эртаси куни Сарвабхаума Бхаттачарья эрталаб Джаганнатха эхромига кириб чикқандан кейин Парвардигор Чайтаньяни кўриш учун борди. У Парвардигор олдида узала тушиб сажда қилди, кейин Унга ўзининг аввалги бемаъни фаолияти ҳақида гапира бошлади. У Парвардигордан Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида гапириб беришни илтимос қилганида Парвардигор унга Брихан-нарадия Пуранадан *харер нама, харер нама* деб бошланадиган бир шеърни батафсил тушунтириб берди. Унинг гапларини тинглаб туриб, Сарвабхаума Бхаттачарья тобора чуқурроқ илоҳий жазавали лаззат оғушига ғарқ бўла бошлади. Қайноғасининг бундай ҳолатини кузатиб турган Гопинатха Ачарья шундай деди: "Азизим Бхаттачарья, аввал мен сенга

айтгандимки, агар Парвардигор кимгадир Ўз марҳаматини кўрсатса, у Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини тушуниб олади. Бугун мен бу иш амалда қандай бўлишини ўз кўзим билан кўриб турибман".

Сарвабхаума Бхаттачарья унга муносиб эхтиром кўрсатиб шундай деди: "Азизим Гопинатха Ачарья, мен фақат сенинг марҳаматинг билан Парвардигорнинг ана шундай буюк марҳаматига эришдим". Фақат Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорининг марҳамати билан инсон Худонинг Олий Шахсининг марҳаматига эриша олади. Сарвабхаума Бхаттачарья фақат Гопинатха Ачарьянинг интилишлари марҳамати билан Парвардигор Чайтаньянинг марҳаматига эришган эди. "Сен Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкорисан, - давом этди Сарвабхаума Бхаттачарья, - мен эса ўзимнинг дунёвий билимдонлигимдан мағрурланиб юрган дунёвий одам эдим. Ҳа, фақат сенинг марҳаматинг билан мен Худонинг марҳаматига эришдим!" Сарвабхаума Бхаттачарьянинг инсон фақат содиқ хизматкорнинг марҳамати билан Худонинг марҳаматига эриша олади, деб айтган гаплари Чайтанья Махапрабхуни жуда мамнун қилди. Парвардигор унинг бу гапларини муносиб баҳолаганини тасдиқлаб уни қучоқлаб бағрига босди.

Кейин Парвардигор Сарвабхаума Бхаттачарьядан яна Джаганнатха эхромига боришни илтимос қилди ва у Парвардигорнинг энг яқин ҳамроҳлари бўлган Джагадананда ва Дамодаралар билан биргаликда эхромга йўл олди. Джаганнатха эхромидан кейин Сарвабхаума Бхаттачарья эхромдан кўплаб прасад сотиб олиб уйига кетди. У хизматкори орқали бу прасаднинг ҳаммасини Парвардигор Чайтаньяга юборди.

Бундан ташқари у пальма дарахти япроғига икки шеър битиб, Джагаданандадан уларни Парвардигор Чайтаньяга бериб қўйишни илтимос қилди. Шундай қилиб, у Парвардигор Чайтаньяга *прасад* ва *пальма* япроғига ёзилган икки шеър таклиф этди. Лекин, улар билан бирга бўлган Мукунда Датта бу шеърларни Парвардигор Чайтаньяга беришдан олдин ўзининг дафтарига кўчирб олди. Парвардигор Чайтанья пальма дарахти япроғига ёзилган шеърларни ўқиб кўргандан кейин япроқларни майда-майда бўлақларга бўлиб ташлади, чунки У ҳеч ким Ўзини бунчалик мақтовларга кўмиб ташлашини истамасди. Фақат Мукунда Датта кўчириб олиб қолгани сабабли бу шеърлар бизгача етиб келган. Бу шеърларда Парвардигор, Худонинг Олий Шахси одамларга бу дунёга боғланмаслик, илоҳий илм ва Худога садоқат билан хизмат қилишни тағибот қилиш учун бу дунёга Парвардигор Чайтанья бўлиб келгани айтилган эди. Уларда Парвардигор Чайтанья Худонинг азалий Олий Шахси сифатида олқишланади ва марҳамат уммонига қиёсланади. "Мен ўзимни Парвардигор Чайтаньяга топшираман - дейилган уларда - Парвардигор, бу дунёда Худога садоқат билан хизмат қилиш йўқолиб кетганини кўриб, одамлар орасида Худога садоқат билан хизмат қилишни тарғибот қилиш учун Ўзи Чайтанья Махапрабху қиёфасида келган. Унинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топиб Ундан Худога садоқат билан хизмат қилиш нима эканини ўрганайлик". Шогирдлар силсиласида турган Худонинг содиқлари бу шеърларни энг бебаҳо марваридлар деб биладилар, ана шу икки шеър шарофати билан Сарвабхаума Бхаттачарья Парвардигорнинг энг улўғвор содиқ хизматкори сифатида машхур бўлди.

Шундай қилиб, Сарвабхаума Бхаттачарья Парвардигорнинг энг асосий содиқ хизматкорларидан бирига айланди; энди уни Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа ҳеч нарса қизиқтирмасди. У хамиша Парвардигор Чайтанья ҳақида ўйлаб юрарди, Худога мувоқабат қилиш ва Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш унинг ҳаётдаги асосий мақсади бўлиб қолган эди.

Бир куни Сарвабхаума Бхаттачарья Парвардигор олдига келиб Унга эхтиром билан сажда қилди ва "Шримад Бхагаватам"дан бир шеър ўқиди(10.14.8): **"Ҳатто бутун ҳаёти мусибатларга тўла бўлса ҳам, аввал бошқаларга шунча зулм қилиб юрган бўлса ҳам, ўзининг бутун ақлини, танасини ва нутқини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган ҳар қандай кишининг озодликка (Худога садоқат билан хизмат қилишга) эришиши кафолатланади"**. Сарвабхаума Бхаттачарья бу шеърдаги *мукти*, яъни "озодликка чиқиш" иборасини *бхакти*, яъни "Худога садоқат билан хизмат қилиш" сўзи билан алмаштирди. "Нимага сен бу шеърнинг мазмунини ўзгартиридинг, - деди Парвардигор, - у жойда *бхакти* эмас, *мукти* ибораси турган эди. Сен уни *бхакти* ибораси билан алмаштиридинг". Унга жавобан Сарвабхаума Бхаттачарья айтдики, *мукти* ибораси *бхакти* ибораси сингари кадрли эмас, асл содиқ хизматкор учун *мукти* бир жазо бўлиб кўринади. Шунинг учун у *мукти* иборасини *бхакти* сўзи билан алмаштирди. Кейин Сарвабхаума Бхаттачарья *бхакти* иборасини ўзи қандай тушунишини гапириб берди: "Парвардигорнинг Шахсини ва Унинг илоҳий қиёфасини тан олмайдиган киши Мутлак Ҳақиқатни англаб етишга қодир эмас" - деди у.

Парвардигор Кришнанинг танасининг илоҳий табиатини тушунмайдиган киши Кришнанинг душманига айланади, ўзини Унга қарши тутуди, ҳатто У билан кураша бошлади. Кришнанинг ана шундай душманлари охир-оқибатда Брахманнинг нурига қўшилиб кетадилар. Худонинг содиқлари ҳеч қачон ана шундай муктига, яъни шахсиятсиз Брахманда озодликка чиқишга интилмайдилар. Озодликка чиқишнинг беш тури мавжуд: 1) Парвардигор яшайдиган сайёраларга эришиш; 2) Парвардигор билан мулоқот қилиш; 3) Парвардигорниқига ўхшаган илоҳий танага эга бўлиш; 4) Парвардигор эга бўлган бойликларга эга бўлиш; 5) Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетиш. Худонинг содиқлари озодликка чиқишнинг мана шу беш турининг бирортасига эришишга алоҳида интилиш билан уринмайдилар. Улар Худога садоқат билан хизмат қилиб юрганидан тўла мамнуният ҳосил қиладилар. Худонинг содиқ хизматкори, айниқса, ўзининг алоҳида мавжудлигин йўқотиб, Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетишни ёқтирмайди. Бунинг устига содиқ хизматкор Парвардигор билан бир бўлишни ҳатто дўзахга тушишдан ҳам баттар деб билади. Лекин, содиқ хамиша Парвардигорга хизмат қилиб юриш учун озодликка чиқишнинг қолган тўрт турини қабул қилиши мумкин. Илоҳий борликка қўшилиб кетиш имкониятининг икки тури - шахсиятсиз Брахманнинг нурига қўшилиш ва Худо Шахси билан бир бўлиб кетиш ичиде содиқ хизматкор учун иккинчиси жирканчлироқ. Содиқ хизматкор Худога садоқат билан илоҳий хизмат қилишдан бошқа нарсага интилмайди.

Сарвабхаума Бхаттачарьянинг гапларини тинглаб туриб Парвардигор Чайтанья унга айтдики, *мукти* иборасининг бошқача мазмуни ҳам бор. *Мукти-паде* ибораси бевосита Худонинг Олий Шахсини билдиради. Худо Шахсига илохий хизмат қилиб юрган сонсаноксиз озод рухлар бор, Унинг Ўзи эса, озодликнинг охирги панохидир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Кришна - энг охирги нажот макони.

"Ҳатто шундай бўлса ҳам - деди Сарвабхаума Бхаттачарья - мен муктидан кўра *бхакти* сўзини кўпроқ баҳолаган бўлардим. Гарчи Сен икки турли маънога эга бўлган *мукти* иборасининг яна бир маъноси борлигини айтаётган бўлсанг ҳам, мен барибир *мукти* ўрнида *бхакти* иборасини ишлатаман, чунки инсон *мукти* иборасини эшитган заҳоти Парвардигорга кўшилиб кетиш ҳақида ўйлай бошлайди. Шунинг учун мен ҳатто *мукти* иборасини тилга олишни ҳам истамайман. Лекин *бхакти* иборасини ҳамиша айтиб юришга тайёрман".

Авваллари *майавади* фалсафасини тушунтиришдан мамнуният ҳосил қилиб юрган Сарвабхаума Бхаттачарья энди ана шундай мустаҳкам содиқ бўлиб етишган эдики, ҳатто *мукти* иборасини ҳазар қилмасдан тилига ололмасди. Фақат Парвардигор Чайтаньянинг марҳамати билан ана шундай мўъжиза рўй бериши мумкин. Парвардигор фалсафа тошига ўхшайди, чунки У Ўз марҳамати билан темирни олтинга айлантира олади. Сарвабхаума Бхаттачарья содиқ хизматкор бўлгандан кейин унинг қалбида жуда катта ўзгаришлар бўлиб ўтганини ҳамма сеза бошлади ва бунга сабаб Парвардигор Чайтаньянинг англаб бўлмас қудрати эканини айтдилар. Шунинг учун ҳамма Парвардигор Чайтанья аслида Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи эканига шубҳа қилмадилар.

## 27-боб.

### Парвардигор Чайтанья ва Рамананда Рай

"Чайтанья Чаритамрита"нинг муаллифи Парвардигор Чайтаньяни илохий илм уммони деб, Шри Рамананда Райни эса - ана шу океан юзага келтирган булут деб таърифлайди. Рамананда Рай Худога садоқат билан хизмат қилиш илмининг юксак чўққисини эгаллаган кишилардан бири эди. Худди булут океан сувини ўзига тортиб олгани сингари, Парвардигор Чайтаньянинг марҳамати билан у барча илохий хулосаларни англаб етган зот эди. Худди булут уммондан пайдо бўлиб, бутун оламга сув қуйиб, яна уммонга қайтгани сингари, Рамананда Рай ҳам Парвардигор Чайтаньянинг марҳамати билан Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида улугвор илмга эга бўлган, ўзининг хизматлари-

ни бажариб бўлгандан кейин Джаганнатха Пурида яна Парвардигор билан учрашишга қарор қилган эди.

Парвардигор Чайтанья Ҳиндистоннинг жанубий қисмига келганида, У биринчи навбатда катта **Джийара-нрисимха-кшетра** эҳромга борди. Бу эҳром **Вишакха-паттана** деган темир йўл бекатидан беш чакирим узоқдаги Симхачала деган жойда жойлашган. Эҳром тепаликда жойлашган. Бу ерда бошқа эҳромлар ҳам кўп, лекин **Джийара-нрисимха-кшетра** улар орасида энг катта эҳром ҳисобланади. Ажойиб архитектура ва безаклари билан у кўплаб одамларни ўзига жалб қилади, шунинг учун бу эҳром жуда бой. Эҳромда битилган ёзувда ёзилганки, Виджайанagara деган шох бир пайтлар эҳромни олтин билан бегаган, ҳатто Илохнинг танасини ҳам олтин билан қоплаган. Эҳромга келганлар учун бепул меҳмонхона ҳам бор. Эҳромда Рамануджачарья мактабига мансуб содиқлар Худога садоқат билан хизмат қилдилар.

Парвардигор Чайтанья эҳромга келгандан кейин Илохни "Шримад Бхагаватам"га Шридхара Свамининг ёзган изоҳ шеърини ўқиб олқишлади: "Гарчи Парвардигор Нрисимха иблис ва имонсизларга жуда каттиққўл бешафқат бўлса ҳам, У Ўзининг Прахлад Махараж сингари итоаткор содиқларига меҳрибон ғамхўр". Парвардигор Нрисимха Худонинг содиқ хизматкори бўлган Прахлад Махаражга иблис отаси Хираньякашипу тинчлик бермаган пайтда Кришнанинг инкарнацияси сифатида ярим-одам, ярим арслон қиёфасида пайдо бўлди. Худди бошқа хайвонлар учун шафқатсиз, лекин ўзининг болаларига меҳрибон бўлган арслон сингари, Парвардигор Нрисимха Хираньякашипуни шафқатсиз жазолади, лекин, Ўзининг содиқ хизматкори Прахлад Махаражга жуда мулойимлик билан ғамхўрлик қилди.

Джийара-нрисимха эҳромини зиёрат қилгандан кейин Парвардигор Чайтанья Ҳиндистоннинг жанубига қараб йўлини давом эттирди ва Годавари дарёсига етиб борди. Ана шу дарё соҳилида туриб, Парвардигор Вриндавандаги Ямуна дарёсини эслади, дарё соҳилидаги дарахтларни Вриндаван ўрмонларига ўхшатди. Бунда У илохий жазавага тушиб кетди. Годавари дарёсида чўмилиб, У қирғоқдан сал узоқроқ жойда ўтириб мантра зикр қила бошлади: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Мантра зикр қилиб ўтирар экан, У ўзининг кўплаб брахманлардан иборат яқин ҳамроҳлари билан бирга дарё соҳилига келган шу вилоят ҳокими Шри Рамананда Райни учратиб қолди. Аввал Сарвабхаума Бхаттачарья Парвардигор Чайтаньядан Кабурга борганида Худонинг буюк содиғи бўлган Рамананда Рай билан учрашишни илтимос қилган эди. Парвардигор ҳозир дарё соҳилига келаётган киши ана шу Рамананда Рай эканини сезган ва шу заҳотиёқ унинг олдида боргиси келганди. Лекин, Парвардигор *саннийаси* либосида бўлгани учун обрўли ҳукумат арбоби олдида боришдан Ўзини тийди. Рамананда Рай Худонинг буюк содиғи бўлгани учун саннийасига ўхшаб ўтирган Парвардигор Чайтаньянинг кўриниши уни ўзига жалб этди, шунинг учун унинг ўзи Парвардигор Чайтаньянинг олдига келди. Чайтанья Маҳапрабҳунинг олдига келиб, Рамананда Рай Унинг олдида узала тушиб эҳтиром билан сажда қилди, Парвардигор Чайтанья Ҳаре Кришна мантраси билан уни қарши олди: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна,



Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Рамананда Рай ўзини таништиргандан кейин Парвардигор Чайтанья уни кучоклаб бағрига босди, уларнинг иккиси ҳам илохий жазавага тушдилар. Рамананда Рай билан бирга юрган брахманлар ҳам илохий лаззатга фарқ бўлиб бу ҳодисага хайрон бўлиб қараб турардилар. Улар барча ведавий қонун-қоидаларга қатъий риоя қиладиган кишилар бўлиб, бхактининг бундай намоён бўлишини тушуна олмасдилар. Улар буюк *саннийаси* нимага шудрани кучоклаб бағрига босганини тушуна олмасдилар. Улар буюк ҳукмдор, шу вилоятнинг шоҳи бўлган Рамананда Рай ҳам нима сабабдан шунчаки бир саннийасини кучоклагани таъсирдан илохий лаззатга тушиб йиғлаётганидан ҳам хайратга тушган эдилар. Парвардигор Чайтанья брахманларнинг кўнглидан ўтаётган бу тушунмовчиликларни дарров англади ва бу қалтис вазиятда Ўзининг ҳис-туйғуларини дарров жилблаб олди.

Кейин Рамананда Рай билан Парвардигор Чайтанья ёнма-ён ўтирдилар. "Сарвабхаума Бхаттачарья сен ҳақингда жуда яхши гапларни гапирган эди, - деди Парвардигор Чайтанья унга, - шу боис Мен сен билан учрашгани келдим".

"Сарвабхаума Бхаттачарья мени ўзининг содиқларидан бири деб билади - жавоб берди Рамананда Рай - шунинг учун у Сенга мен билан учрашишни илтимос қилган".

Рамананда Рай шундай бадавлат кишидан ҳазар қилмай бағрига босгани учун Парвардигор Чайтаньяга ўз миннатдорлигини билдирди. Шоҳ, ҳоким ёки ҳар қандай сиёсатчи ҳамиша сиёсат ва пул топиш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга фарқ бўлиб юрадилар; шунинг учун *саннийаси* ундай одамлар билан учрашишдан қочиб юради. Лекин Парвардигор Чайтанья Рамананда Райнинг Худонинг буюк содиғи эканини яхши биларди, шунинг учун У ҳеч иккиланмасдан уни кучоклаб бағрига босди. Парвардигор Чайтаньянинг бу ишидан хайратга тушган Рамананда Рай "Шримад Бхагаватам"(10.8.4)дан бир шеърни келтирди: **"Буюк шахслар ва донишмандлар дунёвий одамларнинг уйига фақат уларга ўз марҳаматини кўрсатиш учун келадилар"**.

Парвардигор Чайтаньянинг Рамананда Райга ана шундай алоҳида марҳамат кўрсатиши шундан далолат берадики, гарчи у *брахман* оиласида туғилган бўлмаса ҳам, у руҳий илм эгаллашда ва руҳий фаолиятда юксак чўққиларга кўтарилган киши эди. Шунинг учун у шунчаки *брахман* оиласида туғилган одамларга қараганда анча катта ҳурмат-эҳтиромга лойиқ инсон эди. Гарчи у камтарлигидан ўзини шудралар оиласидан чиққан паства одам деб ҳисобласа ҳам, Парвардигор Чайтанья уни Худога садоқат билан хизмат қилишнинг юксак поғонасида турган буюк содиқ деб қабул қилди. Худонинг содиқлари ҳеч қачон ўзларини буюк инсонлар деб ҳисобламайдилар, лекин Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорларининг шон-шухрати ҳаммага машҳур бўлишини жуда истайди. Годавари соҳилида эрталаб биринчи марта учрашгандан кейин Рамананда Рай кечкурун Унинг олдида келишга ваъда бериб, Парвардигор билан хайрлашди.

Кечкурун Парвардигор Чайтанья кундалик вазифаларини бажариб бўлгандан кейин аввалги жойига бориб ўтирганида Унинг олдида ўзининг хизматкори

билан Рамананда Рай келди. У Парвардигор Чайтанья олдида эҳтиром билан бош эгиб, қаршисига ўтирди. Рамананда Рай Парвардигорга руҳий юксалиш борасида савол беришга улгурмасдан Чайтанья Маҳапрабхунинг Ўзи унга мурожаат қилди: "Муқаддас китоблардан инсон ҳаётининг якуний мақсади ҳақида айтилган бир неча мисоллар келтир-чи!"

Шри Рамананда Рай шу заҳотиёқ жавоб берди: "Ўзининг муқаддас китобларда кўрсатилган бурчини ҳалол бажариб юрган киши қалбида аста-секин Кришна онгини ривожлантиради". Кейин у Вишну Пурана(3.8.9)дан мисол келтирди, унда айтилганки, одамлар Парвардигорга ўз бурчини ҳалол бажариш билан хизмат қиладилар, Уни бошқа йўл билан мамнун қилишнинг иложи йўқ. Бунинг мазмуни шундан иборатки, **инсон ҳаёти унинг Парвардигор билан ўзаро муносабатини англаб етиши учун мўлжалланган**, шу тарзда фаолият кўрсатиб, ҳар қандай инсон ҳам ўз бурчини ҳалол бажариб Худога садоқат билан хизмат қилишда ўз ўрнини топа олади. Ана шу мақсадда инсонлар жамияти тўрт табақага бўлинган: зиёли одамлар - брахманлар, жамиятни бошқарадиган кишилар - кшатрийлар, савдогарлар - вайшьялар, ишчилар - шудралар. Ҳар бир табақага мансуб одамларнинг ўз қоидалари ва таъқиқлари, бажарадиган вазифалари бор. Бу тўрт табақанинг ҳар бирининг бурч ва вазифалари "Бхагавад-гита"да ёзилган(18.41-44). Маданиятли ва илмий ташкил этилган инсонлар жамиятидаги ҳар бир инсон ана шу табақаларга мўлжалланган қонун-қоидаларга амал қилиб яшаш лозим. Айни пайтда руҳий юксалиш учун ҳам инсон тўрт ашрамга хос бўлган қоидаларга риоя қилиб юриши лозим: шогирдлик даври(*брахмачарья*), оилавий ҳаёт(*грехастха*), оила ишларидан четлашиш(*ванапрастха*), таркидунёлик(*саннийаси*).

Рамананда Рай айтдики, ана шу саккиз ижтимоий гуруҳнинг барча қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиб юрган киши ҳақиқатан ҳам Худони мамнун қила олади, лекин уларга амал қилмай юрган киши нодир инсон танасидаги умрини бекорга ҳазон қилиб, дўзахга равона бўлади. Инсон шунчаки муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаш билан инсон ҳаётининг олий мақсадига эриша олади. Ижтимоий келиб чиқишига мос келадиган қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаш, атрофидаги одамлар ва таълим-тарбия ҳар бир одамнинг хулқ-атворини, характерини шакллантиради. Жамиятни табақаларга бўлиш тизими шундай тузилганки, ҳар хил характердаги турли одамлар маълум бир қоидалар билан чеклаб рамкага солиб кўйилади, бу жамиятни тинч йўл билан бошқариш ва ундаги ҳар бир одамнинг руҳий юксалиш имкониятини беради. Ана шундай жамиятнинг синфларини шундай таърифлаш мумкин: 1) брахманлар - **яшашдан мақсад Парвардигорни, Худо Шахсини таниш**, деб билган ҳолда Ведаларни ўрганиш билан шуғулланиб юрган кишилар; 2) куч ишлатиш ва жамиятни бошқаришда иштирок этишга интиладиган кишилар - кшатрийлар; 3) деҳқончилик қилишга, сигирларга ғамхўрлик қилишга ва бирор ҳунар билан шуғулланишга мойил кишилар - вайшьялар; 4) махсус таълим олмаган, лекин юқоридаги уч тоифа одамларга хизмат қилишдан мамнун бўлиб яшадиган кишилар - шудралар. Агар инсон ўз бурчини ҳалол бажариб юрса, унинг руҳий

юксалиши кафолатланади. Шундай қилиб, муқаддас китобларнинг қонун-қоидалари асосида тақводор ҳаёт кечириш - ҳар кимнинг баркамолликка эришиш қалитидир. Ана шундай тақводор ҳаёт Худого садоқат билан хизмат қилишда ўзининг юксак поғонасига кўтарилганида инсон баркамолликка эришади. Агар ана шу олий мақсад эришилмаса, инсон ҳаётини ана шундай тартибга солиш шунчаки бекорга вақт сарфлашдир.

Рамананда Райнинг тақводор кишининг ҳаёти қандай тартибга солиниши лозимлиги ҳақидаги гапларини тинглаб туриб, Парвардигор Чайтанья айтдики, бу қоидаларнинг ҳаммаси - ташқи нарсалар. Бу билан У Рамананда Райдан бу ташқи нарсалардан ҳам юксакроқ мавзуда мисол келтиришни илтимос қилди. Токи Худого садоқат билан хизмат қилишда ўзининг олий даражасига етмас экан, шунчаки расмиятчилик юзасидан диний **қонун-қоидаларга юзаки риоя қилиб юришнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ**. Парвардигор Вишнунини Ведаларнинг кўрсатмаларини шунчаки расмиятчилик юзасидан амалга ошириш билан мамнун қилиб бўлмайди; Парвардигор фақат инсон Худого садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилганда ундан тўла мамнуният ҳосил қилади.

Рамананда Рай келтирган шеърга асосан, диний урф-одатларни мунтазам бажариб юрар экан, инсон Худого садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилиши мумкин. "Бҳагавад-гита"да ҳар хил табақадаги одамларнинг ҳаммасини озодликка чиқариш учун келган Парвардигор Кришна айтадики, инсон ҳамма нарсанинг боши бўлган Парвардигорга ўзининг бурчини ҳалол бажариш билан сажда қилиб сиғиниш орқали инсон ҳаётининг энг олий поғонасига кўтарилган олади. **"Ўз бурчини ҳалол бажариб яшаш билан ҳар ким баркамолликка эриша олади**. Энди Мендан буни қандай амалга ошириш мумкинлигини билиб ол. Инсон шунчаки ўз бурчини бажариб юриб ҳам, барча тирик мавжудотларни яратган Парвардигорга сажда қилиб сиғиниш орқали баркамолликка эриша олади"(18.45-46).

Рухий баркамолликка элтувчи бу йўлдан Бодхайана, Танка, Драмида, Гухадева, Капарди ва Бхаручи сингари буюк содиқлар борганлар. Ведавий муқаддас китоблар ҳам одамларга шу йўлни тавсия қиладилар. Рамананда Рай мана шу ҳақиқатларнинг ҳаммасини Парвардигор Чайтаньяга гапириб бермоқчи эди, лекин шунчаки урф-одатларни юзаки бажариб юришнинг ўзи етарли бўлмаса керак, шунинг учун Чайтанья Маҳапрабху буларнинг ҳаммаси ташқи нарсалар деди. Бу билан Парвардигор Чайтанья айтмоқчи эдики, агар инсон ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлса, ҳатто муқаддас китобларда кўрсатилган барча қонун-қоидаларга риоя қилиб юрган бўлса ҳам у рухий баркамолликка эриша олмайди.

Парвардигор Чайтанья Рамананда Райнинг "Вишну пурана"дан келтирган мисолини инкор этди, чунки Парвардигор *карма-мимамса* фалсафаси издошларини қораламоқчи эди. Бу фалсафа издошларининг фикрига кўра, Парвардигор инсоннинг қилган ишларига қарам. Улар шундай хулоса қиладиларки, агар инсон яхши меҳнат қилса, Парвардигор уни албатта яхши натижа билан мукофолаши шарт. Бунда Вишну Пуранадан келтирилган бу гапларни кимдир нотўғри тушуниб, Парвардигор тўла мустақилликка эга эмас, балки У меҳнат қилган кишини албатта муносиб мукофотлаши шарт деб ҳисоблаши мумкин. Бу билан одамлар сиғиниб юрган Зот Унга сиғинаётган одамларга қарам бўлиб қолади, унда одамлар Худони истаса шахсиятсиз деб, истаса сифатларга эга зот деб ҳисоблашлари мумкин. Аслида бундай фалсафа Олий Мутлақ Ҳақиқатнинг имперсонал жиҳатини қўллаб-қувватлайди. Парвардигор Чайтаньяни бундай имперсонализм мамнун қилолмасди, шунинг учун У бу ғояни инкор этди:

"Агар билсанг, Олий Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги бундай тасаввурлардан устунроқ турадиган бирор нарса ҳақида гапириб бер" - деди Чайтанья Маҳапрабху унга.

Рамананда Рай Парвардигор Чайтаньянинг ниятини тушунди ва **бундан ўз фаолиятининг натижаларига боғланиб қолмаслик устун туради**, деди ва "Бҳагавад-гита"(9.27)дан мисол келтирди: **"Эй Кунтининг ўғли, нима иш қилсанг ҳам, нима есанг ҳам, нима эҳсон қилсанг ёки берсанг ҳам, қандай риёзат чексанг ҳам - ҳаммасини Мен учун қил"**. Худди шундай шеър "Шримад Бҳагаватам"да ҳам бор, унда айтилганки, инсон ҳамма нарсани - кармали фаолиятни ҳам, танасини, нутқини, ақлини ҳис-туйғуларини, тафакурини, жонини ва табиат гуналарини - Худонинг Олий Шахси Нарайанага бўйсундириши лозим.

Лекин Парвардигор Чайтанья Рамананда Райнинг бу гапини ҳам инкор этди: "Агар бундан ҳам юксакроқ, улуғворроқ садоқатни билсанг - айт!"

"Бҳагавад-гита" ва "Шримад Бҳагаватам" тавсия қилганидек, ҳамма нарсани Худонинг Олий Шахсига қурбон қилиш, албатта, имперсоналистларга ўхшаб Парвардигорни бизларнинг фаолиятимизга боғлиқ қилиб қўйишдан устун туради. Лекин, бу ҳам ҳали ўзининг бутун фаолиятини Худого бағишлашдан узоқ. Инсон агар муносиб раҳбарлик остида яшамаса, ўзини моддий тана деб ҳисоблаш чангалидан ҳалос бўла олмайди. Бундай кармали фаолият инсоннинг бу моддий оламда тутқун бўлиб қолишини узайтиради ҳолос, шунинг учун инсонга ўз меҳнатининг барча натижаларини Худого эҳсон қилиш тавсия этилади, лекин бунда инсонга ана шу тутқунликдан қандай қилиб озодликка чиқиш мумкинлиги ҳақида айтилмайди. Шунинг учун Парвардигор Чайтанья унинг бу гапларини ҳам инкор этди.

Икки таклифи ҳам инкор этилгандан кейин, Рамананда Рай тахмин қилдики, инсон ҳар қандай вазифаларини тарқ этиб, таркидунёлик орқали ҳар қандай боғланишлардан ҳалос бўлиб, илохий поғонага кўтарилиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, у дунёвий ҳаётдан бутунлай воз кечишни таклиф этди ва "Шримад Бҳагаватам"(11.11.32)дан буни тасдиқловчи мисол келтирди. Унда Парвардигор шундай дейди: "Муқаддас китобларда Мен диний маросимларни ўтказиш

## 28-боб.

### Парвардигор билан ўзаро муносабатлар

қоидаларини тушунтирдим ва Худога садоқат билан хизмат қилишга олиб борувчи йўлни кўрсатдим. Мана шу ҳақиқий диннинг олий кўринишидир". Бундан ташқари Рамананда Рай "Бхагавад-гита"дан Парвардигор Кришнанинг гапларини келтирди(18.66): **"Хар қандай динларни тарк эт ва ўз ихтиёрингни бутунлай Менга топшир. Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан халос этаман. Ҳеч нарсадан кўркма"**.

Парвардигор Чайтанья одамларга шунчаки таркидунёлик қилиш ўзидан-ўзи ҳеч қандай натижа бермаслигини кўрсатиш учун Рамананда Райнинг бу, учинчи таклифини ҳам инкор этди.

Кейин Рамананда Рай "Бхагавад-гита"нинг яна бир шеърини келтирди(18.54): **"Илоҳий поғонага кўтарилган киши шу заҳотиёқ Олий Брахманни англаб етади. У ҳеч қачон азият чекмайди, бирор нарсага эғалик қилишга интилмайдиган ва барча тиррик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. Ана шундай ҳолатда у Менга соф садоқат билан хизмат қилишга эришади"**.

Аввалига Рамананда Рай Худога садоқат билан хизмат қилишни кармали фаолиятдан воз кечиш билан бирга таклиф қилди. Энди у бундан тўлиқ илмга эга бўлиб ва руҳий ўзлигини англаб етиш билан Худога садоқат билан хизмат қилиш устун туришини тахмин қиляпти.

Лекин Парвардигор Чайтанья унинг бу таклифини ҳам инкор этди, чунки шунчаки Брахманни англаб етишда моддий натижалардан воз кечиш ёрдамида руҳий оламни ва руҳий фаолиятни англаб етиб бўлмайди. Гарчи Брахманни англаб етиш поғонасига кўтарилган киши моддий иллатлар таъсирига берилмаса ҳам, бу поғона ҳам мукамал поғона эмас, чунки унда ижобий руҳий фаолият билан шуғулланиш йўқ. Буларнинг ҳаммаси ақл сатҳида бўлгани учун ҳали булар ҳаммаси ташқи нарсалар ҳисобланади. Пок тирик мавжудот агар руҳий фаолият билан бутунлай машғул бўлмаса, руҳий озодликка эриша олмайди. Токи инсон Парвардигор ҳақида Уни шахсиятсиз ва бўшлиқ деб фикр юритар экан, у илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга эриша олмайди. Токи инсоннинг руҳий илми мукамал эмас экан, унинг ақлини моддий иллатлардан поклашга бўлган барча уринишлари албатта ҳар хил тўсиқларга дуч келверади. Шунинг учун имперсоналистларнинг ўз ақлини ҳар хил сунъий муруқабга ёрдамида бўшатишга бўлган уринишлари ҳеч қандай натижа бермайди. Ақлни ҳаёт ҳақидаги ҳар хил моддий тасаввурлардан халос этиш жуда қийин. "Бхагавад-гита"(12.5)да шундай дейилган: "Ақли Парвардигорнинг намоён бўлмаган шахсиятсиз Брахман аспектига боғланиб қолган кишининг руҳий юксалишга эришиши жуда қийин бўлади. Танада мужассам бўлган зот учун бу илмда муваффақият қозониши мушкул". Ана шундай имперсонал муруқабга ёрдамида озодликка эришиш ҳали охирига етмаган бўлади. Шунинг учун Парвардигор Чайтанья буни ҳам инкор этди.

Тўртинчи таклифи ҳам инкор этилгандан кейин Рамананда Рай айтдики, баркамолликнинг олий поғонаси илм олишга ёки фалсафий изланишларга уринишлардан бутунлай холи бўлган ҳолда Парвардигорга садоқат билан холис хизмат қилишдан иборат. Буни тасдиқлаш учун у "Шримад Бхагаватам"(10.14.43)дан бир шеър келтирди, унда Тангри Брахма Худонинг

Олий Шахсига шундай дейди: **"Эй азиз Худойим, инсон барча монистик фикрларини ва илм ўрганиш ниятини тарк этиши лозим. У ўзининг руҳий ҳаётини руҳий ўзлигини англаб етган зотдан Парвардигорнинг кароматлари ҳақида ҳикоялар тинглаб, Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошлаши лозим. Агар инсон мана шу қоидага амал қилиб, шу йўлдан четга чиқмай ҳалол яшаса, гарчи Сен енгилмас бўлсанг ҳам, эй Парвардигор, шу йўл билан у Сенга эришади"**.

Рамананда Рай ана шу таклифни айтганида, Парвардигор Чайтанья унга шу заҳотиёқ шундай деди: "Ҳа, худди шундай!" Ҳозирги даврда таркидунёлик билан ҳам, бошқа бирор фаолият аралашган Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали ҳам, ана шундай садоқат йўлидаги кармали фаолият орқали ҳам, илм ўрганиш орқали ҳам руҳий илм эгаллашнинг иложи йўқ. Ҳозирги даврдаги одамларнинг аксарият кўпчилиги адашган ва уларни аста-секин ривожланиш усули орқали юксалтиришга вақт ҳам етишмаслиги сабабли Парвардигор Чайтаньянинг фикрига кўра энг яхши йўл - одамларни ҳозир улар қандай ҳолатда бўлса шундайлигича қолдириш ва уларга **"Шримад Бхагаватам"** ва **"Бхагавад-гита"** ёзилган Парвардигорнинг кароматлари ҳақида тинглаш имкониятини беришдан иборат. Муқаддас китобларнинг илоҳий хабарларини руҳий ўзлигини англаб етган зотлар оғзидан тинглаш лозим. Бунда инсон худди аввалгидай шароитда яшаб юравериши мумкин, лекин у айна пайтда руҳий юксалишга ҳам эриша олади. Шу тариқа инсон ишонч билан руҳий юксалишга эришиб Худонинг Олий Шахсини тўлиқ англаб ета олади.

Гарчи Парвардигор Чайтанья бу қонунқоидаларни қабул қилган бўлса ҳам, У Рамананда Райдан Худога садоқат билан хизмат қилишнинг юқори босқичларини тушунтиришда давом этишни илтимос қилди, шундай қилиб, Парвардигор Чайтанья Рамананда Райга руҳий юксалишнинг варнашрама-дхармадан бошланган босқичма-босқич йўлини муҳокама қилиш имкониятини берди. Парвардигор *варнашрама-дхарма* йўлини ва ўз фаолиятининг натижаларидан воз кечиш йўлини инкор этди, чунки Худога соф садоқат билан хизмат қилиш йўлида бу қоидаларнинг аҳамияти катта эмас. Руҳий ўзлигини англаб етмаган кишининг Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бундай ташқи амаллари билан шуғулланиб юриши Худога соф садоқат билан хизмат қилиш ҳисобланмайди. Руҳий ўзлигини англаган ҳолда Худога соф садоқат билан хизмат қилиш руҳий фаолиятнинг бошқа барча турларидан бутунлай фарқ қилади. Энг олий даражадаги илоҳий фаолият ҳамиша ҳар қандай моддий истаклардан, кармали интилишлардан, илм ўрганишга интилишдан пок бўлади. Садоқатнинг олий поғонасида инсоннинг бутун ҳаёти Парвардигорга ижобий равишда холис хизмат қилишда мужассам бўлади.

Ундан Парвардигор Чайтанья нима ҳақида тинглашни истаётганини тушунган Рамананда Рай айтдики, **баркамолликнинг олий поғонаси Худога муҳаббатга эришишдан иборат**. Падйавалида ажойиб бир шеър бор, айтишларига қараганда уни Рамананда Райнинг ўзи ёзган. Унинг мазмуни қуйидагича: **"Агар одамнинг қорни оч бўлиб, очлик ва чанқоқликни ҳис қилаётган бўлса, у бирор нарса еб бахтга эришади**.

Худди шундай Худога сиғинишнинг ҳам турлари кўп, лекин улар фақат Худога муҳаббат билан кўшилганидагина ҳақиқий илоҳий бахт манбаи бўлади". Рамананда Рай яна бир шеър ёзган, унда айтилганки, ҳатто миллион ва миллион йиллар яшаб ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг маъносини тушунмаслик мумкин, лекин, агар инсонда қандайдир сабаблар билан Худога садоқат билан хизмат қилиш истаги пайдо бўлса, Худонинг асл содиғи билан учрашиб бунга эриша олади. Шунинг учун инсонда энг аввало Худога садоқат билан хизмат қилишга кучли истак бўлиши лозим. Мана шу икки шеърда Рамананда Рай Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қоидаларини ва Худога муҳаббатнинг юксак поғонасини таърифлаган. Парвардигор Чайтанья уни Худога муҳаббатнинг юксак поғонасига олиб келишни истаган эди. У Рамананда Райнинг айнан ана шу нуқтаи назардан гапиришини истаган эди. Шундай қилиб, Чайтанья Махапрабху билан Рамананда Райнинг суҳбатининг давоми Худога муҳаббат ҳақида бўлади.

Худога муҳаббат Парвардигор билан ўзаро шахсий муносабатлар даражасига етганида *према-бхакти* деб аталади. Према-бхактининг бошланғич поғоналарида ҳали Парвардигор билан Унинг содиқ хизматкори орасида ўзаро аниқ шахсий муносабатлар ўрнатилмаган бўлади, лекин *према-бхакти* етарли даражада ривожланганида, Парвардигор билан ўзаро муносабатлар ҳар хил илоҳий лаззат(маза, раса)лар кўринишида намоён бўлади. Худога муҳаббатнинг биринчи поғонаси хизмат қилишга асосланган ўзаро муносабатлар ҳисобланади, унда содиқ Парвардигорга ўзининг ҳукмдори, хўжайини сифатида мурожаат қилади, ўзини эса, Унинг мангу хизматкори деб ҳисоблайди. "Шримад Бхагаватам"(9.5.16)да буюк сеҳргар йог Дурваса Муни ҳақида ҳикоя қилади. У ўзини жуда улуғвор шахс деб ҳисоблаб, ўз даврида Худонинг энг буюк содиғи ҳисобланган Амбариша Махаражга ҳасад қилади. Амбариша Махаражни қийин ахволга солиб қўйишга уриниб, Дурваса Муни ўзининг бошига катта кулфат келтиради ва Парвардигорнинг Сударшана-чакрасидан мағлуб бўлади. Ўзини гуноҳкор деб ҳисоблаб, Дурваса Муни шундай деди: **"Ҳамиша Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган асл содиқлар ҳар нарсага қодирдирлар, чунки улар ҳамиша тирик мавжудотни руҳий озодликка чиқариш учун биттагина номининг ўзи кифоя бўлган Парвардигорга хизмат қилиш билан машғулдирлар"**.

"Стотратратна"(46)да Йамуначарья шундай дейди: "Эй азиз Худойим, ўзларини Сенга садоқат билан хизмат қилишдан мустақил тугган кишилар - ночор одамлардир. Улар фақат ўз нафси учун ишлайдилар ва юқоридан ҳеч қандай ёрдам олмайдилар. Шунинг учун мен ҳар қандай моддий истаклардан ва ақлнинг чалғишларидан мутлақо пок бўлиб ўзимни бутунлай Сенга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга бағишлайдиган замонларни интизорлик билан кутяпман. Сенга ана шундай бенуксон холис хизмат билан машғул бўлганимда, фақат шундагина мен ҳақиқий руҳий ҳаётдан лаззатланиб яшай оламан".

Рамананда Райнинг бу гапларини тинглаб туриб Парвардигор Чайтанья ундан гапиришда давом этишни илтимос қилди.

## 29-боб.

### Кришнага нисбатан соф муҳаббат

Парвардигор Чайтанья илҳомлантириб турган Рамананда Рай гапиришда давом этиб айтдики, Парвардигор Кришна билан ўзаро дўстлик муносабатлари ҳатто бундан ҳам анча юқори илоҳий поғонада бўлади. Бу ҳақда гапирар экан, Рамананда Рай айтдики, Кришна билан бўлган ўзаро муносабатлар ривожланиб, Унга боғланиш туйғусига айланганида, содиқда кўрқув ва Парвардигорнинг устиворлигини ҳис қилиб юриш туйғуси сусайиб кетади. Бунда ўзаро ишонч туйғуси кучаяди, ана шу ишонч дўстлик деб аталади. Ана шундай яқин муносабатларда Кришна билан Унинг дўстлари орасида тенглик руҳи ҳукмрон бўлади.

Бу борада Рамананда Рай "Шримад Бхагаватам"(10.12.11)дан бир шеър келтиради, унда Шукадева Госвами Парвардигор Кришна ва Унинг дўстларининг ўрмонда овқатланиб ўтиргани ҳақида гапиради. Парвардигор Кришна ва Унинг дўстлари сугир боқиш учун ўрмонга йўл олдилар, Кришнанинг атрофида юрган болалар Худонинг Олий Шахси билан дўст бўлиб лаззатланардилар. Буюк донишмандлар Парвардигорни шахсиятсиз Браҳман деб ҳисоблайдилар, Худонинг содиқлари - Худонинг Олий Шахси деб, оддий одамлар эса, - оддин инсон деб билардилар.

Унинг бу гапларидан Парвардигор Чайтанья мамнун бўлди, кейин У: "Гапиришда давом этавер!" - деди. Унга жавобан Рамананда Рай айтдики, Кришнага худди ўз фарзандидай муносабатда бўлиш - бундан ҳам юқорироқ илоҳий поғона ҳисобланади. Яқин муносабатлардаги Кришнага боғланиш туйғуси кучайганида у ота билан ўғилни боғлаб турадиган ота-оналарча муҳаббат туйғусига айланади. Бу борада Рамананда Рай "Шримад Бхагаватам"дан бир шеър келтирди(10.8.46), унда Махараж Парикшит Шукадева Госвамидан сўрайди: "Парвардигорнинг Ўзи уни "она" деб чақириши ва кўрагини эмиши учун Кришнанинг онаси Йашода қанча савоб ишлар қилиши лозим эди?" Шунингдек, у "Шримад Бхагаватам"дан бошқа бир шеър ҳам келтиради(10.9.20), унда айтилганки, Йашоданинг Худонинг Олий Шахсидан олган марҳаматини ҳатто биринчи тирик мавжудот Браҳманинг, Тангри Шиванинг ва ҳатто ҳамиша Парвардигор Вишнунинг кўксидан жой олган равнақ фариштаси Лакшмининг Парвардигордан олган марҳамати билан тенглаштириб бўлмайди.

Кейин Парвардигор Чайтанья Рамананда Райдан Парвардигор билан ўзаро муносабатларди ошиғона муҳаббат поғонасигача кўтарилиш учун гапиришда давом этишни илтимос қилди. Парвардигор Чайтаньянинг нимани назарда тутаётганини билган Рамананда Рай дарров жавоб бериб айтдики, ҳақиқатан ҳам, Парвардигор билан ўзаро муносабатларнинг энг олий тури Кришна билан ўзаро ошиғона муҳаббат ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, Кришна билан ўзаро яқин

муносабатлар Худонинг Олий Шахси ҳақидаги оддий тасаввурлардан хўжайин ва хизматкор тушунчасига кўтарилади. Бу муносабатлар ўзаро ишончга асосланганида ўзаро дўстона муносабатлар поғонасига кўтарилади. Дўстона муносабатлар ривожланиб, ота-она ва фарзанд муносабатларига айланади. Ана шу муносабатлар ривожланиб боғланиш ва муҳаббатнинг энг юкори чўққисига етганида, бу поғона Парвардигор билан ўзаро ошиғона муҳаббат деб аталади. Рамананда Рай "Шримад Бхагаватам"дан яна бир шеър келтирди(10.47.60), унда айтилганки, гопиларнинг Кришна билан раса-ракси пайтида намоён бўлган илоҳий жазвали лаззат ҳолатини ҳатто ҳамиша руҳий оламда Парвардигорнинг кўксидан жой олган равнақ фариштаси ҳам ҳеч қачон ҳис қилган эмас. Шундай экан, оддий аёллар ҳис қиладиган лаззат ҳақида нима дейиш мумкин?

Кейин Рамананда Рай инсон қалбида Кришнага нисбатан соф муҳаббат туйғусини ривожлантиришга ёрдам берадиган босқичма-босқич жараён ҳақида гапириб берди. У айтдики, тирик мавжудот Худонинг Олий Шахси билан фақат унинг ўзига мос келадиган ўзаро ягона муносабат тури билан боғланган. Аслини олганда Парвардигор билан ўзаро муносабатлар хўжайин ва хизматкор муносабатидан бошланиб, аввал дўстлик муносабатларига, кейин ота-она ва фарзанд орасидаги муносабатларга, кейин эса, ошиғона муҳаббат муносабатларига айланади. Парвардигор билан ўзларининг алоҳида ўзига хос муносабатларига эришган киши ўзи учун Парвардигор билан энг яхши муносабатларга эришган деб ҳисобланиши лозим. Лекин, ана шу илоҳий муносабатларни таҳлил қилиб хулоса қилиш мумкинки, руҳий юксалишнинг *браҳма-бхута* поғонасидаги нейтрал муносабатлар Парвардигор билан ўзаро биринчи муносабатлар бўлади. Инсон Парвардигорни ўзининг хўжайини деб, ўзини эса - Унинг хизматкори деб ҳисоблай бошлаганида, бу муносабатлар чуқурлашади, улар тобора ривожлана борганида эса, содиқ Парвардигорнинг дўсти бўлади; инсон Парвардигорни Унинг отасидай меҳр билан сева бошлаганида бу муносабатлар яна ҳам чуқурлашади. Шундай қилиб, ўзаро муносабатлар дўстликдан муҳаббатгача чуқурлаша боради ва ниҳоят бу муносабатлар Парвардигор билан бўладиган ўзаро муносабатларнинг энг олий тури бўлган ошиғона муҳаббатга айланади.

Парвардигор билан ўзаро муносабатлардаги Унга хизмат қилиш поғонаси албатта, илоҳий табиатга эга. Ана шу муносабатга яқинлик, ўзаро тенглик туйғулари кўшилганида, улар яна ҳам чуқурлашади. Боғланиш туйғуси кучайган сари, бу ўзаро муносабатлар ривожланиб ота-оналарча муҳаббатга ва ошиқларча муҳаббатга айланади. Рамананда Рай "Бхакти-расамрита-синдху"(2.5.38)дан бир шеърни мисол келтирди, унда айтилганки, Парвардигорга руҳий боғланиш ҳар қандай ҳолатда ҳам илоҳий табиатга эга, лекин ҳар бир содиқда ўзаро муносабатларнинг фақат ўзига хос бўлган маълум бир турига мойиллик бўлади, ана шу муносабатлар унга бошқа барча муносабатларга караганда кўпроқ илоҳий лаззат бағишлайди.

Сохта содиқлар Парвардигор билан ана шундай илоҳий муносабатларни ўзлари учун ўзларича сунъий равишда ўйлаб тополмайдилар. "Бхакти-расамрита-синдху"(1.2.101)да Шрила Рупа Госвами айтадики, ҳеч

қачон, ҳеч қандай вазиятда ведавий муқаддас китобларга таянмаган ва уларда кўрсатилган қонун-қоидаларга асосланмаган Худога садоқат билан хизмат қилишни маъқулламаслик керак. Шри Бхактисиддхантас Сарасвати Госвами Махараж ҳам айтганки, **на руҳий устозликни касб қилиб олган, на "Шримад Бхагаватам" ўқишни касб қилиб олган, на кирган ўтказишни касб қилиб олган, на ўзлари ўйлаб топган йўл билан Худога хизмат қилиб юрган одамларни тан олмаслик керак.** Ҳиндистонда ана шундай касбларни эгаллаган кишиларнинг турли жамоалари бор: Аула, Ваула, Картабхаджа, Неда Даравеша, Снаи, Атибади, Чудадхари ва Гауранганасари. Вентор Госвами жамиятининг ёки табақасининг "госвами" деб аталадиган аъзоларини Вриндаванлик биринчи олти Госвами авлодлари деб ҳисобламаслик керак. Парвардигор Чайтанья ҳақида кўшиқлар ўйлаб чиқарадиган сохта содиқларга ҳам, руҳонийликни касб қилиб олган зотларга ҳам, пул олиб "Шримад Бхагаватам" ўқийдиган кишиларга ҳам ишонмаслик керак. Панчаратра қоидаларига риоя қилмайдиган кишиларни, яъни, имперсоналистларни, ёки жинсий алоқага берилган кишиларни ўзининг бутун умрини Кришнага хизмат қилишга бағишлаган кишилар билан тенглаштирмаслик керак. Ҳамиша Кришна онгида юрган асл содиқ Худога садоқат билан хизмат қилиш учун ҳамма нарсадан воз кечиши мумкин. Парвардигор Чайтаньяга, Парвардигор Кришнага ва ўзининг руҳий устозига хизмат қилишга ўзининг бутун онгли ҳаётини бағишлаган киши, ёки Чайтанья Маҳапраб-хунинг издошлари учун ўрнатилган оилавий турмуш қоидаларига амал қилиб юрган, ёки таркидунёлик турмуш тарзи қоидаларига амал қилиб юрган киши ҳақиқий содиқ ҳисобланади, уни содиқликни тирикчилик қилиш учун касб қилиб олган кишилар билан тенглаштирмаслик керак.

Инсон барча моддий иллатлардан покланганида у Кришна билан бўладиган ўзаро муносабатларнинг ҳар қандай туридан илоҳий лаззат олади. Лекин, илоҳий илм тажрибасига эга бўлмаган кишилар, афсуски, Парвардигор билан бўладиган мана шу ўзаро муносабатларни муносиб баҳолай олмайдилар. Улар бу муносабатларнинг ҳаммасини хом-хаёл, майа, алданиш деб биладилар. "Чайтанья Чаритамрита"да айтилганки, ер, сув, олов, ҳаво ва эфир унсурларнинг нафис туридан уларнинг кўполроқ турига қараб ривожландилар. Масалан, эфирда фақат товуш бор, ҳавода - товуш ва сезилиш. Бунга олов кўшилганида, унда товуш, сезилиш ва шакл бўлади. Сувда эса, товуш, сезилиш, шакл, таъм, ҳид бўлади. Худди унсур эфирдан ергача ўзгарганида янги хусусиятлар ривожлангани сингари, Парвардигор билан ўзаро муносабатларда ҳам уларнинг бир туридан иккинчи турига ўтганида садоқатнинг беш хусусияти ривожланади ва уларнинг ҳаммаси Парвардигор билан ошиғона муҳаббат муносабатида мавжуд бўлади. Шунинг учун Парвардигор Кришна билан ошиғона муҳаббат муносабатлари Худога муҳаббатнинг энг олий тури ҳисобланади.

"Шримад Бхагаватам"да айтилган(10.82.44)ки: **"Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилиш - ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳаётидир"**. Ҳақиқатан ҳам, Парвардигор Враджалик қизларга айтганки, улар фақат Худога бўлган кучли муҳаббати шарофати туфайли Парвардигор билан суҳбатлашиш им-

кониятига эга бўлдилар. Айтадиларки, Парвардигор Кришна Ўзининг содиқлари билан ўзаро муносабатларда содиқнинг табиатига мос равишда хизматнинг ҳар қандай турини қабул қилади. Бу билан Кришна ҳар кимга керак бўлган нарчасини бериб, унинг Ўзига бўлган муносабатига яраша жавоб беради. Агар содиқ Кришна билан хизматкор ва хўжайин муносабатида бўлишни истаса, Кришна намунали хўжайин ролини ўйнайди. Кришнани ўзининг ўғли қилишни ва Унга нисбатан оталарча меҳр қўйишни истаган содиққа У намунали ўғил бўлади. Худди шундай, агар содиқ Кришнага У билан ошиғона муносабатда бўлиб хизмат қилишни истаса, Кришна эр ёки маъшук ролини намунали ижро этади. Лекин Кришнанинги Ўзи тан олиб айтадики, баркамолликнинг олий даражаси Парвардигорнинг Ваджалик қизлар билан ошиғона муҳаббатга асосланган ишқий муносабатларидир. "Шримад Бхагаватам"(10.32.22)да Кришна шундай дейди: "Сизларнинг Мен билан бўлган ўзаро муносабатларингиз бутунлай илоҳий табиатга эга, ҳатто кўплай умрлар яшасам ҳам Мен сизларнинг бундай муҳаббатингизга муносиб жавоб бўладиган бирор нарса таклиф этолмайман. Сизлар моддий лаззатланишга бўлган ҳар қандай боғланишни тарк этишга қодир бўлдинглар ва Мени изладинглар. Сизларнинг бундай муҳаббатингизни муносиб жавоб бера олмаганим учун сизларга ўзларингизнинг мана шу фаолиятингиз мукофот бўла қолсин".

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Госвами Махараж айтганки, оддий одамларнинг маълум бир тоифаси борки, уларнинг фикрига кўра, Худога сиғинишнинг ўзига хос усулини ўйлаб топиб, ҳар қандай одам ҳам Худога сиғиниши ва барибир Худонинг Олий Шахсига эриша олиши мумкин. Улар айтадиларки, Парвардигорга кармали фаолият билан ҳам, куруқ фалсафий изланишлар орқали ҳам, муруқба ёки риёзат билан ҳам яқинлашиш мумкин ва бу йўлларнинг ҳаммаси кишини мақсадга эриштиради. Улар ҳар қандай йўл билан борса ҳам охир-оқибатда ҳамма бир мақсадга эришади деб айтадилар. Уларнинг фикрига кўра Олий Мутлақ Ҳақиқатга Кали фаришта кўринишида ҳам, Дурга фариштаси кўринишида ҳам, Тангри Шива, Ганеш, Рама, Хари ёки Брахма кўринишида ҳам сиғиниш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг фикрига кўра, Мутлақ Ҳақиқат қандай муруқбаат қилиш муҳим эмас, чунки бу номларнинг ҳаммаси аслида бир Зотни билдиради. Улар бунга мисол қилиб жуда кўп номлари бўлган кишини келтирадилар: қайси ном билан атасанг ҳам у жавоб беради.

Ана шундай гаплар оддий одамларга хуш келиши мумкин, лекин аслида бу мутлақо нотўғри. Моддий манфаат кўзлаб, эҳтирос гунасида фаришталарга сиғиниб юрган кишилар Худонинг Олий Шахсига эриша олмайдилар. Агар инсон фаришталарга сиғиниб юрган бўлса, Парвардигорнинг ташқи қуввати бунинг учун уни мукофотлаши мумкин, лекин бу шу йўл билан Парвардигорга эришиш мумкин дегани эмас. Ҳақиқатан ҳам "Бхагавад-гита"да бундай сиғиниш тури қўллаб-қувватланмайди(7.23): **"Етарлича ақл-фаросатга эга бўлмаган кишилар фаришталарга сиғинадилар, лекин уларнинг эришадиган натижалари чекланган ва ўткинчи. Фаришталарга сиғинадиган кишилар фаришталарнинг сайёрала-**

**рига эришадилар. Менинг содиқларим эса, охир-оқибатда Менинг олий сайёрамга эришадилар".**

Шундай қилиб, Парвардигор фаришталарга сиғиниб юрган одамларга эмас, балки фақат Унинг Ўзига сиғиниб юрган кишиларга Ўзининг олдига эришини ваъда беради. Ҳар ким ва ҳар қандай одам моддий фаришталарга сиғиниб юриш натижасида Худонинг Олий Шахсига эришади дегани мутлақо нотўғри. Шунинг учун фаришталарга сиғиниб юриб ҳам руҳий баркамолликка эришаман деган фикрнинг ўзи ғалати. Тўла Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилишнинг натижасини фаришталарга сиғинишнинг, кармали фаолиятнинг ёки куруқ фалсафий изланишларнинг натижаларига умуман тенглаштириб бўлмайди. Кармали фаолият натижасида инсон жаннатий сайёраларга ҳам, дўзахий сайёраларга ҳам тушиши мумкин.

## 30-боб.

### Радха ва Кришнанинги илоҳий эрмаклари

Оддий диний ақидаларни бажариб юриш билан Худога садоқат билан хизмат қилиш орасида жуда катта фарқ бор. Диний амалларни бажариб юриш билан инсон моддий фаровонликка, ҳиссий лаззатларга ёки руҳий озодликка эришиши мумкин, лекин Парвардигорга садоқат билан илоҳий хизмат қилишнинг натижалари бундай ўткинчи бойликлардан бутунлай фарқ қилади. Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳаммаша янгиланиб турадиган хусусиятга эга ва у содиқ хизматкорга ҳаммаша кучайиб борадиган илоҳий лаззат бағишлайди. Шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали эришиладиган натижа билан диний амалларни бажаришдан эришиладиган натижа орасида жуда катта фарқ бор. Моддий оламни бошқариб турадиган, *дждадхитхатри*, ёки *махамайа* деб аталадиган буюк руҳий қувват, моддий оламнинг турли соҳаларига маъсул ҳар хил фаришталар, шунингдек, Парвардигорнинг ташқи қувватининг фаолиятининг маҳсулотлари - шунчаки, Парвардигорнинг ғайриволигининг бузилган аксидир. Аслида, фаришталар Парвардигорнинг ёрдамчилари бўлиб, Унга моддий оламни бошқаришда ёрдамлашадилар. "Брахма-самхита"да айтилганк, ҳукмдорлар ичида энг қудратлиси бўлган Дурганинги амаллари - Парвардигорнинг фаолиятининг кучсиз ўхшашлигидир. Қуёш Парвардигорнинг кўзлари сифатида ҳаракат қилади, Тангри Брахма - Парвардигорнинг акс этган нури. Шундай қилиб, барча фаришталар, шунингдек, ташқи қувват Дургадеви ҳам, моддий оламнинг турли соҳаларини бошқариб турган зотлар ҳам, ҳаммаси - Парвардигорнинг моддий оламдаги хизматкорлари.

Руҳий оламда бошқа қувват, руҳий қувват, яъни ички қувват бор, у *йогамайа* назорати остида ҳаракат қилади. *Йогамайа* Парвардигорнинг ички қуввати; у ҳам Парвардигорнинг назорати остида ҳаракат қилади, лекин у руҳий оламда жойлашган. Тирик мавжудот *маха-майа* назорати остида юргандан кўра, *йога-майа* назорати остидан ҳаракат қила бошласа, у аста-секин

Кришнанинг содиқ хизматкори бўлади. Моддий бойликлар ва моддий бахт изидан қувиб юрган кишилар ўзини моддий қувват, махамайага, яъни Тангри Шива ва бошқалар сингари моддий табиатга эга бўлган фаришталарга топширадилар. "Шримад Бхагаватам"да хикоя қилинадики, Вриндаванлик гопилар Кришна уларнинг эри бўлишини истаганида улар ўз ниятларига етиш учун илтижо билан руҳий қувватга, йогамайага мурожаат қилганлар. "Сапта-шакти"да айтилганки, шоҳ Суратха ва Самадхи деган савдогар моддий бойликка эга бўлиш учун махамайага сажда қилганлар. Шунинг учун адашиб *махамайа* билан *йогамайани* бир-бирига тенгламаслик керак.

Парвардигор мутлақ поғонада бўлгани учун Унинг муқаддас номи билан Парвардигорнинг Ўзи бир биридан фарқ қилмайди. Парвардигорнинг ҳар хил номлари бор бўлиб, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос маъноси ҳамда вазифаси бор. Масалан, Парвардигорни Параматма, Олий Руҳ деб атайдилар; Брахман, Олий Мутлақ Зот деб атайдилар; Сриштикарта, Яратган; Нарайана, - илоҳий Зот; Рукминирамана, - Рукминининг рафиқаси; Гопинатха, - Гопилар билан лаззатланадиган Зот; Кришна, - ҳаммани Ўзига жалб этувчи ва хоказо. Шундай қилиб, Парвардигорнинг ҳар хил номлари бор, бу номларнинг Унинг турли вазифаларини англатади. Парвардигорнинг яратувчи аспекти Унинг Нарайана аспектидан фарқ қилади. Парвардигорнинг яратувчи вазифасини билдирадиган номларидан баъзиларини дунёвий одамлар ҳам тушунадилар. Лекин, шунчаки Унинг "яратувчи Зот" деган маънони билдирадиган номини тушуниш билан инсон Худонинг Олий Шахсининг моҳиятини англаб етишнинг иложи йўқ, чунки, оламни яратиш Парвардигорнинг ташқи қувватининг иши. Шундай қилиб, Парвардигор ҳақида оламни яратган зот деган тасаввур Парвардигорнинг фақат ташқи сифатини назарда тутади. Худди шундай биз Парвардигорни Брахман деб атаганимизда, биз Парвардигорнинг олти мукамал бойлиги ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаймиз. Парвардигорни Олий брахман сифатида англаб етганида Унинг мана шу олти фазилатини тўлиқ англаб бўлмайди, шунинг учун Уни Брахман аспектида англаш тўлиқ англаш ҳисобланмайди. Парвардигорнинг Параматма, Олий Руҳ аспектини англаш ҳам Худонинг Олий Шахсини тўлиқ англаб етиш бўлмайди, чунки Парвардигорнинг ҳамма жойни қамраб олган аспекти - Унинг улуғворлигининг қисман намоён бўлишидир.

Ҳатто Ваикунтха сайёраларидаги содиқларнинг Нарайана билан ўзаро илоҳий муносабатлари ҳам мукамал эмас, шу маънодаки, барибир улар Голока-Вриндавандаги Кришна билан бўладиган ўзаро муносабатлар эмас. Кришнанинг содиқлари Нарайанага хизмат қилишдан лаззат ололмайдилар. Кришнага садоқат билан хизмат қилиш шунчалик жозибадорки, Кришнанинг содиқлари Парвардигорнинг бошқа қиёфасига хизмат қилишни истамайдилар. Масалан, Вриндаванлик гопилар Кришнани Рукминининг эри деб қабул қилишни истамайдилар, улар ҳеч қачон Кришнага Рукминирамана деб мурожаат қилмайдилар. Вриндаванда Кришнани Радха-Кришна, яъни "Радхаранининг Кришнаси" деб атайдилар. Гарчи "Рукминининг эри" ва "Радханинг Кришнаси" оддий одамлар тасавуурида бир хил поғонада турган тушунчалар бўлса ҳам, руҳий

оламда бу номлар Кришнанинг илоҳий шахсининг турли аспектиларини билдиради. Рукминирамана, Радхарамана, Нарайана ва Парвардигорнинг бошқа ҳар қандай номини бир бирига тенглаштирган киши лаззатнинг, Парвардигор билан ўзаро муносабатлардаги мазанинг ҳар хил турларини аралаштириб, шундай чалкашликларни ифодалаш учун махсус *расабхаса* деб аталадиган хатога йўл қўйган бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини яхши биладиган кишилар руҳий лаззатнинг бундай аралашмасини тан олмайдилар, чунки бу Худога соф садоқат билан хизмат қилиш қоидаларига зид бўлади.

Гарчи Шри Кришна, Худонинг Олий Шахси, барча мутлақ мукамаллик ва гўзаллик тимсоли бўлса ҳам, У Ваджалик қизлар даврасида *Гопиджанаваллабха* деган номи билан машҳур. Худонинг содиқлари Парвардигорнинг гўзаллигидан Ваджанинг қизларидан кўпроқ лаззатлана олмайдилар. "Шримад Бхагаватам"(10.33.7) айтилганки, гарчи Кришна гўзаллик ва мутлақ мукамалликнинг гултожи бўлса ҳам, У гопилар даврасида худди илоҳий гўзал тилло тақинчокнинг қимматбаҳо гавҳарига ўхшайди. Гарчи Чайтанья Маҳапрабху Парвардигорни ўзаро ошиғона муҳаббат муносабатида англаб етишнинг ана шу энг юксак поғонасини тан олса ҳам, У барибир Рамананда Райдан бу мавзунини таҳлил қилишда давом этишни илтимос қилди.

Унинг илтимосини тинглаб туриб, Рамананда Рай ундан биринчи марта Кришнани англашда гопиларнинг эгаллаган поғонасидан ҳам юқори кўтарилишни илтимос қилаётганларини айтди. "Кришна ва Ваджалик қизлар орасида албатта, илоҳий яқинлик бор, - деди Рамананда Рай, - лекин, ана шу муносабатларнинг энг мукаммали Кришна билан Радхаранининг ўзаро ошиғона муҳаббатидир". Оддий инсонлардан бирортаси Радхарани билан Кришнанинг ўзаро илоҳий муҳаббатининг жазавали лаззатини ва Кришна билан гопилар орасидаги илоҳий муҳаббатнинг илоҳий муаттар ҳидини англаб етишга қодир эмас. Лекин, агар инсон гопиларнинг изидан боришга ҳаракат қилса, у илоҳий муҳаббатнинг энг юксак поғонасига кўтарилма олади. Шунинг учун руҳий баркамолликнинг илоҳий поғонасига кўтарилишни истаган киши гопиларнинг хизматкорларига ёрдам бериб, Ваджалик қизлар изидан бориши лозим.

Парвардигор Чайтанья Парвардигор Кришнанинг Дваракадалик пайтида Шримати Радхарани билан ўрнатган ўзаро муносабатларида Шримати Радхарани ҳис қиладиган ҳолатни намоён этган. Ана шундай илоҳий муҳаббатга оддий инсонлардан ҳеч ким қодир эмас. Шунинг учун руҳий баркамолликнинг Чайтанья Маҳапрабху намоён этган олий поғонасини кўрсатишга тақлид қилишга уринмаслик керак. Лекин, инсон ҳақиқатан ҳам Парвардигор билан ана ўзаро шундай муносабатда бўлишни истаса, у гопилардан ўрнак олиб уларнинг изидан бориши мумкин. "Падма пурана"да айтилганки, Радхарани Кришнага қанчалик азиз бўлса, Радхакунда деб аталадиган *кунда*(ҳовуз) ҳам Кришнага шунчалик азиз. Радхарани - барча гопилар ичида Кришна учун бошқа барча гопилардан ҳам азиз бўлган гопи. "Шримад Бхагаватам"(10.30.28)да ҳам айтилганки, Радхарани ва гопилар Парвардигорга хизмат қилишнинг энг мукамал ва улуғвор тури билан

машғул, Парвардигор улардан шунчалик мамнунки, ҳеч қачон Шримати Радхаранидан айрилишни истамайди.

Рамананда Райнинг Кришна билан Радхарани орасидаги ўзаро муҳаббатга асосланган ишқий муносабатлари ҳақида айтганларини тинглаб туриб, Парвардигор Чайтанья шундай деди: "Илтимос, гапиришда давом эт! Илтимос, давом эт!" Чайтанья Маҳапрабху Кришна билан гопилар орасидаги ўзаро муҳаббатнинг таърифини эшитишдан чексиз лаззат олаётганини айтди. "Сенинг оғзингдан гўё ширин нектар дарё бўлиб оқаётгандай бўляпти" - деди У. Рамананда ҳикоя қилишда давом этди ва Кришнанинг гопилар даврасида рақсга тушиб шундай ўйларга берилган жойига келди: "Мен Радхаранига алоҳида эътибор бермаяпман". Радхарани бошқа гопилар даврасида бўлган пайтда Кришна Унга алоҳида эътибор бера олмагани сабабли Кришна Уни раса-ракси бўлаётган жойдан ўғирлаб кетади ва Унга Ўзининг алоҳида марҳаматини кўрсатди. Буларнинг ҳаммасини Парвардигор Чайтаньяга тушунтириб, Рамананда Рай шундай деди: "Энди Радха ва Кришнанинг ўзаро илоҳий ишқий муносабатларидан лаззатланамиз. Бу дунёда бунга тенг келадиган бошқа бирор лаззат мавжуд эмас".

Рамананда Рай ўзининг ҳикоясини ана шундай давом этди. Бир куни раса рақси пайтида Шримати Радхарани, худди Кришна Унга алоҳида эътибор бермаётганидан хафа бўлганга ўхшаб, бирдан рақс бўлаётган жойни тарк этди. Лекин, *раса* рақсининг мақсадига эришиш учун Кришна Радхаранини кўриши лозим эди. Радхаранини шу ерда кўролмаган Кришна қаттиқ хафа бўлди ва Уни излашга тушди. "Гита-говинда"да бир шеър бор, унда айтилганки, Камсанинг душмани Кришна ҳам аёллар билан бўладиган ўзаро муносабатларга ўралишиб қолишни истади, шунинг учун У Враджалик бошқа қизлар даврасини тарк этиб, Ўзи билан бирга Радхаранини олиб кетди. Ёнида Радхарани бўлмаганидан Кришна қаттиқ ҳаяжонга тушганди, ана шундай тушқун ҳолатда У Радхаранини Ямуна қирғоқларидан излай бошлади. Радхаранини тополмай, У Вриндаван бутазорлари орасига кириб кетди ва хўнграб йиғлаб юборди. Рамананда Рай айтдики, Гита-Говинда(3.1-2)нинг мана шу икки шеърининг маъносини муҳокама қилганида инсон Радха билан Кришнанинг ўзаро ишқий муносабатларининг ширин нектарининг энг олий лаззатини ҳис қилади. Гарчи Кришна рақсга тушиши мумкин бўлган бошқа жуда кўп гопилар бўлса ҳам, Кришна ҳаммасидан ҳам кўпроқ Шримати Радхарани билан рақсга тушишни истарди. Раса рақсида Кришна Ўзини кўпайтириб тарқатиб, ҳар икки гопи орасида туриб рақсга тушарди, лекин у алоҳида Радхаранининг ёнида эди. Лекин Радхарани Кришнанинг бу бу хулқ-атворидан норози эди. "Уджвала-ниламани"да шундай дейилган: "Муҳаббат йўли илоннинг ҳаракатига ўхшайди. Ёш севишганларнинг ақли икки ҳолатда бўлади: қандайдир сабаб билан юзга келган ҳолатда ёки ҳеч қандай сабабсиз ҳолатда". Шундай қилиб, Радхарани Кришна Унинг Ўзига алоҳида эътибор бермаганидан хафа бўлиб раса-ракси бўлиб турган жойни тарк этганида, Уни йўқотиб қўйган Кришна қаттиқ ҳаяжонланди. *Раса* рақси айнан унда Шримати Радхарани иштирок этаётгани туфайли мутлақ мукамал ҳолатга эришади, деб ҳисобланади, шунинг учун У кетиб қолганида, Кришна *раса* рақси

узилиб қолди, деб ҳисоблади. Шунинг учун У рақс бўлиб турган майдонни тарк этиб, Радхаранини излашга кетди. Уни ҳеч қардан тополмай, У қаттиқ изтиробга тушди. Шундай қилиб, маълум бўладики, Кришна ҳатто барча гопилар даврасида ҳам Ўзининг лаззатланиш қувватидан фойдалана олмаган, лекин Радхаранининг ёнида У ҳамиша тўла мамнуният ҳосил қилган.

Рамананда Рай Радхарани билан Кришнани орасидаги ана шу илоҳий муҳаббатини таърифлаб гапирганида Парвардигор Чайтанья шундай деди: "Мен сенинг олдингга Радха билан Кришнанинг ўзаро илоҳий ишқий муносабатларини тушуниш учун келган эдим, сен уларни ажойиб таърифлаб берганингдан кейин энди Мен жуда мамнунман. Сенинг гапларингдан тушуниб олдимки, мана шу Радха билан Кришнанинг энг юксак ишқий ҳолатидир". Шунга қарамай Парвардигор Чайтанья Рамананда Райдан Унга яна бирор нарсани тушунтириб беришни илтимос қилди: "Кришна билан Радхаранининг илоҳий аломатлари қандай, Уларнинг ўзаро ишқий ҳис-туйғу алмашишларининг илоҳий аломатлари қандай, Уларнинг ўзаро муҳаббати ўзи нима? Агар сен Менга ана шуларни таърифлаб берсанг, Мен жуда хурсанд бўлардим. Сендан бошқа ҳеч ким буни таърифлашга қодир эмас".

"Мен ҳеч нарсани билмайман, - деди Рамананда Рай, - мен фақат Сен гапиришга илҳомлантирган нарсаларни айта оламан. Сен - Кришнанинг Ўзи эканингни мен яхши биламан, лекин, шунга қарамай, менинг Кришна ҳақида гапирган гапларимни тинглаб Сен чексиз лаззат оляпсан. Шунинг учун илтимос, Кришнани мукамал таърифлай олмаётганим учун мени кечир! Мен фақат Сен Ўзинг мени гапиришга илҳомлантираётган гапларни айтишга ҳаракат қиляпман".

"Мен - саннийаси-майвадиман - эътироз билдирди Чайтанья Маҳапрабху, - Мен Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилишнинг илоҳий аломатлари ҳақида ҳеч нарса билмайман. Сарвабхаума Бхаттачарьянинг улуғворлиги туфайли ақлим покланди, шунинг учун энди Мен Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилишнинг табиатини тушуниб олишга ҳаракат қиляпман. Мен Кришнани тушуна олишим учун Сарвабхаума Бхаттачарья Менга сен билан учрашишни маслаҳат берди. Бунинг устига у, Рамананда Рай - Кришнага муҳаббат дегани нима экани ҳақида бирор нарса биладиган ягона инсон деб айтди. Шунинг учун Мен Сарвабхаума Бхаттачарьянинг маслаҳати билан сенинг олдингга келдим. Шунинг учун илтимос, ҳеч иккиланмасдан Менга Радха билан Кришнанинг ўзаро муносабатларидаги энг махфий сирларни гапириб бер". Шундай қилиб, Парвардигор Чайтанья амалда Рамананда Райга нисбатан Ўзини қарам ҳолатда тутаётган эди. Бунинг жуда катта маъноси бор. Агар инсон Кришнанинг илоҳий табиатини англаб етишга жиддий интилаётган бўлса, у ҳақиқатан ҳам Кришна онгига бой кишига мурожаат қилиши лозим. Инсон ўзининг олий табақадан чиққанлиги, моддий бойлиги, дунёвий билимдонлиги ва гўзаллиги билан мағрурланмаслиги, аксинча, бунинг ўрнига улар ёрдамида Кришнани англашда юксак поғонага эришган содиқнинг ақлини ўзига жалб қилиши(марҳаматига эришишга интилиши) лозим. Ким буларнинг ҳаммаси билан Кришнани англаб етган содиқни бахтиёр қиламан деган ўй билан



унинг олдига келса, у адашади. Инсон Кришна онгидаги кишига ўзини камтар тутган ҳолда мурожаат қилиши ва унга ўринли саволлар бериши лозим. Агар киши Кришна онгидаги содиқнинг олдига фақат унга ўзининг дунёвий мартабасини кўз-кўз қилиш учун борса, Кришнанинг улуғвор содиғи унга ҳеч қандай ёрдам бера олмайди. Ўзига бино қўйган, унга нисбатан ҳасад, душманлик кайфиятида бўлган киши Кришнани англаб етган содиқдан ҳеч қандай манфаат кўра олмайди. У ўзининг моддий, дунёвий онгида қолиб кетаверади. Гарчи Парвардигор Чайтанья олий брахманлар табақасидан чиққан ва саннийаси сифатида баркамолликнинг олий поғонасида турган бўлса ҳам, Ўзининг хулқ-атвори билан У, ҳатто юқори мартаба эгаллаб турган киши ҳам, гарчи Рамананда Рай оилали киши ва жамиятдаги мартабасига кўра брахмандан паст турса ҳам, ҳеч иккиланмасдан Рамананда Райдан сабоқ олиши лозимлигини кўрсатди.

Бу билан Парвардигор Чайтанья аниқ кўрсатиб бердики, самимий шогирд ҳеч қачон руҳий устози қандай оилада туғилганига эътибор бермайди, руҳий устози брахман оиласида туғилганми ё кшатрий оиласида, саннийасими у ё брахмачарийми ёки бошқа бировми, унга барибир. Одамларга Кришна ҳақидаги илми ўргатишга қодир бўлган ҳар қандай одамни руҳий устоз, гуру ўрнида қабул қилиш лозим.

## 31-боб.

### Баркамолликнинг олий поғонаси

Инсон қандай ҳолатда бўлишидан, жамиятда қандай мартаба эгаллаб турганидан қатъий назар, агар Кришна ҳақидаги илми, яъни Кришнани англаш илмини яхши билса, у одамларга мана шу илми ўргатувчи ва уларга руҳий ҳаётга фотиҳа берувчи руҳий устоз бўла олади. Бошқача қилиб айтганда, агар инсон Кришна ҳақидаги илмдан, Кришнани англаш илмидан етарлича илмга эга бўлса, у ҳақиқий руҳий устоз бўла олади. Бу унинг жамиятдаги обрўсига ёки ижтимоий келиб чиқишига мутлақо боғлиқ эмас. Чайтанья Махапрабхунинг хулосаси ана шундай, бу хулоса Ведаларнинг кўрсатмаларига тўла мос келади. Мана шу хулосани тасдиқлаш учун аввалги исми Вишвамбхара бўлган Парвардигор Чайтанья Ишвара Пури деган саннийасини ўзига руҳий устоз қилиб қабул қилди. Худди шундай Парвардигор Нитйананда Прабху ва Шри Адвайта Ачарйалар ҳам ўзларига саннийаси руҳий устоз Мадхавендра Пурини танладилар. Мадхавендра Пури яна Лакшмипати Тиртха деган ном билан ҳам машҳур эди. Бошқа буюк ачарйа Расикананда, гарчи Шри Шйамананда брахман оиласида туғилмаган бўлса ҳам, уни ўзига руҳий устоз сифатида қабул қилди. Худди шундай Ганганарайана Чакраварти ҳам Нароттама дас Тхакурни ўзининг руҳий устози қилиб танлади. Қадимда ҳатто Дхарма деган бир овчи бўлган ва у жуда кўп кишилар учун руҳий устоз бўлган. "Махобҳорат" ва "Шримад Бхагаватам"(7.11.32)да айтилганки, инсон брахман, кшатрий, ваишйа ёки шудра оиласида туғилган бўлса ҳам, унинг ижтимоий келиб чиқишига

эмас, балки унинг шахсий сифатларига қараб муносабат билдириш лозим.

Инсоннинг мартабаси унинг келиб чиқишига қараб эмас, балки шахсий сифатларига қараб аниқланиши лозим. Масалан, агар инсон брахман оиласида туғилган бўлса-ю, лекин шудранинг сифатларига эга бўлса, унга худди шудралардай муносабатда бўлиш лозим. Аксинча, агар инсон шудра оиласида туғилган бўлса-ю, лекин брахман фазилатларига эга бўлса, уни худди брахманлардай ҳурмат қилиш лозим. Шастраларнинг барча кўрсатмалари ва буюк донишмандлар ва ишончли зотлар тасдиқлайдиларки, ҳақиқий руҳий устоз албатта брахман бўлиши шарт эмас. Унинг фақат битта асосий сифати бўлиши лозим: Кришна ҳақидаги илми, Кришнани англаш илмини билиши керак. Ҳақиқий руҳий устоз бўлиш учун битта шунинг ўзи кифоя. Чайтанья Махапрабхунинг Рамананда Рай билан қилган суҳбати чоғида чиқарган хулосаси шундай.

"Хари-бхакти-виласа"да айтилганки, агар бир руҳий устоз брахман оиласида туғилган бўлса, у билан тенг илмга эга бошқаси эса, шудра оиласида туғилган бўлса - брахман оиласида туғилган брахманни руҳий устоз қилиб танлаш лозим. Бу маслаҳат шунчаки ижтимоий фикрга ён босиш бўлиб, руҳий нуқтаи назарга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу кўрсатма ижтимоий мартаба руҳий мартабан муҳимроқ деб ҳисоблайдиган кишилар учун мўлжалланган. Унинг руҳий юксалишга жиддий интилиб юрган кишиларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Жиддий киши Чайтанья Махапрабхунинг насиҳатини қабул қилади: ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар Кришна ҳақида илмга эга бўлган кишига руҳий устоз сифатида муносабат билдириш лозим. "Падма пурана"да жуда кўп кўрсатмаларда тасдиқланадики, Парвардигорнинг руҳий юксалишининг юксак поғонасида турган улуғвор содиғи ҳамиша биринчи синф содиқ хизматкор, яъни руҳий устоз ҳисобланади, аксинча, брахман оиласида туғилган ва жамиятда юқори мартаба эгаллаб турган киши, агар Парвардигорнинг содиқ хизматкори бўлмаса, руҳий устоз бўла олмайди. Брахман оиласида туғилган киши ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган урф-одатларни яхши билиши мумкиндир, лекин агар Парвардигорнинг асл содиғи бўлмаса, у руҳий устоз бўла олмайди. Барча шастралар шунини яқдиллик билан тасдиқлайдиларки, ҳақиқий руҳий устознинг энг асосий сифати - Кришна ҳақидаги илми билишидир.

Шунинг учун Парвардигор Чайтанья Рамананда Райдан ҳеч иккиланмасдан, Ўзи саннийаси эканига эътибор бермасдан Уни ўргатишда давом этишни илтимос қилди. Парвардигор Чайтанья у Радха ва Кришнанинг эрмаклари ҳақидаги гапларини давом эттиришни илтимос қилди.

"Сен Ўзинг мендан Радха ва Кришнанинг эрмаклари ҳақида гапириб беришни илтимос қилаётганинг учун мен Сенинг амрингга бўйсунман. - деди Рамананда Рай, итоаткорлик билан. - Мен Сен истаганча гапирман". Шу тариқа Рамананда Рай худди Унинг қўлида кўғирчоқдай, камтарин ҳолда Парвардигор Чайтаньянинг амрига бўйсунди. Унинг ягона истаги - Чайтанья Махапрабху истагандай ўйнашдан иборат эди. У ўзининг тилини торли мусиқа асбобига қиёсларди: "Сен мана шу асбобни чаласан". Парвардигор Чайтанья ча-

лиши, Рамананда Рай эса - товушлар чиқариши лозим эди.

Рамананда Рай айтдики, Парвардигор Кришна - Худонинг Олий Шахси, Парвардигорнинг барча инкарнацияларининг манбаи ва барча сабаблар сабабчиси. Сон-саноксиз кўп Ваикунтха сайёралари бор, Парвардигорнинг сон-саноксиз кўп инкарнациялари ва экспансиялари бор, шунингдек, сон-саноксиз коинотлар бор, ана шуларнинг ягона манбаи Парвардигор Кришна ҳисобланади. Унинг илоҳий танаси мангулик, илм ва лаззатдан иборат. У Нанда Махаражнинг ўғли ва Голока-Вриндаванда яшайдиган бола сифатида машҳур. У олти фазилатнинг мукамал соҳиби: бутун бойлик, кучкудрат, шон-шухрат, гўзаллик, илм ва боғланмаслик. "Брахма-самхита"(5.1)да тасдиқланадики, Кришна - ягона Парвардигор, барча ҳукмдорлар ҳукмдори, Унинг илоҳий танаси *сач-чид-ананда*. Ҳеч ким Кришнанинг манбаи эмас, лекин Кришна - ҳаммининг, бутун борлиқнинг манбаи. У - барча сабабларнинг олий сабабчиси ва Вриндаванда яшайди. Шунингдек У Купидон сингари жуда мафтункор ва унга *кама-гайатри* мантриси ёрдамида сиғиниш мумкин.

"Брахма-самхита"да Вриндаван замини мангу руҳий табиатга эга деб таърифланади. Ана шу руҳий салтанатда гопи деб аталадиган равақ фаришталари яшайди. Уларнинг ҳаммаси Кришнанинг севгилилари, Кришна - ана шу гопиларнинг ягона маъшукаси. Ана шу салтанатда ўсадиган дарахтлар калпа-врикша, яъни "орзулар дарахти" деб аталади ва улар инсоннинг ҳар қандай истагини амалга оширади. У жойда ер фалсафа тошидан тўшалган, сув ўрнида ширин нектар оқади. У ерда ҳар бир сўз - кўшиқ, ҳар бир кадам - рақс, у ерда яшайдиган зотлар ҳеч қачон найдан ажралмайдилар. У жойда ҳамма нарса худди бу дунёдаги қуёш сингари ўзидан нур таратиб туради. **Тирик мавжудотнинг инсон танасидаги ҳаёти ана шу илоҳий салтанат - Вриндаванни англаб етиш учун мўлжалланган**, омади келган ақл-заковатли инсонлар калбида ана шу салтанат ва унинг аҳолиси ҳақидаги илмни ривожлантириши лозим. Ана шу олий даргоҳда елинидан оққан сут билан ҳамма жойни ҳўллаб юрадиган *сурабхи* деб аталадиган сигирлар бор. Бу салтанатда бир лаҳза вақт ҳам бекорга сарфланмагани туфайли, у жойда ўтмиш ҳам, ҳозир ҳам, келажак ҳам йўқ. Парвардигор Кришнанинг олий даргоҳи бўлган ана шу Вриндаваннинг экспансияси мана шу биз яшаётган Ер сайёрасида ҳам бор, энг яхши содиқлар унга олий даргоҳ сифатида сажда қиладилар. Лекин, руҳий илмнинг, Кришнани англаш илмининг чўққисига кўтарилмай туриб, ана шу салтанатнинг муносиб кадрига етиш амри маҳол. Ҳаёт ҳақида ҳали моддий тасаввурга эга бўлган оддий инсонлар кўзига Вриндаван оддий қишлоқ бўлиб кўриниши мумкин, лекин улуғвор содиқнинг назарида у азалий Вриндавандан мутлақо фарқ қилмайди. Бир буюк авлиё зот шундай куйлайди: "Вриндаван асл ҳолида қандай бўлса, шундайлигича кўра олишим учун қачон менинг ақлим барча иллатлардан покланар экан? Радха ва Кришнанинг илоҳий эрмакларини англаб ета олишга қодир бўлишим учун қачон мен Госвамиларнинг китобларини тушуна олар эканман?"

Кришнанинг Вриндаванда гопилар билан бўладиган ўзаро ишқий муносабатлари ҳам илоҳий табиатга эга. Улар худди бу оламдаги ёшлар орасидаги

ишқий муносабатларга ўхшаб кетади, лекин, улар орасида чексиз катта фарқ бор. Моддий оламда шахвоний эҳтирос озгина вақтга уйғонади, талаби қондирилгандан кейин эса, у йўқолиб кетади. Руҳий оламда гопиларнинг Кришнага бўлган муҳаббати ҳамиша кучайиб боради. Илоҳий муҳаббат дунёвий эҳтиросдан ана шуниси билан фарқ қилади. Моддий танадан чиқадиган эҳтирос, яъни ғофил одамлар тилида **муҳаббат** деб аталадиган туйғу худди тананинг ўзи сингари ўткинчи, вақтинча бўладиган нарса. Аммо мангу руҳдан руҳий оламда чиқадиган муҳаббат руҳий табиатга эга ва ана шу муҳаббат туйғуси мангу. Шунинг учун Кришнани мангу ёш Купидон деб атайдилар.

Парвардигор Кришнага *гайатри-мантра* воситасида сажда қиладилар, Кришнага сиғиниш воситаси бўлган ана шу мантра *кама-гайатри* деб аталади. Ведавий муқаддас китобларда тушунтирилганки, инсонни ҳар хил хом-хаёллардан халос этиб, улуғвор пок поғонага кўтаришга қодир бўлган товуш тебранишлари *гайатри* деб аталади. *Кама-гайатри* мантриси 24,5 бўғиндан таркиб топган:

*клим кама-девайа видмахе  
тушпа-банайа дхимахи  
танно "нангаҳ прачодайат*

Шогирд Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишда маълум муваффақиятга эришганида руҳий устозидан мана шу мантрани олади. Бошқача қилиб айтганда, руҳий устоз шогирдининг руҳий илм эгаллашда анча муваффақиятга эришганини кўрганида у шогирдига гайатри-мантрасини ҳамда *самскара*, ҳақиқий брахманликка фотиҳа беради. Лекин, ҳатто шунда ҳам маълум бир вазиятларда *кама-гайатри* мантрасини такрорламаслик керак. Ҳар ҳолда **руҳий юксалишнинг энг юксак поғонасига эришиш учун Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишнинг ўзи мутлақо кифоя**.

"Брахма-самхита"да Кришнанинг найи ажойиб таърифланган: "Кришна Ўзининг найини чалганида унинг оҳанглари Браҳманинг қулоғига ведавий мадҳия, *оум* мантриси бўлиб етиб борди". Ана шу *оум* мантриси уч ҳарф - А, У ва Мдан таркиб топган бўлиб, бизларнинг Парвардигор билан ўзаро муносабатимизни, бизларга Худога муҳаббатнинг энг комил даражасига эришишда ёрдам берадиган фаолиятни ҳамда руҳий поғонадаги ҳақиқий муҳаббат поғонасини билдиради. Кришнанинг най наволари Браҳманинг оғзидан чиққанида у *гайатри* мантрасига айланади. Шу тарзда Кришнанинг най наволари таъсири остида яралган олий зот ва бу моддий оламдаги биринчи тирик мавжудот брахманликка фотиҳа олган эди. Тангри Браҳманинг Кришнанинг найдан брахманликка фотиҳа олганини Шрила Джива Госвами ҳам тасдиқлайди. Кришнанинг най наволари таъсирида руҳий ўзлигини англаб етган Браҳма барча ведавий илмларни англаб етди. Кришнанинг кўрсатган бу марҳаматидан илҳомланган Тангри Браҳма барча тирик мавжудотларнинг руҳий устози бўлди.

*Гайатри* мантрасига қўшилган *клим* ибораси "Брахма-самхита"да кама-гайатрининг уруғи, яъни Худога муҳаббатнинг уруғи деб тушунтирилади. Севиш керак бўлган Зот - Кришна, мангу ёш Купидон, Унга *клим* мантрасини такрорлаш билан сиғинадилар. "Гопал-танани Упанишад"да ҳам тасдиқланадики, Криш-

нани Купидон деб атаганларида, Уни бу моддий оламдаги Купидон(севги фариштаси) деб тушунмаслик керак. Аввал айтганимиздай, Вриндаван - Кришнанинг рухий салтанати, Купидон ибораси ҳам рухий ва илоҳий табиатга эга. Кришна билан моддий оламдаги Купидонни бир бирига тенглаштириб бўлмайти. Моддий оламдаги Купидон ташқи тананинг мафтункорлигининг тимсоли ҳисобланади, рухий Купидон эса - алоҳида рухларни мафтун қиладиган Олий Рухнинг жозибаторлигидир. Аслида, эҳтирос ва жинсий алоқа рухий ҳаётда ҳам мавжуд, лекин илоҳий табиатга эга бўлган рух моддий унсурлар ичига кириб қолганида, ана шу рухий интилиш моддий тана орқали акс этади, шунинг учун бошланғич туйғунинг бузилган акси ҳисобланади. Инсон Кришнани англаш илмини ҳақиқатан ҳам чуқур ўзлаштириб олганида у моддий жинсий алоқанинг жирканч эканини, рухий жинсий алоқа эса, ширин, ёқимли эканини тушуниб етишга қодир бўлади.

Рухий жинсий алоқанинг икки тури бор: биттаси рухнинг бошланғич ҳолати билан, иккинчиси эса - у севадиган Зот(маъшуқа) билан шартланган бўлади. Инсон ҳаёт ҳақидаги мана шу ҳақиқатни билиб олган бўлса, лекин ҳали моддий иллатлардан бутунлай покланмаган бўлса, гарчи у рухий ҳаётни тушунишга қодир бўлса ҳам, аслида ҳали у илоҳий даргоҳга, Вриндаванга эришмаган бўлади. Лекин, моддий тананинг шахвоний эҳтиросларидан халос бўлиб, у ҳақиқатан ҳам энг олий даргоҳ Вриндаванга эриша олади. Ана шундай ҳолатга эришганида у *кама-гайатри* ва *кама-биджани* зикр қила олади.

Кейин Рамананда Рай айтдики, Кришна аёллар учун ҳам, эркаклар учун ҳам, кўзгалувчан тирик мавжудотлар учун ҳам, кўзгалмас тирик мавжудотлар учун ҳам - умуман барча тирик мавжудотлар учун бир хилда жозибатор, мафтункор. Шу боис Уни илоҳий Купидон деб атайдилар. Шундан кейин Рамананда Рай "Шримад Бхагаватам"(10.32.2)дан бир шеърни мисол кедтирди, унда айтилганки, Кришна юзида табассум билан, Ўзининг найини чалиб, Ваджаллик гопилар олдида пайдо бўлганида, У худди Купидонни эслатарди.

Ҳар хил мойилликларга эга ҳамда Парвардигор билан ўзаро турли муносабатларда бўлган содиқларнинг ҳар хил тоифалари бор. Парвардигор билан бўлган ана шу ўзаро муносабатларнинг ҳаммаси яхши, чунки уларнинг марказида Кришна ётади. "Бхакти-расамрита-синдху"да айтилганидек: "Кришна - барча лаззатлар манбаи. У Ўзининг танасидан таралиб турган рухий ёғду билан ҳамиша гопиларни мафтун этади. Кришна айниқса Тарака, Пали, Шйама ва Лалита учун жуда мафтункор. Кришна гопилар ичида биринчиси Шримати Радхарани учун жуда азиз. Гопилар Кришнанинг эрмакларини ҳам худди Кришнанинг Ўзидай олқишлайдилар". Кришна билан бўладиган ўзаро муносабатларнинг ҳар хил турлари мавжуд, ана шу муносабатларнинг бирортасига боғланган ҳар қандай омадли инсон ҳар қандай олқишга муносиб бўлган шарафли зотдир.

Кришна шунчалик ажойиб, илоҳий ва мафтункорки, баъзан ҳатто Унинг Ўзи ҳам Ўзига мафтун бўлиб қолади. "Гита-говинда"(1.11)да шундай шеър бор: "Эй азиз дўстим, қара, Кришна баҳорда Ўз танасининг гўзаллигини ҳар тарафга таратиб, Ўзининг илоҳий

эрмакларидан қанчалик лаззатланиб юрибди. Унинг ажойиб ойни эслатадиган нозик оёқлари ва қўллари баъзан гопиларнинг танасига тегиб кетади. Кришна уларнинг танасининг ҳар хил қисмларини кучоқлаганида жуда гўзал кўриниб кетади. Кришна шунчалик жозибаторки, ҳатто Нарайанани ҳам, Нарайана билан бирга юрган равнақ фариштасини ҳам ўзига мафтун этади".

"Шримад Бхагаватам"(10.89.58)да Бхума-пуруша(Маха-Вишну) Кришнага шундай дейди: "Азизларим Кришна ва Аржун, мен фақат сизларнинг дийдорингизни кўриш учун брахманнинг ўғилларини олиб кетган эдим". Аржун Дваракада бевақт ўлган бир неча ёш болани қутқаришга уринган эди. Бу иш унинг қўлидан келмагандан кейин, Кришна уни Бхума-пурушанинг олдига олиб келди, Бхума-пуруша ёш болаларни тирилтирганида, У шундай деди: "Сизларнинг иккинчиси ҳам дин қонунларини ҳимоя қилиш ҳамда иблисларни яқсон қилиш учун ер сайёрасига келдинглар". Бошқача қилиб айтганда, Бхуми-пуруша ҳам Кришнанинг гўзаллигига мафтун бўлиб қолган ва бу хийлани шунчаки Кришнанинг жамолини бир марта кўриш учун ўйлаб топган эди. "Шримад Бхагаватам"(10.16.36)да ҳикоя қилинадики, Кришна илон Калияни жазолагандан кейин, унинг хотинларидан бири Кришнага шундай деди: "Эй азиз Парвардигор, Ҳатто равнақ фариштаси ҳам Сени бир марта кўриш учун бир неча йиллар давомида риёзат чеккан бўлса, қандай қилиб мана шу пасткаш илон Сенинг нилуфар қадамлари пойи остида бўлиш бахтига муяссар бўлганини бизлар сира тушуна олмаяпмиз".

Қандай қилиб Кришнани Ўзининг гўзаллиги мафтун қилиши Лалита Мадхава(8.34)да ёзилган. Ўзининг тасвирини кўриб Кришна хайратга тушиб шундай хитоб қилди: "Қандай ажойиб сурат! У мени ҳам худди Шримати Радхаранини мафтун қилгандай мафтун қилиб кўйди".

Кришнанинг гўзаллигини қисқача таърифлаб бўлгандан кейин Рамананда Рай Кришнанинг Шримати Радхарани бошқарадиган рухий қуввати ҳақида гапира бошлади. Кришна чексиз қувватлар экспансиясига эга, улар орасида мана шу уч қувват устивор туради: ички, ташқи ва оралиқ. Бу "Вишну Пурана"нинг олтинчи бобида тасдиқланади, унда айтилганки, Вишнунинг рухий қуввати деб аталадиган битта қуввати бор, у ҳар хил уч усулда намоён бўлади. Рухий қувватни ғофиллик қоплаб олганида у оралиқ қувват деб аталади. Бевосита рухий қувватнинг ўзи уч кўринишда намоён бўлади, чунки Кришна мангулик, илм ва лаззат бирикмасидир. Унинг лаззатига келсак, Унинг рухий қуввати лаззатлантирувчи қувват сифатида намоён бўлади. Унинг мангулик кўриниши қувват шаклида намоён бўлади, Кришнанинг илм аспекти эса, - рухий баркамоллик сифатида намоён бўлади. Бу "Вишну Пурана"да тасдиқланади(1.12.69): **"Илоҳий лаззат ва роҳатни Кришнага Унинг лаззатланиш қуввати беради"**. Шунинг учун Кришна лаззатланишни истаса, У Ўзининг *хладини* деб аталадиган рухий қувватини намоён этади.

Ўзининг рухий қиёфасида Кришна рухий қувватидан лаззатланади, Радха-Кришна эрмакларининг бутун моҳияти ана шундан иборат. Бу эрмакларни фақат улуғвор содиқлар тушуна оладилар. Радха-

Кришнанинг эрмакларини дунёвий нуқтаи-назардан тушуниб олишга уринмаслик керак. Одатда одамлар уларни дунёвий ўйинлар деб нотўғри тушунадилар.

Парвардигорнинг лаззатланиш қуввати яна ҳам куюклаша борганида у *маха-бхава* деб аталади. Парвардигор Кришнанинг мангу рафикаси Шримати Радхарани ана шу *маха-бхава* тимсоли ҳисобланади. "Уджвала-ниламани"(4.3)да Шрила Рупа Госвами шундай дейди: "Кришнага муҳаббат талашиб юрган икки рақиб бор: Радхарани ва Чандравали. Уларни тенглаштирганда Радхарани Ўз рақибдан устун бўлиб чиқади, чунки У *маха-бхава* сварупага эга. *Маха-бхава сварупа*, яъни *маха-бхава* тимсоли иборасини фақат Шримати Радхаранини ифодалашда ишлатиш мумкин. *Маха-бхава* лаззатланиш қувватига тўла ва Кришнага бўлган олий муҳаббат тимсолидир. Шунинг учун Шримати Радхарани бутун оламда Кришнани ҳаммадан кўп севадиган гопи сифатида машхур, Унинг номи эса, Радха-Кришна сифатида ҳамиша Кришна билан боғланган.

"Брахма-самхита"(5.37)да ҳам айтилганки, Кришна Ўзини руҳий оламда лаззатланиш қуввати ёрдамида тарқатади, Унинг ана шу қувватларининг ҳаммаси Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Гарчи Кришна ҳамиша Ўзининг лаззатланиш қувватининг экспансиялари даврасида лаззатланиб юрса ҳам, У ҳамма жойга сингиб кетган. Шунинг учун Браҳма барча сабаблар сабабчиси бўлган Говинда олдида эҳтиром билан сажда қилади.

Кришна руҳий баркамолликнинг олий тимсоли бўлгани сингари, Шримати Радхарани ҳам Кришнага лаззат берадиган руҳий лаззатланиш қувватининг олий тимсолидир. Кришна чексиз бўлгани туфайли, Унга лаззат келтириш учун Шримати Радхарани ҳам чексиз. Кришна шунчаки Шримати Радхаранига нигоҳ ташлашдан лаззат олади, аммо Шримати Радхарани Ўзини шундай кўпайтирадики, Кришна яна ҳам кучлироқ лаззатланишни истайди. Кришна Радхаранининг лаззатланиш қувватини охиригача тотиб кўра олмагани сабабли, У Ўзи Радхарани ролини ўйнашга қарор қилди, Кришнанинг Радхарани билан ана шундай бирлашиши - Шри Чайтанья Махапрабху ҳисобланади.

Кейин Рамананда Рай Шримати Радхаранини Кришнанинг лаззатланиш манбаи сифатида таърифлай бошлади. Радхарани Ўзини Лалита, Вишакха ва Ўзининг бошқа яқин дугоналари қиёфасида кўпайтириб тарқатади. Ўзининг "Уджвала ниламани" асарида Шрила Рупа Госвами Шримати Радхаранининг сифатларини таърифлаб берган. У айтадики, Радхаранининг танасининг ўзи илоҳий лаззатнинг ҳақиқий юксак чўққисидир. Унинг гуллар билан безатилган ва муаттар ҳид таратиб турган танаси Кришнага илоҳий муҳаббат билан тўла. Мана шу Унинг лаззатланиш қувватидир. Ана шу илоҳий тана уч марта ювилади. Биринчи марта - меҳрибонлик сувларида, иккинчи марта - ёшлик гўзаллиги сувларида, учинчи марта - бегубор, ажойиб ёшлик сувларида. Шу тарзда уч марта ювилгандан кейин Унинг танаси порлаб турган либослар билан ўралади ва Кришнанинг атир-упага қиёсланадиган шахсий гўзаллиги билан безанади. Шунинг учун Унинг гўзаллиги энг юксак санъат асари тимсолидир. Шунингдек, Унинг танасини руҳий лаззатнинг титроқ, кўз ёшлари, тер, ҳаяжон, илоҳий лаззатдан бутунлай карахт бўлиб қолиш, тили тугулиб қолиши, қон босими ошиши ва аклини йўқотиш сингари аломатлари безаб туради.

Лаззатланишнинг безовчи қуввати тўққиз белгида намоён бўлади. Уларнинг бештаси Унинг гулчамбарлар билан безанган илоҳий танасининг кўпайиб тарқалишида намоён бўлади. Унинг ўзгармас хотир-жамлиги худди камфара билан ювилган либосларга қиёсланади. Унинг сочларидаги тугун - Унинг Кришнадан ҳижрон азобида яширин изтироб чекиш тимсолидир, Унинг пешонасидаги тилакаси - Унинг омади тимсоли. Радхаранининг кулоқлари ҳамиша Кришнанинг олқишларига ва Унинг номларига қаратилган. Худди бетель ёнғоғини чайнашдан лаблар қизаргани сингари, Унинг Кришнага қаттиқ боғлангани таъсиридан Радхаранининг кўзларининг четлари қорайиб кетган. Бу қора рангни Радха-Кришна билан ҳазиллашганда табиатнинг ўзи суриб қўядиган балзамга қиёслаш мумкин. Шримати Радхаранининг табассуми - камфаранинг ширин таъмини эслатади. У муаттар хонасида мағрурлик тўшагига ўтирганида ҳижрон гулчамбари танасидан тушиб кетади. Кришнага нисбатан бўлган жазавали муҳаббати ва қаттиқ боғланиши туфайли Унинг кўкси ғазаб пардаси(блузка???) билан тортилган. Кришнанинг дугоналари орасида энг яхшиси сифатида У Ўзининг торли асбобида мусика чалади. Кришна Ўзининг ёшларга хос қоматининг уч жойини чиройли букиб турганида Ўзининг қўлини Шримати Радхаранининг елкасига ташлайди. Гарчи Шримати Радхарани шунча кўп илоҳий сифатларга эга бўлса ҳам, У ҳамиша Кришнага садоқат билан хизмат қилиш билан машғул.

Шримати Радхарани ҳамиша баъзан изтироб, баъзида эса - мамнуният сифатида намоён бўладиган *суддинта-самтвика* туйғулари безаб туради. Шримати Радхаранининг танасида илоҳий жазаванинг барча турлари намоён бўлади. *Суддинта-самтвика* туйғулари шундай пайтда намоён бўладики, бунда севган кишининг ҳис-туйғулари муҳаббатга шунчалик фарқ бўлиб кетадики, у ўзини бошқара олмай қолади. Шримати Радхарани *килакинчита* деб аталадиган, ҳар хил 20 турли усулда намоён бўладиган бошқа ҳис-туйғуларга ҳам эга. Қисман бу туйғулар тана, ақл ва мойилликлар туфайли юзага келади. Тананинг туйғулари тананинг ҳолати ва ҳаракатларида намоён бўлади. Ақлнинг туйғулари гўзаллик, жилва, юзнинг ранги, ҳиди, нутқ, саховат ва сабрда намоён бўлади. Мойилликнинг туйғуси эрмаклар, лаззатлар, тайёрлик ва унутувчанликда намоён бўлади.

Шримати Радхаранининг пешонасида омад тилкаси қўйилган. Унинг *према-ваичиттия* деган маржони ҳам бор. *Према-ваичиттия* севишганлар бир бири билан яна ажралиб кетишидан кўрқув туйғуси остида учрашганда пайдо бўлади.

Шримати Радхарани Кришнадан 15 кунлик кичкина, У ҳамиша Ўзининг қўлини дугоналари елкасига қўйиб туради, ҳамиша Кришна билан ўйнаш ҳақида ўйлайди, гапиради. У ҳамиша Кришнага Ўзининг кишини маст қиладиган ширин сўзларидан ичиради ва У ҳамиша Кришнанинг истагини бажаришга тайёр туради. Бошқача қилиб айтганда, У Шри Кришнанинг барча талабларига тўлиқ жавоб беради, Кришнани мамнун қиладиган тенгсиз сифатларга эга.

"Говинда-лиламрита"да бир шеър бор, унда шундай дейилган: "**Кришнанинг муҳаббат ниҳоли униб чиқадиган тупроқ ким? Бунга жавоб фақат битта - у фақат Шримати Радхика. Кришна ҳаммадан кўра**

**кўпроқ кимни севади? Жавоб битта - Шримати Рахикани, бошқа ҳеч кимни эмас!"** Сочларнинг ярқираши, кўзларнинг намлиги, кўкракларнинг таранглиги - буларнинг ҳаммаси Шримати Радхиканинг сифатлари. Фақат Шримати Радхика Кришнанинг ҳар қандай истакларини бажара олади. Бунга бошқа ҳеч ким қодир эмас.

Сатйабхама - Шримати Радхаранининг яна бир рақиби, лекин у ҳамиша Шримати Радхаранига тенглашишга интилади. Шримати Радхарани барча ишларда шунчалик моҳирки, Враджданинг ҳамма қизлари Униқига келиб ундан моҳирлик сирларини ўрганадилар. У шунчалик чиройлики, ҳатто равнақ фариштаси ҳамда Тангри Шиванинг рафиқаси Парвати ҳам Униқидай гўзалликка эга бўлишга интиладилар. Коинотдаги энг покдомон аёл ҳисобланган Арундхути Шримати Радхаранидан покдомонликни ўрганишга интилади. Ҳатто Парвардигор Кришнанинг Ўзи ҳам Шримати Радхаранининг барча илоҳий сифатларини англаб етишга ва баҳолашга қодир бўлмагани туфайли бу иш оддий одамларнинг бирортасининг қўлидан келмайди.

Рамананда Райдан Радха-Кришнанинг сифатлари ҳақидаги гапларни тинглаб туриб, Парвардигор Чайтанья Уларнинг ўзаро муҳаббати ҳақида ҳам тинглашни истади. Рамананда Рай Кришнани *дхира-лалита* деб атади, бу ибора ҳамиша ёш, чиройли, ҳазилкаш, шўх, ҳеч қачон ташвишланмайдиган ҳамиша ўзининг дугоналарига бўйсунадиган йигитни билдиради. Кришна ҳамиша Радхарани билан бирга ишқий эрмаклар билан машғул бўлиб юради, У билан ана шундай ўйинларни ўтказиш учун Вриндаван бутазорларидан фойдаланади. Шу тарзда У Ўзининг ишқий лаззатларга бўлган талабини қондириб лаззатланади. "Бхакти-расамрита-синдху"да айтилганки, "Кришна ўзаро жинсий муносабатлар ҳақидаги Ўзининг ўткир, таъсирли ва уятли гаплари билан Шримати Радхаранини уялтириб, кўзларини юмиб олишга мажбур қилди, бундан фойдаланиб Ўзи Унинг кўксига ҳар хил расмлар чизиб ташлади. Унинг бу чизган расмлари Радхаранининг дугоналарининг турли ҳазил гапларига баҳона бўлди. Шундай қилиб, Кришна ҳамиша ишқий эрмаклар билан машғул бўлиб юрарди. У Ўзининг ёшлик даврини шу тарзда муваффақият билан ўтказди".

Бу илоҳий кароматлар ҳақида тинглаб туриб, Парвардигор Чайтанья шундай деди: "Азизим Рамананда, сенинг Шри Радха ва Кришнанинг илоҳий эрмаклари ҳақида айтган гапларининг ҳаммаси аниқ ҳақиқат. Лекин барибир, Мен сенинг оғзингдан тинглагим келадиган бир нарса қолиб кетяпти".

"Бундан ҳам юксакроқ мавзуда бирор нарса дейиш мен учун жуда қийин, - деди Рамананда Рай, - яна айтишим мумкинки, ҳис-туйғуларнинг *према-виласа-виварта* деб аталадиган фаолияти бор, мен буни Сенга тушунтиришга ҳаракат қилишим мумкин, лекин, билмадим, бу Сенга ёқадими-йўқми?" Према-виласада ички туйғуларнинг икки турли фаолияти бор: ҳижрон ва учрашув. Илоҳий ҳижрон шунчалик қаттиқ ички кечинмаларни юзага келтирадики, ҳатто учрашувдан ҳам кучлироқ жазавали лаззат келтиради. Рамананда Рай Радха билан Кришнанинг ўзаро бундай улуғвор ишқий муносабатларининг мазмун-моҳиятини шунчалик чуқур тушуна оларди, шу боис у ажойиб бир қўшиқ ёзиб уни Парвардигор Чай-

таньяга кўрсатди. Унинг маъноси шундай: Севишганларда учрашув олдидан уларнинг илоҳий ҳаракатлари натижасида юзага келадиган маълум бир ички ҳис-туйғулар пайдо бўлади. Ана шу ҳис-туйғулар *рага*, яъни боғланиш(влечение, ёқтириш) деб аталади. Шримати Радхарани Кришнага Ўзининг тайёрлигини билдирди: "Бизларнинг бир биримизга боғланишимиз ва муҳаббатимиз энг юқори нуқтага кўтарилди". Лекин, ана шу боғланишнинг сабабчиси - Шримати Радхарани. "Бунга нима сабаб бўлишидан қатъий назар - деди Шримати Радхарани, - ана шу муҳаббат бизларни бирлаштирди. Энди, ажралиш вақти келганда Мен бу муҳаббат нимадан бошланганини ва қандай ривожланганини ҳатто эслай олмайман. Бунинг учун Бизнинг учрашувимиздан ва биринчи марта ўзаро муҳаббатга тўла нигоҳ алмашувимиздан ташқари бирор сабаб ҳам, восита ҳам йўқ эди".

Соф эзгулик гунасига кўтарилмай туриб, Кришна ва Радхарани орасидаги бундай ўзаро ҳис-туйғу алмашини тушуниб етиш жуда қийин. Бу илоҳий яқинликни ҳатто моддий эзгулик поғонасида туриб ҳам тушуниб етишнинг иложи йўқ. Буни тушуниш учун моддий эзгуликдан юқори кўтарилиш лозим, чунки Радха ва Кришнанинг ўзаро ҳис-туйғуларининг бу моддий оламдаги нарсаларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ҳатто энг буюк қуруқ сафсатабоз дунёвий файласуф ҳам буни на бевосита, на билвосита тушуна олмайди. Моддий фаолият ё кўпол моддий тана ёрдамида, ё нафис тана(ақл) ёрдамида намоён бўлади, лекин Радха ва Кришна бир бирига нисбатан ҳис қиладиган туйғулар бу дунёдаги ана шу намоён бўладиган моддий ҳис-туйғулардан ва ақлнинг ҳар қандай қуруқ сафсаталаридан устун туради. Уларни фақат бу моддий оламнинг барча атамаларидан покланган соф ҳис-туйғулар ёрдамида тушуниб олиш мумкин. Ҳис-туйғулари пок бўлган киши ана шу илоҳий сифатларни ва ўзаро муносабатларни тушунишга қодир, лекин руҳий ҳис-туйғулар ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган имперсоналистлар фақат моддий сезгилар бир биридан ажрата оладиган нарсаларни биладилар, шу боис улар ўзаро илоҳий муносабат нима эканини, ёки руҳий ҳис-туйғулар фаолияти нима эканини тушунишга қодир эмаслар. Тажриба усули ёрдамида билим олиб анча юксалган кишилар ё кўпол тананинг фаолияти билан, ё қуруқ сафсатадан иборат фикр-мулоҳазалар билан фақат ўзларининг кўпол моддий ҳис-туйғуларининг талабларини қондира оладилар. Тана ва ақл келтириб чиқарган нарсаларнинг ҳаммаси ҳамиша номукамал ва ўткинчи бўлади, илоҳий руҳий фаолият эса, ҳамиша ажойиб ва ёрқин. Соф илоҳий муҳаббат - моддий боғланишлардан пок ва бутунлай руҳий табиатга эга бўлган поклик тимсоли, намунаси дидир. Моддага бўлган боғланиш туйғуси ўткинчи, бунга моддий оламдаги жинсий алоқадан сархуш, маст бўлиш мисол бўлиши мумкин. Руҳий оламда ана шундай сархушлик, мастлик йўқ. Ҳиссий лаззатланишга эришиш йўлидаги тўсиқлар моддий мусибатларга сабаб бўлади. Лекин бу мусибатларни руҳий ҳижрон туйғуси билан тенглаштириб бўлмайди. Моддий ҳижрон бефойда ва инсоннинг ақлини хиралаштиради, аммо руҳий ҳижронда униси ҳам, буниси ҳам йўқ.

Парвардигор Чайтанья мана шу ўзаро илоҳий муҳаббатга асосланган муносабатларнинг энг юксак

поғонаси эканини маъқуллади ва Рамананда Райга шундай деди: "Фақат сенинг марҳаматинг билан Мен ана шундай улуғвор илоҳий ҳолатни тушуна олдим. Бундай ҳолатга илоҳий фаолият билан машғул бўлмай туриб эришишнинг иложи йўқ. Шунинг учун илтимос, Менга тушунтириб бер, қандай қилиб Мен ҳам ана шундай юксак илоҳий поғонага кўтарила оламан?"

"Буни Сенга тушунтириш мен учун ҳам жуда мушкул, - деди Рамананда Рай, - лекин Сен мендан тинглашни истаётган нарсаларни гапириб беришим мумкин. Сенинг олий амрингга қаршилик қилишнинг иложи йўқ. Ҳақиқатан ҳам, бутун оламда Сенинг олий амру-иродангга тўскинлик қиладиган бирор зот мавжуд эмас. Шунинг учун, гарчи буларни мен гапириб тургандай туюлса ҳам, аслида гапираётган мен эмас. Сен Ўзинг гапириб турибсан. Демак, Сен бир вақтнинг ўзида ҳам гапирувчи, ҳам тингловчисан. Шундай экан, менга ана шу энг олий илоҳий поғонага кўтарилиш учун инсон қандай амаллар қилиши ҳақида Сен нимани буюрсанг шуларни айтишга ижозат бер".

Рамананда Рай шундан кейин Радха ва Кришнанинг илоҳий амаллари ҳақида гапира бошлади. Парвардигор билан ўзаро хизматкор ва хўжайин, дўст ёки ота-она ва ўғил муносабатида бўлган содиқлар бу амалларни тушуна олмайдилар. Бу махфий сирни фақат Ваджалик қизлар билан ҳамсухбат бўлиш ёрдамида тушуниб олиш мумкин, чунки бу сирли эрмаклар ана шу қизларнинг ҳис-туйғулари ва ички кечинмалари натижасида юзага келади. Ваджалик қизлар билан яқиндан ҳамсухбат бўлмай туриб, инсон ўзининг қалбида бундай илоҳий тушунчани ривожлантира олмайди. Бошқача қилиб айтганда, Радха ва Кришнанинг сирли эрмаклари Ваджалик қизларнинг марҳамати билан ривожланган. Уларнинг марҳаматисиз ана шу илоҳий эрмакларини тушуниб олишнинг иложи йўқ. Бу эрмакларни тушуниб олиш учун инсон Ваджалик қизлар изидан бориши лозим.

Инсон Радха ва Кришнанинг ана шу сирли эрмакларини ҳақиқатан ҳам тўғри тушуниб олиш даражасига етгандан кейин унинг ўзи ҳам ана шу эрмакларда иштирок этишга муносиб бўлади. Уларнинг бу сирли эрмакларини англаб етишнинг бошқа имконияти йўқ. Бу "Говинда-лиламрита"(10.17)да тасдиқланади: "Гарчи Радха ва Кришнанинг ўзаро ҳис туйғулари ҳеч кимдан яширин бўлмаса ва ҳамиша равшан бўлса ҳам, гарчи улар ҳамиша ривожланиб борса ва чегара нималигини билмаса ҳам, уларни фақат Ваджалик қизлар ҳамда улардан ўрнак олиб, уларнинг изидан бораётган зотлар тушуна оладилар". Худди Худонинг бесабаб марҳаматисиз Парвардигорнинг руҳий қувватининг тарқалишини ҳеч ким тушуна олмагани сингари, Ваджалик қизлар изидан бормай туриб, ҳеч ким Радха билан Кришна орасидаги ўзаро илоҳий ишқий муносабатларни тушуниб олишнинг имкони йўқ. Радхаранининг энг яқин дугоналарини *сакха* деб, Унинг яқин канизақларини эса - *манжари* деб атайдилар. Уларнинг Кришна билан ўзаро муносабатларини таърифлаш жуда қийин, чунки улар Кришна билан ҳамсухбат бўлишга, У билан шахсан ўзлари лаззатланишга интилмайдилар. Аксинча, улар ҳамиша Радхаранининг Кришна билан учрашишига ёрдам беришга тайёр юрадилар. Уларнинг Кришна билан Радхаранига бўлган муҳаббати шунчалик покки, улар шунчаки Радха билан Кришнанинг

бирга эканини кўришдан ўзларини бахтиёр ҳис қиладилар. Уларнинг илоҳий лаззати фақат Радха билан Кришнани бирга кўришдан иборат. Шримати Радхаранининг асл қиёфасини Кришна дарахтини ўраб олган чирмовуққа қиёслаш мумкин, Ваджалик қизлар, Радхаранининг дугоналари эса, ана шу чирмовуқдаги гул ва баргларга ўхшайди. Чирмовуқ дарахтни кучоқлаганида унинг гул ва барглари ҳам дарахтни кучоқлайди. "Говинда-лиламрита"(10.16)да айтилганки, Радхарани - Кришнанинг лаззатланиш қувватининг экспансияси, шу ерда ҳам У чирмовуққа қиёсланган, Унинг дугоналари, Ваджалик қизлар эса, ана шу чирмовуқнинг гуллари ва баргларига қиёсланган. Радхарани билан Кришна биргаликда бир биридан лаззатланиб юрганларида Ваджалик қизлар Радхаранининг Ўзидан ҳам кўпроқ лаззат оладилар.

Гарчи Радхаранининг дугоналари ўзларига Кришнанинг шахсан Ўзи эътибор беришига интилмасалар ҳам, Радхарани улардан шунчалик миннатдорки, Кришнанинг Ваджалик қизлар билан учрашувини Унинг Ўзи уюштиради. Кришна билан Ўзининг дугоналарини учраштириш учун Радхарани ҳар хил илоҳий маккорликларни ўйлаб топади, ана шундай учрашувлардан У ҳатто Кришна билан Ўзи учрашганидан ҳам кўпроқ лаззат олади. Кришна, Радхарани ва Унинг дугоналари У билан учрашганидан лаззат олаётганини кўриб, улардан ҳам кўпроқ лаззат ола бошлайди. Ана шундай учрашувлар ва ана шундай ишқий муносабатлар гарчи моддий оламдаги эркак ва аёлнинг учрашувларига ўхшаб кетса ҳам, моддий оламдаги шахвоний эҳтиросга асосланган учрашувлардан бутунлай фарқ қилади. Фақат ана шу ўхшашлик сабабли ана шу ўзаро муҳаббат алмашувлар баъзан илоҳий эҳтирос деб аталади. "Гаутамийа тантра"(Брс.1.2.285)да шундай дейилган: "Эҳтирос ўзининг шахсий сезгиларини лаззатлантиришга боғланиш деганидир. Радхарани ва Унинг дугоналари шахсан ўзлари ҳиссий лаззатланишга интилмайдилар. Улар фақат Кришнани лаззатлантиришни истайдилар". Бу "Шримад Бҳагаватам"(10.31.19)да гопилардан биттасининг айтган гапларида тасдиқланади: "Эй азиз дўстим Кришна, ҳозир Сен ўрмон ерларини Ўзининг баъзан бизларнинг кўксимизга қўядиган нозик пойи қадамларинг билан босиб юрибсан. Сенинг пойи қадамларинг бизларнинг кўксимизда бўлганида бизларга Сенинг шу нозик оёқларинг учун кўксимиз жуда қаттиқдай бўлиб туюлади. Ҳозир Сен шу оёқларинг билан ўрмонда тошларни босиб юрибсан, бунда Сен нималар ҳис қиладиганини бизлар ҳатто билмаймиз ҳам. Бизлар учун ҳаётда энг қадри зот - Сен Ўзинг бўлганинг учун оёқларингнинг ўткир, қаттиқ тошларни босиб, озор тортаётгани бизлар учун чидаб бўлмас изтироб келтиради". Ваджалик қизларнинг мана шу сўзларида ифодаланган ҳис-туйғулар Кришна онгидаги улуғвор ҳис-туйғуларнинг асл моҳиятини акс эттиради. Кришна онги билан яшаш ҳақиқатан ҳам мафтун этган ҳар қандай инсон гопилар онгининг ана шу поғонасига яқинлашади. Худого садоқат билан хизмат қилишнинг 64 тури бор, улар билан машғул бўлиш ёрдамида инсон гопилар турган илоҳий поғонага, ҳеч нарса билан шартланмаган садоқат поғонасига кўтарилиши мумкин. Гопиларнинг Кришнага нисбатан ҳис қиладиган муҳаббати *рагануга*, табиий муҳаббат деб аталади. Инсон Кришна билан

ўзаро ана шундай табиий муҳаббат муносабатида бўлса, унинг ҳар хил ведавий қонун-қоидаларга амал қилиб юришининг умуман ҳожати йўқ.

Парвардигор Кришнанинг илоҳий даргоҳида Унинг ҳар хил тоифага мансуб шахсий содиқ хизматкорлари яшайди. У жойда масалан, Кришнанинг Рактака ва Патрака деган хизматкорлари, Шридама ва Судама деган дўстлари бор. У жойда Кришнага фақат ўзларига хос бўлган илоҳий ҳис-туйғулар асосида хизмат қилиб юрган Кришнанинг Нанда ва Ёшода деган ота-онаси бор. Кришнанинг олий даргоҳига киришга интилиб юрган Унинг ана шундай илоҳий хизматкорларидан бирининг паноҳига кириши мумкин. Кейин, Худога муҳаббат билан хизмат қилиб, у Кришнага илоҳий муҳаббат поғонасига кўтарилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу дунёда Кришнанинг мангу ҳамроҳлари изидан бориб, Худога муҳаббат билан хизмат қилиб юрган содиқ баркамолликка эришганида, у ҳам худди шу содиқлар турган поғонага кўтарилади.

Упанишадалар ва шрутиларда эслаб ўтилган донишмандлар ҳам гопилар турган илоҳий поғонага эришишга интиладилар ва ҳаётнинг мана шу олий мақсадига эришиш учун уларнинг изидан борадилар. Бу "Шримад Бхагаватам"(10.87.23)да тасдиқланади, унда айтилганки, донишмандлар сеҳрли йога билан шуғулланиш ёрдамида нафас олиш жараёнини, ақли ва ҳиссиётини бошқариб *пранайама* билан шуғулланадилар. Шу тарика улар Олий Брахманга қўшилиб кетишга интиладилар. Парвардигорнинг мавжудлигини инкор этадиган атеистлар ҳам худди шундай мақсадга эришадилар. Агар ана шундай атеистларни Худонинг Олий Шахсининг инкарнацияси ўлдирса, улар ҳам Парвардигорнинг бир аспекти бўлган Брахманнинг борлиғига қўшилиб кетадилар. Лекин, Вриндаванлик қизлар Шри Кришнага сиғинганларида, бу худди уларни илон чакқанига ўхшайди, чунки Кришнанинг танасини илон танасига қиёслайдилар. Илоннинг танаси ҳеч қачон тўғри турмайди, у ҳамиша эгри-бугри. Худди шундай Кришна ҳам, кўпинча танаси уч жойидан буюрилган ҳолатда туради, ана ша Кришна Ўзининг илоҳий муҳаббати билан гопиларни чақиб олган бўлади. Ҳеч шубҳа йўқки, гопилар сеҳрли йоглардан ва Олий Брахманга қўшилиб кетишга интилиб юрган зотлардан юқори поғонада турадилар. Дандакаранйадаги донишмандлар ҳам гопилар турган илоҳий поғонага кўтарилиш ниятида Враджалик қизлар изидан борадилар. Бундай ҳолатга шунчаки қонун-қоидаларга риоя қилиб юриш билан эришиб бўлмайди. Аниқроғи, бунинг учун инсон жиддий қатъият билан гопиларнинг қоидаларига риоя қилиб яшаши лозим. Бу "Шримад Бхагаватам"(10.9.21)да тасдиқланади, унда айтилганки, қуруқ фалсафий изланишлар қоидага риоя қилиб юрган кишининг Шримати Ёшоданинг ўғли Шри Кришнага эришиши осон эмас, лекин Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бораётган барча тирик мавжудотлар Унга осон эришадилар.

Ўзларини Чайтанья Маҳапрабҳунинг издошлари деб биладиган жуда кўп сохта-содиқлар борки, улар ҳеч қандай асоссиз равишда Враджалик қизларнинг либосларини кийиб оладилар, лекин, руҳий юксалишга эришган илоҳиёт кишилари, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини чуқур эгаллаган содиқлар бундай аҳмоқона йўлни қўллаб-қувватламайдилар. Бу одамлар

шунчаки ташки моддий танасини безайдилар, чунки ўзларининг ғофиллиги сабабли улар руҳни танадан ажрата олмайдилар. Улар Кришнанинг, Рахаранининг ва Уларнинг ҳамроҳларининг руҳий таналари моддий табиатга эга деб адашадилар. Шуни яхшилаб тушуниб олиш керакки, бу муносабатлар руҳий оламдаги илм ва лаззатга тўла мангу илоҳий эрмакларнинг экспансиясидир. Уларнинг моддий таналарга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шундай қилиб, Вриндаванлик қизларнинг таналари, либослари, тақинчоқлари ва ҳаракатлари намоён бўлган бу моддий оламга мансуб эмас. Вриндаванлик қизлар бу моддий оламда яшаб юрган одамлар боғланадиган зотлар эмас. Улар - ҳаммани Ўзига жалб қиладиган Кришна учун илоҳий эрмак(қармоқ-приманка) ҳисобланади. Парвардигорни Кришна деб атайдилар, чунки У ҳаммани Ўзига жалб этади, лекин Вриндаванлик қизлар ҳатто Кришнанинг Ўзини ҳам мафтун этадилар. Шунинг учун уларнинг бу моддий оламга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Агар инсон адашганидан моддий танасини ҳам худди руҳий танаси сингари мукамал деб ҳисобласа ва Вриндаванлик қизларга тақлид қила бошласа, у имперсонализм в майвадиларнинг нотўғри ғояларига ғарқ бўлади. Имперсоналистлар *ахам грахопасана* усулини тавсия этадилар, унда инсон ўзининг танасини Худо деб шунга сиғинади. Шундай ўйлар экан, сохта-илоҳиётчилар Враджалик қизларга ўхшаб ясашиб оладилар. Худога садоқат билан хизмат қилишда бундай амалларни қўллаш мумкин эмас. Гаудийа-сампрадаёда турган энг ишончли ачарйа Шрила Джива Госвами ана шундай тақлидчиларни қаттиқ қоралаган эди. Илоҳий ўзликни англаш жараёни Парвардигорнинг ҳамроҳлари изидан боришдан иборат. Шунинг учун **агар инсон ўзини Парвардигорнинг бевосита ҳамроҳи деб ҳисобласа, уни қоралаш керак**. Ваишнавларнинг ишончли қоидаларига кўра, инсон Кришнанинг содиқларидан бирининг издоши бўлиши ва ўзини Кришнанинг шахсий ҳамроҳи деб ҳисобламаслиги лозим.

Шундай қилиб, Рамананда Рай тушунтирдикки, инсон Враджалик қизлар руҳи(кайфияти)да ҳаракат қилиши лозим. "Чайтанья Чаритамрита"да аниқ айтилганки, Кришнанинг яқин ҳамроҳларининг ташки кўринишига, кийинишларига тақлид қилмасдан, уларнинг ҳис-туйғуларини ўзига сингдириб олишга интилиш лозим. Шунингдек, ҳамиша Радха ва Кришнанинг ўзаро муҳаббатга асосланган ишқий муносабатларига мувоқабат қилиб юриш лозим. Сутканинг 24 соатида Радха ва Кришна ҳақида ўйлаб юриш ва уларга мангу хизмат қилиш лозим. Ўзининг ташки кўринишини ўзгартиришининг мутлақо ҳожати йўқ. Радхаранининг дугона ва ҳамроҳларининг кайфиятида ҳаракат қилиб, охир-оқибатда руҳий баркамолликка эришиш ва Голока-Вриндаванга, Кришнанинг илоҳий даргоҳига эришиш мумкин.

Гопиларнинг ҳис-туйғулари бутунлай Кришнага интилган ҳолат *сиддха-деха* деб аталади. Бу ибора соф руҳий танани билдиради, у сезгилардан, ақлдан ва тафаккурдан устун туради. *Сиддха-деха* - Парвардигорга хизмат қилишга лойиқ бўлган покланган руҳ. Ўзининг шахсий борлигининг соф руҳий ҳолатида бўлмай туриб, Парвардигорнинг шахсий ҳамроҳи сифатида Унга хизмат қилишнинг илоҳиёт бўлади. Ана шу руҳий шахс ҳар қандай моддий иллатдан мутлақо пок. "Бхагавад-

гита"да айтилганидай, моддий булганган тирик мавжудотнинг моддий онги уни бошқа моддий танага олиб ўтади. Инсон ажали етганида моддий нарсаларни ўйлайди ва шу боис бошқа моддий тана ичига тушиб қолади. Худди шундай инсон ўзининг соф рухий шахсида бўлган ҳолда Парвардигорга муҳаббат билан илохий хизмат қилиш ҳақида ўйласа, у рухий оламда Кришна билан бирга бўлиш учун рухий салтанатга кўтарилади. Бошқача қилиб айтганда, ўзининг рухий шахсига эга бўлиб ва Кришнанинг мангу ҳамроҳлари ҳақида ўйлаб юриб, инсон рухий салтанатга кўтарилишга муносиб зот бўлади. Ўзининг соф рухий шахси(*сиддха*)да бўлмай туриб ҳеч ким рухий салтанатнинг фаолияти ҳақида фикр-мулоҳаза юритишга қодир эмас. Шундай қилиб, Рамананда Рай айтадики, **инсон токи *шуддха-деха* бўлмас экан, у на Ваджаллик қизларнинг яқин ҳамроҳи бўлишга, на Худо Шахси Кришнага ва Унинг мангу рафиқаси Радхаранига бевосита хизмат қилишга қодир бўла олмайди.** Рамананда Рай "Шримад Бхагаватам"(10.47.60)дан бир шеър келтирди: "На равнақ фариштаси Лакшми, на самовий салтанатнинг парилари Ваджабхумилик қизлар эришган бахтга эриша олмайдилар. Шундай экан бошқалар ҳақида нима дейиш мумкин?"

Парвардигор Чайтанья Рамананда Райнинг тушунтиришларидан жуда мамнун бўлди ва уни кучоқлаб бағрига босди. Кейин улар иккиси ҳам жазавали илохий лаззатга ғарқ бўлиб йиғлай бошладилар. Шу тариқа улар тун бўйи Радха ва Кришнанинг илохий эрмакларини муҳокама қилиб чиқдилар, тонг отгандан кейин эса хайрлашиб ажралиб кетдилар. Рамананда Рай уйига қайтиб кетди, Парвардигор Чайтанья эса, чўмилиб покланиш учун йўл олди.

Хайрлашар экан, Рамананда Рай Парвардигор Чайтаньянинг оёқларига бош қўйиб сажда қилди ва шундай илтижо қилди: "Эй азиз Худойим, Сен мени ана шу ғофиллик оламидан кутқариш учун келгансан. Шу боис, Сендан менинг ақлимни моддий иллатлардан поклаш учун шу ерда ҳеч бўлмаса яна ўн кун қолишингни илтимос қиламан. Сендан бошқа ҳеч ким Худога ана шундай илохий муҳаббатни бошқаларга тарқатишга қодир эмас".

"Мен сенинг Радха ва Кришнанинг илохий эрмаклари ҳақида гапирган гапларингни тинглаб покланиш учун келдим. - Эътироз билдирди унга Парвардигор. - Мен жуда омадлиман, чунки сен - ана шу илохий эрмакларни тушунтира оладиган ягона зотсан. Мен бутун оламда Радха ва Кришнанинг ўзаро илохий ишқий муносабатларини англаб етишга қодир бўлган бошқа бирор зотни топа олмайман. Сен Мендан бу ерда яна ўн кун қолишни илтимос қиляпсан, лекин Мен умримнинг охиригача сендан ажралмасликни Ўзим учун бахт деб ҳисоблаган бўлардим. Илтимос, Джаганатха Пурига Меникига кел, шу ерда бизлар умримизнинг охиригача бирга бўламиз. Сен билан суҳбатлашиш шарофати билан мен умримнинг қолган кунларини Радха ва Кришнани англаш билан машғул бўлиб ўтказаман".

Эртасига кечқурун Шриман Рамананда Рай яна Парвардигор Чайтаньяни кўргани келди ва улар яна ўша илохий мавзуларда суҳбатни давом эттирдилар.

"Билимдонликнинг олий намунаси қандай бўлади?" - деб бошлади Ўзининг саволини Чайтанья Маҳапрабху. Унга жавобан Рамананда Рай айтдики,

**билимдонликнинг олий намунаси - Кришна ҳақидаги илмни билишдан иборат.** Дунёвий билимдонлик намунаси - ҳиссий лаззатланиш, аммо рухий билимдонликнинг олий намунаси - Кришна ҳақидаги илмни билиш. "Шримад Бхагаватам"(4.29.50)да айтилганки, **фаолиятнинг энг олий тури - Худога мамнуният(лаззат) бағишлайдиган фаолият,** олий илм, **олий билим - инсонни Кришна онгига киритиб қўядиган илмдир.** Худди шундай Прахлад Махараж ўзининг мактабдош дўстларига илм ўргатар экан, айтдики, энг олий рухий илм - Худо ҳақида тинглаш, Унинг муқаддас номларини куйлаш, Уни эслаб юриш, Унга сажда қилиш, илтижо қилиш, хизмат қилиш, Кришнага дўст бўлиш ҳамда ўзининг бутун бойлигини Унга эҳсон қилишдан иборат.

"Инсон эриша олиши мумкин бўлган энг катта обрў қандай бўлади?" - деб сўради Чайтанья Маҳапрабху Рамананда Райдан. Рамананда Рай жавоб бериб айтдики, Кришнани англаб етган кишини энг катта обрўга, шон-шухратга эришган киши деб ҳисоблаш лозим.

### 32-боб.

#### Хулоса

Кришнани англаб етган киши сифатида машхур бўлган киши мангу шон-шарафга эришади. Моддий оламда ҳар бир инсон уч насага интилади: мангу ном қолдириш, бутун оламга машхур бўлиш ва ўзининг дунёвий фолиятидан қандайдир манфаат кўриш. Лекин, буларнинг ҳаммаси - дунёвий ном, шон-шухрат ва бойлик - фақат ўткинчи моддий тана билан боғлиқ бўлган нарсалар эканини, тана ўлгандан кейин буларнинг ҳаммаси йўқолиб кетишини ҳеч ким тушунмайди. Фақат ғофиллиги туфайли инсон ўзининг ҳозирги ўткинчи танаси билан боғлиқ бўлган ном қолдириш, дунёвий шон-шухрат ҳамда моддий бойликка интилиб яшайди. Эритшган шон-шухрати фақат ҳозирги танаси билан боғлиқ бўлган киши ачинарли ҳаёт кечираётган кимсадир. Ўзининг руҳ эканини биладиган, руҳ ҳақидаги илмга эга бўлган, лекин Олий Руҳ, Парвардигор Вишну ҳақида ҳеч наса билмайдиган кишининг ҳаёти ҳақида ҳам шундай деб айтиш мумкин. Инсон фақат Кришнани англаб етганида ҳақиқий, мангу шон-шухратга эришади.

"Шримад Бхагаватам"га асосан ўн икки ишончли мўътабар зот бор, уларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг буюк содиқлари сифатида бутун уч оламда шон-шухрат қозонганлар. Улар Брахма, Нарада, Тангри Шива, Ману, Капила, Прахлада, Джанака, Бхишма, Шукадева Госвами, Бали, Йамараджа ва Кумарлар. Ана шу зотлар ҳозир ҳам ҳақиқий инсонлар хотирасида сақланиб қолганлар, чунки уларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг ўзгармас буюк содиқларидирлар. "Гаруда-пурана"да айтилганки, Кали-юга даврида Парвардигорнинг машхур содиқлари Тангри Брахма ва Тангри Шивадан ҳам камроқ учрайди. Нарада Муни билан Пундариканинг суҳбатини назарда тутиб, Йудхистхира шундай деди: "Сон-саноксиз туғилиб-ўлишлардан кейин ўзи



аслида Васудеванинг хизматкори эканини тушуниб етган киши ҳаммадан ҳам кўпроқ шон-шухратга эришади. Ана шундай инсон бошқа ҳаммани ҳам озодликка чиқаришга кодирдир"

Парвардигор Кришна ҳам "Бхагавад-гита"да Аржунга шундай деб айтади: **"Ҳақиқий илмга эга бўлган киши кўплаб туғилиш ва ўлишлардан кейин Мени барча сабабларнинг ҳамда бутун борлиқнинг сабаб-чиси сифатида англаб етиб, ўзини бутунлай Менга топширади. Лекин, ана шундай буюк зот жуда кам учрайди"**(бг.7.19)

"Ади-пурана"да айтилганки, Парвардигорнинг барча содиқлари рухий озодликка эришиб, илоҳий ҳаёт билан яшайдилар. "Брихан-нарадия Пурана"да айтилганки, ҳатто Тангри Брахма сингари буюк шахслар ва фаришталар ҳам Худонинг Олий Шахсининг содиқ хизматкорини муносиб кадрлай олмайдилар. "Гаруда-пурана"да айтилганки, **кўп минглаб брахманлар орасида курбонлик маросимларини ўтказишда юқори тажрибага эришган биргина аъло брахман топилади, ана шундай минглаб тажрибали брахманлар орасида биттаси "Веданта-сутра" илмини билиши мумкин. Ана шундай "Веданта-сутра" илмининг билимдонлари бўлган минглаб брахманлар орасидан биттаси Парвардигор Вишнунинг содиқ хизматкори сифатида машҳур бўлиши мумкин. Парвардигор Вишнунинг жуда кўп содиқлари бор, лекин улар орасидан фақат ишонч ва садоқати ҳар қандай вазиятда ҳам ўзгармас бўлган содиқ хизматкоргина Парвардигорнинг салтанатига киришга муносиб бўлади.** "Шримад Бхагаватам"(3.13.4)да ҳам айтилганки, жуда кўп одамлар Ведаларни ўрганадилар, лекин қалбининг тўрида ҳамиша Худонинг Олий Шахси ҳақида ўйлаб юрган киши - уларнинг ичида энг аълосидир. "Нарайана-вйуха-става"да айтилганки, агар Парвардигорнинг содиғи бўлмаса, ҳатто буюк Брахма ҳам энг пасткаш зот ҳисобланади, аммо, агар Худонинг содиқ хизматкори бўлса, ҳатто микроб ҳам энг буюк, машҳур зот ҳисобланади.

Кейин Чайтанья Махапрабху Рамананда Райдан сўради: "Бу дунёда ҳамма нарсдан кадрлироқ нима?" Рамананда Рай жавоб берди: **"Қалбида Худога, Радха-Кришнага муҳаббат бор киши бутун оламдаги энг қимматбаҳо хазинага эга бўлган энг бадавлат инсон ҳисобланади"**. Дунёвий моддий лаззатларга интилиб юрган ёки моддий бойликларни ёқтирадиган киши ҳақиқий бадавлат одам ҳисобланмайди. Лекин инсон ўзлигини англаб, Кришнани англаш поғонасига эришганида бутун оламда Радха-Кришнага бўлган муҳаббатдан ҳам катта бойлик йўқ эканини тушунишга кодир бўлади. "Шримад Бхагаватам"да Дхрува Махаражнинг Парвардигорни излагани ҳақида ҳикоя бор. У қандайдир салтанатга эга бўлиш учун Парвардигорни излашга тушади, лекин у Кришнани учратганида шундай деди: "Мен бу учрашувдан шунчалик мамнунманки, менга энди ҳеч нарсанинг кераги йўқ". "Бхагавад-гита"да ҳам айтилганки, агар инсон Худонинг Олий Шахсидан паноҳ топган бўлса, яъни қалбида Худога муҳаббатнинг олий поғонасига кўтарила олган бўлса, унинг бу дунёда интиладиган бошқа бирор мақсади қолмайди. Гарчи ана шундай содиқлар Парвардигордан ўзлари истаган ҳар қандай нарсани тилаб олишлари

мумкин бўлса ҳам, улар ҳеч қачон Худодан ўзларига бирор нарса тиламайдилар.

Парвардигор Чайтанья Рамананда Райдан: "Энг даҳшатли, азобли мусибат нима?" - деб сўраганида у шундай жавоб берди: "Энг азобли мусибат - Парвардигорнинг асл содиқ хизматкоридан айрилиб яшашидир". Бошқача қилиб айтганда, агар жамиятда Худонинг содиқлари бўлмаса, ундаги одамлар ҳаётда каттик кийналиб яшайдилар, бошқа одамлар билан бирга бўлиш оғир бир азобга айланади. "Шримад Бхагаватам"(3.30.7)да айтилганки, Худонинг асл содиқ хизматкорлари билан учрашиш имкониятига эга бўлмагани учун бошқа худобеҳабар одамлар билан дўстлашишдан, уларни севишдан ўзига бахт излаб юрган кишининг ҳаётини **энг ачинарли ҳаёт** деб ҳисоблаш лозим. "Брихад-Бхагаватамрита"(5.44)да айтилганки, Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори билан учрашиш ҳаётнинг ўзидан ҳам кадрлироқ, ундан айрилган ҳолда эса, бир лаҳза ҳам бахтли бўлишнинг иложи йўқ.

Шундан кейин Парвардигор Чайтанья Рамананда Райдан сўради: "Ўзларини озодликка эришган деб юрган шунча одамлар орасида ким ҳақиқатан ҳам озодликка чиққан ҳисобланади?" Рамананда Рай жавоб берди: **"Барча озодликка чиққан зотлар ичида энг аълоси деб бутун вужуди Радха-Кришнага садоқатли муҳаббатга тўла кшини айтиш лозим"**. "Шримад Бхагаватам"(6.14.4)да айтилганки, Нарайананинг содиқ хизматкори - шунчалик нодир зотки, миллион-миллион одамлар орасида фақат биргина шундай зотни учратиш мумкин.

"Сенинча, барча кўшиқлар ичида энг яхшиси қайси?" - деб сўради Чайтанья Махапрабху. Рамананда Рай жавоб берди: **"Ҳамма кўшиқлар ичида энг аълоси - Радха ва Кришнанинг эрмаклари шарафлаб куйланадиган кўшиқдир"**. Шартланган ҳаётда рухлар жинсий ҳаётга мафтун бўлиб, унинг қулига айланиб қолганлар. Бадий адабиётларнинг ҳаммаси - пьесалар, романлар, дунёвий кўшиқларнинг ҳаммаси - эркак ва аёлнинг бир бирига бўлган муҳаббат(эктирос)и ҳақида ёзилган. Ана шундай адабиётлар одамларни жуда кизиқтиргани учун Парвардигор Кришна бу дунёга келиб, гопилар билан Ўзининг илоҳий эрмаklarини намоён этган. Гопилар билан Кришнанинг ўзаро ишқий муносабатларини таърифлайдиган жуда кўп асарлар бор, ана шундай адабиётларни, яъни Радха билан Кришна ҳақидаги китобларни ўқиб-ўрганиб юрган киши ҳақиқий бахтдан лаззатланиб яшаши мумкин. "Шримад Бхагаватам"(10.33.36)да айтилганки, Парвардигор одамларга Ўзининг ҳақиқий ҳаётини кўрсатиш учун Вриндаванда Ўзининг илоҳий эрмаklarини намоён этган. Радха ва Кришнанинг эрмаklarини тушуниб олишга самимий интилиб юрган оқил киши одамлар орасида энг омадли инсондир. Радха билан Кришнанинг илоҳий эрмаklarи шарафлаб куйланадиган кўшиқлар эса - барча кўшиқлар ичида энг буюк, юксак кўшиқлардир.

Кейин Чайтанья Махапрабху савол берди: "Дунёда энг фойдали амал нима, барча яхши воқеа-ҳодисаларнинг асл моҳияти нимада?" Рамананда Рай жавоб бериб айтдики, бутун уч оламда Худонинг асл содиқ хизматкорлари билан суҳбатлашишдан ҳам фойдалироқ амал йўқ.

"Хар бир инсонга сен нима ҳақда ўйлаб юришни маслаҳат берган бўлардинг?" - савол берди Чайтанья Маҳапрабху. Рамананда Рай жавоб бериб айтдики, **ҳамиша Парвардигор Кришнанинг эрмаклари ҳақида ўйлаб юриш лозим.** Кришна онги билан яшашнинг моҳияти шунда. Кришна ҳар хил фаолият билан машғул, улар ҳақида жуда кўп ведавий муқаддас китобларда ёзилган. Ҳамиша Парвардигор Кришнанинг ана шу эрмаклари ҳақида ўйлаб юриш керак; мана шу энг яхши мувоқаб ва энг буюк лаззатдир. "Шримад Бхагаватам"(2.2.36)да Шукадева Госвами тасдиқлайдики, ҳамиша Худонинг Олий Шахси ҳақида ўйлаб юриш, фақат ўйлаб юриш эмас, балки Унинг муқаддас номларини, шон-шухратини ва улугворлигини ҳамиша тинглаб ва шарафлаб куйлаб юриш лозим.

"Мувоқаб қилишнинг энг яхши тури нимада?" - деб савол берди Чайтанья Маҳапрабху.

"Мувоқаб қилиб юрганлар ичида энг яхшиси ҳамиша Радха ва Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига мувоқаб қилиб юрган кишидир" - деди Рамананда Рай. Бу ҳам "Шримад Бхагаватам"(1.2.14)да тасдиқланади:

"Парвардигор - барча содиқларнинг ягона ҳукмдори, муқаддас номини ҳамиша такрорлаб юриш лозим бўлган ва ҳамиша сажда қилиб сиғиниш лозим бўлган ягона Зот".

"Инсон бошқа барча дунёвий лаззатлардан воз кечиб қаерда яшаши лозим?" - деб савол берди Чайтанья Маҳапрабху. Рамананда Рай жавоб бериб айтдики, инсон барча дунёвий орзу-ҳавасларини тарк этиб Парвардигорнинг шунча эрмак ва ўйинлари бўлиб ўтган Вриндаванда яшаши лозим. "Шримад Бхагаватам" (10.47.61) да Уддхава айтадики, ҳатто бирор ўсимлик ёки чирмовуқ бўлиб яшашга тўғри келса ҳам, яшаш учун энг яхши жой - Вриндавандир. Вриндаванда Парвардигорнинг Ўзи яшаган, Вриндаванда Унга - Ведалар илмининг якуний мақсадига гопилар сиғинганлар.

"Нималар ҳақида тинглаш ҳаммасидан яхши?" - деб сўради Чайтанья Маҳапрабху.

"Радха ва Кришнанинг эрмаклари ҳақида" - деб жавоб берди Рамананда Рай. Ҳақиқатан ҳам, ишончли манбадан Радха ва Кришнанинг эрмаклари ҳақида тинглаб, инсон шу захотиёқ озодликка эришади. Афсуски, баъзан шундай бўлиб турадики, одамлар Парвардигорнинг ана шу илоҳий эрмаклари ҳақида ҳали руҳий ўзлигини англаб етган зот даражасига эришмаган кишилар оғзидан тинглайдилар. Мана шу баъзида одамларни йўлдан адаштириб кўяди. "Шримад Бхагаватам"(10.33.40)да айтилганки, гопи ва Кришнанинг эрмаклари ҳақида тинглаб юрган киши Худого садоқат билан хизмат қилишнинг энг олий поғонасига кўтарилади ва бу моддий оламда яшаётган ҳар кимнинг қалбини лиммо-лим тўлдирган моддий эҳтирос иллатдан халос бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Радха ва Кришнанинг эрмаклари ҳақида тинглаб юриш шарофати билан моддий эҳтирос иллатидан бутунлай поклашиш мумкин. Лекин, агар инсон шу тариқа моддий эҳтирос иллатидан покланмаса, у Радха ва Кришнанинг эрмаклари ҳақида тингламаслиги керак. Токи инсон Радха ва Кришнанинг эрмаклари ҳақида ишончли манбадан тингламас экан, у Радха ва Кришнанинг эрмакларини эркак ва аёл орасидаги оддий ишқий муносабатлар деб нотўғри тушуниб юраверади.

"Илоҳнинг қайси бир киёфаси кўпроқ ҳурматга муносиб?" - деб савол берди Чайтанья Маҳапрабху. Рамананда Рай ўйлаб ҳам турмасдан жавоб бердики, оқибат-натияжада сиғиниш лозим бўлган ягона зот - илоҳий жуфтлик, Шри Радха ва Кришна. Одамлар сиғиниб юрган жуда кўп зотлар бор, масалан, имперсоналистлар брахмджджйотига сиғинадилар, лекин Радха ва Кришнадан бошқа бирор Зотга сиғиниш билан киши инсонга хос бўлган барча тириклик аломатларидан маҳрум бўлади ва дарахт ва бошқа бирор қўзғалмас ҳаёт туридаги тирик мавжудот билан бир бўлиб қолади. Худди шундай бўшлиққа, қандайдир шакл-шамойили йўқ мавҳум зотга сиғиниб юрган одамлар ҳам шундай натижага эришадилар. Моддий лаззатлар(*бхукти*)га интилиб юрган кишилар фаришталарга сиғинадилар ва уларнинг сайёраларига эришиб, шу ерда моддий бахтдан лаззатланиб яшайдилар.

Шунда Парвардигор Чайтанья ундан моддий бахтга ва моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга интилиб юрган одамлар ҳақида сўради. "Охир-оқибатда улар қаерга борадилар?" - деди У. Рамананда Рай жавоб бериб айтдики, уларнинг баъзилари дарахт танасига эга бўладилар, яна бирлари моддий бахтдан лаззатланиб яшайдиган жаннатий сайёраларга эришадилар.

Кейин Рамананда Рай айтдики, Кришнани англашга интилмайдиган ёки руҳий ҳаёт билан қизиқмайдиган кишилар худди *нимба* дарахтининг аччиқ мевасидан лаззат оладиган қарғаларга ўхшайдилар. Овози ширин какку эса, манго дарахтининг мевасидан лаззатланади. Омадсиз илоҳиёт кишилари фақат қурук фалсафий сафсаталар ҳақида бош қотирадилар, Радха ва Кришна билан ўзаро ишқий муносабатда бўлган илоҳиёт кишилари эса, какку сингари, ширин мевалардан лаззатланиб яшайдилар. Шунинг учун Радха ва Кришнанинг содиқлари бутун жаҳондаги энг омадли инсонлардир. Нимба дарахтининг аччиқ мевалари умуман ейиш учун ярқисиз ҳисобланади. Улар фақат қурук фалсафий ғоялардан иборат бўлиб, фақат қарғалардан фарқ қилмайдиган сафсатабозларнигина қаноатлантириши мумкин. Аммо Мангонинг меваларининг таъми ширин, Радха ва Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юрган кишилар ана шу мевалардан лаззатланадилар.

Шу тариқа Рамананда Рай билан Чайтанья Маҳапрабху тун бўйи суҳбатлашиб ўтирдилар. Улар гоҳида рақсга тушар, гоҳида қўшиқ куйлар, гоҳида йиғлар эдилар. Шу тарзда тунни бедор ўтказиб, тонгда Рамананда Рай уйига қайтди. Шу кун кечкурун у яна Чайтанья Маҳапрабхунинг олдида келди. Улар бироз вақт Кришна ҳақида суҳбатлашиб ўтирдилар, кейин Рамананда Рай Парвардигор Чайтаньянинг оёқларига йиқилиб, шундай деди: "Эй азиз Худойим, Сен шунчалик меҳрибонсанки, менга Радха ва Кришна ҳақидаги, Уларнинг ўзаро ишқий муносабатлари ҳақидаги илмни ўргатдинг, *раса* рақси пайтида Улар нима қилганлари ҳамда Уларнинг эрмаклари ҳақида гапириб бердинг. Мен ҳеч қачон бундай мавзуларда гапира оламан деб ўйламаган эдим. Бир вақтлар Тангри Браҳмани ўргатганинг сингари, Сен ҳозир менга ҳам ана шу илмни ўргатдинг".

Олий Рухдан илм ўрганиш тартиби шундай. Уни ташқаридан кўрмаслик мумкин, аммо ичдан туриб У

Ўзининг содиқ хизматкорига гапириб туради. Бу "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланади, унда айтилганки, Худого садоқат билан самимий хизмат қилиб юрган кишига Парвардигорнинг Ўзи ичдан йўл кўрсатиб туради. У шундай ҳаракат қиладики, охир-оқибатда содиқ инсон ҳаётининг олий мақсадига эришади. Тангри Браҳма туғилганида унга насихат берадиган ҳеч ким йўқ эди. Шунинг учун Парвардигорнинг Ўзи унинг қалбида туриб ичдан унга Ведалар илмини ўргатган. "Шримад Бхагаватам"(2.4.22)да Шукрадева Госвами ҳам тасдиқлайдики, *гайатри* мантрасини биринчи бўлиб Парвардигорнинг Ўзи Браҳмага унинг қалбида туриб ўргатган. Шу боис Шукрадева Госвами Парвардигорга илтижо қилиб, Ундан Махараж Парикшитга "Шримад Бхагаватам"ни мукамал гапириб беришга ёрдамлашишни сўрайди.

"Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи Кўшиқ, биринчи шеърисида Олий Мутлақ Ҳақиқат ҳақида "Брахманинг қалбида туриб илм ўргатган Зот" деб айтилган. "Шримад Бхагаватам"нинг муаллифи Вйасадева шундай дейди: "Мен Худонинг Олий Шахси, намоён бўлган бу космик оламнинг яралиш, мавжудлик ва яксон бўлишининг сабабчиси бўлган Шри Кришна олдида эҳтиром билан бош эгаман". Агар биз олий ҳақиқатни ҳақиқатан ҳам тўғри тушуниб олишга интилаётган бўлсак, Унинг бевосита ёки билвосита ҳамма нарсадан хабардор эканини тушуна оламиз. Мутлақ Ҳақиқат ягона Олий Шахсдир, фақат Унинг Ўзи тўла мустақил Зотдир. Фақат Унинг Ўзи Тангри Браҳмага қалбидан туриб насихат берган. Ана шу олий ҳақиқатни англаб етиш йўлида ҳатто буюк билимдон олимлар ҳам муваффақиятга эриша олмадилар, чунки сезгиларимиз билан қабул қиладиган бутун космик олам Унинг ичида жойлашган. Гарчи бу моддий олам шунчаки олов, сув, ҳаво ва ердан таркиб топган бўлса ҳам, барибир у ҳақиқийдай бўлиб кўринади. Аслида, барча руҳий ва моддий оламлар, шунингдек, барча тирик мавжудотлар фақат Унинг ичида жойлашган. Шунинг учун У - энг олий ҳақиқатдир.

Рамананда Рай Парвардигор Чайтаньяга гапиришда давом этди: "Аввалига мен Сени саннийаси қиёфасида кўрдим, лекин кейин, мен Сени подачи-болакай қиёфасида кўрдим. Сенинг олдинда мен олтинранг кўғирчоқни кўрдим, унинг ранги таъсирида Сенинг тананг ҳам олтин рангга кирди. Лекин барибир Сенинг тананг подачи болакайники сингари қорамтир рангда эканини кўряпман. Илтимос, менга тушунтириб берчи, нимага мен Сени бундай ҳолатда кўряпман? Бирор нарсани яширмасдан менга тушунтириб берчи".

"Ҳамма нарсада Кришнани кўриб юриш - энг улуғвор содиқларнинг табиатидир, - деди Парвардигор Чайтанья - улар қаерга қарасалар ҳам, улар ўзлари қараб турган нарсанинг қиёфасини кўрмайдилар. Улар фақат Кришнани кўрадилар". Буни "Шримад Бхагаватам"(11.2.45) ҳам тасдиқлайди: "Худого садоқат билан хизмат қилишда юқори поғонага эришган киши барча алоҳида руҳларнинг Жони бўлган Олий Руҳни, Кришнани ҳамиша кўриб юрадилар". Буни тасдиқлайдиган шеър "Шримад Бхагаватам"нинг Ўнинчи Кўшиғида ҳам бор(10.35.9, унда айтилганки, бутазорлар, мева ва гуллар билан оғирлашган шохалари дарахтлар ва чирмовуқлар Кришнага муҳаббатдан жазавали лаззатга тушиб бош эгардилар, чунки Кришна -

уларнинг жонларининг Жони. Кришна уларни тарқ этганида бу дархтлар ва бутазорларни тиканаклар босиб кетди.

"Сен Радха ва Кришнанинг эрмаклари ҳақида энг юксак даражадаги тушунчага эгасан, - давом этди Парвардигор Чайтанья - шунинг учун сен ҳамма жойда Радха-Кришнани кўриб юрасан".

Рамананда Рай жавоб берди: "Сендан илтимос, аслида ким эканингни мендан яширишга уринма! Биламан, Сен Шримати Радхаранининг фикрларини ва танасининг рангини қабул қилиб, Унинг нуқтаи-назаридан Ўзингни тушуниб олишга ҳаракат қиляпсан. Аслида Сен Унинг кўзлари билан Ўзингга назар ташлаш учун Ўзингни шундай қиёфада намоён этгансан. Гарчи Сен Ўзингни англаб етиш учун намоён бўлган бўлсанг ҳам, йўл-йўлакай бутун оламга Кришнага муҳаббат тарқатиб юрибсан. Мени озодликка чиқариш учун ҳозир Ўзинг бу ерга келгансан. Илтимос, мени алдашга уринма, буни Сендан илтижо қиламан. Бу Сенга ярашмайди".

Унинг бу гапларидан жуда мамнун бўлган Парвардигор Чайтанья кулиб кўйди ва Рамананда Райга Ўзининг Радха билан Кришнани бирлаштириб турган асл қиёфасини намоён этди. Шундай қилиб, Парвардигор Чайтанья аслида Шримати Радхаранининг ташқи қиёфасига кириб олган Парвардигор Кришнанинг Ўзи эди. Унинг илоҳий қобилияти иккита бўлади, кейин яна битта бўлиб Рамананда Райга намоён бўлди. Парвардигор Чайтаньяни ва Радха ва Кришнанинг Вриндавандаги эрмакларини тушуниб етишга қодир бўлган омадли инсон Шрила Рупа Госвамининг марҳамати билан Шри Кришна Чайтанья Маҳапрабхунинг асл табиати ҳақида билиб олади.

Парвардигор Чайтаньянинг ана шу ғаройиб қиёфасини кўриб, Рамананда Рай хушидан кетиб ерга йиқилди. Шунда Парвардигор Чайтанья шунчаки қўлини унга теккизиш билан уни хушига келтирди. Рамананда Рай Парвардигор Чайтаньяни яна аввалгидай *саннийаси* либосида кўриб ҳайратга тушди. Парвардигор Чайтанья Рамананда Райни кучоқлаб бағрига босди, уни овутиб, Уни мана шу қиёфада кўрган ягона инсон фақат у эканини айтди. "Менинг мана шу қиёфада мужассам бўлишдан мақсадимни тушуниб етганинг учун Мен сенга алоҳида марҳамат кўрсатиб, Ўз шахсимнинг мана шу алоҳида хусусиятини сенга ошкор этиб кўрсатдим. - деди Парвардигор. - Азизим Рамананда, Мен танаси сариқ рангдаги Гаурапуруша деб билладиган инсон эмасман. Мен ўша Нанда Махаражнинг ўғли Шри Кришнамани, лекин, Шримати Радхаранининг танасига текканим шарофати билан Мен ҳозир мана шу қиёфага кирдим. Шримати Радхарани Парвардигор Кришнадан бошқа ҳеч кимга қўлини текказмайди, шунинг учун У танасининг ранги билан, Ўзининг нутқи ва фикрлари билан Менга таъсир қилди. Шундай қилиб, Мен ҳозир Унинг Кришна билан ўзаро муносабатининг илоҳий таъмини тушунишга ҳаракат қиляпман".

Парвардигор Кришна ҳам, Парвардигор Чайтанья ҳам Худонинг бошланғич Шахси эканига шубҳа йўқ. Ҳеч ким Парвардигор Чайтаньяни Шри Кришнадан ажратишга ҳаракат қилмаслиги керак. Ўзининг Шри Кришна қиёфасида У - олий лаззатланувчи, Ўзининг Парвардигор Чайтанья қиёфасида эса, У - олий лаззат-

лантирувчи. Файритабиий мафтункорликда ҳеч ким Шри Кришнадан устун бўлолмайди, Шри Кришнадан бошқа ҳеч ким Шримати Радхаранининг олий даражадаги садоқатидан лаззатлана олмайди. Вишнунинг Шри Кришнадан бошқа барча қиёфаларининг бирортасида ана шундай қобилият йўқ. Бу "Чайтанья Чаритамрита"да Говинда таърифланганида тушунтирилган. Унда айтилганки, Шримати Радхарани - Кришнани илоҳий лаззатга тўлдира оладиган ягона Зот. Шунинг учун Говиндага, Худонинг Олий Шахсига, Шри Кришнага муҳаббат бобида Шримати Радхарани - Ваджалик кизлардан биринчиси.

"Энди Мен сендан ҳеч нарсани яширмаганимга тўла ишонсанг бўлади, - деди Парвардигор Чайтанья - агар Мен сендан бирор нарсани яширишга уринган бўлсам ҳам, сен шунчалик буюк содиқ хизматкорсанки, Менинг барча сирларимни тушуниб олишга қодирсан. Мен сендан буларнинг ҳаммасини сир сақлашни уларни ҳеч кимга ошкор этмасликни илтимос қиламан. Агар одамлар шуни билсалар, Мени ақлдан озган деб ўйлардилар. Мен сенга ошкор этган ҳақиқатни имонсиз дунёвий одамлар тушуна олмайдилар. Улар бу ҳақда эшитганларида, шунчаки Менинг устимдан куладилар. Сен ўзинг бунини тушуна олишга ва сир сақлашга қодирсан. Дунёвий одамлар нуқтаи назарида содиқ хизматкорнинг Кришнага муҳаббатнинг жазавали лаззатига фарқ бўлиши - шунчаки телбалик. Биз иккимиз ҳам телбаларга ўхшаймиз. Шунинг учун Мен сендан бу сирларни оддий инсонларга ошкор этмасликни илтимос қиламан. Акс ҳолда улар Менинг устимдан кула бошлайдилар".

Шундан кейин Парвардигор Чайтанья Рамананда Рай билан яна ўн тун вақтини бирга бўлиш ҳамда Радха ва Кришнанинг эрмаклари ҳақида суҳбатлашишдан лаззатланиб ўтказди. Уларнинг суҳбатлари Кришнага муҳаббатнинг энг юксак поғонасида ўтди. Ана шу суҳбатларнинг баъзилари таърифлаб ёзилган, лекин уларнинг аксарият кўп қисмини таърифлашнинг иложи йўқ. "Чайтанья Чаритамрита"да бу суҳбатлар худди металлни синовдан ўтказишга қиёсланган. Металларнинг бир бирига нисбатан хусусиятлари муҳокама қилинганда уларнинг маълум тартиби бор: мис, бронза, кумуш, олтин ва фалсафа тоши. Парвардигор Чайтаньянинг Рамананда Рай билан қилган биринчи суҳбатларини мисга, юксакроқ мавзуда ўтган кейинги суҳбатлари олтинга қиёсланади. Лекин бу суҳбатларнинг бешинчи ўлчами худди фалсафа тошига ўхшайди. Энг олий даражадаги тушунчага эга бўлиш учун инсон аввал мис билан бронзанинг бир биридан фарқини ўрганиши лозим, кейин кумушга ўтиши, кейин олтинга ва ҳоказо.

Орадан ўн кун этди, Парвардигор Чайтанья Рамананда Райдан Унга Джаганатха Пурига қайтиб кетишга рухсат беришни илтимос қилди. "Бизлар то умримизнинг охиригача вақтимизни Джаганатха Пурида Кришна ҳақида суҳбатлашиб ўтказишимиз мумкин". Шундай деб туриб У Рамананда Райни кучоқлаб бағрига босди ва уни уйига жўнатди. Эртасига эрталаб Парвардигор Чайтанья йўлга тушди. У Рамананда Райни Хануманнинг эҳроми олдида дарё соҳилида учратди. Хануманнинг эҳромига кириб чиққандан кейин Парвардигор Чайтанья бу ерларни тарк этди. Парвардигор Карпурда бўлган пайтида ҳар хил одамлар билан учрашди, улар-

нинг ҳаммаси Унинг марҳамати билан Парвардигорнинг содиқ хизматкорига айландилар.

Парвардигор кетгандан кейин Рамананда Рай Ундан айрилиқ азобига бардош бера олмасдан ўзини кўярга жой топа олмай қолди, шунинг учун у Парвардигор билан Джаганатха Пурида яна учрашиш учун дунёвий хизматини тарк этишга қарор қилди. Парвардигор Чайтанья билан Рамананда Райнинг суҳбатлари Худога садоқат билан хизмат қилишнинг энг жипслашган тури ҳақида бўлиб ўтади. Ана шу суҳбатларни тинглаб, Радха ва Кришнанинг эрмакларини ва шунингдек, Парвардигор Чайтанья Ўз зиммасига олган сирли ролни тушуниб олиш мумкин. Ана шу суҳбатларга чуқур ишонган омадли киши Радха ва Кришнанинг илоҳий даврасига қира олади.

17.03.07 23:30:56

02.07.2010 22:12:13